

ЖАҲОН АДАБИЁТИ

АДАБИЙ-БАДИИЙ, ИЖТИМОИЙ-ПУБЛИЦИСТИК ЖУРНАЛ

Муассислар:

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ДАВЛАТ МАТБУОТ ҚЎМИТАСИ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ЁЗУВЧИЛАР УЮШМАСИ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
“МАЪНАВИЯТ ВА МАЪРИФАТ”
ЖАМОАТЧИЛИК МАРКАЗИ

Бош муҳаррир:

Озод ШАРАФИДДИНОВ

Таҳрир ҳайъати:

Неъмат АМИНОВ
Муҳаммадали АҲМЕДОВ
Шароф БОШБЕКОВ
Жамолиддин БЎРОНОВ
Эркин ВОХИДОВ
Одил ЁҚУБОВ
Неъматулла ИБРОҲИМОВ
Мурод МУҲАММАД ДЎСТ
Мирпўлат МИРЗО
(Бош муҳаррир муовини)
Абдулла ОРИПОВ
Ғайбулла САЛОМОВ
Жавлон УМАРБЕКОВ
Шоир УСМОНХЎЖАЕВ
Рустам ШОҒУЛОМОВ
Ғайзи ШОҲИСМОИЛ
(масъул котиб)
Саидбек ҲАСАНОВ

Май '98

МУНДАРИЖА

НАСР

СЕРГЕЙ ДОВЛАТОВ. Чөмодан. <i>Қисса</i>	3
ЧАМАНЗАМИҶЛИ. Қизлар булоғи. <i>Роман</i>	65
ИТАЛО ФРАНКИ. Буюк банкир. <i>Драма</i>	135

ШЕЪРИЯТ МИНТАҚАЛАРИ

СЕРГЕЙ ЕСЕНИН. Хуррам бир соғинч	60
ҚУТЛИБЕКА. Ватан ҳам бутундир, бутундир миллат... ..	128

МАНГУЛИККА ДАХЛДОР

АБДУЛЛА АЪЗАМОВ. Фарғоний номи билан	172
МУЗАФФАР ХАЙРУЛЛАЕВ. Маънавият ва мустақиллик жарчиси	178

ФАЛСАФА. МАДАНИЯТ. САНЪАТ. ИҚТИСОДИЁТ

НЕЪМАТУЛЛА ИБРОҶИМОВ. Хоразмдаги Маъмунийлар академияси	183
--	-----

КИТОБЛАР ОЛАМИДА

АМИР ФАЙЗУЛЛА. Янги ташриф, янги совға	187
--	-----

ЖАҶОН КУЛАДИ

АРКАДИЙ АВЕРЧЕНКО. Ҷажвий ҳикоялар	191
--	-----

СОЛНОМА

Германияда маданий ҳаёт	205
-------------------------------	-----

Сергей ДОВЛАТОВ

Чемодан

Эй, Она Россия! Шундайинча ҳам
Мен учун азизсан ҳамма юртлардан.

Александр БЛОК

МУҚАДДИМА

ОВИРда бу қанжиқнинг менга айтган гапига қаранг:

— Жўнаб кетаётган ҳар бир одам учта чемодан олиб ўтиши мумкин. Белгиланган норма шунақа. Вазирликнинг махсус фармойиши бор.

Эътироз билдиришнинг маъноси йўқ эди. Лекин мен ўзимни тутолмадим, албатта:

— Атиги учта чемоданми? Буюмларни нима қилмоқ керак?

— Яъни масалан?

— Масалан, мен пойгачи автомобиллар йиғиб юраман.

— Сотинг, — деб жавоб берди амалдор ўйлаб ўтирмай. Кейин жиндай қошини чимириб, қўшиб қўйди:

— Агар бирор нарсдан норози бўлсангиз, ариза ёзинг.

— Мен розиман, — дедим.

Турмадан кейин мен ҳамма нарсдан рози эдим.

— Ундоқ бўлса, сал камтарроқ бўлинг...

Бир ҳафтадан кейин буюмларимни жойлай бошладим. Шунда маълум бўлдики, менга бор-йўғи битта чемоданнинг ўзи етиб ортар экан.

Ўзимга ўзим раҳмим келиб, йиғлаб юборишимга сал қолди. Ахир, ўттиз олтига кирганман. Шундан ўн саккиз йилини ишлаб ўтказганман. Озми-кўпми маош олганман, у-бу харид қилганман. Ўзимча озми-кўпми давлатим бор деб юрардим. Охир-оқибатда, ҳамма буюмим бир чемодан бўлипти. Яна бунинг устига чемодан каттароқ бўлганда ҳам майли эди. Бундан чиқадики, мен қашшоқ эканман-да? Қандай қилиб шунақа бўлиб қолди?

Китобларми? Менда, асосан, ман қилинган китоблар бор эди. Божхона уларни ўтказмайди. “Архив” деб аталмиш қоғозларим билан бирга уларни ошна-оғайниларга бўлиб беришга тўғри келди.

Қўлэзмаларми? Мен аллақачон уларни яширин йўллар билан Ғарбга жўнатиб бўлганман.

Мебелни айтасизми? Ёзув столини воситачи дўконга топширдим. Стулларни рассом Чечин олиб кетди. Шу пайтгача у стул ўрнида яшиқлардан фойдаланиб келар эди. Қолган нарсаларни ташлаб юбордим.

Шундай қилиб десангиз, битта чемодан билан жўнаб кетдим. Чемодан фанердан бўлиб, устига мато қошланган, бурчакларига ялтироқ темир қоқилган эди. Қулфи бузуқ эди. Кир иладиган тизимча билан чемоданнинг белидан ўраб боғлашга тўғри келди.

Бир замонлар шу чемодан билан пионер лагерига борардим. Қопқоғига сиёҳ билан: “Кичкина группа. Сережа Довлатов”, деб ёзиб қўйилганди. Унинг ёнига

Ортиқбой
АБДУЛЛАЕВ
таржимаси

Сергей Довлатов (1941-1990) Ленинград университетида ўқиди, журналистлик қилди. Ёзувчилик фаолиятини олтмишнеча йиллар ўртасида бошлади.

1978 йилда чет элга чиқиб кетди. Унинг ғарбда «Кўринмас китоб», «Зона», «Кўриқхона», «Чемодан» ва бошқа китоблари чоп этилди. 1990 йил августда Нью Йоркда вафот этди.

ЖАҲОН АДАБИЁТИ

кимдир ошначилик қилиб “мол пўқи” деб ёзиб қўйипти. Матонинг бир неча жойи йиртилиб кетган.

Қопқоқнинг ичкари томонига фотосувратлар ёпиштирилган. Рокки Марчиано, Армстронг, Иосиф Бродский, юпқа либос кийган Лоллобрижида. Божхона ходими тирноқлари билан Лоллобрижидани кўчириб олмоқчи бўлди. Аммо сувратнинг тирналгани қолди, холос.

Бродскийга тегмади. — Бу ким? — деб сўради. Узоқ қариндошим деб жавоб бердим...

Ўн олтинчи май куни мен Италияда эдим. Римдаги “Дина” деган меҳмонхонада турдим. Чемоданни кроватнинг тагига тиқиб қўйдим.

Орадан кўп ўтмай рус тилида чиқадиغان аллақайси журналлардан қалам ҳақи олдим. Ҳаворанг шиппак, енгил матодан тикилган жинси, уч-тўртта чит кўйлак сотиб олдим. Чемоданни очмадим ҳам.

Уч ойдан кейин Қўшма Штатларга — Нью-Йоркка етиб олдим. Аввал “Рио” меҳмонхонасида турдим. Кейин Флашингда ошнараримникида яшадим. Ниҳоят, тузуккина райондан бир уйни ижарага олдим. Чемоданни деворга ишланган жовоннинг бир бурчагига қўйиб қўйдим. Унинг белидаги кир иладиган тизимчани бу гал ҳам ечганим йўқ.

Орадан тўрт йил ўтди. Оиламиз тикланди. Қизим ёш америкалик бўлиб қолди. Ўғил кўрдим. У ҳам улғайиб, шўхлик қила бошлади. Бир куни хотиним тоқати тоқ бўлиб уни уришиб берди:

— Қани, жўна! Ҳозироқ жавонга кир!

Ўғлим уч дақиқача жавонда қамалиб ўтирди. Кейин уни жавондан чиқариб, сўрадим:

— Кўркмадингми? Йиелаганинг йўқми?

Ўғлим нима дейди денг?

— Йўқ. Чемоданнинг устида ўтирдим.

Шунда чемоданни жавондан олиб, очдим.

Буюмларнинг устида тузуккина костюм ётарди. Мабодо интервью берсам, симпозиумлар, маърузалар, зиёфат-пиёфатларга бориб қолганда киярман, деб ўйлагандим. Тахминимча, бу костюмни Нобель мукофотининг маросимига ҳам кийиб борса бўлаверарди. Унинг тагида поплин кўйлак билан газетага ўралган туфли. Уларнинг остида — чийдуҳоба камзул. Астари сунъий мўйнадан. Чап томонда тулаб битган мўйна кулоқчин. Уч жуфт фин пайпоғи. Машина ҳайдовчилар киядиган қўлқоп. Ниҳоят, офицерларнинг чарм қайиши.

Чемоданнинг тагига саксонинчи йилнинг майида чиққан “Правда”нинг варағи солинган. Унда “Улуғ таълимот — боқийдир!” деган йирик ҳарфлар билан босилган шиор. Марказда Карл Маркснинг суврати.

Мактабда ўқиб юрганимда жаҳон пролетариати доҳийларининг сувратини чиқишни яхши кўрардим. Айниқса, Марксни. Бир томчи сиёҳни ёйилтириб юборсанг бас — Марксга ўхшайди-қолади.

Мен бўшаган чемоданга тикилиб қолдим. Унинг тубида — Карл Маркс. Қопқоғида — Бродский. Уларнинг оралиғида эса беҳуда ўтган, бебаҳо, ягона умр.

Чемоданни ёпдим. Ичида нафталин доналарининг шитир-шитир қилгани эшитилди. Буюмлар бир тўп бўлиб стол устида уюлиб ётарди. Ўттиз олти йиллик умрим давомида орттирган давлатим шу эди. Ватанимда кечган бутун умрим мобайнида-я! Наҳотки, бор-йўқ давлатим шу бўлса, деган фикр кечди миямдан. Ҳа, бор-йўғи шу, — деб жавоб бердим ўзимча.

Шу нуқтага етганда бирдан хотиралар ёпирилиб келди. Афтидан, бу хотиралар ана шу ғариб латга-путталарнинг қат-қатларига кириб яшириниб олган эдилар. Мана энди улар ташқарига ёпирилиб чиқа бошлади. Бу хотираларни “Марксдан Бродскийга” деб атаса буларди. Ёки “Орттирган давлатим” деса ҳам бўлади. Ёки жунгина қилиб “Чемодан” деб қўя қолиш ҳам мумкин.

Ҳар доимдагидек бу гал ҳам муқаддима чўзилиб кетди.

ФИН ПАЙПОҒИ

Бу воқеа бундан ўн саккиз йил аввал рўй берган эди. У пайтларда мен Ленинград дорифунунининг талабаси эдим.

Дорилфунун бинолари шаҳарнинг кўҳна қисмида жойлашганди. Бу ерда тош билан сувнинг бир-бирига киришиб кетиши оқибатида улугвор манзаралар ҳосил бўларди. Бундай муҳитда ялқов бўлиш жуда қийин, лекин мен бунинг уддасидан чиқар эдим.

Дунёда аниқ фанлар деган нарса бор. Бинобарин, ноаниқ фанлар ҳам бор. Ноаниқ фанлар ичида, менимча, биринчи ўринни филология эгалласа керак. Шундай қилиб, мен филфак талабасига айландим.

Бир ҳафтадан кейин қадди-қомати келишган, хорижий туфли кийган қиз менга ошиқ бўлиб қолди. Қизнинг оти Ася эди.

Ася мени ошналари билан таништирди. Улар муҳандислар, журналистлар, кинооператорлар бўлиб, ҳаммалари ҳам биздан катта эди. Уларнинг орасида ҳатто битта магазин мудирини ҳам бор эди.

Бу одамлар яхши кийинишарди. Ресторанларни ёқтиришар, саёҳат қилишни яхши кўришарди. Баъзиларининг шахсий машиналари ҳам бор эди.

Ўша пайтларда уларнинг ҳаммаси менга жуда сирли, кучли ва жозибадор кўринарди. Мен ҳам уларнинг даврасида улардай бўлишни орзу қилардим.

Кейинчалик уларнинг кўпчилиги хорижга кетиб қолди. Ҳозир улар қартайиб қолган оддий яхудийлар.

Бизнинг ўша кезлардаги юриш-туришимиз анчагина катта сарф-харажатни талаб қиларди. Бу харажатларни кўпинча Асянинг дўстлари кўтарарди. Бундан мен гоётда хижолатга тушардим.

Эсимда, бир кун Ася такси буюраётган чоқда доктор Логовинский киши билмас қилиб менга тўрт сўм қистирди.

Ҳамма одамларни икки тоифага ажратиш мумкин. Бир тоифа одамлар сўраб-суриштирадиганлар. Иккинчи тоифалари эса жавоб берадиганлар. Яъни бир тоифа одамлар савол устига савол беради. Иккинчи тоифа одамлар эса бунга гаши келиб, қовоқ уяди.

Асянинг дўстлари қизга савол беришмасди. Мен бўлсам уни сўроққа тутганим-тутган эди.

— Қаерда эдинг? Метрода ким билан саломлашдинг? Француз атрини қаёқдан олгансан?

Агар бирор муаммонинг счими ўзларига унча маъқул тушмаса, бундай одамлар ўша муаммоларни ҳал қилиб бўлмайди деб ҳисоблайди. Шунда улар савол устига савол бераверадилар, ҳолбуки бу саволларга ҳаққоний жавоб талаб қилинмайди.

Хуллас, менинг туриш-турмушим бемаъни эди, ўзимни сурбетларча тутардим.

Мен қарздор бўла бошладим. Қарзларим геометрик прогрессия йўли билан кўпайиб борарди. Ноябрь ойига келиб, улар саксон сўмга етди — ўша вақтларнинг қаричи билан ўлчаганда бу жуда катта рақам!

Мен гаровхонанинг нима эканини билиб олдим, унинг тилхатларини, навбатларини, ғам-ғусса ва қашшоқлик муҳитини кўрдим.

Ася ёнимда экан, бу тўғрида ўйламасам ҳам бўларди. Бироқ биз хайр-маъзур қилишимиз биланоқ, қарз ҳақидаги ўйлар қора булутдек ёпирилиб келарди.

Мен бир бало бўлишини сезиб уйқусираб турардим. Соатлар мобайнида ўзимни кийинишга мажбур қилолмасдим. Ўша пайтларда бирор заргарлик дўконини ўмарини астойдил ўйлай бошладим.

Мен амин бўлдимки, қашшоқ одам ошиқ бўлиб қолса, унинг миясидаги ҳар бир фикр жинояткорона бўлар экан.

Бу вақтларга келганда дарсларни ўзлаштиришим сезиларли даражада пасайиб кетди. Ася бўлса аввал ҳам ўзлаштирмаганлар қаторида юарди. Деканатда бизнинг ахлоқий қиёфамиз тилларга тушиб қолди.

Мен сездимки, одам ошиқ бўлса-ю, яна бунинг устига қарздор бўлса, унинг ахлоқий қиёфаси ҳақидаги гаплар, албатта, тилга тушар экан.

Хуллас, ишларимиз роса пачава эди.

Бир кун олти сўм топини илинжида шаҳарда изғиб юардим. Гаровхонадан қишки пальтомни қайтариб олмоғим керак эди. Шунда Фред Колесниковни учратиб қолдим.

Фред Елисеев магазинининг темир панжарасига суянганча чекиб турарди. Мен унинг олибсотар эканини билардим. Бир вақтлар бизни Ася таништириб қўйганди.

У йигирма уч ёшлардаги, заҳил рангли новча йигит эди. Гаплашганда асабий ҳолда сочини силаб қўярди.

Мен иккиланиб ўтирмай тўғри ёнига бордим.

— Эртагача менга олти сўм бериб туrolмайсизми?

Одамлар хижолат тортмай “йўқ” дейишлари осон бўлсин учун қарз сўраганимда ҳамиша шилқимроқ кўринишга ҳаракат қилардим.

— Бемалол, — деди Фред ёнидан чоғроққина тўртбурчак ҳамёнини олар экан.

Кўпроқ сўрамаганим алам қилди.

— Кўпроқ олақолинг, — деди Фред.

Аммо мен аҳмоқ унинг гапига “йўқ” деб туриб олдим.

Фред менга қизиқсиниб қаради.

— Юринг, тушлик қиламиз, — деди у. — Сизни бир меҳмон қилай.

У ўзини содда ва табиий тутарди. Мен ҳамиша ўзини шунақа тутаоладиган одамларга ҳавас қилардим.

Биз уч маҳалла юриб, “Чайка” ресторанига бордик. Залда одам йўқ эди. Официантлар ён томондаги столлардан бирининг теварагида чекиб ўтиришарди.

Деразалар очиқ эди. Пардалар шабадада чайқалиб турибди.

Биз залнинг тўрига ўтмоқчи бўлдик. Аммо ялтироқ куртка кийган бир ёш йигит Фредни тўхтатди. Уларнинг ўртасида алланечук сирли кўринган суҳбат бўлиб ўтди.

— Саломларим сизга!

— Ҳурматимни қабул этгайсиз! — деб жавоб берди Фред.

— Қалай?

— Чакки эмас.

Йигит ҳафсаласи пир бўлгандай қошини чимирди.

— Ҳеч нарса йўқми?

— Мутлақо.

— Сиздан илтимос қилган эдим-ку...

— Кўп афсус...

— Умид қилсам бўладими?

— Албатта-да!

— Ҳафта давомида бўлса яхши бўларди-да...

— Ҳаракат қиламан.

— Бирон кафолат борми?

— Кафолат бўлиши мумкин эмас. Лекин мен ҳаракат қиламан.

— Асл мол бўладими?

— Албатта.

— Унда қўнғироқ қилинг.

— Албатта, қиламан.

— Телефоним номери эсингиздами?

— Афсуски, йўқ.

— Ёзиб олинг, бўлмаса.

— Бажону дил.

— Лекин бу телефонда гаплашадиган гап эмас.

— Тўғри айтасиз.

— Балки товарни олиб, тўғри уйга кирарсиз?

— Бажону дил.

— Адрес эсингиздами?

— Унутган чиқарман-ов...

Суҳбат шу тақлидда давом этаверди.

Биз залнинг тўридаги бурчакка ўтдик. Дастурхонда дазмолдан қолган чизиқлар манаман деб кўриниб турарди. Дастурхон ғадир-будир эди.

Фред деди:

— Анави сўтакка эътибор беринг-а... Бир йил аввал у менга анча-мунча соатга буюртма берганди. Мен ўн мартача товарни олиб келдим. Олмади. Ҳар гал бири-биридан янги баҳоналар топади. Қўйинг-чи, ҳали ҳам бир ёқли қилгани йўқ. Нега бунақа қилади, деб кўп ўйладим. Бирдан аён бўлиб қолди — у менинг соатларимни олмоқчи эмас. У ўзини бизнесмен деб ҳис қилмоқчи, катта савдогар қилиб кўрсатмоқчи, холос. Шунинг учун мени кўрган пайтда “Менинг илтимосим нима бўлди?” деб тутгани-тутган.

Официант жувон буюртмани ёзиб олди. Биз чекдик. Мен Фреддан сўралдим:

— Сизни қамаб қўйишлари мумкинми?

Фред бир оз ўйланиб, хотиржам жавоб берди:

— Қамашлари мумкин. Ўзимизникилар сотади-да, — деб қўшиб қўйди у зарда-сиз оҳангда.

— Унда йиғиштириб қўя қолсангиз бўлмайдимиз?

Фреднинг пешонаси тиришди.

— Бир вақтлар мен экспедитор бўлиб ишлаганман. Ойига тўқсон сўмга тирикчилик қилардим...

Шундоқ деб қўққисдан ўрнидан турди-да, хитоб қилди:

— Бунақа турмуш — ўта бемаза майнавозчилик!

— Турма афзал эмас.

— На илож? Бирон ишга уқувим йўқ. Тўқсон сўмга хор бўлишга рози эмасман.

Хўп, майли дейлик, ҳаётимда икки мингта котлет еяйин. Йигирма бешта зўр костюмни кийиб тўзитай, “Огонек” журналининг етти юзта сонини варақлаб чиқай. Бори-йўқ кўрганим шу бўладими? Дурустроқ хузур-ҳаловат кўрмай ўтиб кетавераманми? Ундан кўра бир лаҳза яшай, лекин одамга ўхшаб яшай...

Гап шу ерга етганда бизга егулик билан ичимлик олиб келишди.

Менинг янги дўстим фалсафа сўқишда давом этди.

— Туғилмасимиздан олдин — тубсиз жаҳаннам. Ўлганимиздан кейин ҳам тубсиз жаҳаннам. Бизнинг ҳаётимиз чексизлик уммонида бир зарра, холос. Шундоқ бўлгандан кейин лоақал ҳозирги дақиқани нолиш ва зерикш билан ўтказмайлик. Курраи заминнинг бирор жойини тирнаб кетишга ҳаракат қилайлик. Бўйинтуруқни ўрта миёна одам бўйнига оссин. У барибир жасоратлар кўрсатаётгани йўқ. У ҳагто жиноятлар содир қилаётгани ҳам йўқ...

Мен Фредга қараб, “Ундан кўра жасоратлар кўрсата қолишсин-да!” деб қичқиришимга сал қолди. Лекин ўзимни тийиб қолдим. Нима бўлганда ҳам мен унинг ҳисобига ичиб ўтирибман.

Биз ресторанда бир соатча ўтирдик.

— Кетиш керак. Гаровхона ёпилиб қолади, — дедим мен.

Шунда Фред Колесников мени шерикликка ундаб қолди.

— Менга шерик бўлмайсизми? Мен жуда эҳтиёткорлик билан иш юритаман. Валюта билан тиллани олмайман. Ҳамёнингизни қаппайтириб олсангиз, йўлда тушиб қолсангиз ҳам бўлаверди. Хуллас, хўп деяқолинг... Ҳозир бир тўйиб ичамиз-да, ишни эртага гаплашамиз.

Эртасига ошнам мени алдаб кетади, деб ўйладим. Йўқ, Фред бор-йўғи кеч қолди, холос. Биз “Астория” меҳмонхонасининг олдидаги ишламай ётган фаввора ёнида учрашдик. Кейин бутазорга чекиндик.

— Бир дақиқадан кейин иккита фин жувон мол билан келади. Машина олингда улар билан бирга манави адресга суринг... Биз бир-биримизни сизлаяпмизми? — деди Фред.

— Йўқ, сенсирашга ўтганмиз. Ортиқча такаллуф на ҳожат.

Фред менга газетанинг бир парчасини тутқазиб, давом этди:

— Сени Римар кутиб олади. Уни таниб олиш қийин эмас. Римарнинг аҳмоқона туси бор. Бунинг устига жигарранг свитер кийиб юради. Ўн дақиқадан кейин мен етиб бораман. Ҳаммаси о'кей бўлади!

— Мен финча билмайман-ку?

— Ҳечқиси йўқ. Энг муҳими — илжай! Мен ўзим борар эдим-ку, лекин бу ерда мени танишади. — Фред қўлимдан тутди.

— Ана улар! Ҳаракатингни қил!

Шундай деб бутазор ичига ғойиб бўлди.

Мен юрагим така-пука бўлиб, иккита аёлнинг истиқболига юрдим. Чарх товоқдай офтобда қорайган башаралари важдан улар деҳқон аёлларга ўхшаб кетишарди. Аёлларнинг устида оқ плаш, оёқларида бежирим туфли бор эди. Бошларида рангдор дурра, ҳар биттасининг қўлида тўрва; тўрвалар яхшилаб дамланган футбол тўпидай қашпайган.

Имо-ишорага зўр бериб, аёлларни бир амаллаб такси тўхтайдиган жойга олиб бордим. Навбат йўқ эди. Мен тинимсиз “Мистер Фред... Мистер Фред...” деб такрорлардим. Шундай деб аёллардан бирининг енгидан ушлаб қўярдим.

— Қани анави нусха? — деб бирдан жазавага тушди аёл. — Қаёққа гумдон бўлди? Нега бошимизни гаранг қияпти?

— Сиз русча биласизми?

— Онаси рус эди...

— Мистер Фред бир оздан кейин келади. У сизларни ўз уйига олиб боришимни тайинлади, — дедим.

Машина келиб тўхтади. Мен борадиган жойимизни айтдим. Кейин ойнага қараб, кўчани тамоша қила бошладим. Кўчадаги йўловчилар орасида милиционерлар шу қадар кўп бўлишини хаёлимга ҳам келтирмаган эдим.

Аёллар ўзаро финча гаплашиб боришарди. Уларнинг ранжиб кетаётганлари шундоққина кўриниб турипти. Кейин улар кулиб юборишди. Буни кўриб сал енгил тортдим.

Йўлда оловдай лов-лов ёниб турган свитерлик йигит мени кутиб олди. У кўзларини қисиб, менга деди:

— Башараларини қара!

— Аввал ўзингга боқ! — деб жаҳл қилди Илона. Шеригига қараганда у ёшроқ эди.

— Улар русча билишади, — дедим мен.

— Жуда яхши-да! — деди Римар пинагини бузмай. — Жуда соз. Тил билиш яқинлаштиради. Ленинград сизга маъқул келдими?

— Чакки эмас, — деди Мария.

— Эрмигажга кирдингларми?

— Ҳали кирганимиз йўқ. Қаерда у?

— Ҳар хил расмлар, совға-саломлар, бало-бадтарлар бор. Илгари замонларда у ерда подшолар истиқомат қилган.

— Бир кириб чиқсак бўларкан, — деди Илона.

— Эрмигажга бормабсизлар-а? — деб койинди Римар.

Унинг қадам ташлаши ҳатто бир оз сусайди ҳам. Гўёки бунақа маданиятсиз аёллар билан ойначилик қилиш унга малол келгандай...

Биз иккинчи қаватга кўтарилдик. Римар эшикни итарди. У очиқ экан. Ҳар томонда идиш-товоқ уюлиб ётарди. Деворларга фотосувратлар илиб ташланган. Диваннинг устида хорижда чиққан пластинкаларнинг рангдор филофлари ётипти. Ўрин йиғилмаган.

Римар чироқни ёқиб, тезгина ҳамма ёқни саришта қилди. Кейин сўради:

— Қандай мол олиб келдинглар?

— Яхшиси, аввал пулдор ошнанг қаерда эканини айт бизга.

Шу лаҳзада гурс-гурс қадам товушлари эшитилди ва Фред Колесников пайдо бўлди. У бир қўлида газета ушлаб олганди. Бу газетани почта қутисидан олипти. Унинг кўриниши жуда хотиржам, ҳатто лоқайд эди.

— Терве, — деди у фин жувонларга. — Яхшимисизлар?

Кейин Римарга ўгирилди:

— Мунча башаранг совуқ бўлмаса? Қизларга шилқимлик қилдингми?

— Менми? — деб жаҳли чиқди Римарнинг. — Биз гўзаллик ҳақида валақлашдик. Буларнинг русчага туппа-тузук экан-ку!

— Жуда яхши. — деди Фред, — яхшимисиз, Ленарт хоним. Қалай юрибсиз, Илона — ойм қиз?

— Ёмон эмас, раҳмат!

— Нега русча билишинларни яшириб эдинглар?

— Буни биздан биров сўрабмиди?

— Олдин жиндай-жиндай ичайлик, — деди Римар.

У жавондан бир шиша Кўба ромини олди. Жувонлар ҳузур қилиб ичишди. Римар яна қуйди.

Меҳмон аёллар ёзилгани чиқиб кетишганда, Римар деди:

— Фин хотинларининг ҳаммаси бир-бирига ўхшайди.

— Опа-сингил бўлгандан кейин ўхшамай нима қилсин, — деб изоҳ берди Фред.

— Ўзим ҳам шундай бўлса керак, деб ўйлаб эдим... Айтганча, бу Ленарт хонимнинг башараси жуда совуқ-а?

Фред Римарни уришиб берди.

— Ўзи, терговчининг башарасидан бошқа бирон сенга ёқадиган башара борми? Жувонлар дарров қайтишди. Фред уларнинг қўлига тоза сочиқ тутди. Улар қадаҳларни кўтариб жилмайишди. Бу уларнинг шу бугунги иккинчи жилмайишлари эди.

Улар тўрваларини тиззаларига кўйиб олган эдилар.

— Ура, — деди Римар. — Германия устидан ғалаба учун!

Биз ичдик. Жувонлар ҳам ичишди. Полда радиола турарди. Фред оёғи билан унинг мурватини буради. Қора айлана енгилгина чайқалиб турарди.

— Қайси ёзувчини яхши кўрасиз? — деб фин аёлларининг бошини қотиришда давом этди Римар.

Аёллар ўзаро маслаҳатлашиб олишди. Сўнг Илона:

— Каръялайнен чиқар-ов! — деди.

Римар мутакаббирлик билан жилмайди. Бу билан у аёллар айтган ёзувчининг номзодини маъқуллаётганини кўрсатмоқчи бўлди. Лекин дилида бошқа гапи бор эди:

— Тушунарли, — деди у, — хўш, молларинг қанақа мол?

— Пайпоқ, — деб жавоб берди Мария.

— Бошқа ҳеч нарса йўқми?

— Нима бўлишини хоҳлардинг?

— Неча пул?— баҳосини суриштирди Фред.

— Тўрт юз ўттиз икки сўм, — дея дона-дона жавоб берди Илона.

— Ё парвардигор! — деб хитоб қилди Римар. — Йиртқич капитализмнинг ҳайвоний башараси кўриниб қолди-ку!

— Мени пайпоқнинг неча жуфтлиги қизиқтиряпти, — деб уни бир чеккага суриб кўйди Фред.

— Етти юз йигирма жуфт.

— Креп-нейлонми? — деб талабчанлик билан гапга аралашди Римар.

— Синтетика, — жавоб берди Илона. — Жуфти олтмиш тийиндан. Ҳаммаси тўрт юзу ўттиз икки сўм...

Шу ерда мен жиндай ҳисоб-китоб қилиб беришим керак. Ўша кезларда креп пайпоқлар роса модага кирган эди. Совет саноати бунақа пайпоқ чиқармас эди. Уларни фақат чайқовда харид қилиш мумкин эди. Бир жуфт фин пайпоғи олти сўм турарди. Финлардан уларни олтмиш тийинга сотиб олса бўларди. Соф даромад тўқсон фоизни ташкил қиларди.

Фред ҳамёнини олиб, пулни нақд санаб берди.

— Мана, яна йигирма сўм, — деди у. — Молни тўрваси билан қолдиришлар.

— Сиваш жанжалини тинч йўл билан бартараф қилмоқ учун ичамиз, — деб орага суқилди Римар. — Эльзас ва Лотарингиянинг қўшилмоқлари учун сипқорайлик!

Илона пулларни чап кўлига олди. Ўнг кўли билан лим тўла стаканни кўтарди.

— Бу жувонлар билан бир ишрат қилмаймизми? — деб шивирлади Римар. — Халқаро яқдиллик учун.

Фред менга ўтирилди:

— Кўрдингми, куним қанақа одамларга қолганини...

Мен кўрқиб кетдим ва анча бесаранжом бўлиб қолдим. Тезроқ чиқиб кетгим келиб қолди.

— Сиз қайси рассомни яхши кўрасиз? — деб сўради Римар Илонадан.

Шунақа деб туриб кўлини Илонанинг орқасига кўйди.

— Маантерени яхши кўрсам керак, — деди Илона ундан ўзини олиб қочиб.

Римар таъна қилгандай қошларини чимирди. Гўё унинг эстетик туйғуси бир оз камситилгандай.

— Аёлларни кузатиб кўйиш зарур. Шоферга етти сўм бериш керак. Мен Римарни юборсам бўларди-ю, боласи тушмагур, пулнинг бир қисмини ўмариб қолади-да, — деди Фред.

— Мен-а? — деб ғазабланди Римар. — Мендай ҳалол одам топилармикан бу дунёда.

Мен қайтиб келганимда ҳар томонда ранг-баранг целофан халтачалар сочилиб ётарди. Римар сал-пал жиннига ўхшаб кўринарди.

— Пиастрлар, кронлар, долларлар, франклар, пенлар... — деб минғирларди у.

Кейин бирдан тинчиб қолди, ён дафтарчаси билан фломастерни қўлига олди. Нималарнидир ҳисоблаб чиқиб гап қотди:

— Ропша-роса еттиз юз йигирма жуфт. Финлар ҳалол одамлар-да... Бекорга ҳам ривожланган давлат эмас-да...

— Учга кўпайтир, — деди унга Фред.

— Нега энди учга кўпайтирар эканман?

— Улгуржи берадиган бўлсак, битта пайпоқ уч сўмдан кетади. Соф даромад бир ярим мингдан ортиқроқ бўлади.

Римар бир зумда аниқ ҳисоблаб берди:

— Бир минг етти юз йигирма саккиз сўм.

Унинг ақли қосирлиги фойдани аниқ ҳисоблашига ҳалақит бермасди.

— Жон бошига беш юздан ортиқроқ, — деди Фред.

— Беш юзу етмиш олти сўм, — деб яна аниқлик киритди Римар.

Оз-моз ўтгандан кейин Фред иккимиз кабохонага кирдик. Стол устидаги кле-ёнка ёпишқоқ эди. Теварак-атрофни алланечук ёғли туман босган. Одамлар аква-риумдаги балиқлардек сузиб юришинти.

Фреднинг қовоғи солиқ, паришонхотир эди. Мен:

— Беш дақиқада шунча пул ишладик-а?! — дедим.

Гапни қавласанг, гап чиқади-да...

— Барибир, — деб жавоб берди Фред, — маргаринда қоврилган сомсани олиб келгунларигача қирқ дақиқа кутасан.

Шунда мен:

— Мени бошингга урасанми? — деб сўрадим.

— Мен Римарга ишонмайман. Римар мижознинг ҳақидан уриб қолади, деб кўрқмайман. Ҳолбуки, у бемалол шундай қилиши ҳам мумкин. Римар мижозга пул ўрнига эски облигацияларни ўтказиши ҳам мумкин. Ёки у мижозни қўли билан пайпаслаб кўришдан ҳам тоймайди. Лекин унга ишонмаслигимнинг сабаблари бу ҳам эмас. Унга шунинг учун ишонмайманки, у — фирт аҳмоқ. Аҳмоққа нима панд беради? Гўзаллик иштиёқи. Римар гўзалликка интилади. Ўзи ҳалокатга маҳкум бўлса ҳам, шу улумини кўймайди. Римар япон транзисторини ҳоҳлаб қолипти. Римар “Берёзка” магазинига бориб, кассирга қирқ сўм узатипти. Ўзининг афт-башарасидан ҳадиксирамапти ҳам. Сирасини айтганда, у энг хашаки гастронომга кириб, бир сўм узатадиган бўлса, кассир бу пул ўғирлик эмасмикин, деб гумонсирайди. Ҳолбуки, қирқ доллар катта пул! Валюта олди-сотдиси қонунларига тўғри келмайди. Тайёр модда!.. Эртами-кечми у турмага тушиши аниқ.

— Мен-чи?— деб сўрадим.

— Сенми? Сен тушмайсан. Сен бошқа ишкаликларга рўпара бўласан.

Қанақа ишкаликлар деб ижикилаб ўтирмадим.

Хайрлашатуриб Фред деди:

— Пайшанба кuni улушингни оласан.

Мен уйга алланечук мужмал бир ҳолатда жўнадим. Мен ҳам безовта эдим, ҳам жазавага тушиб қолгандим. Афтидан, бебилиска пулларда аллақандай разил куч бўлса керак-да.

Бошимдан кечган саргузаштни Асяга айтмай кўяқолдим. Мен уни ҳайрону лол қолдирмоқчи эдим. Ҳеч қутилмаганда бадавлат ва дасти узун одам бўлиб кўринмоқчи эдим.

Бу орада муносабатларимиз борган сари совуқ торта бошлади. Унга берадиган саволларимнинг кети узилмай қолди. Мен ҳатто унинг танишларини чангитиб сўкканимда ҳам савол шаклидан фойдалана бошладим.

— Арик Шулман сенга учига чиққан аҳмоқ бўлиб кўринмайдими?

Мен Асянинг назарида Шулманнинг обрўсини тўкмоқчи эдим, лекин амалда бунинг тескарисига эришдим.

Фурсатидан аввалроқ бўлса ҳам айтақолай — кузга бориб биз ажралишдик. Ахир, бетиним сўраб-суриштирадиган одам бир вақти келиб, жавоб беришни ҳам ўрганмоғи керак-да...

Пайшанба кuni Фред кўнғироқ қилди:

— Расво бўлдик!

— Нима қилди?

Мен Римар қамалиб қолиптими, деб ўйладим.

— Ундан бадтар, — деди Фред. — Ёнингдаги баққоллик дўконига кир.

— Нима қиламан?

— Ҳамма магазинлар крeп пайпоқларга тўлиб кетипти. Советлар ишлаб чиқарган пайпоқ. Жуфти саксон тийиндан. Сифати финларникидан қолишмайди. Худди ўшанга ўхшаш синтетика...

— Энди нима қиламиз?

— Ҳеч нарса. Нима қилиб ҳам бўларди? Социалистик иқтисодиётдан бунақа разилликни ким ҳам кутипти дейсан? Фин пайпоқларини энди кимга ўтказаман? Уларни бир сўмдан ҳам олишмайди. Саноатимизни яхши биламан! Аввалига улар йигирма йил депсиниб турадилар, кейин бирдан кутуриб ишлай кетадилар. Ҳамма магазинга бир хил буюмни тиқиб ташлашади. Ускунани бир созлаб олишса, бўлди, қўяверасиз. Энди крeп пайпоқларни секундига миллион жуфтдан шипиллатиб чиқариб ташлайверади... — Натижада биз пайпоқларни бўлиб олдик. Ҳар биттамызга икки юз қирқ жуфтдан тегди. Икки юз қирқ жуфт ранги совуқ бир хил пайпоқ. Таскин берадиган-бирдан бир жойи шу эдики, “Мейд им Финланд” деган тамғаси бор эди.

Шундан кейин яна кўп воқеалар бўлиб ўтди... “Болонья” плашлари операцияси бўлди. Немисларнинг олтига стереоустановкаларини олиб сотдик. Бир яшик америка сигареталари деб “Космос” меҳмонхонасида муштлашув бўлди. Японларнинг фото жиҳозларини кўтариб олиб милициядан қочганларимиз... Ва яна кўп бошқа воқеалар...

Мен қарзларимни тўлаб кутулдим. Ўзимга дурустгина кийим-кечак сотиб олдим. Бошқа факультетга ўтдим. Бир қиз билан танишдим. Кейинчалик унга уйландим. Римар билан Фредни қамоққа олишганда, бир ой Болтиқбўйида юриб келдим. Адабиётда атак-чечак қадамлар қўябошладим. Ота бўлдим. Ҳокимият билан чиқишмай қолдим. Ишдан ҳайдалдим. Бир ой Калеев турмасида ўтириб чиқдим.

Фақат бир нарса сира ўзгармай қолди. Йигирма йил мобайнида мен турқи совуқ пайпоқни ташлаганим йўқ. Уларни ҳамма танишларимга совға қилдим. Уларга солиб арча ўйинчоқларини асрадим. Пайпоқлар билан чангларни артдим. Ромдаги ҳамма ёриқларни пайпоқ тиқиб беркитдим. Шунга қарамай бу ярамас пайпоқларнинг сони деярлик камайгани йўқ.

Ҳатто жўнаб кетаётиб ҳам кимсасиз уйнинг ўртасида бир уюм қилиб пайпоқларни ташлаб кетдим. Фақат уч жуфтнинггина чемоданга солиб олдим.

Бу пайпоқлар менга ёшликдаги безориликларимни, биринчи муҳаббатимни ва эски дўстларимни эслатди. Фред икки йил ўтириб чиққандан кейин, “Чизетта” мотоклубида ҳалокатга учради. Римар бир йил ўтирди. Ҳозир гишт комбинатидан экспедитор бўлиб хизмат қилади. Ася эсон-омон муҳожир бўлиб олди. Ҳозир Стэнфордда лексикологиядан дарс беради. Шунини эсласам, америка фанига ҳам қойил қолавермайман.

АМАЛДОРНИНГ ТУФЛИСИ

Мен гапни очикдан-очик тан олишдан бошламоғим керак. Бу туфлини мен ўғирлаб олганман десам бўлади.

Икки юз йил муқаддам муаррих Карамзин Францияга борган экан. Рус муҳожирлари ундан сўрашипти:

— Мухтасар айтганда, ватанимизда нималар бўляпти?

Карамзин битта сўз билан жавоб берипти:

— Ўғирлашяпти.

Чиндан ҳам ўғирлашяпти. Йил сайин қулочни каттароқ отишмоқда.

Ўшт комбинатидан молнинг сонларини олиб кетишади. Тўқимачилик комбинатидан калава ўғирлашади. Киноаппаратлар заводидан линзаларни ўмаришади.

Ҳамма нарсани — кафелми, гипсми, полиэтиленми, электр моторларими, мурватлар, радиолапмалар, иплар, шиша-ю ойналарми — ҳаммасини кўтариб кетишади.

Кўпинча буларнинг ҳаммаси ақл бовар қилмайдиган ўта мантиқсиз бир тусга киради. Мен биронта мақсадсиз қилинадиган мутлақо сирли ўғирликларни назарда

туяпман. Аминманки, бунақа ўғирлик фақат рус давлатидагина воқе бўлмоғи мумкин.

Мен ғоятда назокатли, олижаноб, пухта билимли бир одамни билардим — у корхонадан бир челақ цемент қоришмасини олиб кетди. Табиийки, йўл-йўлакай қоришма қотиб қолган. Ўғри тош бўлиб қотиб қолган цементни уйига яқин қолганда улоқтириб юборган.

Бошқа бир ошнам агитпунктни дабдала қилипти. У овоз берадиган қутини олиб кетишти. Уйига олиб бориб қўйгандан кейингина тинчипти. Учинчи танишим ўт ўчирғични ўғирлаб кетишти. Тўртинчиси — бошлигининг кабинетидан Поль Робсоннинг ҳайкалини олиб чиқиб кетишти. Бешинчиси — Шкапин кўчасидаги театр афишалари ёпиштириладиган тумбани ўмаришти. Олтинчиси — ҳаваскорлар клубидан ноталар қўйиладиган попитрни олиб кетишти.

Ўзингиз амин бўлишингиз мумкин — мен мақсадга мувофиқроқ тарзда ҳаракат қилдим. Мен хорижга сотишга мўлжалланган пишиқ-пухта совет ботинкасини ўғирладим. Албатта, мен уни магазиндан ўғирлаганим йўқ. Совет магазинида бунақа ботинкалар бўлмади. Мен Ленинград шаҳар ижроқўми раисининг ботинкасини ўғирладим. Лўнда қилиб айтганда, Ленинград шаҳар мэрининг...

Аммо биз бир оз олдинга кетиб қолдик.

Армиядан бўшагач, мен завод газетасига ишга кирдим. Газетада уч йил хизмат қилдим. Кейин тушундим — мафкуравий иш менга тўғри келмас экан.

Мен кўнглимга яқинроқ бирон иш қилиш иштиёқига тушиб қолдим. Вижлон азобларини кўзгамайдиган иш бўлса...

Бир вақтлар рассомлик мактабда ўқиганим эсимга тушди. Айтганча, мен атоқли рассом Шемякин тугатган мактабда ўқигандим. Баъзи бир малакалар сақланиб қолганди. Танишларим ошна-оғайнигарчилик йўли билан ДАСга (Декоратив-амалий санъат комбинати) жойлаб қўйишди. Мен тошйўнар устага шогирд бўлдим. Монументал ҳайкалтарошлик соҳасида ўзимни кўрсатишга жазм этдим.

Аммо монументал ҳайкалтарошлик жуда консерватив жанр. Бунинг сабаби — унинг монументаллигида.

Ҳеч кимга билдирмай роману симфониялар ёзса бўлади. Хуфия тарзда мўйқаламда расмлар чизиш мумкин. Аммо тўрт метрлик ҳайкални яширинча ишлаб кўрингчи? Овора бўласиз.

Бунақа иш учун кенггина устахона керак. Каттагина миқдорда ёрдамчи маблағ зарур. Анча-мунча ёрдамчилар, шакл берувчилар, қолипчилар, юкчилар. Хуллас, бу ишингиз расман тан олинмоғи зарур. Бинобарин, содиқ фуқаро бўлмоғингиз керак. Ҳеч қанақа тажрибаларга ўрин йўқ.

Бир куни бир машҳур ҳайкалтарошнинг устахонасига бордим. Устахонанинг бурчак-бурчакларида унинг чала ишлари салобат тўкиб турипти. Мен осонгина Юрий Гагарин, Маяковский, Фидель Кастроларни танидим. Синчиклаб қарадим-у, донг қотиб қолдим, уларнинг ҳаммаси яланғоч эди. Яъни қип-яланғоч эди. Думбалари, олатлари, мушаклари ҳафсала билан яхшилаб ишланган.

Қўрқанимдан муз терга ботдим.

— Ҳайрон қоладиган жойи йўқ, — деб изоҳ берди ҳайкалтарош. — Биз реалистлармиз. Олдин гавдани ўхшатиб ишлаймиз. Кейин либосга буркаймиз. Аммо-лекин бизнинг ҳайкалтарошлар жуда бадавлат одамлар. Ҳаммадан кўпроқ Лениннинг тасвири учун олишади. Ҳатто Маркснинг кўп меҳнат талаб қиладиган соқолига ҳам бунақа саҳийлик билан ҳақ тўланмайди.

Лениннинг ҳайкали ҳар бир шаҳарда бор. Ҳар бир район марказида ҳам. Ленин ҳайкалига буюртмаларнинг кети узилмайди. Тажрибали ҳайкалтарош Лениннинг ҳайкалини кўзини юмиб туриб ишлаб ташлайди. Яъни кўзи боғлиқ ҳолда ҳам демоқчиман. Лекин ғаройиб воқеалар ҳам бўлиб туради. Масалан, Челябинскда бундай воқеа бўлган эди:

Марказий хиёбонда шаҳар советининг биноси рўпарасига Лениннинг ҳайкалини ўрнатмоқчи бўлишипти. Тантанали митинг ўтадиган бўлипти. Бир ярим мингтача одам тўпланипти.

Тантанали музика садолари янграпти. Нотиқлар жозибадор нутқлар ирод этишипти.

Ҳайкалнинг устига оқ мато ёпиб қўйилган экан.

Ниҳоят, ҳал қилувчи дақиқалар етиб келипти. Дўмбиралар садоси остида маҳаллий ижроқўм амалдорлари пардани туширишипти.

Ленин таниш қиёфада, яъни катта йўлда машина тўхтатмоқчи бўлиб қўлини кўтарган сайёҳ қиёфасида тасвирланган эди. Унинг ўнг қўли келажак сари йўлни кўрсатиб турарди. Чап қўлини этаги шамолда ҳилпираб турган пальтосининг чўнтагига тиқиб олган эди.

Муסיқа тинди. Атрофни чулғаган сукунат ичида кимдир кулиб юборди. Бир лаҳзадан кейин бутун майдон қаҳ-қаҳ уриб кулабошлаганди.

Ҳақат бир кишигина кулмас эди. Бу одам ленинградлик ҳайкалтарош Виктор Дрижаков эди. Унинг чеҳрасидаги даҳшат ифодаси аста-секин лоқайдлик ва но-чорлик ифодаси билан алмашди.

Хўш, нима бўлган эди? Шўринг қургур ҳайкалтарош Лениннинг шапкасини иккита ишлаб қўйишти. Битгаси доҳийнинг бошида. Иккинчисини қўлида чангаллаб олган.

Мансабдорлар расвоси чиққан ҳайкалнинг устига апил-тапил парда ёпишти.

Эрталаб ҳайкални бошқатдан очишти. Туни билан ортиқча шапкани олиб ташлашипти.

Биз яна чалғиб кетдик.

Катта ҳайкаллар бундай туғилади. Ҳайкалтарош лойдан модел тайёрлайди. Қолипчи уни ганчдан қолипга қуяди. Кейин тоштарошлар ишга киришади.

Ганчдан қуйилган ҳайкал бор. Ҳали шакли-шамойили йўқ мрамор тош бор. Шу тошдан ҳамма ортиқча жойини олиб ташлаш керак. Ганч ҳайкалдан бир туки ҳам ўзга эмас нусха кўчирмоқ керак.

Бунинг учун махсус қурилмалар бор. Уларни пунктир машиналар деб аташади. Шу машиналар ёрдамида тошда мингларча кертмалар қилинади. Яъни бўлғувси ҳайкалнинг шакли-шамойили белгилаб чиқилади.

Шундан кейин тошйўнар чоғроқ перфоратор билан қуролланади. У мрамарнинг бўртиб турган ортиқча жойларини олиб ташлайди. Сўнг скампел (болга билан исканага ўхшаган асбоб) ишга тушади. Ишнинг сўнгги босқичи бошланади. Бу энг нозик, энг масъулиятли босқич...

Тошйўнар мрамарнинг сатҳига ишлов беради. Ҳаракатларида жиндай адашса тамом. Мрамар ҳам ички тузилишига кўра ёғочга ўхшаб кетади. Мрамарнинг ҳам юмшоқ қатламлари, кўзлари, дарз кетган жойлари бўлади. Жуда қаттиқ жойлари ҳам бор. Бошқа жинслар сингишиб кетган ўринлари мавжуд. Хуллас, мрамар билан бўладиган иш жуда оғир, катта меҳнат талаб қилади.

Мени тошйўнарлар бригадасига қўшиб қўйишти. Биз уч киши эдик. Бригадирнинг исми Осип Лихачев эди. Унинг ёрдамчиси ва дўсти — Виктор Ципин. Уларнинг иккови ҳам ўз ишининг моҳир усталари ва ўз-ўзидан маълумки, учига чиққан пиёниста эди.

Лихачев кунда ичишни канда қилмас эди. Ципин эса бир ичса, сурункасига ичабошларди. Лекин Лихачев ҳам баъзан устма-уст босиб ичиб қолар, Ципин эса ҳар гал тўғри келганда бош оғриққа олиб туришдан қайтмасди.

Лихачев бадқовоқ, босиқ, камгап эди. У соатлаб индамай турарди-да, кейин тўсатдан лўнда ва сира кутилмаган гапларни гапириб юборарди. Унинг гаплари ичида ўйлаб юрган оғир ўйларининг давоми бўларди. У ўтиб кетаётган бирор одамга ўтириларди-да, кескин оҳангда гапириб юбораверарди.

— Мана, гапингни қара, ошна! Капитализм, Америка, Оврупо дейсан. Ҳар бир тирранчанинг энгил автомобили бор дейсан... Ҳолбуки, мени кечирасан-у, долларнинг қиймати тушяпти-ку!

— Демак, тушадиган жойи бор экан-да,— деб қувноқлик билан гапга қўшилади Ципин. — Тушаётган бўлса тушаверсин. Сенинг сўминг эса шунини ҳам эпшолмайди. Аммо Лихачев яна сукунат қўйнига шўнғийди-ю, индамай қўяқолади.

Ципин, аксинча, эзмароқ, кўнгли очиқ одам эди. У баҳслашишни ёқтирарди.

— Гап машинада эмас,— дерди у. — Ўзим ҳам машинани яхши кўраман. Капитализмда энг муҳим нарса — эркинлик. Хоҳласанг азондан ярим кечгача ичасан. Хоҳласанг суткалаб бошингни кўтармай меҳнат қиласан. Ҳеч қанақа социалистик ахлоқ тиқилинч қилмайди. Қўлингни қаёққа чўзсанг яланғоч хонимларнинг суврати босилган журналга тегади. Сиёсат ҳам четда қолган эмас. Масалан, бирон-бир министр сенинг таъбингга ўтиришма-

ди, дейлик. Майли. Жуда соз. Редакцияга ёзасан, министр «аблаҳ» дейсан. Истаган президентнинг башарасига тупурсанг бўлади. Вице-президентларни-ку айтмаёк қўй... Машина бўладиган бўлса, у ўзимизда ҳам бисёр... Менинг олтмишинчи йилда чиққан «Запорожец» им бор. Аммо ундан нима наф?..

Дарҳақиқат, Ципин «Запорожец» сотиб олган. Аммо сурункасига ичгани учун ойлаб машинасини ҳайдаёлмайди. Ноябрь ойида машинаси қор тагида қолди. «Запорожец» деганлари ўртачароқ қорли дўнгликка айланди. Ҳовлидаги болалар унинг олдидан аримайдиган бўлиб қолишди.

Баҳорда қор эриб битди. «Запорожец» худди пойгачи машинадай япалоқ бўлиб қолипти. Болаларнинг чаналари унинг томини пачақлаб ташлабди.

Ципин буни кўриб хурсанд бўлиб кетди-ёв...

— Машина ҳайдаганда мен ҳушёр бўлмоғим керак. Ичар бўлсам, таксида ҳам етиб оламан...

Мен рўпара бўлган устозлар ана шунақа эди.

Кўп ўтмай биз буюртма олдик. Буюртма анча шошилинч эди. Бригада метро-нинг янги бекати учун тошдан йўниб, Ломоносовнинг қабарик тасвирини тайёрлаб бермоғи керак эди. Ҳайкалтарош Чудновский тезлик билан моделни тайёр қилди. Қолипчилар уни ганчдан қуйишди. Биз уни томоша қилишга тўпландик.

Ломоносовнинг устида кўнгилда шубҳа уйғотадиган аллақандай чопон бор эди. Ўнг қўлида бир ўрам қоғоз. Чап қўлида глобус. Менинг тушунишимча, оқ қоғоз ижоднинг, глобус эса илмнинг рамзи эди.

Ломоносовнинг ўзи тикмачоқдан келган, башараси заифона, исқиртроқ эди. У чўчкага ўхшаб кетарди. Сталин даврида капиталистларни шунақа тасвирлашар эди. Афтидан, Чудновский руҳдан материянинг устунлигини кўрсатмоқчи бўлган бўлса керак.

Глобус менга маъқул бўлди. Лекин негадир томошабинлар томонига — Америкага қаратиб қўйилган эди.

Ҳайкалтарош Кордильер, Апшалач, Гвиана тоғларини жуда нафис ишлаган эди. У ҳатто Гурон, Атабаека, Манитоби каби кўллар-у дарёларни ҳам унутмапти.

Буларнинг бари жуда галати кўринишга эга эди. Менимча, Ломоносов замонида Американинг бунақа батафсил харитаси тагида мавжуд бўлмаган. Мен бу гапни Чудновскийга айтдим. Ҳайкалтарошнинг аччиғи келди.

— Сиз мактаб боласидек фикр қиляпсиз! Мен ишлаган ҳайкал мактаб қўлланмаси эмас. Сизнинг қаршингизда Бахнинг мрамарда мужассам топган олтинчи инвенцияси. Аниқроқ айтганда, ганча мужассам топган. Метафизик синтетизмнинг энг янги кўриниши!

— Қисқа ва аниқ! — деб гап қўшди Ципин.

— Индама, — деб менга шивирлади Лихачев. — Сенинг нима ишинг бор!

Кутилмаганда Чудновский юмшади.

— Эҳтимол, сизлар ҳақдирсизлар. Шундоқ бўлса ҳам, ҳайкалга тегмаймиз. Ҳар бир ишда арзимаган бир миқдорда бўлса ҳам маънисизроқ жойи бўлмоғи керак.

Биз ишга киришдик. Аввалига комбинатда ишладик. Кейин маълум бўлдики, шошмоғимиз лозим экан. Бекатни ноябрь байрамига ишга туширишга қарор қилинипти.

Ишни бекатга бориб тугатишга тўғри келди. Яъни ер остида.

«Ломоносов» бекатида пардозлаш ишлари бормоқда эди. Бунда тошйўнарлар, электриклар, сувоқчилар меҳнат қилишмоқда. Сон-саноқсиз компрессорларнинг шовқини кулоқни қоматга келтиради. Куйган резинканинг ва ўлдирилаётган оҳанинг ҳиди келади. Маъдан идишларда гулханлар ёнади.

Бизнинг моделimizни эҳтиёткорлик билан ер остига олиб тушишди. Уни баҳайбат қозиқларнинг устига ўрнатишди. Унинг ёнгинасида тўрт тонналик яхлит мрамар тош занжирларда осиб турарди. Синчиклаб қараган одам бу тошда Ломоносовнинг шакли-шамойилини бир амаллаб таниб олса бўларди. Ишнинг энг масъулиятли қисмини биз бажармоғимиз керак эди.

Тўсатдан қутилмаган мураккаблик чиқиб қолди. Гап шундаки, эскалаторлар ишламас эди. Ароқ олиб келиш учун юқорига чиққанда олти юзта зинани босиб ўтиш керак эди.

Биринчи кун Лихачев шундай деди:

— Сен бориб кел. Ичимизда энг ёшисан.

Метро шунақа чуқурликда жойлашганини мен билмас эканман. Яна Ленинградда-я! Ленинграднинг ери зах, тупроғи бўш. Юқорига чиққунча икки марта тўхтаб, нафасимни ростлашга тўғри келди. Мен олиб келган бир шиша арақ бир зумда ичилиб кетди. Яна бориб келишга тўғри келди. Ҳамон уларнинг энг ёши мен эдим. Хуллас, бир кунда олти марта тепага чиқиб тушардим. Тиззаларим оғрийдиган бўлиб қолди.

Эртаси кунни бошқача йўл тутдик. Яъни, бир йўла олти шиша олиб тушдим. Бунинг ҳам фойдаси бўлмади. Бизнинг заҳирамиз бошқаларнинг эътиборини жалб қилиб қолди. Электриқлар, пайвандчилар, бўёқчилар, сувоқчилар теварагимизда айланишиб қолишди. Ўн минутдан кейин арақ тугади. Мен яна юқорига равона бўлдим.

Учинчи кунни устозларим ичишни ташлашга аҳд қилишди. Албатта, вақтинчалик. Аммо теварак-атрофдагилар ҳамон ичишда давом этишар эди.

Бизни ҳам саҳийлик билан меҳмон қилишарди.

Тўртинчи кунни Лихачев ёриди:

— Мен текинхўр эмасман. Бировнинг ҳақиға ичолмайман. Йигитлар, орамизда энг ёшимиз ким?

Мен яна юқорига йўл олдим. Юқорига чиқишга анча кўникиб ҳам қолдим. Афтидан, оёқларим бақувват тортиб қолди, шекилли.

Хуллас, асосан, ишни Лихачев билан Ципин бажаришарди. Ломоносовнинг қиёфаси борган сари аниқроқ тус олаборди. Айтмоқ керакки, унга сари у кўпроқ ёқимсиз бўлиб борарди.

Баъзан-баъзан ҳайкалтарош Чудновский пайдо бўлиб қоларди. Доҳиёна кўрсатмалар берарди. Йўл-йўлакай нималарнидир тузатиб кетарди.

Бекатда ишлаётганлар ҳам ўқтин-ўқтин Ломоносовга қизиқиб қолишарди. Масалан, шундай деб сўраб қолишарди:

— Сирасини айтганда, бу ўзи ким — эркакми, хотинми?

— Хунасароқ, — деб жавоб берарди уларга Ципин.

Байрам тобора яқинлашиб келмоқда. Пардоз ишлари битай деб қолди. «Ломоносов» бекати тантанавор қиёфа касб этди.

Полга гулдор плиткалар ётқизилди. Шифтга чўян қандиллар илинди. Деворлардан бирининг олдиға бизнинг ҳайкалимиз қўйиладиган бўлди. У ерда темирлардан пайвандлаб жой тайёрланди. Сал юқорироқда яхлит мрамартош илиниб турган занжирлар хира ялтирарди.

Мен полни супуриб чиқдим. Устозларим пардознинг сўнгги рангларини беришмоқда. Ципин ҳайкалнинг ботинкасиға жило бермоқда. Лихачев парикнинг ғажақларини тўғрилайпти.

Бекат очиладиган куннинг арафасида биз ер остида тунаб қолдик. Ўзимиз ишлаган ҳайкални жойиға ўрнатмоғимиз керак эди. Уни темир ўқларға кийдириб, мустаҳкам бўлсин учун эпоксидли мой қуйиб, қотирмоғимиз лозим эди.

Бунақа оғир нарсани ердан тўрт метр юқорига қўтариш анча оғир иш. Биз бир неча соат овора бўлдик. Ҳалеганда ишимиз юришавермади. Темир ўқлар жойиға тушавермас эди. Занжир ғижирлар, тош чайқаларди. Лихачев овози борича бақирарди:

— Яқинлашма!

Ниҳоят, мрамар тош ер устида муаллақ туриб қолди. Биз занжирларни ечиб олиб анча нариға бориб турдик. Узоқдан Ломоносов кўрса кўргудек қиёфада эди.

Ципин билан Лихачев енгил тортиб, ичишди. Кейин эпоксидли мойдан тайёрлай бошлашди.

Биз тонгға яқин тарқалишдик. Соат бирда тантанали очилиш маросими бўлмоғи керак эди.

Лихачев янги костюм кийиб келди. Ципиннинг устида замша куртка билан жинси. Унинг ўзига стадиган олифта эканидан беҳабар эканман.

Айтганча, икковлари ҳам хушёр эди. Шундайлигидан ҳатто ранглари ўчиб кетгандай туюларди.

Биз ер остиға тушдик. Мрамар устунлар орасида башанг кийинган хушёр ишчилар айланиб юришипти. Лекин кўпларининг чўнтаклари сезилар даражада қаппайиб турипти.

Тўртта дурадгор шоша-пиша чоғроқ минбар ясашяпти. Минбарни ҳайкал тагига ўрнатишлари керак.

Осип Лихачев овозини пасайтириб, менга деди:

— Эпоксидли мой қотиб улгурмаганми дейман-да... Ципа эритгични жуда кўп қуйиб юборувди. Хуллас, бу мрамар қоя зўр-базўр илиниб турипти. Шунинг учун митинг бошланиши билан бир чеккага чиқиб тур. Хотинингта ҳам айтиб қўй, эҳтиёт бўлсин.

— Ие, у ерда ахир, Ленинграднинг ҳамма казо-казолари бўлади-ку?— дедим мен. — Ҳайкалимиз қулаб тушса нима бўлади?

— Қулаб тушса чакки бўлмас балки,— деб ланж жавоб берди бригадир.

Соат бирда донгдор меҳмонлар келмоғи керак эди. Шаҳар мэри ўртоқ Сизовни кутишяпти. Ленинград жамоатчилигининг вакиллари унга ҳамроҳ бўлмоқлари керак. Олимлар, генераллар, спортчилар, ёзувчилар.

Очилиш дастури бундай эди: аввал бир гуруҳ одамлар учун кичикроқ зиёфат. Кейин қисқача митинг. Фахрий ёрлиқлар ва мукофотларни топшириш. Кейинчалик эса бекат бошлиғи айтганидек, «кимнинг кўнгли кимда бўлса...» Биров ресторанга, биров бадий ҳаваскорлар концертига.

Меҳмонлар бирдан йигирмата ўтганда келишди. Мен композитор Андрей Петровни, штанга кўтарувчи Дудкони ва режиссер Владимировни танидим. Шаҳар мэрини ҳам танидим, албатта.

У баланд бўйли, ҳали унда қаримаган одам эди. Қиёфасидан зиёлинамо эди. Миқтидан келган иккита бадқовоқ йигит уни кўриқлаб турарди. Уларнинг чеҳрасида алланечук тундлик бор эди. Бу тундлик уларнинг муштлашишга тайёр эканликларидан далолат берарди.

Мэр бекатни айланиб чиқди, бизнинг ҳайкалимиз олдида қадамини секинлатди. Паст овозда сўради:

— Бу менга кимни эслатяпти?

— Хрущевми,— деди бизга кўз қисиб Ципин.

Бу орада минбарга пушти сатин қоплаб бўлишди. Бир неча минутдан кейин стол ёнига таклиф қилишди.

Ён томонда аллақандай сирли эшик очилди. Кенггина бир хонага кўзимиз тушди. Мен бу хонанинг борлигини билмаган эканман. Афтидан, бу ерда маъмурият учун бомбадан қочадиган жой қилишмоқчи бўлган кўринади.

Зиёфатда меҳмонлар билан бирга бир неча хизмат кўрсатган ишчилар ҳам иштирок этишди. Биз учовимиз ҳам таклиф қилинган эдик. Афтидан, бизни маҳаллий зиёлилар қаторига киритишган эди. Бунинг устига ҳайкалтарошнинг ўзи йўқ эди.

Стол теварагига ҳаммаси бўлиб ўттизтача одам сиғди. Бир томонга меҳмонлар ўтирди, уларнинг рўпарасига биз жойлашдик.

Биринчи бўлиб бекат бошлиғи гапирди. У шаҳар мэрини таништирар экан, уни «матонатли ленинчи» деб атади. Ҳамма узоқ қарсақ чалди.

Шундан кейин мэр сўз олди. У қоғозга қараб гапирди. Ишлардан жуда мамнун эканини изҳор қилди. Ҳамма меҳнаткашларни ишни муддатидан олдин бажарганлари билан қутлади. Тутила-тутила уч-тўртта фамилияни айтди. Ниҳоят, ленинча доно раҳбарият учун қадаҳ кўтаришни таклиф қилди.

Ҳаммага жон киргандай бўлди. Қўллар қадаҳларга узатилди.

Кейин яна бир неча марта алёр айтилди. Бекат бошлиғи мэр учун ичишни таклиф қилди. Композитор порлоқ келажак учун, режиссёр Владимиров мамлакатларнинг тинч-тотувлиги учун кўтарди. Штанга кўтарувчи Дудко эса кўз ўнгимизда ҳақиқатга айланаётган эртақ учун оқ уришга чақирди.

Ципин қизариб кетганди. У бир стакан коньякни ичиб олиб, шампанскийга қўл узатди.

— Аралаштирма,— деб маслаҳат берди бригадир. — Ўзинг етилиб қолибсан.

— Аралаштирма деганинг нимаси?— деб ҳайрон бўлди Ципин. — Нима учун аралаштирмай? Мен йўлига амал қилиб аралаштирмаман. Ҳаммаси бадастир бўлади. Ароқни пиво билан аралаштирсанг — бир гўр. Коньякни шампанскийга қўшсанг йўриғи бошқа. Бу масалада устаси фарангман. Менинг олдимга тушадигани йўқ.

— Кўриниб турипти,— деди қовоғини уйиб Лихачев. — Тайёрлаган эпоксидли мойингдан билувдим.

Бир дақиқадан кейин ҳамма бараварига жаврай бошлади. Ципин режиссёр Владимировни кучоқлаб олган. Бекат бошлиғи мэрнинг кўнглини овлаш билан овора. Сувоқчилар билан тошйўнарлар бир-бирларига гап бермай, иш ҳақининг камлигидан нолишга тушишди.

Фақат Лихачевгина жим эди. Ниманидир ўйлаб ўтиришти, шекилли. Кейин сира кутилмаганда штанга кўтарувчига мурожаат қилиб, деди:

— Бир яҳудий жувонни билардим. Улфатчилик қилганмиз. Яхши пазанда эди.

Мен бўлсам мэрдан кўзимни олмай ўтирибман. У нимаданир безовта эди. Нимадир унга малол келмоқда. Уни қошини чимиришга ва сергакланишга мажбур қилмоқда. Вақти-вақти билан чехрасида уқубатли бир жилмайиш пайдо бўлади.

Кейин бундай воқеа содир бўлди.

Мэр кескин ҳаракат билан столга сурилди. Бошини қуйи эгмай, ўзи қуйи энгашди. Чап кўлидаги нонини қўйиб, уни пастга йўналтирди.

Бир дақиқача фахрий меҳмоннинг башараси жуда жиддий тус олди. Кейин мэр билинар-билимас инқиллади-да, анча енгил тортиб, ўриндиқнинг суянчигига ястанди. Кейин мамнун чехра билан яна нонни қўлига олди.

Шунда мен ҳеч кимга билинтирмай дастурхонни кўтардим. Столнинг тагига бирров қарадим-у, дарров қаддимни ростладим. Кўрган нарса мени лол қолдирди ва дамимни чиқармасликка мажбур этди. Бировнинг сиридан воқиф бўлиб қолдим-да... Нимани кўрдим?— деб сўранг. Мен мэрнинг катта-катта оёқларини кўрдим. У қалин кўк ипак пайпоқ кийиб олган экан. Оёқларининг бармоқлари ўйноқлаб турарди. Гўё мэр оёғи билан рояль чалаётгандай. Оёғининг ёнида ботинкаси турипти.

Шу топда билмадим — менга нима бўлди? Менинг шу пайтгача мудраб келган диссидентлигим бош кўтардими? Ёки менинг томирларимдаги жиноятчилик қони гупуриб кетдими? Ёки менга аллақандай бузғунчи кучлар таъсир этдими?

Ҳаётда бир марта ҳар кимда ҳам шундай бўлади.

Ундан кейин воқеаларни гира-шира эслайман. Мен секингина ўриндиқнинг чеккасига сурилдим. Оёғимни чўздим. Оёғим билан пайпаслаб мэрнинг ботинкасини топдим-да, эҳтиёткорлик билан ўзимга сурдим.

Шундан кейингина кўркувдан донг қотиб қолдим.

Шу лаҳзада бекат бошлиғи ўрнидан турди.

— Дикқат, дўстлар. Сизларни бир зумлик тантанали митингга таклиф қиламан. Фахрий меҳмонлар, минбарда жойларингизни эгалланг!

Ҳамма ҳаракатга келди. Режиссёр Владимиров галстугини тўғрилади. Штанга кўтарадиган Дудко апил-тапил шимининг тугмаларини қадади. Ципин билан Лихачев истамайгина қадаҳларидан ажрадилар.

Мен мэрга қарадим. Мэр хавотир билан аланг-жаланг бўлиб, оёқлари билан стол остини тимирскиларди. Албаттаки, мен буни кўрганим йўқ. Лекин унинг юзидаги саросимадан буни сезиб турибман. Борган сари қидириш доирасини кенгайтираётгани шундоқ аён бўлиб турипти.

Менинг нима иложим бор эди?

Мен ўтирган ўриндиқнинг ёнида Лихачевнинг портфели турганди. Портфелни сира ёнимиздан қўймас эдик. Ахир унга ўн олти шиша ароқ сиғар эди. Уни кўтариб юриш буткул менга топшириб қўйилган эди.

Мен дастурмолимни тушириб юбордим. Сўнг эгилдим-да, мэрнинг ботинкасини портфелга солиб қўйдим. Қўлим тегиши билан уларнинг вазминлигидан пишиқлигини ҳис қилдим. Буларнинг барини бирор киши пайқаб қолди деб ўйламайман.

Портфелнинг оғзини ёпиб ўрнимдан турдим. Қолганлар ҳам оёққа турган эди. Ўртоқ Сизовдан бошқа ҳамма тик турганди. Соқчилар саволчан назар билан хўжайинларига қараб-қараб қўйишяпти.

Шу пайтда шаҳар мэри ўзини ақлли ва топқир одам сифатида кўрсатди. У кафтларини кўкрагига босиб, паст овозда шивирлади:

— Мазам бўлмай кетяпти. Жиндай ёнбошламасам бўлмайди...

Мэр тезгина костюмини ечди, бўйинбогини бўшатди ва телефоннинг ёнидаги диванга чўзилди. Унинг кўк ипак пайпоқли оёқлари ҳорғинлик билан икки томонга очилди. Қўлларини қорни устига чалиштириб олганди. Кўзлари юмуқ.

Соқчилар югуриб қолишди. Бири врачга кўнғироқ қилди. Иккинчиси буюра бошлади:

— Бинони бўшатишлар! Бинони бўшатишлар дейман! Тезроқ! Митингни бошланг! Бошланг митингни!

— Бирор ёрдамим тегармикин?— деб гапга аралашди бекат бошлиғи.

— Қани, туёғингни шиқиллатиб қол!— деган жавоб янгради.

Биринчи соқчи кўшимча буюрди:

— Стол устидаги нарсаларга тегилмасин. Ҳаммаси қандоқ бўлса, шундай қолсин! Зараркунандалик бўлган бўлиши мумкин. Қатнашганларнинг фамилияси ёзиглиқ бўлса керак?

Бекат бошлиғи тилёғламалик билан деди:

— Рўйхатни ўзим тайёрлаб бераман.

Биз бинодан чиқдик. Портфелни кўтариб борар эканман, кўлларим қалтирар эди. Устунлар орасида ишчилар тўп-тўп туришибди. Худога шукур, Ломоносовнинг ҳайкали жойида турипти.

Митингни бекор қилишмади. Сардорларидан маҳрум бўлган донгдор меҳмонлар минбарнинг олдида қадамларини секинлатдилар. Уларга минбарга чиқишни буюришди. Меҳмонлар мрамар ҳайкал тагига тизилиб ўтиришди.

— Юринглар, кетдик,— деди Лихачев,— нима, митинг кўрмабмизми? Мен Чкалов кўчасида бир пивохонони биламан.

— Ҳайкал тушиб кетмаганига ўзимиз ишонч ҳосил қилсак чакки бўлмас эдида,— дедим.

— Тушиб кетса,— деди Лихачев,— пивохонода ўтириб ҳам эшитамиз.

Ципин гапга қўшилди:

— Чакана кулги бўлмас-ов...

Биз юқорига чиқдик. Кўёш чарақлаб турган бўлса-да, ҳаво совуқ эди. Шаҳар байрам байроқлари билан безатилганди.

Бизнинг Ломоносовимизни эса икки ойдан кейин олиб ташлашди. Ленинград олимлари газетага мактуб ёзишди. Бизнинг ҳайкалимиз улуг сиймонинг шаънига доғ туширади, деб шикоят қилишди. Табиийки, бу даъволар Чудновскийга қаратилган эди. Бизнинг ҳақимизни тўла-тўкис беришди. Лихачев деди:

— Муҳими шу...

БИНОЙДЕК КОСТЮМ

Ҳозир ҳам кийинишимнинг мазаси йўқ. Авваллари-ку жуда ёмон кийинардим. Совет Иттифоқида яшаган кезларимда шунақа ёмон кийинардимки, ҳатто бунинг учун дакки ҳам ердим. Эсимда, Пушкин кўриқхонасининг директори бир куни менга шундай деган эди:

— Ўртоқ Довлатов, сиз ўзингизнинг бесўнақай шимингиз билан бу жойлардаги байрамона муҳитни бузаяпсиз...

Мен хизмат қиладиган таҳририятда ҳам кўпинча мендан ранжишарди. Эсимда, бир газетанинг муҳаррири бир куни менга шундай дакки берганди:

— Сиз очикдан-очиқ обрўйимизни тўкяпсиз. Биз сизга ишончимизни кўрсатдик. Сизни генерал Филоненконинг дафн маросимига вакил қилдик. Сиз бўлсангиз, менга маълум бўлишича, маросимга костюмсиз борибсиз.

— Устимда курткам бор эди.

— Аллақандай эски бир ридони кийиб борибсиз.

— Ридо эмас. Хорижий куртка. Уни менга Леже совға қилган эди.

(Чиндан ҳам куртка менга Фернан Лежедан ўтган эди. Бироқ бу воқеани кейин айтиб бераман).

— «Леже» нима дегани?— деб бурнини жийирди муҳаррир.

— Леже атоқли француз рассоми. Коммунистик партия аъзоси.

— Бўлмаган гап,— деди муҳаррир. Кейин бирдан жаҳди чиқди. — Бас қилинг! Ҳадеб гап қайтарганингиз қайтарган. Сиз ҳам одамларга ўхшасангиз нима қиларкин? Сиз мўътабар бир газетанинг ходимисиз. Марҳамат қилиб, шунга яраша кийиниб юринг.

Бу гапдан кейин мен:

— Таҳририят менга пиджак олиб берсин. Костюм бўлса яна ҳам яхшироқ бўларди. Майли, бўйинбоғни ўзим сотиб ола қоламан, — дедим.

Муҳаррир муғомбирлик қилмоқда эди. Менинг қанақа кийинишим унга мутлақо барибир эди. Гап бунда эмас эди. Бунинг тагида бошқа сабаб ётар эди.

Мен таҳририятдаги энг соғлом ходим эдим. Ҳаммадан йўғон эдим. Яъни бошлиқларнинг айтишича, важоҳатим бор эди. Ёки масъул котиб Минцнинг ибораси билан айтганда, энг салобатли ходим эдим.

Биронга машҳур одам ўлиб-нетиб қолса, дафн маросимига таҳририятдан мени юборишарди. Тобутни кўтаришга ҳамманинг ҳам кучи етавермайди-да. Мен бўлсам, айтиш мумкин, мароқ билан кўтарар эдим. Албатта, дафн маросимини яхши кўриб кетганим учун эмас. Балки газета ишини жинимдан бадтар ёмон кўрганимдан шундай қилардим.

— Роса сурбет экансиз-ку, — деди муҳаррир.

— Ҳечам-да... — дедим мен. — Бу қонуний талаб. Масалан, темирйўлчиларга махсус либос берилади. Сув остида ишлайдиганлар скафандр олади. Таҳририят менга ҳам махсус кийим олиб берсин-да... Мотам маросимида киядиган костюм...

Муҳарриримиз кўнгилчан одам эди. Маошинг катта бўлгандан кейин кўнгилчан бўлсанг ҳам ярашаверади. Бундан ташқари у пайтларда нисбатан эркинлик ҳам бор эди.

У деди:

— Келинг, мурсоёу мадора қилайлик. Сиз янги йилгача ижтимоий аҳамиятга молик учта материал тайёрланг. Ижтимоий-сиёсий йўналишда кенг қўламли учта мақола. Шундай қилсангиз, таҳририят сизни жўнроқ бир костюм билан тақдирлайди.

— Жўнроқ деганингиз нима дегани? Арзон костюм биланми?

— Арзон эмас, қора костюм билан. Тантанали вазиятларда кийгани.

— О'кей, — дедим мен. — Шу гапингизда турасиз-а?

Бир ҳафтадан кейин таҳририятга келдим. Тарғибот бўлимининг мудирини Безуглов чақиртирган экан. Бир қават пастга тушдим. Безуглов бир вақтнинг ўзида икита телефонда гаплашаётган экан. Бундай деярли:

— Белорус бўлмайди. Белоруслар ачиб ётипти. Менга ўзбек керак. Жуда бўлма-са эстон топинглар... Йўғ-а, шошма, эстон бор, шекилли... Молдован йўқ бўлса керак... Нима? Ишчи бўлмайди. Йўқсуллар етарли... Зиёли бўла қолсин, ёки хизмат кўрсатиш соҳасидан бўлса ҳам майли. Ҳарбий бўлса тагин ҳам соз бўларди. Майли-да, бирон старшинами...

Хуллас, ҳаракатингни қилавер.

Безуглов бошқа дастакни кўтарди:

— Алё... Зудлик билан ўзбек керак бўлиб қолди. Қанақа бўлса ҳам майли. Менга деса текинхўр бўлмайдами!.. Бир қўллаб юбор, оғайни. Умрбод унутмайман...

Мен саломлашиб сўрадим:

— Бу қанақа байналмилал?

Безуглов жавоб берди:

— Ҳадемай Конституция куни келади. Шунга бағишлаб ўн бешта очерк бермоқчимиз. Ҳар бир иттифоқчи республикадан биттадан. Ҳар хил халқларнинг вакиллари қамраб олмақ керак.

Безуглов ёнидан сигаретасини олиб, давом этди:

— Руслар масаласида қийинчилик йўқ. Украинлар ҳам етиб ортади. Грузинни тиббиёт академиясидан топдик. Гўшт комбинатида озарбойжон бор экан. Ҳатто молдован ҳам топилди. Райком комсомолда кўриқчи экан. Лекин ўзбек, қирғиз, туркманлардан ёлчимаяпмиз. Ўзбекни қаердан топсам экан-а?

— Қаердан бўларди. Ўзбекистондан-да! — дедим мен.

— Фаросатингга балли! Албатта, Ўзбекистондан топмоқ керак. Аммо муддат тиғиз. Бундан ташқари командировкага ажратиладиган пул тамом бўлган... Хуллас калом, эллик сўм ишлаб олишни хоҳлайсанми?

— Хоҳлайман.

— Ўзим ҳам шундоқ деб ўйлаб эдим. Менга ўзбек топиб бер, эллик сўм ёзиб бераман. Ҳатто тезкорлик учун яна жиндай кўшиб ҳам бераман.

— Бир татар танишим бор...

Безугловнинг аччиғи келди.

— Татарни бошимга ураманми? Ўзимнинг ҳам татар қўшниларим бор. Аммо бундан нима фойда? Иттифоқдош республика эмас бу. Хуллас, менга ўзбек топишинг керак. Қирғиз билан туркманни штатсиз мухбирларга топширдим. Тожик Сашка Шевелевда бор, шекилли. Қозоқни Самойлов қидиряпти. Ва ҳоказо... Ўзбек керак. Хўш, қалай, топасанми?

— Майли, — дедим. — Лекин сени огоҳлантириб қўяй. Очерк ижтимоий аҳамиятга молик бўлади. Ижтимоий-сиёсий йўналишда кенг қўламли бўлади.

— Ичганмисан? — деб сўради Безуглов.

— Йўқ. Қуйиб бермоқчимисан?

— Қўйсанг-чи, — қўлларини силкитди Безуглов. — Бўлмайди. Мен фақат кеч-қурун ичаман... Соат бирдан аввал бир қултум оғзимга олмайман...

Безугловни кўпдан бери билардим. У ўзига хос одам эди. Аслини сўрасангиз, Свердловскда туғилган.

Эсимда бор — бир гал Ўролга командировкага борадиган бўлиб қолдим. Табиийки, Свердловскка ҳам боришим керак. Май байрамига тўғри келган эди. Яъни меҳмонхона масаласи анча чатоқ бўлиши мумкин эди.

Безугловга мурожаат қилдим.

— Свердловскда сенинг ота-онангникида бир кеча ётсам бўлармикин?

— Албатта-да! — деб хитоб қилди Безуглов. — Албатта бўлади. Бир кеча эмас, истаганингча... Ҳаммалари хурсанд бўлишади. Уйлари жуда кенг. Отам — мухбир аъзо, онам — хизмат кўрсатган санъат арбоби. Сени хонаки чучварага тўйдиришади... Фақат битта шартим бор — биз таниш эканимизни айтиб қўйма. Ҳаммаси расво бўлади. Мен ўн тўрт ёшимдан бери оиламизнинг шаънига доғ туширган ҳисобланаман.

— Майли, — дедим мен. — Ўзбекни топганим бўлсин.

Мен ҳаракат қила бошладим. Ён дафтаримни варақлаб кўришдан бошладим. Ўттизтача танишларимга қўнғироқ қилдим. Ниҳоят, труба чаладиган бир оғайнимдан садо чиқди:

— Бизда Болиев деган тромбон чаладиган йигит бор. Миллати ўзбек.

— Жуда соз-да! — дедим. — Қани, менга телефонини бер-чи...

— Ёз.

Мен ёзиб олдим.

— У сенга маъкул бўлади, — деди оғайним. — Маданиятли, кўп китоб ўқийдиган, ҳазил-хузунли ёқтирадиган одам. Яқинда озод бўлди.

— «Озод бўлди» деганинг нимаси?

— Муддатини битириб, озодликка чиқди-да...

— Нима бало, ўғрими? — деб сўрадим.

— Нега ўғри бўларкан? — Хафа бўлди ошнам. — Бир аёлни зўрлагани учун қамалган...

Мен дастакни илиб қўйдим.

Шу заҳоти Безуглов қўнғироқ қилди:

— Омадинг бор экан, — деб қичқирди у телефонда, — ўзбекни топишди. Уни Мишук топди. Қасрдан топганини биласанми? Ҳа, темирчилар бозоридан... Майда чайқовчи экан. Яхши бўпти. Хусусий тадбиркорликка ҳозир дуруст қарашади. Торморқалар, шахсий полизлар ва ҳоказолар...

— Унинг шахсий полизи борлигига аминмисан сўрадим мен.

— Мен қаёқдан билай? Билишни ҳам истамайман. Бироқ мен горкомнинг сўнгги йўриқномасини яхши биламан... Хуллас, ўзбек масаласи ҳал бўлди ҳисоб.

— Афсус, — дедим мен. — Ҳозиргина жуда яхши бир номзодни топган эдим. Маданий-маърифатли ўзбек. Оркестрнинг яккахони. Яқинда гастролдан келган...

— Кечикдинг. Уни янаги галга олиб қўямиз. Мишук аллақачон мақолани олиб келди. Сенга энди бошқа топшириқ бор. Ихтирочилар кунни яқинлашяпти. Сен ҳозирги рус усталаридан бирини топасан. Машҳур Чапақайнинг вориси бўлсин. Эсингда борми, инглизларга бургасини тақалаб берган Чапақай бор-ку? Шу мавзуда материал тайёрлайсан.

— Ижтимоий қимматга моликми?

— Ҳа, энди, шунақа бўлади-да...

— Майли... Бир уннаб кўраман.

Мен бунақа хунарманд устани эшитган эдим. Менга кинохроникада хизмат қиладиган акам айтган эди.

Бу чол Ленинграднинг яқинида Елизаровское деган жойда хусусий уйда истикомат қилар экан. Уни топиш мен ўйлагандан кўра осонроқ бўлди. Биринчи рўпара келган одам йўлни кўрсатиб берди.

Чолнинг исми шарифи Евгений Эдуардович эди. У эски автомобилларни таъмирлаш билан шуғулланар экан. Дабдала бўлган занглаб кетган автомобил қисмларини ахлат уюмларидан қидириб топар экан. Ҳар хил манбалар ёрдамида автомобилнинг дастлабки қиёфасини қайта тиклар экан. Уни ўрнига қўйгунча оламжаҳон ишни қилар экан. Елимлаб ёпиштирадими-ей, жавҳарлайдими, ялтиратадими...

У ўнлаб эски русумдаги машиналарни таъмирлаган. Улар орасида «Олдсмобил»лар ва «Шевроле»лар, «Пежо» ва «Форд»лар бор. Ранг-баранг, чармлари ялт-ялт қиладиган, бесўнақай бўлса ҳам кўзга яқин бу машиналар кишида ёрқин таассурот қолдирар эди.

Шуниси ҳам борки, чол таъмирлаган эски машиналарнинг ҳаммаси ҳаракатда эди. Улар дириллар, гумбирлар ва бинойидек тезликда юра оларди. Сал-пал чайқалиб юрса-да, ҳар қандай пиёдани орта қолдириб кетарди. Улар кўчадан ўтиб борар экан, одамлар цирк гомошасини кўргандай маҳлиё бўлиб қараб қолишарди.

Машиналарни уларнинг хўжайини Евгений Эдуардовичнинг ўзи ҳайдарди. Унинг устидаги алмисоқдан қолган чарм тужуркаси ялт-юлт қиларди. Кўзига эски шофёрлар тутадиган кўзойнак тутиб олган. Бошидаги кетмон нусха шапкаси унинг қиёфасига ўзига хос тус бериб турарди.

Айтгандай, у биринчи рус автомобилчиларидан десак хато бўлмас. Ўн иккинчи йилда рулга ўтирган. Бир неча муддат Родзянконинг шахсий шофёри бўлган. Кейин Троцкийни, Кагановични, Андреевни олиб юрган. Шофёрлар тайёрлайдиган биринчи рус автомактабига раҳбарлик қилган. Урушни бронетанк қисмининг командири лавозимида тугатган. Кўпгина ҳужумат мукофотларини олишга сазовор бўлган. Табиийки, қамалиб чиққан. Ёши қайтиб, қартайиб қолгандан кейин эски машиналарни таъмирлаш билан шуғулланган.

Евгений Эдуардовичнинг ишлари халқаро кўргазмаларда намойиш қилинган.

Ўзимизнинг киночилар ҳам, хорижий киночилар ҳам унинг бир нечта машинасини кинога олишган. У автомобилга бағишланган беҳисоб журналларнинг таҳририяти билан тўрт тилда ёзишиб турарди.

Бирор кинони суратга олишда унинг машиналари иштирок этадиган бўлса, Евгений Эдуардовичнинг ўзи ҳам уларнинг ёнида бўларди. Кинорежиссёрлар унинг келишган қадди-қоматига эътибор беришган. Аввал ундан оммавий саҳналарда фойдаланишган. Кейин унга баъзи бир кичкина ролларни бера бошлаганлар. У меньшевик бўлиб кинога тушган, дворян ролида чиққан, эски олимлар ролини ижро этган. Хуллас, ҳаммасининг устига-устак, киноартист ҳам бўлиб олган...

Мен Елизаровскоеда икки кун бўлдим. Ён дафтарим хилма-хил тафсилотлар тасвирига тўлиб кетди. Тезроқ ўтириб, очеркни ёза бошлашга ошиқдим.

Таҳририятга келдим. Қарасам, Безуглов командировкага кетиб қолипти. Ҳолбуки, менга командировкага пулимиз тамом бўлди деган эди.

Майли... Газетанинг масъул котиби Боря Минцнинг олдига кирдим. Режала-ринми гапириб бердим. Энг мароқли тафсилотларни айтдим.

— Фамилияси нима экан? — деб сўради Минц.

Мен Евгений Эдуардовичнинг таширфномасини чўнтагимдан чиқардим.

— Холидей, — деб жавоб бердим. — Евгений Эдуардович Холидей.

Минцнинг кўзи чиқиб кетди.

— Холидей? Рус устаси Холидей бўладими? Левшанинг авлоди Холидейми?! Ҳазиллашяпсанми? Унинг келиб чиқиши ҳақида нима биламиз? Қаердан олган бунақа фамилияни?

— Сенинча Минц аълороқми?.. Чиқиб келишини гапирмаёқ кўй...

— Аълороқ эмас, албатта, — деб тан олди Минц. — Ундан беш бадтар. Лекин шуниси борки, Минц хусусий одам-да... Ихтирочилар куни муносабати билан Минц тўғрисида очерк ёзилмайди. Минц қахрамон эмас. Минцни умуман тилга олишмайди.

(Шунда кўнглимдан бир гап ўтди — ниятингни яхши қил, ошна!)

— Шахсан мен англизларга қарши эмасман.

— Шуниси қолиб эди,— дедим мен.

Бирдан ансам қотиб, ижирғаниб кетдим. Нималар бўляпти ўзи? Ҳеч нарсани матбуотда босиб бўлмайди. Теварагингдаги нарсаларнинг ҳеч қайсисини чиқариб бўлмайди. Билмадим, совет журналистлари мавзунини қардан оларкинлар?.. Ниятларимнинг биронтасини ҳам рўёбга чиқариб бўлмайди. Нимаки гапирсам, телефонда гапириб бўлмайдиган гаплар. Ким билан танишсам, ҳаммаси шубҳали.

Масъул қотиб гапни бошқа ёққа бурди:

— Қаҳрамон она тўғрисида ёзгин. Жуда оддий, камсуқум бир қаҳрамон онани топ. Фамилияси ҳам оддий бўлсин. Икки юз эллик қаторча ёз. Бунақа материал ҳеч қандай тўсиқсиз ўтади. Қаҳрамон она — ҳамма чиптасига ютуқ чиқадиган лотереядай гап...

Нима иложим бор эди? Ҳар нима деганда ҳам мен хизматдаги журналистман. Яна ошна-оғайниларимга кўнгироқ қила бошладим. Битта ошнамдан садо чиқди.

— Бизнинг ҳовлимиздаги фаррош хотиннинг бир дунё боласи бор. Лекин ҳаммаси бир-биридан бадтар безори...

— Бунинг аҳамияти йўқ...

— Ундай бўлса, етиб кел.

Унинг берган адресига йўл олдим.

Фаррош хотиннинг исми шарифи Лидия Васильевна Брикина экан. Ҳар ҳолда, мистер Холидейдан аъло-да! Лекин унинг турар жойига қараб бўлмас эди. Столининг шалоғи чиққан, бир нечта илма-тешик тўшак, нафасни бўғадиган қўланса ҳид. Оёқ остида юпун, кир-чир болалар ўрмалашади. Энг кичкинаси фанер аравачада чинқириб йиғлаб ётипти. Ўн тўрт ёшлардаги қиз бармоғи билан деразага расм чизяпти.

Мен келишдан кўзлаган мақсадимни айтдим. Лидия Васильевнага жон кирди.

— Ёзақол, азизим, ёзақол... Мендан кўнглинг тўқ бўлсин... Ҳамма гапни айтиб бераман. Ит азобида кечаётган турмушимни ҳамма билиб қўйсин.

Мен сўрадим:

— Давлат сизга ёрдам бермайдими?

— Беради. Берганда қандоқ! Бир ойга бизга қирқ сўм беришга тегиш. Бундан ташқари орден-порден дегандай... Ана, дераза тоқчасида бир банкада тўла турипти. Мандаринга алмаштирсамми уларни? Биттасига тўрттадан...

— Эрингиз-чи? — деб сўрайман.

— Қайси бири? Эрларимнинг саноғи йўқ. Сўнггиси ароқ олиб келгани кетиб, шу билан гум бўлди. Бир йилдан ошиб қолди...

Нима иложим қолган эди. Бу аёл ҳақида нима деб ёзмоғим мумкин эди?

Мен номигагина бир оз ўтириб, чиқиб кетдим. Бошқа келишга ваъда бердим.

Телефон қиладиган одам қолмаган эди. Ҳаммаси жонга тегди. Яна ишдан бўшаб кўя қолсаммикан деган ўйга бордим.

Ҳаммол бўлиб ишлаганим яхши эмасмиди?

Шу пайт хотиним гап қотиб қолди:

— Рўпарамизда зиёлинамо бир аёл туради. Эрталаблар болаларини сайр қилдиради. Болалари ҳам ўн чоғлиқ чиқиб қолади. Бир суриштириб кўр... Фамилияси эсимдан чиқиб қолипти. «Ш» дан бошланарди, шекилли.

— Шварцми?

— Йўғ-е... Шаповаловамиди? Ё Шапошниковамиди? Фамилияси билан телефонини суриштириб билса бўлади. Уй кўмитасидан.

Мен уй кўмитасига кирдим. Бошлиқ билан гаплашдим. Михеев кўнгли очик, дилкаш одам эди. Шикоятдан чанг чиқади.

— Қўлимда бир эмас, ўн иккита одам бор-у, винога юборгани биттаси топилмайди-я!

Мен бояги аёл ҳақида оғиз очганимда, Михеев негадир безовта бўлиб қолди.

— Билмадим-ов... У билан ўзингиз гаплашиб кўринг... Унинг исми шарифи Шапорина Галина Викторовна. Йигирма учинчи хонадон. Ана, ҳовлида болалар билан сайр қилиб юрипти. Фақат мени аралаштирманг. Бу ишга менинг дахлим йўқ.

Мен хиёбонга йўл олдим. Галина Викторовна сипо, салобатли аёл экан. Совет киносида халқ маслаҳатчиларини шу аёлга ўхшатиб кўрсатишади.

Мен салом бериб, мақсадимни айтдим. Аёл дарҳол сергакланди. Худди уй кўмитасининг бошлиғига ўшаб гапира бошлади:

— Нима гап ўзи? Нима бўлди? Нега энди айни менга мурожаат қилияпсиз? — Буларнинг бари яна жонимга тега бошлади. Авторучкамни ёнимга солиб қўйдимда, дедим:

— Нима бўляпти ўзи? Нега бунча қўрқиб кетдингиз? Гаплашгингиз келмаса, майли, кетавераман. Ё безорига ўхшайманми?

— Безориларлан-ку қўрқмайман-а! — деб жавоб берди у. Сўнг давом этди. — Назаримда, сиз зиёли одамга ўхшайсиз. Мен сизнинг онангизни танийман. Отангизни ҳам билар эдим. Ўйлайманки, сизга ишонса бўлса керак. Нима гап эканини айтиб бераман. Мен ҳақиқатан ҳам безорилардан қўрқмайман. Милициядан қўрқаман...

— Менинг нимадан қўрқасиз? Мен милиция эмасман-ку? — дедим мен.

— Милиция бўлмасангиз, журналистсиз. Менинг аҳволимда ўзимни кўз-кўз қилишимдан бемаънироқ нарса йўқ. Албатта, мен қаҳрамон она эмасман. Манави болалар ҳам меники эмас. Мен пансионатга ўхшаган бир нарса ташкил қилганман. Болаларга музика ўргатаман, француз тилини ўргатаман, шеър ўқиб бераман. Давлат боғчаларида болалар оғриб туради, меникида ҳеч ҳам оғришмайди. Ҳақини ҳам инсоф билан оламан. Бу гаплардан милиция хабар тоғиб қолса, нима бўлади — тасаввур қила оласизми? Ахир, пансион ҳар нима деганингизда ҳам хусусий-да!

— Сезяпман, — дедим мен.

— Шунинг учун менинг борлигимни бутунлай унутинг.

— Майли, — дедим.

Мен таҳририятга кўнғироқ ҳам қилмадим. Зарур бўлиб қолса, илҳом келмаяпти, деб қўя қоламан, деб ўйладим. Барибир, декабрга бериладиган қалам ҳақи номигагина бўлади. Ўн олти сўмча... Бу пул билан костюмнинг яқинига ҳам йўлай олмайман. Бўшатиб юборишмаса бўлгани...

Шунга қарамай таҳририятдан менга костюм тегди. Адашмасам, шарқий Германияда тикилган. Бичиғи яхши, бинойидек. Воқеа бундай бўлди:

Мен машинистга қизларнинг ёнида ўтирган эдим. Малла сочли соҳибжамол Манюня Хлопина ҳоли-жонимга қўймайди:

— Мени ресторанга олиб борсанг-чи! Ўлғидай ресторанга боргим келяпти. Сен бўлсанг мени таклиф қилмайсан...

Мен бўшашибгина жавоб топишга уринаман.

— Сен билан ошиқ-маъшуқ бўлмасам — қандай таклиф қиламан.

— Бекор қиласан. Сен билан бирга радио тинглар эдик. Қайси эшиттиришни яхши кўришимни биласанми? «Сахий гектар»ни ёқтираман. Сен-чи?

— Менга «Бошқа сайёраларда ҳаёт борми?» деган эшиттириш маъқул.

— Бошқа сайёраларда ҳаёт нима қилсин, — деб хўрсинди Хлопина, — бу ердаги ҳаёт итникидан баттар-ку!

Шу дақиқада сирли нотаниш одам пайдо бўлди. Уни мен кундуз куниеқ пайқанган эдим.

Унинг устида хушбичим костюм, бўйнида бўйинбоғ. мўйлови ўсиб икки чаккасидаги сочларига чатишиб кетган, қўлида мўжазгина чарм сумка ушлаб олган.

Ҳозирнинг ўзида айтиб қўя қолай — нотаниш одам жосус эди. Фақат биз бунинг фаҳмига етганимиз йўқ. Биз уни Болтиқ бўйидан бўлса керак деб ўйладик. Негадир бизда хушбичим эркаларнинг ҳаммасини латиш деб ҳисоблашадди.

Нотаниш рус тилида гапирганида, унинг бошқа миллатга мансублиги оҳангидан сал-пал билиниб қоларди.

Муҳаррирнинг елкасига икки бор қоқиб қўйди. Парторгни шахмат ўйнашга кўндирди. Масъул котиб Минцнинг хонасида анча вақтгача техник қўлланмани варақлаб ўтирди.

Шу ўринда бир чекиниш қилмоқчи эдим. Аминманки, деярли ҳамма жосуслар нотўғри ҳаракат қилишади. Улар негадир ниқобланишади, айёрлик қилишади, ўзларини оддий совет фуқаролари қилиб кўрсатишади. Уларнинг хатти-ҳаракатларидаги сирлиликнинг ўзи шубҳа туғдиради. Улар ўзларини анча жўн тутишлари керак. Биринчидан, имкони борича башангроқ кийинмоқлари зарур. Шундоқ бўлса, уларни кўпроқ ҳурмат қилишади. Бундан ташқари, нутқларидаги хорижий оҳангни

емирмасликлари зарур. Хорижий оҳанг уларга хайрихоҳлик туғдиради. Энг муҳими эса, имкони борича, бетакаллуф ҳаракат қилмоқ даркор.

Айтайлик, жосусни янги баллистик ракета қизиқтиради. У театрда таниқли конструктор билан танишади. Уни ресторанга таклиф қилади.

Бу конструкторга пул таклиф қилиш бемаъни иш. Унинг пули етарли. Конструкторга мафкуравий таъсир ўтказишга уриниш ҳам беҳуда нарса. Бу гапларнинг ҳаммасини ўзи яхши билади.

Тамом бошқача ҳаракат қилмоқ керак. Бирга ичишинг. Конструкторнинг елкасидан кучинг. Унинг тиззасига бир уринг-да, бундоқ денг:

— Яхши юрибсанми, ошна? Аллақандай янги бир нарса ихтиро қилган эмишсанми? Манави қоғозга бир-иккита формуласини ёзиб бер-чи! Қизиқ-да билмаган одамга... — Тамом-вассалом! Жосус ракетани қўлга киритдим деб ҳисобласа бўлаверади.

Нотаниш одам кун бўйи таҳририятда бўлди. Унга кўникиб қолишди. Тўғри, баъзи бировлар ҳайрон бўлиб бир-бирларига қараб ҳам олишди.

Унинг исми Артур экан.

Хуллас, Артур машинисткачи қизларнинг олдига кириб, бундай деди:

— Кечирасизлар, мен бу ерни ҳожатхона дебман.

— Юринг... Мен ҳам ўша ёққа...

Ҳожатхонага кирганда жосус илиқлик турган қўл сочиқни кўриб қўрқиб кетди. Шоша-пиша ёнидан дастрўмолини олди.

Биз тил топишиб қолдик. Буфетга тушмоқчи бўлдик. У ердан менинг хотинимга кўнғироқ қилдик ва йўл-йўлакай «Кавказча» тамадихонага кирдик.

Маълум бўлдики, икковимиз ҳам Фолкнерни, Бриттени ва ўтгизинчи йиллар тасвирий санъатини яхши кўрар эканмиз. Артур фикрлайдиган ва кўп нарсани биладиган одам экан. Хусусан, у бундай деди:

— Пикассонинг расмлари бор-йўғи драма, холос. Рене Магриттнинг ижоди эса ҳалоқатли парвоздай гап...

Мен қизиқсиниб сўрадим:

— Сен Фарба бўлганмисан?

— Албатта.

— У ерда кўп турганмисан?

— Кўп турганман. Қирқ уч йил яшаганман. Янада аниқроқ айтадиган бўлсам, ўтган сешанбагача...

— Мен сени латвиялик деб ўйловдим.

— Мен шведман. Латвиянинг ёнгинасидан. Россия ҳақида китоб ёзмоқчиман.

Биз тун оғиб қолганда «Европейская» меҳмонхонасининг олдида ажралишдик. Эртасига учрашишга аҳдлашдик.

Эргалаб мени муҳаррирнинг ҳузурига чақиришди. Унинг кабинетида эллик ёшлар атрофидаги нотаниш эркак ўтирарди. Бу одам озғин, тепакал, кулоқларининг устида чиноғи бор эди. Шляпасини бошидан олмай кулоғини қашлай олармикин деган фикр кўнғлимдан ўтди.

Бу одам муҳаррирнинг ўриндигини эгаллаган эди. Кабинетнинг эгаси эса қабулга келадиганларнинг стулида ўтирипти. Мен диванга омонатгина ўтирдим.

— Танишинг, — деди муҳаррир. — Давлат хавфсизлиги қўмитасининг вакили майор Чилиев.

Мен тавозе билан ўрнимдан сал кўтарилиб қўйдим. Майор табассумсиз бош ирғади. Афтидан, ёруғ дунёнинг номукаммаллигидан бу одам қаттиқ изтиробда эди.

Муҳаррир бир вақтнинг ўзида ҳам хурсанд бўлиб, ҳам гашланиб ўтирарди. Унинг бутун қиёфасидан «Хўш, нима бўлди? Бўлганча бўлдингми энди? Бу ёғига чуқурдан ўзинг чиқасан! Сен аҳмоқни неча марталаб огоҳлантирган эдим-ку!» деган маъно англашилари. Майор гап бошлади. Унинг кескин овози ҳорғин қиёфасига мос келмас эди.

— Сиз Артур Торнстремни биласизми?

— Ҳа, — деб жавоб бердим. — Кеча танишиб эдик.

— У ифвогарона ниятда бирон савол бердими?

— Бермади, шекилли. У, умуман, менга ҳеч қанақа савол бергани йўқ. Ҳар ҳолда мен бирон нарса сўраганини эслаёлмайман.

— Биронта ҳам савол бермадимми?

— Менимча, биронта ҳам бергани йўқ.

— Танишувларингиз нимадан бошланди? Қаерда, қандай танишганингизни аниқ айтинг.

— Мен машинистка қизларнинг ёнида ўтирган эдим. У кириб сўради...

— Сўради дейсизми? Демак, савол берган экан-да! Ниманидир сўрапти-да! Хўш, сир бўлмаса, айтинг-чи, нимани сўради?

— Ҳожатхона қаерда, деб сўради.

Майор бу иборани ёзиб олиб, илова қилди:

— Диққатингизни жамлаб олишингизни маслаҳат берардим...

Бундан кейинги гаплар менга бутунлай маъносиз туюлди. Чилиевни ҳамма нарса қизиқтирарди. Нима едик? Нима ичдик? Қайси расомлар ҳақида гаплашдик. У ҳатто шведнинг неча марта таҳорат ушатишга борганигача қизиқди...

Майор ҳамма тафсилотларни эслашимни талаб қилди. Швед ичкиликни ҳаддан зиёд кўп ичмадимми? Аёлларга ўч эканми? Айбини яшириб юрган гомосексуалистга ўхшамайдими?

Мен унинг саволларига ҳафсала билан батафсил жавоб бердим. Менинг яширадиган гапим йўқ эди.

Майор бир лаҳза тин олди. Стол устида жиндай қаддини тиклади. Кейин бир оз овозини баландлатди:

— Биз сизнинг онглилигингизга ишонган эдик. Аслида сиз анча-мунча енгил-так одамсиз. Сизнинг тўғрингизда бизда бор маълумотлар анча зиддиятли. Аниқ-роқ айтсам, ичимлик ичасиз, латифагўйлик қиласиз, маиший ҳаётда яхши-ёмонни фарқламайсиз.

Бунинг нимаси зиддиятли деб ундан сўрамоқчи бўлдим. Лекин ўзимни тийдим. Бунинг устига майор қалингина бир папкани стол устига қўйди. Унинг устига йирик-йирик ҳарфлар билан менинг фамилиям ёзиб қўйилган эди.

Мен папкадан кўзимни ололмай қолдим. Шу пайтда кўнглимдан кечган нарсаларни гастрономнинг гўшт бўлимига қўйилган чўчка ҳам кечирса керак.

Майор давом этди:

— Биз сизнинг бекаму-қўст софдил бўлишингизни истаймиз. Сизнинг ёрдамингиз керак бизга. Бу топшириқ нақадар жиддий эканини англаб етган бўлсангиз керак? Энг муҳими — эсингизда бўлсин, — бизга ҳамма нарса маълум. Бошиданоқ бизга ҳамма нарса маълум. Ҳамма нарса.

Шу жойга етганда Мишка Баришников тўғрисида сўрагим келиб кетди. Наҳотки, Мишанинг Қўшма Штатларда қолмоқчи бўлгани сизларга аввалдан маълум бўлган бўлса?

Бу орада майор савол бериб қолди:

— Швед билан нима деб келишдинглар? Бугун учрашадиган бўлганмисизлар?

— Учрашмоқчи бўлудик, шекилли, — дедим. — У мени хотиним билан операга таклиф қилди. Унга кўнғироқ қилиб, узр сўрамоқчи бўляпман. Мазам қочиб қолди дейман.

— Зинҳор ундай қила кўрманг, — деб майор ўтирган жойидан кўтарилди. — Театрга боринг. Албатта, боринг. Ҳамма нарсани майда-чуйдасигача эслаб қолинг. Биз сизга эртага эргалаб кўнғироқ қиламиз.

Менга шу камлик қилиб турганди, деб ўйладим.

— Иложим йўқ, — дедим. — Объектив сабаблар бор. Яъни?

— Менинг костюмим йўқ. Театрга борадиган одамда шунга яраша либос бўлмоғи керак. Ўзингиздан қолар гап йўқ, театрда ажнабийлар кўп бўлади.

— Нега сизнинг костюмингиз йўқ? — деб сўради майор. — Бу қандай бемаънилик? Туппа-тузук газетанинг ходимисиз, ахир?

— Кам топаман, — деб жавоб бердим.

Гапга муҳаррир аралашди.

— Мен сизга кичкина бир сирни очиб бермоқчиман. Ўзингиз биласиз, янги йил тантаналари яқинлашиб келяпти. Ўртоқ Довлатовни қимматбаҳо совға билан мукофотлаш тўғрисида қарор қабул қилганмиз. Ярим соатдан кейин у бухгалтерияга кириши мумкин. Кейин Фрунзе универмагига боради. У ерда ўзига ёққан юз йигирма сўмлик костюмни танлаб олиши мумкин.

— Менга тўғри келадигани топилмайди-да, — дедим.

— Ҳечқиси йўқ, — деди муҳаррир. — Универмаг директорига қўнғироқ қилиб қўяман.

Шу тарзда мен бинойидек хорижий костюмнинг эгаси бўлиб қолдим. Адашмасам, шарқий Германияда тикилган. Уни беш мартача кийдим. Бир марта швед билан театрга борганда. Тўрт мартача — мени дафн маросимига вакил қилиб жўна-тишганда...

Менинг шведимни бўлса бир ҳафтадан кейин мамлакатдан чиқариб юборишди. У қолақ журналист эди. Ўнг қанотнинг манфаатларини ифодалар эди.

Олти йил рус тилини ўрганган экан. Китоб ёзиш нияти бор экан. У шўрликни чиқариб юборишди.

Бу ишга менинг дахлим бўлмагандир-ов... Унинг тўғрисида майорга гапириб берган гапларим мутлақо беозор гаплар эди.

Қолаверса, мен Артурга айтиб қўйдим, орқангдан кузатиб юришипти, деб шип-шитиб қўйдим. Тўғрироғи, унга деворнинг ҳам қулоғи борлиги ҳақида шама қилдим...

Швед буни тушунмади. Хуллас, бу ишга менинг дахлим йўқ.

Энг таажжубланидиган жойи шундаки, Шамкович деган таниш диссидент мени ўшанда айблаб, КГБнинг айғоқчиси деб атаган эди.

ЗОБИТЛАР КАМАРИ

Ароқхўр учун касалхона ўриндиғида уйғонишдан кўра ёмон нарса йўқ. Уйқинг ўчмасдан туриб:

— Бўлди! Ташлайман! Бутунлай ташлайман! Энди бир томчи ҳам оғзимга олмаганим бўлсин! — деб гуддирайсан.

Шу пайт беҳосдан бошинг қалин дока билан ўралганини пайқаб қоласан. Докани ушлаб кўришни хоҳлайсан, аммо, чап қўлинг гипсгаб қўйилган бўлади. Ва ҳоказо.

Олтмиш учинчи йил ёзида Коми республикасининг жанубида шундай ҳолат ўз бошимдан ўтган.

Бир йил аввал армияга чақирилгандим. Мени лагерь қўриқчилигига тайинлашганди. Синдор ёнидаги йигирма кунлик назоратчилар мактабида таълим олгандим...

Ундан илгари икки йил бокс билан шуғулланганман. Республика мусобақаларида қатнашганман. Аммо бирон марта ҳам ўргатувчининг менга далда бериб:

— Бўлди, старли. Сендан кўнглим тўқ, — деганини эслай олмайман.

Аммо бундай мақтовни Торопцевдаги қўриқчилар тайёрлаш мактаби инструкторидан эшитганман. Машғулотлардан уч ҳафта ўтгач. Бунинг устига, кейинчалик менга боксчилар эмас, хавфли жиноятчилар таҳдид этишган...

Ён-веримга қарайман. Линолеумда қуёш нуллари акс этади. Тумбочка дориларга тўлиб кетганди. Эшикка «Ленин ва саломатлик» деб ёзилган деворий газета ёпиштирилганди.

Сув ўтларининг ҳиди бурқсиб турганини айтмайсизми? Мен даволаш қисмига тушиб қолгандим.

Чирмаб ташланган бошим оғирди. Қошим устида чуқур яра сезилиб турарди. Чап қўлим ишламасди.

Каравот суянчигига гимнастёркам осиб қўйилган. Унда сигарета қолган бўлиши керак. Кулдон ўрнига қандайдир сиёҳ қуйилган идишдан фойдаландим. Гугурт қутисини тишлаб туришга тўғри келди.

Энди кеча нима бўлганини хотиржам эслаш мумкин.

Эрталаб мени қўриқчилар рўйхатидан ўчиришди. Старшинага бориб учрашдим:

— Нима бўлди? Наҳотки менга дам берилса?

— Шунга ўхшаш, — деди старшина, — хурсанд бўлавер... Ўн тўртинчи баракдаги маҳбус бор-ку? Гоҳ хуради, гоҳ хўроз бўлиб қичқиради. Ошпаз Шура холани тишлаб олди... Қисқаси, уни Йоссердаги жиннихонага олиб борасан. Кейин кун бўйи бўшсан. Худди ҳордиқ кунни деявер.

— Қачон борсам бўлади?

— Хоҳласанг, ҳозироқ.

— Бир ўзимми?

— Нега бир ўзинг? Қоидага мувофиқ — икки киши. Чурилинни ё бўлмаса Гаен-кони оласан...

Чурилинни асбобсозлик цехидан излаб топдим. Кўлида кавшарлагич. Дастгоҳда турган ялтироқ нарсдан бадбўй дуд тараларди.

— Кавшарлаяпман, — деди Чурилин, — заргарлик иши. Қара.

Мен бўртма юлдузли жез тўқани кўрдим. Унинг ички томонига эритилган қалай қуйилганди. Бундай қуйма камар даҳшатли қуролга айланишини биламан.

У вақтларда чекистлар ҳам зобитларникига ўхшаш қайиш камар тақишар эди. Унга эритилган қалай қуйиб, сайлга боришарди. Муштлашувлар чоғида шундай қалайли тўқалар каллалар устида ярақлаб қоларди...

— Йиғиштир, — дедим.

— Нима бўлди?

— Жиннини Йоссерга олиб борамиз. Ўн тўртинчи барақдаги битта маҳбус савдойи бўлиб қолибди. Бунинг устига, Шура холани тишлаб олипти.

— Тўғри қилади, — деди Чурилин. — Овқат егиси келган-да. Бу Шура деганинг давлатнинг ёғини уйига ташийди. Ўзим кўрдим.

— Кетдик, — дедим.

Чурилин жўмрак тагида тўқани совутди, сўнг тақиб олди.

— Кетдик...

Кўриқлашга кетаётганимиз учун қурол олдик. Икки дақиқалардан кейин назоратчи соқоли ўсган, йўғон маҳбусни ҳайдаб келди. У юргиси келмай, нуқул қичқирарди:

— Чиройли спортчи қизни хоҳлайман! Спортчи қиз топиб беринг! Мен яна қанча кутишим керак?!

Назоратчи хотиржам жавоб берди:

— Камида олти йил. Шунда ҳам муддатингдан олдин чиқаришса. Кўпчилик бўлиб тушгансан-ку!

Маҳбус парво қилмай бақиринишда давом этди:

— Менга спортчи — разрядли қизни беринглар, аблаҳлар!

Чурилин унга синчиклаб қараб, мени тирсаги билан туртди:

— Бунини нимаси телба, эшитаяпсанми?! Эс-хушли одам. Олдин овқат егиси келди, энди хотин топиб бер, деяпти. Яна разрядлиси бўлсин эмиш... Диди жойида... Мен ҳам йўқ демасдим...

Назоратчи менга ҳужжатларни узатди. Биз даҳлизга чиқдик. Чурилин сўради:

— Отинг нима?

— Доремифасоль, — жавоб берди маҳбус.

Шунда мен унга дедим:

— Агар ҳақиқатан ҳам ақлдан озган бўлсангиз — майли. Ўйин қилаётган бўлсангиз — ихтиёрингиз. Мен шифокор эмасман. Менинг вазифам сизни Йоссерга олиб бориш. Бошқа нарса мени қизиқтирмайди. Ягона шартим — ўйинни йиғиштиринг. Тишлашга уринсангиз отиб ташлайман. Хоҳлаганингизча вовуллаб, қу-қулай-веришингиз мумкин...

Тўрт чақиримча юришимизга тўғри келарди. Ёғоч ташувчи йўловчи машиналар учрамасди. Лагерь бошлиғининг машинасини капитан Соколовский олганди. Интага имтиҳон топширгани кетди, дейишди.

Қисқаси, пиёда кетдик. Қишлоқдан чиққач, ботқоқликлар оралаб юриларди. Кейин кичик ўрмон ёнидан чорраҳагача бориларди. Чорраҳадан ўтилгач, Йоссер лагерининг миноралари бошланарди.

Қишлоқда магазин ёнидан ўтаётганимизда Чурилин қадамни секинлаштирди. Мен унга икки сўм узатдим. Бу пайтда патруллардан қўрқмасаям бўларди.

Маҳбусга бу ишимиз маъқул кўринди. Ҳатто у қувончини яшириб ўтирмади:

— Менинг исмим Толик...

Чурилин «Московский» пишасини олиб келди. Мен уни галифе шимимнинг чўнтагига солдим. Ўрмонгача сабр қилишимиз керак.

Бу орада маҳбус ўзининг ақлдан озганлигини эслатиб борди. У тўрт оёқлаб юрар ва маърар эди.

Мен унга кучингни беҳуда сарфлама, деб маслаҳат бердим. Уни тиббий текширишларга асраб қўй дедим. Сирни очмайман.

Чурилин майса устига газета ёзди. Чўнтагидан бир неча дона печенье чиқарди. Навбати билан шишанинг оғзидан ичдик. Маҳбус дастлаб иккиланди:

— Врач ҳидни сезиб қолади. Бу ёғи табиий чиқмайди.

Чурилин шартта кесди:

— Вовуллаш билан қақоғлаш табиий чиқадами?...

— Шовул чайнаб юборасан, олам гулистон.

— Енгилдим, — деди маҳбус.

Иссиқ ва чароғон кун эди. Осмонда енгил эринчоқ булутлар сузарди. Чорраҳада ёғоч ташувчи машиналар гувилларди. Чурилиннинг боши устида қовоғари айланарди.

Арақ таъсир кўрсата бошлади, мен хаёлга чўмдим: «Эркинлик қандай соз-а! Хизматдан қайтач, соатлаб кўчаларда сайр қиламан. Маратдаги қаҳвахонага кирман. Дума биноти ёнидаги скамейкада ўтириб чекаман...»

Эркинлик — фалсафий тушунча эканини биламан. Бу мени қизиқтирмайди. Қуллар фалсафа билан қизиқмайдилар-ку. Хоҳлаган жойингга кета олсанг — энг катта эркинлик шу! ...

Ҳамшишаларим ўзаро суҳбатлашардилар. Маҳбус маъқулларди:

— Бошим жойида эмас. Бундан ташқари, газлар ... Сирасини айтганда, бунақаларни чиқариб юбориш керак. Касалига қараб бўшагишса нима қипти? Эскирган техника чиқитга чиқариллади-ку!

Чурилин гапни бўлди:

— Бошим жойида эмас дейсанми?! Ўғирлашга ақлинг етибди-ку! Хужжатларингда кўплашиб ўғирлик қилганинг ёзилган. Қизиқ, нима ўғирлагандинг-а?!

Маҳбус хомуш жавоб берди:

— Арзимаган нарса ... Трактор ...

— Бутун трактор эдими?!

— Ҳа-да.

— Уни қандай қилиб ўмардинг?

— Оппа-осон. Темир-бетон буюмлари комбинатидан. Мен руҳий таъсирдан фойдаландим.

— Бу нима деганинг?

— Комбинатга кириб бордим. Тракторга ўтирдим. Орқасига ёқилгидан бўшаган темир бочкани боғлаб олдим. Эшикка қараб хайдайвердим. Бочка даранглайди. Қоровул келиб қолди: «Бочкани қаерга олиб кетаяпсан?» — «Зарур бўлиб қолди», — деб жавоб бердим. «Рухсатинг борми?» — «Йўқ!» — «Жойига элтиб қўй...» Бочкани жойига қўйдим, ҳайдаб кетавердим. Умуман, руҳий таъсир иш берди ... Кейин биз бу тракторни эҳтиёт қисмларга ажратдик ...

Чурилин қойил қолиб, муҳбуснинг елкасига қоқиб қўйди.

— Артистсан-ку, укам!

Маҳбус камтарлик билан:

— Одамлар мени ҳурмат қилишарди, — деб таъкидлади.

Чурилин кутилмаганда ўрнидан туриб:

— Яшасин меҳнат заҳиралари! — деб қичқирди ва чўнтагидан иккинчи шишани чиқарди.

Ўтирган еримизга офтоб туша бошлади. Соя жойга ўтдик. Япасқи ольха тагига жойлашдик.

Чурилин буйруқ берди:

— Кетдик!

Ҳаво иссиқ эди. Маҳбус белигача ечиниш олди. Кўкрагидаги порох билан ёзилган: «Файна! Олтин дамлар ёнингдами?» деган битик яққол кўринарди. Ёнида калла суяги, ханжар ва «заҳар» деган ёзувли шишача тасвири ...

Чурилин тезда маст бўлиб қолди. Мен буни ҳатто сезмай ҳам қолибман. У бирдан маъносиз тортиб, сукутга чўмди.

Казармада асабий кишилар кўплигини билардим. Қўриқчилик хизматининг ўзи шунга олиб келади. Аммо Чурилин назаримда мутлақо соппа-соғ эди.

Фақат унинг битта телбанамо қилиги ёдимда қолганди. Биз у пайтда маҳбусларни ёғоч тилишга олиб борардик. Тахта уйча ичидаги печь ёнида гаплашиб ўтирдик. Табиийки, ичар эдик.

Чурилин ҳеч нарса демай ташқарига чиқиб кетган эди. Қаердандир челақ топиб, уни соляркага тўлдирибди. Кейин томга чиқиб, ёқилгини мўрига қуйиб юборибди. Иморат алангага чулғанди. Биз уйчадан зўрға чиқиб олдик. Уч киши ёнди. Аммо бу анча эски гап. Ҳозир унга тасалли бердим:

— Тинчлан ...

Чурилин индамасдан тўппончани олди. Кейин эшитганимиз шу бўлди:

— Туринглар! Икки кишидан иборат бригада соқчи ихтиёрига берилади! Зарурат туғилса соқчи фойдаланади. Маҳбус Холоденко — олдинга ўт! Ефрейтор Довлатов орқасидан юр! ..

Мен уни тинчлантиришга ҳамон уринаман:

— Эсингни йиғ. Ўзингни қўлга ол. Тўппонча билан ҳазиллаша кўрма...

Ҳайрон қолган маҳбус эса лагерь лаҳжасида:

— Ким у ҳаммомда шовқин солаётган? — деб фулдирайди.

Чурилин бу вақтда тепкини кўтариб бўлганди.

— Ортиқча ичиб қўйибсан, — деб такрорлаганча унга қараб юра бошладим.

Чурилин орқага тисарилди. Кескин ҳаракатлардан ўзимни тийиб, унга оҳиста яқинлашдим. Кўрққанамдан узуқ-юлуқ гаплар айтгардим. Ҳатто, аниқ эсимда, жил-майишга ҳаракат қилдим.

Маҳбус эса ўзини йўқотмаганди. У шодон қичқирди:

— Ана томоша! Эсинг борида жуфтакни ростла! ...

Чурилиннинг орқасида ағанаб ётган ольхага кўзим тушди. Ортиқча тисариладиган жой йўқ. Олга ташландим. У йиқилаётиб, ўқ узиши мумкин эди. Худди шундай бўлди.

Гумбурлаш, синган шохларнинг қарс-қурси ...

Тўппонча ерга тушди. Уни бир чеккага тепиб юбордим.

Чурилин турди. Энди ундан кўрқмасдим. Хоҳлаган маррадан туриб, уни йиқишим мумкин эди. Маҳбус ҳам ёнимда.

Чурилин камарини олаётганини кўрдим. Нега бундай қилаётганини англамапман. Кўйлагини тўғрилаяпти, деб ўйлапман.

Назарий жиҳатдан уни отиб ташласам ёки ярадор қилсам бўларди. Биз топшириқни бажараётгандик. Жанговар ҳолатда эдик дейишим мумкин. Менга айб кўйишмасди.

Шундай қилиш ўрнига мен яна унинг олдига бордим. Бокс билан шуғулланиб юрганимда ҳам маданий муомала менга доим панд берарди.

Оқибатда Чурилин бошимга тўқа билан тушириб қолди.

Муҳими, ҳаммаси ёдимла. Ҳушимни йўқотганим йўқ. Зарбани сезмадим ҳам. Шимимга қон оқиб тушаётганини кўрдим. Қон шунчалик кўп эдики, ҳатто кафтимни тутдим. Энгашиб турибман, қон эса тўхтаб демайди.

Хайриятки, маҳбус ўзини йўқотиб қўймади. Чурилиннинг қўлидан камарни тортиб олди. Кейин кўйлагининг энги билан пешонамни боғлади.

Шунда Чурилин, чамамда, нима бўлаётганини англай бошлади. У бошини чангаллаганча ҳиқиллаб йўлга тушди.

Унинг тўппончаси ерда ётарди. Бўш шишалар ёнида. Мен маҳбусга:

— Кўтар ... — деб буюрдим.

Ана энди мана бу ажабтовур манзарани кўринг. Олдинда ҳиқиллаб чекист кетаяпти. Унинг орқасида тўппонча ушлаган телба маҳбус. Сафнинг охирида боши қонли боғич билан танғилган ефрейтор. Қаршимизда — ҳарбий патруль. Баҳайбат бўрибосар билан учта автоматчи «Газ — 61» да ўтирипти.

Улар менинг маҳбусимни отиб қўйишмаганига ҳайрон қоламан. Уни илма-тешиқ қилиб юборишлари мумкин эди. Ёки кўппакни қўйиб юборишса ҳам бўларди.

Машинани кўргандан кейин ҳушимни йўқотдим. Тинка-мадорим қолмади. Жазирама ҳам кучини кўрсатганди. Маҳбуснинг айби йўқ деб айтишга улгурдим, холос. Ким айбдорлигини ўзлари аниқлаб олаверишсин.

Бунинг устига, йиқилаётиб қўлимни синдириб олдим. Аниқроғи, синдирмадим, шикаслантирдим. Билагим дарз кетди. Мана буниси ортиқча бўлди, деб ўйладим. Энг охириги эсимда қолган нарса — ит эди. У ёнимда чўққайиб ўтирганча қизғимтир оғзини очиб, асабий тамшанарди ...

Бошим устида радиокарнайча ишлаб турарди. У хириллар ва вишиллаганга ўхшаш энгил нафас чиқарарди. Давлат мадҳиясининг тантанавор садоларини кутиб ўтирмай, уни ўчириб қўя қолдим.

Бирдан унутилган болалик хотиралари ёдимга тушиб кетди. Мактаб ўқувчиси-ман, ҳароратим кўтарилган. Мени дарсга юборишмайди.

Мен шифокорни кутаман. У тушагимга ўтиради. Томоғимни кўради. «Қани-и, йигитча», — дейди. Ойим унга тоза сочиқ излаб қолади.

Мен беморман, бахтлиман, ҳамма мени авайлайди. Мен совуқ сувда ювинмас-лигим керак ...

Мен шифокорни кутиб ўтирибман. Унинг ўрнига Чурилин кўринди. Ойнадан мўраллади, дераза тоқчасига ўтирди. Кейин ёнимга кириб келди. Кўриниши аянчли ва қайғули эди.

Човига бошлаб бир тепмоқчи бўлдим. Чурилин дарров ўзини орқага олди ва сохта тавозе билан қўлларини ишқалай бошлади.

— Серега, кечир! Мен айбдорман .. Пушаймонман ... Чин дилдан пушаймон-ман... Эффе́кт ҳолатига тушиб қолибман.

— Аффе́кт, — деб тўғриладим.

— Ана шундай ...

Чурилин эҳтиёткорлик билан менга яқинлашди.

— Ҳазиллашмоқчи эдим ... Қизиқчилик учун... Сенга ҳеч қандай даъво-жанжалим йўқ.

— Бўлмасам-чи, — дейман.

«Гигиена» атир сувини ичишдан таф тортмайдиган соқчига нима ҳам дейишим мумкин? ...

— Маҳбусимизга нима бўлди? — деб сўрадим.

— Жойида. Яна савдойи бўлиб қолди. Ҳар куни тонгда «Бепое́н ватаним менинг» кўшигини айтади. Эртага текширувдан ўтади. Ҳозирча алоҳида хонада ўтирибди.

— Ўзинг-чи?

— Қаерда бўлардим — албатта гауптвахтадаман. Ҳозир бу ерда бўлсам ҳам, аслида гауптвахтада ўтирибман. У ерда ҳамюртим навбатчи ... Сенда зарур ишим бор.

Чурилин яна бир қадам ташлади-да, тез-тез гапира бошлади:

— Серега, хароб бўлдим, ёрдам бер! Пайшанба куни ўртоқлик суди!

— Кимни устидан?

— Мени устидан. Сен Серегани майиб қилдинг дейишяпти.

— Майли, ҳеч қандай даъвом йўқ деб айтаман. Сени кечираман.

— Мени кечиради, деб айтдим уларга. Буни аҳамияти йўқ, сабр косамиз тўлди, дейишади.

— Унда мен нима қила оламан?

— Сен ўқимишли одамсан, бирон нарса ўйлаб топ. Бошимдан балони арит. Бўлмасам, бу аблаҳлар қоғозларни ҳарбий судга оширишади. Уч йилга интизом батальонига юборишади. Интизом батальони лагердан беш баттар. Ўзинг қутқармасанг бўлмайди.

У қиёфасини ўзгартирди, йиғламсираб гапирди:

— Ёлғиз ўғилман ... Акам қамоқда, опаларим эрта тегиб кетишган...

— Ҳайронман, нима қилишим мумкин? — дедим мен. — Битта йўли бор...

Чурилинга жон кирди:

— Қанақа?

— Судда сенга савол бераман. «Чурилин, бирон-бир касбинг борми?» — деб сўрайман. Сен: «Йўқ!» деб жавоб берасан. Мен: «Хизматдан қайтгандан кейин у нима иш қилади? — Ўғирлик қилсинми? Шофёрлик ёки бульдозерчилик курслари ҳақидаги ваъдалар қани? Мунтазам армиядан бизни қаеримиз кам?» — дейман. Шундай даъвом этамиз. Албатта, ғала-ғовур бошланади. Зора, шунда сени қўллаб юборишса ...

Чурилин жуда очилиб кетди. Каравотимга ўтириб олиб, нуқул:

— Мана буни бош дейдилар! Зап бошинг бор-да! — дерди.

— Бундақа бош билан ишламасанг ҳам ошифинг олчи бўлади! — деб маъқуллашга тушди.

— Айниқса куйма тўқа билан силаб турсанг, — дедим.

— Эски гап, — деди Чурилин, — ҳаммаси унутилди ... Нима дейишим кераклигини ёзиб бер.

— Сенга тушунтирдим-ку!

— Энди ёзиб бер. Бўлмаса чалканштириб юбораман.

Чурилин менга кимёвий қалам қолдигини узатди. Сўнг деворий газетадан бир бўлак юлиб олди.

— Ёз.

Мен аниқ-равшан қилиб, «Йўқ» дедим.

— «Йўқ» деганинг нимаси? — сўради у.

— «Нима гапиришимни ёзиб бер», деяпсан. Мана, мен ёзаман: «Йўқ». Мен судда савол бераман. «Бирон-бир касбинг борми?» деб сўрайман. Сен «Йўқ» деб жавоб қайтарасан. Кейин мен шофёрлик курслари ҳақида гапираман. Сўнг тўпалон бошланади.

— Демак, мен фақат «йўқ» дейманми?

— Худди шундай.

— Камлик қилади, — деди Чурилин.

— Бошқа саволлар тушиб қолиши ҳам мумкин.

— Қанақа?

— Унисини билмайман.

— Нима деб жавоб қайтараман.

— Савол қандайлигига қарайсан-да.

— Нима сўрашар экан? Тахминан?

— Айтайлик, «Чурилин, айбингга иқрормисан?» деб сўрашади.

— Мен нима дейман?

— «Ҳа» деб жавоб қайтарасан.

— Ҳаммаси шуми?

— «Албатта, иқрорман ва қаттиқ пушаймонман», десанг ҳам бўлади.

— Мана буниси яхши. Ёзиб қўй. Аввал саволларни, кейин жавобларни ёз. Сўроқларни одатлагидек ёзавер, жавобларни катта ҳарфларда ёз. Тағин чалкаштириб юрмайин.

Чурилин билан ўн биргача ўтирдик. Фельдшер уни чиқариб юбормоқчи бўлди, аммо Чурилин кўнмади:

— Қуролдош дўстимни кўришга ҳаққим борми?!

Оқибатда биз бутун бир драма ёзиб чиқдик. Ўнлаб саволлар ва жавобларни назардан ўтказдик. Бунинг устига, Чурилиннинг кистовига кўра қавс ичида «Совуқ-қина», «Ўйланиб», «Паришон» каби сўзларни ёзиб қўйдим.

Шу пайт менга тушлик: бир тарелка шўрва, қовурилган балиқ ва кисель олиб келишди.

Чурилин ҳайрон қолди:

— Бу ерда гауптвахтадан кўра яхшироқ боқишар экан.

— Акси бўлади деб ўйлабмидинг?

Унга балиқ ва киселни беришга тўғри келди.

Шундан кейин биз ажралишдик. Чурилин таъкидларди:

— Ўн иккида ҳамюртим гауптвахтадан кетади. Унинг ўрнига қанақадир хахол келади. Жойимда бўлишим керак.

Чурилин ойна олдига борди. Сўнг орқага қайтди.

— Унутай дебман. Кел, камарларимизни алмаштирайлик. Акс ҳолда мана бу тўқа учун қўшиб беришади.

У менинг аскарлик камаримни олди. Ўзиникини каравотга осиб қўйди.

— Омадинг бор экан, — деди у, — меники тоза чармдан. Тўқаси ҳам қўймали. Урсанг — одам найза санчилгандек ағдарилади!

— Буни яхши биламан ...

Чурилин тағин дераза олдига борди. Яна бир марта ўгирилиб қаради.

— Раҳмат сенга, — деди, — ўлгунимча унутмайман ...

Деразадан сакраб тушди. Бемалол эшикдан чиқса ҳам бўларди.

Сигареталаримни олиб кетмаганигаям шукур ...

Уч кун ўтди. Врач осон қутулганимни айтди. Бошим салгина шилинган экан.

Ҳарбий шаҳарча худудиди сандироқлаб юрдим. Соатлаб кутубхонада ўтирдим. Ўтин омборининг томида офтобда тобландим.

Икки марта гауптвахтага киришга уриндим. Аввалгисида янги келган латиш йигит соқчиликда экан. Дарҳол автоматни тўғрилади. Сигарета бермоқчилигимни айтдим, у кескин бошини чайқади.

Кечқурун яна келдим. Бу сафар таниш инструктор навбатчилик қиларди.

— Киравер, — деди, — тунаб қолсанг ҳам майли.

У калитларни шақиллатди. Эшик очилди.

Чурилин учта тутқун билан карта ўйнаб ўтирарди. Қўлида бутерброд ушлаган бешинчиси кузатиб турарди. Полда апельсин пўчоқлари сочилиб ётарди.

— Салом, — деди Чурилин, — халақит берма. Ҳозир уларни адабини бериб қўяман. Унга «Беломор» узатдим.

— Ичкилик-чи? — сўради Чурилин.

Бунақа сурбетликни ҳаммаям қилавермайди.

Бир лақиқа тургач, чиқиб кетдим.

Эрталаб ҳамма ёққа эълон ёпиштириб чиқилди:

«Дивизионнинг очиқ комсомол мажлиси ўтказилади. Ўртоқлик суди. Чурилин Вадим Тихоновичнинг шахсий масаласи. Келиш мажбурий».

Муддатдан ташқари хизматда қолган аскар:

— Аллақачон қилиш керак эди, — деди. — Казармада нима бўлапти — турган-битгани даҳшат ... Вино оқиб ётипти ...

Клуб биносига олтмишгача одам йиғилди. Саҳнага комсомол бюроси аъзолари жойлашди. Чурилинни байроқ тагига ёнламосига ўтказишди. Майор Афанасьевнинг келишини кутишарди.

Чурилин жудаям бахтиёр кўринарди. Балки саҳнага биринчи бор чиқишидир. У имо-ишоралар қилар, танишларига қўл силкитарди. Менга ҳам қўл силкиб қўйди.

Саҳнага, майор Афанасьев кўтарилди.

— Ўртоқлар!

Залдаги гала-говур тинди.

— Ўртоқ жангчилар! Бугун биз оддий аскар Чурилиннинг шахсий масаласини кўрамиз. Оддий аскар Чурилин ефрейтор Довлатов билан муҳим топшириқни бажаришга юборилган эди. Йўлда оддий аскар Чурилин ўлгудек ичиб, бемаъни қилиқлар қила бошлаган. Оқибатда ефрейтор Довлатовга, кечирасизлар, очиғи, бу қуруқ савлат ҳам ундан қолишмайди, шикаст етказди ... Жилла курса, маҳбусдан уялишса бўларди ...

Майор буларни гапирётганда Чурилин жуда очилиб кетди. Икки марта сочини таради, стулда айланди, байроқни силади. Ўзини худди қаҳрамон ҳисобларди.

Майор давом этди:

— Фақат мана шу чоракнинг ўзида Чурилин гауптвахгага йигирма олти марта тушган. Мен уни маст-аласт юришини айтаётганим йўқ — бу нарса Чурилин учун қишда қор ёққандек гап. Мен муштлашишга ўхшаш жиддий жиноятларни назарда тутаяпман. Унинг хаёлида худди коммунизм куриб қўйилгандек. Кимнидир, ёқтирмайсанми — тушир башарасига! Қарабсизки, мушт ишга тушиб турибди-да! Нима, бировнинг башарасига мушт туширишни мен ёқтирмас эканманми?! ... Умуман, сабр косамиз тўлди. Чурилин биз билан қоладими ёки қоғозлари ҳарбий судга оширилладими — ҳозир шуни ҳал қиламиз. Иш жуда жиддий, ўртоқлар! Бошладик! ... Қани! Чурилин, айтинг-чи, бу иш қандай юз берди?

Ҳамма Чурилинга қаради. Унинг қўлида гижимланган қоғоз пайдо бўлди. Уни айлантириб кўрар ва нималарнидир пичирлаб гўлдирар эди.

— Гапиринг, — такрорлади майор Афанасьев.

Чурилин эсанкираб менга қаради. Бундай бўлишини ўйлаб кўрибмиз дейсизми? Сценарийга нималардир кирмай қолган эди.

Майор овозини баландлатди:

— Ўзингизни тарозига солмасдан тез гапиринг!

— Шошилаётган жойим йўқ, — деди Чурилин.

У тумшайди. Юзи қорайиб, борган сари бадқовоқ тус ола бошлади. Майорнинг ҳам жаҳли чиқаётгани овозидан сезилиб турарди.

— Рухсат этинг, мен гапираман.

— Йўқ, — бақириб берди майор, — ўзи айтгани яхши.

— Э-ҳа, — деди Чурилин, — мана ... Хоҳлайман ... анови ... бульдозерчилар курсига киришни ...

Майор унга ўтирилиб қаради:

— Бульдозерчилар курсининг нима дахли бор, ҳой, онангни эмгур! Маст бўлгансан, ўртоғингга шикаст етказгансан, шуни биласанми ўзи?! Энди курсда ўқишни хоҳлаб қолдингми?! Мабодо, институтга киргинг келмаяптими? Ёки кўнглинг консерваторияни тусаётгандир?..

Чурилин яна бир марта қоғозга қараб олиб, ғамгин гапирди:

— Мунтазам армиядан камлик жойимиз борми?

Тутақиб кетган майор бўғилиб қолаёзди:

— Бу аҳвол қанча давом этади?! Унга ён босган саринг ўзиникини маъқуллайди. «Гапир» десанг — парвойи-фалак!

— Гапирадиган нарсанинг ўзи йўқ, — Чурилин ўрнидан турди. — Форсайтлар қиссаси бор деб ўйлайсанми, бу ерда?! Гапириб бер! Гапириб бер! Нимани гапириб бераман?! Сен, қанжиқ, мени ёмон кўришингни билмайманми? Сенга мен бас келолармидим?! ...

Майор тўшпонча қинини чангаллади. Яноғида қизил доғлар пайдо бўлди. У оғир нафас оларди. Сўнг ўзини зўр-базўр тутиб:

— Судга ҳавола этамиз, — деди. — Мажлисни тамом деб эълон қиламан!

Иккита катта аскар Чурилиннинг қўлидан ушлади. Мен унга сигарета бериб, ташқарига йўл олдим.

Чурилинни бир йилга интизом батальонига ҳукм қилишди. Чиқишига бир ой қолганда хизматни тамомладим. Ақлдан озган маҳбусни ҳам қайта кўрмадим. Бу ғалати дунё қаёққадир ғойиб бўлди.

Аммо камарни сақлаб қўйибман.

ФЕРНАН ЛЕЖЕНИНГ КАМЗУЛИ

Бу боб — шаҳзода ва гадо ҳақида.

Қирқ биринчи йилнинг мартада Андрюша Черкасов туғилди. Шу йилнинг сентябрида эса мен туғилганман.

Андрюша машҳур одамнинг ўғли эди. Менинг отам эса фақат озғинлиги билан кўзга ташланарди.

Николай Константинович Черкасов таниқли артист ва Олий Кенгаш ноиби эди. Отам эса оддий театр арбоби ва буржуа миллатчисининг ўғли ҳисобланарди.

Черкасовнинг истеъдодига Питер Брук, Феллини ва Де Сикалар тан беришган. Отамнинг қобилиятига эса ҳатто қариндошлари ҳам шубҳа билан қарашган.

Артист, ноиб ва тинчлик учун курашчи сифатида Черкасовни бутун мамлакат биларди. Отамни ичкиликбоз ва асабий киши сифатида фақат кўшнилариимизгина танишарди.

Черкасовнинг дала ҳовлиси, машинаси, уй-жойи ва шуҳрати бор эди. Отамда эса фақат бўғма касали.

Уларнинг хотинлари дўст эдилар. Ҳатто, янгилишмасам, театр институтини бирга тамомлашганди.

Онам театрнинг оддий артисти эди, кейин корректор ва ниҳоят нафақахўр бўлди. Нина Черкасова ҳам театрда оддий артист ҳисобланарди. Эрининг вафотидан кейин уни театрдан бўшатишди.

Чамамда, Черкасовларнинг юқори ижтимоий табақага мансуб Шостакович, Мравинский, Эйзенштейн... каби дўстлари бор эди. Ота-онам эса Черкасовларнинг оддий яқинлари саналарди, холос.

Бутун умримиз давомида уларнинг ғамхўрлиги ва ҳомийлигини ҳис қилиб яшадик. Черкасов отамга тавсиянома берганди. Хотини эса онамга туфли ва кўйлақлар ҳадя этарди.

Ота-онам тез-тез жанжаллашиб туришарди. Кейин улар ажралишдилар. Бунинг устига бу ажралиш уларнинг биргаликда кечирган ҳаётларида яқдиллик билан битирган ишларидан бири эди. Улар жуда оз ишлардагина ҳамфикр бўлиб яшашганди.

Черкасов онамга ва бизга катта ёрдам кўрсатиб турарди. Масалан, фақат унинг кўмаги билангина турар жойимизни сақлаб қолгандик.

Андрюша менинг биринчи дўстим эди. У билан эвакуация пайтида танишгандик. Аниқроғи, танишмаганмиз, болалар аравачасида ёнма-ён ётганмиз. Андрюша хориж аравачасида эди. Меники эса ўзимизда ишлаб чиқарилганди.

Ўйлашимча, таъминотимиз бирдек ёмон эди. Уруш кетаётганди.

Кейин уруш тамом бўлди. Оилаларимиз Ленинградга келиб қолди. Черкасовлар Кронверк кўчасидаги ҳукумат уйида, биз эса Рубинштейн кўчасидаги хужрачаларда яшардик.

Андрюша билан деярли тез-тез учрашиб турардик. Болалар боғчасидаги эргаликларга бирга борардик. Туғилган кун маросимларини бирга ўтказардик.

Мен онам билан Кронверкда қатнайдиغان трамвайда юрардим. Андрюшани «Бу-гатти» ўлжа машинасининг шофёри олиб юрарди.

Андрюша билан бўйимиз тенг эди. Ёшимиз ҳам деярли бир. Иккимиз ҳам соғлом, серғайрат бўлиб ўсдик.

— Ёдимда бор, Андрюша довжорак, жиззаки, чўрткесар эди. Мен унга қараганда бир оз кучлироқ ва салгина ақлироқ эдим.

Ҳар йили ёзда дала ҳовлида турардик. Черкасовларнинг Карель бўйнида қарағайзорлар орасида чорбоғи бор эди. Деразаларидан чағалайлар ғужғон уйнаган Фин кўлтиғи кўриниб турарди.

Андрюша учун уй хизматчиси ёллашарди. Хизматчиларни тез-тез янгиллаб туришарди. Табиийки, улар ўғирликда айбланардилар. Очиғини айтганда, уларни тўғри тушунмоқ даркор.

Нина Черкасованинг хориждан келтирилган буюмлари ҳамма ёқда сочилиб ётарди. Токчаларнинг ҳаммаси атир-упаларга тўла эди. Бу нарсалар ёш уй хизматкорларини йўлдан оздирарди. Навбатдаги ўғирликни сезган Нина Черкасова қошларини чимириб:

— Любаша эркаланиб кетди, — дер эди.

Эртаси куни Любашанинг ўрнини Зинуля эгалларди ...

Менга Луиза Генриховна энагалик қиларди. Немис миллатига мансублиги туфайли у қамалмоғи керак эди. Луиза Генриховна бизникига яширинганди. Яъни биз билан бирга турарди. Ва айни замонда мени тарбия қиларди. Чамаси, унга ҳеч нарса тўлашмасди.

Бир вақтлар Луиза Генриховна билан Черкасовларнинг дала ҳовлисида бирга турган эдик. Шу пайт мана бу воқеа содир бўлган. Луиза Генриховнанинг оёқ томиларида қон яхши юришмасди. Сут соғувчи танишларимиздан бири касал оёқларига ахлат суркашни маслаҳат берди. Халқ табобатида шундай усул қўлланар экан.

Атрофлагиларнинг омадига қарши, бу восита иш бериб қолди. Қамоққа олинганча Луиза Генриховна бадбўй ҳид таратиб юрди. Биз, албатта, бунга чидар эдик, аммо Черкасовлар диди нозик одамлар эди. Улар онамга Луиза Генриховна бу ерда ортиқ турмасин, дейишди. Шундан кейин онам бошқа ҳужра топди. У айни шу кўчанинг ўзида, деҳқон ҳовлиларидан бирида эди. Биз ҳар йили ёзни энагамиз билан бирга шу ерда ўтказадиган бўлдик. То у қамалиб кетгунча.

Эрталаб Андрюшанинг олдига бораман. Биз чорбоғда қолиб юрар, қорағат ер, столда теннис ўйнар, қўнғиз тутар эдик. Иссиқ кунлари чўмилгани борардик. Ёмғирли кунларда айвонда елимдан турли ўйинчоқлар ясардик.

Баъзан Андрюшанинг ота-оналари келиб қолишарди. Онаси — ҳар яқшанбада. Отаси — йилига тўрт марта, тўйиб ухлаш учун.

Черкасовлар мени яхши кўришарди. Уй хизматчиси эса — аксинча. Мен унга ортиқча юк бўлгандим. Бунинг устига — мен учун ҳақ олмасди.

Шу туфайли Андрюшага эркалик қилишга рухсат бериларди. Менга эса йўқ. Тўғрироғи, Андрюшанинг қилиқлари табиий деб қараларди. Меникига эса — бошқача. Менга: «Сен ақлисан. Андрюша учун намуна бўлишинг керак ...» дейишарди. Шундай қилиб, ёз бўйи кичик мураббийга айланиб қолардим.

Мен бу тенгсизликни сезардим. Умуман, Андрюшани ҳам аяб ўтиришмасди. Унга қаттиқ жазо беришарди. Мени эса доим унга намуна қилиб кўрсатишарди.

Шунга қарамай, ўзимни таҳқирланаётгандек сезардим. Андрюша асосий сиймо эди. Чўрилар ундан хўжайиндан кўрққандек, қалтираб туришарди. Мен эса, оддий одамлар жумласига кирардим. Уй хизматчиси оққўнғил бўлганига қарамасдан, ба-рибир мени ёқтирмасди.

Аслида ҳаммаси бошқача бўлиши лозим эди. Уй хизматчиси мени ёқтирмоғи, ижтимоий жиҳатдан ўзига яқин олмоғи керак эди. Ўзи мансуб табақа вакили сифатида яхши муомала қилиши зарур эди. Ҳақиқатда эса хизматкорлар ёмон хўжайинларни керагидан ҳам ортиқроқ яхши кўрадилар. Табиийки, ўзларидан ҳам кўпроқ.

Нина Черкасова зиёли, ақли, яхши тарбия кўрган аёл эди. Табиийки, у дугонасининг олти ёшли ўғлини камситилишига асло йўл қўймасди. Агар Андрюша олма олса, мен ҳам шундай қилардим. Агар Андрюша кинони хоҳласа, чипта иккаламизга олинарди.

Ҳозир ўйлаб қарасам, Нина Черкасовада бойларга хос барча фазилат ва нуқсонлар мавжуд экан. У матонатли, қатъиятли, иродали аёл эди. Шу билан бирга совуқ, димоғдор, зодагонларга хос соддадил ҳам эди. Масалан, у пулни ортиқча юк деб ҳисобларди. У онамга:

— Қандай бахтлисан-а, Нора! — дер эди. — Серёжанга ирис узатсанг кифоя қилади. Мени тентагим бўлса фақат шоколадни ёқтиради ...

Шоколад менга ҳам ёқарди, албатта. Аммо ирисни яхши кўришга ўзимни мажбур қилардим.

Қашшоқликда яшаганим учун афсусланмайман. Хемингуэйга ишонадиган бўлсак, камбағаллик — ёзувчининг энг ноёб мактаби. Қашшоқлик кишини хушёрликка ўргатади. Ва ҳоказо.

Хемингуэй бойигандан кейингина буни англагани қизиқ ...

Етти ёшимда мен меваларни ёқтирмайман, деб отамни ишонтирдим. Тўққиз яшарлигимда магазинда янги ботинкаларни кийиб кўришдан воз кечдим. Ўн бир ёшимдан китоб ўқишга берилдим. Ўн олти ёшимдан пул топишни ўргандим.

Андрей Черкасов билан ўн олти ёшгача яқин муносабатда бўлдик. У инглиз тили мактабини тугатди. Мен оддий мактабда ўқидим. У математикани яхши кўрарди. Менда эса аниқ фанларга рағбат йўқ эди. Бунинг устига, иккимиз ҳам фирт яқов эдик.

Биз тез-тез учрашиб турардик. Инглиз тили мактаби уйимизнинг шундоқ биқинида эди. Баъзан Андрюша машғулотлардан сўнг бизникига кирарди. Мен ҳам рангли телевизор кўргани уларникига бориб турардим. Андрей маъсум, паришонхотир, дўстларга меҳрибон эди. Мен эса тили захар, инсоний қусурларни тез илғайдиган бўлиб улғаяётган эдим.

Ўқувчилик йилларимизда ҳар биримиз ўзига хос дўстлар орттирдик. Менинг ўртоқларим орасида жиноятчиликка мойил ёшлар кўп эди. Андрейни эса яхши оилаларнинг фарзандлари ўзига тортарди.

Демак, марксча-ленинча таълимотда нималардир бор. Чамамда, инсонни ижтимоий ҳиссиётлар бошқаради. Бутун онгли ҳаётим давомида майиб-мажруҳ одамлар, қашшоқлар, безорилар, ҳаваскор шоирлар даврасига интилдим. Минг марта-лаб яхши одамлар орасига кириб бордим, аммо омадим чопмади. Фақат ёввойилар, хаёлпарастлар, тубанликдаги кишилар қуршовидагина ўзимни эркин ҳис этдим.

Одамшаванда дўстларим айтишар эди:

— Хафа бўлмагину, сен ён-атрофингга даҳшатли бесаранжомлик тарқатасан. Сени ёнингда ҳар хил зарарли нарсаларни юқтириш мумкин ...

Мен хафа бўлмасдим. Ўн икки ёшимдан мени тубанликдагилар давраси ўзига тортишини ҳис этганман. Мактабдош ўртоқларимдан еттитаси лагерь тарбиясини олганига ажабланмаса ҳам бўлади.

Малла Борис Иванов тунука ўғирлаб ўтириб чиқди. Штангачи Кононенко маъшпуқасини сўйиб қўйди. Мактаб қаровулининг ўғли Миша Ҳамроев темир йўл вагон-ресторанига ўғирликка тушди. Собиқ авиамоделчи Летяго кар-соқов қизни зўрлади. Мени чекишга ўргатган Алик Брикин оғир ҳарбий жиноятга қўл урди — зобитни калтаклади. Хурракчи лақабли Юра Голинчик милиция отини яралади. Ҳатто синф бошлиғимиз Виля Ривкович ҳам тиббиёт асбобларини сотиб юборгани учун бир йилга жазо олди.

Менинг дўстларим Андрей Черкасовни ташвиш ва хавотирга соларди. Ҳар биттасига қандайдир фалокат етиши мумкин эди. Уларнинг ҳаммаси ўзлигини намойиш қилиш йўли, деб тарафма-тараф курашни тан олишарди.

Унинг дўстлари эса менда шубҳаланиш ва гамгинлик туйғуларини уйғотарди. Уларнинг ҳар бири софдил, ақлли, олижаноб эди. Ҳаммаси муросани — яккама-якка курашишни афзал кўришарди.

Иккаламиз ҳам нисбатан эрта уйландик. Мен, табиийки, камбағал қизни ёқтирдим. Андрей Дашага — кимё олими Ипатьевнинг набирасига уйланди. Натижада уларнинг оилавий даромади бир неча баробар кўпайди.

Қарама-қарши кучларнинг бир-бирига тортилиши ҳақида ўқиганим ёдимда. Бу назарияда, менимча, қандайдир шубҳали жиҳатлар бор. Ёки, кам деганда, баҳсли ўринлар. Масалан, Даша билан Андрей бир-бирига ўхшаб кетадилар. Иккаласи ҳам гавдали, чиройли, олижаноб, ишбилармон. Иккаласи ҳам хотиржамлик ва тартиб-интизомни қадрлайдилар. Иккаласи ҳам осойишта ва ҳаловатли умр кечирадилар.

Биз — Лена иккимиз ҳам бир-биримизга ўхшаб кетамиз. Иккимиз ҳам туғма омадсизлармиз. Иккимиз ҳам воқеликка қарши муросасизмиз. Ҳатто Фарбада ҳам мавжуд қонунарга басма-бас яшашни ёқтирамиз.

Бир куни Андрюша билан Даша бизни меҳмондорчиликка чақирди. Кронверкскийга бордик.

Уй олдида милиционер ўтирипти. У телефон дастасини олиб:

— Андрей Николаевич, сизни йўқлаб келишди! — деб хабар қилди. Кейин юзига янада жиддий тус бериб:

— Ўтингла, — деди.

Лифтда кўтариламиз. Кирамиз.

Йўлақда Даша шивирлади.

— Кечирасизлар, бизни кига ҳамшира келиб қолди.

Дастлаб ҳеч нарсани тушунмадим. Қариялардан бири оғирлашиб қолдимикин, деб ўйладим. Ҳатто қайтиб кетсакмикин, деган хаёлга ҳам бордим.

Бизга тушунтиришди:

— Гена Лаврентьев бир ҳамширани олиб келипти. Фирт даҳшат. Эгнида қўй те-рисидан тикилган совет пўстини. Тўртинчи марта ўйинга тушамизми, деб сўради. Ҳозиргина бир шиша совуқ пивони ичиб олди. Худо ҳаққи, хафа бўлманглар...

— Ҳечқиси йўқ, — дейман, — биз кўникиб кетганмиз.

У вақтда завод газетасида ишлардим. Хотиним аёллар саргароши эди. Бунақа нарсалар бизга мутлақо таъсир қилмасди.

Кейин ҳамширага яхшилаб разм солдим. Унинг қўллари чиройли, кўзлари кўм-қўқ, оёқлари келишган, манглайи ярқироқ эди. У менга ёқди. У кўп овқат еди ва ҳатто стол ёнида ҳам билинтирмасдан оёқларини уриб, рақсга тушиб ўтирди.

Унинг ҳамроҳи — Лаврентьев эса кўзга ташланмасди. Сочлари дағал бўлиб, юзи майда чизиклар билан қопланган — келишимсиз алфозда эди. Бунинг устига, у меъдамга тегиб кетди. Руминияга қилган сафари ҳақида жуда узоқ гапирди. Чама-си, унга Руминияни ёқтирмайман, деган бўлсам керак.

Йиллар ўтди. Андрей билан жуда кам кўришадиган бўлдик. Йиллар оша буям камайиб борди.

Биз жанжаллашмадик ҳам. Бир-биримиздан кўнглимиз қолганим йўқ. Шунчаки ажрашиб кетдик.

Бу пайтларда мен нималарнидир ёза бошлагандим. Андрей номзодлик ишини битираётганди.

Унинг атрофини қувноқ, ақлли, софдил физиклар қуршаб олишганди. Менинг атрофимда эса — телбалар, ифлос, ўзига бино қўйган лириклар йиғилишганди. Унинг танишлари коньякка шампан виносини қўшиб, ҳар замонда бир ичишарди. Менинг ёнимдагилар эса қизғиш портвейндан бош кўтарай дейишмасди. Унинг яқинлари Гумилев ва Бродскийдан баҳс юритишарди. Биз эса фақат ўз асарларимизни ўқирдик.

Орадан кўп ўтмай Николай Константинович Черкасов вафот этди. Пушкин театри ёнида катта митинг бўлиб ўтди. Одам шунчалик кўп тўпландики, кўча ҳаракатини тўхтатишга тўғри келди.

Черкасов халқ артисти эди. Фақат унвони жиҳатидангина эмас. Уни профессорлар ва деҳқонлар, генераллар ва жиноятчилар бирдек яхши кўришарди. Есенин, Зошченко ва Висоцкийлар ҳам шундай шуҳратга эришгандилар.

Бир йилдан сўнг Нина Черкасовани театрдан бўшатдилар. Кейин эрининг барча совринларини тортиб олишди. Черкасовга Европадан берилган барча халқаро мукофотларни қайтаришга мажбур қилишди. Улар орасида олтиндан ясалган қимматбаҳо буюмлар бор эди. Бошлиқларнинг тазйиқи туфайли бева буларнинг ҳаммасини театр музейига топширди.

Бева, албатта, бечора бўлиб қолгани йўқ.

Дала ҳовли, машина, хонадон унда қолди. Бундан ташқари, уларнинг жамғармаси ҳам бор эди. Даша билан Андрей ишлашарди.

Онам ҳар замонда бевани йўқлаб борарди. Соатлаб телефонда гаплашарди. У ўғлидан шикоят қиларди. Уни эътиборсизлик ва худбинликда айбларди.

Онам хўрсинарди:

— Лоақал ўғлинг ичмайди-ку ...

Қисқаси, оналаримиз ёлғиз ва маъюс, кўнгилчан кампирларга айланиб қолишди. Биз эса — бирдек тошюрак ва илтифотсиз ўғиллар деган ном олдик. Андрюшанинг обрўси юксалиб бораётган физиклиги-ю, менинг таъқибга учраган лириклигимга аҳамият беришмадиям.

Оналаримиз ҳам бир-бирларига ўхшарди. Аммо фарқли жиҳатлари ҳам мавжуд эди. Онам деярли уйдан чиқмаганди. Нина Черкасова эса барча қабул маросимларида қатнашганди. Бунинг устига, у Париж сафарига тараддуд кўраётганди.

У чет элларда илгари ҳам бўлганди. Ҳозир бирдан эски дўстларини кўргиси келиб қолипти.

Ғалати ҳодисалар юз бераётганди. Черкасов тириклигида уйларида меҳмон аримасди. Машҳур, истеъдодли одамлар — Мравинский, Райкин, Шостаковичлар келишарди. Ҳаммаси оиланинг дўстлари ҳисобланарди. Николай Константиновичнинг вафотидан кейин уларнинг фақат шахсий дўст эканлиги маълум бўлиб қолди.

Умуман, машҳур совет кишилари қаергадир йўқолди.

Хориждагилар — Сартр, Ив Монтан, расом Леженинг бевасигина қолишди. Шунда Нина Черкасова Францияга боришга қарор қилди.

Жўнашига бир ҳафта қолганда биз тасодифан учрашдик. Мен журналистлар уйи кутубхонасида ўтирдим, тундрани ўзлаштирувчилардан бирининг хотираларига муҳаррирлик қилаётгандим. Хотиралар ўн тўрт бобдан иборат бўлиб, шундан тўққизтаси: «Агар сохта камтарликни йиғиштириб қўйиб ...» деган бир хил жумла билан бошланарди. Бундан ташқари, Лениндан олинган кўчирмаларни ҳам солиштириб чиқишим зарур эди.

Бирдан Нина Черкасова кириб келди. Биз бир кутубхонадан фойдаланишимизни билмас эканман.

У қариб қолганди. Одатдагидек, кўзга ташланиб турмаса-да, ҳашамат билан кийинганди.

Биз саломлашдик.

— Ёзувчи бўлган эмишсан? — деб сўради.

Довдираб қолдим. Бунақа саволга тайёр эмасдим. Ҳатто: «Сен даҳомисан?» деб сўраса яхшироқ бўларди. Шунда хотиржамлик билан ижобий жавоб берардим. Дўстларимнинг ҳаммаси даҳолик дардидан азоб чекишарди. Барчаси ўзини даҳо деб санарди. Ўзини ёзувчи деб аташ хийла қийинроқ эди.

— Эрмак учун ёзиб тураман, — деб жавоб бердим.

Ўқув залида иккита ўқувчи бор эди. Иккаласи ҳам биз томонга қарашди. Черкасовнинг бевасини таниганларидан эмас. Очиғини айтганда, француз духисининг хидини сезганлари учун.

— Биласанми, — деди у, — Коля ҳақида ёзишни кўпдан бери ўйлаб юрибман. Эсдалиқларга ўхшаш бир нарса.

— Ёзинг.

— Истеъдодим йўқ деб чўчияпман. Ҳолбуки, мактубларим барча дўстларга маъқул бўлган.

— Ундай бўлса, узун мактуб ёзинг.

— Энг оғири — бошлаш. Дарҳақиқат, қандай бошланганди ўзи? Эҳгимол, та-нишган кунимиздандир? Ёки анча олдинроқданмикин?

— Худди шундай деб бошланг.

— Қандай?

— «Энг оғири — бошлаш. Дарҳақиқат, қандай бошланганди ўзи? ...»

— Биласанми, Коля бутун ҳаётим эди. У дўстим эди. У устозим эди. Нима деб ўйлайсан, эрини ўғлидан кўра яхши кўриш гуноҳ эмасми?

— Билмайман. Севгининг умумий ўлчовлари йўқ деб ўйлайман. Масалани фақат ҳа ёки йўқ деган тарзда қўйиш мумкин.

— Ақлинг тўлишиб кетибди, — деди у.

Кейин биз адабиёт ҳақида гаплашдик. Мен сўрамасдан туриб ҳам у Пруст, Голсуорси, Фейхтвангерларни ёқтиришини билардим. Маълум бўлишича, Пастернак ва Цветаеваларга ҳам эътиқоди баланд экан.

Шунда мен Пастернакда дид етишмайди дедим. Цветаева эса бутун даҳолилга қарамай, туғма тентак бўлган.

Кейин тасвирий санъатга ўтдик.

Импрессионистларни кўпроқ ёқтирса керак, деб ўйладим. Янглишмаган эканман.

Шунда мен импрессионистлар бир лаҳзалик кайфиятларни абадиятдан кўра устун қўйганлар, дедим. Фақат Монета қабиладошлик тамойиллари кўриш туйғусидан юқори туради.

Черкасова ғамгин хўрсинди:

— Ақлинг тўлишганини кўриб турибман ...

Биз бир соатдан кўпроқ гаплашиб ўтирдик. Кейин у хайрлашиб, чиқиб кетди. Тундрани забт этувчининг хотираларини таҳрир қилгим келмай қолди. Қашшоқлик ва бойлик ҳақида ўйлаб кетдим. Жароҳатланган ва аянчли инсон қалби ҳақида...

Армияда қўриқчи бўлиб хизмат қилган эдим. Маҳбуслар орасида таниқли раҳбар ходимлар ҳам учраб турарди. Улар дастлабки кунларда раҳбарларга хос қилиқларини сақлаб юрадилар. Кейин лагердаги оломон уларни ютиб юборди.

Қачонлардир Париж ҳақида ҳужжатли фильм кўрган эдим. Воқеалар босиб олинган Францияда кечарди. Кўчаларни тўлдириб қочқинлар боришарди. Тутқун мамлакатларнинг ҳаммаси бир хил бўлишига шунда ишонч ҳосил қилгандим. Таланган халқларнинг барчаси — эгизаклардир.

Бир зумда инсондаги осойишталик ва бойлик қобиқлари сидирилиб тушади. Шу ондаёқ унинг жароҳатланган, етим қалби намоён бўлади ...

Уч ҳафта ўтди. Телефон қўнғироғи жиринглади. Черкасова Париждан қайтибди. Сизларникига ҳозир бораман, деди.

Биз ҳолва ва печенье харид қилдик.

У яшаргандек ва бир оз сирли кўринди. Машҳур французлар бизларникига қараганда олижаноброқ экан. Уни яхши кутиб олишибди.

Онам сўради:

— Парижда қандай кийинишаяпти?

Нина Черкасова жавоб берди:

— Нимани хоҳласа — шундай.

Кейин у ҳикоя қилишга тушди. Сартр ва унинг ақлга сиғмайдиган қилиқлари ҳақида. «Соле» театридаги репетициялар ҳақида. Ив Монтаннинг оилавий кўнгилисизликлари ҳақида.

Бизга совғалар тарқатди. Онамга — жажжи театр сумкачаси. Ленага — атир-упалар мажмуаси. Менга эски чий духоба камзул тегди.

Очигини айтсам, бир қадар ранжидим. Камзулни тозалаш ва таъмирлаш зарур эди. Тирсақлари ярқираб кетганди. Тугмалари етишмасди. Ёқаси ва енгиди мойбўёқ изларини илғадим.

Авторучка олиб келганда яхши бўларди, деб ўйладим ҳатто. Аммо бошқа гапни айтдим:

— Раҳмат. Бекорга овора бўлибсиз.

Овозимнинг борича: «Бундай жандани қаердан топдингиз?!» — деб бақириб айта олмайман-ку, ахир!

Камзул ҳақиқатан ҳам эски эди. Совет тарғиботчилари алдамаётган бўлса, бундай камзулларни Америкада ишсизлар кийишади.

Черкасова менга ғалати қараган ҳолда:

— Бу Фернан Леженинг камзули, — деди. — Унинг жуссаси тахминан сеникига тўғри келарди.

Мен ҳайрат ичида қайта сўрадим:

— Леже дейсизми? Айнан ўзими?

— Бир вақтлар у билан дўст эдик. Кейин унинг беваси билан дўстлашдим. Сенинг ишларинг ҳақида гапириб бердим. Надя шкафга қўл чўзди. Мана шу камзулни олиб, менга узатди. Фернан уни энг фақир одамлардан бирига беришни васият қилган эди, деди у ...

Камзулни кийиб кўрдим. Менга — доппа-лойиқ келди. Иссиқ жун свитер устидан бемалол кийса бўларди. У қалта кузги пальтога ўхшаган нарса эди.

Нина Черкасова бизникида ўн биргача ўтирди. Кейин такси чақирди.

Мен мой бўёқдан қолган доғларга узоқ тикилдим. Энди уларнинг камлигига ачинардим. Фақат иккита — енгиди ва ёқасида.

Фернан Леже ҳақида нималарни билишимни ўйлай бошладим:

У баланд бўйли, бақувват одам бўлиб, нормандиялик деҳқонлардан чиққан эди. Ўн бешинчи йилда жангга отланганди. У ёқда қон юқи найзада нон тўғрашга тўғри келганди. Леже чизган уруш манзаралари даҳшатга тўла.

Кейинчалик у худди Маяковский каби санъат воситасида кураш олиб боради. Аммо Маяковский ўзини-ўзи отди, Леже бардош берди ва ғолиб чиқди.

У бино деворлари ва вагонларга чизишни орзу қилганди. Ярим асрдан сўнг унинг орзусини Нью-Йорклик безори амалга оширди.

Унинг учун чизиқлар ранглардан кўра муҳимроқ эди. Шекспирдан тортиб Эдит Пиафгача бўлган санъат қарама-қаршиликлар билан яшаб келаяпти.

У мана бу сўзларни севарди:

«Ренуар кўрган нарсаларини тасвирлади. Мен тушунган нарсаларимни тасвирлайман ...»

Леже коммунист сифатида энг катта, мисли йўқ фирибгарликка мутлақо ишонган ҳолда вафот этди. Кўп рассомлар сингари ҳам аҳмоқ бўлганлиги, эҳтимолдан узоқ эмас.

Мен бу камзулни саккиз йил кийдим. Махсус тантаналарга уни кийиб борардим. Бу йиллар ичида духоба ниҳоятда эскириб, мой бўёқлар бутунлай йўқолиб кетди.

Камзул Фернан Леженики эканини ниҳоятда оз одамларгина биларди. Уни кўпчиликка айтмагандим. Бу аянч сирни сақлаш ўзимга жуда ёқарди.

Йиллар ўтди. Биз Америкага келиб қолдик. Нина Черкасова вафот этди, у онамга бир ярим минг сўм мерос қолдирди. Иттифоқда у катга пул ҳисобланарди.

Бу пулларни Нью-Йоркда олиш ниҳоятда қийин иш эди. Бунинг учун мислсиз катта бардош ва ғайрат керак эди.

Биз бошқача йўл тутмоқчи бўлдик. Акам номига тилхат расмийлаштирдик. Бунинг ҳам ташвиши кам эмас экан. Мен икки ой қоғозлар орқасидан югурдим. Қоғозлардан бирини мистер Шульц ўз қўли билан тўлдирди.

Августда акам пулни олдим деб хабар қилди. Миннатдорчилик билдирмади. Балки пуллар бунинг учун арзимаса ҳам керак.

Акам ҳар замонда эрта тонгда телефон қилиб туради. Бу Ленинград вақтига кўра ярим кечага тўғри келади. Бундай кезларда унинг овози шубҳали даражада хириллаб чиқади. Бундан ташқари, аёл кишининг овози эшитилиб туради.

— Атир-упаларни сўраб кўр!

Ёки:

— Унга, аҳмоққа, мўйна пўстинларнинг бозори чаққонлигини тушунтир.

Бунинг ўрнига акам сўрайди:

— Хўш, Америкада ишлар қалай? У ёқда арақ кечаю кундуз сотилади дейишади. Ростми?

— Унчалик эмас. Аммо, тўғри, барлар очиқ бўлади.

— Пиво-чи?

— Тунги магазинларда пиво тўлиб-тошиб ётибди.

Узрли сукунат чўқади. Ундан кейин:

— Яшасин капиталистлар, ишларни билишади! — дейди.

Мен сўрайман:

— Ўзинг қалайсан?

— Ҳе, ҳарфидагидек, — жавоб беради у, — умуман, яхши ...

Хуллас, чалғиб кетамиз. Андрей Черкасовнинг ишлари ҳам яхши. Қишда у физика фанлари доктори бўлади. Ёки физика — математика дейишармикин ... Нима фарқи бор?

ПОПЛИН КҮЙЛАК

Хотиним мени койийди:

— Ялқовлиги учун кўчага чиқишни хоҳламайдиган эркак билан яшаш — бориб турган ақлсизлик...

Хотиним доим муболага қилади. Тўғри, ортиқча ташвишларни ёқтирмайман. Дуч келган нарсани ейман. Таниб бўлмайдиган алфозга келганимдагина сочимни олдираман. Аммо — бирварақайига машинкада. Яна уч ой соч олдирамаслик учун.

Соддагина қилиб айтганда, уйдан чиққим келмайди. Мени тинч қўйишларини хоҳлайман ...

Болалигимда Луиза Генриховна деган энагам бўларди. У қамалишдан кўрқиб яшагани учун ҳамма нарсани пала-партиш қиларди. Бир куни Луиза Генриховна менга калта иштон кийгизди. Шунда оёқларимни битта томонига тиқиб қўйди. Оқибатда, кун бўйи шундай юрдим.

Шунда тўрт ёшда эдим, бу воқеа яхши эсимда қолган. Нотўғри кийинтиришганини билдим. Аммо индамадим. Қайта кийинишни хоҳламадим. Ҳозир ҳам хоҳламайман.

Шунга ўхшаган кўплаб воқеалар ёдимда. Болалигимдан ортиқча тапвишлардан қочиш учун ҳамма нарсага тайёр эдим ...

Бир вақтлар ниҳоятда кўп ичардим. Ва, табиийки, дуч келган ерда сандирақлаб юраварардим. Шу туфайли кўпчилик мени жуда дилкаш одам деб ўйлашарди. Хол-буки, кайфим тарқалиши биланоқ бунақа дилкашликдан асар ҳам қолмасди.

Шунга қарамай, ёлғиз ўзим яшай олмасдим. Электр тўлов қоғози қаерда ётгани ёдимда турмайди. Дазмол қилишни, кир ювишни билмайман. Энг ёмони — даромадим кам.

Мен ёлғизликни афзал кўраман, аммо кимнингдир ёнида ..

Хотиним доим муболага қилади.

— Мен билан нима учун бирга яшаётганингни биламан. Айтайми?

— Ҳўш, нимага экан?

— Йиғма қаравот сотиб олишга эринасан!

Унга шундай жавоб беришим мумкин:

— Ўзинг-чи? Нега ўзинг йиғма қаравот сотиб олмайсан? Нега энг оғир пайтларда мени ташлаб кетмадинг? Сен тўқишни, ювишни, нотаниш кишиларга тоқат қилишни, энг муҳими, кўп пул топишни биласан-ку! ...

Йигирма йил олдин танишганмиз. Шу куни якшанба эканини ҳам яхши эслаб қолганман. Ун саккизинчи февраль. Сайлов куни.

Ташвиқотчилар уйларга кириб юришарди. Иложи борича тезроқ овоз беришга чорлашарди. Мен шошилмасдим. Уч марта, умуман, сайловга бормаганман. Бу тузумдан норозилигимдан эмасди. Аниқроғи, бунақа бемаъни ишларни ёмон кўрганман.

Шундай қилиб, кўнғироқ жиринглади. Ёсағада — кузги камзул кийган ёшгина аёл. Кўринишидан — мактаб ўқитувчиси, демак — қари қиз. Тўғри, кўзойнаги йўқ, аммо қўлида қалин дафтар.

У дафтарга қараб, исми-шарифимни айтди.

— Ичкари кириг. Иснинг. Чой ичинг, — дедим мен.

Халати остидан кўзга ташланиб турган мўъжаз оёқларига ачиниб қарайман. Бизда тананинг бу аъзосига мутлақо бефарқ муносабатда бўлишади. Бунинг устига халатига ҳам доғ теккан.

— Елена Борисовна, — таништирди қиз ўзини, — сизнинг ташвиқотчингизман...

Ҳалиям овоз беришга чиқмадингиз...

Бу савол эмас, жиддий таъна эди. Мен такрорладим:

— Чой ичасизми? — Одоб юзасидан қўшиб қўйдим: — Уйда ойим бор ...

Ойим боши оғриб ётарди. Бу эса унинг бақириб гапиришига халақит бермади:

— Менинг ҳолвамга қўл теккиза кўрмаларинг!

— Овоз беришга улгурамиз, — дедим мен.

Шу пайт Елена Борисовна ҳеч қутилмаган бир гапни айтиб қолди:

— Сайловлар одамни таққирлашдан бошқа нарса эмас. Бунга биламан. Аммо мен нима қила оламан? Сизни сайловхонага олиб боришим керак. Акс ҳолда, уйга кетказишмайди.

— Тушунарли, — дейман, — фақат эҳтиёт бўлинг. Бунақа гаплар учун мақтов эшитмайсиз.

— Сизга ишонса бўлади. Мен бунга дарров англадим. Солженициннинг суратини кўришим биланоқ.

— Бу Достоевский. Аммо Солженицинни ҳам ҳурмат қиламан ...

Кейин камтарона нонушта қилдик. Онам бари-бир холвадан бир бўлак кесиб берди.

Сухбатимиз, табиийки, адабиёт ҳақида кетди. Лена Гладилин ҳақида гапира бошласа, мен қайта сўрадим:

— Толя Гладилинми?

Гап Шукшинга тақалса, мен аниқлаштираддим:

— Вася Шукшинми?

Ахмадулина ҳақида гаплаша бошлаганимизда мен хитоб қилдим:

— Беллажон!...

Кейин кўчага чиқдик. Уйлар байроқлар билан безатилганди. Қор устида конфет қоғозлари сочилиб ётарди. Қоровул Гриша жингалак жузли пальто кийиб, ясениб олганди.

Овоз беришни хоҳламасдим. Фақат эринчоқлигимдан эмас. Елена Борисовна ёқиб қолгани учун. Уйига кетиши учун ҳаммамиз сайловга боришимиз керак ...

Биз «Иваннинг болалиги» киносига тушдик. Фильм жуда яхши бўлиб, уни тақабурлик билан камсита олмасдим.

У пайтларда менга саргузашт асарлари ёқарди. Улар ҳордиқ чиқаришимга кўмак берарди.

Тарковский картиналарини эса астойдил мақтаб юраддим. Албатта, Тарковский олти йилдан бери мендан сценарий кутаётганини ҳам кўшиб кўядим.

Кинодан чиққач, Адабиётчилар уйига бордик. Бирон-бир машҳур ёзувчини учратишимиздан умидвор эдим. Горишин дуч келиб қолса, дўстона саломлашиш мумкин эди. Сархуш Вольф билан кучоқлашиб кўришардик. Ефимов ёки Конецкий билан бир оз чақчақлашардик. Мен ёш ёзувчи ҳисобланардим. Ҳатто Гранин ҳам мени танирди.

Бир вақтлар Ленинградда машҳур одамлар кўп эди. Масалан, Чуковский, Олейников, Зошченко, Хормс ва бошқалар. Урушдан кейин улар жуда камайиб кетди. Баъзиларини нимагадир отиб юборишди, баъзилари Москвага кўчиб кетди ...

Биз ресторанга кўтарилдик. Вино, бутерброд, ширинликлар буюрдик. Қуймоқ ҳам буюрмоқчи бўлдим, ўйланиб қолдим. Акам ҳар доим: «Яхши таомларни ейишни билмайсан», деб дакки берарди.

Чўнтагимга қўл солиб, пулимни ҳисоблаб кўрдим.

Зал бўш эди. Эшик олдида нишондор Решетов китоб ўқиб ўтирарди. Ҳаддан зиёд берилганига қараганда, у ўзининг романи эди. Гаров ўйнашим мумкин, бу роман «Сизга интиламан, одамлар!» деб аталарди.

Биз ичдик. Евтушенконинг ҳаётига доир ўзим гувоҳ бўлган учта ҳодисани айтиб бердим.

Номдорлар эса келавермади. Одамлар анчагина кўпайиб қолганди. Ясама оёғини гижирлатиб насрнавис Горянский ойна олдига борди. Пештахта олдида шоирлардан Чикин билан Штейнберг туришарди. Чикин маъқулларди:

— Ростини айтсам, Боря, сен фалсафий чекинишларни боплайсан.

— Сен эса, Дима, ички кечинмаларни яхши чизасан, — жўр бўларди Штейнберг.

Чикин билан Штейнберг машҳурлар жумласига кирмасди. Горянский эса, немис концлагерида қоровулни бўғиб ўлдиргани билан шуҳрат қозонганди.

Ёнимиздан анчагина танилган танқилчи Халупович ўтиб қолди. У менга узоқ тикилиб турди-да:

— Кечирасиз, сизни Лев Милиндерга ўхшатибман ... — деди.

Биз икки юз грамм коньяк буюрдик. Пулим кам қолганди, машҳурлар эса кўри-най демасди.

Келажаги порлоқ ёзувчи эканимни Елена Борисовна билолмайдиган бўлди-да!

Худди шу аснода ресторанга ёзувчи Данчковский кириб келди. Кўпчиликнинг гапига қараганда, у машҳур ёзувчилар жумласига кирарди.

Бир вақтлар Ленинградга Шкловдан икки ака-ука келиб қолишганди. Ака-укаларни Савелий ва Леонид Данчиковский деб аташарди. Улар ёзувчиликда куч си-наб кўришди. Қўшиқлар, лапарлар, интермедиялар ёзишди. Дастлаб бирга ёзишарди. Кейин ҳар бири алоҳида ёза бошлади.

Бир йилдан сўнг уларнинг йўли бутунлай ажралиб кетди.

Укаси фамилиясини қисқартиришга жазм қилди. Данч деб имзо чека бошлади. Аммо жухудлигича қолди.

Акаси эса бошқа йўл тутди. У ҳам фамилиясини қисқартирди — фақат биргина «И» ҳарфини тушириб қолдирди. Энди у Данчковский деб имзо чекадиган бўлди. Бунинг эвазига жухуд эмас, руслашган полякка айланди.

Ака-укалар орасида аста-секин миллий ихтилофлар кучая борди. Улар миллий заминда кўпинча жанжаллашиб қолишарди.

— Жодугар, — бақирарди Леонид, — тиллапараст, бадмаст ароқхўр!

— Оғзингни юм, жуҳудбашара! — жавоб берарди Савелий.

Кўп ўтмай космополитларга қарши кураш бошланди. Леонидни қамоққа олишди. Бу вақтда Савелий марксизм-ленинизм институти битираётганди.

У қалин журналларда қатнаша бошлади. Биринчи китоб босилди. Танқидчилар тилига тушди.

Аста-секин у «ленинчилар» қаторидан жой олди. Яъни битмас-туганмас Ленин-номанинг яратувчиларидан бирига айланди.

Дастлаб «Володянинг болалиги» китобини ёзди. Кейин — «Симбирскдан чиққан бола» деган катта қиссаси босилди. Сўнг «Оловли ёшлик» номли икки жилдлик асарини чиқарди. Ва, ниҳоят, «Кўзғол, лаънат-ла тамғаланган!» трилогияси эълон қилинди.

Лениннинг таржимаи ҳолини тутатгач, Данчковский ёндош мавзуларга қўл урди. «Ленин ва болалар» деган китоб ёзди. Кейин «Ленин ва қишлоқ хўжалиги» сингари китоблар чиқарди. Буларнинг ҳаммаси кўплаб тилларга таржима қилинди.

Данчковский бойиб кетди. «Хурмат белгиси» нишони билан тақдирланди. Бу пайтга келиб, укаси вафотидан сўнг оқланди.

Данчковский мени яхши танирди, сабаби, у бир йилдан кўпроқ адабий тўғарагимизни бошқарганди.

Ана шу киши ресторанда пайдо бўлди.

Мен овозимни пасайтириб, Елена Борисовнага шивирладим:

— Яхшилаб қаранг — Данчковский... Довруғи баланд... Ленин мукофотини мўлжаллаган...

Данчковский автомат мусиқа дастгоҳидан узоқроққа — бурчакка йўналди. Ёни-миздан ўтаётганда қадамини секинлаштирди.

Мен бетакаллуф қадаҳ кўтардим. Данчковский, салом-аликсиз, чертиб гапирди:

— «Аврора»даги ҳажвиянгни ўқидим. Менимча, нажас...

Биз ресторанда соат ўн бирларгача қолиб кетдик. Сайловхона аллақачон ёпилган эди. Кейин ресторан ёпилди. Онам боши оғриб ётарди. Биз бўлсак Фонтанка қирғоғида сайр этиб юрардик.

Елена Борисовнанинг итоаткорлиги мени ҳайрон қолдирарди. Тўғрироғи, итоаткорлиги эмас, ҳаёт ҳодисаларига лоқайдлиги. Ҳамма нарса худди экранда липиллаб ўтаётгандек туюларди.

У сайлов участкасини унутганди. Ўзига юклатилган вазифани бажармаганди. Маълум бўлдики, ҳатто овоз беришга ҳам улгурмаган экан.

Буларни нима учун қилди? Тайинсиз ҳажвиялар ёзиб юрган бир киши билан оқибати номаълум муносабатлар учунгинами?

Мен ҳам, албатта, овоз бермадим. Фуқаролик бурчимни бажармадим. Мен-ку бошқача одамман. Наҳотки, бир-биримизга шунчалик ўхшасак?

Никоҳдан ўтганимизга ҳам йигирма йил бўлди. Йигирма йилдан бери орамизда ўзаро яққалик ва ҳаётга лоқайдлик ҳукмрон.

Менда-ку ишга рағбат, мақсад, хом хаёллар ва умид бор. Унда-чи? Унда фақат қизи ва лоқайдлик бор, холос.

Лена бирон нарсани инкор этгани ва баҳслашганини эслай олмайман. Лоқал бирон марта ишонч билан жарангдор қилиб: «Ҳа» ёки оғир, шафқатсиз тарзда «йўқ» деган бўлмаса керак.

Унинг ҳаёти телевизор ойнаси ортида ўтаётгандек. Кадрлар, қиёфалар, овозлар ўзгарди, эзулик ва ёвузлик бирдек унинг изидан эргашади. Менинг севгилим эса экран томонга қараган ҳолда доим муҳим масалалар билан машғул бўлади.

Онам ухлаб қолгандир: деб ўйлаб, уйга қайтдим. Елена Борисовнани «Бизникига кирайлик», деб таклиф қилмадим. Ҳатто қўлини ушлаганим ҳам йўқ.

Шунчаки уйга кириб бордик. Бу йигирма йил олдин бўлганди.

Бу йиллар давомида кўпгина дўстларимиз севишдилар, турмуш қуришдилар ва ажралишдилар. Улар бу мавзуда шеърлар ва романлар ёздилар. Бир республикадан иккинчисига кўчдилар. Ишларини, эътиқодларини, одатларини ўзгартирдилар. Диссидентлар ёки ароқхўрларга айландилар. Бировларнинг ёки ўзларининг ҳаётларига суиқасд қилдилар.

Атрофимизда гўзал, сирли оламлар пайдо бўлди ва гумбурлаб қулади. Таранг тортилган торлардек инсоний муносабатлар узилди. Бахт излаб югурган дўстларимиз қайта туғилар ва маҳв бўлишарди.

Биз-чи? Ҳаётнинг барча ёлғон ва даҳшатларига қарши биз ягона бойлигимиз — лоқайдликни кўндаланг кўяр эдик. Қумда қурилган қаср ҳеч замонда собит тура оладими? ...

Ҳар иккиси ҳам қатъиятсиз бўлган одамларнинг севгиси қай даражада мустаҳкам ва ишончли бўлади? ...

Мудофаага лаёқатсиз бўлса ҳам муттасил бир-бирига рақиблик қилган давлатларнинг қай бирини фаровон деб айтиш мумкин? ...

Мен кўп тиражили газетада ишладим. Юз сўмга яқин маош олардим. Яна арзи-маган кўшимча ҳақ. Ҳар ойда «хўжалик юритишининг янада самарадор усул»ларини ўзлаштиришим учун қўшиладиган тўрт сўмни асло унуга олмайман.

Кўпгина журналистларга ўхшаб роман ёзишни орзу қилардим. Аммо бошқа журналистлардан фарқи улароқ, адабиёт билан чинакамига шуғуллана бошладим. Аммо кўлёмаларимни энг илғор журналлар ҳам қайтариб беришарди.

Ҳозир бундан фақат хурсанд бўламан. Цензура шарофати билан ўрганиш даври мен учун ўн етти йилга чўзилди. Шу йилларда босиб чиқармоқчи бўлган ҳикояларим энди жуда ғариб туюлади. Бир ҳикоям «Фаинанинг тақдири» деб номланганини эслаш кифоя.

Лена ҳикояларимни ўқимас эди. Мен ҳам таклиф қилмаганман. Унинг ўзи ташаббус кўрсатмаган.

Рус ёзувчиси учун аёл киши учта вазифани ўташга қодир. Уни боқади. Унинг даҳо эканига астойдил ишонади. Ва ниҳоят, аёл уни ўз ҳолига қўяди. Сирасини айтганда, кейингиси аввалги икки фазилатни инкор этмайди. Лена ҳикояларим билан қизиқмасди. Ҳатто қаерда ишлашимни ҳам дурустроқ тасаввур қилмаган бўлса керак. Фақат ёзишимни биларди.

Мен ҳам у ҳақда шунча нарсани билардим.

Хотиним аввал саргарошхонада ишларди. Сайлов воқеасидан кейин ишдан бўшатиб юборишди. У корректорлик қилди. Кейин, мен учун мутлақо қутилмаганда, матбаа институтини битирди. Агар янгилишмасам, қандайдир спорт наشريётига ишга кирди. Мендан икки баравар кўп маош ола бошлади.

Бизни нима боғлаб туришини англаш қийин. Кўпгина фақат иш юзасидангина гаплашардик. Ҳар биримизнинг ўз дўстларимиз бор эди. Ҳатто ўқийдиган китобларимиз ҳам ҳар хил эди.

Хотиним ҳар доим ўзига яқин турган китобни ўқийди. Ва дуч келган жойдан ўқиб кетаверди.

Дастлаб бу жаҳдимни чиқарарди. Кейин қўлига нуқул яхши китоблар яқин туришига ишондим. Менда бутунлай бошқача. Агар мен дуч келган китобни очсам, албатта у «Очилган кўриқ» бўлиб чиқади ...

Унда бизни нима боғлаб туради ўзи? Ва умуман инсоний яқинлик нимадан туғилади? Сирасини айтганда булар оддий нарсалар эмас.

Мисол келтирсам, менинг учта холавачча укам бор. Уччаласиям — безори ва ароқхўр. Бирини яхши кўраман, бирига лоқайд қарайман, бирини умуман танимайман.

Биз ҳам шундай яшадик — биргаликда ва ҳар биримиз алоҳида. Баъзи ҳоллардагина бир-биримизга совға берардик. Гоҳо-гоҳо: «Сенга хурсандчилик учун гул келтираман», дер эдим.

Лена жавоб берарди:

— Ҳамма нарсам бор ...

Мен ҳам совға кутмасдим. Шунга ўргангандим.

Бир оилани биламан. Эри эртадан-кечгача ишларди. Хотини телевизор кўрар ва магазинма-магазин санғирди. Бунинг устига: «Марикнинг туғилган кунига тўр парда сотиб олдим, кўзинг қамашади! ...» дейишдан тинмасди.

Шу тарзда тўрт йил яшадик. Кейин қизимиз — Катя туғилди. Бу қутилмаган жиддий ва мўъжизавий бир ҳодиса эди. Биз икки киши эдик, қўққисдан серҳархаша, тўполончи, ўзига ғамхўрлик талаб этувчи яна бир инсон пайдо бўлди.

Қизимизни тарбиялаганимиз йўқ, фақат яхши кўрдик. Бунинг устига беш ойлигидан бошлаб у жуда кўп касал бўларди.

Умуман, қизимиз туғилганидан кейин оилали эканимизни англадик. Катя никоҳ гувоҳномаси ўрнига ўтди.

«Аврора» журналы таҳририятига аравача билан кириб борганим эсимда. Озгина қалам ҳақим бор эди. Амалдор хоним рўйхатни очди:

— Қўл қўйинг.

Сўнг қўшиб қўйди:

— Болангиз йўқлиги учун ўн олти сўм ушлаб қолинди.

— Аммо, — дедим мен, — менинг қизим бор.

— Ундай бўлса, ҳужжат кўрсатиш керак.

— Марҳамат.

Аравачадан пушти тугунчани олдим. Уни бош бухгалтер столига авайлаб қўйдим. Шундай қилиб, ўн олти сўмни сақлаб қолганман ...

Хотиним билан муносабатларимиз ўзгармади. Тўғрироғи, деярли ўзгармади. Энди шахсий лоқайдлигимиз ўрнини умумий ташвишлар эгаллади. Масалан, қизимизни бирга чўмилтирамиз ...

Бир куни Лена ишга кетганди. Мен уйда ушланиб қолдим. Одатдагидек, зарур қоғозни излар эдим. Агар янглишмасам, нашриёт шартномасининг нусхасини.

Шкафларни ағдар-тўнтар қилдим. Ёзув столи ғаладонларини бирма-бир кўздан кечирдим. Ҳатто тунги қутичани ҳам очиб кўрдим.

У ерда, китоблар, журналлар, эски хатлар остида бир альбом ётарди. Жуда кичкина суратлар сақланадиган, чўнтакка жойлашиб кетадиган мўъжаз альбом. Муқовасига қабариқ қабутар тасвири туширилган ўн беш вараққа яқин қалин қоғоз ...

Уни очиб кўрдим. Илк суратлар сарғайиб кетган, ғижимланган. Баъзиларининг чеккалари йиртилган. Биттасида юзлари думалоқ гўдак итни силаб турарди. Тўғриси айтганда, силаш учун қўл чўзганди. Паҳмоқ кучукнинг қулоқлари чимирилган. Бошқасида — қўлда ясалган қўғирчоғини кучоқлаб олган олти яшар қизча, иккаласининг ҳам қиёфаси қайғули ва паришон.

Кейин мен она, ота ва қизча туширилган оилавий суратни кўрдим. Отаси узун плашда ва похол шляпада эди. Узун енгидан бармоқ учлари зўрға чиқиб турибди. Хотини елкалари кенг кофта кийган, кокилдор, юмшоқ шарф ўраган. Қизча бир томонга кескин ўгирилган. Кузги калта пальтосининг унгири очилиб қолган. Қадрдан ташқаридаги қандайдир бир нарса диққатини тортгани сезилиб турибди. Балки дайди кучукчадир. Орқада, дарахтлар орасида, Царскосельский лицейининг кунгиралари кўзга ташланади.

Бошқа суратларда сунъий табассум қилиб жиддий турган қариндошларнинг қиёфалари. Темирийўлчилар кийимидаги кекса мўйловдор, Лениннинг ҳайкали олдига турган бир хоним, мотоцикл минган ўсмир. Кейин бир денгизчи, тўғрироғи, курсант кўринди. Ҳафсала билан соқолини қиргани ҳатто суратда ҳам сезилиб турибди. Унга қўлида бир даста марваридгул ушлаган қизча тикилган.

Мактабда туширилган силлиқ расм деярли бир бетни эгаллаган. Ҳаяжондан қотиб, қаққайиб турган тўрт қатор қиёфалар. Биронтасида ҳам болаларга хос қувноқ руҳ сезилмайди.

Ўртада — бир гуруҳ ўқитувчилар. Иккитаси нишондорлар — собиқ жангчилардан бўлса керак. Улар орасида — синф раҳбари. Уни осонликча билиб олиш мумкин. Кекса кампир кулиб турган икки ўқувчининг елкасидан кучоқлаган.

Учинчи қаторда чап томонда — менинг хотиним. Биргина у аппаратга қарамаган.

Барча суратларда уни танидим. Бир гуруҳ жангчилар орасида, колхоз кутубхонаси ёнида туширилган жажжи суратчада. Ҳатто зўрға таниш мумкин бўлган ёшлар хорининг ўнгиб кетган қоғозида.

Эзилган туфли кийган бадқовоқ қизни осонгина танидим. Ҳуснихат билан «Евпатория» деб эзилган суратдаги арзон чўмилиш кийими кийган вояга етган қиз. Колхоз кутубхонаси ёнида калта кўйлак кийган талаба. Хотиним ҳамма ерда қайғули кўринди.

Яна бир неча варақни очдим. Қиррадор кепка кийган ёш йигитни, қўл қовуштириб турган кампирни, нотаниш балеринани кўрдим.

Қўлимга артист Яковлевнинг сурати ҳам тушди. Тўғрироғи, унинг тасвири туширилган почта қоғози. Остига чиройли хат билан: «Лена! Санъатга хизмат қилиш учун инсон бутун ҳаётини бағишлаши керак. Рафиқ Абдуллаев», деб эзилган.

Охирги саҳифани очдим. Бирдан ҳаво етишмай қолаётгандек бўлди. Нега шундай бўлганини билолмай қолдим ҳам. Юзим қизариб кетаётганини ҳис қилиб турардим.

Мен почта маркаси катталигидаги тўртбурчак суратни кўрардим. Тор пешона, ўсиб кетган соқол ишдан ҳайдалган матадор қиёфасини эслатарди.

Бу менинг суратим эди. Агар янгилашмасам, ўтган йили гувоҳноманики. Чеккасидаги оқ бурчагида завод муҳрининг излари кўринади.

Уч дақиқагача қимирламай ўтириб қолдим. Даҳлизла соат чиқилларди. Дераза ташқарисиди компрессор гуриллайди. Лифтнинг ғийқиллаши эшитилади. Мен эса ўтирардим.

Хўш, нима бўлди ўзи? Ҳеч нарса эмас. Хотини эрининг суратини альбомига солиб қўйибди. Бу одатий ҳол.

Аммо мен қаттиқ ҳаяжон ичида қолдим. Бунинг сабабини англаш учун ўзимни қўлга олишим қийин бўлди. Демак, бўлаётган ҳамма нарса жиддий экан. Бунинг энди ҳис этаётган эканман, ўтган йиллар ичида қанча муҳаббатни йўқотдик ахир?!

Нима бўлаётганини ўйлашга мажолим қолмаганди. Севги шундай куч ва қудрат бағишлаши мумкинлигини билмаган эканман.

Нуқул ўйлардим: «Ҳозирдан қўлим қалтираса, кейин нима бўлади?»

Умуман, ўзимни қўлга олдим ва ишга жўнадим...

Олти йил ўтди, хорижга кетиш бошланди. Яҳудийлар ўз тарихий ватанлари ҳақида гапирадиган бўдилар.

Илгари етук киши учун ағдарма пўстин ва номзодлик даражаси етарли эди. Энди бунинг ёнига Исроилга даъватнома ҳам қўшилди.

Қайси зиёлини олманг, шуни орзу қиларди. Ҳатто кетишни хаёлига келтирмаса ҳам. Ҳар эҳтимолга қарши деганларидек.

Дастлаб чинакам яҳудийлар кетишди. Сўнг келиб чиқиши шубҳали фуқаролар йўлга отланди. Яна бир йилдан кейин русларга ҳам рухсат тегди. Шулар орасида бизга таниш руҳоний ота Маврикий Рикуннов ҳам Исроилдан даъватнома олиб чиқиб кетди.

Шунда хотиним хорижга кетишга қарор қилди. Мен эса қолишга қарор қилдим.

Нега қолишга қарор қилдим, бунинг айтишим қийин. Чамаси ҳали қандайдир машғум чизикчага етиб бормагандим. Яна қандайдир ноаниқ имкониятларни синаяб кўргим келгандир. Балки онгсиз ҳолатда қатағонлар сари интилгандирман. Шунанга ҳам бўлиб туради. Турмада ётиб чиқмаган рус зиёлисининг баҳоси бир пул...

Ундаги қатъият мени доғ қолдирди. Лена тобе, итоаткор туюлганди. Ҳеч кутилмаганда бундай жиддий, узил-кесил қарор.

Қўлида қизил муҳр босилган ҳорижий қоғозлар пайдо бўлди. Олдига рухсат тегмаган баджаҳд, соқолли кишилар кела бошлади. Папирос қоғозига ёзилган қўлланмаларни қолдиришди. Менга ишончсизлик билан қарашди.

Мен эса сўнгги дақиқагача ишонмадим. Ҳаммаси ишониб бўлмайдиган даражада эди. Худди Марсга саёҳатга бориладигандек.

Қасам ичаманки, сўнгги дақиқагача ишонмадим. Биламан, аммо ишонмайман. Кўпинча шундай бўлади.

Ниҳоят, лаънати дақиқа ҳам етиб келди. Ҳужжатлар расмийлаштирилган, даъватнома олинган. Катя дугоналарига конфет қоғозлари ва маркаларини тарқатиб чиқди. Фақат самолётга чипта олиш қолганди.

Онам йиғларди. Лена ўз ташвишларига кўмилиб кетганди. Мен охирги ўринга сурилиб қолгандим.

Мен илгари ҳам унинг йўлини тўсмаганман. Ҳозир эса мени ўйлайдиган аҳволда эмасди.

Ниҳоят Лена билет олгани кетди. Битта қути кўтариб келди. Ёнимга келди ва:

— Озгина пул ортиб қолганди. Бу сенга, — деди.

Кутичада ҳорижий поплин кўйлак ётарди. Агар янгилашмасам, румин маҳсулоти эди.

— Майли, — дейман, — раҳмат. Яхши кўйлак, одми, аёло сифатли. Яшасин ўртоқ Чаушеску! ...

Фақат уни излаб қаерга бораман?

Ростини айтсам — қаерга?!

ҲАЙДОВЧИ ҚЎЛҚОПИ

Юрий Шлиппенбах билан биз Таврия саройидаги анжуманда, тўғрироғи, кўп нусхали газета муҳаррирларининг йиғилишида танишгандик. Мен “Турбостроител”дан, Шлиппенбах эса Ленфильмнинг “Кадр” деб номланган кўп нусхали газетасидан вакил эдик.

Вилоят партия ташкилотининг иккинчи котиби Болотников маъруза қилиб, сўзининг охирида шундай деганди:

— Бизда “Тараққиёт байроғи”га ўхшаш ҳар жиҳатдан ўрнак бўладиган газеталар ҳам бор, “Адмиралтейц”га ўхшаш ўртамиёналари ҳам, “Турбостроител” каби ёмонлари ҳам бор. Ва ниҳоят “Кадр”га ўхшаш ажабтовурлари ҳам учрайди. Бу ниҳоятда уқувсиз ва жуда зерикарли бир газета.

Мен секин энгашдим. Шлиппенбах эса аксинча мағрурланаётгандек қаддини ростлади. Афтидан, ўзини қувғинди диссидентдек ҳис қилган, сўнг бор овози билан қичқирганди:

— Ленин, танқид асосли бўлиши керак, деб ўргатган!

— Сенинг газетанг, Юра, ҳар қандай танқиддан паст туради, — жавоб берди котиб.

Танаффусда Шлиппенбах мени тўхтатиб сўрай бошлади:

— Кечирасиз, Сизнинг бўйингиз қанча?

Мен ҳайрон бўлмадим. Унга аллақачон ўрганиб қолгандим. Мен бундан кейин бу бўлмагур гаплар қай йўсинда кечишини ҳам билардим: “Сенинг бўйинг қанча? — Юз тўқсон тўрт. Баскетбол ўйнамайсан-да. — Нега энди ўйнамас эканман? Ўйнайман. — Ўзим ҳам шундай деб ўйлагандим...”

— Бўйингиз қанча? — сўради Шлиппенбах.

— Бир метру тўқсон тўрт. Нима эди?

— Гап шундаки, мен ҳаваскор сифатида кино суратга олаётгандим. Сизни бош ролга таклиф қилмоқчи эдим.

— Менда актёрлик қобилияти йўқ.

— Бунинг аҳамияти йўқ. Муҳими, бизбопсиз.

— Бизбопсиз деганингиз нимаси?

— Ташқи кўринишингизни назарда тутаяпман.

Биз эртасига учрашишга қарор қилдик.

Шлиппенбахнинг газета соҳасида ишлашини илгари ҳам билардим. Фақат биз шахсан таниш эмасдик. Узун кирчил сочли, озгин ва асабий бир киши эди.

У ўз аждоларининг номи тарихий ҳужжатларда ҳам қайд қилинганини айтарди. Бундан ташқари тўрваҳалтасида доим Пушкиннинг бир жилдини кўтариб юрар, “Полтава” шеъри ёзилган саҳифага конфет қоғози қўйилган бўларди.

— Ўқинг, — дерди асабий оҳангда Шлиппенбах.

Жавобини ҳам кутиб ўтирмай, чийилдоқ товушда бақирингга тушарди.

Газетадагилар ундан ҳайиқшиарди. Шлиппенбах жуда кўрс одам эди. Эҳтимол бу швед генераллари бўлмиш аждоларидан ўтган бир хислатдир. Бироқ ён беришни, пастга тушишни у сира-сира ёқтирмасди.

Эсимда, Матюшкин деган кекса журналист вафот этганди. Дафн маросимига пул йиға бошлаганлардан бири Шлиппенбахдан ҳам сўраган, у эса пул бериш ўрнига бор овозда қичқирган эди:

— Мен ўлик тугул, тирик Матюшкинга ҳам бир сўм бермасдим. Ўлигига эса беш тийин ҳам хайф. Айроқчиларини КГБнинг ўзи кўмаверсин.

Бироқ Шлиппенбахнинг ўзи касбдошларидан тўхтовсиз қарз олишни қўймас, қайтаришни эса хаёлига ҳам келтирмасди. Қарз берганларнинг рўйхати унинг ён дафтарида икки вараққа яқинлашиб қолганди.

Унга қарз ҳақда оғиз очганларида у пўписа қилишга тушарди:

— Жонимга тегаверсанг, рўйхатдан ўчириб ташлайман!..

Анжумандан сўнг кечқурун у менга бир-икки марта кўнғироқ қилди. Ҳеч қандай сабабсиз, шунчаки ўзи. Гап оҳангидан муносабатларимиз тобора дўстона тус олаётгани сезилиб турарди. Ахир киши ўз дўстигагина шундай кўнғироқ қилавериши мумкин.

— Жуда зерикдим, — шикоят қилди у, — чанқовбосдига ҳам ҳеч нарса йўқ, чўзилиб диванда ётибман, хотиним билан...

Сухбатини тугата туриб, у эслатиб қўйди.

— Эртага бафуржа гаплашиб оламиз.

Тушгача газета бўлимида қолишимизга тўғри келди. Мен терилган матни ўқидим, Шлиппенбах эса навбатдаги сонни тайёрлар, баъзан асабий қичқириб қоларди:

— Кайчи қаёққа кетди? Менинг чизгичимни ким олди?

“Жанубий Африка республикаси” қандай ёзилади — тире биланми ёки қўшибми?

Сўнгра биз тушликка чиқдик.

Олтмишинчи йилларда матбуот уйининг ошхонаси юқори табақаларга мўлжалланган эди. Унда янги келтирилган сосиска, консерва, икралар, тансиқ балиқ ҳам сотиларди.

Аслида ошхона матбуот уйи ходимларига, жумладан, кўп нусхали газета ходимларига ҳам хизмат кўрсатиши керак эди. Бироқ кўчадан бу ерга хоҳлаган киши кираверарди. Мисол учун муҳарририятга ташриф буюрганлар ҳам. Ошхонага четдан келувчилар кундан-кунга кўпайиб, тансиқ маҳсулотлар эса тобора камайиб бораверди. Охир-оқибатда илгариги мўл-кўлчиликдан фақат “Жигули” пивоси қолганди, холос.

Ошхона олтинчи қаватнинг шимолий тарафини буткул эгаллаган. Деразалари фавворалар тарафга қараган эди. Уч залга бирданига юз кишилар чамаси сифарди.

Шлиппенбах мени пастга стақлаб тушди. Стол икки кишига мўлжалланган бўлиб, суҳбат афтидан ўта махфий ҳолда ўтиши керак эди.

Биз пиво ва пишлоқ буюрдик. Шлиппенбах овозини бир оз пасайтириб гап бошлади:

— Сизга мурожаат қилганимнинг сабаби, мен зиёли кишиларни ҳурмат қиламан. Чунки ўзим зиёлиман. Биз жуда озчиликмиз. Тўғриси айтсам, биз бундан ҳам оз бўлишимиз керак эди. Оқсуяк кишилар худди ноёб жониворларга ўхшаб қирилиб кетаяпти. Бироқ ҳозир гап бу ҳақда эмас. Мен ҳаваскор сифатида фильм суратга олишга қарор қилдим. Урмимизни шундоқ ҳам бўлмағур журналистикага сарфлаб юрганимиз етар. Ҳақиқий ижод билан шуғулланиш керак. Хуллас, мен эртага суратга олишга киришаман. Фильм ўн дақиқаларга мўлжалланган. У худди ҳажвий памфлет каби бўлади. Воқеа шундай. Ленинградда сирли, нотаниш кимса пайдо бўлади. Кўринишидан Пётрга ўхшайди, яъни бундан икки юз олтмиш йил муқаддам Петербургни бунёд этган ўша подшоҳнинг айнан ўзи. Буюк император совет воқелигини кўриб гангиб қолади. Миршаблар ундан жарима ундирмоқчи бўлади. Икки ароқхўр эса унга учинчи шерик бўлишни таклиф қилади. Чайқовчилар унинг туфлисига харидор бўлишади. Бузуқилар эса уни чет эллик бойвачча деб ўйлашади. КГБ ходимлари уни айғоқчига чиқаришади. Ва ҳоказо. Хуллас, ҳамма ерда ичкиликбозлик ва тартибсизлик. Подшоҳ ваҳимага тушиб қичқиради:

— Мен ўзи нима қилдим? Бу бузуқи шаҳарни нега бунёд этдим?!

Шлиппенбах шундай хахолаб куддики, ҳатто столдаги қоғоз салфеткалар ҳам ҳар ёққа сочилиб кетди. Кейин қўшиб қўйди.

— Фильм, юмшоқроқ қилиб айтганда, сиёсатдан йироқ бўлади. Уни фақат хонадонлардагина қўйиш мумкин. Фильмни менимча, фарб журналистлари ҳам кўришади, чунки халқроо миқёсда яхши шов-шув бўлади. Кутилмаган ҳодисалар юз бериши мумкин. Шундай экан, яхшилаб ўйлаб, чамалаб кўринг. Хўш, розимисиз?

— Ахир ўйлаб кўр деб айтдингиз-ку?

— Нимасини ўйлайсиз? Рози бўлаверинг.

— Асбоб-ускунани қаердан топасиз?

— Бу ёғидан хавотир олмасангиз ҳам бўлади. Мен ахир “Ленфильм”да ишлайман-ку. У ердагиларнинг ҳаммаси — Герберт Раппопортдан тортиб, чироқ устасигача менинг дўстларим. Техника менинг зиммамда. Камерани эса болаликдан биланман. Хуллас, ўйлаб, ҳал қилинг. Сиз менга ёқасиз. Ахир бу ролни мен фақат ўз яқинимгагина ишоним мумкин. Эртага студияга борамиз. Керакли нарсаларни ажратиб оламиз. Гримчи билан маслаҳатлашиб кўрамиз, кейин бошлаймиз.

— Мен ўйлаб кўришим керак, — дедим.

— Сизга эртага кўнғироқ қиламан.

Биз овқат ҳақини тўлаб, газета бўлимига йўл олдик. Зеро, ота-онам театр арбоблари бўлишса-да, менда актёрлик маҳорати ростдан ҳам йўқ эди. Отам режиссёр,

онам актриса эди. Тўғри, театр тарихида улар ёрқин из қолдиришмаганди. Эҳтимол, шуниси ҳам яхши бўлгандир...

Менга келсак, мен саҳнага икки марта чиққанман. Мактабда ўқиб юрганимда, эсимда, биз “Чук ва Гек” ҳикоясини саҳналаштираётган эдик. Бўйим узун бўлгани учун, менга, кутбчи ота роли nasib қилганди. Мен тундрадан чангида келиб, сўнг якуний монологни ўқишим керак эди.

Тундрани парда орқасидан иккинчи шеригим Прокопович акс эттириши керак эди. У тинмай қагиллар, улар, ўкирар эди.

Мен оёқларимни шапиллатиб, қўлимни силкитиб саҳнада пайдо бўлдим. Шу тахлит чанғичини акс эттирмоқчи эдим. Бу менинг режиссёрлик топилмам бўлиб, театр тилига асосланган эди. Бироқ, афсуски, томошабинлар бу топилмани тушунишмади. Прокоповичнинг чинқиригини эшитиб ва менинг сирли ҳаракатимни кузатиб, улар мени безори деб ўйлашди. Безорилик эса урушдан кейин мактаб ўқувчилари орасида роса авжига чиққанди.

Қизларнинг жаҳли чиқиб, ўғил болалар чапак чала бошлашди. Мактаб директори саҳнага югуриб чиқиб, мени парда орқасига тортиб кетди. Оқибатда якуний монологни адабиёт ўқитувчиси ўқишига тўғри келди.

Иккинчи маротаба актёрлик қилишим бундан тўрт йиллар муқаддам содир бўлганди. Мен у пайтлари республика партия газетасида ишлар ва янги йилга “Қорбобо” қилиб тайинлангандим. Бунинг учун менга уч кунлик ҳордиқ ва ўн беш сўм ваъда қилишганди.

Таҳрир ҳайъати ўзининг қарамоғидаги интернат учун Арча байрами ўтказишаётганди. Бу ерда ҳам энг бўйи узун мен эдим. Менга ясама соқол елимлашиб, телпак, пўстин кийгизишди-да, совға солинган халтани қўлимга тутқазишди, сўнг саҳнага чиқаришди.

Пўстин қалта эди. Телпақдан эса балиқнинг ҳиди келарди. Чекаман деб, соқолни куйдириб қўйишимга оз қолди.

Ҳамма жим бўлиб қолгач, мен уларга мурожаат қилдим:

— Салом, қадри болалар! Мени танияпсизларми?

— Ленин! Ленин! — кичқиришди биринчи қатордагилар.

Шунда ўзимни тугулмай кулиб юбордим, ясама соқолим кўчиб кетди...

Мана энди Шлиппенбах менга бош ролни таклиф қилаётганди. Албатта, мен рад қилишим ҳам мумкин эди. Бироқ нима учундир ҳўп дея қолдим. Доим ўзим шундай бўлмағур таклифларга рози бўлиб юраман. Шунинг учун хотиним доим:

— Сени ҳамма нарса қизиқтиради, фақат эр-у хотин мажбурияти эмас, — деб тўғри айтади.

Хотиним эрнинг бурчини энг аввало ичкилик ичмаслик деб тушунади.

Хуллас, биз “Ленфильм”га қараб жўнадик. Шлиппенбах бутафор цехидаги қандайдир Чипага кўнгирок қилгач, бизга рухсатнома ёзиб беришди.

Биз ташриф буюрган бинода шкаф ва яшиқлар қалашиб ётарди. Бу ер зах ва ундан нафталин ҳиди анқирди. Бошимиз узра кундузги чироқлар ёниб, чарсиллаб ўчарди. Бурчакда катта кўгирчоқ айиқ қорайиб кўринар, узун столда эса мушук ўйнаб юрарди.

Парда орқасидан Чипа пайдо бўлди. У ўрта ёшлардаги киши бўлиб, йўл-йўл мўйна пальто ва цилиндрда эди.

У менга узоқ тикилиб қолди-да, сўнг сўради:

— Сен кўриқчи бўлиб хизмат қилганмисан?

— Нима эди?

— Ропчидаги жазо махбусхонаси эсингдами?

— Хўш.

— Бир зэк¹ ўзини ўзи осиб қўйгани-чи?

— Ғира-шира эсимда.

— Ўша мен эдим. Икки соат уринишиб, зўрға ўзимга келтиришганди ярамаслар...

Чипа бизни қўлда тайёрланган спирт билан сийлади. Умуман, ҳурматимизни жойига қўйди.

— Мана, ўртоқ бошлиқ, — деб у стол устига бир уюм эски-тускиларни қўйди. Улар орасида қора узун этик, камзул, енгсиз ёпинғич ва шляпа ҳам бор эди. Сўнг

¹ Жаргон, махбус маъносида.

Чипа қаердандир худди россиялик илк ҳайдовчиларникига ўхшаш узун енгли қўлқоп топди.

— Шим-чи? — сўради Шлиппенбах.

Чипа қутидан зар жиякли бахмал шим чиқарди.

Шимни бир илож қилиб кийишга муваффақ бўлдим. Бироқ тугмасини ўтка-зишнинг иложи бўлмади.

— Бўлади, — ишонтирди Чипа, — қилич тақишингиз ҳам мумкин.

Хайрлашар эканмиз, бирдан у жавраб қолди:

— Ўтирганимда озодликни соғинардим. Ҳозир эса ўлай агар — лагерни қўмса-япман. Олачипор, Дўмбоқ, Паровозлар қандай одамлар эди-я!..

Биз нарсаларни чемоданга жойлаб, лифтада грим хонасига, тўғрироғи, Людмила Борисовна деган гримчи аёлнинг олдига тушдик.

Дарҳақиқат, “Ленфильм”да мен биринчи марта бўлишим эди. Мен бу ерда жуда қизиқарли, ижодий бир жараённинг гувоҳи бўламан; мисол учун, Чурсинани хорижий чўмилиш кийимини кийиб кўраётган, ёнида эса Тенякованинг ҳасади келиб турган бир ҳолда учратаман, деб ўйлагандим.

Аслида эса “Ленфильм” улкан бир идорани эслатарди. Йўлақларда кўримсиз аёллар қоғоз кўтариб юришар, ҳамма ёқни ёзув машинкаларнинг шовқини босиб кетганди. Бу ерда ўзига хос, машҳур бирор-бир шахсни учратолмадик. Қайтага, менинг назаримда, Чипа ўзининг йўл-йўл кийими ва цилиндри билан бизда катта таассурот қолдирганди.

Гримчи аёл Людмила Борисовна мени тошойнанинг ёнига ўтқазиб қўйди. Бир оз вақт орқамда туриб, разм сола бошлади.

— Хўш, қандай? — қизиқсинди Шлиппенбах.

— Очиғи, боши унчаликмас. Учга арзийди. Бироқ, кўриниши жуда боп нусха.

Шундай дея туриб, Людмила Борисовна лабимни ушлаб кўрди, бурнимни тортиди, кулоқларимни сийпади.

Сўнг менга қора ясама соч кийгазди. Мўйлов елимлаб ёпиштирди. Қаламда секин лунжимга айлантириб чизди.

— Жуда зўр! — деди ҳайратланиб Шлиппенбах — Подшоҳнинг айнаи ўзи! Буюк Петрнинг хабаши!..

Сўнг мен кийиниб бўлгач, такси буюрдик. Студиядан императорнинг шохона кийимида чиқиб келдим. Қаршимиздан келаётганларнинг айримларигина бизга қайрилиб қарашарди.

Шлиппенбах яна бир танишининг хонасига бош суқди. У бизга икки қути ас-бобларни тутқазди. Бироқ бу гал — текинга эмасди.

— Қанча, — сўради Шлиппенбах.

— Тўрт сўм-у, ўн икки тийин, — дея жавоб бўлди.

— Менга сени мусалласга ўтган деб айтишганди.

— Сен ишондингми?

Таксида Шлиппенбах менга тушунтира бошлади:

— Сценарийни ўқимаса ҳам бўлади. Худди Антонионига ўхшаб ўзингдан қўшиб кетаверасан. Шоҳ Петр замонавий Ленинград шаҳрида пайдо бўлади. Бу ерда ҳамма нарса унга бегона ва ёқимсиз. У озиқ-овқат магазинига киради. “Қани стерлядь балиғи, асал, икралар, анис ароғи? Мамлакатни кимлар талон-торож қилди, келгиндиларми?” — дея қичқира бошлайди. Ва ҳоказо. Ҳозир биз Васильев оролига борамиз. Кечирасиз, “сиз”лашганимиз маъқулми, ё?

— Албатта, “сен”лаш маъқул.

— Васильев оролига борамиз. У ерда Букина бизни машинаси билан кутиб турибди.

— Букина дегани ким?

— “Ленфильм”да экспедитор. Унинг ўзига берилган микроавтобуси бор. Ишдан кейин бўламан деган. Жуда зиёли аёл. Сценарийни биргаликда ёзганмиз. Дастлабки кадрларни суратга туширамиз. Шоҳ курантдан Невский хиёбони томон юради. У гангиб қолган. Қадамини секинлатиб, атрофга синчиклаб назар солади. Тушундингми?.. Машиналар унга кўрқинчли. Ёзувларга тикил. Телефон қутиларини чўчиб айланиб ўт. Агар кимдир туртиб кетса — қиличингга ёпиш. Ҳаммасига бема-лол ижодий ёндашавер...

Қилич тиззамда ётарди. Учи қирқиб ташланган бўлиб, уни бор-йўғи уч сантиметргагина чиқариш мумкин эди.

Шлиппенбах ҳаяжон билан тушунтирар, шофёр эса миқ этмасди. Фақат етиб келганимиздан сўнг, қизиқсиниб, дўстона оҳангда сўради:

— Эй, хариф, қайси ҳайвонот боғидан қочиб келаяпсан?

— Қойил! — қийқирди Шлиппенбах. — Тайёр кадр!..

Биз қутиларни олиб таксидан тушдик. Йўлакнинг нариги томонида кичик автобус турарди. Ёнида эса бир бойвучча жинсида айланиб юрарди. Мени кўриб у ҳайрон ҳам бўлмади.

— Галина, жуда ажойибсан-да, — деди Шлиппенбах. — Ўн дақиқадан сўнг бошлаймиз.

— Доим ташвиш орттириб юрасан-да, — жавоб берди аёл ҳам.

Кейин улар йигирма дақиқача аппарат билан овора бўлишди. Мен эса илгариги музей биносининг олдида айланиб юрдим. Йўловчилар менга қизиқсиниб қарашарди.

Невадан совуқ шамол эсар, қуёш юзини дам-бадам булут қоплаб оларди.

Ниҳоят, Шлиппенбах, тайёр бўлди, деди. Галина термосдан ўзига кофе қуяр экан, унинг қопқоғи ёқимсиз овоз чиқарди.

— Анави ёққа, — деди Шлиппенбах, — бурчакка бор. Қўлимни силкишим билан, девор бўйлаб юрасан.

Мен йўлни кесиб ўтиб, бурчакка бордим. Бу вақтда оёғимдаги этик буткул нам бўлган, Шлиппенбах эса ҳамон имиллар эди. Галина унга стакан узатаётганига кўзим тушди. Мен эса ҳўл этикда айланиб юрибман.

Ниҳоят, Шлиппенбах қўлини силкиди. Камерани юзига яқинлаштирди.

Мен сигаретни учириб, бурчакдан чиқдим-да, кўприкка қараб юрдим. Сурагга олишгаётганини билсанг, юриш ноқулай экан. Мен нима бўлса ҳам қоқилиб тушмасликка ҳаракат қилардим. Шамол турганда, шляпамни ушлаб олдим.

Бирдан Шлиппенбах нимадир деб, қичқира бошлади. Шамол туфайли эшитмаганим учун, тўхтаб, йўлакни кесиб ўтдим.

— Ҳа, нима гап? — сўради Шлиппенбах.

— Мен эшитмадим.

— Нимани эшитмадинг?

— Сиз нимадир деб қичқирдингиз-ку?

— “Сиз” эмас, “сен”.

— Сен менга нима деб қичқирдинг?

— Мен жуда зўр деб қичқирдим! Бошқа ҳеч нарса. Қани, яна бор.

— Кофе ичасизми? — ниҳоят сўради Галина.

— Кейин, — тўхтатди уни Шлиппенбах, — учинчи дублдан сўнг.

Мен яна бурчакдан чиқиб, кўприкка қараб йўл олдим. Шлиппенбах яна нимадир деб қичқирди, бироқ мен эътибор қилмадим. Шу тахлит еттинчи тўсиққача индамай кетавердим. Ниҳоят, ортимга ўгирийдим. Шлиппенбах ва унинг таниши машинада ўтиришарди. Мен шошиб изимга қайтдим.

— Бирдан-бир эътироз, — деди Шлиппенбах. — кўпроқ ҳаяжонланишинг керак. Ҳамма нарса сенга ҳайратомуз туюлсин. Шиорлар ва ёрлиқларни таажжубланиб ўқи.

— У ерда шиорлар йўқ.

— Фарқи йўқ. Мен кейин ҳам монтаж қилиб қўшавераман. Муҳими — кўпроқ ҳайратлан. Уч қадам юрдингми, қўлларингни шапиллатиб қўй...

Оқибатда Шлиппенбах мени етти марталар овора қилди. Мен ўлгудай чарчадим. Камзул тагидаги шим тинмай тушиб кетар, қўлқопда чекиш жуда ноқулай эди.

Ниҳоят, бу азоблар ҳам тугагач, Галина менга термосни тутди. Сўнг биз Тавричскийга қараб кетдик.

— У ерда пиво дўкони бор, — деди Шлиппенбах, — ҳатто икки, уч жойда. Атрофида маст-аласт кишилар изғиб юришади. Бу зўр манзара бўлади. Шоҳ гадолар тўдасида...

Мен бу жойни илгаритдан ҳам билардим. Икки пиво дўкони... Ўртасида қадаҳга қуйиб сотишади. Театршунослик институтидан сал нарида эди. Ҳақиқатдан ҳам маст-аласт хоҳлаганча топиларди.

Автобусни дарвоза тагида тўхтатдик. У ерда зарур тайёргарлик кўрилгач, Шлиппенбах шивирлади:

— Саҳна жуда оддий. Сен дўконга яқинлашасан. Бу оломонга таажжубланиб тикиласан. Сўнг гапира бошлайсан.

— Нима дейишим керак?

— Нима бўлса ҳам гапиравер. Бунинг фарқи йўқ. Муҳими, оғзинг қимирласа бўлди...

— Мени тентак деб ўйлашади.

— Жуда яхши. Нима десанг де. Нарх-навони сўра.

— Унда ростдан ҳам тентак дейишади. Нархни ким билмайди деб ўйлайсан, бунинг устига яна пиво бўлса.

— Унда ким охири деб сўра, фақат лабинг қимирласа бўлди, у ёғини ўзим монтаж қиламан. Матн эса кейин магнитофон лентасига ёзилади. Хуллас, бошлайвер.

— Дадиллик учун отиб олинг, — деди Галина.

У бир шиша ароқ чиқарди. Кофедан бўшаган стаканга тўлдириб ароқ қуйди. Барибир ароқнинг дадилликка нафи бўлмади. Бироқ дўконга бориш учун машинадан тушдим.

Яшил бўёққа чаплаган пиво дўкони Раков ва Мохов кўчалари туташган жойдаги бурчакда эди. Навбат майсазор бўйлаб то туман озиқ-овқат бирлашмаси биносига қадар чўзилган эди.

Пештахта ёнида одамлар жуда тирбанд, берироқда эса бир оз сийракроқ эди. Охирида эса беш-ўнга хўмрайган кишилар тумтайиб туришарди.

Одамлар кўк пиджакда ва йўл-йўл майкада, худди бегонанинг қабри ёнида тургандек бефарқ ва жиддий қиёфада эдилар. Баъзилари чойнак ва бидонларини кўтариб олишганди.

Тўда орасида аёллар камчил, беш-олтита чамаси, бўлса-да, сабрсизлик билан шовқин солишарди. Улардан бири тинмай, нимадир деб қичқирарди:

— Кампир онангизни хурмат қилиб ўтказиб юборинглар!..

Мақсадга эришгач, одамлар ичиб хузур қилиш учун секин четга чиқишарди. Майсазорга гўё кўпик ёпирилгандек эди.

Ҳаммасининг гўё ичи ёнаётгандек, лаблари тамшаниб кетганди. Ҳовири босилгач, одамлар секин жонланиб, чекишганча, суҳбат қуришнинг пайига тушарди.

Ҳали навбатда турганлар қизиқсиниб сўрашарди.

— Пиво яхшимикан?

— Афтидан ёмонмасга ўхшайди, — жавоб беришарди улар.

Бутун Россияда бундай дўконлардан яна қанчаси бор? Ҳар куни қанча одам ўлиб, қанча одам тирилар экан?

Тўдага яқинлашавергач, негадир қўрқа бошладим. Нима учун бу ишга рози бўлдим? Мен бу — эзилган, телбасифат, тунд одамларга нима дейман.

Бу бемаъни томоша ўзи кимга керак?!

Навбатнинг охирига мен ҳам қўшилдим. Икки-уч киши менга шунчаки қараб қўйишди. Қолганлари ҳатто эътибор ҳам қилишмади.

Менинг олдимда темирйўлчилар қийимидаги, кавказликларга ўхшаш киши турарди. Чапроқда эса — елканчиларнинг боғичлари узилиб қолган бошмоғини кийиб олган жулдирвоқи турарди. Мендан икки қадам нарида гугурт чўпини майда-лаб, бир зиёли чекиб турар, бўш портфелини эса, оёқлари орасига қисиб олганди.

Вазият тобора беўхшов бўлиб борарди. Ҳамма жим, ҳеч ким ҳайрон бўлмас ва менга савол ҳам бермасди. Қандай савол бўлиши мумкин? Ҳаммани ўйлатган бунга нарса — чанқоқни босиш эди, холос.

Мен уларга нима дейишим мумкин? Ким охири деб сўрайманми? Охири менингни ўзим.

Дарвоқе, ёнимда пулим ҳам йўқ, пул ўзимнинг шимимда қолганди.

— Қарасам — дарвоза ёнида Шлиппенбах кўлини силкиб, буйруқ қиляяпти. Афтидан, келишиб олганимиздек ҳаракат қилишимни, яъни идиш билан бошимни уришларини кутаётгандек эди.

Турибман. Аста-секин пештахтага яқинлашаяпмиз.

Темирйўлчи кимгадир тушунтираётганини эшитиб қолдим:

— Мен Ялтирбошдан кейин. Шоҳ — орқамда. Сен эса шоҳдан кейин бўласан. Зиёли менга мурожаат қилди:

— Кечирасиз. Шердаковни биласизми?
 — Шердаковни?
 — Сиз Долматовмисиз?
 — Шунга яқинроқ.
 — Жуда хурсандман. Мен сиздан бир сўм қарзман. Эсингиздами, учувчилар куни биз Шердаковникидан тарқалишдик? Ўшанда таксига сиздан бир сўм олгандим. Ушланг.

Чўнтагим бўлмагани учун, мен пулни қўлқопга тикдим.

Шердаковни ростдан ҳам танирдим. Марксча-ленинча эстетика мутахассиси, театрунослик институти доценти эди. Бу ердаги қаҳвахонага тез-тез ташириф буюриб турарди...

— Агар кўрсангиз, — дедим, — куюқ саломимни етказинг.

Шу пайт Шлиппенбах ёнимизга етиб келди. Орқасидан халлослаб Галина келарди.

Бу вақтга келиб мен деярли пештахтага яқинлашиб қолгандим. Тўда тобора тир-бандлашиб қолганди. Мен темирйўлчи ва жулдирвоқининг ўртасида қисилиб қолгандим. Қиличимнинг бир учи зиёлининг сонига қадалиб турарди.

Шлиппенбах қичқиришга тушди:

— Саҳнавийликни кўрмайпман! Конфликт қани? Сен оломоннинг қаҳрини кўзга-шинг керак!

Навбатдагилар сергакланишди. Ҳаракатчан кинокамерали одам оломонни газаб ва тахликага солганди.

— Кечирасиз, — дея мурожаат қилди темирйўлчи Шлиппенбахга, — сиз бу ерда турмагандингиз!

— Мен ўз хизмат вазифамни бажараяпман, — аниқ жавоб берди Шлиппенбах.

— Ҳамма хизмат вазифасида, — дейишди навбатдагилар.

Норозилик тобора ортиб борар, овозлар эса тобора таҳдидона тус оларди.

— Бу ер ҳар хил қаланғи-қасанғи чоллар, фоҳишалар, масхарабозларнинг жойи бўлиб қолди...

— Суратга олишади-да, сўнг тахтага “Улар бизнинг яшашимизга халақит қилишяпти”, деб осиб қўйишади...

— Ахир, маданий чанқовбосди қилишяпти дейиш ҳам мумкин-ку, бу эса бизнинг бошимизни қогираятти...

— Бундай олифталарнинг жойи ахлатхонада...

Оломон энди ғимирлаб қолганди. Бироқ Шлиппенбах ҳам бирдан жаҳл отига минди:

— Россияни ичиб тугатиларинг, аблаҳлар! Заррача ҳам виждон қолмади сизларда! Эрта тонгданоқ кўзингизни очиб, шу заҳри қоғилга ёпишасизлар!..

— Юрка, бас қил! Юрка, тентак бўлма, кетдик! — кўндирмоқчи бўларди Галина Шлиппенбахни.

Бироқ у оёқ тираб туриб олди. Шу пайт навбат менга етди. Мен қўлқопдан эзғиланган бир сўмни олгач, сўрадим:

— Қанча олайн?

Шлиппенбах бирдан ўзини босиб, жавоб қилди:

— Менга кўпроқ — иситадигандан. Галкага эса кичикроғи.

Галина қўшиб қўйди:

— Мен пивони ёқтирмайман. Бироқ жоним билан ичаман...

Унинг сўзида мантиқ камроқ эди.

Кимдир норози бўла бошлаганди, жулдирвоқи унга тушунтирди.

— Шоҳ мендан олдин эди, ўзим гувоҳ. Манави фонарли ифлос эса — унинг дўсти. Хуллас, ҳаммаси қонундагидек!

Навбатдагилар бир оз гала-ғовурдан сўнг жим бўлиб қолишди.

Шлиппенбах камерани чап қўлига олиб, кружкани кўтарди.

— Бўлғуси киномизнинг муваффақияти учун ичамиз! Ҳақиқий истеъдод қачондир барибир ўзига йўл очади.

— Менинг таъвиягинам, — эркалади Галя уни...

Дарвоза олдидан орқа билан чиқар эканмиз, Шлиппенбах гап бошлади:

— Ана сенга томошабин! Ана сенга халқ! Ҳатто кўрқиб ҳам кетдим. Бу худди...

— Полтава жанги каби, — гапни тугатдим мен.

Автобусда кийим алмаштиришнинг иложи бўлмади. Мени императорнинг кийимида уйга олиб келишди.

Эртасига Шлиппенбахни касса ёнида учратдим. У менга ҳуқуқий ҳимоя масалалари билан шуғулланаётганини айтди. Шу тахлит, ҳаваскорлик фильмини суратга олиш тўхтади.

Театр камзули менда икки йилларча ётди. Қилич қўшни болага насиб қилди. Шляпа билан полни артардик. Камзулни эса Регина Бриттерман деган ғалати аёл пальто ўрнига кийиб юрди. Бахмал шимдан эса хотиним ўзига юбка тикиб олди.

Шофёрлик қўлқошини эса муҳожирликка олиб кетдим. Мен энг аввало машина сотиб оламан деб ўйлагандим. Шу-шу сотиб ололмадим. Ўзим истамадим.

Мен ахир бошқалардан нима биландир ажралиб туришим керак-ку! Майли бутун Форест Хиллс “Ўша машинаси йўқ Довлатов” деб таний қолсин!

ҚИШКИ ТЕЛПАК

Ноябрь ойи байрамларида Ленинградда қаттиқ совуқ бўлди. Муҳарририятга отланар эканман, қайсидир меҳмон унутиб қолдирган, чангичилар шапкасини бошимга кийиб олдим. Бўлар, дея ўйладим, бунинг устига ойнага қарамай кўйганимга ҳам ўн беш йилча бўлганди.

Муҳарририятга ҳар доимгидек қирқ дақиқалар чамаси кечиқиб келаман. Шунга мувофиқ қатъий ва дадил кўринишга ҳаракат қиламан.

Адабий ходимларнинг хонасида вазият жуда қайғули эди. Воробьев — тинмай чекар, Сидоровский кўзларини бир нуқтага қадаганча ўтирарди. Делюкин телефонда шивирлаб гаплашар, Мила Дорошенконинг кўзлари эса йиғидан қизариб кетганди.

— Салом, — дейман. — Нега бунча ғамгинсизлар. Тузум маддоҳлари?!

Ҳамма жим. Фақат Сидоровский хўмрайиб жавоб қилади:

— Сенинг сурбетлигингни, Довлатов, чеки-чегараси йўқ.

Аниқ, ўйладим ўзимча, нимадир бўлганга ўхшайди. Эҳтимол, ҳаммамизни ишдан олишгандир?..

— Кимга мотам бу, — сўрадим, — марҳум қани?

— Куйбишев ўликхонасида, — жавоб берди Сидоровский. — Кўмиш маросими эртага.

Ҳали ҳам англолмадим. Ниҳоят, Делюкин яна аввалгидай шивирлаб гапга кўшилди:

— Раиса уч қути нембутални еб заҳарланиб ўлибди.

— Шундайми, — дедим, — тушунарли. Жонидан тўйдириб юборишган!..

Раиса бизда машинкачи, бунинг устига ўз касбини яхши биладиганлардан эди. У тез ёзар, ҳатто қараб ҳам ўтирмас, хатоларни эса йўл-йўлакай тўғрилаб кетаверарди.

Тўғри, Раиса кўпроқ қоғоздаги хатоларни тўғрилар, ҳаётда эса тинмай хато қиларди.

Оқибатда у бирор-бир диплом ҳам ололмаган. Бу камлик қилгандай, йигирма беш ёшида ёлғиз аёлга айланган. Ниҳоят, ўзининг эски антисемит ақидалари билан Раиса ишлаб чиқариш газетасига келиб қолганди.

Асли яҳудий бўлгани учун бунга кўниколмасди. У ҳар хил бўёқларни юзига чаплаб, гоҳ ичиб, тинмай муҳаррирнинг гашига тегарди. Хуллас, ўзининг яҳудий аёли экани билан қаноатланмас, сира ҳаддини билмасди.

Раисага ҳам бошқа сомлар каби муносабатда бўлиш мумкин эди. Бироқ у ўзини бир оз босиқроқ тутиши, яъни, ўзини чуқур фикрли, оддий ва бир оз айбдордек тутса бўлди эди. У эса христианликка хос бўлган заифалигини тинмай намойиш қиларди.

Октябрдан эътиборан Раисани эза бошлашди. Уни ишдан бўшатиш учун бирор-бир асос бўлиши керак эди. Бунинг учун уч ёки тўртта ҳайфсаннинг ўзи кифоя қиларди.

Муҳаррир Богомолов ҳаракатга тушган, у Раисани кўполликда айблаганди. Эрталаблари кўлида соат билан Раяни эшик олдида кутлар, уни бирор-бир иш устида кўлга туширишни, ҳеч бўлмаса муҳарририятга ичиб келишини пойларди.

Бунинг ҳаммаси чурқ этиб оғиз очолмаган атрофдагиларнинг кўзи ўнгида юз

берди. Зеро, биздаги эркакларнинг ҳаммаси Раисага илакишиб юришар, у муҳарририятимиздаги бирдан-бир боши очиқ аёл эди.

Мана, ниҳоят Рая ҳам заҳарланди. Уззукун ҳамма қайғули ва жиддий бир кайфиятда юрди. Секин, шивирлашиб гаплашишарди. Фан бўлимидаги Воробьев менга кўнгил ёриб қолди:

— Мен жуда кўрқиб кетаяпман! Қария! Тушун, кўрқиб кетаяпман! Бизнинг муносабатимиз шу даражада чалкаш ва мураккаб эдики, асти қўяверасан. Мисоли, минг бир кечадагидай... Биласанми, мен уйланганман, Рая эса, ўзига яраша феъли бор эди... Ҳар хил тушунмовчиликлар шундан... Сен мени тушунсанг керак?..

Ошхонада эса ёнимга Делюкин келиб ўтирди. Унинг иягидан тухумнинг сариғи кетмаганди.

— Раиса-я? Ўзинг ўйла! У, — деди у, — ҳали ёш, соғлом аёл бўлса!

— Ҳа, — дедим, — даҳшат.

— Даҳшат... Ахир биз Рая билан шунчаки дўст эмасдик. Нима деяётганимни, англаётган бўлсанг керак. Бизнинг муносабатимиз ғалати-да, тушунарсиз эди. Мен — тажрибали, романтик, бир одам эдим. Рая эса ақлдапарастлигини қўймасди. Баъзи нарсаларни турлича тушунардик...

Ҳатто бизнинг фельетончимиз Сидоровский ҳам мени тўхтатди:

— Тўғри тушун, мен динпараст эмасман, бироқ ўзини-ўзи ўлдириш бу гуноҳ-ку! Биз ким бўлибмизки, ўзимизнинг ҳаётимизга ҳукм чиқарсак?! Раиса бундай қилмаслиги керак эди. Муҳарририятимизни қандай уятга қўйишини ҳеч ўйладимикан?!

Бирдан кўнглим беҳузур бўла бошлади. Ҳатто бу шу даражага еттики, бошим ҳам оғрий бошлади. Мен ишдан кетишни, тўғрироғи, тушлиқдан сўнг ўзимнинг қоғозларимни олиш учун ҳам қайтиб муҳарририятга бормаи, ҳеч кимга ҳеч нарса демай, индамай кетворишни ўйладим. Худди шундай қилиш керак, кўчани кесиб ўтиб, автобусга ўтириш... Хўш, кейин-чи? Кейин нима бўлса бўлар, унинг аҳамияти йўқ. Фақат темир принцили, ёлғондакам кўтаринки руҳли, биродарлик ҳақидаги орзулари амалга ошмас муҳарририятдан тезроқ кетиш керак эди...

Мен катта акамга кўнгироқ қилдим. Биз Таврический озиқ-овқат дўкони ёнида учрашдик. Керакли нарсаларни сотиб олгач, Боря:

— “Советская” меҳмонхонасига кетдик, у ерда мени Львовдан келган ўртоқларим кутишапти, — деди.

Ўртоқлари нисбатан ёш аёллар экан. Уларни — Софа, Рита ва Галина Павловна деб аташар экан. Улар суратга олаётган ҳужжатли фильм “Кучли оҳанг” деб аталар экан. Унда гап чўчқаларнинг тўйимли озуқаси ҳақида борарди.

“Советлар” меҳмонхонасини олти йил олдин қуришганди. Дастлаб бу ерда чет элликлар яшашди. Кейин уларни бирдан бошқа ёққа кўчиришди. Гап шунда эдики, охириги қаватнинг деразасидан “Адмиралтеец” кемасозлик заводининг цехларини бемалол суратга олиш мумкин эди.

Баъзи тили кичиганлар уни “Советлар”ники эмас, “Антисоветлар”ники деб номлашганди...

Суратга олиш гуруҳи аёллари менга маъқул бўлди. Улар қатъий ва чаққон ҳаракат қилишарди. Курсилар келтиришди, идишларни ва қадаҳларни олишди, колбасани кесишди. Яъни дам олиб, кўнгил очиш учун дастурхонга нима зарур бўлса, борини муҳайё қилишди. Ҳатто Софа тирноқ оладиган қайчида консерва ҳам очди.

Акам:

— Қани олдик! — деди.

У ичиб, қизаргач, пиджагини ечиб қўйди. Мен ҳам ечинмоқчи эдим, бироқ Рита мени тўхтатди-да:

— Лимонадга тушиб келинг, — деди.

Мен ошхонага тушиб, уч дақиқадан сўнг қайтиб келдим. Бу вақт орасида аёллар учаласи бараварига акамни ялаб-юлқаб бўлишганди. Бунинг устига уларнинг муносабати менга оғир ботарди. Агар дудланган балиққа қўл узатсам, Софа:

— Нима учун килькидан емаяпсиз? Дудланганини Боря яхши кўради! — дерди.

Агар ўзимга ароқ қуядиган бўлсам, Рита ташвишланган оҳангда:

— “Московский”дан ичинг. Боря “Столичная”дан бошқасини ёқтирмайди! — дерди.

Ҳатто босиқроқ кўринган Галина Павловна ҳам гапга аралашди:

— “Аврора”дан чекинг. Чет элники Боряга ёқади.

— Менга ҳам, — дедим, — чет элники ёқади.

— Олифтагарчиликни қаранг, — аччиқланди Галина Петровна.

Акамнинг оғзидан нима чиқмасин, аёллар ўзларини тутолмай хаҳолаб кулишарди. Мисол учун, қовоқли аччиқ-чучиқдан ея туриб, акам:

— Менимча, бу таом еб бўлинганди, — дейиши билан аёллар гурра кулишарди.

Мен, бизнинг машинистка аёлимиз заҳарланиб ўлибди, деб гап бошлаганимда, ҳаммаси бирданига:

— Бас қилинг!.. — деб бақриришди.

Орадан икки соатлар чамаси ўтди. Мен охир-оқибат аёллар акамни талашиб, бир-бири билан уришиб қолишади, деган умидда эдим. Аксинча улар, кекса мусулмоннинг хотинларига ўхшаб, жуда аҳил эдилар.

Боря киноактерлар тўғрисида миш-мишларни айтиб берди. Бўлмагур қўшиқларни айтди. Кайфи ошиб Галина Павловнанинг тугмаларини ечди. Мен нима қилишимни билмай, кечаги газетани варақлай бошладим.

Кейин Рита:

— Мен аэропортта боришим керак. Картина директорини кутиб олишим керак. Сергей, сиз мен билан борасиз, — деди.

Ана сенга, ўйладим мен. Дудланган балиқни Боря ейди, “Жебел”ни Боря чекади. “Столичный”ни Боря ичади. Бу эски калишни эса мен кузатиб қўяр эканман-да?

— Бора қол, барибир газета ўқияпсан-ку, — деди акам.

— Бўпти, — дедим. — Кетдик. Ҳақоратлангандан кейин охиригача бўлсин-да.

Мен чанғичилар шапкасини бошимга кийдим. Рита пўстинни елкасига ташлаб олди. Лифтда пастга тушиб, такси бекатига келдик.

Қоронғи туша бошлаган, қор босиб ёғарди. Гира-гира қоронғиликда машиналарнинг чироқлари ёниб келарди.

Бекатга биз биринчи бўлиб келдик. Рита йўл бўйи оғиз очмасдан, фақат бир марта:

— Худди ялангоёқлардай кийиниб олибсиз, — деди.

Мен шундай жавоб бердим:

— Ҳечқиси йўқ. Мени ё монтёр, ё сув қузури хизматчиси, деб тасаввур қилавринг. Оқсуяк ойим электромонтёр ҳамроҳлигида уйига ошиқаяпти. Ҳаммаси кўнгилдагидек.

Машина келди. Мен энди тутқиқдан ушлаган эдим, қаердандир иккита гавдали йигитлар пайдо бўлишди. Улардан бири:

— Соқол, биз шошиб турибмиз! — деди. Мени четга сурмоқчи бўлди. Иккинчиси эса орқа ўриндиққа ўтирди.

Буниси энди ортиқча эди. Кун бўйи бўлиб ўтган воқеалар шундоғам асабимга теккан эди. Энди эса кўчада сурбетлик қилишаётганди. Ичимдаги бор қаҳру газабим юзага отилиб чиқди. Мен бутун хафагарчилигимни шулардан олмоқчи эдим. Ҳаммаси Рая, газетадаги иккиюзламачиликлар, бўлмагур чанғичилар қалпоғи ва ҳатто акамнинг хотинларни ўзига оғдириб олиши айнан шу нуқтада жамланаётган эди.

Мен оғир вазнли курашчи Шарафутдиновнинг ўғитларини эслаб, бор куч билан қўлимни силтадим. Қўлимни силтадим-у, ерга юзтубан қуладим.

Миршабларнинг ҳуштагидан ўзимга келганимда, ахлат қутисига суяниб ўтирардим. Унг томонда одамлар тўдаланиб туришарди. Чап кўзим эса ҳеч нарсани кўрмасди.

Рита миршабларнинг каттасига ниманидир тушунтирарди. Уни кўрган киши, масъул лавозимда ишлайдиган кишининг хотини, мени эса ҳайдовчиси, деб ўйлаши мумкин эди. Шунинг учун бўлса керак, миршаб уни диққат билан эшитар эди.

Мен қўлларимни қорға тикдим. Бир илож қилиб ўрнимдан турмоқчи бўлдим, довдираб кетдим. Бахтимга, Рита югуриб келди.

Биз қайтиб лифтда тепага кўтарилидик. Уст кийимим ифлос, қараб бўлмасди. Чанғичилар қалпоғи эса йўқ эди. Юзимнинг шилинган жойидан қон оқарди.

Рита белимдан кучоқлаб олган, мен юришга ҳаракат қилардим. Энди ростакамига унга иснод келтиришим мумкин эди. Бироқ, Рита қаттиқроқ кучоқлаб, секин шивирлади:

— Қанчалар чиройлисан-а, шумтака!

Лифт секин овоз чиқариб, сўнги қаватда тўхтади. Биз яна олдинги хонага кирдик. Акам Галина Павловна билан ўпишишар, Софа эса унинг кўйлагидан тортиб:

— Жиннивой, ахир у онанг тенги-ку, — деб тинмай такрорларди.

Мени кўриб акам даҳшатли қичқириб юборди. Ҳатто қаёққадир қочиб қолмоқчи ҳам бўлди-ю, ўйланиб, тўхтаб қолди. Аёллар мени ўраб олишганди.

Нима бўлаётганини тушуниб бўлмасди. Туппа-тузуклик пайтимда мени назар-писанд ҳам қилишмаганди. Энди, салкам яримжон бўлганимда эса аёллар мендан нари кетишмасди. Улар гўё менинг кўзимни тузатишга қатъий қарор қилишганди.

Рита нам латта олиб келиб пешонамга босди. Галина Павловна ботинкамнинг ипларини ечди. Софа эса шимимнинг тугмаларини ечиб, ҳаммасидан ўтказиб юборди.

Акам нимадир демоқчи, ё маслаҳат бермоқчи бўлар, бироқ унга кулоқ солишмасди. Агар бирор бир таклиф айтмоқчи бўлса, аёллар жўр бўлиб:

— Жим бўл! Арофингни ўзинг ич, консервангни ўзинг е! Сенсиз ҳам эплеймиз!

Орага бир оз сукут чўкканида мен бир илож қилиб машинкачи аëлимизнинг ўлими ҳақида айтиб бердим. Бу гал улар мени жуда катта қизиқиш билан тингладилар. Галина Павловна эса ҳатто йиғлаб юборай деди:

— Эътибор қилинглр-а! Серёжанинг бир кўзи кўради. Бироқ у шу бир кўзи билан бошқалар кўролмаган нарсаларни кўра олади...

— Мен аэропортга бормаيمان. Биз Жароҳатларни даволаш марказига борамиз. Картина директорини эса Боря кутиб олади, — деди Рита.

— Мен уни танимайман, — деди акам.

— Ҳечқиси йўқ. Радио орқали чақиртирасан.

— Мен ахир мастман-ку?

— Нима, у хушёр келади, деб ўйлаяпсанми?..

Биз Рита билан Гогол кўчаси 9-уйга жойлашган Жароҳатларни даволаш марказига қараб жўнадик. Қабулхонада юзлари кўкарган бир неча одам кутиб туришар, баъзилари тинмай инграшарди.

Рита кутиб ҳам ўтирмай тўғри врачга йўналди. Унинг қимматбаҳо пўстини бу ерда ҳам иш берди.

Мен унинг қаттиқ-қаттиқ гапираётганини эшитиб турардим.

— Агар менинг хушгоримнинг башарасига туширишган бўлса, мен қаерга мурожаат қилишим керак? — деди-ю қўл силкиб, мени чақирди:

— Киравер!

Врач ёнида йигирма дақиқаларча ўтирдим. Врач, жуда осон қутулибсиз, деди. Мия чайқалмаган, қорачиққа зиён етмаган экан. Кўкаргани эса бир ҳафтада тузалиб кетади, деди.

Кейин у сўради:

— Нима билан уришди — фишт биланми?

— Туфлида, — дедим.

Врач яна сўради:

— Ҳойнаҳой, чанғичилар ботинкасидадир? Сўнг кўшиб кўйди:

— Қачон биз совет туфлисини бежирим қилиб чиқарар эканмиз?!

Хуллас, унчалик хавотир оладиган жойи йўқ эди. Энг катта йўқотиш, албатта, чанғичилар қалпоғи эди.

Уйга мен ўн икки яримларда қайтдим. Лена пичинг қилиб:

— Табриклайман, — деди.

Мен нима бўлганини айтиб бердим.

— Ҳамиша шундай бўлмағур нарсаларга илакишиб юрасан, — деди у.

Эрта тонгда яна акам кўнғироқ қилди. Кайфиятим йўқ, муҳарририятга боргим келмас, пул эса қолмаганди. Келажак худди бир саробдай туюларди.

Бунинг устига юзимга қараб бўлмас, чап томони буткул қорайиб кетган. Кўкарган жойи эса товланар эди. Кўчага чиқишни эса хаëлимга ҳам келтирмасдим.

Бироқ акам қўймасди:

— Сенда зарур ишим бор. Бир муҳим иқтисодий режани амалга оширишимиз керак. Мен қарзга рангли телевизор сотиб олиб, уни бир нусхага нақд пулга пулламоқчиман. Бу билан элик сўмга ютқазаман. Бироқ мен нақд оладиган уч юз сўмни, бир йилдан кейин тўласам ҳам бўлаверади. Тушундингми?

— Унчаликмас.

— Бу жуда оддий. Бу уч юз сўмни худди бировдан қарз олгандай бўламан. Майда-чуйда қарзларимни узаман. Иқтисодий тангликдан қутулиб, бир оз ўзимни ўнглаб оламан. Телевизор қарзини эса бир йил давомида секин узиб бораман. Тушунарлими? Донишмандлар тили билан айтадиган бўлсак, юзта майда-чуйда қарздан, битта катта қарз афзалроқ. Икки-уч кундан кўра биратўла бир йилга қарз олиш бошқа гап. Бунинг устига, танишларингдан қарз бўлганингдан кўра, давлатдан қарз бўлиш яхшироқ.

— Тушундим, — дедим, — фақат бунинг менга нима алоқаси бор?

— Сен мен билан бирга борасан.

— Менга ўзи шу етмай турганди!

— Сенинг ёрдаминг керак. Сен жуда пухта ўйлайсан. Пулни сарфлаб қўймаслигим учун кўз-қулоқ бўлиб турасан.

— Бироқ менинг юзим дабдала-ку.

— Қўйсанг-чи! Юзингга ким қараб ўтирибди. Сенга қуёшдан тўсадиган кўзойнак олиб бераман.

— Ҳозир феврал-ку?

— Фарқи йўқ. Сени Хабашистондан учиб келгандир деб ўйлашлари ҳам мумкин... Дарвоқе, юзинг нега кўқарганини одамлар билишмайди-ку. Эҳтимол, сен аёллар шаънини ҳимоя қилгандирсан?

— Аслида ҳам ўзи шундайроқ бўлганди.

— Ана кўрдингми...

Мен хотинимга муолажахонага бормоқчиман, деб баҳона қилиб чиқиб кетмоқчи бўлдим. Лена:

— Мана бир сўм, бир шиша ёғ ола кел, — деди.

Акам билан Отбоқарлар майдонида учрашдик. У мушук терили эскирган телпакда эди. Чўнтагидан қуёшдан тўсадиган кўзойнакни чиқарди. Мен унга:

— Кўзойнакнинг фойдаси йўқ. Яхшиси, телпагингни бер, — дедим.

— Телпакнинг фойдаси борми?

— Телпакда жилақурса қулогим совуқ қотмайди.

— Тўғри айтасан. Биз уни галма-галдан киямиз.

Биз троллейбус бекатига бордик. Акам:

— Такси тўхтатамиз. Агар биз троллейбусда борсак бу адолатдан бўлмайди. Чўнтагимиз тўла пул бўладиган бўлса. Бир сўм пулинг борми?

— Бор. Бироқ мен бир шиша ёғ олишим керак.

— Сенга пул бўлади, деб айтаяпман-ку. Агар истасанг сенга бир челақ ёғ сотиб оламан?

— Челақ кўплик қиладику-я, бироқ бир сўмни албатта қайтаргин.

— Шу эскирган бир сўминг чўнтагимда деб ҳисоблайвер...

Акам машина тўхтатди. Биз “Меҳмонхона ҳовлиси”га ўтиб, радиомоллар бўлимига кирдик.

Боря Миша дегани билан пештахта орқасига ўтиб кетди. Кетатуриб телпакни менга узатди.

— Сенинг навбатинг, кия қол.

Мен приёмник ва телевизорларни томоша қилганимча йигирма дақиқалар чамаси кутдим. Телпак қўлимда, афтидан ҳамма кўзимга қараётгандек эди. Агар чиройлироқ аёл ўтадиган бўлса, мен ўнг томонга бурилиб турардим.

Шу пайт акам келиб, ҳаяжон ва қувонч билан менга деди:

— Ҳаммаси жойида. Мен қарз ҳужжатларига қўл қўйдим. Ҳозиргина олувчи ҳам келди. Ҳозир унга телевизорни беришади. Кутиб тур...

Мен яна кута бошладим. Радиотоварлар бўлиmidан сўнг болалар бўлимига ўтдим. Сотувчи бўлиб ишлаётган синфдошим Лев Гиршовични таниб қолдим. Лев менинг кўзимга разм солиб:

— Нима билан уришди, — деб сўради.

— Ботинкада, — жавоб қилдим.

— Нима, индамай қараб туравердингми?

— Бўлмаса-чи...

Лев менга галати воқеани айтиб берди. Болалар ўйинчоқлари фабрикасида катта миқдордаги давлат мулкани ўғирлаганларни ушлашибди. Ўзи юрадиган айиқлар,

танклар, экскаваторлар фабрикада ўз-ўзидан йўқолиб қолаверибди. Бунинг устига катта миқдорда. Милиция бир йил изига тушса ҳам, ҳеч қандай натижа бўлмабди.

Яқинда жиноят ошкор бўлибди. Фабриканинг икки оддий ишчиси унга катта бўлмаган хандақ қазишибди. У фабрикадан бошланиб, Котовский кўчасидан чиқар экан. Ишчилар ўйинчоқларни олиб, калитини бураб ерга қўйиб юборишар экан. У ёғига айиқлар, танклар, экскаваторлар ўзи кетар экан. Фабрикадан узлуксиз равишда чиқиб турган...

Шу пайт дераза ортидаги акамга кўзим тушиб, унинг олдида бордим.

Борянинг туси бошқача. Ўзини тутишлари пулдорларга хос. Тўйган кўзичоқдек кеккайиб турарди. Гапиргиси келмай, терс бир оҳангда сўради:

— Қаёққа йўқолиб қолдинг?

Мен ҳатто у менга бегона бўлган тақдирда ҳам пул одамларни қандай ўзгартириб юборишини ўйладим.

Биз кўчага чиқдик. Акам чўнтагига уриб қўйди:

— Овқатлангани борамиз!

— Ахир қарзларимни узаман дегандинг-ку.

— Ҳа, қарзларимни узаман дегандим. Бироқ оч юрамиз демагандим. Ёнимизда уч юз ўттиз сўму, олтмиш тўрт тийин бор. Агар овқатланмасак, бу адолатдан бўлмайди. Ичиш эса шарт эмас. Ичмаймиз.

— Бир оз исиндингми? Телпагимни чўз деди у менга.

Йўл-йўлакай у ўзича гудурланиб борарди:

— Ҳозир танқис таомлардан буюрамиз. Танқис таомни ўлгудай яхши кўришимни билгандирсан.

— Ҳа, — дедим, — мисол учун “Столичный” ароғини.

Боря елкамдан тортиди.

— Сурбет бўлма! Ароқ — бошқа нарса.

Кейин бир ғамгин оҳангда қўшиб қўйди:

— Бундай нарсаларга унчалик жиддий қарамаслик лозим...

Биз йўлакни кесиб ўтиб, кабобхонанинг олдидан чиқиб қолдик. Мен сутли таомлар ошхонасига бормоқчи бўлгандим, бироқ акам тўхтатди:

— Кабобхона — бу калтакланган танани эпақага келтирадиган бирдан-бир жойдир...

Кабобхонада хўррандалар камчил эди. Кийим илгичда қишки пальтолар осифлиқ турар, ичкарида эса олдида пешбанд боғлаган келишган қизлар хизмат қилиб юрарди. Мусиқа автоматидан “Каптарлар” куйи тараларди.

Кираверишда пештахтада бир неча турдаги шишалар тизилиб турар, ичкарироқдаги кичикроқ жойга стол қўйилганди.

Акам дарҳол спиртли ичимликларни суриштира бошлади.

Мен уни тўхтатмоқчи бўлдим.

— Берган ваъдангни унутма.

— Мен нима дегандим! Мен, ичмаймиз, яъни ошиқча ичмаймиз, дегандим. Станлаб ичиш шарт эмас. Биз ахир зиёли одамлармиз. Шунчаки кайфият учун оздан ичамиз. Агар умуман ичмайдиган бўлсак бу адолатдан бўлмайди.

Акам ярим литр арман конягини буюрди.

Мен:

— Бир сўм бер. Бир шиша ёғ сотиб олишим керак, — дедим.

Унинг жаҳли чиқди:

— Бундай пасткаш бўлма. Ҳозир бир сўмим йўқ, ҳаммаси ўнталик. Майдалайин, кейин сенга бир дунё ёғ сотиб оламиз...

Ечинар экан, телпакни менга тутди:

— Ма, ушла, сенинг навбатинг.

Биз бурчакка ўтирдик.

Бундан кейинги воқеалар шиддатли тус олди. Кабобхонадан чиқиб, “Астория”-га бордик. У ердан чиқиб — музда балет ўйнайдиган танишларимизникига. Танишларимизникидан чиқиб, Журналистлар уюшмасининг барига қараб жўнадик.

Қаерга бормайлик акам тинмай такрорларди:

— Агар биз ҳозир тўхтасак, бу адолатдан бўлмайди. Илгари пулимиз йўқлигида ҳам ичар эдик. Энди эса пул борида ичмаслик ғирт аҳмоқлик бўлади...

Ҳар гал навбатдаги ресторанга кирар эканмиз, Боря менга телпагини узатарди. Кўчага чиққанимизда эса, ундан миннатдор бўлиб мен телпакни қайтариб берардим.

Кейин у Рилеев кўчасидаги театр дўконига кириб — Буратинонинг тасқара ниқобини сотиб олди. Шу ниқобни кийиб мен “Ёшлик” барининг ёнида бир соат ўтиришимга тўғри келди. Бу вақтга келиб кўзимнинг кўкаргани газак ола бошлаганди.

Кечга бориб акам шилқимлик қилгиси келиб қолди. Унинг ким биландир муштлашгиси келарди.

Тўғрироғи, кеча мени калтаклаганларнинг ҳақини бермоқчи эди. Боряга гўё кўпчиликнинг орасида ҳам уларни бемалол таниш мумкиндек эди.

— Ахир, — дедим, — сен уларни кўрганинг йўқ-ку?

— Сенинг-ча, нима, ҳис қилиш мумкин эмасми?..

У нотаниш кишиларга тегажоқлик қила бошлади. Бахтимизга, ҳамма ўзини олиб қочарди. Бироқ, “Атторлик” дўкони ёнида бир баҳайбат нуханинг жаҳли чиқди.

У қўрқмади, аксинча:

— Арақхўр жухудни биринчи кўришим! — деди.

Акам бирдан хушёр тортди. Гўё умр бўйи бундан ортиқроқ ҳақорат эшитмагандек эди. Бунинг устига у жухуд ҳам эмасди. Жухуд қайсидир маънода мен эдим. Қисмат шундай бўлган, оиламиз тарихи жуда чалкаш эди. Гапириш ортиқча...

Дарвоқе қизликдаги фамилияси Файнцимлер бўлган Борянинг хотини, доим бир гапни такрорлашни яхши кўрарди: “Боря менинг қонимни ичавериб охири жухуд бўлди”.

Илгарилари мен Борядаги худди кавказликларга хос ватанпарварликни кўрмагандим. Ҳозир у ҳатто грузинча лахчада гапира бошлади.

— Мен — жухудманми? Демак, мен сенингча жухуд эканман-да? Ранжитаёпсан, биродор!..

Хуллас, улар дарвоза ортига, чеккароққа ўтишадиган бўлишди. Мен унга:

— Бас қил, одамларни ўз ҳолига қўй. Юр кетдик, — дедим.

Бироқ, акам бурчакка қайрилиб, менга қичқирди.

— Кетмайтур. Агар миршаблар келса, хуштак чал...

Дарвоза ортида нима бўлаётгани менга қоронғу эди. Фақат ўтаётган йўловчиларнинг ура қочиб қолаётганликларини кўриб турардим.

Бир неча дақиқадан сўнг акам пайдо бўлди. Пастки лаби ёрилиб кетганди. Қўлида эса яп-янги мушук терили телпак... Биз тез-тез юриб, Владимир майдонига қараб кетдик.

Боря нафас ростлаб, киноя қила бошлади:

— Мен унинг башарасига туширдим. У меникига, унинг телпаги тушиб кетди. Сўнг меники тушди. Қарасам, талпаги янгироқ экан, шарт эгилдим-да, телпагини олдим. У эса, албатта меникига ёпишди. Мен уни сўкдим. У мени сўкди. Кейин тарқалишдик. Бу телпакни эса сенга бераман, ола қол.

— Яхшиси, бир шиша ёғ сотиб олиб бер.

— Албатта, — жавоб қилди у, — фақат олдин ичмасак бўлмайди. Микробларни тозалаш учун.

Гапига ишонтириш учун ёрилган лабига ишора қилди...

Уйга ярим тунда бордим. Лена ҳатто қаерда эдинг, деб сўрамади ҳам, фақат у:

— Ёғ қани? — деб сўради.

Мен нимадир деб ўзимча гудурландим.

— Дўсларинг доим сенинг пулинга ичишади!

— Бироқ, — дедим мен, — энди янги телпакли бўлдим.

Мен яна нима ҳам дердим?

Ювиниш хонасида эса хотинимнинг тинмай жавраётгани эшитилиб турарди:

— Эй, худойим, охири нима билан тугар экан-а? Охири нима бўлар экан?..

Сергей ЕСЕНИН

Хуррам бир соғинч

* * *

Кўл узра алвонранг тонгги бир нафас,
Ўрмонда карқурлар ноласи тинмас.

Қайдадир, эзилиб йиғлар зарғалдоқ,
Фақат мен хурсандман — ғам мендан йироқ.

Биламан, кеч пайти чиқгунг йўл томон,
Ўтирамиз бирга шундай ёнма-ён.

Сўнг тўйиб бўсалар оламан дилдор,
Сархушлар балога бўлмас гирифтор.

Нозланиб рўмолинг ўзинг ечарсан,
Бугазор қўйнида мени қучарсан.

Майлига карқурлар ноласи тинмас,
Хуррам бир соғинч бор ҳар тонгги нафас.

1910

*Анвар ТОҒАЕВ
таржималари*

Сергей Есенин (1895—1925) шеъриятига бўлган ҳавасим болалик пайтларимда уйғонган.

Ўзим қишлоқда улғайганим учун у қаламга олган манзаралар дилимга жуда яқин.

Шаксиз у Ватан ва табиат куйчиси.

Москва, Санкт-Петербург, Рязань, Боку атрофидаги Мардакяни оромгоҳидаги С. Есенин номи билан боғлиқ бўлган қадамжоларни зиёрат қилиш каминага насиб қилган.

Москвадаги Ваганьково қабристонидида у дафн қилинган жойда мухлислари унинг шеърларини ўқиб туришганини кўрганман.

Унинг қабрида ҳамиша эндигина узилган, мухлислар эҳтиромининг рамзи — ранг-баранг гулларни кўриш мумкин.

Ушбу таржималар Есенин шеъриятига муҳаббатимнинг ифодасидир.

Таржимон.

ЖАҲОН АДАБИЁТИ

60

СИГИР

Тиши тушиб, қолган қартайиб,
Ёши эса маълум шохидан.
Таёқ еди бўлгунча майиб,
Хабар олмас ҳеч ким оҳидан.

Атрофида сичқон ин қурган,
Шовқин-сурон ғамга ғам қўшар.
Оқ оёқли, жовдираб турган
Бузоқчаси ёдига тушар.

Бермадилар унга боласин
Дилни ўртар ўкинч ва малол.

Тингламади ғаму ноласин
Ҳилпиратар терини шамол.

Яқин қолди, юракни доғлаб
Шум тақдирни такрор эгарлар.
Сўймоқ учун шохидан боғлаб,
Бугдойзордан олиб кетарлар.

Ҳасрат билан ўтар ҳар куни,
Шохлар ерга қадалган бироқ...
Тушларига киради унинг
Ўрмонзор ва ям-яшил ўтлоқ.

1915

* * *

Ачинмайман, чорламайман, йиғламайман ҳам,
Бари ўтар, тўкилгандай олма гуллари.
Олтин даврим кўзларимга кўринар мубҳам,
Асло ортга қайтиб келмас ёшлик йилларим.

Ёшлик они бўлдингми сен қўшиқлар айтиб,
Ҳароратинг беролмассан ҳорғин юракка.
Оқ қайиннинг ватанида тентираб, дайдиб,
Имкон йўқдир ялангоёқ чопиб юрмакка.

Дайди руҳим! Мана энди сен ҳам ҳар замон,
Кўзғар бўлдинг лабларимда ёниқ туйғулар.
Ўтиб кетган йиллар дилга солмишдир армон,
Оташ кўзлар, тошқин ҳислар, қайдадир улар?

Жўшқин, қайноқ орзуларга йўқ менда ҳавас,
О, ҳаётим, тушларимга сен кирдингми ё?
Сурон солиб баҳор чоғи, тонгги бир нафас
Ўтгандайман пуштиранг бир от миниб гўё.

Ҳа, барчамиз йўқлик сари боргумиз албат,
Заранг дарахтидан аста япроқ тўкар нур.
Шундай экан доим дилда сақлагин рағбат.
Яшамоғу ўлмоқ борки, шунга ҳам шукур.

1921

* * *

Шоҳинамсан менинг, менинг Шоҳинам!
Шимолдан бўлганим учунми, чоғи
Тайёрман сўйлашга дала қучоғин,
Ойдиндаги жавдар тўлқинидан ҳам,
Шоҳинамсан менинг, менинг Шоҳинам.

Шимолдан бўлганим учунми, чоғи
Ой унда юз бора катта бўлар чин,
Шероз ҳам қанчалик кўркам бўлмасин,
Рязандан гўзалмас унинг қучоғи,
Шимолдан бўлганим учунми, чоғи.

ЖАҲОН АДАБИЁТИ

61

Тайёрман сўйлашга дала қучоғин,
 Сочларим ранги ҳам шу жавдар мисол.
 Хоҳласанг, бармоққа майли ўрайқол,
 Жилла ҳам сезмасман оғриқнинг доғин,
 Тайёрман сўйлашга дала қучоғин.

Ойдиндаги жавдар тўлқинидан ҳам
 Жингала сочимни таниб ол, жонон.
 Жонгинам, ҳазил қил, яйра, кул шодон,
 Ёдимга солмагин, бўлай хотиржам,
 Ойдиндаги жавдар тўлқинидан ҳам.

Шоҳинамсан менинг, менинг Шоҳинам!
 Олисда, шимолда тагин бир қиз бор.
 Ул ҳам жуда сенга ўхшайди, дилдор,
 Балки, ўйлар ҳозир мен ҳақда ул ҳам,
 Шоҳинамсан менинг, менинг Шоҳинам.

ОНАМГА ХАТ

Онажоним, бормисиз омон,
 Мен ҳам борман, кўпдан-кўп салом.
 Кулба узра, майли нурафшон
 Зиё сочсин фарахбахш оқшом.

Ёзадилар, сизни босмиш ғам,
 Ҳасратларни беркитиб дилга,
 Эски, тўзган кўйлак билан ҳам
 Чиқармишсиз сиз тез-тез йўлга.

Гўё сизга кўринар ҳар гал
 Кечки мовий зулмат тушган чоғ,
 Майхонада бўлгану жанжал
 Кимдир урган кўксимга пичоқ.

Ҳечқиси йўқ, бўлинг хотиржам,
 Булар фақат мудҳиш хомхаёл.
 Ўта майхўр эмасман мен ҳам
 Сизни кўрмай топмасман завол.

Мен ўшаман очик, меҳрибон
 Ва бир орзу ҳоким ўйимга,
 Тезроқ дилдан тарқаб ғалаён
 Қайтай дейман ўсган ўйимга.

Мен қайтаман барча дов-дарахт
 Баҳор чоғи безанган маҳал.
 Тонгда мени уйғотманг фақат
 Уйғотгандай саккиз йил аввал.

Ёдга солманг сўнган орзуни,
 Орзуларнинг тўлқини асов.
 Бу кеч энди унутай уни,
 Бул ҳаётда кўрдим кўп синов.

Сигинмоқ ҳам менга эрур ёт,
 Ортга йўл йўқ мен учун асло.

Ёлғиз сизсиз қувонч ва имдод
Сиз эрурсиз умримга зиё.

Унут бўлсин хавотир, гумон
Яшамасин ҳасрат юракда.
Чиқаверманг ҳадеб йўл томон
Тўзғиб кетган эски кўйлақда.

* * *

Бетизгин дамларим, топдингиз тўзим,
Аччиқ оғу бердим Сизга мен ўзим.

Билмам, умрим қачон бўлади адоғ,
Шул мовий кўзларим сўлибди бу чоғ.

О, қувонч, қайдасан? Кўнгил ҳам хира,
Дала ё майхонада, кўринмас сира.

Қўлларимни чўзаман — сезаман шу он,
Кетаяпмиз... чаналар... отлар... қор... ўрмон.

“Эй ямшик, тезроқ ҳайда, дармонинг бордир”,
Ўнқир-чўнқир йўлларга дилим хумордир.

Ямшикнинг жавоби бир: “Бундай шамолда
Йўлда терласа отлар ёмон ҳар ҳолда”.

“Сен ямшик суст экансан” сўнгра тортмай тап,
Қамчи билан отларни кетдим савалаб.

Отлар қорни тўзгитар бамисли бўрон,
Бирдан силкиниш... билсам ерданан шу он.

Турсам ному нишон йўқ от-у чанадан,
Қўлим боғлиқ ётибман беморхонада.

Йўқ эди на отлару на шалоқ йўллар,
Каравотни уарди боғланган қўллар.

Шу пайт соат миллари айланди такрор,
Хоб аралаш аёллар боқдилар хушёр.

Эгилишди, бўғилиб: “Эҳ сен олтин бош,
Барига ўзинг айбдор энди қил бардош.

Умринг қанча қолган билмасмиз биз ҳам,
Майхонада бўлган шул кўзларинг нам.

1924

КУЧУК БОЛАСИ

Йиллар сузиб чиқиб зулматлар аро
Мойчечак ўтлоғи каби шовуллар.
Бир кучук бўларди мен билан ошно
Дилга яқин эди у ёшлик йиллар.

ЖАҲОН АДАБИЁТИ

Мана ёшлик ўтди, ҳувиллаб беиз
 Бамисли хазонга юз тутган дарахт.
 Аммо, ёдга тушар оқ либосли қиз
 Кучуккинам унга ташир эди хат.

Насибмас ҳар кимга бир дилдош топмоқ,
 У бир кўшиқ эди ёшлик чоғидан.
 Чунки қиз ҳар гал ҳам номамни бироқ
 Олмасди кучукнинг бўйинбоғидан.

Билмам не кезарди қизнинг ўйида.
 Ҳатто ёзувимни танимасди у.
 Бодрезак ёнида, кўлмак бўйида
 Неларнидир узоқ қиларди орзу.

Мен жафо чекардим... истардим жавоб...
 Кутолмадим... кетдим... ва охир мана
 Вақт ўтиб, таниқли шоирман шу тоб
 Дарвоза қошида турибман яна.

У ит-ку қачонлар топгандир завол
 Аммо ўша тусда, кўкиш товланиб,
 Боласи акиллаб мисли телбаҳол
 Менга пешвоз чиқди қолгандай таниб.

Ёпирай! Бу не ҳол? Мунча ҳам ўхшаш,
 Қайта туғён урди қалбимда дардим.
 Шу дард-ла қайтадан дилимда оташ
 Керак бўлса тағин хатлар битардим.

Ул наво сеҳридан қалбимда жунун
 Лекин сен ҳурмагин! Ҳурмагин, ҳурма!
 Қалбимда илиқлик уйғотганинг-чун,
 Кучукчам, хоҳдасанг сени ўпурман.

Ўпурман, кўксимга босарман сўзсиз,
 Дўст каби уйга ҳам бошлаб кирурман.
 Ҳа, менга ёқарди оқ либосли қиз,
 Энди мовий кийган қизни суюрман.

* * *

Тингла, чаналар учар — келмоқда овоз,
 Севгилинг-ла далани кезмоқ завқли, соз.

Тароват ва майинлик бордир елларда,
 Қўнғироқча шилдирар яйдоқ йўлларда.

Эҳ, чаналар, чаналар! Саманим учар,
 Қаршимизда бир сармаст заранг рақс тушар.

Бу нимаси, деб ундан сўраймиз ҳайрон,
 Сўнгра рақсга тушамиз бирга уччовлон.

1925, октябрь.

Юсуф Вазир ЧАМАНЗАМИНЛИ

Қизлар булоғи

Роман

Аҳмад “Маорифчилар” клубида маъруза қилмоқчи эди. Анча-мунча китобларни ўқиб, қайдлар қилди-ю, барибир қўнгли тўлмади. Мутахассислар тавсияси билан Ф. Энгельснинг “Оила, хусусий мулк ва давлатнинг пайдо бўлиши”, К. Каутскийнинг “Яхудийлар ва ирқ”, Э. Тейлорнинг “Антропология”, Б. Тўраевнинг “Мумтоз Шарқ”, Афлотун, Ҳеродот, Страбонларнинг тарих ва этнографияга оид асарларини ўқиб чиқди, “Авесто”ни варақлади.

Булардан ташқари ибтидоий маданият тарихига доир рисоалар, халқ оғзаки ижоди, урф-одатлар, ғарб ва шарқ сайёҳлари саргузаштларини ҳам кўздан кечириш керак эди. У шаҳардаги энг нуфузли кутубхоналарни айланиб, керакли манбаларни тўплади-да, дорилфунун қироатхонасида мутоалага киришди. Манбалар орасидаги бир китоб унинг эътиборини тортди. Бу “Ел” улусига мансуб Чопо исмли киши томонидан ёзилган ва XIX аср ўрталарида Европа тилларига таржима қилинган асар эди.

Аҳмад китобни очиб кўз югуртирди-ю, зўр мароқ билан ўқишга киришди.

БИРИНЧИ ҚИСМ**1**

“Бугун сўнги машғулот”. Ҳамманинг қалбини “шу билан дарслар ҳам тугайди”, деган севинч қоплаганди. Турли томондан келган қабила ёшлари бирин-кетин боғга тўпланишди. Кабусей бу ерга биздан анча олдин келганди. Бизларнинг кечикканимизга ишора қилиб истеҳзо билан:

— Донишмандлар, қаерларда юрибсизлар? — деб сўради.

Муаллимнинг кулиб турган чехрасига кўзим тушиб, индамай қўя қолдим. Кабусей кесилган дарахт тўнкаси устига ўтириб олганди. Майса устига тахланган фиштарни кўрсатиб:

— Дарсларингизни шу фиштар билан давом эттирасизлар, — деди. — Хўроз қабиласининг бутун тарихи шу фиштарга битилган. Шунини билиб олишларингиз

*Файзи
ШОҲИСМОИЛ
таржимаси*

Юсуф Вазир Чаманзаминли (1886—1943) Озарбайжон маданиятида ўчмас из қолдирган адиблардан. У бир қатор ҳикоялари, “Студентлар” (1919), “Ўтмиш саҳифалари” (1926), “Қон ичра” (1930), “Зулматдан зиёга” (1933), “Қизлар булоғи” (1934), “1917 йил” (1939) романлари билан шуҳрат қозонди. “Қизлар булоғи” романи адиб ижодида алоҳида ўрин тутади.

ЖАҲОН АДАБИЁТИ

65

керак. Мана шу кўриб турганингиз гулларга бурканган қабила манзилгоҳи ўрнида яйдоқ чўл бўлган. Бу ерда қабила тузган, бу ерларни обод қилган киши мидиялик Ҳамасб эди. Қабиланинг тарихи унинг таржимаи ҳолидан иборат. Ёзувларни ҳам гиштларга ўзи битган. Энди Жайниз ўқиб беради, мазмунини билиб оласизлар. Шунинг ҳам кўшимча қилишим керакки, Жамасб зардуштий бўлган. Лекин Зардуштийнинг баъзи қонунларига эътибор билдиргани учун ватанни тарк этишга мажбур бўлганди...

Шундан сўнг Кабусей оғайним Жайнизни чақирди ва гиштларни ўқишга буюрди. Жайниз энг яхши талабалардан саналарди. Мих ёзувни ҳам равон ўқирди. Зотан, муаллимнинг ёзганларини ҳам шу Жайниз гиштларга кўчирарди.

Жайниз қатор қилиб тахланган гиштлардан биринчисини олиб ўқиди:

“— Ахура Мазда! Сенга энг садоқатли ким?”

Ахура Мазда жавоб берди:

— Менга энг садоқатли инсонлар яхши фикрли, яхши сўзли ва яхши ҳаракатлар қилувчи кишилардир.

— Эй, ёруғ дунёнинг ижодкори Ахура Мазда, энг савоб иш нима?

Ахура Мазда жавоб берди:

— Энг савоб иш — сувсиз ерга сув чиқармоқ, дарахт экмоқ, кўприк қурмоқ, зараркунанда ҳашаротни ўлдирмоқдир.

— Эй, бору йўқнинг бунёдкори Ахура Мазда, ер нима дейди?

Ахура Мазда жавоб берди:

— Ер дейдики, мени эккан шод бўлар, экмаган барбод бўлар. Ерга буғдой сеппилганда девлар қайғуради, буғдой ниш урганда девлар газабланади, буғдой бошоқ тортганда девлар алаmidан ёрилиб ўлади.

— Эй, ёруғ дунё меҳвари Ахура Мазда, девларга хизмат қилувчилар ким?

Ахура Мазда жавоб берди:

— Девларга хизмат қилувчилар — кўчманчилардир — ўзлари экмайди, бошқаларнинг экинзорларини топташади.

— Эй, еру кўкнинг сарвари Ахура Мазда, тупроқни, сувни, оловни, барча аёлларни тавоф қиламан, чунки улар сеники! Энг фараҳли жой қаер, Ахура Мазда?

Ахура Мазда жавоб берди:

— Энг фараҳли ер инсон уй қуришга танлаган жойдир! Энг фараҳли ер кўп буғдой экиладиган, чаманзори бўлган, мўл мева дарахтлари кўкарган жойлар ҳисобланади! Энг фараҳли ер аёли, бола-чақаси, чорва ва йилқиси бўлган жой!

— Эй, оламни яратган Ахура Мазда, энг азиз ҳайвон қайси?

Ахура Мазда жавоб берди:

— Энг азиз ҳайвон паридор²дир! Чунки у тонг отишидан хабардор қилади. Энг азиз ҳайвон ҳисобланади, чунки у сизларни кўчманчи туронликлардан кўриқлайди!

— Эй, дунёни яратган Ахура Мазда, дардга дучор қилувчи нима?

Ахура Мазда жавоб берди:

— Дунёга дард берувчи Ахриман³ яратган девлар, наслар, инсу жинслардир. Дунёни гамга тўлдирувчи совуқ, касаллик, зулмат, кўчманчилик бўлади.

— Жумлаи жаҳонни яратган Ахура Мазда, муқаллас Зардуштийни, ёруғни, сувни, оловни, тупроқни, ҳавони, мевали дарахтни, аёлни, йўл чорраҳасини, куч-қувватни тавоф қиламан, чунки улар сеники. Эй дунёни бор қилган...”

Шу ерда Кабусей Жайнизни тўхтатди.

— Болаларим, — деди, — Жамасб бу фикрларини Зардуштийнинг “Авесто” китобидан олган. Унинг зардуштий бўлганини айтгандим. Лекин “Авесто”нинг айрим фикрларига кўшилимагани учун улар ҳақида гапирмайди. Зардуштийлар яратилишда иккилик бўлганига ишонишади. Жамасб ҳам шунинг тарафдори. Фақат, Жамасб ақли етмайдиган ишларга аралашмайди. Дунёни жисмоний бир хилкат деб билади ва бахтиёр янаш йўлларини қидиради.

“Муғ”⁴ ёки атирван⁵ларнинг “Авесто”га илова қилган кўплаб тасвирларга унчалик эътибор бермайди. Юртдан чиқиб кетишининг боиси ҳам шунда. Жамасбнинг

¹ Ахура Мазда — зардуштийларда ёруғлик илоҳи.

² Паридор — хўроз.

³ Ахриман — қоронғулик илоҳи.

⁴ Муғ — Муғон, жой ва қабила номи.

⁵ Атирван — ўтоғаси, оташқада.

ўтоғаларига қарши ёзган эътирозларидан воз кечишга тўғри келади — улар жуда ҳам узун, ҳамда ҳаётингизга алоқаси йўқ. Ёзувларнинг муҳими Жамасбнинг таржимаи ҳолига доир жойлари. Шу жойини ўқиймиз.

Кабусей гишталарни бирма-бир кўздан кечираркан, бир қисмини четга олиб қўйди. Ерда қолганларини ажратиб Жайнизга деди:

— Шу ердан бошла!

2

Жайниз ўқий бошлади.

“— Отам Муғондан келган атирвон эди. Болалигидаёқ Муғон оташкадасида хизмат қилиб, ўша ерда илм ҳам олган экан.

“Авесто” қироатида маҳорат кўрсатгани учун таҳсилининг интиҳосини бош мўъбид¹ ўз зиммасига олган эди. Кейин диний маросимлар ўтказишига ижозат берилганди. Беш йил шу соҳада ишлаганидан кейин Сурағхона оташкадасида бош мўъбидликка тайинланади. Ниҳоят, Жаза²даги Отиргушасб маъбади раҳбарлигига тайинланиб, етти йил ўша ерда қолиб кетади. Синглисига уйланиб, бир ўғил ва бир қиз кўради. Жазанинг иқлимига кўниқолмай, безгакка чалинади. Ҳамадон³нинг бош мўъбиди бу хабарни эшитиб, уни Ҳамадонга чақиради.

Отам бу ерга келганидан сўнг мен туғилган эканман.

Руҳоний вазифини ирсий бўлгани учун мен ҳам аввалига отам йўлидан бордим. Болалигимдан оташкадага кириб, хизмат қила бошладим. Ўтхоналарнинг кулини тозалар, ўтин ташир ва маъбадни супуриб-сидирардим. Бошда “Зенд”ни⁴ ўқий бошладим. Қироатимни отам жуда ёқтирарди. Лойдан қорилган ҳўл лавҳалар устига ёзувлар ҳам битардим.

Ёшим еттига тўлди. Содиқлик маросимида синовдан ўтишим керак эди. Эрта-лаб мени дарров оқ кийим кийгизиб оташкадага олиб боришди. У ерга мендан бошқа бир неча оқ кийимли болаларни ҳам олиб келишганди. Ҳаммамизни бир жойга тўплашди. Олд томонда Шиз исмли атирван бошчилигида маъбадга кирдик. Шиз бўйни узун, қилтирқ ва рангпар одам эди. Шаҳдам одимлаб борарди.

Оташгоҳ ловуллаб ёнарди. Мўъбид юзининг ярмини паитидана⁵ билан беркитиб олганди. Бир томонида арвич деб аталувчи тош устида гўшт, мева, палов, сут, олов учун тайёрланган хилма-хил атир-упалар ва ўтин, хома деган дарахт шохи, дархона⁶ бор эди. Иккинчи томонда эса таёқ ва бир даста хивич боғлами турарди. Ён томонда ранг-баранг идишлар тахлаб қўйилганди.

Оташгоҳга яқинлашдик. Олдинда бораётган атирван бизларни олов атрофида ярим доира шаклида сафлади. Барчамиз жим турганча мўъбидни кузатардик. Мўъбид эса баланд овозда: “Жуда соз, жуда яхши, азамат ва ҳашаматли, ёруғ маъбуд бўлган Ахура Мазда шарафига...” деб дуони бошлади. Дуо жуда чўзилиб кетди. Тинглайвериб чарчадик. Мўъбид гапирган сайин оғзигача беркитиб турган паитидана тебраниб кулгимизни қистатарди. Раҳбаримиз Шиз бўлса кўзини олайтириб, бизларни жиддий бўлишга, тартибга чақирарди. Ибодатни тамомлаб, арвич тошининг устида турган гўшт, сут, меваларни, оловга аталган атир ва ўтинларни дуо қилди. Хома дарахти шохини ва ширасини ҳам шуларга қўшди. Шундан кейин паитиданани юзидан бир четга суриб, гўштан бир парчасини оғзига солди. Барча атирванларни ҳам тақлиф қилди, ейишга киришишди. Шиз кўзи сонини оғзига олиб бориб, шартта тишлади. Овқатланишаётганда ҳеч ким болаларни эсламади. Оғзимиздан сўлагимиз оқа бошлади. Болалардан биттаси Шизнинг баридан тортиб, гўшт сўради. Шизнинг жаҳли чиқди-ю, ғажиб бўлган суяклардан бирини менга, яна бирини унинг этагидан тортган болага узатди. Олдик. Мен теваракка кўз югуртириб, суякни оташгоҳнинг тагига улоқтирдим. Шиз буни кўриб бадтар ғазабланди. Гўштан кейин мевага гал келди. Атирванлар мевани тез-тез еб, яна қўл чўзишарди. Шизнинг ёнида-

¹ Мўъбид — руҳоний.

² Жаза — Ганжанинг эски номи.

³ Ҳамадон — Мидиянинг пойтахти.

⁴ “Зенд” — “Авесто”нинг шарҳи.

⁵ Паитидана — ибодат пайти юзни ёпадиган мато.

⁶ Дархона — маъбадда тайёрланган нон.

ги бола яна унинг баридан тортди. Шиз уни итариб ташлаб, қўлига олма қоқидан битгасини тутқазди. Менга олайиб қараб қўйди. Мен қошларимни чимирдим. Раҳбаримиздан шу қадар нафратландимки, маросимнинг тугагини сабрсизлик билан кутардим.

Афсуски, арвич устига қўйилган ноз-неъматларни еб битирмагунча маросимни давом эттиришмади. Ниҳоят, овқатланиб бўлишди. Мўъбид паитиданасини яна юзига тортиб ибодатни бошлади. Энди ҳома маросими ўтказилиши керак эди. Мўъбиднинг ўнг томонидаги атирван ҳомани тўққиз тешikli сузгичдан ўтказиб ширасини бир косага қўйди. Кейин косани оташгоҳ олдида ўтирган мўъбидга узатди. Мўъбид ўрнидан туриб, косани баланд кўтарди ва дуо ўқишга киришди.

Маросим тугаши билан раҳбаримиз Шиз ҳар биримизнинг белимизга кости деб номланувчи қайиш боғлаб чиқди: Шунда белимиз зардуштийга боғланар экан. Мўъбид узундан-узоқ насиҳатлар қилди ва бизларни руҳоний раҳбаримиз бўлган Шиз ихтиёрига топширди. Ўн беш ёшга тўлгунга қадар бу одам бизларни содиқ зардуштийлар қилиб тарбиялаши керак экан. Ҳолбуки, у қўлларини оч бўридай қўзи сонига чўзганидан бери Шиздан қўнглим совиган эди.

3

Ой тугилган йили қишнинг сўнги ойида онам вафот этди. Унинг майитини даҳмага олиб боришди. Даҳманинг тўрт томони баланд девор билан ўраб олинган эди. Болаларни ичкари қўйишмасди. Атирванлар орасидан яшириниб, ичкарига кирдим ва уста-уст тахлаб ташланган суюқлар орқасига беркиндим. Деворларнинг усти бургут, қузгун, ғажир¹ сингари йиртқич қушлар билан тўла эди. Онамнинг майитини олиб келиб, ёланғоч ҳолда бир тош супа устига қўйиб кетишди. Теваракдан юзлаб паррандалар ёпирилиб жасадни тита бошлашди. Тулаган қари бир ғажир онамнинг кўзларини чўқиган пайти чидай олмай, чинқириб юбордим. Даҳманинг эшиги очилди. Қоровул бошини ичкари суқиб, қўрқув билан ҳаммаёққа аланглаб чиқди. Кейин мени кўриб, ҳайрон бўлди.

Қоровул ғойиб бўлди, сўнг бир атирван билан кириб мени судраб кетишди. Онам аҳволини эслаб ҳушдан кетдим. Кўзимни очсам тепамда Шиз турибди. Қўрқувдан кўзларини жовдиратиб турган раҳбарим ўзимга келганимни сезгач, қулоғимга ёпишди:

— Даҳмага болаларнинг кириши мумкин эмаслигини билмайсанми?

Индамадим.

Ўзимга бир-икки шапалоқ тортди. Мен ҳам биқинига бир мушт туширдиму қўлидан чиқиб қочдим.

Эртаси куни оташкадага бормадим, даҳманинг атрофини айланиб йиғладим. Кечкурун отам мени ёнига чақириб, паст товушда насиҳат қилди:

— Ўғлим, ўлим Аҳриманнинг иши. Агар биз ўлим олдида ожизлик қилсак, девлар севинади. Матонатли бўл. Девларни ғазаблантириш учун ўзингни хурсанд қилиб кўрсат. Онангнинг руҳи уч кунгача ҳимоясиз қолади. Уч кундан кейин муҳокама қилиниб, қуёш ҳимоясига топширилади. Дастлабки уч кун ичида девлар ҳимоясизликдан фойдаланиб, бечора онанг руҳини ўғирлаш пайида бўлишади. Девларни даф қилмоқ учун онанг ювинтирилган жойда олов ёқишинг керак. Шунда девлар келмайди. Чунки оловдан қўрқишади. Шундай қилиш йиғлашдан кўра анча фойдалироқдир.

Опам Жиндугт билан ғусл жойига бориб, ўт ёқдик ва эрталабгача оловнинг ўчишига йўл қўймадик.

Жиндугтнинг кайфияти йўқ эди. Онамизнинг ўлимидан бошқа яна бир дард уни қийнаётгани кўриниб турарди. Кўзларини ловуллаб ёнаётган оловга тикканича ҳаёлга толганди. Кўзларида ёш милтилларди.

Иккаламиз ўчоқ ёнидаги тошда ўтирдик. Унинг аҳволини кўриб, ўз дардимни эсдан чиқардим. Гўё уйқудан уйғонгандек эдим. Жиндугтнинг изтироблари менда катта ташвиш уйғотди. Паст овозда:

— Жиндугт, — дедим, — умумий дардимиздан бошқа, сенда ҳам дарду алам борлигини сезяпман. Зардушт ҳақи, гапир, нима бўлди?

¹ Ғажир — ўлаксахўр қуш.

Жиндугт бошини кўтариб, ҳайрат билан кўзларимга тикилди-ю, ерга қаради. Алам билан йиғлай бошлади. Ўрнимдан туриб кўз ёшларини артишга уриндим. Бошини елкамга қўйиб жим қолди. Бир оз ўтгач, яна сўрадим:

— Жиндугт, — дедим, — мен укангман. Дардингни менга айтмай, кимга айтасан?!

Жиндугт уҳ тортди, кўкси бир кўтарилиб тушиди. Паст товущда:

— Дардим оғир, эҳтимол, чораси ҳам топилмас! — деди.

— Чорасиз дард бўладими?

— Кўряпсан-ку, бўларкан. — Гапини тамомлаб юзимга қаради. Қарашидан дардини тушунгандай бўлдим:

— Отамиз уйланмоқчимиз? — сўрадим шошиб.

Жиндугт жавоб ўрнига йиғлаб юборди. Мен ўйланиб қолдим. Зардушт қонунига кўра, бева эркекнинг ўз синглиси ёки қизига уйланиши савоб ҳисобланарди. Қонунга биноан Жиндугт отамга хотин бўлиши керак эди...

Роса ўйладим. Аввалига Зардушт аҳкомлари қалин девор бўлиб фикримни тўсди; чиқиб кетадиган йўл топа олмадим. Ғазабландим, роса жаҳлим чиқди ва ўн тўрт яшар болакай сифатида ожизлигимни сезиб, алам қилди. Бир-биримизга қисилиб эрталабгача, олов олдида ўтириб чиқдик. Хўроз қичқириви бизларни ўзимизга келтирди, туриб уйга жўнадик.

4

Акам Эйзадасб вилоят оташкадаларидан бирида мўъбид эди. Бир куни Ҳамалонга келди. Унинг уйланиш мақсадида бу ерга келганини кейин билдим. У ҳам Жиндугтни назарда тутган экан. Жиндугт бундан хабардор эди. Чунки акам унга таклифини айтганда рад жавобини олганди. Буларнинг ҳаммасидан мени огоҳ этган Жиндугт қатъий оҳангда деди:

— На отамга, на акамга турмушга чиқмайман, нима бўлса бўлсин!

Мен жавоб ва маслаҳатдан ожиз эдим. Қонуннинг муқаддаслигига ишонар ва уни бузишга йўл тополмадим. Жиндугт эса бошқача ўйларди — қонунга унча эътибор қилмасди, маросимларда ҳам қатнашмасди, урф-одатларга кўп ҳам ишонавермасди. Буни отам яхши билар ва кейинги пайтларда унга қонунни тушунтириш учун кўп уринарди — “Зенд” ва “Авесто”нинг айрим жойларини ўқиб, шарҳлаб берарди. Қонунга бўйсунмаганларни жаҳолатга айблаб даҳшатли ҳикоялар билан исботлашга ҳаракат қиларди. Бир куни Вендидотни¹ очди, ўқий бошлади: ... Муқаддас қонунга кўра содиқлар руҳининг тавсияси учун ёстиқ билан таъминланган шинам манзилгоҳни ким беради?

— Муқаддас қонунга кўра, буни содиқ кишиларга вужуди пок, ёш ва бокира қиз беради.

— Эй, дунёни яратган, бу ёш қиз ким бўлади?

Ахура Мазда жавоб берди:

— Бу қиз эркекнинг қизи ёки синглиси бўлиши керак. Ёши ўн бешдан ошган бокира қиз бўлмоғи лозим. Бу қиз бошдан-оёқ сарушага кўмилади. Бу қиз қонунга содиқ кишига эрга берилади.

Муқаддас қонунга кўра, бу қиз хайру эҳсонлар улашади; ўн тўртта кучукчани ўстиради; оқаетган сув устидан ўн тўртта кўприк солади;

Баданларини яра босган ўт етти итни даволаб, тузатади;

Ўн етти содиққа гўшт, нон, шарбат ва шароб улашади...

Отам “Авесто”ни ўқиган сари кўзлари ёниб, Жиндугтга қараб қўярди. Эйзадасб отамнинг эҳтиросли ҳаяжонидан жаҳли чиқиб ўзини қўйишга жой тополмасди.

Ниҳоят, унинг сабр косаси тўлди ва ўзини туютмай, деди:

— Ота, қонунни биламиз, тақрорлашга ҳожаг йўқ. Лекин қонун йўл қўйса ҳам сиз уйланишидан воз кечишингиз керак.

Акамнинг гаплари ўқ бўлиб отамнинг юрагига санчилди. Отам бўғилиб гапирди:

— Нима? Муқаддас қонунни таҳрир қилмоқчимисан? Шунақа мўъбидмисан? Муқаддас оташкадани шунақа бошқаряпсанми? Уят-е!

¹ Вендидот — “Авесто”нинг бир боби.

Акам отамизга нисбатан ҳурматни ҳам унутиб:

— Сизга уят! — деди. Қариб ўрнингиздан қимирлай олмаяпсизу, яна уйланмоқчи бўляпсиз.

“Қари” деган сўз отамни янада ғазаблантирди, ўзини йўқотиб:

— Учир овозингни, туроний, ифлос искит¹, — деб акамни таҳқирлади.

Ғазабдан иккаласининг ҳам кўзлари қонга тўлиб, бир-бирига ҳужумга ўтишди. Эйзадасб отамни уриб ерга йиқитди-да, тепкилай бошлади.

Биз Жиндугт билан бир чеккада туриб, бу можарони томоша қилардик. Нимагадир отамизга нисбатан қалбимизда нафрат кўзгалганди.

Охири Эйзадасб голиб чиққач, отамни ташлаб Жиндугтнинг қўлига ёпишди:

— Муқаддас қонунга кўра, сен меникисан! — деди.

Шу дамгача Эйзадасб шижоатидан ҳузурланиб турган Жиндугт қўлини акамнинг қўлида кўриб, сесканиб кетди, жирканиб йиғлаб юборди. Мен ҳам кўз ёшларимни тўхтатолмай, Жиндугтни қучоқлаб олдим. Акам мени муштлай кетди. Эйзадасб мендан ҳам шубҳаланиб шиддат билан саваларди. Мен ҳам масалани тушунтириб ўтирмай уни ура бошладим...”

5

Кабусей Жайнизни яна тўхтатди:

— Чарчадинг шекилли, — деди, — дам ол!

Болалар шу қадар қизиқиб қолишгандики, ҳеч ким жойидан қимирламасди. Афтидан аждодлар тарихини билиш истаги катта эҳтиёжга айланганди. Буни сезган Кабусей кулимсиради ва менга мурожаат қилди:

— Чопо, давомини сен ўқи,— деди. Олдинга чиқиб, қатор қилиб териб қўйилган икки ғишғни кўтариб ўқидим:

«Ўша тунги воқеадан кейин ҳаётимиз остин-устин бўлиб кетди. Бир неча кун уйга келмай маъбадда ётиб юрдим. Кундузлари эса даҳманинг атрофини айланиб Жиндугт билан биргаланиб йиғлардик. Бир сафар тўллаган гажирни кўриб қолдим. Девор устида ўтириб тумшугини тошга суркарди.

— Жиндугт, Жиндугт, — дея қушни опамга кўрсатдим, — қаранг, ойимнинг кўзларини ўйган шу қуш бўлади, — дедим.

Иккаламиз ҳам тош олиб, отдик.

Буни кўрган даҳма қоровули таёқ олиб бизларни қувиб юборди.

Шаҳарга қайтаётиб халдейлик² бир чолга дуч келдик. Қариянинг узун чопонига ямоқлар солинган, яллангбош, жингалак сочлари оқарган эди. Соқоли ўсиб, патак бўлиб кетганди. Кўзларига сурма тортган. Камарининг бир четига кади осиб олган. Кадининг ичида сув бор эди. Фолбин эканини билиб, олдига бордик.

— Салом, отажон,— дедик.

— Ваалейкум асалом,— деди-ю, қўлларини оғзига олиб бориб, кейин кўзлари устига теккизди.

— Фол кўрасизми? — дея сўрадик.

— Бир дирхам берсангиз, фол очаман, — деди қария.

Қария қаттиқ таёғини ерга тираб, афтини бужмайгириб ерга чўқди-да нолиб:

— Белим оғрийди, — деди, — Бобил нефтидан суртиб турибман, лекин фойдаси бўлмаяпти. Сузияклик бир табиб ёғ берганди, тугаб қолди. Ўша оғриқни бир оз қолдирганди.

Ўз дардини айтиб бўлгач, қария чўнтагидан бир-икки ола-була мунчоқ олиб ерга ташлади, уларга қараб гапира кетди:

— Сизлар Уторид юлдузи остида туғилгансизлар, ҳамон ўша юлдуз ҳимоясида-сизлар. Қисматингиз ҳали тайин қилинмаган, лекин негадир ёруғ кўринмаяпти. Қон аралашуви кутиммоқда. Фалокат бўладиганга ўхшайди. Йўл кўринаяпти. Маскан алмаштирилади. Хайрли бир қуш раҳбар бўлади...

Чол гапларини тугатиб пурмаъно кўзларини бизга тикди. Бериладиган саволларимиз кўп эди-ю, ҳеч қайсимиз сўрашга журъат қилолмадик. Индамай туриб жўнаб қолдик.

¹ Искиит — скиф (искифлар).

² Халдей — милоддан аввалги VII асрда янги Бобил давлатини тузган қабила, халдейлар.

Оташқаланинг ёнидан ўтаётиб Шизга дуч келдик. У дўқ билан:

— Маъбадга нега келмаяпсизлар, — деб сўради.

— Энди бошқа бормаيمان, — дедим.

Гапларимга ишонмагандай у бир лаҳза афтимга қараб турди. Кейин кулоғимдан чўзиб, судрай кетди.

Жиндугт йиғлаганича маъбуднинг эшигида қолди. Уни ичкари қўйишмади. Шиз мени ҳовлига олиб кириб етти сигир оғилидаги зиндонга ташлади ва эшикни ёпиб, қулфлаб қўйди.

Бу ер чанг-тупроқ жой эди. Бунинг устига деразаси ҳам йўқ. Атрофга разм солдим. Кўзларим ҳеч нарсани кўрмасди. Бир оздан кейин кўзим қоронғуликка ўргана бошлади. Бурчакда бир қафас бор экан. Устига ўтириб ўйга толдим. Бўлган воқеаларни эслашга уриндим. Бўлмади. Ночор аҳволда эдим. Дунё мен учун азобдан бошқа нарса эмасди. Жиндугт ва онамдан бўлак ҳамма нарсага қалбимда чуқур нафрат уйғонганди. Зардушт ва Ахура Маздага ҳам меҳрим совий бошлаганди. Кечани ўша жойда кўрқув билан ўтказдим. Девлар даҳшатидан роса йиғладим. Ниҳоят, уйқу кўрқувдан устун келди...

Сувсиз ва дов-дарахтсиз бир сахрога уруғ тушиб ниҳол бўлди, гуллади, барг ёзди, атрофга соя солди. Булоқлар қайнаб, атрофга салқин ҳаво уфурди. Шалдираб оқаётган ариқлар бўйида дастурхон ёзиб, барча кўзи ёшли болаларни шу ерга тўплашди. Мен ҳам ўшалар ичида эдим. Жиндугтни қидирдим. Тополмадим. Роса хафа бўлдим. Бирдан осмондаги оқ булут портлади, ичидан ичкўйлақда Жиндугт чиқди. У кабутарга ўхшаб қанот қоқиб учаркан, кўзи менга тушди. Севинганидан йиғлаб юборди. Кўз ёшлари ёмғир мисоли томчилаб саҳрони ҳўл қилди. Сахро кўкариб, гулларга бурканди. Ҳаммамиз ўрнимиздан туриб, бор овоз-ла қичқирдик.

— Жумла жаҳонни яратган, пок бўл!

Товушимдан уйғониб кетдим. Эшик тирқишидан зиндонга нур тушиб турарди. Ўрнимдан туриб ўзимга ишонқирамай эшикка яқин бордим. Ташқарида наридан-бери юриб туришарди. Бир маҳал Шиз кўринди, отирванлардан биттасига калит бериб, нималардир деди. Атирвон келиб эшикни очди-да, бирор гап айтмай мени ташқарига чиқарди.

6

«Уйга борсам, — деб ўйладим. Уй тунаб қолганим зиндондан ҳам оғир туюларди менга. Лекин Жиндугтни кўриш истаги мени уйга етаклади. Уйга жўнадим. Жиндугт эшик олдида ўнг қўлини иягига тираганча ўтирарди. Мени кўриб суюниб кетди, бироқ юзидаги изгиб сезилиб турарди. Ёнига чўккаладим.

— Яна нима бўлди? — деб сўрадим. Бир оз ўйланиб турди-да, кейин:

— Кеча кечқурун бош мўъбид отам билан Эйзадасбни хузурита чақирганди. — деди. Уларни яраштиришибди.

— Кейин-чи?

— Кейин мени Эйзадасбга ваъда қилишибди.

Жиндугт гапини тугатар-тугатмас йиғлаб юборди.

— Кейин-чи?

— Кейин нима бўларди — бу кеча акамга хотин бўлишим керак.

Бу ишда одатдан ташқари ҳеч нарса бўлмаса ҳам менга жуда оғир ботди. Жиндугт берган хабар найза каби баданимни тешиб ўтгандай бўлди. Ўйлаб ўйимга етолмасдим. Охири Эйзадасб Жиндугт билан вилоятга жўнаб кетгунча даҳма девори ёнига бориб, онам суяклари ёнида ётишга қарор қилдим.

Опам билан йиғлай-йиғлай ажралишдик.

Эрталаб шовқин-сурондан уйғониб кетдим. Даҳмага майит олиб келишганди. Атирванлар орасида отамни ва Эйзадасбни ҳам кўрдим. Мени кўргач, хўнграб йиғлаб юборишди. Юрагимни аччиқ қайғу ўртади. Зиндондаги тушимни эсладим. Индамай олға интилдим — Жиндугтнинг жаназаси ўқилмоқчи экан. Пешонасининг бир томонига қон сачраганди. Юмуқ кўзларида аччиқ соғинч қоғиб қолгандай...

Кўшнимиздан сўраган эдим, воқеани қисқагина қилиб тушунтирди: Кечаси Эйзадасбни уйда қолдириб ташқари чиққан экан, кутишибди, келмабди. Эрталаб

барвақт жасадини Самирамис¹ қалъаси тагидан топишибди. Тепага чиқиб, ўзини ўша ердан ташлабди...

Ўзимни чеккага олдим. Кейин чанг кўча бўйлаб чопдим.

Шаҳар дарвозаси олдида бир шер ҳайкали бор эди. Бу Ҳамадоннинг ҳимоячиси. Унинг устига чиқиб шаҳар саройларига, оташкадаларига, гулзорларига, боғларига сўнгги бор алам билан қараб чиқдим. Шу аснода ҳайкалнинг орқа томонида бир хўрозга кўзим тушди. Чиройли, оппоқ хўроз эди. Уни таниб қолиб ҳайратландим. Бу Жиндугтнинг хўрози эди, уч кун бурун йўқолиб қолганди.

Югуриб хўрознинг олдига бордим, у ҳам хуркмай-нетмай ёнимга келди. Бағримга босдим. Биргаллашиб йўлга тушдик...»

— Бўлди, бас! — деди Кабусей.

Ғиштларни кўйиб чеккага чиқдим.

— Тафсилотига тўхталиб ўтирмаймиз, — деди Кабусей. — Аждодимиз Мидияни тарк этиб, Урарту ўлкасига боради. Уни ушлаб олишиб, қул қилиб бозорда сотишади. Уни мулкдор сотиб олиб уйига етақлайди. Унинг гўзал бир қизи бор экан. Жамасб билан қиз бир-бирини севиб қолишади. Бунни сезиб қолган мулкдор уларнинг турмуш қуришига рози бўлмайди. Кейин қизининг оху зорини эътиборга олиб, Жамасбга шундай бир шарт қўяди: «Етти йил ҳалол хизмат қилсанг, қизимни сенга бераман». Жамасб рози бўлади. Сидқидилдан хизмат қила бошлайди. Тўртинчи йили мулкдор вафот этади. Жамасб қизга уйланади, шу пайт Каподося Урарту ўлкасига ҳужум бошлайди. Бу ҳам етмагандай, мамлакат ичкарасида тартибсизликлар бошланиб кетади. Яшаш шароити ёмонлашгани учун Жамасб оиласи ва қариндошларини олиб Аран ўлкасига кўчиб ўтади. Бу ерда у янги қабила тузади. Ҳар тарафдан қочиб келаётганлар учун бу қабила ўрناق бўлади. Аста-секин теварак-атрофда янги қабилалар пайдо бўлади. Қабиламизнинг номи эса Жиндугт хўрозидан ёлғор бўлиб қолган.

Шундай қилиб, сўнгги дарсимиз шу!

Шунчалар меҳнат эвазига вужудга келган қабилани севишингиз, унинг урф-одатлари ва қонунларини ҳурмат қилишингиз керак!

Ҳаётингиз бахтиёр бўлсин, муаллимингиз эса сизга қараб фахр этсин!

Оғайниларимиз шунчалик ийиб кетишдики, кўплари йиғлаб юборишди. Бирма-бир келиб устозимиз қўлини ўпдик.

7

Иккинчи дарс ҳаёт қонунлари эди. Муаллим Хонбурабининг ёнига бордик. Қария бизларни кўз ёшлари билан қаршилади. Бизларни кўргач:

— Айриламиз, шундаймасми? — дедию яна йиғлади. Айрилиқ, бу — ҳаётнинг асоси! Бундан хафа бўлиш керак эмас! Менинг кўз ёшларимга эътибор берманглар, бу кексалик аломати, — деди кулимсираб.

Хонбураби кўзларини артиб, матонатли бир тарзда дарсни бошлади.

— Авлодларим, — деди у, — ҳаёт қонунлари жуда содда — яшаш, тўқ ва саломат яшаш, турмушнинг жафосини камайтириб, сафосини кўпайтириш, ҳаётнинг мақсади мана шу содда амаллардан иборат. Ҳолбуки, шу содда талабларни ҳам одамзот мумкин қадар мураккаблаштириб, қум саҳросида адашиб қолгандай шошиб бораёттир. Инсон ҳаёти, ҳайвон ҳаёти, ўсимлик ҳаёти... Ҳаммаси бир-бирига ўхшайди. Бир дона япроқнинг бутуқдан узилиб тушиши, битта гулнинг сўлиши, бир жониворнинг нобуд бўлиши ва бир инсоннинг ўлиши айни бир хил маънога эга. Ҳаётдан маҳрум бўлиш азалий ва абадийдир, ўлган қайта тирилмайди. Тирилган айни жисм эмас, бошқасидир. Ҳаёт боқий, фақат шакли ўзгаради. Бир ўт сарғайиб сўлади, ўрнида бошқаси кўкаради. Одам ўлади, бошқаси туғилади...

Ҳаёт доимо тирик ва моддий кучдир. Модда ва ҳаёт бир-биридан ажралмайди, моддадан ташқари ҳаёт бўлмайди. Яшашнинг ўзи ягона мақсад. Унинг бошқа мақсади йўқ.

Яратилган ҳар бир жон яшаш керак, лекин яшаш шахсий эмас, ижтимоий бўлиши лозим. Шахс яшаркан, жамият ичида бўлади ва шахс эмас, балки жамият

¹ Самирамис — Ҳамадон ҳукмдори бўлган аёл.

фойдасига меҳнат қилиб яшайди. Чунки жамият умумий, шахс эса хусусийдир. Жамият шахслардан кучли... Одамлар ҳаётнинг содда мақсадини мураккаблаштиради, дедим. Тўғри йўлни қўйиб, айланма йўллارни ахтаришади. Бундай қилганлар оддий одамлар эмас, ақлли, закий инсонлардир. Эҳромлар, ҳашаматли саройлар, нафис санъатни яратган мисрликлар минг турли ғайри-моддий нарсаларга ишонадилар. Инсоннинг янгидан айни тарзда тирилишига эътиқод қиладилар. Гўё ҳар бир инсоннинг ўхшаши, эгизаги бор эмиш... Одамлар ожизликлари туфайли мавжум кучлардан мўъжизалар кутадилар. Ҳолбуки беш ҳиссиёт воситаси билан сезилган моддадан бошқаси ғайри-моддий ва ғайри-мавжуддир. Инсон ҳам бир жонзот, уни яшашга ундовчи омилларга кўп нарса боғлиқдир. Емоқ, ичмоқ, ухламоқ сингари. Яхши емоқ учун яхши ишламоқ, тоза сув ичмоқ учун яхши булоқ ахтармоқ, ёхуд ёмон сувни тиндирмоқ, уй қуриш учун эса шижоат кўрсатмоқ керак бўлади... Хуллас, ҳар бир эҳтиёжни даф этмоқ учун яна кўплаб эҳтиёжларга дуч келинади. Меҳнат шижоат, ҳйла, ёзув-чизув...

Ҳақиқат ана шунақа! Ҳақиқатнинг нариги томони бўш ҳаёл, яъни ғайри-мавжуддир. Ҳаёт мавжудиёт, борлиқ маҳсули. Ҳаёт шароити мавжудиётни вужудга келтиради. Яшаш йўлини ҳам мавжудиёт тақозо этади... Шунақа!

Йўқ, мавжудиёт муваққат эмиш, унинг ҳам абадий бир инъикоси бўлармиш... Бунақанги ботил фикрлар келгиндиларнинг уйдирмаси, холос. Сомлар ва эллинлар носоглом тасаввуридан туғилган афсона бу. Биз ушбу фаровон қабиламизни вужудга келтириб, масъуд яшашимиз учун пойдевор қураётганимизда абадий инъикос мадад бермади. Ундан фойдаланишни лозим ҳам топмадик...

Хонбурани маърузаси сўнгида жамиятга содиқ бўлишимизни васият қилиб, пешонамиздан ўпиб чиқди. Биз ҳам унинг қўлидан ўпиб хайрлашдик.

8

Эртаси куни саҳар палла жарчининг қўнғироқдек товуши бизларни уйғотиб юборди.

Жарғи солар жар,
 Ёшларга хабар!
 Табибларнинг энг зўри,
 Касалликларнинг шўри —
 Халдейлик Амилмардуг
 Сизларни чорлар:
 Умиди борлар,

Ҳей, ёш йигитлар,
 Тезроқ турунглар!
 Уйқу, алвидо!
 Тонга ассалом!
 Халдейлик Амилмардуг
 Сизларни чорлар:
 Жарчи жар солар...

Ўрнимдан турдим, севинчимнинг чеки йўқ эди. Аста-секин яқин орада юз берадиган воқеаларни ҳис қила бошладим. «Хўроз» қабиласи одатига кўра; ёшлар ҳақим-табиб томонидан кўриқдан ўтказилиб, уйланишига ижозат берилади. Кейин «Кўчқор» қабиласига қаллиқ ахтаришга боришади. Қанчалар буюк мақсад! Баҳорий уйғонилар орасида ёшларнинг ҳам баҳори бошланаётир.

Ҳар қадамда мени қидириб юрадиган онам ҳам мен билан бирга севинарди. Уйдан чиқаётганимда кучоқлаб бағрига босди. Юзимдан ўпаркан: «Бахтли бўл, боллам!» деди. Онаминг бошини силаб, чорбоққа чопдим. Ҳар бир уйдан қувонч саси келарди. Бир-биримизга овоз бериб, йиғилиб, Мазда майдонида бордик. Бир пайт дарахтлар орасидан Амилмардугнинг семиз гавдаси кўринди. Бизларга таъзим қилди, бизлар ҳам таъзим бажо келтириб атрофини ўраб олдик. Ҳазил-мутойиба, латиғалар бошланди. Амилмардуг жуда ҳазилкаш, латиғагўй одам эди. Ҳар фикрни мисоллар билан тушунтирарди.

Ёшларнинг ҳаммаси йиғилиб бўлгач, бизларни бир сафга тизиб, кўздан кечирди. Барчамиз соғлом вужудли, куч-қувватга тўла, мускулдор эдик, фақат оғайнилари-римиздан биттаси қишда касалга чалингани учун анча нимжон эди. Амилмардуг уни бизлардан ажратиб, четга чиқарди, кейин бизларни югуртириб томиримизни ушлаб кўрди. Ҳаммамизнинг соғлиғимиз яхшилигидан мамнун бўлди. Нимжон жўрамиз бир чеккада маънос туриб, бизларни кузагарди. Амилмардуг унинг юрак уришини, тилини текшириб кўрди.

— Бу баҳор «Кўчқор» қабиласига боролмайсан. Сиҳатинг яхшилангач, эндиги баҳор борасан, — деди.

Нимжон кўнмай:

— Бир югуриб кўрай, юрагимни текширинг, — деб ҳоқимдан илтимос қилди.

Амилмардуг бир оз юмшаб:

— Қани, югуриб кўр-чи, — деди.

Нимжон жўрамиз бир югуриб, айланиб келди-да, ҳакамнинг олдида тўхтади. Ранги оқарган, юраги шиддат билан тепарди.

Амилмардуг:

— Вой-бўй! «Кўчқор» бунақа юракка қиз бермайди, — деди ҳазиломуз.

Нимжон яна рози бўлмади:

— Яна бир чопай, тагин кўринг, — деди. Амилмардуг бир ҳикоят сўзлади.

— Персополис¹ шаҳрида машҳур бир тикувчи бор эди. У кийим тикишдан олдин матодан уриб қоларди. Бир киши бунни эшитиб қолиб, мато сотиб олди-да, чеварнинг ҳузурига борди. Тикувчи матони пештахта устига ёйди-да, қўлига қайчи олди ва ... кўшиқ айта бошлади. Кўшиқ мижозга жуда ёқиб қолди, мириқиб тинглади. Бу аснода тикувчи матодан бир озини кесиб олиб пештахтанинг тагига ташлади.

Мижоз илтимос қилди:

— Жон чевар, яна битта кўшиқ айтинг...

Чевар жавоб қилди:

— Яна битта кўшиқ айтадиган бўлсам, бу матойинг бир кийимликка етмайди.

Ҳаммамиз кулиб юбордик. Нимжон бизлардан ҳам кўп кулди. Яна бир марта чопиб келадиган бўлса, юрагининг кучи етмаслигини сезиб истагидан воз кечди.

9

Ҳаким кўригидан сўнг Жамасб қабрини зиёрат қилиш одат эди. Машшоқлар келишди. Ҳар биримиз бир дастадан гул тайёрладик. Нон-намак, бир оз шароб, бир халтачадан дон ҳам олгандик. Жиндугтни хотирлаш учун Жамасб қабри ёнида анчагина оқ хўрозлар сақланаётганди. Зиёратга келувчилар хўрозларга ҳам дон-дун олиб келишарди.

Қабр гулларга бурканган бир боғда эди. Мозор сандиқ шаклидаги бир тошдан иборат бўлиб, ўтнинг атрофига Жамасб ҳаётига оид воқеалар тасвирланган, тош лавҳалар устида хўроз тасвири акс этганди. Қабрнинг ўнг томонида мангу олов ёниб турарди. Олов доимий кузатувчилар назоратида эди.

Келар-келмас қилган дастлабки ишимиз хўрозларга дон бериш бўлди. Кейин гулчамбарларни қабр атрофига тизиб, қўлга-қўл берганча доира ясадик-да, кўшиқ айтиб, мозор атрофида айлана бошладик:

Жамасбни ёд этдик,
Хўрозларни шод этдик.
Улар бизни англашди,
Қанот қоқиб бонглашди².
Кувёш каби нур сочиб,
Жамасбдан сўз очиб,
Хотирлашди Жиндугтни
Қуққулу-қу, қуққулу-қу!
Самирамис қалъаси —
Ёш қизларнинг балоси,
Сирлар ўчоғидир бу —
Қуққулу-қу, қуққулу-қу!

Жамасбни қилдик ёд,
Хўрозлар ҳам бўлди шод.
Яйраб қанот қоқишди,
Дилга завқ бўп оқишди.
Нурларга салом бўлғай,
Жамасбга кўп салом!
Жиндугтга салом бўлғай,
Ҳам ёшларга ассалом!
Қабила обод бўлсин:
Бу юрт нурларга тўлсин!
Оловга салом мангу —
Қуққулу-қу, қуққулу-қу!

Давра кўшиғини тугатгандан сўнг Жамасб қабрига таъзим бажо келтириб, четга чиқдик. Улкан ёнғоқ дарахти тагида ўтириб, тамадди қилдик. Пиёлаларга май қуйилди. Оғайниларимиздан бири ўрнидан туриб, шундай таклиф киритди:

¹ Персополис — қадимги Форс пойтахти, Истахр.

² Бонглашди — қичқиритди.

— Устоздан бир илтимосимиз бор, — деди, — май, шароб ҳақида мулоҳазаларини айтсалар...

Амилмардуг:

— Ҳай-ҳай! Мен ҳам жон деб тинглардим, — дея қаҳ-қаҳ урди. Кабусей Хонбурабининг юзига қараб ўрнидан турди.

— Болаларим, — деди, — қабиламизда турли-туман халқларга мансуб ва турли ўлкалардан келган одамлар бор. Буларнинг ҳеч қайси бири бу ерга келганда шаробга бегона эмасди. Афтидан, ўз юртларида бу энг мақбул ичкиликлардан бирига ўхшайди. Шаробнинг қаерда ва ким томондан ижод қилингани маълум эмас. Унинг номи қадим ривоятларда ҳам қайд қилинади. Ўйлашимча, шароб башариятнинг ўзи сингари қадимий. Демак, шароб инсон учун эҳтиёждир. Кайф ва нашъа қилиш, лаззатланиш инсон табиатига хос нарса. Фақат... — бу ерда муҳим бир «фақат» бор — кайф ва нашъа ҳаётнинг кичик бир қисмини эгаллаши керак. Доимий кайф одамни зериктиради. Ҳамадон саройидаги кайфу-сафоларга кайф деб бўлмайди. Бу бузиқилик ва айшу ишратдан бошқа нарса эмас. Кайф меҳнатни безаши керак. Ҳақиқий нашъа фақат меҳнатдан кейингина бўлади. Фақат шундай нашъагина моҳият ва лаззат эътибори билан ҳақиқий саналади. Шу нуқтаи назардан шароб азиз ҳамроҳ, дилбар бир севгили мисолидир. Яшасин шароб!

— Қўққулу-ку, — дея хўроз бўлиб қичқириб пиёлаларни лабларимизга теккиздик.

Бир оздан кейин Хонбураби ўрнидан турди:

— Болаларим, — дея гап бошлади, — инсон фақат беш ҳисса ортиқ ва маҳдуд ақлли маҳлуқдир. Унинг меҳнат қилиш иқтидорининг ҳам муайян доираси бўлади. Чарчаганида ҳам ана шу доирадан четга чиқолмайди.

Эҳтиёж оғирлигидан халос бўлиб, чуқурроқ ўйлашга имкон топса ҳам дунёга айнан шу мақсадда келганини билолмайди. Табиат яратган инсоннинг ожизлигини яхши билади (зотан, уни заиф ва идроксиз халқ қилиб яратмаганида холиқиға қарши бош кўтарарди). Уни муайян мақсадга йўналтириш лаззат туйғулари билан таъминлаган: емоқ лаззати, ичмоқ лаззати, хотин ва фарзанд лаззати... Инсон бадавийликдан юксалгани сари унинг лаззат турлари ҳам орта боради. Шароб-май лаззати ҳам инсоннинг юксалиш даврларининг бирида пайдо бўлгандир. Лекин майхўрлик юксалганлар учун эҳтиёж, юксалмаганлар учун эса заҳардир. Яшасин шароб аҳли!

— Қўққулу-ку! — дея қичқирдик бараварига. Навбат Амилмардукка келди. Ававалига бир оз ноз қилди. Гапиргиси келмади. Кейин:

— Болаларим, — деди, — мен ҳақимман; санъатим азалият мисол қоронғу. Бор билим ва тажрибаларимга қарамай, беморнинг мураккаб вужуди қаршисида ҳаминша ожизлигимни сезаман. Шароб олдида ҳам худди шундай ожизман. (Аммо — шароб беморми, мен бемор?) ... Пиёлада турганида сокинлигига ҳайрон қоласан, ошқозонга кирди дегунча бутунлай ўзгаради: одамни куддиради, йиғлатади, нашъа қилдиради, қайғуга солади, жасоратлантиради, эҳтиросингни кучайтиради, кўзларингни парда қоплайди... Хуллас, Май мен учун сир. Сизларга бир ҳикоят гапирай... Халдейлик бир таркидунё сархуш эллинга дуч келиб, насихат қила бошлайди.

— Шароб ичма, маст бўлма, холиқ бизни хушёрлик учун яратган, — депти.

Элтин кулиб:

— Ёлғон гапирма, — депти, — холиқнинг ҳам мен каби сархуш. Агар маст бўлмасайди, сенингдек аҳмоқни яратмасди...

Ҳамма кулди ва Амилмардуг шарафига қадаҳ кўтарди.

10

Қабиламизда икки бефарзанд аёл бор эди. Ҳар баҳор «Кўчқор» қабиласига борадиган ёшлар одатга кўра ана шу аёлларни зиёрат қилишарди.

Биз ҳам одатга амал қилишимиз шарт эди. Фарзандсиз аёлларга совғалар олиб боришарди. Биз ҳам хилма-хил мағизли нон, ичимликлар, долчин, қалампирмунчоқ, гулдасталар олиб бордик. Аввал кекса кампирниқига кирдик. Ёшлигида бир марта тўққан экан, лекин чақалоғи ногирон туғилгани учун оғзига ёстиқ босиб ўлдирганди. Мажрўҳ фарзанд онаси бўлишни ўзига эп кўрмаганди.

Аёлнинг бу ҳаракати, зотан, қабила одатига хилоф эмасди. Кўр, майиб, ногирон гўдаклар яшаш ҳуқуқидан маҳрум эдилар. Бу одат бизда жуда қадимдан сақланиб келади. Бундай одатга қарши бир неча бор эътирозлар ҳам билдирилганди. Шунинг учун қабила мажлиси масалани қайта-қайта муҳокама қилиб, одатни ўз ҳолича қолдиришга қарор қилганди. Эҳтимол, бу одат бундан кейин ҳам сақланиб қолар. Чунки ёшлар ҳам шунини ёқлашмоқда. Ишлаш қобилияти бўлмаган, ҳаёти азоб-уқубатда ўтадиган гўдакнинг ҳаётдан бутунлай маҳрум бўлгани афзал эмасми?

Мавзудан четга чиқдик, шекилли.

Фарзандсиз аёл келишимизни билиб янги кўйлак кийганди. Бизни хуш бир табассум билан қаршилади.

Салом бердик. Алик олди. Қўлларини ўпдик. У ҳам пешонамиздан ўпди. Эри ишда экан. Биз келган захоти уйдаги бор ашқол-дашқолини ташиб олиб чиқиб, ҳамма жойни супуриб-сидирдик. Нарсаларни қайта олиб кириб, жойлаштирдик. Олиб келган гулларимиз билан уйни безадик. Стол устига дастурхон ёзиб, озиқ-овқат ва ичимликларни қўйдик. Аёлни тўрға ўтқазиб, ўзимиз ўнг ва сўл томонида жойлашдик.

Жайниз ёшларнинг вакили сифатида:

— Марҳамат, ойижон, — деди, — одатга кўра фарзандларингиз «Кўчқор» қабиласига йўл олаятми, сиздан оқ фотиҳа сўраб келишди.

Бефарзанд аёл долчиндан озгина синдириб оғзига солди:

— Болаларим, — деди. — Сизлардан жудаям розиман. Эмган сутларингиз ҳалол бўлсин! Боринглар, уйланинглар, бахтли бўлинглар! Оқ йўл! «Хўроз» билан «Кўчқор»нинг қон-қардошлиги боқий бўлсин! Йигирма йилдан бери «Кўчқор» томонга кўплаб йигитларни жўнатдим. Уларга ҳам салом айтинглар! Хўроз билан дўст тутинишин! Еб-ичганимиздан кейин кампир тўшак устига чўзилди. Оёқ-қўлларини силадик. Ўчоққа қўйган сувимиз исиган экан, бошини ювиб, сочиқ билан артдик.

— Ойижон, — дедим, — яна қандай юмушингиз бор?

— Ўтиним ёрилмаган, болам, — деди. Барчамиз туриб кампирнинг ўтинини ёрдик ва ўчоғи ёнига тахладик.

Хуллас, фарзанд онага нима қилиши мумкин бўлса, ҳаммасини қилиб, бошқа аёлникига йўл олдик.

Бу аёл ҳеч туғмаганди. Ёши йигирма бешларда эди. Қора қош, киприклари найзадек, ўзи бўлагина. Бизларга уялиброқ пешвоз чиқди. «Она» деб саломлашдик. Юзи кулгандай бўлди. Қошлари чимирилиб, киприкларининг тагида ёш милтиллади. Ёшларга ҳасад қилаётгандек туюлди. Унинг ҳам ишларини қилиб, уйини тозаладик. Хайрлашаётиб: «Ойижон, фотиҳа беринг», — деганимизда ўзини тутолмай, йиғлаб юборди.

Одатга кўра, бефарзанд аёлларнинг эрларига ҳам қарашимиз керак эди. Ярим кун далада ишлаб бердик.

11

Ёшлар қабилани тарк этишаркан, ўзларидан кейин бирор ёдгорлик қолдириб кетишлари керак эди. Биздан олдинги ёшлар ариқ қазишган, қувур ўтқазиб, кўприк қуришганди. Қабиланинг ўнг томонидаги ўрмонни ҳам ўшалар бунёд этганди. Бизлар ҳам ўйлаб туриб, ўзимиздан бир боғ қолдиришга қарор қилдик. Қабиладан минг қадамча нарида тошлоқ ер бор эди. Ўша жойни тозаладик. Бир неча кунлик меҳнат эвазига юз ёғочли боғ барпо этдик. Қабила кенгаши вакиллари келиб боғни ҳимояларига олишди. Ўша кунини «табиатга тавоф» маросимини ўтказдик.

«Тавоф»га бутун қабила тўпланганди. Патнисда бир идишда сув, бир оз тупроқ ва ўтин олиб келишди. Ҳар ким тиз чўкиб патнисга таъзим қилди. Кейин кўшиқ айтиб, тупроқни олиб бориб мевали дарахтлар тағларига солишди. Ўтинлар текис жойда қаланиб, тагидан тутантириқ қўйиб, ёқилди. Сувни атрофга сеппиб чиқилди. Кейин бир-биримизнинг кўлимиздан ушлаб, доиралар ҳосил қилдик. Эркақлар, аёллар ва болалар гулхан теграсида айланиб, бир-бирларига жўр бўлиб куйлай бошлашди:

Ловуллагин оловжон,
 Гурлаб ёнгин, оловжон!
 Сирли, сийратли оташ —
 Салом сенга оловжон!
 Тупроғу сув, оловга,
 Ҳавою сув, оловга.
 Жонли, сонли оловга,
 Салом — бўлсин оловга!
 Қуққулу-қу, қуққулу-қу.
 Қу, қу, қу!

Ўйин тугаганидан сўнг ҳамма бараварига барларини кўтариб тугишди-да, уч маргадан хўроздек қичқиришиб боққа, экинзорга ёйилишди. Уларнинг ҳар бири етти марга еттитадан зарарли ҳашарот ўлдириши керак эди. Бир капалакни қувиб юриб Жайнига дуч келдим. Ҳамишагидай шикоятланди:

— Оғайни, — деди у, — бу одатлардан қачон қутуламиз? Подага ўхшатиб бизларни у ёқдан-бу ёққа ҳайдашгани-ҳайдашган. Жонга тегди-ку!

Мен кулдим.

— Нима ҳам дердим. Одатларимиз оғир, — дедим. — Лекин буларсиз ҳам бўлмайди-да. Атрофдаги халқлар турмушини Кабусей бизларга тушунтирди. Уларнинг ҳам жуда қийин олатлари бор. Бизнинг одатларимиз моддий оламдан ажралмаган ҳолда бажарилади. Уларники эса бутунлай бошқа. Улар асл ҳақиқатни моддий ҳаётдан ташқарида тасаввур қилишади. Бу мавҳум олам беш унсурга ўрин бермайди. Шу яхшими?

— Бу ҳам яхшимас. Кўриб, эшитмаганим, ҳис қилмаганим нарсаларга ишнолмайман. Аммо, ўз ҳаракатимизга тушуна олмаяпман. Нимагадир ёш ақлим фаҳмламапти.

— Сенда, афтидан, инқилоб туғилаётганга ўхшайди.

— Шундайку-я, лекин муайян бир тўхтамада эмас.

— Майли, кўрамиз. Лекин тажрибасизлигинг туфайли жамиятга зарар етказмада, ишқилиб.

Жайниг истехзо билан кулди:

— Ғалатисан, Чопо, — деди. — Сен тинч ҳаёт шайдосисан. Осойишталик бузилмасин, дейсан. Кекса устозлар таъсири сенда теран из қолдирибди. Фақат бир нарсани эсдан чиқараяпсан. Тарихимизни биласан, аммо қабила-қабила бўлиб яшашга ўтишимизнинг асл сабабларини тушунмаяпсан. Журъат қилиб шундай деяётганим учун узр. Кечирасан! Қабилаларга Бобил, Мидия, Қападося, Урарту, Форс, Халдей, Понт-Ўксин¹ соҳилларидан ҳам одамлар тўпланишган. Сабаби? — Маълум: у ерларда яшаш тарзи чидаб бўлмас ҳолга келган. Сарой истибдоди, уруш, бошбошдоқлик, хонлик-бекликлар, динни қалқон қилиб қон тўкишлар, кучлиларнинг очопатлиги халқни зор қақшатган. Ҳаёт оғирлашиб, ожизларни, эзилганларни, меҳнати мевасидан баҳраманд бўлолмаганларни қочинга мажбур қилган. Одамлар қочаётганида бор будидан, ҳатто соғлигидан ҳам ажралишган. Шунга қарамай, қочиб келишаверган ва бугунги ҳаётга ноил бўлишган...

— Жуда соз! Сенга яна нима керак? — дея унинг сўзини бўлдим.

— Дунёда битта қонун бор. — Ҳаёт кўҳна усулда тураверса, сувга ўхшаб сасийди. Ҳаётимиздан энди одатларнинг қўланса ҳиди кела бошлади. Олдини олиши керак!

— Бўпти, бўпти, — деб кулдим. «Кўчқор»га борайлик, кейин. Етти Хўроз маъбадини зиёрат қилганимиздан кейин «Хўроз» билан хайрлашамиз. «Кўчқор» қабила-сида қоладиган бўлганимиз учун ўша ҳақда ўйлайлик. «Кузғун» қабиласидан бу ерга уйлангани келадиган ёшлар эса бу ернинг ғамини ейишсин. Энди бизлар «Хўроз»лик эмасмиз...

12

Етти Хўроз маъбади етти тош устунли муҳташам бир бино эди. Устунлар тепасига хўроз бошларининг тасвири ишланганди, маъбадга етти пиллапояли еттита

¹ Қора денгизнинг қадимий номи.

зина билан чиқиларди. Ҳар пиллапояда қизил кийимли, хўроз қалпоқли, узун соқолли чол ўтирарди. Улар бизларни най чалиб қаршиладилар. Маъбаднинг салобати, чолларнинг қиёфаси, найларнинг маҳзун нолалари сирли бир оҳанг кашф этганди.

Ёшлар эҳтиром билан биринчи пиллапояга яқинлашишди. Биринчи чол найни бир қўлига олиб, ўрнидан турди.

— Тўхтанглар, — деди амрона. — Тўхтанглар! Кекса араннинг ҳикоясига қулоқ солинглар!

Қариянинг салобатли товуши ёшларни дарров тўхтатди. Чол бошлади:

— Куёш бор экан, Ой бор экан, етти оғани юлдуз сайр этиб, осмону фалакни безаб тураркан. Мидия салтанати ерда ҳукмрон эди. Унинг қўшини силсиласидан Бобил титрарди, Элам ва Суз омонлик тилар, исқитлар Дарбанддан пастга оёқ босмас эди. Етти куббали сарой Ҳамадонга кўрк берар, Кайнассар қурдирган оташкада ўчмас олови билан оламга нур сочиб турарди. Сурув-сурув кўйлар, пода-пода йилқилар сон-саносиз эди. Дарахтлар меваларининг оғирлигидан бошларини ерга этганди. Суғорилмаган сахро, кўприк солинмаган дарё, экилмаган жой қолмаганди...

Гурур аста-секин саройни қоплади. Зардушт аҳкомлари унутила бошлади. Ҳукмдор билан табаалар¹ орасига деворлар тортилди. Халқнинг овози эшитилмайдиган бўлди. Астиёз² кайф-сафога берилди. Бобил қизлари, эллин йигитлари саройда хўжайин бўлиб қолдилар. Форс шароби мияларини хиралаштира бошлади. Мидиянинг салобати сусайди. Аҳриман қанотларини оламга ёйди.

Дабдабали ҳаётимизни кўпдан бери ҳасад билан кузатиб турган Форс бош кўтарди. Қуруш³нинг қиличи Мидия салтанатига барҳам берди. Оссурия, Лидия, Элам ва исқитларни титратган қўшин форслар томонидан тор-мор қилинди. Оловлар сўнди, боғ-роғлар пайҳон бўлди. Обод эллар вайрон қилинди, ер инграб, осмон қон йиғлади...

Аммо муғ матонати синмади, атирван қўшини пароканда бўлмади, иймон минораси боқий яшаб, душманларга қарши интиқом ўтида тобланмоқда эди...

Камбиз Хоразм, Бақтрия, Кирмон, Бобил, Лидия ва Мидиядан тўплаган кучли қўшин билан Миср устига юриш бошлаганди. Яширин кинлар юзага қалқиб чиқди, исён тўлқини форс салтанатини қоплади, муғлар ибодатларида фиръавнга дуо қилишдан тортинмасдилар, тадбирлар кўрила бошлади. Смердис исмли бир муғ Ҳамадонни қўлга киритиб, ҳокимият тахтига ўтирди. Оловлар янгидан гуруллади, зардуштларнинг юзи қайтадан кула бошлади.

Лекин бу оламда ҳеч нарса боқий эмас. Смердис ҳукмронлиги ҳам узоқ чўзилмади. Форс саройида узакни ташкил қилувчи етти асл оила намоёндалари муғларга бўйин эгмай қурол кучи билан Смердисни тахтдан ағдаришди. Ҳаётдан кўз юмган Камбиз тахтига номзод қидиришди. Форслар одатига кўра, от муқаддас саналарди. Ҳукмдор танлашда отнинг иштирок этиши ва мойиллик билдириши ҳисобга олинарди. Смердисни тахтдан ағдариб, муғларни маҳф этган етти исёнчи куёш юз кўрсатишидан олдин отларга миниб шаҳардан ташқари чиқишди. Офтоб илк шуъласини ёйганда етти суворидан Доронинг оти кишнади. Одат бўйича, Доро ҳукмдор қилиб сайланди.

Қўшин тўпланиб исён бостирилди, олов ўлкаси остин-устун бўлиб кетди. Кайнассарнинг маъбади ҳам яксон бўлди. Бу оламда ҳеч нарса боқий эмас.

Доро Камбиз давлатига соҳиблик қилиб, дабдабали ҳаёт кечира бошлади. Истаҳр⁴да доврўғи оламни тутадиган сарой қурдириш ниятида эди. Эллин оролларидан Хоразмга қадар чўзилган ўлкалардаги меъмор ва усталарни тўплаган эди. Лекин Доро хоҳлаган саройни Кайнассардан бошқа ҳеч ким қуролмаслиги маълум бўлиб қолганди.

Кайнассарни қидириб топиша олмади. Мамлакат бўйлаб жарчилар сафарбар қилинди, шаҳарма-шаҳар, қишлоқма-қишлоқ айланиб чиқилди. Кайнассарни кўрган ҳам, эшитган ҳам топилмади.

¹ Табаа — фуқаролар, аҳоли.

² Мидиянинг сўнгги ҳукмдори.

³ Қуруш — Форс салтанати асосчиси.

⁴ Истаҳр — Форс давлати пойтахти.

Бир куни Доро овга чиқади. Бир жайронни қувиб юриб, фақирона кулба устидан чиқиб қолади. Эчки териси ёпинган, узун соқолли бир чол чалқанча ётиб осмонни томоша қилаётган экан. Доро барча аёнлари билан унинг тепасига келади. Чол уларни кўрмагандек киприк ҳам қоқмайди. Шу пайт кулбага яшириниб олган кийик Дорони кўриб, ўрнидан сакраб чиқади-да, чолнинг ёнига боради.

Доро қариянинг бепарволигини ва жониворнинг бориб унга сиғинганини кўриб ҳайратланади.

— Ҳой чол, — дейди Доро амрона, — сен кимсан?

Чол кўз қири билан Доро томонга қараб:

— Менми? — дейди. — Мен дунёнинг энг азамат одами!

Дунёда ўзидан бўлак бирор азамат одами кўрмаган Доро мана шу вайрона кулбада эчки териси ёпинган чолга қараб:

— Сенинг азаматлигинг нимада? — дея сўрайди истехзо билан.

— Азаматлигим шундаки, сендан қочган келиб менга сиғинаётир.

Доро кулади ва қарияда қандайдир сирли қудрат борлигини сезиб, бир неча савол беради:

— Қария, — дейди у, — дунёда энг буюк орзу нима?

— Орзусизлик!

— Энг буюк ҳақиқат қайси?

— Инкор!

— Энг тўғри йўл?

— Шубҳа!

— Энг зўр ҳузур-чи?

— Унутиш!

Бу жавоблардан подшоҳнинг ҳайрати янада ортади. Бирдан сўрайди:

— Кайнассарни танийсанми?

— Танийман.

Подшоҳ суюниб кетади:

— У қаерда?

— Ўз юртида, салтанатида.

— Унинг мамлакати қаерда, фуқаролари кимлар?

— Унинг мамлакати ўрмон, фуқаролари эса жайронлар.

Доро чолнинг Кайнассар эканини сезиб отдан тушади. Вазирлар, саркардалари ҳам унга тақлид қилиб, Кайнассарни ўраб олишади. Қарияга турли ноз-неъматлар ва кийим-кечақлар инъом қилинади. Лекин Кайнассар ўрнидан қимирламасдан осмонни томоша қилишда давом этади. Доро сарой кўрдириш ниятида эканини айтиб, Кайнассарни Истахрга тақлиф қилади:

— Сенга ўзинг оғирлигингда тилло бераман, барча орзуларингни амалга ошираман, — дейди.

Чол бошини тебратиб:

— Тилло нима билмайман, билишни ҳам истамайман. Орзу бўлса азоб эшигидир. — дейди.

Доро газабини яшириб, ваъдалар беришда давом этади. Лекин чол ҳеч нарсага кўнмайди. Ҳамон ётганича жайронни эркалай бошлайди. Ниҳоят, Доронинг тоқати тоқ бўлиб, жаҳл билан сўрайди:

— Бу ерда чўзилиб ётишдан фикринг нима ўзи?

— Фикрсизлик!

Доро шаҳд отига сакрайди ва:

— Жаллод! Бу девонанинг қўлларини боғла, отга миндир, — деб амр қилади.

Жаллод чолнинг қўлларини боғлаётганда у ўзига келиб жайроннинг қулоғига шивирлайди:

— Қочиб қол! Одамлардан узоқ юрганинг саломатлиқдир, — дейди.

Жайрон унинг гапини тушунгандек ўрнидан сакраб туриб ўрмонда ғойиб бўлади. Кайнассарни Истахрга олиб келишади. У ерда янгидан сарой қуришни тақлиф қилишади. Яна рад қилади. Бу сафар подшоҳнинг амри билан уни миноранинг тепасига олиб чиқиб, ўша ердан пастга улоқтирадилар.

Бу оламда ҳеч нарса боқий эмас! Кайнассар ўлмай қолди — минора тагида турган бир тўда атирванлар уни ҳавода илиб, олиб қочадилар.

Меҳнат ва санъат меваси — маъбаднинг хароб бўлганини кўриб, тарки дунё айлаган Кайнассар дунёга қайтадан келгандай бўлади. Бир тўда муғлар билан шимол томонга йўл олади ва «Хўроз» қабиласига келиб қўшилади. Бу оламда ҳеч нарса боқий эмас!

Фақат матонат ва курашгина боқийдир. Дарвоқе, мана шу муҳташам маъбад Кайнассарнинг матонат ва кураши маҳсули. Ўзи ҳам қурган мана шу маъбади таги-га дафн этилган...

Бу оламда ҳеч нарса боқий эмас!

Фақат матонат ва кураш боқийдир!..»

Аран ҳикоятини тугатди. Етти аран яна най чала бошлашди.

13

Иккинчи пиллапоёга қадам қўймоқчи бўлдик. У ерда ўтирган аран найни оғзидан олиб, ўрнидан турди:

— Тўхтанглар! Кекса араннинг ҳикоясига қулоқ солинглар! — деб амр қилди.

Ҳаммамиз биринчи зинадаёқ тўхтадик.

Аран бошлади:

— Ану¹ осмонни яратганди;

Анлил² ерни яратганди;

Эа³ сувларни яратганди; Саннашариб Бобилда подшоҳ эди.

Наргаладдин деган киши Нинни исмли қизга совчи юбориб, унга уйланмоқ ниятини маълум қилади. Нинни рози бўлади, бироқ қирқ кунга муҳлат сўрайди. Наргаладдин хунук, аммо бадавлат киши эди. Нинни унинг бойлигига севинар, хунуклигидан ғамга ботарди. У уйда ўтириб уч кечаю уч кундуз ўйлади. Охири йўлини топди.

Бобил қонунларига кўра, бокира қиз эрга тегишдан олдин бирор ажнабий билан ишқбозлик қилиш ҳуқуқига эга эди. Нинни ана шу ҳуқуқдан фойдаланмоқчи бўлди. Бир куни кечқурун кийиниб Истар⁴ маъбадининг олдига борди. Ишқ илоҳаси йўлида ишқбозлик майлида бўлган қиз ва йигитлар шу ерга тўпланишарди.

Нинни кўлида битта тангани ушлаганича маъбаднинг олдида айланиб юрди. У ерда анчагина ажнабийлар ўтиришганди. Улар орасида баланд бўйли, кўзлари катта-катта, буғдойранг бир ўсмир ҳам бор эди. Нинни уни кўргач, тўхтаб қолди — оёқлари итоат қилмай қўйганди. Кўлидаги тангани унинг кучоғига отиб, орқага қайтди: танга отиш — «менинг орқамдан юр» дегани эди.

Ўсмир ўрнидан сакраб туриб, Ниннининг изидан тушди. Улар биргаликда ўсмирнинг кўналғасига келишди. Нинни ечиниб, ёш йигитнинг ёнига ётди. Ўсмир Ниннининг барча гўзалликларидан баҳраманд бўлди...

Суз шаҳридан тижорат учун Бобилга келган бу ўсмир қирқ кун ўша ерда қолиб, ҳар куни Нинни билан ишқ шаробини ичар эди.

Қирқ биринчи куни Нинни Наргаладдиннинг уйига келин бўлиб тушди. Орадан бир йил ўтди. Нинни ўғил фарзанд кўрди... Булар бу ерда яшайверишсин, мен сизларга Саннашарибдан гапирай.

Бобил подшоҳи Саннашариб бир кеча туш кўрди. Тушида Син⁵ унга шундай деди: «Эй менинг вакилим, эртага кечқурун кийимингни алмаштириб, Наргаладдиннинг уйига меҳмон бўлиб бор: кечаси ўша ерда ётиб қол». Саннашариб уйқудан уйғониб, эрталабгача бедор ётди. Кунни бетоқатлик билан ўтказиб, кечқурун кийимини алмаштирди ва Наргаладдинникига меҳмон бўлиб борди.

Уй соҳиблари меҳмонга бўлган ҳурматини жойига қўйишди, овқатлантиришди, кейин ухлагани жой солиб бердилар. Наргаладдин билан аёли ҳам болани жойига ётқизиб, ўз ўринларига чўзилдилар.

Саннашариб уйқуси қочиб, кечаги тушининг тўғри чиқишини пойлаб ётди. Тун яримдан оққанда, Нинни ўрнидан турди, кийиниб қаёққадир йўл олди.

Саннашариб ҳам уни қоралаб орқасидан бораверди. Нинни бориб Фират соҳилидаги мўъжазгина бир уйнинг эшигини тақиллатди. Ичкаридан баланд бўйли бир йи-

¹ Ану — Осмон илоҳи.

² Анлил — Ер илоҳи.

³ Эа — сув илоҳаси.

⁴ Истар — ишқ илоҳаси.

⁵ Син — Ой илоҳи.

гит чиқди. Ҳалиги йигит: «Шу пайтгача қаердайдинг?» — деб Ниннига зарда қилди. Кейин Ниннини ичкарига киритиб, эшикни ёпди. Саннашариб яқинроқ бориб, эшик тирқишидан ичкарини кузата бошлади. Ичкаридан йигитнинг овози эшитилди:

— Кеч келишингдан маълум, мени севмайсан.

Нинни қасам ичиб уни ишонтиришга уринарди.

— Уйга меҳмон келувди, шунинг учун ҳаялладим...

— Бўлмаган гап, ишонмайман!

— Нима қилсам ишонасан?

— Ишқинг ростлигини исбот қил.

— Нима билан?

— Бориб ўғлингнинг бошини кесиб олиб кел, шунда ишонаман. — Нинни шу заҳоти уйдан чиқди. Саннашариб ҳам унинг изидан борди.

Нинни уйига келиб ўғлининг кўрпасини аста кўтарди, пичоқ билан бошини кесиб олди-да, дастрўмолга ўради. Кейин бориб, яна Фирот соҳилидаги уй эшигини тақиллатди, ичкари кирди. Саннашариб ҳам, илдам юриб келиб, эшик тирқишидан ичкарини кузата бошлади.

Нинни ўғлининг қонли бошини йигитга кўрсатиб, бир чеккага ирғитди. Кейин ўпишиб кайф-сафога берилишди.

Саннашариб эрталаб қизил кийиниб, тахтга ўтирди. Вазирни ёнига чақириб, кеча кўрганларини гапириб берди. Кейин шундай амр қилди:

— Дунёдан тухмат ва ёвузлик уруғини қуритиш учун барча аёллар Фирот дарёсига улоқтирилсин. Бор айт, тайёрланишсин!

Вазир ўйлаб туриб, деди:

— Олам тургунча яшанг, олампаноҳ. Ижозат берсангиз, бир ривоят айтай, кейин фармойиш берсак... — Кунлардан бир кун шарбат сотувчи дўконида ўтирган-дим. Бир ёш суворий келиб дўкон олдида тўхтади. Ҳариб кўринарди. Ичкари мўралади. Қизиқиш ташқари чиқдим. Ҳалиги йигит менга: «Биродар, — деди, — кафанлик олмоқчийдим. Қаерда сотилишини билмайсизми?» Уни эргаштириб кафанлик сотиладиган дўконга бордим. Йигит кафанлик сотиб олди, менга миннатдорчилик билдириб, йўлга равона бўлди. Бадтар қизиқиш қолдим. Бир от олиб, орқасидан жўнадим. Шаҳардан чиқдик. Йигит орқасига қараб мени кўргач, отини тўхтатди. «Ҳой биродар, — деди, — кимсан, нима иш қиласан, билмайман, менинг сиримга аралашиб нима қиласан?!» Мен ҳам: «Ўзинг кимсан, нима иш қиласан, билмайман, лекин жуда қизиқиш қолдим. Ижозат бер, сенга қўлимдан келган ёрдамни қилай», — дедим.

Йигит анча иккиланишлардан кейин рози бўлди. Йўлга тушдик. Бир тепаликка етганимизда отини менга топшириб: «Мени бир оз кутиб тур», — деди. Кутдим, бир соат кутдим, келмади, икки соат кутдим, келмади. Охири отларни етаклаб, тепалик устига чиқдим. Қарасам, тепаликнинг орқасидаги жарликда қаттиқ олишув кетаяпти. Менга отини топшириб кетган йигит ўнгу-сўлга қилич солар, анчагина одамни уриб қулатган экан. Мен ёрдамга етиб боргунча йигит атрофидагиларни ҳам қиличдан ўтказиб, қайтиб кела бошлади. Чеккада бир жасад бор эди, кўтариб олдик, олиб келиб кафанладик ва кўмдик. Қабрдан бир оз узоқлашгач, ҳалиги йигит: «Сен шу ерда бир оз кутиб тургин, ҳозир қайтиб келаман», — деди. Югуриб бориб янги қабрни кучоқлади. Тўйиб-тўйиб йиғлади: «Ўчингни олдим, душманларингни ўлдирдим. Энди эридан вафо кўрган аёлга дунёда яшашнинг нима кераги бор!» деб ханжарини чиқарди-да, юрагига санчди. Йиқилаётганда бошидан телпаги учиб тушди. Узун сочлари осилиб қолди.

Вазир ҳикоясини тугатиб жим қолди. Саннашариб жаҳлидан тушганди. Бобилнинг барча аёлларини Фиротга чўктириш фикридан қайтди. Ёлғиз Нинни сувга отилди.

Аран ҳикоясини тугатган заҳоти яна найлар чалина бошлади.

14

Учинчи пиллапояда ўтирган аран жуда ғалати эди — ҳўрозий қалпоғи қийша-йиб, бир қулоғини босиб турарди. Найни завқ билан чалар, ўтирган жойида у ёққа-бу ёққа тебранарди. Жайниз афтимга қараб жилмайди.

Зинага қадам қўймоқчи бўлганимизда аран ўрнидан турди:

— Тўхтанглар, — деди. — Кекса араннинг ҳикоясини тингланглар.

Унинг ҳар бир ҳаракати галати бўлса ҳам ҳикоясини зўр қизиқиш билан тингладик:

— «Сомийлар ўлкасида, қумли саҳрода ялангоёқ, ялангбош бир киши чиқиб халқни атрофига тўплаб, минг хил эртақлар сўйларди. «Эй, жаҳолатга ботган гофиллар, еру-кўкни яратган, охират кунининг соҳиби бўлган Йековни танимайсизми? Сизларни ўтла куйдиради, дунё ёруғидан маҳрум қилади, уйлариңгизни остин-устун қилиб, болалариңгизни саҳроларга ҳайдайди. Мен унинг набийсиман. Сизларни ҳақ йўлга чақиргани келдим. Келинлар, атрофимга йиғилинлар!... Ҳақ йўлини топинлар!»

Ҳар ким набийни даҳшат билан тинглар, қўрқувдан дир-дир қалтирашарди.

Кўп ўтмай набийнинг овозаси бутун саҳрога ёйилди — воҳа хурмозорларида, карвон қўналғаларида ҳамма набий ҳақида гапирарди.

Тури Синайга тижоратга борган эллиндардан бири набий ҳақидаги гапларни эшитиб, уни кўрмоқчи бўлди. Набийнинг жойини кўрсатишди. Борди. Набий хурмо дарахти тагида ўтириб чигиртка саятган экан.

Эллин салом берди, набий уни чигиртка ейишга таклиф қилди. Эллин эътироз билдириб:

— Эй набий, — деди, — шуҳратингизни эшитиб, суҳбатингизни олгани келдим.

— Хуш келибсан, ўтир, — деди набий. — Узоқдан келяпсанми?

— Афинадан келяпман.

— У ер нима? Шаҳарми, қишлоқми?

Эллин ҳайратланиб:

— Набий, Афинани эшитмаганмисиз? Тавба! Файласуфлар ва худолар шаҳрини билмайсизми? — деди.

«Худолар» сўзини эшитган набийнинг ранги бўзарди, чигирткани улоқтирди:

— Ёху, худолар нимаси? Мушриклик жаҳолатидаги гумроҳлик етарли эмасми? Ягона ва буюк, азалий ва абадий Холиқни танигин, унинг ҳақ йўлига кир! Фоний дунёга умид боғлама! Ҳамма нарсдан воз кечу Холиқ йўлини танла... Ундан олий, ундан адолатли куч йўқ...

Эллин ҳеч нарса тушунмади.

— Набий, — деди у. — Холиқ деганин нима? Тушунтиргин.

— У буюк, қудратли, азалий, абадий, дунё ва охиратнинг соҳиби.

Эллин яна ҳеч нарса тушунмади.

— Ибтидо, давом ва интиҳо Зевсдан иборат, — деди. — Бошқасига қойил эмасман. Олимп тоғидан чақмоқлар ёғдирувчи Зевсдан қудратлироқ куч бўлиши мумкинми?

Набийнинг бадтар жаҳли чиқди:

— Зевс ким бўпти? Тангридан бўлак қудратли Холиқ йўқ. У битта, шериги йўқ.

Унга шерик қўшадиғанлар муртадлардир.

Эллин билан набий орасида можаро бошланди. Карвондагиларнинг ҳаммаси шу ерга тўпланишди.

Ҳамадонлик бир савдогар босиқ овозда:

— Набий, — деди, — буюк ва адолатли бир кучга ишониш — дунё гардиши, унда юз бераётган ҳодисаларни изоҳлашдан оғизлик аломатидир. Яратилишига ҳоким адолатли бирор қудрат мавжуд бўлса, дунёдаги адолатсизликни нима билан изоҳлайсан? Кўзи бўла туриб ёруғликка муҳтож қўрлар бор; бахтиёрлар орасида толесизлар озмунчами? Бадавлат яшаётганлардан камбағаллар кўп; беқларга нисбатан куллар кўп, гўзаллардан кўра хунуқлар бисёр... Бундай адолатсизликнинг сабабчиси ким? Йўқ, набий, танлаган йўлинг тўғрмас. Дунё ҳодисаларини ягона тангри фикри билан изоҳлаб бўлмайди! Яратилишда икки нарса мавжуд; унинг биттаси адолат учун курашса, иккинчиси ана шу адолатни бузишга интилади. Мазданинги ёруғи билан бирга Аҳриманнинг зулмати ҳам бор. Ҳаёт ана шу икки кучнинг курашидан иборат. Охир-оқибатда Мазда голиб келади, дунё ёруғликдан равшан бўлади, инсон абадий саодатга эришади! Ҳақиқат шу!

Мисрлик бир кекса гапга аралашди:

— Холиқ нима? Зевс ким ўзи? Мазда нимаси тағин? Миср худоларидан бошқаси бекор. Ўликлар, тириклар ва куёш худоларини инкор қилиб бўладими? Соғарис,

Озирис, Аноубис, Нефтус, Ра, Ну... Коинотга ҳоким шулар эмасми? Бу ҳақиқат Ра сингари ошқора ва порлоқдир...

Бобиллик биттаси мисрликнинг гапини бўлди:

— Бу гапларингга қўшилиб бўлмайди. Фақат бизларнинг Ану осмонга ҳоким. Барча юлдузлар унинг тахти ва тожи атрофига тўпланиб, оламга нур сочишади. Анлил ерни бошқаради. Эа сувлар ҳимояси билан машғул. Булардан ташқари Син ва унинг боласи...

Шу аснода жаранглаган қаттиқ қаҳқаҳа бобиликнинг маърузасига чек қўйди. Ҳамма ўгирилиб, қаҳқаҳа ураётган ҳабашга тикилиб қолишди. Бурнига ҳалқа тақиб олган бу киши найзасини ерга улоқтириб, қаҳқаҳа уришдан ўзини тиёлмас, орасира қўларини ерга уриб:

— Худонинг болалари бор эмиш, — дея ўзини тўхтатолмасди.

Бу ердагиларнинг барчаси ҳабашни ваҳший деб ўйлашгани учун ундан бошқа ҳаракат кутишмасди ҳам. Ҳабаш ҳам буларни ҳеч нарсани тушунмайдиганга йўйиб, беҳуда сафсаталарни тинглашни лозим кўрмаганди. У сочилиб ётган камон ўқларини йиғиштириб, найзасини қўлига олди-да, ҳозиргина овлаган арслон боласини судраганича тўладан узоқлашди.

Воҳанинг чеккасида қаллакланган бир хурмо дарахти бор эди. Ҳабашнинг оиласи унинг остида яшарди. Болалари уни кўриб, югуриб олдига келишди ва арслон боласини олиб дарахт тагига элтишди. Кўкраклари осилиб тушган, белига лунги боғлаган бир аёл овчининг қўлидан қурол-яроғини олиб, дарахтга илиб қўйди. Чеккада лойдан ясалган бир бут бор эди. Унинг олдига турли ҳайвон суяклари ётарди. Ҳабаш пичоқ олиб, арслончани сўйди. Аёл ўчоққа олов ёқди ва арслон гўштини ўчоққа қўйишдан аввал ҳабаш бир парча ёғни олиб, бутнинг лабларига суркай бошлади.

— Ё раббим, — деди у, — бугун менга ов етказдинг. Ўзингга шукур! Мана сенинг улушинг, ол, е, тўйиб ол. Эртага ҳам овимни бароридан бер. Сенинг улушингни яна бераман!

Ҳабаш ибодатини тугатгач, оиласи билан жам бўлиб бутга миннатдорона ҳислар билан қараб қўйди-да, нонушта қилишга киришди».

Аран ҳикоясини тамомлагач, яна най чалинди.

15

— Бу араннинг ҳикояси ҳам ўзига ўхшаш ғалати! — дея қулоғимга шивирлади Жайниз. Бирдан тўртинчи араннинг:

— Тўхта! Тўхта! — деган овози эшитилди.

Аран ҳикоясини шундай бошлади:

«—Халич¹ дарёси соҳилида Нарамсин деган киши Нада исмли хотини билан яшарди. Нарамсин балиқ овлар, ўрмондан мева йиғиб, уйига олиб келарди. Қоринлари тўйгач, худо ва илоҳларига дуо қилишарди. Уларнинг бирдан-бир армонлари фарзандлари йўқлиги эди. Кунлардан бир куни Халич соҳилига бир ғариб киши келиб қолди. Нарамсин ғарибни уйига бошлаб келиб, меҳмон қилди. У ёқ-бу ёқдан гаплашиб ўтиришди, еб-ичишди. Кейин меҳмоннинг оёғини ювиб, ўринга ётқи-зишди.

Одатга кўра, уй соҳибининг хотини меҳмоннинг ҳурматини бажо келтириш учун у билан ётиши керак эди. Нада ҳам одатга биноан ғарибнинг тўшагига кирди.

Эрталаб ғариб туриб, жўнаб қолди. Уй эгалари эса аввалгидай ҳаётларини давом эттиравердилар.

Ой ўтиб, йил айланди. Нада фарзанд кўрди. Уйни шодлик қоплади. Эр-хотин севинчининг чеки йўқ эди. Лекин бу қувонч узоққа чўзилмади. Бир куни гўдак эмаклар бориб дарёга тушиб, чўкиб кетди. Эр-хотин аза тутишди.

Бола ўлган куни Нарамсин уйининг бўғотига ин қўйган мусича тухумидан ёлғиз полапон очиб чиқди. Бунга кўрган Нарамсин севиниб, хотинига шипшиди:

— Нада, қарагин, боламизнинг руҳи мана шу мусича полапонига ўтганга ўхшайди. Бошқача бўлиши ҳам мумкин эмас... Маъсум бир норасиданинг руҳи фақат гуноҳсиз қушгагина ўта олади.

¹ Қизил Ирмоқ дарёсининг қадимги номи.

Аёл диндор эди. У руҳларнинг тирик бўлишига, уларнинг бир жонзотдан иккинчисига кўчиб юришига ишонарди. Бориб мусича полапонини кўрганидан сўнг кўнгли анча таскин топди, дардини унутгандай бўлди.

Нарамсин тагин илгаригидай овга чиқиб келар. кейин хотини билан мусича полапонини парвариш қиларди. Мусича улғайди ва эр-хотинга шунчалик ўргандики, уларнинг уйида яшай бошлади.

Бир куни юнонларнинг шарққа юриши бошланди. Сафарга чиққан кўшин Ҳалич дарёси соҳилида қўналгага тўхтади. Навкарлар қўлига нима тушса, тутиб ея бошлашди. Дарёда балиқ, ўрмонда жонивор, парранда ва мева қолмади. Нарамсиннинг эшигини кунда биттаси келиб тақиллатар, овқат сўрарди. Оила бор-йўғидан ажралди.

Бир сафар оч навкарлардан бирининг кўзи уйдаги мусичага тушди. Уни ушлаб, бошини узмоқчи бўлди. Нарамсин билан Нада навкарнинг оёқларига йиқилиб ялина бошлашди:

— Мусича боламизнинг руҳи, уни ўлдириш бизни сўнгги умидимиздан маҳрум қилиш билан баробар. — дейишларига қарамай мусичани ушлаб олиб кетди. Эр-хотин чирқираб қолишди.

Оила янгидан ғамга ботди.

Мусичанинг руҳи кимга ва нимага ўтиши уларга маълум эмасди. Чунки чор атрофда бирорта жонзот қолмаганди. Нада умидсиз бир ҳолатда дарё бўйида ўтириб «мусича, мусичагинам» деб йиғларди. Ниҳоят, дард-аламига чидай олмай, касалга чалиниб, оламдан кўз юмди.

Нарамсин ёлғиз қолди. Бир куни кечкурун дарё бўйида ўтириб ўй сураётганди. Бир маҳал бир бойўғли келиб унинг уйи устида «у-у»лай бошлади. Нарамсин ўзига келиб бойўғлига қаради ва ғамгин сайрашида Наданинг ноласини ҳис этди. Ўрнидан туриб уйига яқинлашди:

— Кел, кела қол, — деди, — танҳо дардларимга шерик бўл!

Бойўғли аразлагандек ўрнидан жилмай тураверди. Нарамсин эшикни очди:

— Кел, кела қолсанг-чи! Эй Наданинг руҳини олиб юрган азиз қуш, келсанг-чи! — деди.

Бойўғли яна бир «у-у»лади-да, учиб, қоронғиликда кўздан ғойиб бўлди.

Нарамсиннинг уйқуси қочиб, эрталабгача ўтириб чиқди. Шафақ қизарган палла ўрнидан туриб, уйи, дарё ўрмон билан видолашиб, «ҳаю-ҳуйт» деб йўлга равона бўлди.

Уч кун деганда бир кўчга дуч келди. Бир неча қорамол, аёллар ва бола-чақадан иборат бу кўчни боши чандиқ чол эргаштириб борарди. Нарамсин ҳам шу кўчга қўшилиб кетаверди. Аламзада қария Нарамсинга эътибор қилмай йўлида давом этар, гаплашгиси келмасди. Ниҳоят, Нарамсин чолдан қаёққа кетаётганларини сўради. Чол аламли бир товушда:

— Тоғларга, одам оёғи етмайдиган ўрмонларга кўчиб кетаяпман. Элдин навкарлари ўғилларимни ўлдиришди, қизларимнинг номусига тажовуз қилишди, молларимни сўйиб ейишди. Ўзим ҳам ярадор бўлдим... Билдингми? Одамлардан қочиб, кўчиб кетаяпман!

Бир оз жимликдан сўнг қария Нарамсиннинг қаёққа кетаётганига қизиқди. У ҳам дардини тўкиб солди:

— Руҳлар кўчиб борадиган жойни, руҳлар юртини ахтараяпман, — деди.

Чол Нарамсинга ғалати қараш қилди:

— Руҳ нима? — деди, — тентак бўлдингми? Кўриб турибман, сен ҳам бошимга бало бўладиганга ўхшайсан. Узинг бора қол, фалокатинг биздан узоқ бўлгани маъкул!

Нарамсин билан бошқа гаплашгиси ҳам келмади, чол йўлни бошқа томонга бурди. Нарамсин эса руҳлар юртини қидириб йўлида давом этди. Ниҳоят, ушбу юртга ноил бўлди...

Мана, ҳикояда номи зикр қилинган Нарамсин менман! Руҳлар юртини шу ерда топдим. Шахс муваққат, руҳ эса абадийдир. Мана шу кўриб турганингиз фаровон қабила ўша руҳларнинг маҳсулидир. Одамлар ўлади, уларнинг руҳлари эса яшайверади».

Кекса Нарамсин ўтирди. Най товуши тарала бошлади.

16

Бешинчи пиллапояга чиқиш олдидан у ердаги аран дик этиб ўрнидан турди:

— Тўхта! — деди. Бир сафга тизилиб, қотиб турдик.

Баланд бўйли, хуш овозли аран ҳикоясини бошлади:

«— Фиръавн диёрида Гаман ва Маригери деган икки ака-ука яшарди. Гаман катта, Маригери кичик эди. Гаманнинг Изза исмли хотини ҳамда икки фарзанди бор эди. Бир куни Гаман ишдан қайтиб келганида катта боласи олдига югуриб чиқди:

— Ада, ада, — деди у ҳовлиқиб, — амаким аямнинг юзидан ўпди.

Гаман ғазабидан титраб-қақшаб, югуриб борди-ю, укасини ушлаб бўға бошлади. Маригери ялиниб-ёлворди, йиғлаб, воқеани тушунтира бошлади:

— Акажон, — деди у, — бугун даладан жуда чарчаб қайтдим. Изза сув олиб келиб оёқларимни ювди. Мен миннатдорчилик билдириб, унинг пешонасидан ўпдим. Бор гап шу. Гуноҳим бўлса кечир!

Гаман бу сўзларга қаноат қилмади — укасини уйдан ҳайдаб юборди.

Маригери бош олиб кетди ва шаҳарга бориб қолди. Оч-наҳор эди. Шаҳарни айланиб юриб, ейишга ҳеч нарса тополмади. Маъбадлардан бирининг ҳовлисига кираётган карвонга қўшилиб ичкари кирди. Ҳовлида гулхан ёқишганди. Маригери қурбонлик сўйилишини сизди. Бир оздан кейин катта ҳўкизни етаклаб келишди. Маъбаддан сочи, соқол-мўйлови тоза қиртишлаб олинган руҳоний чиқди. Эгнига катан¹ кўйлак, оёғига папирус чипта кийган эди. Руҳоний яқинроқ келиб ҳўкизни текшириб кўрди, терисиди ҳеч қандай доғ йўқлигига ишонч ҳосил қилгач, қурбонликка лойиқлигини билдириб, унинг шоҳларига папирус лента боғлади. Ҳўкизни йиқитиб, сўйишди.

Маригери қорнини тўйғизиб, ҳўкизнинг калла-почасини ҳам олиб чиқди. Мисрликлар қурбонликка сўйилган молнинг бошини ейишмасди, чунки этиқодларига кўра, назир қилинган нарсаларнинг барча дарду балолари жониворнинг бошига ўтаркан. Маригери ҳўкиз калласини олиб бориб юнон савдогарига берди. Эвазига битта мушук олди. Жониворларнинг муҳофазаси вожиб саналгани учун уларни ҳимоя қилувчиларга назир беришарди. Маригери мушукни кўтариб олди-да, оломон зич бўлган жойга бориб турди. Орадан кўп ўтмай унинг ёнига боласини етаклаган бир киши келди. У сартарошни чақириб, бола кокилининг ярмини қирқтирди, тукларини тарозига қўйиб, Маригерига унинг оғирлигида тилла назир қилди. Маригери мушук воситасида кечгача анча тилла тўплади. Ҳам ўз қорнини, ҳам мушугини тўйғазди.

Маригери ҳар куни мушугини олиб бозорга чиқар, бир неча болали кишидан назир оларди. Бир куни бозорга дабдабали безалган бир арава келди. Ундан ипак кийимли бир аёл, бола, қул ва канизак тушди. Аёл сартарошни чақириб, боланинг кокилини кестирди. Маригерига икки кокил оғирлигида тилла берди. Маригери шошиб қолди. Чунки унга ҳали ҳеч ким икки кокил оғирлигида тилла бермаганди.

Эртасига бир арава келиб, Маригерини фиръавн саройига олиб кетди. Фиръавн боласининг назирини қабул қилингани учун саройдаги жониворларининг ҳимояси Маригерига ҳавола қилинди.

Маригерини ҳаммомга олиб бориб, ювинтиришди. Унга узун ипак халат, папирус пойабзал, бошига йўл-йўл шойи дурра беришди. Сарой боғида алоҳида хона тайин қилишди. Шу кундан бошлаб у фиръавннинг туя, зебра, жирафа, кучук, мушук, эчки, эшак, арслон ва муқаддас тимсоҳларига назоратчи бўлди. Фиръавннинг амри билан унга бош чўпон унвони берилди.

Бир куни «Фиръавннинг рафиқаси ҳайвонот боғига ташриф буюради» деб хабар қилишди. Маригери тадоригини кўриб қўйди. Жониворларнинг барчасига шойи матолар ёпилди. Бошлари туяқуш патлари билан безатилди. Бир маҳал ҳайвонот боғига ташрифот мудири бошчилигида бир тўда аёллар кириб келишди. Аввало бирин-кетин ўн икки кекса аёл, ундан кейин фиръавн бекаси ташриф буюрди. Оппоқ кийиниб олган олти қиз унинг атрофини ўраб, товус патларидан ясалган эллипгичларни соябон қилиб келишарди. Орқадан эса қизил кийинган канизлар,

¹ Катан — зиғир толасидан тўқилган мато.

нодимлар ва ходимлар саф тортишганди. Беканинг жиғаси минг бир рангда товларди.

Маригери ўн икки бор эгилиб, бекага таъзим қилди. Кейин қассобга ишора қилинди, бека оёқлари тагига ҳўкиз сўйилди.

Бека боғни айланиб жониворларни бир-бир зиёрат қилди, уларни эркалаб қўли билан ем берди. Маригери бекага ҳайвонларнинг ҳар бири ҳақида мароқ билан сўзлаб берарди. Бош чўпоннинг бугдой ранги, алвон лаблари, ошпоқ тишлари, сурма тортилган кўзлари бека эътиборини ўзига тортди. У ҳайвонот боғида керагидан ортиқча қолиб, Маригерининг суҳбатидан баҳраманд бўлди.

Зиёрат тугади. Маригери бекани ҳайвонот боғининг дарвозасига қадар кузатиб қайтаркан, орқадаги канизаклардан бирининг унга нилуфар гули ирғитганини кўрди. Сулув чехрали, қора ва ялтироқ баданли бу занжи қиз шунчалик жозибали эдики, Маригери кўзларини ундан узолмай қолди.

Шу ондан эътиборан ишқ кабутари занжи қиз билан Маригерининг юракларига ин қўйиб олганди. Кечалари Нил дарёси узра қоронғилик пардаси ёйилган чоғ занжи қиз сарой аҳлини ухлатиб, соҳилга шошилар, иккаласи хурмо дарахти тагида ўтириб севги шарбатини ичишарди.

Фиръавннинг бекаси ҳам Маригерини унутолмасди. У ҳам уйқуни тарк этиб, эрталабгача сарой дарвозасига суяниб чиқарди. Фиръавн айғоқчилари кўзини шамғалат қилиб ҳижрон ўтилади ёнарди.

Бир кеча тун яримдан оққанда бека «нима бўлса бўлар!» деб боққа тушишга қарор қилди. У атрофига қарай-қарай, Маригерининг уйи томон юрди. Бирдан... кўзларига ишонмади: Маригери тиз чўкиб, Сфинкс ҳайкали супасида ўтирган қизнинг оёқларини кучоқлаб турарди. Қиз — занжи қиз эди, у титроқ қўллари билан Маригерининг боши узра нилуфар гулбаргларини сочарди... Бека нима қилишни билолмай қолди. Рашк азобида ёниб, орқага қайтди.

Энди бека учун саройдаги кўнгилхушликлар, қайиқ сайри, расмий қабуллар, тожу тахт напъаси ўз маъносини йўқотганди. Хосхонасидан чиқмай туриб сарғайиб сўла бошлаганди. Интиқом олиш ҳисси унга тинчлик бермасди. Кекса ўн икки аёлни битта-битта чақириб, яширин суҳбатлашар, маслаҳат сўрарди.

Бир куни «Маригери саройни ифлослаштириш учун ҳайвонот боғига чўчқани киритибди» деган миш-миш тарқалди. Фиръавндан тортиб сўнгги қаролгача ҳайратдан ёқа ушлашди. Маригери саройга чақиртирилди, жаллод шай бўлиб турарди... Лекин Маригери топилмади, у қочиб улгурган эди.

Бека мақсадига эришиб, тинчиди.

Миср қонунига кўра, чўчқага қўл теккизган одам маъбадга кириш ҳуқуқидан маҳрум эди. Маригери бундай оғир тухматдан қутула олмаслигини тушуниб, шаҳарни тарк этган, олис тепаликда минглаб қуллар томонидан барпо қилинаётган эҳромга сифиниб борди. Кўёш чиққанидан то ботгунига қадар оғир ишлардан тинка-мадори қуриган қуллар Маригерини севиниб қарши олишди. Кечалари қумлар устига чўзилган яланғоч қуллар билан бирга ётаркан, саройидаги фитна-фасодлардан, зулм ва даҳшатлардан гапириб берарди.

Кундузлари Маригери қуллар билан бирга ишларди. Қуллар сингари унинг ҳам оғир тошлар ташишдан қўллари қабариб, елкалари яғир бўлиб кетди. Офтобнинг бешафқат иссиғи эса уни куйдириб, қоқ суякка айлантирганди.

Эҳром устидан йиқилиб ўлганларнинг, касалга чалинганларнинг сон-саногини йўқ эди. Тез ишлай олмаганларни калтаклаб, қора қонга белардилар...

Бир куни тоби қочиб ишга чиқмаган қулни судраб келиб, дарра урадиган жойга ётқизиб, боғлашди. Бечора қул ўн беш даррадан сўнг ўлди. Буни кўрган Маригери қулларни исёнга чорлаб, иш ташлади. Мингларча қул бош кўтариб, фиръавн маъмурларини ўлдиришди. «Зулмининг манбаи саройдир, сарой» деган чақириқлар эшитилди. Ҳазабланган қора танлиларнинг улкан оқими саройга қараб оқа бошлади. Фиръавн кўшини исёнчиларни ўқ-ёй билан қаршилади. Юзларча одам ўлдирилганидан сўнг қулларни тарқатиб юборишди. Бу билан иш битмади. Ўнларча зирҳли сарой араваси жанг майдонига кириб келди. Уларнинг бошида фиръавннинг ўзи келарди. «Исён бошлиқлари қўлга олинсин», деган буйруқ берилди. Қулларни исканжага олиб, исён даъватчиси кимлигини суриштиришди. Ниҳоят, Маригери қўлга олинди. Фиръавн уни таниб, саройга олиб борди. Кейинги куни саройнинг катта машваратхонасида дабдабали мажлис тайинланди. Фиръавн хотини билан тахтира-

вондан жой олдилар. Маригери олиб келиб суд қилинди. Кейин унинг ўлимга маҳкум этилганини эълон қилишди. Жаллодлардан бири идишда захар олиб келди. Маригери захарни матонатли бир тарзда қўлга олди:

— Ҳайвонларни ҳимоя қилатуриб, одамларни ҳайвон ҳолига келтирган бу ҳаётни мамнуният билан тарк этаман, — деди ва захарни шаҳд билан ичиб юборди.

Шу пайт занжи қиз отилиб ўртага чиқди. Идишда қолган захарни ичиб, Маригерини кучоқлади. Иккаласи биргалашиб ерга йиқилишди».

Аран ҳикоясини тугатди. Найларнинг маҳзун товуши ҳикоя таъсирини янада кучайтирди.

17

Олтинчи пиллапоёга чиқмоқчи эдик, яна аран ўрнидан туриб ҳикоясини бошлади:

«— Ҳинд диёрида бир қишлоқ бор экан. Бу қишлоқнинг аҳолиси буғдой экиб, пилла боқиб, ипак етиштириш билан кун кўришаркан. Бир йили буғдой экишганда ёмғир ёрмабди. Аҳоли ҳар кун уч бор дуога қўл очиб, тангрилардан ёрдам сўрашаркан. Осмон ҳам гўё ўжарлик қилгандек халқ дуосини эшитмас экан. Браҳмага муурожаат қилишибди. Браҳма барчани мусаллога чақирибди. Эрқагу аёллар, болачақалар, уйларида чикиб экинзорга боришибди ва ибодат қила бошлашибди:

— Агни! Индира! Риту!¹ Сизларни деб келдик. Порлоқ ва муаззам Агни, бизни ҳимоя қил!

— Индира, эй мутлоқ ҳоким, ёнимизга туш, келгину қурбонлигимизни қабул эт!

— Риту, эй фасллар умиди! Ёрдамнинг биздан дариф тутма!

— Осмони фалақдан қаранглар бизга, назарингизни четга бурманглар!

— Мусаффо нурли Агни, муғаннийлар товуши, шоирлар қасидаси сенга қараб юксалаётир! Келгину сома² пиёласидан татиб кўр!

— Индира, сени чорлаётимиз! Қўш аргумоқчи олтин араванга ўтир, Марутни³ ҳам ёнингга олиб, кел! Эй сома дўсти, келиб бизни шод айласанг-чи!

— Бой ва бадавлат Индира, далаларимизни ҳимоя қил, ёмғирингни аяма!

— Келинлар, келинлар, эй кўкларнинг соҳиби, бизни бахтиёр қилин! Келинлар, қурбонлигимизни қабул қилинлар! Келинлар, болдай ширин сомамиздан тотиб кўринлар!

Браҳманинг дуоси ҳам осмонга таъсир этмайди. Қурғоқчилик далаларни қуришида давом этади.

Қайта-қайта мусаллога чиқилса ҳам осмондан ерга бир томчи тушмайди. Буғдойлар куйиб кетади, очлик одамларга таҳдид сола бошлайди. Қиш қиличини қайраб етиб келмасидан, ҳар ким ҳар томонга қоча бошлайди. Оч одамлар дуч келган қишлоқларни талаб, йўлларида давом этадилар. Бошқа жойларнинг очлари ҳам буларга қўшилиб, катта оқимга айланади.

Бора-бора одамлар бир-бирларини ейишга киришадилар. Навбат билан болаларни сўя бошлашади. Бир бева аёлнинг тўққиз ёшли яккаю-ягона ўғли бор эди. Бир кундан кейин сўйилиш навбати ўғлига келишини сезган аёл, боласини ёғочга ўтиргизиб боғлайди-да, Ганг дарёсига оқизади:

— Ўелим, Гатама, — деди, она учун энг буюк даҳшат — ўелининг сўйилишини кўришдир. — Борақол, сени Марут³га топширдим. Бошинга бирор фалокат тушса ҳам мендан олисда бўлсин. Кўриб куймайин. Сени оч-наҳор ўстирдим, сутимни сендан аяганим йўқ! Порлоқ Агни ҳам сендан ҳимоясини аямасин! Онаизорингни унутма! Отангдан ёдгор бўлиб бир қўлтумор қолганди, билагинга боғлаб қўйдим. Онангни эсласанг, уни ҳидлаб қўй!

Боланинг чинқирғи онанинг фарёлига қўшилиб кетди. «Ойижон», — деб ҳайқирган болани сув оқизиб кетди. Кекса Ганга соҳили кўз ёшидан ҳўл бўлди...

Икки кундан кейин бола миниб бораётган ёғоч саёз жойга келиб қадалиб қолди. Сувга келган бир чол болани кўриб қолиб, уни ёғочдан ечиб, соҳилга олиб чиқди.

¹ Олов, осмон ва ёғингарчилик — фасл илоҳлари.

² С о м а — ичкилик.

³ М а р у т — тонг ели.

У ерда қирқта яланғоч киши ўтирган эди. Улар болани ораларига олиб, едириб-ичирдилар. Кейин ундан сўрай бошлашди:

— Дунёда энг буюк нима?— деб сўради улардан бири.

— Агни, — деди бола.

— Дарвишлар бунга қўшилмайди, — дейишди улар.

Шунда бири:

— Инсон учун энг зарур нарса нима? — деб сўради.

— Овқат, сув ва ҳаво, — деди бола.

— Дарвиш буни инкор қилади, — дейишди яна ҳалигилар.

— Дунёда энг катта раҳбар ким?

— Браҳма!

— Дарвиш буни тан олмайди!

— Одамларга ҳукм қилувчи ким?

— Подшоҳ.

— Дарвиш буни инкор қилади.

Хуллас, бола ўз яшаган муҳитида буюк деб эшитган омилларни дарвишлар инкор қилишди. Ниҳоят, дарвишлардан бири унга:

— Баданга ким ҳоким? — деб савол берди.

Бола кўп ўйлаб ўтирмай:

— Бош, — деб жавоб берди.

Дарвишлар бошларини таналаридан аяриб, ерга улоқтирдилар. Ҳар бир бош бир томонга тушиб:

— Дарвиш уни рад этади, — деб бақирди.

Бола бу манзарадан даҳшатга тушиб, йиғлаб юборди. Бошлар ўша заҳоти думалаб ётган ерларидан сақраб яна баданларга ўрнашдилар. Дарвишлар боланинг кўз ёшларини артиб, уни тинчлантиришди.

Эртасига саҳар пайти дарвишлар ўринларидан туриб, ёнларидаги ўрмонга боришди. У ердан ҳар биттаси биттадан илон келтиришди. Илоннинг бир қарич бошидан, бир қарич думидан кесиб ейишди. Кейин ҳаммаси учиб биттадан дарахтга қўнишди. Бола қўрқиб кетиб яна йиғлади. Дарвишлар дарахтлардан учиб тушдилар, боланинг кўз ёшларини артиб, уни тинчлантирдилар...»

Шу аснода Жайниз кўлимни қисиб:

— Бу аран ҳам бизларни лақиллатяпти, одам ҳам учадими? — деб қулоғимга пичирлади. Ўзимни қулгидан зўрға тутдим. Аран ҳикоясини давом эттирди:

...Ой ўтди, йил ўтди, бола дарвишларнинг ғайритабиий ҳаракатларига кўникди. Дарвишлар ҳам уни ўз сеҳрлари сиридан воқиф қилишди...

Гатама бир неча йил шу ерда қолиб, туппа-тузук сеҳр устаси бўлди.

Бир куни Гатама билагидаги қўлтуморига қараб онасини эслади. Дардини дарвишларга айтиб, уларни тарк этди. Ганга дарёси бўйлаб шимолга қараб юраверди. Йўл-йўлакай сеҳр кўрсатиб, қорнини тўйғизиб бораверди. Ниҳоят, бир қишлоққа келиб қолди. Одамлар дарвиш келганини кўриб, атрофини ўраб олишди. Гатама халққа турли-туман сеҳрлар кўрсатди. Аввалига бошини узиб, ерга ташлади. Кейин кўлининг биттасини узиб олиб, бир аёлга узатди. Аёл Гатаманинг билагидаги қўлтуморни кўриб додлади-ю, хушидан кетди. Гатама аёлнинг ёнига келиб, диққат билан қаради-ю, бирдан:

— Ойижон, — дея ўкираб юборди.

Бир оздан кейин она ва ўғил бир-бирларини бағирларига босиб, севинч ёшлари тўқдилар.

18

Сўнгги пиллапояга чиқиш керак эди. Най овози тинар-тинмас еттинчи аран ўрнидан туриб:

— Тўхтанглар — деди. Тўхтадик.

— Тўхтанглар, аранларнинг сўнгги ҳикоясини тингланглар!

Аран ҳикоясини бошлади:

«...Афинада бойлиги билан машҳур бўлган Нестор қумуш қонларини айлана бошлади. Кейинги пайтларда мамлакатнинг даромадлари давлат раҳбарларининг жиддий эътиборини тортаётганди. Қумуш ҳам давлат даромадида муҳим ўрин эгал-

лаётганди. Нестор тажрибали тожир бўлгани учун бу масалага катта аҳамият бериб, хусусий конларига эътиборни кучайтирди. Лекин конларнинг ҳолатидан унчалик мамнун эмасди. Аввало, қонда ишлаётган қулларнинг сони оз эди. Иккинчидан, улар қилаётган иш унумли натижа бермаётганди. Ҳамма жойда дангасалик ва кўзбўямачилик авж олганди.

Нестор қулларини қўрқитиш учун айлангани борган жойларида улардан бир нечтасини калтаклатишни одат қилиб олганди. Бу сафар ҳам анча-мунча одамни калтаклаттирди. Лекин шу пайтгача қуллар орасида учратмаган бир кишига дуч келди. Филип деган бу одам калтакланган сари Несторни, айна пайтда ҳукуматни сўкишга журъат қиларди.

Нестор конлардан кайфи бузилиб қайтди. Афинага қайтгач, қул бозорига кирди. Даллолар бозорга жуда кўп қул келтиришганди. Улар орасида турли-туман одамлар бор эди: кўзлари катта-катта, жингалак соқолли оссурийлар, чорпахил, япасқи бурун исроилликлар, кибор сиймоли мидияликлар, қийиқ кўз искуитлар, занжилар, алвон кийимли Кападося, Лидия ва орол одамлари диққатни жалб этарди. Сотилган олиб чиқилган қуллар орасида турли ёшдаги қизлар ҳам оз эмасди. Харидорлар кам бўлгани учун Нестор қулларнинг бу кунги нархини маъқул кўриб, улардан йигирма бештасини сотиб олди ва тамға урдириб, мулозимларидан бири билан конга жўнатди.

Нестор Мисрдан келадиган кема ҳақида маълумот олиш учун соҳилга тушмоқчи бўлди. Лекин шу кунни уйда зиёфат бўлишини эслаб, орқага қайтди.

Нестор янги қурдирган уйини безаш учун, айна пайтда ўз шухратини орттириш ниятида оқ мрамрдан ҳайкалинини ясаптираётган эди. Ҳар кунни бир соатдан ҳайкалтарош Алгаменнинг ҳузурини ўзини кўз-кўз қилиб турарди. Зиёфат бошлангунча ҳайкалтарош ҳузурини боришни ҳам мўлжаллаганди. Аммо ҳисобдан янглишганди. Алгамен уни бир оз кўпроқ ушлаб қолди. Уйига келса, барча меҳмонлари йиғилиб бўлишган экан. Узр сўраб жойига ўтирди ва овқат сузишларини буюрди. Қулларнинг қўли-қўлига тегмай меҳмонхонага овқат ташиб бошлашди.

Афинанинг айрим файласуф, шоир ва ҳақимлари шу ерда эди. Зиёфат бошланди. Овқатланиб бўлишгач, худолар ва миллий қаҳрамонлар номига дуолар ўқилди. Кейин меҳмонлар бошларига гулчамбарлар кийдирилиб, майхўрлик бошланди. Нозик қадаҳларда шарбатлар сузилди. Ичкарига қўлида сетор туган чиройли бир қиз кирди. Нафис кўйлагидан бутун вужуди акс этиб турарди. Унинг орқасидан хушрўй, норғул йигит кириб келди. Йигитнинг қўлида най бор эди. Мусиқа ва рақс бошланди. Май нашъаси мусиқа оҳангига қўшилиб ёш муғаннийларнинг теварагида жозибадор бир кайфият уйғотди. Меҳмонлар Эрос¹дан илҳом ола бошлашди. Анакреон маст ҳолда ёнидаги Федрга:

— Дўстим, — деди, — менинг фикрим тўғри, деб ўйлайман. Энг азалий куч ишқдир. Эрос — худоларнинг энг қадимийси, энг навқирони ва энг порлогидир. Зевс ҳақи, Зевсдан ҳам юксакдир.

Федр кулимсиради:

— Гапинг тўғри, — деди, — лекин ишқ нима? Ишқ руҳнинг зарурий ва табиий касаллиги эмасми?

Диотим унинг гапини бўлди:

— Йўқ, Федр. Ишққа касаллик дейиш тўғри эмас. Чунки ишқ ўлмас, ҳамиша жонли кучдир. Лекин ишқ икки қисмдан иборат: бири — осмонда, Афродита² қалбида яшовчи, бошқаси эса — ерда, авом орасида айланиб юрган туйғудир. Осмон ишқи ҳеч қандай мақсадни кўзламайдиган, соф ва юксак туйғу. Бу бир жинснинг айна жинсга, эркакнинг эркакка, аёлнинг аёлга нисбатан ардоқлаган ҳиссидир. Оддий ишқ, яъни авом ишқи зурриёт қолдириш муқаддимасидир. Биринчиси ўз-ўзлигида мақсадга эришгучи, иккинчиси эса мақсад воситасидир.

Шоир Алсе:

— Диотим, — дея гап бошлади, — ишқ Афродитанинг қалб тўридан жой олиб, туҳфа қилган оловдир. У аланга олиб ёнаркан, икки олов чўғи бир-бирига қўшилиб кетади. Ишқ — бу руҳ маъбадларида ёнғувчи абадий олов!

Ҳақим Мимнери қўлидаги пиёлани стол устига қўйиб, деди:

¹ Эрос — ишқ илоҳи.

² Афродита — ишқ илоҳаси.

— Диотимнинг ишқ назарияси билан сира келиша олмайман. Ишқ айна жинсларнинг эмас, балки бошқа-бошқа жинсларнинг зурриёт қолдириш мақсадида бири-бирига интилишидан иборат. Хоҳ одам, хоҳ ҳайвон ёки ўсимликлар орасида эркакнинг урғочига, урғочининг эркакка нисбатан асраб-авайлаётган орзу — бошда касаллик пайдо қилади. Улар бир-биридан узоқлашса, бу касаллик янада зўраяди. Ниҳоят, жисмоний эҳтиёж қолмагач, касаллик ҳам тугайди. Бир жинснинг айна жинсга нисбатан уйғонган эҳтироси табиатга қарши исёндан бошқа нарса эмас!

Анжумандагилар тамомила маст эдилар. Машшоқлар бирининг оғушидан иккинчисининг кучоғига ўтар, уларнинг мадҳига ваъзлар айтилар, шеърлар ўқиларди. Уй соҳиби Нестор ҳам гоҳ қизнинг, гоҳ йигитнинг олдида тиз чўкиб, маъно-ю мантиқсиз лутф қиларди.

Бирдан эшик очилиб, ичкарига жулдир кийимли, афт-башараси кир бир киши кирди. Унинг келиши ҳеч кимнинг завқини бузолмади. Фақат Нестор уни кўриб қотиб қолди-ю:

— Филип, — деб бақирди.

Филип ўлжасига ташланаётган йиртқичдек сакради. Ўнг қўлининг бир кўтарилиб тушгани кўринди. Нестор гурс этиб ерга қулади. Юрагидан вишиллаб отилаётган қондан атроф қизара бошлади».

Аран ҳикоясини тугатиши билан яна найлар чалинди.

19

Етти «Хўроз» маъбадига кирдик. Жимжимадор деразалардан ичкарига тушиб турган ёруғ маъбадни янада ҳайбатли, янада жозибадор қилиб кўрсатарди. Энг тепада турган оқ кийимли етти қиз алвон рангли нурлар оғушида ҳинд афсоналарини эслатарди.

Меҳробга ёндашиб турдик. Етти аран ҳам қизларнинг атрофини ўраб, най чала бошлашди. Аёллар, эркаклар — бутун қабила аҳли шу ерга тўпланди. Ниҳоят, барча жим бўлди. Тўпланганлар қизларнинг куйлашини кутишарди. Қизлар дилрабо товушда куйлай бошлашди:

Элдан бўлак тутдик хўроз йўлини,
«Ҳақ билиб бошлаган йўлдан қолмаймиз».
Хўрозларнинг боқий қилдик дўлини¹
«Ҳақ билиб бошлаган йўлдан қолмаймиз».

Етти аран товши² ҳақнинг сасидир,
Найларнинг садоси ошиқ дарсидир,
Маъбадни қулдирган ёш ҳавасидир,
«Ҳақ билиб бошлаган йўлдан қолмаймиз».

Ловулаган ўтдан рози бўлайлик,
Тупроқ, ҳаво асрорига тўлайлик,
Сув йўлида гулу ғунча бўлайлик,
«Ҳақ билиб бошлаган йўлдан қолмаймиз».

Юртимиз улғайиб чечаклар очди,
Меҳнат нурларини оламга сочди,
Золимлар тирқираб ҳар томон қочди,
«Ҳақ билиб бошлаган йўлдан қолмаймиз».

Биз етти қиз ҳақнинг шан чироғимиз,
Маъбадларни нурлантирар ёғимиз.
Завқланамиз ўтда ёнган чоғимиз,
«Ҳақ билиб бошлаган йўлдан қолмаймиз».

¹ Дўли — зурриёти, авлоди.

² Товши — товуши, овози.

Маросим тугар-туғамас аввал аранлар, қизлар, муаллимларимиз, сўнгра бутун қабила аҳли ёшлар ёнига келиб, бизларга саодат тиладилар. Кўплаб гулдасталар, жўжахўрозлар ҳадя қилувчилар ҳам бўлди. Ота-оналаримиз қувончининг чеки йўқ эди.

Энди барча одат ва маросимлар ниҳоясига етганди. Қабиладаги сўнги кечамизни оиламизда ўтказиб, эрталаб «Кўчқор» қабиласига қараб йўл олишимиз керак эди. Онам турли-туман пишириқлар тайёрлади, ҳаммамиз хурсанд ҳолда дастурхон атрофига тўпландик.

— Чопо, — деди отам, эртага сен бизларни тарк этасан. Ота-она учун энг буюк бахт фарзандини саломат ва саодатли кўриш. Бориб бахтингни топ. Омон-эсон юр! Аммо ҳаёт деганлари хўп галати нарса, шуни унутма! У тиришқоқлар ва уддабуронларни сийлайди. Ишламайдиғанлар, ожизлар, дангаса ва бадфёъллар ҳаётда ўз ўрнини тополмайдилар. Шунини яхши бил! Оила ҳаётига келганда, бу ҳам галати нарса. Унча-мунчага тўғри келавермайди. Ўйлаган нарса ҳамиша бўлавермайди. Яхши деб ўйлаган нарсанг ёмон бўлиб чиқиши, ёмон деб гумонсираганинг эса дуруст бўлиб чиқиши мумкин. Ҳар ҳолда Қизлар булоғида ўзингга ҳаёт йўлдоши танлаётганда ташқи гўзалликка учма. Ташқи гўзаллик вақтинча. Бугун бор — эртага йўқ. Ботиний гўзаллик эса собит ва ўзгармасдир. Уни тўғри танлай билиш саодат эшигини очиш демакдир. Ишқ жўшқин эҳтирос уйдурмаси, холос. Унга ружу қўйсанг — хушёрликни йўқотасан. Ишқ жозибасига кўп ҳам учаверма! Агар бор деб ишонсанг, аҳдингда қатъий тур, шубҳаларга ўрин қолдирма! Ишқ сўнган тақдирда ҳам уни оловлантиришга ҳаракат қил. Зеро, одамнинг хаёли жойида бўлмаса ҳаёт мевасиз бир сахрога айланади.

Инсон — иродасига молик бўлиш иқтидоридан маҳрум хилқат. Агар проданг муҳит шароитига мослаша олмай қийналса, бўш келма, жамиятга жипслаш, шароитни ўзгартиришга ҳаракат қил. Шахсий ожизликни фақат жамиятга ҳимоя қила олади. Жамият фойдасини шахсий фойдангдан ҳамиша устун тут!

Отамнинг панду насиҳатларини онам бош тебратиб, тасдиқлаб турарди. Синглим эса жилмайиб қўярди, холос.

Отам бир оз жим тургач, янгидан бошлади:

— «Кузғун»дан бизнинг уйга келган йигитни қайтариб юборсак керак, деб ўйлайман. Чунки на мен, на онам ёшларнинг ҳаётларига аралашиб ниятида эмасмиз. Сенинг «Кўчқор» да куёв бўладиган оилани ҳали билмайман. Уларга ўғил бўлиб борасан. Одам юзи офтобдан иссиқ дейдилар. Хоҳласанг қайнотанг ва қайнонанг раъйини топа оласан. Кексаларнинг раъйларига қараш керак. Акс ҳолда умримизни заҳарлашади. Уларнинг ҳар бири ўз табиатига, ўз феълига эга. Ана шу табиатга йўл топа олиш лозим.

Одам баъзан жўшиб, толади. Ана шундай пайтида ақлдан адашади. Шу аснода ўзингни қўлга ол. Тўғри йўлни фақат сокин ақл кўрсата олади!

Отамнинг насиҳатларини тинглаб, рост, аниқ идрок қилмасдим. Фақат эртани ўйлардим. Бутун фикру хаёлим Қизлар булоғи атрофида жавлон урарди. Эҳ-ҳе, қандай гўзал дамлар эди!!!

ИККИНЧИ ҚИСМ

1

Қуёш илк шуъласини Тотем тоғига ёйганда қабиламининг тарк этдик. Биз ўн беш нафар йигит эдик. Қабила оқсоқоли Журжайс ва ўқитувчимиз Кабусей бизни бошлаб борарди. Яйловдан ўтиб, тўғри йўлга чиқдик. Атрофдаги ўрмонлар гулга бурқанганди. Баҳорнинг илиқ нафаси жонга хузур бағишларди.

Табиий гўзаллик олдида ҳамма жим борар, атроф сукутини бузиб қўйишдан кўрққандек, ҳеч ким гапиришга ботинолмасди.

Кекса Кабусей ниманидир ўйлар, қулимсираб борарди.

— Нима гап, аран? — дея сўради Журжайс, — Афтидан йўл оғирлик қилаётганга ўхшайди. Қариб қолдингиз, шекилли?

— Шундай, шундай, азизим! — деди Кабусей. — Ҳар ҳолда олтмиш йил олдин бу йўлни илк дафъа босиб ўтганимда юришим бошқача эди.

— Нимасини айтасиз, мен қирқ йил аввал бутунлай бошқача завқ билан яшардим.

— Ҳа, шундай! Энди қариб қолдик. Сўнгги довон сари боряпмиз. Ҳадемай уфқ бизни ўз ортига яширади. Ғалати гардиш: келдик, кетдик: келиб кетишди ... ва келишади, кетишади. Ҳа, азалият ва абадиёт!

Журжайс жилмайди, ўйга толган Кабусейга қараб:

— Аран, — деди, — мен ижтимоий ишлар билан машғул одамман. Мавҳум масалаларга сира ишим тушмаган. Лекин сизнинг гапларингиз мени ўйлантриб қўйди. Нима гап? Айтолмайсизми?

— «Нима гап?» дегувчиларга жавоб йўқ!

Журжайс ғалати қараш билан муаллимга ўгирилди. Иккаласи ҳам тўхтаб қолди. Кабусей ҳансираб:

— Идрокнинг у томони чуқур денгиз, у ёққа ўтган ғарқ бўлади, — деди.

Уларнинг гапларига қизиқиб қариялар атрофини ўраб олди. Муаллим бизларга қаради, бирдан ғамгин чеҳрасида табассум ўйнади:

— Журжайс, — деди, — узоқ одамни узади, яқиндан гаплашайлик. Мана, ёшлар ошиб-тошади, жўшади, минг бир ҳавас, минг бир фараҳ, завқ беради! Яна бир бор йигит бўлиш учун ҳар нарсага рози бўлардим!

Кўзларини Кабусейдан узмаган Журжайснинг завқи янада ортди:

— Аран, келганимга пушаймонман: ҳаётимда ижтимоий ишлардан бошқа нарсани билмас, мавҳум фикрлар билан шуғулланмасдим. Энди менинг ўзимда мавжуд шахсдан бўлак бир шахс уйғотдинг. Унинг саволларига жавоб қайтаришдан ожизман.

— Беҳуда гап! Одам ўз бошидан баланд сакрай олмайди. Ҳаётимнинг қирқ йилини фалсафага бағишладим. Идрокнинг инъикосини ўрганай дедим ... Умримнинг ажойиб қирқ йилини йўқотишдан бошқа ҳеч нарсага эриша олмадим. Фақат бир ҳақиқатни билдим — озод яшаш, тўқ яшаш. Мана, шу — ҳақиқат! Мана шу икки омилни таъминловчи — меҳнат. Меҳнат қилмоқ, яшамоқ, яшаттирмоқ!

2

Ўрмондан чиққанимизда оқ уйли қабиланинг яшил борлари кўзга чалинди. Бу ерда зоҳирий гўзалликдан ташқари тушуниш қийин бўлган сиру синоатлар борга ўхшарди. Гўё қабилга ҳавосила маънавий озуқа бордек, нафас олсанг житарларга ҳаёт бахш этарди. Бу ҳаводан маст бўлдим. Ҳаяжоним ҳам босилди. Фақат юрагим ҳазин кўбиз ноласини тингларди. Бошқалардан ажралиб бир чеккада ҳаёл суриб турганимни кўрган Кабусей ёнимга келди:

— Нима бўлди, бўтам? — деб қўлини елкамга қўйди. Жилмайиб кўзларимга қаради. — Ҳаёт сўқмоғига яқинлашяпсан. Саодат шароби лабларингга ҳузур бахш этгач, ҳаётинг бошқача тус олади. Маст бўлишдан сақлан! Ёшликнинг ҳар бир дақиқасини эҳтиёт қилиш керак. Бахт учар бир юлдуз. Шуур унинг порлашини орттиради. Ёшликни сезиш, ҳар қаламини ҳис қилиш, кейин эса завқланиш лозим.

Муаллимнинг нашъали юзига қараб ҳисларим жунбушга келди: вужудимни ҳаяжон қоплади ...

Кулоғимга чалинган товушлар мени уйқудан уйғотгандай бўлди: қабилга олиб кирувчи йўл устида катта дарвоза ўрнатилганди. Дарвозанинг пештоқига илинган кўчқор бошининг шохлари гуллар билан безалганди. Қабилга бошлиғи оқ кийимли, сочлари оппоқ аёл бизни кутиб турарди. Унинг ёнидаги ёш қиз қўлида усти ёпилган патнис кўтариб олганди, уларнинг орқасида кишилар, аёллар, болалар саф тортишганди. Болаларнинг қўлларида гулдасталар.

Уларга яқинлашиб бордик.

Қабилга аҳолиси бизларни ўз рамзлари бўлган Кўчқорнинг шарафига «ма-а-а» дея маърашиб кутиб олишди ва қўлларидаги гулларини оёқларимиз остига ташлашди.

Бизлар ҳам қабиламизнинг рамзи Хўрознинг қичқирлигини эслатувчи товушда уларга жавоб қайтардик.

Олдинда бораётган Журжайс аёлга таъзим қилди. Иккаласи юзма-юз туришди. Ўрта ёшлардаги икки аёл патниснинг устини очишди. У ердан еттига оқ тошни олишди. Ҳар икки қабилга бошлиқларининг чап қўлларини кўтариб, бош бармоқ-

ларининг учини тилишди. Бармоқлардан сизиб чиққан қонни яшил барг устида аралаштириб етти оқ тошга теккизиб чиқишди. Кейин бу тошлар йўлнинг ўртасига бостирилди.

Бу одат икки қабила ўртасида вужудга келган биродарликка ишора эди.

Ўнг томондан етти оқсоқол ажралиб чиқди, бошларимизга етти жез юлдуздан ишланган тож кийгизишиб, орқасига қайтишди.

Бу одат Етти оғайни юлдуз ҳимоясига кирганимизни билдирарди.

Чап томондан етти фариштали аёл чиқиб, ҳар биримизнинг кўксимизга мумдан ишланган етти анор қадаб қўйишди. Анор ишқ рамзи экан. Етти анор Етти оғайни юлдузнинг бир-бирига нисбатан абадий муҳаббатини ифодаларкан.

Маросим тугаганидан сўнг қўчқор шохларидан ясалган сурнайлар чалинди, қабилага қўшилди.

3

Қабила бошлиғи бўлган аёлнинг исми Шибра хотин экан. Унинг амрига биноан бизларга хизмат қилиш учун қабила ёшларидан ўн беш нафари ажратилган ва улар ёнимизда ҳозир у нозир эдилар. Бизларни умумий ҳаммомга олиб боришди, ювинтиришди, янги оқ кийим кийдиришди.

Бизлар жойлашган уйнинг ҳовли боғида дастурхон яратилганди. Овқатлангани ўтирдик. Бизлардан ташқари бу ерда Шибра хотин, муаллим Нимрад, спорт муаллими Буғатой, файласуф Илюс, санъаткорлар намояндаси Аҳанасб, ҳақим Кейҳун ҳам бор эди. Чарчаганимизни ҳисобга олиб, зиёратда бошқаларнинг иштирок этишини лозим кўришмаганди.

Дастурхонга бир неча хил овқат тортилди. Одатга кўра, дастурхон тўрида ўтирган қабила шўроси бошлиғи оғзига бир тишлам нон олиш билан зиёратни бошлаб берар, неъматлардан уч тури ёйилиб бўлингачгина суҳбат бошланаркан.

Шибра хотин қўлини дастурхонга чўзди, биз ҳам овқатланишни бошлаб юбордик. Орага оғир сукунат чўкканди. Оғизларнинг чапиллашидан бошқа ҳеч нарса эшитилмасди. Учинчи пишириқ дастурхонга тортилиб, еб бўлинар-бўлинмас Шибра хотин ўрнидан турди:

— Азизларим, — деди, — ҳуш келибсизлар! Ҳазрат Қўчқорнинг руҳи сизлар тўйгандан кейингина роҳатлана олди. «Хўроз» билан «Қўчқор»нинг қон-қардошлиғи ажойиб ёшларимизга берган саодат учун уларнинг шарафига бода нўш қилайлик.

Сопол хумлардан қўйилган наmez ичимлиги сипқорилди. Аввалига улар «Қўчқор» бўлиб маъраида, кейин бизлар «Хўроз» бўлиб қичқирдик.

Сўнгра муаллим Нимрад Шибра хотин ишораси билан ўрнидан турди. Ўрта ёшлардаги сочлари ўсиқ Нимрад халатининг кенг барини елкасига ташлаб, шундай деди:

— Болажонларим, боғбон гул ўстиришдан завқлангани каби, муаллим ҳам тарбиялаган ёшларининг шавқи билан яшайди. Ҳар йили бир марта шу ерга тўпланиб узоқ йиллар давомида заҳмат чекиб етиштирган маҳсулимизни тарк этиб, янгиларини етиштиришга киришамиз. Лекин бизларни ҳиссиз, тошбағир деб ўйламанглар! Улғайтирган ёшларимизни ҳаёт саҳнасига чиқариб қўярканмиз, юрагимизнинг бир парчасини узиб ташлагандек бўламиз. Дилдаги мана шу доимий каларга нисбатан улкан тасалли топамиз. Зеро, шу ёшлар қалбида ёндирганимиз ҳақиқат чироғининг абадий порлашига ишонамиз, имон келтирамиз.

Қадаҳларни кўтаринглар, ҳақиқат чироғининг собит ва боқий бўлиши учун сипқорайлик.

Кўп ўтмай сўз навбати файласуф Илюсга тегди. Илюс узун соқолли, чигал сочли, оғир гавдали кекса бир киши эди. Ўрнидан зўрға турди, овқат ёйишда ишлатган чўплардан бирини бармоқлари орасида айлантитаркан, кўзларини пирпиратди.

Файласуфнинг чўпларига кўзи тушган Жайниз тиржайди ва қўлимни қисиб:

— Манави ҳарифни қара, роса кулгили-ку, — дея қулоғимга шивирлади.

Мен кулиб юборишдан ўзимни зўрға тийдим. Илюс ниҳоят кўзларини бутунлай юмиб олди-да, гап бошлади:

— Юртдошлар, — деди у, — мана шу дастурхон узра биринчи бор ўтирганимдан бери элик беш баҳор ўтди. Бу нима дегани? Табиатнинг элик беш бор ўлиб тири-

лиши, дегани. Йилнинг алмашинуви бизга шамолда ўчиб, қайтадан ёнган шаъмни англагани сингари, инсон ҳаёти ҳам абадият олдида шундай бир гап. Бири ўчади, иккинчиси ёнади. Одамлар алмашади, лекин ҳаёт абадий қолади.

Шундай қилиб, бугун ўтмишга айланмоқчи бўлаётган баҳорларимиздан бирини янги ҳаётга илова қилаётимиз. Яшасин, ўтмиш билан келажак ўртасида абадий кўприк қурувчи ёшлик!

Қадаҳларни кўтаринглар, абадий ҳаётнинг порлоқлиги шарафига ичайлик!

Қадаҳлар кўтарилди. Ҳамма яна овқат ейишга тутинди.

Сўнг Аҳанасб ўрнидан турди:

— Ҳамкасблар, — деди, — ҳаёт меҳнатнинг маҳсули. Меҳнат бўлмаса, тириклик ҳам бўлмайди. Меҳнат, фақат меҳнатгина абадиятни таъминлайди.

Бизни ҳайвонлардан ажратган, бизга зако бахш этган идрокимизни ривожлан-тирган меҳнат эмасми?

Келинглар, меҳнатнинг шарафига ичайлик, авлодларимизнинг ҳам шу йўлдан боришини тилаб қолайлик!

4

Аҳанасб намезини ичиб, жойига ўтирди. Бир муддат анжуман сокинликда ўтди. Шу пайт дарахтлар орасидан кўринган галати бир киши ҳамманинг диққатини ўзига тортди.

Қора ва узун сочли, юзидан нур балқиган, этакларини елкасидан ошириб ташлаган бу киши биз томон келарди. Бошидаги юлдузли қалпоғининг ён томонларида қўчқор шохи бор эди. Қўлидаги уч торли қўбизи нақшлар билан безалганди. Дастурхон ёнига келар-келмас чақноқ кўзларини осмонга қадаб, ингичка товушда куйлай кетди. Қўбизнинг сеҳрли садоси руҳимизни уйғотиб, қалбимизга ҳаяжонли нашгалар бахш этди. Аввалига уни истеҳзо билан кузатиб турган Жайниз мулзам бўлди. Куй оҳангидан маст бўлиб, менга суяниб қолди.

— Бу ким? — деб сўрадик.

— Шоир Милнир, — дейишди.

Милнир ашуласини тугатиб, нафис товушли қўбизда «хуш келдингиз» куйини чалди. Қадаҳларга шароб куйилди. Ҳамма эҳтиром билан ўрнидан турди: шоир шарафига қадаҳ кўтарилди.

Милнир Шибра хотиннинг ўнг томонига ўтирди. Унга алоҳида овқат келтирилди. Қалтираб турган қўллари билан шоша-пиша емак чўпларига ёпишди, апилтапил овқат ейишга киришди.

Кулиб турган кўзларини шоирдан узмай қараб турган Шибра хотин унинг қулоғига нимадир деб пичирлади.

Шоир ярадор қуш мисол типирчилаб қолди, сочларини силкитиб ўрнидан туриб кетди. Ҳамма у томонга қаради. Шоирнинг мовий кўзлари сокин денгизни эслатарди. Юзида илҳом шуълалари балқирди. Чап қўли билан узун сочларини силаб, гап бошлади:

— Эй, тонгнинг шаффоф шудринглари билан ардоқланган ёшлар! Қалбимизнинг илк баҳори, осмонимизнинг тоза шафағи, порлоқ куёши, нафис булуғлари — барчаси сизларга бахшида!

Сизлар азалиятнинг жўшқин тўлқинини қучган ёруғ оловсизлар. Сизларда ёнмоқ, сизларда жўш урмоқ саодати жўшиб турибди.

Эй, ғариб сайёрамизни титратувчи садоларнинг садоси! Эй баҳорнинг сокин соҳилларида елканини кенг ёйган осий йўловчининг дуоси! Эй, қанотли нашгалар-ла коинотга абадият элтувчи ёшлик!

Ўзим ҳам, қўбизим ҳам, шеърим ҳам, илҳомим ҳам, фикру зикрим ҳам — бари сизларга садаға!

Кўзларидан ёш милтиллаган шоирнинг овози танҳо чинор япроғи мисол титради, тинди.

Қадаҳлар кўтарилди:

— Яшанг, шоир! — дея олқишлар ёғилди.

Шоир қадаҳни шахд кўтарди, ёшларга нисбатан жўш урган ҳисларининг абадийлигига ишора тариқасида қадаҳини қўбизига уриб парчалади.

5

Зиёфатдан кейин уйга қайтдик. Ётиш учун икки кишига биттадан хона ажратилганди. Жайниз билан бир хонага жойлашдик. Намезнинг таъсирида бўлганимиз учун анча вақтгача ухлай олмадик. Жайниз табиатан ҳар нарсани таҳлил ва танқид қилар, энг мақбул кўрган нарсасидан ҳам шубҳаланарди. Бу сафар урф-одатларимиз ва маросимларимиз ҳақида баҳс кетди. Мен анъаналарни тавоф қилувчиларданман. Ишонмаган бирор одатга нисбатан ҳам эҳтиромда бўламан. Жайниз бўлса, истехзо қилар, ўзи ишонмагани етмаганидек, менинг имонимни ҳам шубҳалар билан заҳарларди. Бугунги иштибоҳларимни унга жўшқин кайфиятда тушунтираётганимда Жайниз истехзо билан кулди:

— Муҳофазақорлик ҳаётга турғунлик бағишлайди, — деди, — ҳолбуки турғунлик ҳаётга ярашмаган сифатдир.

— Бу тўғри, — дедим, — лекин муҳофазақорликка риоя қилинмаса асрлар тажрибасидан фойдаланилмайди. Анъана жамиятнинг рукни.

— Нима, анъана бўлмаса жамият яшамайдими?

— Яшайди, аммо адашишлар билан яшайди.

— Анъана эмас, ақл, яна ҳам тўғрироғи — жамоа ақли керак.

— Зотан, анъана насллардан жамланган жамоа фикри эмасми?

— Йўқ! Тарих чангларига булганган ақл замонимизга ярашмайди. Жамиятимизга жонли онг керак.

— Жонли онг ирсият қонунига бўйсунмайдими? Сен тасаввур қилаётган ҳар бир жонли онгда асрларнинг изи бор.

— Бунга эътирозим йўқ, аммо онг муҳокама кучидан маҳрум бўлмагани ҳолда, анъана бундай муҳокамаларни тан олмайди. Аждодлар маънавиятига мослаштирилган мезон бизга тавсия қилинаётир. Ҳолбуки, бизларнинг маънавиятимиз уларникидан бутунлай бошқа.

— Аждодларнинг маънавият доираси тор бўлганда ҳам унинг мазмуни бизларга монелик қилмайди. Чунки ўтмишнинг тажрибаси ҳозир учун фойдали. Бизнинг анъаналаримизда асрлар тажрибасидан бўлак тушуниш қийин бир гўзаллик ҳам бор. Истехзо қилсанг ҳам мен ана шу гўзалликнинг мафтуниман.

Гапларимдан Жайнизнинг лабларида истехзоли кулги ўйнади:

— Дўстим, — деди, — ҳаммасига тушуниб турибман, бироқ гўзал дея мафтун бўлганинг ўша нарса менга бегона.

— Демак, бошқа-бошқа дунёқарашга молик бўлганимиздан бир-биримизни тушуна олмас эканмиз-да! Шунинг учун бирга бўлишимиз янада фойдали бўлади, деб ўйлайман.

Жайниз юзини девор томон ўгириб, кўзларини юмди.

6

Таомилга кўра, келганимизнинг учинчи куни Қизлар булоғига борар эканмиз. Эрталабдан бизларга маълум қилинди. Тайёрландик, берилган оқ кийимларимизни кийдик. Ҳар ким қўлидан келганича ўзига оро бериши керак эди. Фақат Жайнизгина ҳамишагидек ташвишли кўринарди.

— Яна нима бўлди, дўстим? — дедим.

Минғирлагандай бўлди.

— Жайниз, — дедим, — барча шубҳа ва ташвишларингни тушунаман. Лекин ҳозирги аҳволинг менга қоронғу.

— Нега?

— Чунки йигитда ёшлик нашъаси шу қадар табиий бўладики, изоҳга ҳожат қолмайди.

— Ҳар бир нарса изоҳга муҳтож.

— Очикроқ гапир.

— Очикроқ? ... Нар сурувнинг мода сурувга қўшилишига унчалик ҳушим йўқ. Уйланиш шахсий иш бўлгани учун уни ҳар ким ўзи ҳал қилиши керак.

Кайфиятимни Жайнизнинг шубҳалари билан заҳарламаслик учун ундан ажралдим ва нонушта пайти бошқаси билан ўтирдим.

Куёш куббанинг ўртасидан ётоғига қараб йўлга тушганда бизларга биттадан кумуш ночор¹ улашишди. Уни ёқтирган қизимизга беришимиз керак экан.

Ночор шу пайтгача ҳеч кимга очилмаган сирларимиз рамзи экан.

Йўлга чиқдик.

Сариқ тоғнинг этагидаги яшил ўрмон тилла устига зарб қилинган ферузани эслатарди. Кўм-кўк ўтлоқни безаган гулларнинг иси димоққа урар, кишини маст қиларди.

Алвон рангдаги тошлардан шалдираб оқаётган сой бўйлаб тоққа қараб ўрлаб бо-равердик. Сўқмоқ бизларни кенг бир майдончага олиб чиқди. Чап томонда тик қоянинг кўксидан қайнаб чиқаётган чашманинг сеҳрли таронаси қулоққа чалинарди.

Ўртада кўлни-кўлга бериб, доира ясаган оқ либосдаги қизлар ҳазин-ҳазин куйлашарди:

Келдик чашмага
Сувдан ичмакка,
Оқ кўчқорларга
Таъзим этмакка.

Гуруҳимизни бошлаб бораётган Милнир бу ҳолдан завқланиб, сочларини силкиб кўйди-да, кўбизини кўксига босиб куйлай кетди:

Биз Милнирга жўр бўлдик:

Милнир: — Бу тоғларнинг қизлари бор,

Бизлар: — Ночор, ночор, ночор, ночор.

Милнир: — Нашгалари, нозлари бор,

Бизлар: — Ночор, ночор, ночор, ночор.

Милнир: — Гул-чечакли ёзлари бор,

Бизлар: — Ночор, ночор, ночор, ночор.

Милнир: — Кўшиқлари, созлари бор,

Бизлар: — Ночор, ночор, ночор, ночор.

Овозимиз қизларга ҳаёт бахш этгандай бўлди. Шуъладор юлдузлар мисоли жон кирди уларга. Табассумларидан жозоба ёғиларди.

Илоҳий бир жозоба билан қизларни айланиб ҳимоя ҳалқаси ҳосил қилдик. Қизлар айланишда давом этар, бизлар ҳам уларга тақлид қилардик.

Бизлар: — Қизлар қочар, гуллар очар,

Қизлар: — Ночор, ночор, ночор, ночор.

Бизлар: — Йигит қочар, бахтлар очар,

Қизлар: — Ночор, ночор, ночор, ночор.

Бизлар: — Қизлар қочар, наша сочар,

Қизлар: — Ночор, ночор, ночор, ночор.

Бизлар: — Йигит қочар, кўлда ночор,

Қизлар: — Ночор, ночор, ночор, ночор.

Қабила аҳли атрофни ўраб олганди. Бизлар кўшиқ айтиб майдончада қувлашар эканмиз, улар ҳам ора-сира турфа хил товушларда:

Ноз-ноз-ноз,

Топ-топ-тоз,

дея кўлларидagi оқ тошларни бир-бирига уришарди. Бу одат ёшларнинг бахт юлдузларининг бир-бирига қовушишига ёрдам беришини англатар экан.

7

Рақс тушарканман тасодифан қаршимдаги қизлардан бирининг сочи кўлимга тегиб кетди: худди вулқондан сачраган чўғ мисол ёндиргандай бўлди:

¹ Ночор — юрак шакли.

— Кечир! — дедим.

— Ҳечқиси йўқ! — деб орқасига қайрибди. Юзига ёйилиб тушган сочлари орасидан бутун вужудимга ҳоким бир табассум жилва қилди.

Бир коса намезни сипқориб юборгандай бўлдим: қиз мени асир қилиб олганди. Кўзларимиз қайта-қайта учрашди — иккаламиз ҳам бир-биримизга термулиб қолдик.

Ниҳоят, оёқларим бўшашиб, мадорим кетди, даврадан чиқдим.

Булоқ четидаги катта бир тош устига ўтириб, қиздан кўзларимни узмасдим. Шаффоф кийими остидаги дуркун бадани, типирчилаб, кўзни ўйнатувчи кўкракларни мендан кумуш ночорни шу қизга топширишимни талаб қиларди. Қиз ўзидан кўзларимни узолмай қолганимни кўриб, менга жилмайиб қўяр, табассумлар ҳада этарди.

Бирдан у даврадан чиқди. Ўша заҳоти ёнидаги йигит ҳам даврани тарк этди. Юрагим уришдан тўхтади, вужудимни муз қоплагандай бўлди.

Шу пайт қизнинг мен тарафга қараб келаётганини сездим. Ўтли нигоҳи мени қайтадан иситди. Ўрнимдан турдим-да:

— Кечирасан, чарчадинг шекилли. Кел, дамингни ол, ўтир жойимга, — дедим. Қиз мамнун ҳолда рози бўлди, унинг қўлидан ушлаб, ўрнимга ўтқаздим. Унинг ҳароратидан бутун вужудимда титроқ турди. Гўё бутун коинот мен билан бирга титроққа тушгандай эди. Ҳатто қуёш ҳам сал олдинроқ ботиб кетгандек туюлди.

Илк бор унга диққат билан тикилдим. У қиз эмас, мисоли бир пари эди. Ёноқлари ғалати ёниб турар, лаблари гулларни уялтиргувчи даражада гўзал эди. Дуркун қадли-қомати жозибасидан лол бўлиб қолдим. Ўзимни йўқотмасликка ҳаракат қилдим. Қиз назаримда, менга унсиз тарзда овоз бергандай бўлди. Дадиллашдим. Кумуш ночорни бор титроғу ҳаяжонларим билан қўшиб унга топширдим.

8

Эрталаб Журжайс қабилани айланишимизни айтди. Бир коса сут билан нонни еб, уйдан чиқдик.

Қабиланинг четидаги кенг майдонда қизлар ва йигитлар бадантарбия билан шуғулланишарди. Улар деярли қип-яланғоч эдилар. Қияликдаги курсиларга жойлашдик. Бугатой амри билан ўйин бошланди. Аввал югуришди, кейин оғир тошларни кўтаришди. Улар баданин чиниқтириш учун турли ҳаракатларни бажаришарди. Ниҳоят, камондан ўқ узиш, от пойғаси мусобақалари ўтказилди. Ҳар бир мусобақада биринчиликни қўлга киритганларга совғалар берилди. Совғани топшираётиб Шибра хотин голибларнинг пешонасидан ўпарди.

Бу соғлом танли, кучли мушакли ёшларни кузатаркан, Милнир шавқ билан:

— Ўнг томондаги сариқ қизга бир қаранглар-а, — дерди. — Гўзалликда тенги йўқ. Бирор жойида қусури йўқ. Юзининг ўзи мўъжиза. Бўйни, кўкраги, сонларининг нозик ҳаракати, болдирлари, мўъжаз ва зариф оёғи — гўзаллик тимсоли. Ҳолбуки, ўн уч ёшда бор ё йўқ, ҳали Қизлар булоғидан сув ичгани йўқ. Агар ичса, гўзаллиги ўн чандон ортади ...

Машшоқ Ковус унинг сўзини бўлиб:

— Буниси рост, — деди. — Лекин завқу шавқ деганлари бунчалар жозоба бўлмаса? Кишида ботиний гўзаллик мавжуд бўлса зоҳирий гўзаллик ҳам ўз-ўзидан барқ уради, чунки ташқи нарса ички нарсанинг инъикосидан иборат бўлиши керак, бу икки омилни бир-биридан ажратиб тасаввур қилиш қийин. Жисмоний гўзалликка руҳий гўзаллик ҳам қўшилса, чинакам уйғунлик вужудга келади.

Илкостеҳзоли қулиб:

— Уйғунликни жисм кўпроқ тўлдирадими ёки руҳми? — деб сўради.

— Албатта, руҳ, — деди Ковус.

— Руҳни бутунлай тарбияга тобе қилиб бўладими?

— Бутунлай бўлмаса ҳам, қисман мумкин бўлади.

— Бу йўлда асосий омил нима?

— Мусиқа. Чунки руҳга инсоний ҳислар бахш этишда мусиқадан бошқа омилни кўрмадим.

— Ҳар бир шахс мусиқани ўрганишга қодирми?

— Деярли ҳар бир шахс ўргана олади. Лекин биров илҳом билан ўрганса, бошқаси оддий санъат тарзида қабул қилади.

— Тоштарош тошни тарошлаганда, пахсачи девор урганда руҳида бирор оҳанг уйғонадими?

— Йўқ.

— Демак, мусиқа ҳам шундай.

Фақат илҳом билан вужудга келган мусиқа руҳида оҳанг уйғота олади. Илҳом — табиат инъоми. Илҳомли одамлар маъданли конга ўхшайди ...

Шу аснода Аҳанасб гапга қўшилди:

— Мен, — деди у, — мусиқага тушунмайман. Руҳнинг ҳам нималигини билмайман. Қўлим теккан ва кўзимга кўринган нарсалардан бошқасига ишонмайман. Аммо темирчиликда мен гувоҳ бўлган баъзи нарсалар бор. Оғир юмушдан баданим чарчаса ҳам ўзимда қандайдир нашъа сезаман. Ҳолбуки, ишламаган кунлар бўшашиб юраман ...

— Ана, ана, — деди Илюс, — кўрдингми, Ковус, Аҳанасбнинг гапларида ҳикмат бор. Руҳида оҳанг ҳосил қилувчи бирор куч бор бўлса, у меҳнатдир. Чунки меҳнат жисм ривожини билан руҳида ҳам юқади. Зоҳир ботиннинг эмас, билъақс, ботин зоҳирнинг инъикосидир.

9

Бадантарбия машқлари тугаши билан суҳбат ҳам тўхтади. Бизларни ногиронлар уйига олиб боришди. Қабилянинг меҳнат қилиш иқтидоридан маҳрум барча унсурлари шу ерда эди. Қабиля шўроси буларни ейдиган, киядиган ва бошқа эҳтиёжларини таъминлаган эди.

Ногиронлар уйида Нимрад мактабига ҳам кирдик. Бадантарбия машқларида қатнашган болаларнинг барчаси шу ерда эди.

Нимрад ўз мактаби ва ўқитиш усули ҳақида изоҳ берди:

— Асосий тарбия — болаларни ҳаёт билан таништириш, унинг енгиллашуви ва гўзаллашуви йўлида меҳнат қилишдир, — деди. — Гап шундаки, болалар юмушларнинг барчасида иштрок этадилар, янгиликлар яратиш кўникмасини оладилар.

Кабусей Нимрадни зўр қизиқиш билан тинглаб, саволлар бера бошлади.

— Бир-бирига нисбатан кўполлик қилишмайдими?

— Хоҳ бир-бирларига, хоҳ қабиля аъзоларига нисбатан ҳурматлари зўр.

— Дангасалар борми?

— Асло! Чунки, аввало бадантарбия танбалликни илдиридан қуритади. Кейин йилнинг ҳамма фаслини очиқ ҳавода ўтказувчи талабалар табиатнинг бор инжиқликларига одатланиб, бекор юришни ҳаёлларига келтирмайдилар.

Анчагина саволлар билан қизиқишини қондирган Кабусей ўсмирлардан бирини ёнига чақирди.

— Бўтам, — деди, — душман қабилага ҳужум қилиб қолса, нима қилишинг керак бўлади?

— Жамиятимиз йўлида шараф билан ўлиш, — дея жавоб берди ўсмир.

Кабусей унинг пешонасидан ўпди.

10

Нимраддан кейин Ковус сабоқ бошлади.

— Мусиқа, — деди у, — меҳнатни нашъа намога кўмиш учундир. Ҳаёт қийинчиликлари олдида мусиқа инсонда кўтаринки руҳ ва кураш ҳисси уйғотади. Шу билан у улкан омил эканлигини исботлайди. Хусусан, мусиқанинг мақсади шу!

Ковус мусиқа ҳақида айтган фикрларини исботлаш учун болаларга бир неча куй чалдирди.

Ростдан ҳам руҳимизда тетиклик уйғонди. Ҳатто Илюс ҳам мамнунлигини билдирди.

Ковус яна бир топшириқ берди. Ўсмирлар мусиқа асбобларини бир чеккага қўйиб, қўлларига тош, тахта ва темир парчалари олишди.

Ковус кичик бир тушунтириш берди:

— Мусиқа — табиатда яширин ва яширин бўлмаган товушлардан иборат. Мусиқанинг вазифаси шу товушларни кашф этиб оҳангга солишдир. Хусусан, бу йўлдаги тажрибаларимиздан бири! — дея қўллари билан ишора қилди.

Ўсмирлар қўлларидаги нарсаларни бир-бирига уриб, шундай куй чалишдики, кўпчиликнинг олқишига сазовор бўлишди.

Ковуснинг кулиб турган юзи бирлан жиддийлашди.

— Мусиқанинг вазифаси шу билан тугагани йўқ, — деди. — Мусиқа меҳнатга суръат ва лаззат бериш билан ҳам катта роль ўйнайди.

Бизларни эллик қадамча масофа нарида қад ростлаган иморат олдига олиб боришди. Деворлари эндигина қурила бошлаган бу бинонинг атрофига тош тўкилган эди. Бир ҳандақда лой тайёрлаб қўйилган экан. Ковуснинг амри билан ёшлар бино ёнига келгач, икки гуруҳга бўлиндилар. Гуруҳнинг бири тош, тахта ва темир-терсақларни бир-бирига уриб ғалати куй чала бошлади. Иккинчи гуруҳ эса ишга киришди. Чаққон-чаққон тош ва лой узатиб турилди, девор урилди.

Ишлаётганлар чарчагач, вазифалар алмаштирилди. Энди чарчаганлар мусиқа чалишар, бошқалари эса девор уришарди.

Шу тариқа қисқа вақт ичида девор уриб бўлинди, ҳеч кимда чарчоқдан асар қолмаганди.

Касалхонада ҳам Ковуснинг мусиқа усулларида фойдаланишар экан. Ҳаким Кейхун бизга тушунтира кетди:

— Касалликни даволаш учун тананинг кураш кучини ошириш керак. Тоza ҳаво, овқатланиш ва дам олиш бу соҳада катта иш беради. Лекин ҳар учаласининг муштарақ маҳсули руҳ юксақлигига боғлиқ. Руҳларга куч-қувват бағишлаш учун куннинг муайян пайтларида беморларга атаб мусиқа чалинади.

Касалхонадан кейин боғлар, полизлар ва экин майдонларини айландик. Ҳамма жойда ҳашар қилишаётганини кўрдик. «Кўчқор» қабиласида ҳам бизларникига ўхшаш хусусий мулкчилик йўқ экан. Ҳар бир нарса кўпчилик ва муштарақ маҳнатнинг маҳсули. Меҳнат ҳам, меҳнат маҳсулининг тақсимооти ҳам қабила шўросининг зиммасида. Касалхона, мактаб, болалар боғчаси ва ногиронлар уйи сингари умумий муассасалар ҳам шўро томонидан бошқарилади.

11

Бу кунги нонуштани Қизлар булоғида танлаган қизларимиз билан бирга едик. Ҳар ким ўз ночорлиси¹ билан ёнма-ён ўтирганди.

Мен танлаган қизнинг исми Нуша экан. Рўпарамизда ўтирганлар орасида кўзим Жайнизга тушди. Қайлиғи бақалоққина, тўладан келган қиз эди. Ҳамиша ташвишдан нолиб юрадиган Жайниз бу сафар жуда мамнун. У ночорлисига гирдикапалак бўларди.

Намезлар берилди. Ҳар ким ўз қайлиғи билан бода нўш қилиб, ўпишишди. Нушанинг лабларида ҳароратли қон гупуришини ҳис қилдим. Ўпганимдан кейин унга кўз қиримни ташладим. У қип-қизариб кетганича ерга қараб турарди. Қоп-қора киприклари жон олгувчи эди.

Қиз иккинчи намезни рад этди.

— Бошим айланяпти, — деди, — бусиз ҳам маст бўлиб қолдим.

Қарасам, чиндан ҳам маст — ёноқлари лов-лов ёнар, кўзлари хумор боқарди.

Пиёлани кўтардим, секингина: — Сен учун, — дедим. — Бахтли бўлайлик, қабила сизирлари серсут, кучуклари тишсиз бўлсин!

— Ҳа, шундай бўлсин, — деди жилмайиб,

Ичдим, пиёлани синдириб оёқлари тагига ташладим. Бу — сенга вафосизлик қилсам ушбу пиёладек парча-парча бўлай деганим эди.

Хатти-ҳаракатимдан у жуда хурсанд эди.

Бир оз жимликдан кейин:

— Қабиламиз сизга ёқдими? — деб сўради.

— Жуда зўр! Айниқса одатлари яхши экан.

— Сизларда бунақа одатлар йўқми?

— Бор. Табиий, сизларникига ўхшамаганлари ҳам бор.

— Биттасини айтинг-чи?

— Қайси бирини гапирсам экан? — дея ўйланиб қолдим. Эсимга тушди: — Бизлар ўзимизга «Кўчқор» қабиласидан қайлиқ излаганимиз сингари «Кузғун» қабила-

¹ Ночорлиси — қайлиғи.

си ёшлари ҳам бизга келишади. Бизларда «Қизлар булоғи» йўқ. Қизлар йигитлар билан кенг майдонда учрашиб, кураш тушадилар. Қайси йигит қайси қизни йиқитса, ўнг қўлини унинг бошига қўяди: Бу — «Умринг охиригача менга тобесан» дегани бўлади.

Қиз йиқилган еридан туриб йигитнинг ўнг қўлини ўпади: Бу — «Кучингни тақдирлайман», дегани.

Кейин қиз йигитга еттита топишмоқ айтади, жавобини талаб қилади. Йигит топишмоқларни тўғри топса, қиз ўнг қўлини йигитнинг ўнг қўлининг устига қўяди:

— Сенга боғланишни истайман, — дейди.

— Сенга боғланаман, — деб жавоб берилса, шўро раиси уларнинг қўлларини кўк ўт билан боғлаб қўяди.

— Ночор берилмайдими?

— Йўқ.

— Унда ночорлини нима дейишади?

— Ўтли.

Нонушта пайти Шибра хотиннинг негадир шахти паст кўринди. Нимрад билан ора-сира пичирлаб гаплашар, кўзларини бир нуқтага қадаб, ўйга толарди. Нонуштадан турилгач, Милнир билан Аҳанасб ҳам Шибра хотин ёнига боришди. Суҳбат мунозара тусини олди.

Кейин Кабусей нима гаплигини бизга тушунтирди:

— Қабилада шу пайтгача кўрилмаган воқеа юз берибди, — деди. Нохура исмли қиз қабила йигитларидан Мурдодни севгани учун Қизлар булоғига келмапти. Йигитдан сўрашганда Нохурани қайлиқ қилмаслигини айтибди. Қабила ичида ёшларнинг бир-бирига уйланиши одат бўлмагани учун Шибра хотин қийин аҳволда қолганди.

Бу воқеа ҳам мени таажжубга солди.

Жайниз:

— Икки томон ҳам бир-бирини ёқтирса, демак ишлар беш, — деди. — Икки кўнгил бир-бирини танлаган экан, қабиланинг барча одат ва анъаналари шу кўнгилларга бўйсунishi керак.

Муаллимлар бу ҳаракатни ахлоқ учун зарарли деб ҳисоблашарди. Шоир Милнир ташвишда эди. Фикрини аниқ ифодадай олмасди:

— Икки ёқлама муҳаббат ишқ рамзи мисоли муқаддасдир, — дерди.

Илюс бўлса:

— Шоир, ишқ нима ўзи? — сўради истехзоли кулиб.

— Ишқ — ҳазрат Кўчқорнинг шоҳларидан яралган нур. Ишқ — ҳаёт чашмасининг бетиним оқими. Ишқ — абадиятнинг тамал тоши ...

— Бас қилинг, шоир, муболағани ҳам ошириб юбордингиз! Ишқ — икки ташна шаҳватнинг бир-бирига қовушиш истагидир!

Шибра хотиннинг чиқиши билан муҳокама ва мулоҳазаларга барҳам берилди.

— Қабиладошлар, — деди шўро раиси, — ҳар ҳолда Кўчқор анъанаси бузилди. Масаланинг ечими шўронинг умумий йиғилишига боғлиқ. Эртага кенгаш чақирилиб, муҳокама қилинсин.

13

Қабила ёшлари қабиладош ҳисобланганидан бир-бири билан турмуш қуролмасдилар. Бу одат эскилан шу қадар чуқур илдииз отган эдики, унга қаршилик билдирганларни тошбўрон қилардилар. Бора-бора бу удум ўз кучини йўқота бошлади. Шундай воқеа юз бергудек бўлса, удумни бузганларни қабиладан чиқариб юборишарди. Қабиладан ҳайдаб юборилганлар «Ел» деган улус ташкил қилишибди. Бу улусдагилар бутунлай янги қоида ва қонунга бўйсунушаркан.

Шўро йиғилишининг очилишини кутаётган аҳоли орасида турли-туман мулоҳазалар бўлаётганини эшитдим. Халқ кучли ҳаяжонда эди. Мурдод билан Нохурани бурдалаб ташлашни истовчилар ҳам кўп эди. Ниҳоят, Шибра хотин баланд бир тош устида кўринди. У рангини бутунлай олдириб қўйганди. Юрагидаги чуқур изтиробни аранг яшириб турарди.

— Қабиладошлар, — дея сўз бошлаганида овози титраб кетди. Воқеани бир бошдан халққа тушунтириб берди ва шаккоқларга қандай жазо берилишини сўради.

— Бурда-бурда қилиб ташлансин!

— Сургун қилинсин!

— Авф этилсин! — дея бир-бирига қарама-қарши фикрлар эшитилди. Жайниз Шибра хотиннинг розилиги билан сўз олди.

— Қабиладошлар, — деди у. — Мен бир меҳмон сифатида бу ерда гапиришни ўз бурчим деб биламан. Аввало, содир бўлган воқеа ҳақида тўғри мулоҳаза юритмоқ учун қизиққонлик қилиш ўринсиз. Иккинчидан, жиноятнинг чиндан ҳам жиноят эканини исботлаш учун масалани бир неча ҳакамга ҳавола қилмоқ керак. Мурдод билан Ноҳура чақирилиб, ҳаракатларининг сабаблари ўрганилсин.

Жайнизнинг таклифини рад этувчилар бўлса ҳам аксарият уни қўллаб-қувватлади. Шибра хотиннинг розилиги билан беш кишилик ҳайъат сайланди. Муҳокамага киришишди. Жайниз ҳам ўшалар сафида эди.

Халқ Мурдод билан Ноҳуранинг ҳайъат олдига чиқишларини индамай қаршилади. Шибра хотиннинг узундан-узун нутқидан кейин Мурдодга сўз берилди.

— Қабиладошлар, — дея бошлади у сўзини, — борлиқ туйғудан вужудга келади. Ҳис ҳеч қандай онг ва мантиққа бўйсунмасдан дунёнинг давом этишига сабаб бўлган эди ва ҳали ҳам давом этмоқда. Ноҳура билан менинг ўзаро ҳиссимиз ҳам азалиётдан пайдо бўлган ва абадий тугамайдиган улкан омилнинг кичик бир заррасидир. Шу заррани сўндирмоқчи бўляпсизми? Бу мумкин эмас. Чунки зарра бизга эмас, биз заррага тобемиз. Азалдан шундай бўлиб келган.

Мурдоднинг мулоҳазалари кўпларни қониқтирмади. Илюс оғзини бужмайтириб, ёнидаги Нимрадга шипшиди.

— Бу қанақа сафсата? Борлиқнинг онгдан вужудга келганига шубҳа қилиб бўларканми?

— Бўлади, — деди Нимрад.

— Бундай бўлиши мумкин эмас! Ҳиссиёт мантиқнинг акси. Чунки коинот мантиққа бўйсунди. Ҳар оқшом осмонда қатъий интизом билан ҳаракат қилувчи сайёралар бунинг исботи эмасми?

— Жим бўлинг! — деди Шибра хотин.

— Мурдоднинг гапларига тўла қўшиламан, — деди Ноҳура қатъий.

Ҳакамлар масалани ўзаро муҳокама қилиб, хатти-ҳаракатларининг ахлоққа зид бўлгани учун уларни қабиладан сургун қилишга қарор беришди.

Қарорнинг унчалик оғир бўлмаганидан севинган ёшлар маърашди, кексалар эса тўнғиллай-тўнғиллай шўрони тарк этишди.

14

Мурдод билан Ноҳура эрталаб қуёш чиқмасдан қабилани тарк этишди. Кўпгина ёшлар уларни ҳурмат билан кузатиб қўйишди. Аҳолининг аксарияти эса улар орқасидан тош ва тутаб турган косов отиб қолишди.

Шу воқеа муносабати билан бошланган ҳаяжонлар бир ҳафта давом этди. Шундан кейингина одатий кунлар бошланди. Ниҳоят, шаҳодат расми ўтказиладиган бўлди.

Бир куни бизларни қабила четидаги каттакон Кўчқор ҳайкали олдида тўплашди. Кўчқорни гуллар билан безашган эди.

Қайлиқларимиз билан бирга сафга тизилдик. Шибра хотин «Кўчқор» қабиласининг намояндаси сифатида шаҳодатни қабул қилар ва тасдиқларди. Бир неча ёшлар жуфтидан кейин навбат бизга келди. Бошимизга челақ қўйишди. Қўлга қўл бериб кўчқорнинг рўпарасида чўккалаттириб, тиззалаб турғизишди.

Шу вазиятда уч одимча илгарилардик. Кейин оёққа туриб кўчқорга таъзим қилдик. Шаҳодат бошланди:

— Ҳазрат кўчқор! — деди Шибра хотин, биз ҳам такрорладик. — Эй, нурларнинг нури, эй покларнинг поки! Оқар сувлар мадақкори, дарахтлар куч-қуввати, яшил майсалар умиди!

Биз ҳам келдик, сени деб келдик! Севдик, севилдик; офтоб мисол порладик, сув каби шарқирадик. Маъқул айла, ёрдам қил!

Нелли, нелли, нелелли,
Нелли, нилел, нилелли.
Шелли, шилел, шилелли...

ЖАҲОН АДАБИЁТИ

101

Халқ бир овоздан:

Ноз-ноз-ноз,
Топил-топил-тез...—

деб, қўлларидаги тошларни бир-бирига уриб шақиллатишарди.

Шибра хотин кўксимизга гул қадаб қўйди, пешонамиздан ўпди ва шаҳодат расми тулаганини айтди.

15

Ёшларни бир уйга тўплашди. Эр-хотин учун алоҳида-алоҳида керакли ашёлар билан таъминланган хона ажратилганди.

Бир ҳафта давомида шу ерда едик, ичдик, ухладик. Кейин шўро раиси ўз ҳузурига чақириб, қабиладошлик сифатида бизларга вазифалар топширди. Эр-хотинлик ҳар биримиз бирор ишга юборилдик. Кун бўйи ишлаб нонушта, тушлик пайтларигина ошхонада учрашардик.

«Хўроз» қабиласидан келганлар «Қўчқор» қабиласи ёшлари билан яхши дўст тутинишганди. Ғалати жойи шундаки, Жайниз ҳар иккала қабила ёшлари орасида катта нуфузга эга эди. Унинг мулоҳазалари энди менинг учун ҳам бегона эмасди.

Жайниз нима дерди?

Жайниз шахсиятнинг эркинлиги фикрини олга суради: «Инсон учун асорат занжирига айланган урф-одат ва маросимлардан, беъмъни анъаналардан воз кечиш керак. Соғлом онга лойиқ ҳаёт кечириш керак».

Жайнизнинг мантиқли ва имон тўла сўзлари бизларни кўринмас ришталар билан унга боғлаб қўйганди.

Бир кун кўнгилсиз воқеа юз берди: Жайнизнинг қабила анъанасига ўта хилоф иш қилгани маълум бўлиб қолди. «Қўчқор» қабиласида ўликларни кўмишмайди, чўлга олиб бориб қўйиб, қуриштилади. Қушлар ва ҳайвонлардан муҳофаза қилиш учун ёшлар навбат билан майит ёнида қўриқчилик қиладилар. Жасаднинг сассиги, йиртқичларнинг бетиним хуружи ёшлар учун катта фалокат эди.

Бир ҳафта бурун қабилада бир аёл ўлган эди. Ёбонга олиб бордик. Уни қўриқлаш учун ўн нафар йигит ажратилди. Жайниз ҳам ўшалар орасида эди. Жайнизнинг кутқуси билан ёшлар майитни қўриқлашдан бўйин товладилар. Қабилада низо чиқди. Ҳар ким ўқ-ёйини олиб уйини тарк этди. Ёшларга ҳужум қилиш мўлжалланди. Бизлар ҳам қуролландик.

Лекин низо Илюс томонидан бартараф қилинди. Масаланинг ечими қабила шўросига ҳавола этилди.

Шўро йиғилгунга қадар Жайниз яширин ёшлар шўросини чақирди. Қабилянинг кераксиз одатлари яхшилаб таҳлил қилинди. Бир овоздан бу одатларни йўқотишга қарор қилинди.

Қарордан кейин:

— Ижроси мақбулми? — деб сўрадим.

Қайноқ қонлар устидан совуқ сув куйилгандай бўлди. Ҳамма ўйланиб қолди.

Ёшлардан бири:

— Жўралар, — деди, — бизларнинг маънавий кучимиздан уларнинг моддий кучлари анча бақувват. Жангда мағлуб бўламиз, фикрларимиз эса беҳуда тўкилган қонларга фарқ бўлади.

— Кўчайлик! Кўчайлик! — деган товушлар келди ҳар томондан. Жайниз ҳам рози бўлди. Ўша кечаси «Ел» улусига кўчишга қарор қилинди.

16

Кечга томон Нуша билан уйга қайтаётганимизда иккаламиз ҳам жимжит эдик. Ора-сира Нуша мендан гап кутгандек, юзимга диққат билан тикилар, ўйларди. Ҳеч нарса демаслигимни сезиб, аста сўради.

— Чопо, бу кеча ростдан ҳам кўчамизми?

— Ростдан ҳам.

Нуша бирор нарса дейишга журъат этолмади. Ёноқлари қизарди, намиққан кўзларини ерга қадади.

Уйга кирдик. Нуша ўзини тўшакка отди.

— Нима бўлди? — деб сўрадим.

Индамади.

— Балки сенинг боргинг йўқдир?

Бошини кўтариб, ёшли кўзларини кўзимга тикди.

— Ёшликнинг қарори шундай. Кетишимиз керак.

— Онам-чи?

— Менинг онам қандай бўлса, у ҳам.

— Сизнинг онангиз одатга кўра ...

— Сенинг онанг ҳам одатни йўқ қилиш йўлида фидо бўлади. Нуша яна йиғлади.

— Йиғлашнинг кераги йўқ. Бемаъни бир одат ҳаммани уй-жойидан маҳрум қиларди. Бу нарса бошқа такрорланмасин деб кўчаяпмиз ... Сенинг онадан айрилиш йўлида тўккан кўз ёшларинг келажак авлодларнинг саодат чечагини суғоргусидир.

— Чопо, онамни бир кўрай, кейин қочамиз.

— Борсанг сиримиз очилади. Бизга ҳужум қилишлари мумкин. Нуша ялина бошлади. Мен қатъий равишда дедим:

— Ё онангни де, ё мени! Икковидан бирини танла.

Нуша жимиб қолди, шу пайт эшик оҳишта тақиллади. Очдим. Жайниз экан.

— Ҳамма тайёр, — деди. — Кечаси қабила аҳли уйқуга кетиши билан йўлга тушамиз.

— Яхши! — дедим.

Жайниз кетди.

Сафардан олдин Нуша уйдан бир чиққанича, кейин қайтиб келмади. Излаб, топа олмадим. Унинг она муҳаббатини ёр муҳаббатидан устун қўйганлиги маълум бўлди.

Аввалига бу воқеадан жуда таъсирландим, кўп қайғурдим. Кейин умум манфаатини шахсий манфаатдан устун деб билиб, ўзимга тасалли бердим.

Тун яримдан оққанда йўлга чиқдик. Нуша орамизда йўқ эди.

17

«Ел» ўрмонлар билан қопланган тоғлар орасига жойлашган улус эди. Оппоқ янги уйларга монанд равишда унинг аҳолиси ҳам ёшлар эди. Бу ерда қирқ ёшдан ошган бирорта одам йўқ. Зотан, бу ердагилар теварак-атрофдаги қабилаларнинг манфур одатларидан қочиб келган ёшлар эди. «Ел»ликлар бизларнинг кўчиб боришимиздан жуда ҳам мамнун бўлишди. Ҳар бир оила бирорта меҳмонни қабул қилиб, уйларига жойлаштиришди.

Улусни айланиб чиқдик, кўнгиллар яйради. Хўжаликлари янги бўлса ҳам, барқарор эди. Яйловларда чиройли йилқилари, алоҳида бир ҳовлида уй қушлари боқиларди. Экинзорлари ва полизлари ҳаддан ташқари серҳосил эди.

Бу ерда ҳам хусусий мулкчилик йўқ. Ишлаш қобилиятига эга бўлганларнинг меҳнат қилиши мажбурий эди. Улус шўросининг буйруғи барча учун мажбурий бўлиб, меҳнат маҳсулининг тақсимланиши ҳам унинг зиммасида эди.

Шўро раиси бизларга изоҳ берди:

— Биродарлар, бизларда ҳеч қанақа урф-одат йўқ. Ҳар ким қаердан ва кимга уйланишни хоҳласа, турмуш кура олади. Улус шўроси фақат ҳаётга фойдали ишлар билан шуғулланади. Ҳар кимга фаровон ҳаёт яратиш энг олий мафкура ҳисобланади.

Инсоннинг фақат ҳаёти керак бўлгани учун ўлганидан сўнг унинг жасади қуйдирилар, шу кундан эътиборан номи ҳам тилга олинмасди. Улусни янгиликдан хабардор қилиш учун йилда бир неча одам саёҳатга чиқар, эл-улусларни айланиб келарди. Бошқа халқларнинг ҳаётида яхши ва ибратли ишлар бўлса, биз ҳам ҳаёти-мизга татбиқ қиламиз. Қаранглар, олис ўлкаларнинг биридан мато тўқишни ўрганиб келишди. Энди ўзимиз ҳам тўқияпмиз. Темирчимиз бўлса араваларимиз шаклини ўзгартирди...

Ўз юртига катта меҳр билан гапираётган раиснинг гаплари бизни бефарқ қолдирмади. Биз ҳам бу улусга чин юракдан боғланиб қолдик.

Икки кундан кейин биз учун қуриладиган уйлар жойини белгилаб олдик ва бутун улус ишга киришди.

18

Гуруҳимизнинг раҳбари Мимра исмли бир қиз эди. Мимра «Маймун» қабиласида бир уста ёнида уч йил ғишт терувчи шогирди бўлиб ишлаганди. У билан ишлаган йигитлар уста унвонига сазовор бўлишганди. Лекин негадир Мимрага уста унвони берилмаганди. «Маймун» қабиласида уста унвонига эриша олмаслигини сезган қиз ота-онасидан яширин «Ел» га қочиб келган экан. Бу ерда шўро раисига мурожаат қилиб ўз касби бўйича иш сўрабди. Раис унга намуна учун бир уй қуришни топшириб бизларни ёрдамга юборган эди.

Тахминан ўн саккиз-ўн тўққиз ёшларида бўлган бу қиз ўта жиддий, бир оз қўрс табиатли эди. Дастлабки кундан бизларни иккига бўлди. Бир неча нафар йигитни тоққа тош майдалагани юборди. Бошқаларни эса пойдеворга хандақ қазишга тайинлади. Аввалига ерни ўлчади, чизиклар тортди ва қаердан-қаергача қазишимиз кераклигини кўрсатди. Бизлар хандақ қазиётганимизда Мимра лой қориб турди.

Офтоб тиккага келганда бир қўшиқ янгради. Ҳамма ишени тўхтатиб, умумий ошхонага тўпланди. Фақат Мимра ишени тўхтатмади. У лойдан бир нарса ясаётган эди. Икки ҳор¹ дан кейин иш жойимизга қайтдик. Мимра катта тош устида икки хона уйни битираётган эди.

— Бу нима? — деб сўрадим.

— Қурадиган уйимиз андозаси, — деди Мимра. — Ҳар бир уйнинг бўйи ўн қадам, эни эса етти қадамдан бўлади.

Ҳашарчилар қизиқиб, Мимрага турли саволлар бера бошлашди. Ишни ҳали бошламаслик учун биттаси суҳбатни чўзмоқчи бўлди. Мимра кескин қилиб:

— Иш пайти суҳбатга ўрин йўқ, — деб унинг гапини бўлди. Шу гапдан кейин дарҳол хандақ қазишга киришиб кетдик. Лекин тушликдан кейин ишлашга унчалик ҳафсала йўқ эди. Ҳаммамиз эринибгина ишлар эдик.

Бир маҳал қарасак, Мимра тепамизда турибди. Лой қўлларини белига тираб бизга қараганида танамизга куч ато қилгандай бўлди, меҳнат қўшиғи ўз-ўзидан куйилиб келди:

Ҳей, ҳей,
Ҳай, ҳай,
Ҳей, ҳей,
Ҳай, ҳай!..

Офтоб уфққа бош қўймасидан хандақни қазиб бўлдик. Мимра келиб кўрди. Маъқул бўлди. Таёқча олиб, яна янги чизиклар тортди. Сўнгра эртаси кун қиладиган ишларимизни тайинлади.

19

Уйни қуриб битказдик. Шўро раиси бир неча киши билан келиб, уйни кўришди, ёқтиришди. Уй пештоқига ишланган қабарик шакллар ва нақшлар ҳамманинг диққатини ўзига жалб этди.

Раис Мимрадан мамнун бўлиб деди:

— Бу санъатнинг абадий давом эттирилиши учун ёнингга уч-тўртта бола юбораман. Уларга ҳам ўргат.

Мимранинг тунд юзи ёришди:

— Майли, юбора қолинг, — деди ва юзи яна жиддийлашди:

— Лекин дангасалар керакмас.

— Барчаси чаққон болалар.

— Бўпти, келишсин.

Уйни кўриб бўлишгандан сўнг Мимра тош устига қурган лойиҳани кўрсатди.

Раис уни диққат билан кўздан кечирди, ўйланиб қолди, кейин шўро аъзоларидан бирига мурожаат қилиб, деди:

¹ «Ел»ликлар вақтни билиш учун очик майдончада бир доира чизиб, ўртасига тик ёғоч ўрнатишганди. Доира ўн олти қисмга бўлинган бўлиб, ҳар қисм «ҳор» деб аталарди.

— «Ел» борган сари кенгайиб бораётир. Бизларга катта ошхона керак. Бунинг лойиҳасини Мимрага топширсакмикан?

Аъзолар раиснинг фикрини қўлаб-қувватлашди. Ўзаро бир оз маслаҳатлашганларидан сўнг Мимрага яқинлашиб:

— Улусга ошхона керак. Шунинг лойиҳасини ўзинг ясайсан, — дейишди.

— Неча одамга мўлжалланган бўлсин?

Раис ҳисоблаб чиқди, кейин ҳамроҳлари билан маслаҳатлашиб, деди:

— Икки юз кишилик бўлсин.

Мимра кўп ўйлаб ўтирмасдан:

— Бунақанги бино қуриш учун улус ичида муносиб жой топиш қийин, — деди ва қўли билан улуснинг тепа томонини кўрсатиб, қўшимча қилди: — у томонлар тоғлиқ жой, улуснинг тепага қараб кенгайишига имкон йўқ. Улуснинг келгусидаги маркази сойнинг тепароғида бўлгани маъқул.

Улус вакиллари Мимранинг гапларини эътиборга олиб, сой соҳили бўйлаб юқорига ўрладилар. Дарёнинг қайрилма жойида кенггина бир майдон бор эди. Мимра ўша жойни кўрсатиб:

— Мана, ошхона шу жойнинг ўртасида қад кўтариши керак. Шубҳасиз, пайти келиб бу жойларда кўплаб уйлар қурилади. Ошхона атрофидаги хонадонлар учун жуда қулай бўлади, — деди.

Раис Мимранинг мулоҳазаларини мамнуният билан тинглади.

— Фикрингга қўшиламан, — деди у. — Масалани улус шўросида муҳокамага қўяман. Вакиллар гуруҳи келиб, бу ерни кўриб кетишади, кейин бир қарорга келармиз.

20

Бир куни тош майдалашдан қайтаркан, кўзим янги уйлардан бирининг ҳовлисида ишлаётган Мимрага тушди. У катта бир лойиҳа тиклаётганди.

— Бу нима? — деб сўрадим.

— Шўро тасдиқлаган маҳалламиз тарҳи. Дарёнинг юқорироғида сизларга кўрсатганим жойда шу тарҳдаги маҳалла солинади, — деди. — Мана, бу, ўртадагиси — ошхона бўлади. Атрофдагилар эса хилма-хил уйлар. Бу болалар боғчаси, мана бу шифохона, буниси эса ногиронлар уйи. Бу — мактаб ...

Маҳалла тарҳи жуда чиройли ишланганди. Уйлар айнан шундай қурилса борми, «Ел» қабилалар орасида катта мавқега эга бўларди. Хурсандлигимдан Мимранинг қўлларини ушлаб кўзларимга суртдим. Юзига қон югурди, кулимсиради. Менинг бу ҳаракатларим шу ерда ишлаётган шогирдлар эътиборини тортди. Буни сезган Мимранинг юзи яна тундлашди. Шогирдлар ҳам бошларини эгиб, ишга уннаб кетишди.

Рухимда чуқур бир қониқиш билан Мимрадан узоқлашдим. Йўлда Жайнизга дуч келдим. У полизда ишлаётганди. Мимра ҳақида гапириб бердим.

— Бу қиз улусда биринчи одам бўлади, — деди.

— «Маймун» қабиласи нега унинг қадрига етмаган экан, — дедим ҳайратланиб.

— Маҳдудлик «Маймун»ни чиритган. Фақат «Маймун» эмас, кўпгина қабилалар урф-одатлар ботқоғида чиримокда.

— Янги маҳалла солиниши тасдиқланибди, дейишмоқда.

— Ҳа, шундай. Улуснинг кенгайиши турган гап. Шунинг учун янги уйлар қурилиши табиий.

— Қурилиш бошқаруви кимга топширилган?

— Мимрага. Шўро Мимрага «Бош уста» унвонини беради. Шу муносабат билан катта зиёфат берилиши кутилмоқда.

— Жуда зўр! Санъаткорлар қадрига етиш керак.

— Чопо, кейинроққа мўлжалланган бир ташаббусим бор. Сен қўлаб-қувватламансан бўлмайди. Яқин кунларда Шўронинг йиғилиши бўлади. Барча қабилалардаги етук кишиларнинг «Ел» га йиғилиши масаласини қўймоқчиман. Шу жумладан, Ковус ва Илюснинг ҳам усулга жалб қилинишини талаб этмоқчиман.

— Бу фикрингга қўшиламан, — дедим. Жайниз кулиб:

— Сен ҳам четда қолмайсан, — деди.

— Мен оддий одам бўлсам, юқори мартабаларни унча хуш кўрмайман.

— Бизда юксак ва юксак бўлмаган одам йўқ. Ишнинг ҳар қандай кўриниши тақдирланади. Фақат маҳдудликка ўт очамиз.

Жайниз сўзларини тугатмай туриб қаҳқаҳа урди. Унинг қаҳқаҳасида менинг олдинги анъанаярастлигимга таъна бор эди.

— Бутун ўтмишимни «Кўчқор»да кўмиб келганман, — дедим мен.

Гапим Жайнизга маъқул тушди.

— «Ел» руҳларнинг ҳавосини тозалаяпти. Бу ерда барча руҳлар билтур сингари тоза. Бу ерни кучайтириб, бошқа қабилаларни ҳам тиниқтирамиз. Зотан, шу ёздан эътиборан ҳар бир қабиладан йилига йигирма-ўттиз нафар маҳдудлик душманини олиб келиб, улус бошқаруви билан таништирамиз.

— Ундай бўлса, қабилаларнинг янгилашувига ҳеч қанақа монелик бўлмайди.

21

Қишни янги уйларимизда ўтказдик. Улус одати бўйича куёш билан ётиб, куёш билан турардик. Уйимизнинг турли-туман жиҳозларини ясардик. Гилам тўқидик, кўрпа-тўшак тайёрладик. Лойдан идишлар ясаб, хумдонларда пиширдик. Яхшилаб дам олиб, баҳорга ҳам етишдик.

Ёзнинг дастлабки ойида улус шўросининг қарорига биноан сафарга чиқишимга тўғри келди. Икки ой давомида шимолий ўлкаларни айланиб келишим керак эди.

Елкамдаги халтага бир кунлик озуқа солиб, қўлимга узун асо олиб, йўлга чиқдим. Иккинчи кеча бир дарё соҳилида тикланган чодирларга дуч келдим. Теварак-атрофдаги адирларда йилқилар ўтлаб юрар, одамлар эса чодирлар олдида ўйинкулги қилишарди. Уларга яқинлашганимда менга кучуклар ёпирилди. Узун кийимли, сочлари учига кумуш парчалари қадалган қизлар югуриб чиқиб, итларни ҳайдаб юборишди. Олдинга ўтиб, ўчоқ ёнига чўккаладим. Олов устига қозон осилган эди. Меҳмон эканимни билгач, сув олиб оёқларимни ювишди. Овқат беришди. Кейин бир дарахтнинг остига жой солишди. Ухлагани ётдим.

Эрталаб каллайи саҳардан чодирлар йиғиштирилди, йилқи тўпланиб, юклар ортилди. Халтамга бир оз курут билан қоврилган гуруч солишганди. Тамадди қилиб йўлга отланган эдим ҳамки, дарахт тагида ўтирган чолга кўзим тушди. Олдига бордим. Узун оқ қошлари тагида порлаб турган кичкинагина, ёшли кўзлари менга ҳайрат билан тикилди. Ёнида бир неча йўл халта бор эди. Беш қадамча нарида туллаган қари кўппак ётарди. Чол зўрға нафас оларди.

Ўзимча «бунда бир сир бўлса керак» деб ўйладим. Чолга салом бериб рўпарасида турдим. У лабларини қимирлатгандек бўлди. Лекин овози чиқмади.

— Кўч жўнаб кетди, сиз нега бу ерда қолдингиз? — деб сўрадим.

— Кўч кексаларни тарк этади. Бу қадимий одат. Ушбу кўппак билан мен ишга яроқсиз бўлганимиздан бизларни ташлаб кетишди.

— Болаларингиз йўқми?

— Бор. Ушалар мени ташлаб кетишди.

Бу гапларни зўрға айтган чол кўзларини юмиб, бетини дарахтга суяди. Куруш-қоқ юзида ҳаёт сўнаётгандек. «Мен ҳам қирқ йил бурун отамни шу дарахт тагида қолдириб кетгандим», — бу чолнинг сўнгги сўзи эди.

Боши ўнг томонга қийшайиб, кейин танаси ҳам ўша томонга оғди. Сўнгги нафасини бир инграш билан олди-ю, ҳаётдан кўз юмди.

22

Йўлимда давом этдим. Куёш тушликка келганда уфқда чанг-тўзон кўтарилгани кўзга чалинди. Сон-саноқсиз шарпаларнинг юриши қўшинни эслатарди. Мени ҳаяжон босди. Ўзимгами ёки озод улусимгами тасаввур қилинган таҳдид мени ганигиб қўйди. Лекин ожизлик қилгим келмади. Йўлимда давом этавердим.

Нима кўрдим, денг! Офтобда қорайган, соч-соқоли пажмурда, жулдур кийимга бурканган одамлар оқими. Уларнинг қуроли қўлларидаги яғона асодан иборат эди. Ерни пайпаслаб аста-секин юриб борардилар. Озғин вужудлари дилда таассуф уйғотарди. Мени кўрмагандек тўппа-тўғри устимга бостириб келишарди. Барчасининг кўр эканлигини сезиб, даҳшатга тушдим.

Йўлдан четга чиқдим. Сел мисол тинимсиз оқиб келаётган бу шўрликларни кузата бошладим. Рўпараларидан чиқиб қолган дарёчани сезиб унга чигирткадай ёпирдилар. Бирови сув ичар, бошқаси юз-қўлини ювар, яна бири оёқларини сувга тикиб йўл чарчоғидан қутулмоқчи бўларди.

Яқинроқ бордим. Биттасини гапиртирдим. Ердан ўт юлиб еганидан оч эканлиги кўриниб турарди. Унга бироз қовурилган гуруч бердим. Мамнунлигидан ўпиш учун қўлларимни қидириб қолди. Йўл қўймадим.

— Қаёқдан келаяпсизлар? Нега ҳаммаларингиз кўрсизлар? — сўрадим изтироб билан.

Кўр киши менга ақл бовар қилмайдиган нарсаларни гапириб берди:

— Биз, — деди у, — искитларнинг асирларимиз. Урушда қўлга тушган эркакларнинг кўзини ўйиб, хотинларини ҳарамга олишади. Неча йиллардан бери вазифамиз сигирларни боқиш, уларни соғиб искит оиласига сут етказишдан иборат. Искитлар ҳужум қилмоқчи бўлган халқлар орасига саросималик, ваҳима солиш учун кўрларни юбордилар. Сафларимизнинг мақсади фожиамиз билан бошқаларни эсанкиратишдир. Биз олдинда юриб бораверамиз. Орқамиздан эса искитлар келади. Осмондаги юлдузларнинг саноғи бор, уларнинг саноғи йўқ...

Жим қолдим. Кўр мақсадига эришганди: мени ваҳима босди. Улусимнинг тақдири менга жуда қўрқинчли кўринди.

Дарров туриб, орқага қайтдим.

23

Икки кундан кейин улусимиз кўчаларида жарчи пайдо бўлди. У туриб жар соларди:

Ҳей одамлар, одамлар,
 Бошланар хавfli дамлар.
 Улусдошлар, келинлар,
 Таҳлика бор, билинлар:
 Ҳаммага бериб фириб,
 Искит келар бостириб.
 Сони бор, саноғи йўқ,
 Юлдуздек адоғи йўқ,
 Келинлар, улусдошлар,
 Ёв бизга юриш бошлар!

Қизлару келинлар, қарию ёш ҳаммаси оқиб келди, тўпланди.

Ҳамма ҳаяжонда эди, мен ҳам ҳаяжондан жонҳолатда тушунтиришга уриндим:

— Қуролланинлар, қўлга қурол олинлар! Ёрдамга чақиринлар, ёрдамга!

Ўша куни теварак-атрофдаги ўн уч қабила кўчаларида жарчилар қичқириб жар солишарди:

Ҳей одамлар, келинлар,
 Тезроқ огоҳ бўлинлар!
 Ҳарёқни янчиб, осиб,
 Искитлар келар босиб.
 Сони бор, саноғи йўқ,
 Юлдуздек адоғи йўқ,
 Йиғилин улусдошлар,
 Искитлар уруш бошлар!

Тўпланишди, маслаҳатлашишди. Барча кучларни бир жойга тўплашга қарор қилишди. Бу қарорни амалга ошириш учун фавқулодда ҳайъат сайланди. Ёшлардан Жайниз ҳайъатга аъзо қилиб киритилди.

24

Қуёш уфққа ёнбошлаганда Жайниз ёнимга келди. Ўтирдик.

— Нима гап, Чопо? — деди.

— Сўнгги учрашувимиздан бери бирор ҳодиса бўлганича йўқ.

— Биласанми, маслаҳатга келдим. Кўрлар манзилени алмаштириш учун одамлар юборилди. Уларни бошқа томонга буриб юборишади.

— Бу яхши бўпти — орамизга ёйилишса борми, руҳий тушқунлик юз беради.

— Кейин ... Бугагой барча кучларга саркарда қилиб тайинланди.

— Бу ҳам соз. Бугагой жасур, нуфузли ва ташкилотчи одам ...

— Қурол-яроғ билан таъминлаш Аҳанасбга юкланди. Қабилаларнинг барча санъаткорлари сафарбарлик ҳолига келтирилди.

— Озиқ-овқат масаласи нима бўлди?

— Бу масала ҳам муҳокама қилинди. «Кузгун» қабиласи бир номзод кўрсатди, қабул қилдик.

— Ҳар кимнинг вазифаси олдиндан белгилаб қўйилиши керак.

— Бўлмасам-чи ... Энди, Чопо, яна бир иш бор. Искитларнинг қандайлигини билиш керак. Урф-одатлари, маросимлари, қадриятлари, моддий кучлари ва қудратларини аниқлаш лозим. Душманни ҳар томонлама билиб олсак, енгил анча осонлашади. Сенга тафсилотини тушунтириб ўтиришнинг ҳожати бўлмаса керак. Қабилалар истиқлоли ва маданиятимиз келажаги йўлида зимманга янги бир вазифа юкланади.

— Тайёрман.

— Искитларнинг орасига боришинг керак.

— Тайёрман.

— Ҳайъатимиз сенга алоҳида ишонч билдиради. Душманга нисбатан қиладиган хатти-ҳаракатларда эркинсан. Таҳдидни бартараф этиш учун нима керак бўлса, аяма...

— Ҳўп бўлади!

— Фақат фурсатни бой берма. Иложи бўлса, шу бугуноқ йўлга чиқ.

— Вақтдан ютқазмаслик учун бир от даркор.

— Табиий. Ўн дақиқадан сўнг от шу ерда бўлади.

— Мен ҳам шу заҳоти миниб, йўлга тушаман.

25

Йўлда бир чашма қошида тўхтадим. Бир ҳафталик сафар анча чарчатган, бир-икки кун шу ерда дам олмакчи эдим.

Атрофда парранда кўп эди. Отни бир дарахтга боғлаб овга чиқдим. Шох-шаббалар орасидан қулоғимга шитирлаган товуш келди. Дарров ўқни ёйга қўйиб, тайёрландим. Диққат билан қулоқ солдим. «Арслонмикан», — деб ўйладим. Бирор кучли йиртқичга дуч келсам нима қиламан деб ваҳима босди. Бирдан ... яшил буталар орасидан ўрта бўйли, юзи офтобда қорайган қиз кўринди. Қўлимдан ўқ-ёйим тушиб кетди. Бошидаги сарнич¹ сувга кетаётганини билдирарди.

Олдинга юрдим. Қиз мени кўриб, чўчиди. Четга сакраб, бир қадам ташладию тўхтади. Имо-ишора билан «Кимсан? Қаёқдан келаяпсан?» деб сўрадим. Жилмайдди. Ўрмонзор қияликни кўрсатди.

— Ўша ёққа борайлик! — дедим.

Гапимга жавобан бошидаги идишни кўрсатди.

Фикрига тушундим: бир жойда булоққа тушиб, сарнични сувга тўлатдик. Отга миниб, сарнични эгар қошига қўйди, йўлга тушдик.

Қияликда юрдим қўналгага дуч келдим. Отлар кишнар, сигирлар «мў-ў»лар, қўйлар маърарди. Ҳар томонда қумирсқадай ўралашиб юрган хотин-қизлар орасида бир-орта ҳам эркак учрамаганидан ҳайратландим.

Бир чодирга яқинлашганда қиз сарнични сўради. Бердим. Бир неча дақиқадан кейин менинг бу ерга келишим чинакам воқеа бўлди. Мени юзларча аёл ўраб олди. Тунд чехрали, мушаклари бўртиб турган бу аёллар кўпроқ эркакка ўхшаб кетишарди.

¹ Сарнич — икки дастали сопол кўза.

Бирдан тўпланганлар орқасидан овоз эшитилди. Аёллар дарҳол четлаб йўл беришди. Кекса ва кўзи ожиз бир хотин олдимга келиб, отимнинг жиловига ёпишди. Нималардир деди, тушунмадим. Отнинг жиловидан тортиб, етаклаб кетди.

26

Аёл мени чиройли бир чодир олдида қолдириб, ичкари кириб кетди. Эшикда пойлоқчилик қилаётган икки қиз найзаларини ерга уриб, нималардир дейишди, истеҳзо қилишгани билиниб турарди. Биттаси тилини чиқариб, қизариб кетди.

Шу пайт ичкаридан баланд бўйли хунук бир хотин чиқди. Бу аёлни ўн нафар қиз кузатиб келарди. У таъзимкор бир табассум билан менга қаради ва чодир қаршисидаги тахтага жойлашди. Даъватига биноан отдан тушиб кўрсатган жойига ўтирдим. Ёнидаги аёллар менга ёндашиб нималардир дейишди, лекин тушунмадим.

Кейинги аёлнинг тили бизникига яқин бўлгани учун бир-биримизни тушундик.

Бу жой ҳамазонлар¹ қўналғаси экан.

— Нима, буларнинг эркаклари йўқми? — деб сўрадим.

— Йўқ, — деди у, — биз эркакларни орамизга қўшмаймиз.

— Эрга тегмайсизларми?

Аёл кулимсиралади ва жим қолди. Жавоб беришга ожиздек эди. Ниҳоят, тушунтира кетди.

— Бизнинг аёллар фақат жанг майдонида ўзларини енгган эркаклар билан учрашадилар. Бу учрашув доимий эмас. Муайян вақтдан кейин кишиларни тарк этиб, алоҳида ҳаёт кечирамиз.

— Фарзанд туғилмайдими?

— Туғилади.

— ?!

— Ҳайрон бўлма. Қиз болаларни олиб қолиб, ўғил болаларни орамиздан чиқариб юборамиз...

Ҳалиги хунук аёл буларнинг саркардаси, исми Алпагай эди. Алпагай сафаримга қизиқди.

— Қаёққа кетаяпсан? — деди.

— Сайёҳман. Дунё кезсам, одамларни кўрсам дейман.

Алпагай бошини силкиди:

— Биламан, — деди, — сенга ўхшаган бир сайёҳ менга меҳмон бўлган эди. Исми Анастасиз эди. Дарёларнинг бошланадиган ва қуйиладиган жойларини аниқлар, тоғлар ва шаҳарлардан маълумот тўпларди ... Денгиз бўйида бир ўлка бор экан, ўша ерда яшаркан.

Суҳбат сўнгида Алпагай нечта урушда бўлганимни сўради.

— Бирорта урушда қатнашмаганман, — десам ҳайрон бўлди.

— Ўлимдан кўрқасанми? — деб тиржайди.

— Йўқ, биз ўтроқмиз.

Алпагай яна илжайди:

— Ўтроқларни кўп кўрганман. Ботқоққа санчилган ўқ мисол, бир жойда чириб битадилар. Ятоған² га ёпишсалар ҳам, ўз қўлини кесиб олишади.

Биримиз боғдан келсак, биримиз тоғдан келардик. Шунинг учун ҳам баҳслашиб ўтиришни лозим кўрмадим.

27

Кечаси вужудга теккан совуқ қўллар мени уйғотиб юборди. Кўзларимни очиб, ёнимда жилмайиб турган бир қизни кўрдим. Тикилиб қарасам, кундузи менга тилини кўрсатган қиз экан. Аёздан аъзойи-бадани музлаб қолганди. Бағримга босганим сайин ҳароратдан эриган қор каби вужудимга сингиб борарди.

Кўп ўтмай қулоғимга шитирлаш эшитилди. Зулматдан ёруғ пайдо бўлди шекилли, баланд бўйли, тўладан келган бақувват бир аёл яқинлаб келиб, бошим узра тиз чўқди. Диркиллаб турган баданини кўриб қоним жўшди. Ёлғиз эмаслигимни сезар-

¹ Ҳамазон — амазонка.

² Ятоған — эгри қилч.

сезмас соқчи қизнинг сочига ёпишди. Соқчи шиддат билан ўрнидан сапчиди. Лекин қаршисидаги аёлни таниди-да, уялиб кетди, тиз чўкди.

Аёл уни жеркиб бир неча аччиқ сўз айтди ва бир мушт туширди. Соқчи ўрнидан турди-ю, отилган ўқ мисол қоронғуликка шўнғиди.

Бу икки аёл ўртасидаги можаро эрақка эга бўлиш учун, деб ўйлагандим. Барваста аёлнинг ҳам жўнаб кетаётганини кўриб янглишганимни тушундим.

Вужудимни ёндираётган ўт сўндирилишини талаб қиларди. Ўрнимдан туриб узоқлашаётган аёлни орқасидан кучоқлаб олдим. У қўлларим орасидан илондек сирғалиб чиқди. Кейин темирдек панжа ҳавода ўйнади ва елкамга туширилган муштан эрга ағдарилдим. Ўзимга келгач, ҳақоратнинг оғирлигини ҳис қилдим. Ҳамазонлар мағлуб қилган кишиларидан нафратланишаркан.

Кўп ўйлаб ўтирмай, отимни эгарлаб йўлга равона бўлдим.

Кейинги кун учратганим кўрлар тўдасидан бўлган бир ногироннинг ёнида қолдим. Узундан-узоқ суҳбатлар асносида исқитлар ҳақида анча-мунча маълумот тўпладим. Бу борадаги тафсилотларга қизиқдим. Кўрлардан биттаси тушунтирди:

— Барча диний маросимлар гам¹ томонидан ўтказилади. Гамлар қўлида калла сурати туширилган даф² бўлади. Улар ана шу дафларни чалиб айланадилар ва афсун ўқийдилар. Худди шу афсунгарлик пайтида улар худолар билан кўришиб илҳом оладилар ва руҳият олами сирларидан воқиф бўладилар.

Шундан сўнг ҳар ким гам ёнига бориб: «Тақдирим ёзиғи қандай?» деб сўрайди. Там берган жавобдан ким шод бўлади, ким гаму андуҳга тўлади. Гамнинг обрў-эътибори хоқонниқидан ҳам юксакроқдир ...

Кўрнинг ҳуюяси мени қувонтирди. Энди гамни кўриш, унинг ҳатти-ҳаракатларини пухта ўрганиш асосий мақсадимга айланди.

Отга миниб, йўлга чиқдим. Бир неча кундан кейин исқит навкарларини учратдим. Улар отларини ўтга қўйиб, ўзлари дам олишаётган экан. Чўзилиб ётган бир навкарга яқинлашдим. Юзидан азоб чекаётгани кўриниб турарди. Имо билан сўраган эдим, оёғини кўрсатди: ярадор экан. Дарров турган жойимда бир айландим-да, қўлларимни осмонга кўтариб, дуо қилаётгандек вазиятга кирдим. Қарасам, навкарнинг юзида умид учқунлари порлади.

«Дуо» дан кейин навкарнинг ярасини очиб қарадим. Куртлаган экан. Тозаладим, шўр сув билан юшиб, боғладим. Навкар жони роҳатлангандек бўлди.

Бир оздан кейин ёнимизга бошқа бир навкар келди. Ярадор унга нималарнидир тушунтирди. Ҳалиги навкар қўлини оёғимга суртиб ўпди ва таъзим қилди.

«Мақсадимга эришдим», деб ўйладим.

Кўп ўтмай мени ўраб олган навкарлар сони ўн-ўн бештадан ошди. Ҳаммаси қўлларини оёғимга суришиб ўпишди.

— Ярадор яна алланималарни гапирди. Ўт ёқишди. Бир нечта қуритилган ичак келтиришди. Бигиз билан отларнинг сонини тешиб, ичакларга қон оқизишди ва оғзини ўт билан боғлаб гулдан кўрига кўмишди. Пишар-пишмас бўлишиб ейишга киришишди. Менга ҳам биттаси тегди.

Исқитларнинг сафар озуқаси шундан иборат экан.

29

Уч кун ярадор навкар ёнида қолдим. Очиқ ҳавода ётиб-турардик. Уч кун давомида унинг ярасини даволадим, тузалди. Навкарлар орасида катта нуфузга эга бўлдим. Аста-секин бош қароргоҳ манзилини аниқладим ва ўша ерга бормоқчи эканимни айтдим.

Навкарлар менинг истагимни бажо келтиришди.

Йўлда кетаётиб, отларнинг жиловларига илиб қўйилган қуруқ терилар эътиборимни жалб қилди, мен бунинг нима эканлигини сўрадим.

— Биз ўлдирган душман юзининг териси булар, — дейишди ифтихор билан.

Санаб чиқдим. Ярадор юз йигирма бир одамни ўлдирган экан. Бошқаларида ҳам бундай терилар анча-мунча бор эди. Улар ўлдирилган одам қўл суяқларини ҳам найзаларининг дастасига қоқиб қўйишганди.

¹ Гам — шомон, афсунгар.

² Даф — доира.

Ярим кун отлари ўтлашга қўйилган аскарлар оралаб юрдик. Ниҳоят, кўзимиз бир тепада тикилган бир неча кўркем чодирга тушди.

— Хоқон ўша ерда, — деди ярадор навкар қўли билан ишора қилиб.

Биз ҳам тепалик этагида, бир чашма бўйида жойлашдик. Ярадор навкар мени шу ерда қолдириб ўз жойига борар, кейин яна қайтиб келарди. Ҳар келганда ўзи билан бир неча одамни бошлаб келарди. Булар атрофимга уймалашиб, мени ҳайрат билан кузатишар, ўзаро қизгин баҳслашишарди. Мен эса уларнинг қизиқишларини янада орттириш учун осмонга қараб «дуо» ўқиб, тоат-ибодат қилардим.

Ўша куни ҳузуримга бир неча беморни олиб келишди. «Дуо»лаб, кўкракларига ўт баргидан ёпиштириб жўнатдим. Навкарлар ҳалиги ўтти тилсим деб ўйлаб, унга қўл тегизишдан ҳайқишарди.

Бора-бора ёнимга келувчи касаллар сони орта борди. Мен эса «даволаш»дан олдин «маросим» ўтказа бошладим.

Айланиб, хунар кўрсатишим мени исқитларга гам сифатида танитди ва эътиборим кундан-кунга оша борди.

Бир куни кечкурун одамлар орасида айланиб юриб, доира ташкил қилган оломонга дуч келдим. Бориб қарадим. Кийими тилла ва кумуш тангалар билан безатилган бир гам доира ўртасида айланар эди. Бир неча дақиқадан кейин гам жазавага тушди, оғзидан кўпиклар сочилди.

У ҳушига келгач, ўраб олганлар:

— Тақдиримда нима бор? — дея саволлар ёғдира кетдилар.

Гам уларга жавоб қайтараркан, менга қараб юра бошлади. Нимадир демоқчи бўлган эди, дарҳол ўрнимда чирпирак бўлиб айлана бошладим. Шу қадар тез айландимки, бошим гангиди, йиқилдим.

Ўзимга келиб қарасам, гам тепамда турибди. Ҳаяжондан ранги оқариб кетган, вужуди титрар эди.

— Тақдиримда не бор? — дея гулдурлади.

— Эртага ўласан! — дедим. Гам ҳушидан кетди.

Атрофимни оломон ўраб олди:

— Тақдиримни айт! — деган саволларга оғзимга келган жавобни айтавердим.

Одамлар менга кийим-кечак, кумуш ва тилла тангалар ҳадя қилишди.

Бу гам бош сеҳргар экан. Унинг ҳушидан кетиши обрўйимни янаям кўтариб юборди.

Бир гам тақдири ҳақида гапирганим тўғри чиқди. Унинг хоқон томонидан бўғиб ўлдирилганини эшитдим. Мени саройга чақириш учун келган чопар айтди.

— Нима сабабдан? — деб сўрадим.

— Ўн беш кун олдин, — деди чопар, — хоқоннинг ўғли дарёда чўмилиб касал бўлиб қолганди. Ўша касаллик туфайли жанубга бошланган юриш тўхтатилганди. Касалликлар одатда бош гамнинг руҳий муолажаси билан даволанади. Гам чақирилиб, саройда айланиб жазаваси тутиб, шаҳзоданинг бир ҳафтадан кейин тузалишини эълон қилганди. Орадан бир ҳафта ўтди. Шаҳзода тузалиш ўрнига бадтар оғирланди. Саройда ҳар хил миш-миш тарқалди. «Хоқоннинг иккинчи хотини Рунжа ўз ўғлини валиаҳд қилдириш учун гамга ёмон дуолар ўқиттирганмиш», — дейишди. Натижада бош хотин ўғлининг интиқомини олиш учун гамнинг ўлдирилишини талаб қилибди ...

Ҳокимият теварагида анча-мунча хангомалар юз берганини билиб, бундан фойдаланиш йўлларини ўйлаб саройга йўл олдим.

Йўл-йўлакай учраган навкарлар қўлларини оёғимга суртиб ўпишарди. Энди қароргоҳда мени ҳамма танир ва сеҳргарлигимга ишонарди. Бунчалик тез обрў-эътибор қозонганимга ўзим ҳам ҳайрон эдим.

Чопар билан бирга чодирга кирдим. Юзи чандиқ бир киши мени ҳурмат ва эҳтиром билан кутиб олди ва бош гам қилиб тайинланганимни айтди.

Менга юлдуз акси туширилган халат ва бош чаноғи акс этган доира тақдим этишди. Шу ернинг ўзида кичик бир маросим ўтказиб ҳадыларни қабул қилдим. Бир неча гам шогирди сурнай чалди. Кийиндим. Барча баравар таъзим бажо келтирди. Чандиқли киши нималардир гапириб, бошимга от думи қадалган бир қалпоқ кийдирди.

Сурнайчилар мени бемор ётган чодирга бошлаб боришди.

Тилла тутқичли, нафис безаклар билан ишланган эшикдан ичкари кирдим. Бемор чодирнинг тўрида, баланд тахтада ётарди. Унинг ҳар томонида тўққиз нафар ёш қиз тиз чўкиб сочларини қўлида ушлаб турарди. Чодир ичида чуқур сукунат ҳукм сурарди. Бош хотин беморнинг ёнида эди. Мени кўрган заҳоти илтижоли нигоҳ билан ўрнидан турди, қўлимни ўпди. Беморнинг тепасига бордим. У қарахт ҳолатида эди. Қўлимни пешонасига қўйдим. Ҳарорати баланд эди. Орқага тисарилдим. Атрофдагилар ўзларини четга олиб, менга майдон бўшатишди. Айлана бошладим. Ҳушимдан кетгунга қадар ўзимни муштлай бошладим. Кейин нима бўлгани эсимда йўқ.

Ўзимга келдим. Бош хотин менга яқинлашди:

— Ўғлимнинг ёзиғи не? — дея сўради алам билан. Индамадим. Кўзларимдан ёш сизилди. Йиғлайман деб ҳеч ўйламагандим. Бош хотин тахтига йиқилди. Кўзларига ёш қалқиган қизлар ҳар томондан унга қараб чопишди.

31

Кейинги куни шаҳзоданинг дафн маросимини ўтказдик. Қуллар йигирма қадам энига икки одам бўйига тенг келадиган чуқурликда бир ўра қазидилар. Тагига тол барги тўшалди. Шаҳзоданинг бутун чодир бор жиҳози билан шу ўрага жойлаштирилди. Жасадни кийинтириб, қурол-яроғлари билан бирга тўшагига ётқизилди ва чодирга олиб келинди. Олдинги куни тиз чўкиб турган ўн саккиз қиз Алпотоё деган чўтир жаллод томонидан бирма-бир бўғиб ўлдирилганди. Уларни ҳам шаҳзоданинг атрофига териб чиқишди. Шаҳзоданинг тулпори ҳам бўғиб ўлдирилиб, чодирнинг эшигига боғланди.

Қабр-дахма устига тупроқ тортилмасдан аввал хоқон, унинг ҳарами ва доя келди. Хоқон соддагина кийинганди. Биргина белбоғидаги дастасига олмос ва лаъллар қадалган тилла ятоғани диққатни тортарди. Унинг кетидан қўлларида ойболта тутган тўққиз навқар одимларди. Бош хотиннинг этакларидан тўққиз қиз тутиб олган, ўзи эса қўллари билан кўзларини беркитиб ҳўнгарди. Улар кетидан бошқа хотинлар, аркони давлат ва саркардалар келишарди.

Чодир эшигига етишганда бош хотин орқасига ўгирилиб, Рунжа хотинга ғазаб билан:

— Келма, беҳаё! — деди. — Менинг хунхорим сенсан!

Аёллар жой-жойларида қотиб қолишди. Бош хотиннинг бу қилиғи саркардалар орасида норозилик туғдирди. Чунки Рунжа хотиннинг ўғли валиаҳд бўлиши муносабати билан ҳамма унга умид борлаганди.

Видолашув маросими тугагач, қабр устига ёғочлар ётқизилди. Ҳар бир аскар қўлида тупроқ ташлаб ўтаверди. Қабр устида баланд кўрғон қад ростлади. Кўрғон атрофига учи икки айрили ёғочлар кўмилди. Ўлжа олинган отлардан элликтаси ва кўрлардан эллик нафари бўғиб ўлдирилиб, олиб келинганди. Айри қозиқлар устига отларни, уларнинг устидан асирлар жасадларини ётқиздилар. Шундан кейин қирқ суворий кўрғон атрофини айланиб марсия ўқидилар.

32

Уч кундан кейин хоқон ҳузурига чақирилдим. Хоқон тахтида ўтирарди. Атрофида кўплаб қиз ва йигитлар. Хоқон менга жой кўрсатди, ўтирдим. Бир ишора қилган эди, ҳамма чодирдан чиқиб кетди. Фақат иккаламиз қолдик.

Хоқон жуда ҳам ўзгарганди. Ночор бир товушда:

— Яхши юрибсанми? — деб сўради.

— Миррих¹ нинг соясида.

— Ғам мени адойи тамом қилди, — дея жим қолди. Кейин қўшиб қўйди: — Ғам-ғуссани аритмоқ учун қонли бир юриш қилишни ўйлаяпман. Тақдирим нима дейди?

Ўйланиб қолдим:

— Тақдир қоронғуликдир, — дедим.

Хоқон сўзларимга ғазабланса-да, қизиқсиниб сўради:

— Нега?

¹ Миррих — Марс, уруш илоҳи.

— Уч кундирки, тақдирингиз сирларини ечиш билан машғулман. Ҳали Сафар бошланишидан олдин бир қанча бало-қазолар кўринаётир. Баъзи саркардаларнинг хоқонга қарши хиёнатлари ошкора бўлаётир ...

Хоқон ғазабланди, уч бор ўрнидан туриб-ўтирди:

— Биламан, биламан, биламан! — деганича осилиб тушган ингичка мўйловини чайнади, — бу хиёнатларнинг бошида Гузатой турибди.

— Бир эмас, бир нечтаси, хоқоним, — дедим.

— Биламан. Барибир Алпотойнинг қўлларида қувват тутагунча одам бўғдирсам ҳам фиску фасоднинг илдизини қуритмай қўймайман ... Тақдиримда яна не кўринур?

— Хоқоннинг сихати учун биринчи кўриладиган иш фитнани фош этишдир. Кейин нима бўлишини дарақлашдан ҳали ожизман.

Хоқон ўйланиб қолди, кейин:

— Борақол, — деди. — Фақат мени ташвишдан қутқар.

— Хоқоннинг соғлиғи йўлида нима керак бўлса кучимни аямайман. Фақат ...

Юриш ҳалокатли кўриняпти.

— Боравер. Ҳаммаси тушунарли ...

Хоқонга таъзим қилиб, чодирдан чиқдим.

33

Орадан бир оз вақт ўтгач, яширин равишда Рунжа хотин билан учрашдим. Келганимдан беҳад хурсанд бўлганини айтиб, тақдирини сўради.

Берадиган жавобимни ҳар томонлама ўйлаб кўриб:

— Сир очилса, тақдир сиздан юз ўгиради, — дедим.

— Сирни очсам, ўғлимга қабр қазилсин! — дея онт ичди.

— Тақдир сиз томонда. Бироқ чора кўрилмаса, валиаҳднинг ҳаёти хавф остида бўлади.

Рунжа хотин сесканиб кетди:

— Вой шўрим, йўл кўрсатинг! — деб қўлини оёғимга суриб, ўпди.

— Йўли бор, бугун Гузатой билан бирга бу ердан бизга содиқ бўлган қисмга қочиб ўтинлар.

— Хоқон ғазабдами?

— Ҳа! Гузатой кўшин тўпласин, бўлмаса... Ҳаётингиз хавф остида.

— Бу ишларнинг ҳаммаси бош хотиннинг қилиқлари туфайли юз бермоқда.

Эҳтимол, хоқонни ҳам гижгижлаётган ўша.

— Ҳар ҳолда шошилиш керак.

Рунжа хотиннинг ранги оқариб кетди. Ўрнидан телбалардек турди, аввалига нима қилишни билмади. Кейин иложсиз бир тарзда юзини менга бурди.

Жавоб тариқасида:

— Гузатойни чақиртиринг, — дедим.

Ўн дақиқа ўтар-ўтмас Гузатой етиб келди. Кўришдик. Озгин бир киши эди. Қонсираган кўзларидан даҳшат ёғиларди. Эғнидаги кўйлаги одам терисидан тайёрланганди.

Шунга қарамай, гамлардан ўлгудай кўрқишини сездим.

— Тақдирларимизнинг калити сенда, — деди ва лабларида табассум ўйнади.

— Тақдир сиз томонда, — дедим. Суюниб кетди. Ҳар қандай хизматимга тайёр эканини билдирди.

Масалани тушунтирдим. Таъкидладимки, унинг нажоти кўшин тўплаб хоқон хужумидан ўзини ҳимоя қилишдадир.

Рози бўлди.

— Миррих маъбадига қон керак, — дедим. Вақтни бой берсанг, маҳв бўласан.

Шошиб ўрнидан турди. Қонли кўзлари янада қизарганди. Мендан рози эканликларини билдиришди. Хайрлашиб, у ердан чиқдим.

34

Хоқоннинг шиддаткор амрига қарамай Гузатой топилмади. Бунинг устига кўшиннинг кучли бир қисмини эргаштириб, рўбарўдаги тоғнинг орқасига чекингани

ҳақидаги хабар яшин тезлигида тарқалди. Рунжа хотиннинг ўғли билан бирга ғойиб бўлиши ҳам турли миш-мишларга сабаб бўлди.

Шошилинч равишда саройга чақирилдим. Хоқоннинг ғазаби чексиз эди. Чодирда у ёқдан-бу ёққа юраркан:

— Таъбиринг тўғри чиқди, — деди. — Энди чорасини топ!

Кўлимни иягимга тираб ўйга толдим. Бир неча дақиқа жавоб бермадим. Бу ҳолатимни кўрган хоқон ҳам таъсирланиб, анчагача жим қолди, тахтига ўтириб жавобимни кутди.

— Хужум қилишдан ўзга чора йўқ, — дедим. — Бугун куч тўпланмаса, эртага атрофинда бош хотин билан мендан бошқа ҳеч ким қолмайди!

Хоқон дарҳол саркардаларни хузурига чақириб кўшинни шошилинч хужумга шайлашни буюрди. Шу заҳоти жарчилар от елдириб кетишди. Айни пайтда машварат ўтказилди. Натижада эртага тезда уч томондан хужумга ўтишга фармон берилди.

35

Эргалаб шафақ қизариши билан Миррих маъбадига бордим. Маъбад тахта минорадан иборат эди. Тепасида кичик супа — майдонча бор эди.

Атрофни суворийлар ўраганди, отларнинг жиловларида осилган одам териларининг сон-саногии йўқ эди. Найзалар ва ойболталарнинг дасталарига қадалган душман суяклари даҳшат соларди. Саф олдида турган хоқон ғазабидан тез-тез отининг жиловидан тортар ва одам юзидан тилиб олинган мингларча терилар титраб, яширин инграш эшитилгандай бўларди.

Бирдан кўрлардан биттасини бақиртириб судраб келишди. Алпотой унинг ёқасидан олди, ханжарини асирнинг томоғига шундай зарб билан тикдики, қўли ҳам кириб кетди. Қон отилди.

Хоқоннинг қиличи олиб келиниб, у асирнинг қони билан бўялди ва Миррих минораси устидаги супачага қўйилди.

Миррих талаб қилган дастлабки қон оқизилди. Кейин отдан тушишиб, миноранинг атрофига тизиб чиқилган пишириқларни тановул қилдилар. Ичимликлар улашилди. Ҳар ким душман калласидан ясалган қадаҳларни сипқоришди.

Хоқон рўбарўсида турган қадаҳ калла атрофига тилла қадалганди. Бу калла буюк бир саркарда боши экан. Хоқон каллани қўлига олди, ичидаги сўнгги томчисигача симиргач, унга қараб деди:

— Энди сенга нисбатан интиқомим қолмади. Лекин янги бир интиқом олови ёнди. Гузатойнинг калласи лабимга хузур бахш этмагунча бу олов сўнмайди.

Хоқон каллани жаҳл билан ерга улоқтирди. Шу заҳоти барча суворийлар отларига сакраб минишди ва ҳар бири биттадан ўқ-ёй олиб, минорага қарата отишга шайландилар.

— Ур! — хоқоннинг овози ҳавони ларзага солди. Ўқлар ўртадан бўлиб синдирилди ва ерга отилди.

Ўқни синдириш қасамёд қилишни билдирарди. Ҳар ким ўзини хоқон йўлида қурбон қилишга онт ичарди.

Дафга бир зарб урдим. Ҳамма жим бўлиб қолди. Бир оз кутиб турдим-да, яна ногора қокдим.

— Миррих биз билан! — деб қичқирдим, жойимда гир айланиб, сўнг ҳушимдан кетдим.

36

Ўзимга келганимда теварагимда бир ўсмирдан бўлак бирор зот қолмаганди. Сел каби оқиб бораётган лашкар уфқларни чанг-тўзонга буркаганди.

Ўсмир ёнимга келиб, паст товушда:

— Хоқоннинг тўнғич қизи Ардижа сизни йўқлаяпти, — деди.

Бордим. Саройнинг орқа томонидаги сокин далада бугдой ранг, қийиқ кўз, оғзибурни увоққина бир қизга дуч келдим. Бошида оқ амома, тўшида зебигардон. Бўлиқ кўкраги олтин тангалар орасидан бўртиб турарди. Нафис шойи кўйлаги майин ша-

бадада ҳилпираб, баданига ёпишар ва вужудини янада жозибадор кўрсатарди. Дир-киллаб турган дўндиқ сонлари жон офати эди.

Қизнинг менга ёндашганини ҳис қилдим. Нафасининг ҳарорати юзимни қитиқлади:

— Саройга келганингиздан бери кечаларимнинг ширин уйкусини ўғирладингиз...

Қизнинг овози титради ва жим қолди.

Юзига қарадим. Йирик киприкларида ёш ҳалқаланганди.

Белидан кўчдим. Бутун вужуди билан бағримга сингиди. Ҳуркак қушларни эслатувчи кўкраклари кўксимда типирчилади. Лаблари лабларимни излаб, ташналик билан бўсалар олди.

Оҳиста кучоғидан суғурилиб чиқиб, кетишга шайландим. Қиз тиз чўқди ва оёқларимни кучоқлаб ўпиб:

— Кетманг, — деди.

— Уруш бўляпти. Хоқоннинг тақдири ҳал бўлаётган пайтда четда туришга ҳаққим йўқ.

— Ҳаққингиз бор! Аммо тақдирни ҳал қиладиган уруш эмас, ишқ. Хоқон саройини, тожу тахтини тарк этишга тайёрман. Лекин ишқдан воз кечолмайман.

Вужудимда табиат бутун борлиғи билан жонланди. Ардижанинг вужудидан маст бўлган вужудимда ҳислар жунбушга келди. Шу заҳоти уни қучиб, табиат кўксига отдим-да, абадият товушига қўшилиб ўзимни йўқотдим.

37

Шиддатли жанглар давом этарди. Гузатой қўшинидан қўлга тушган илк асирни хоқон хузурига олиб келишди. Хоқон унинг кўксига қилич солди. Сирқираган қонга ҳовучини тутди ва мириқиб ичди. Хоқонга тақлид қилиб саркардалар ҳам қондан ичишди. Кейин асир юзининг терисини шилиб, хоқон отининг жиловига илдилар.

Кечга яқин хоқонга ўқ тугаётганини хабар қилишди. Унинг ғазаби қайнади. Отилган душман ўқларини йиғиштириб қайтадан фойдаланишга амр этилди. Бунинг учун алоҳида бир бўлук тузилди. Айни замонда қайтарма ҳаракати қилишга буйруқ берилди.

Шу аснода орқа томондан душман ўқ ёғдира бошлади. Хоқон бир ҳужум бўлуғини орқа томонга жўнатди.

Олдинги маррада ҳаракат қиладиган саркардаларнинг энг моҳири Ўқабой эди. Хоқонга унинг минглаб асир олгани ва душманга кучли зарба бергани маълум қилинди. Хоқоннинг тунд юзи ёришгандай бўлди. Отининг бўйнидан бир даста терини узиб олиб совға сифатида Ўқабойга жўнатди.

Лекин орқа томондан бизгача етиб келаётган душман ўқлари хоқоннинг кайфиятини бузди. Чунки ўқлар унинг чодирига ҳам таҳдид қила бошлаганди.

Нима қилишни билмай қолган хоқон бизларни машваратга чақирди. Ҳар ким ўз фикрини билдирди. Мен эса шимолга чекинишни тавсия қилдим.

Хоқон барчанинг фикрини тинглагач, менинг раъйимни маъқул кўрди.

Чекинишдан олдин хоқонга:

— Сиз билан махфий гапим бор, — дедим.

Алоҳида бир чодирга кирдик.

— Нима гап? Таъбирда бирор ёмонлик кўриняптими? — деб сўради изтироб билан.

— Асло, — деб хоқонни тинчитдим.

— Гапир, — деди.

— Барибир, ғалаба сиз томонда. Лекин... бир оз қийинчиликлар кўриняпти...

Хоқон ўрнидан туриб, яна ўтирди. Сўзимда давом этдим:

— Гузатойнинг хиёнатини хабар қилганим сингари, яна бир маъшум хабардан сизни огоҳ қилмоқчиман. — Хоқон ҳайратланиб юзимга қаради. Ўқабойдан ҳам кўнглим тўқ эмас. Унинг барча саъй-ҳаракатлари тахтингизни эгаллаш учун қилинаётир.

Хоқон мўйловларини оғзига солиб, чайнай бошлади.

— Чораси?

— Ҳозирча эҳтиётлик билан ҳаракат қилишдан ўзга чора йўқ, кучимиз ҳам стар-ли эмас, бунинг устига ўқлар тугаб қолди. Бу ҳолатдан муваффақиятли қутулиш учун янги кўшинга эҳтиёж бор.

— Янги кўшинни қаердан олишимиз мумкин?

— Бу масалани менга қўйиб беринг, чорасини излаб кўрай.

— Қандай излайсан?

— Жанубда жангари аҳоли кўп. Мени юборинг ўша ёққа, лашкар тўплаб келай.

Хоқон ўйланиб қолди. Шубҳали назар билан юзимга тикилди. Индамади. Кейин бирдан:

— Бор! — деди.

38

Ўша куни тунда Ўқабой билан учрашдим. У қўлига теккан ўқдан изтироб чекар, ерга тўшалган ўт устига чўзилиб ётарди.

— Қандай янгликлар бор, гам? — деди.

— Тақдиринг кулиб боқяпти, — дея севинтирдим.

— Хоқондан бирор фармон борми?

— Фармон йўқ, — дедим-да, сукут сақладим.

Жимиб қолганим Ўқабойда шубҳа туғдирди. Қизиқиб юзимга қаради. Мен яна индамай, кулиб унга қарадим.

— Гам! — деди. — Менга ўлим хабари олиб келдингми?

— Йўқ, Ўқабой. Ўлим сендан ҳали жуда узоқ.

— Бўлмаса нима гап, сўзла! Сенинг бу келишингда бирор сир борга ўхшайди.

— Ҳеч қанақа сир йўқ. Гам сир сақламайди, билганини баён қилади.

— Гапир! Сезиб турибман.

— Сенинг муваффақиятларингдан бошқа ҳеч нарса йўқ.

— Муваффақиятларим боқийми?

— Боқий бўлиши мумкин. Лекин...

— Гапиравер.

— Муваффақиятларинг бошқаларнинг кўзига тўсиқдай кўриняпти.

— “Бошқалар” деб кимни айтаяпсан, хоқонними?

— Шундай... Бу зафарлар хоқонни ўйлантириб қолди. Кўшин орасида ортиб бораётган нуфузингни хоқон тожу тахтга таҳлика деб гумон қилаётир... Баъзилар сенга ҳозирдан хоқон лақабини беришибди.

Ўқабой бу гаплардан талтайиб кетди, ярасининг оғриғи ҳам унутилгандай бўлди. Бир оз ўй сургач, сўради:

— Бошқа жабҳаларда нима гап?

Хоқоннинг шимолга чекиниш ниятида эканини айтдим. Ўқабой ўйланиб қолди. Бирдан юзида умид чақнагандай бўлди:

— Хоқоннинг андишасига асос борми? — дея сўради қизиқиб.

— Бутун лашкарнинг сенга талпинишини кўрган одам андишага бормайдими?

— Демак, менга нисбатан яхши фикрда эмас...

— Табиий...

— Нима қила олади?

— Ҳийла билан чақиртириб, ўлдиради.

— Ундай қила олмаса-чи?

— Устингга қўшин тортади.

— Менинг лашкаримчалик кучли қўшини борми?

— Ҳозир бўлмаса ҳам бир ойдан кейин бўлади.

— Қаердан олади?

— Шимол халқлари орасидан лашкар тўплаш ниятида.

Сўнги сўзларим Ўқабойни ўйлантириб қўйди. Бир оздан кейин:

— Сен нега хоқон билан кетмадинг? — деб сўради.

— Ростини айтсам... — дедим ўйланиб. — Бундан кейинги тақдир мени сенга боғляпти... Хоқоннинг юлдузи сўнаётир.

Ўқабой севинчини яшира олмади. Туриб ўтирди:

— Энди нима қилиш керак?

Кўп ўйлаб ўтирмай:

— Биринчидан, — дедим, — эртага барвақт хоқонга ҳужум қилиш; иккинчидан, лашкарни бир қўлга тўплаб Гузатойни тугатиш керак.

Режам Ўқабойга маъқул тушди. Лекин ташвишда эди.

Тўсатдан:

— Мен хоқонга ҳужум қилганда, орқадан Гузатой менга ташланиб қолса-чи? — деди.

— Орқа томондан сени ҳимоя қиламан.

— Нима билан?

— Нима биланлигини тақдир кўрсатади. Фақат... Гузатой кўшинига ўтмоқчиман.

Гапларим Ўқабойни ўйга толдирди. Мендан шубҳалангандай бўлди.

— У ёқда нима қиласан? — шубҳа билан тикилди юзимга.

— Гузатойни сен билан иттифоқ тузишга кўндирмоқчиман.

— Кейин-чи?

— Хоқонни маҳв этгандан кейин Гузатойни ҳийла билан ўлдириш осон.

— Татбиқ қилиш мумкин бўлса, фикринг жуда соз.

— Мумкин!

39

Кейинги куни Гузатойнинг қароргоҳида эдим. Рунжа хотин билан кўришдим. У Гузатойнинг кеча қизлар билан кайфу-сафо қилаётиб, тўсатдан ўлиб қолганини айтди.

— Лашкар етакчисиз қолди, — деди Рунжа хотин. — Энди ҳолимиз нима кечадди?

Унинг лаблари титраб, кўзларида ёш қалқиди. Бу хабар менинг учун ҳам кўнгилсиз эди. Чунки саркардасиз исқитлар қўй сурувини эслатади. Ўқабой буларни бир кунда ўзига бўйсундиради. Демак, унинг кучи янада ортади. Ҳолбуки, буларда ҳам бир саркарда бўлса, икки орада уруш давом этиб, иккаласи ҳам кучдан қолади.

Ўзимча шундай мулоҳаза юритиб, Рунжа хотинга:

— Сенга садоқатли саркардалардан бирини кўшин бошига кўйишинг керак, — дедим.

— Бу тўда орасида бирорта ҳам обрўли одам йўқ, — деб жавоб қилди.

— Ундай ҳолда валиаҳдни хоқон деб эълон қилиш керак.

Бу фикр Рунжа хотинга маъқул тушса-да, рози бўлишга кўрқди. Бу ҳол менинг вазабимни қайнатди.

— Кутиш пайти эмас! — дедим. Қаршингда Ўқабой сингари нуфузли саркарда турибди. Эртага Гузатойнинг ўлганини билишса, ҳамма у томонга ўтиб кетади. Исқитларнинг табиатан бошвоқсиз эканини яхши биласан. Буларни фақат зўр саркардагина интизомга сола олади. Агар нуфузли саркарда бўлмаса, хоқон бўлиши керак.

Рунжа хотин мулоҳазаларимни тўғри деб топди, лекин:

— Бу билан масала ҳал бўлмайди, — деди.

— Нега?

— Чунки ўғлим ёш, ҳалим табиатли. Ҳаётида биров билан урушмаган, бирор бош кесмаган. Бундай одамнинг лашкар орасида нуфузи бўладими. Ҳолбуки, кўшин орасида отининг жиловиди юзларча тери осилган навкарлар бор.

— Майли, булардан бир саркарда сайлаб бўлмайдимми?

— Йўқ. Чунки саркарда сайланмайди. У ҳунари билан шўҳрат қозониб, ўз-ўзича кўшин тепасига кўтарилади. Гузатойнинг ўрнини босадиган бирор одамим йўқ.

Рунжа хотинга бир неча таклиф айтдим. Қабул қилишга журъат этолмади. Аёлнинг журъатсизлиги гашимни келтирди. Нима қилишни билолмай қолдим. Ниҳоят, миямга яна бир фикр келди.

— Ўқабой билан иттифоқ тузсак-чи? — дедим. — Хоқонга қарши биргалашиб ҳаракат қилсак, қандай бўларкин?

Рунжа хотиннинг юзида табассум кўринди.

— Иложи бўлса, яхши бўларди, — деди.

— Иложи бор! — дедим. — Ижозат бер, бориб у билан учрашай.

Рунжа хотин рози бўлди.

Уша куниёқ Ўқабойнинг ҳузурига жўнадим.

40

Юборилган арава Рунжа хотинни барча кўч-кўрони, аёнлари билан бирга Ўқабойнинг қароргоҳига олиб келди. Икки қўшин бирлашди. Ўқабой янги саркардалар тайинлади. Курол-яроғларни созлаш ва тайёрлаш учун усталар ажратилди. Бўладиган жанг учун катта тайёргарлик бошланди.

Бир куни Рунжа хотиннинг ўлига қароргоҳда ўқ тегиб ўлганини айтишди. Валиаҳд катта бир тантана билан дафн этилди, тўққиз нафар бокира қиз бўғиб ўлдирилиб, унинг қабрига қўйилди.

Бу ҳодисадан Ўқабой изтироб чекаётгандек кўринса ҳам, сарой аҳли орасида жиноят Ўқабой томонидан амалга оширилганини ошкора гапиришарди. Бу нарса мени қизиқтириб қолди.

Бир оқшом саройнинг барча сирларидан воқиф бўлган ҳарам оғаси билан учрашдим. Юзи кампирларникига ўхшаб кетадиган, жарангдор товушли ҳарам оғаси менга қизиқ гапларни айтди.

— Бирор мамлакат истило қилинганда, — деди у, — асир тушган қизлар хоқон ва саркардалар ўртасида бўлинади. Муваффақиятли жанглар туфайли Ўқабойнинг ҳарамиди минг нафарга қадар қиз тўпланган. Ҳар кеча бир бокира талаб қилинади, тақдим этаман. Ўқабой бир қизга иккинчи бор дуч келишни хоҳламайди. Одати шунақа. Дунёга келувчи болалар билан қизиқмайди, борлигини билмайди ҳам.

Кейинги пайтларда Ўқабой бир оз ўзгаргандай бўлди. Бир ҳафта бурун бутун ҳарамни айланиб, бир қизни танлади, чодирига олиб борди. Ҳозиргача ёнида сақлаяпти, “бош хотин” деб эълон қилибди. Фарзандга ихлоси бўлмаган Ўқабой “бош хотин” дан фарзанд кутяпти.

Ўқабойнинг бу ҳаракатини хоқонлик ишқига тушган деб баҳоланмоқда... Рунжа хотин ўлининг ўлими эса йўлдаги тўсиқ олиб ташланганини билдиради.

Ҳарам оғасининг гаплари мени қаттиқ ташвишга солди. Хоқоннинг ўрнида Ўқабой сингари кучли бир сиймонинг пайдо бўлиши жануб маданияти учун янада таҳликали бўлиши мумкин. Гузатойнинг ўлими бутун ниятларимни чипшакка чиқарди. Мақсадим кучли саркардаларни уруштириб қўйиб, исқитларни кучдан қолдириш эди. Аммо, кучлар парчаланмай, бир қўлда тўпланди.

41

Кечаси билан уйкум қочиб, шу масалани ўйлаб чиқдим. Нима қилишга бошим қотди. Бу мушкулотни ойдинлаштирадиган ягона омил ҳозирча хоқон билан Ўқабойнинг олишуви эди.

Тайёргарлик ниҳоясига етди. Шимолга томон чекинган хоқон таъқиб қилина бошлади. Уч кундан кейин тоғ доvonларидан бирида хоқоннинг асосий кучларига дуч келинди. Қаттиқ жанг бўлди. Ўқабой қўшинининг бир қисми хоқон томонга ўтди. Бундан ғазабланган Ўқабой ўз қўшинидан мингларча одамнинг кўзини ўйдириб, хоқон томонга ҳайдади. Ўзи кечаси билан қаттиқ тайёргарлик кўриб, лашкар олдига тушган ҳолда ҳужумга ўтди. Эрталабгача давом этган қонли олишувдан сўнг хоқон қўшинида парокандалик юз берди. Ҳар ким ҳар томонга қоча бошлади.

Эрталаб хоқоннинг ўлдирилгани ҳақидаги хабар қўшинга ёйилди. Кўп ўтмай унинг бутун оиласи ва ҳарамни дабдабали суратда Ўқабойга топширилди.

Хоқон юзидан шилинган тери Ўқабой отининг жиловига илинди. Бош чаноғидан коса ясалиб, ичида шароб ичилди. Сон-саноқсиз душман калалари найзаларга санчилди.

42

Жасур саркардалар қурултойга йиғилишди. Ўқабой хоқон деб эълон қилинди. Унга қасамд қилдилар. Катта зиёфат берилди.

Уч кун давом этган кайфу сафодан кейин янги хоқон қўшин билан машғул бўлди. Лашкар анча кучдан қолганди. Жангдан омон чиққанларни ҳам ичбуруқ ва безгак маҳв этмоқда эди. Бир куни хоқон мени ёнига чақирди.

— Гам, — деди, — сенинг барча таъбирларинг тўғри чиқди. Тақдир калиди сенда. Энди келажак қандай бўлишини тушунтир.

— Шимол йўлини ёруғ, жануб йўлини қоронғу кўраяпман, — дедим.

Ўқабой жавоб бермади. Бир муддат жим қолди. Кейин:

— Шимол — ўзимиз билган шимол-да! — деди.

Ўқабойнинг жанубга юриш қилиш нияти борлиги гапларидан сезилди.

— Шимолда узоқ давом этадиган қиш йилқимизни оч қолдиради, — деди. — Навқарлар ҳам у ерда ейишга бирор нарса топишолмайди. Жанубда эса ҳамма нарса бор.

— Жануб ҳавосига ўрганмаган навақарлар безгак ва ичбуруқдан ҳалок бўладилар. Ҳозир кунига юзлаб одам ўлаётир. Яна бир оз жануброққа юрсак, бизлардан номнишон ҳам қолмайди.

Хоқоннинг гапларимга ишонаётганини ҳис қилардим. Иккинчи томондан одамлар ва жониворлар учун озиқ-овқат эҳтиёжи жанубга юришни тақозо этарди. Шу боис кўп ўйламасдан:

— Қиш тушмасдан иссиқ жойларга боришимиз керак, — деди.

Сухбатимиз шу билан тугади, мен чиқиб кетдим.

Шундан кейин узоқ вақт учрашмадик.

43

Аввалги хоқон билан янғисининг ҳарамлари бирлашганидан кейин ҳарам оғасининг иши кўпайганди, биз учраша олмасдик. Бир куни кечаси у ёнимга келди, ой ёруғида чодир олдида чўзилиб ётган эдим. У ҳам чўзилди, кайфияти яхши эмасди.

— Нима гап? — дедим.

— Нима бўларди! Дунё мен учун гурбатдан бошқа нарса эмас. Мен орзуси армон бўлиб қолган бир томошабинман, холос!

Ҳарам оғасининг бу аламзада гапларини қайси манбадан олганини тушунолмадим. Савол назари билан унга қарардим. Афтидан, ичини ёндираётган оловни бадтар алангалатдим.

— Оёқларидан маҳрум бўлган одамни бир тасаввур қилиб кўр, — деди. — Юришни орзу қилади, лекин юролмайди. Мен ҳам шундай... Мени ҳисдан маҳрум деб ўйлашади. Билсанг, юрагимда қандай улкан ишқ оташи борлигини... Гам, менинг тилимни қичитма, азобларимнинг чеки йўқ, ахир!

Ҳарам оғаси илондай тўлғонди, кўзларида ёш милтиради.

— Инсон маҳлуқотнинг ичида энг хавфлиси: илон чақса, одам ўлади қутулади, инсон инсонни шундай кўйга соладики, умрининг охиригача азоб ичра типирчилаб ўтади.

— Оға, — дедим, — сиздан шу пайтгача бундай шикоятлар эшитмагандим. Энди, бирор гап бўлди, шекилли?

Ҳарам оғаси уҳ тортди.

— Гам, — деди, — бунинг сабаби бор. Лекин... кўй, мени гапиртирма, яраларим янгиланади.

— Ҳар қандай яранинг бир давоси бор. Гамдан яширин ҳеч нарса йўқ. Ишқ қийнаётганини кўриб турибман. Гапиринг.

— Гапиришдан не фойда? Дардларимга даво йўқ...

Ҳарам оғаси узундан-узоқ гапирди, йиғлади-сиқтади. Аммо бунинг боиси ким эканини ошқора айтишни истамади. Ниҳоят, кўнгли ёриб, эски хоқон ҳарамидан қолган бир гўзал ҳақида гап очди:

— Бир куни эрталаб Ўқабой янги ҳарамни айлангани келди. Минг нафардан зиёд қиз ичида унинг эътиборини биттаси ўзига тортди. Ўқабой унинг олдида тўхтаб, беихтиёр қўлини қизнинг иягига чўзди. Қиз унинг қўлини итариб ташлади. Ўқабой ғазабдан қизариб кетди, бироқ ғазаб ишққа айланганди.

Кечқурун қизни чақиртириб келтирттирдим. Чўмилиш учун сув ва янги кийим тайёрлаттирдим. Қиз таклифимни рад этди. Ҳар қанча уринмай, кўнмади. Хоқоннинг қайта талаб қилишига қарамай, қиз бормади. Масалани жаллод пичоғи ҳал қилади, деб ўйладим.

Ниҳоят, хоқоннинг ғзаби марҳаматга айланди ва қизга бир даста гул ҳамда анчагина тилла зийнатлар юбортирди.

Қиз буларни ҳам қабул қилмади.

44

Ҳарам оғаси бир оз жим қолди. Тилининг тагига озгина нос ташлади-да, ой ва юлдузларни томоша қила бошлади.

Кейин носни тупуриб ташлади ва сўзида давом этди:

— Ўтгиз йил давомида мингларча қизларни бошқарганман, лекин бунақасини учратмаганман. Ўша кундан бери қизнинг сиймоси мени таъқиб қилади. Қаерга борсам ҳам кўз ўнгимда тураверади. Мана, қарагин, ойни томоша қилипману фақат ўшани кўрапман... Юлдузларнинг орқасига беркиниб олади, ҳар замонда бир кўри-нади-ю, яна беркиниб олади, мен билан бекинмачоқ ўйнагандай, менга қараб кулаётгандай бўлади... Нега? Билмайман!

Ҳар куни эрталаб хизматчи қизлар билан дарёга чўмилгани боради. Мен ҳам уларни кузатиб бораман. Ечинади, чўмилади, минг бир ноз билан кийинади. Буни кўриб юрагим уришдан тўхтади, нафасим бўғилади, мен устида ўтирган тош мисол қотиб қоламан. Эҳ, Гам, тилимни қичитма, биз инсонларнинг энг ожизимиз...

— Оға, ожизларнинг ҳам яшашга ҳаққи бор, — дедим.

— Амалда-чи?

— Фақат кучлилар яшайди. Бунга ўзимиз сабабчимиз.

— Биз нима ҳам қила олардик?

— Зулмга қарши исён қиламиз!

— Сенинг исёнингдан эҳтимол бирор нарса чиқар. Меникидан-чи?

— Ҳеч нарса чиқмайди, дейсизми?

— Чиқмайди. Чунки дардимнинг давоси осмони фалак. Оддий бир ходимнинг, ахталанган бир одамнинг исёни ҳаёт гардишини ўзгартира оладими?

— Масалани осмондан қидиришнинг кераги йўқ. Одамнинг дарди ерда бўлгани сингари, давоси ҳам ерда... Инсоннинг тақдири ўз қўлида. Қандай хоҳласа шундай яшайди. Фақат дардлилар бирлашишлари ва ҳар қандай фидойиликка тайёр бўлишлари керак.

— Гам, гапларингда жон бор. Бундай фикрлар баъзан менинг миямга ҳам келади. Ўзгаларнинг дардини кўриб, ўз дардимни эсдан чиқараман. Нима учун одамнинг биттаси дунёнинг барча неъматларидан мўл-кўл баҳраманд бўлгани ҳолда бошқаси ҳамма нарсдан маҳрум бўлиши керак, деб ўйлайман...

Ҳарам ҳаёти билан қизиққанымдан гапни у ёққа буриш учун сўрадим:

— Оға, ҳарамда ҳам қайғу борми?

— Эвоҳ, нима деяпсан, Гам, ҳарам қайғу ҳасрат, дарду аламнинг уяси-ку, ахир! Икки йилда атиги бир мартагина ишқ тўшагига кирган ёш қизларнинг қайғуси бўлмайдами? Мен кечаси билан тонг отгунга қадар азобдан тўшагимда тўлғониб чиққаным каби, ҳарамда ҳам юзларча қизлар эрталабгача ухланмайди: бахтсизлик азобида тўлғониб чиқишади.

— Бундай бахтсизликнинг боиси не?

Ҳарам оғаси у ёқ-бу ёққа қаради, чайналди, жавоб беролмади.

— Бунинг боиси бир одам, холос, — дедим.

Ҳарам оғаси бошини қимирлатди.

— Хўш, бу жанг жадалларда минглаб одамларнинг ўлимига сабабчи ким?

Ҳарам оғаси яна бошини қимирлатди. Мен сўзимда давом этдим.

— Ичбуруқ ва безгақдан қирилиб кетаётганларнинг сабабчиси ким?

— Хоқон! — журъат қилди ҳарам оғаси.

— Демак, ё мингларча одамларнинг саодати, ёки хоқон.

— Масала ёлғиз хоқонда эмас... Ўқабой бўлмаса, бошқа бирови бўлади.

— Хоқонликдан воз кечиш керак.

— Кейин-чи?

— Кейин халқнинг ўзи ўзини идора қилади, умумий меҳнат, умумий маҳсулот, умумий тақсимот.

45

Мулоҳазаларим ҳарам оғаси қаршисида янги уфқлар очарди. У мен билан тез учрашар, фикрларимга ошна бўлиб, ўзи учун янги дунё яратарди.

Аста-секин фикрларимизни ҳарамдаги аёллар ва куллар орасида ёйишга ҳаракат қилдик. Хоқонлик тузумининг доимий азобига учраган бу бечоралар ниятларимизга шерик бўлиб, зулмдан қутулиш йўлини кўрсатишни талаб қилардилар.

Безгак ва ичбуруқ касалидан қирилиб кетаётган қўшинда ҳам гоёларимиз учун катта майдон очила бошлади. Бундай қулай вазиятдан фойдаланишга ҳаракат қилинди. Фарзандлари урушларда ўлиб, ёлғиз ўзи қолган кекса бир навкар бизга жуда қўл келди.

Ҳарам оғаси ёрдамида бу одам пишиқтирилди. Гоёларимизни тўла ўзлаштириганидан сўнг лашкар орасига юборилди. Барча касалликларга қарши ягона даво хоқон ва саркарда қони экани ҳақида гап тарқатдик. Миш-мишлар ўз таъсирини ўтказмай қолмади.

Исён учун замин тайёрланганди. Фурсатни қўлдан бой бермаслик учун бир кеча ҳарам оғаси билан ўтириб қилинадиган ишларни режалаштириб олдик.

Ҳарам оғаси:

— Хоқонни ўлдиришни мен зиммамга оламан, — деди.

46

Кечаси ҳарам оғаси бир одам билан олачуғимга¹ кирди. Олачуқнинг бир чеккасида чўзилиб ётгандим. Уйқули кўзларим аввалига ҳеч нарса кўрмади.

— Миррихнинг марҳамати, — деб салом берган ҳарам оғасининг овозидан ўзимга келдим.

— Ўзларига ҳам, — дея саломига алик олдим. Ўрнимдан туриб, бошим тагига қўйилган эгарга суяниб ўтирдим.

Меҳмонлар ўтиришди. Янги келган одам менга тикилиб қараганидан диққатимни жалб қилди. Бир қарашда оддий киши либосидаги бу одамнинг Ардижа эканини сездим. Кўзларимиз тўқнашганда учқунлар сачрагандек бўлди. Ардижа қизариб узун киприкларини ерга қадади.

— Оға, — дедим, — топшириқни бажарадиган одам шу йигитми?

— Шу! — дея жавоб берди ҳарам оғаси юзимга тикилиб маъноли қарашимга жавобан.

— Яхши! — деб қўйдим.

— Яна гаплар борми?

— Бор! Тафсилотини аниқлаб, вақтини тайин қилайлик.

— Хоқон уйғонса-чи?

— Нима қилибди?

— Унинг баъзан кечаси уйғониб, мени чақириб қоладиган одати бор. Жойимда бўлмасам шубҳа туғилади. Мени қидиртиради, кейин...

— Сиз кетишингиз мумкин!

— Бу йигит-чи?

— Йигит бир оз қолсин.

Ҳарам оғаси тўхтаб қолди, рози бўлмагандай кўринди; лекин ҳеч нарса демай чиқиб кетди.

Ардижа юзимга қаради, ранги бўзариб бурун катаклари тебрана бошлади. Бирикки йўталди. Ҳаяжонини сезиб дедим:

— Ардижа, сен ҳам Ўқабой ҳарамидамисан?

— Шундай. Миррихнинг иродаси шу экан.

Рашк ўти бағримни ёндириб юборди. Кесатиб:

— Шубҳасиз, Ўқабойнинг энг севганларидан бўлсанг керак? — дедим.

Ардижа жавоб бермади. Бошини қуйи солди ва ўчоқдан ёнаётган бир тарашани олиб қўлида ўйнай бошлади. Шунда кўз ёшлари сўлғин ёноқлари бўйлаб оқиб тушаётганини кўрдим.

Уни ўзимга тортиб, ўпмоқчи бўлдим, кўнмади.

— Ярадорман, — деди. — Менга тегманг.

Ҳурмат билан орқага тисарилдим.

— Миррихнинг бошинга солган кулфатларидан хабарим бор, — дедим.

— Ҳаммасини билмайсиз-ку... Агар улуғ хоқон наслидан дунёда ягона вакил бўлиб қолишимни билганимда, бешиқдаёқ ўзимни бўғиб ўлдирардим.

— Бу ҳаёт ўйлашга ҳам арзимади, — дея тасалли бермоқчи бўлдим.

— Аксинча, — деди у, — ўйлаш керак. Мени бу кеча шу ерга бошлаб келган ҳам

¹ Олачуқ — енгил чодир қапа.

ўша ўй. Интиқом ҳисси билан тўлиб-тошган бу кўксимни душман қафасида портлатишни истайман.

— Бу интиқом ҳисси менда ҳам бор. Лекин жўшқин қонимизни совутгач, интиқом олиш керак, бўлмаса...

— Бу ҳақда ўйлаганман...

Шу аснода ҳарам оғаси ичкари кирди. Бизларнинг жимгина гаплашиб ўтирганимизни кўриб ҳаяжони босилди. Ўтирди:

— Вақти маълум бўлдимиз? — деб сўради.

— Вақт маълум! — жавоб берди Ардижа.

Ҳарам оғаси ҳайратланиб:

— Бир ҳафтадан кейинми? — деди.

— Ҳа!

— Нега бир ҳафтадан кейин? — сўрадим мен.

Ҳарам оғаси:

— Ҳарамда бир қиз бор, — деди. — Хоқон ўшани қўлга киритолмаяпти. Энди у “Ё жаллод, ё тўшак” деб бир ҳафта муҳлат берган. Ўша қиз... шу йигитнинг қайлиғи бўлади.

— Жуда яхши, — дедим. — Аммо қилич иш бермаса-чи?

— Аввал заҳар берилди, — деди ҳарам оғаси.

Ардижа бу фикрга кўнмагандай бўлди:

— Заҳар бериш хоинлик, — деди. — Ошқора қилич билан чопиш керак.

— Ўқабой кучли бўлса-чи?

— Бўлмайди. Интиқом туйғуси ҳар нарсдан кучли! — деди Ардижа жаҳл билан.

47

Биринчи хўроз қичқирғида Ўқабойнинг ўлдирилгани ҳақида ҳарам оғаси менга хабар берди. Айни пайтда қўшинга одамлар юборилди. Қўшинда тўқнашувлар бўлгани маълум қилинди. Баъзи саркардалар ўз тарафдорлари билан биргаликда қаршилиқ кўрсатишибди. Янги бир саркарда қўшинга бошчилик қилмасайди, — дея ташвишландим. Дарҳол саройга бордим. Ўқабой қонга беланиб ётарди. Жасадини бир ҳандаққа ташлаттириб, устига тупроқ торттирдим. Шовқин кўтарган бош хотинни ҳам бўғиб, ўртадан олиб ташлашди. Шу тариқа саройда осойишталик ўрнатилди.

Бу аснода Ардижани эсладим. Ҳарам оғасидан сўраган эдик, имо билан ўз чодирини кўрсатди. Ёнига бордим. Ардижанинг лабларига ва бурнининг учига қон теккан эди. Елкаларига тушиб турган тўзгин сочлари, лабларидаги қон изи билан йиртқич шерга ўхшаб кетганди. Мени кўриб бўйнимга осилди.

Ёноқларимда ўтли тамғалар сездим.

— Отанг ўрнида тахтда ўтиришга лойиқ эканингни исбот қилдинг, — дедим.

— Тахтга эмас, ишқингга лойиқ бўлишни истардим.

Жавоб ўрнига бор кучим билан Ардижани бағримга босдим.

Вазият бошқа соҳаларда ҳам жадал ҳаракатлар қилиш кераклигини талаб этгани учун дарҳол чиқиб саройнинг нуфузли одамларини бошқа бир чодирга даъват қилдим.

— Тақдирнинг синови тугади, — дедим.

— Ўқабой қилган хиёнати эвазига жазосини топди. Бургут уяси яна бургут полопонига насиб этди. Энди қасамёд ҳар кимнинг бурчи ва бош вазифасидир...

Барча ўрнидан турди, оёқларимга қўл суриб ўпишди.

— Ўқабой сингарилар қўшин орасида исён чиқишига сабаб бўлишади. Хоинларнинг жазоси дарҳол берилиши керак...

Ҳамма бараварига “Ур!” деб қичқирди.

Қўлларимизда машғала билан қўшинга ёйилдик.

Ур, ур, ур!

Ҳақ сарига юр!

Ардижа — хоқон қизи —

Элнинг порлоқ юлдузи,

Хоқон тахтин истайди,

ЖАҲОН АДАБИЁТИ

122

Эгалланга қистайди,
 Эшитинглар ҳой, ҳой,
 Тез бошланар қурултой.
 Ёвуз саркардаларинг
 Жазолари берилсин.
 Қарор топсин адолат,
 Ҳақ ўрнига терилсин.
 Жарчи, солгин жар —
 Искитга хабар! —

— дея ҳайқирдик.

Тўполон тиниб, кўшин жим бўлиб қолди. Қаршилик кўрсатган саркардалар қўлга олиниб, бўғиб ўлдирилди.

Иккинчи хўроз қичқирғига қадар бу ишларни бажариб, Ардижанинг ҳузурига қайтдим.

48

Ардижанинг олий мансабга чиқиши унчалик тантанали ўтмади: халқ чарчаган-ди. Саройга нисбатан қандайдир совуқлик пайдо бўлганди.

Ўша куни ҳарамлар очиб юборилди, юзларча қизлар халққа қўшилди. “Ҳар бир қиз кўнгли истаган йигитга турмушга чиқиши мумкин”, деб эълон қилинди.

Лашкар тизимида баъзи ўзгаришлар бўлиши керак эди. Дарҳол амалга оширилди: баъзи бўлуқлар тарқатиб юборилди, жанговарлик қобилияти бўлганларнинг ҳаммаси ушланиб, яширинча йўқ қилинди. Халқ орасида урушнинг кераксизлиги ҳақида гоёлар ёйилди.

Гам кийимини кийиб лашкар ораладим; ҳамма жойда тадбирлардан сўнг сулҳ-парвар ҳаётнинг гўзаллиги ва уруш даҳшатлари ҳақида ваъзлар айтдим.

Бир куни кўшин вакилларида иборат бир гуруҳ оқсоқол хузуримга келди.

— Тақдиримизда не бор? — деб сўрашди.

Буларнинг сазаси ўлмасин деб, чинакам ҳунар кўрсатдим: Ногора қоқиб гир айландим, жазавам қўзиди. Ўзимга келгач:

— Сигирларингиз семиз, отларингиз учкур бўлсин! — дедим, Бола-чақаларингиз йиғи кўрмасин! Тақдир сизга қулиб боқмоқда. Олдингизда серсув, ўрмонли маскан кўринмоқда. Яйловлари беҳад кенг. Жойлашиб, хотинларингиз, болаларингиз, молларингиз билан роҳат-фароғатда яшайсизлар.

Оқсоқоллар мамнун бўлишди. Кейин биттаси мен айтган ўша жойнинг қасрдалигини сўради.

— Бир неча кундан кейин, тақдир кўрсатган томонга борамиз. Тайёрланинглари, — дедим.

49

Ардижа жануб сафарини етарликча тасаввур қилолмасди. Саройда ҳукмрон бўлган ирсий тушунча ҳар бир сафарни ҳарбий юриш сифатида тасаввур этарди. Ардижа ҳам бундан мустасно эмасди.

— Кўшин пароканда, бўлди, — дер эди у, — саркарда йўқ, аскарларнинг руҳи тушкин — бундай сафардан бирор натижа кутиш мумкинми?

— Дунёда энг буюк натижа урушларсиз ҳаётдан иборат. Фақат тинчлик ва меҳнатгина бизнинг фароғатимизни таъминлай олади. Мана шу икки неъматга эришмоғимиз учун маскан қуришимиз керак.

Ардижа мени диққат билан тинглар, баъзи гапларимга ўйланиб қолар ва изоҳини сўрарди.

Кўпинча ўтроқ тушунчаси билан кўчманчи тушунчаси бир-бири билан тўқнашиб, орада тушунмовчиликларга олиб келарди. Лекин ҳар сафар Ардижа ён босарди. Мен учун қалбида асраётган туйғулари уни менга шундай боғлаган эдики, менинг фикрим, менинг зехним, менинг иродам уники бўлиб қолганди. Шу боисдан

эркин тарзда гапларимни ўтказишга ҳаракат қилиб, сафар тадоригини кўрардим.

Бир куни отга миниб, қароргоҳни бошдан-оёқ айланиб чиқдим. Ҳамма жойда иззат-икром кўрсатишди. Искитлар орасида катта обрўга эга бўлганимни ҳис қилгач, ўзимни бош саркарда деб эълон қилдим. Шундан кейин, эртага дарҳол кўчамиз, дея халқ орасига жарчилар юбордим.

“Ел” улусидан икки кунлик масофада маскан қурдик. Бу ер ўрмонга бурканган тоғ этаги эди. Серсув, бунинг устига экин майдонлари ҳам бор эди. Олачуқлар текилди. Ҳамма жойлашди. Йилқи яйловга ҳайдалди. Тартиб ва осойишталикни таъминлаш учун ҳар қирқ олачуққа бир оқсоқол шўроси сайланди. Шўро қарорининг ижроси учун минг нафарлик суворий тумани тузилди ва ҳарам оғаси тасарруфига берилди. Барча қурол-яроғлар махфий бир жойга яширилди.

Ёзгача шу ерда қолишимиз барчага билдирилди. Қуролини топширишни истамаган элиқтача киши дарҳол ушланиб, қатл этилди.

Шу тариқа керакли ташкилий ишларни амалга ошириб, осойишталикни таъминлагач, ҳар бир оқсоқол шўросидан бир вакил олиб, Ардижа билан бирга “Ел” улусига қараб йўлга чиқдик. “Ел”ликлар бизларни зўр тантана билан қарши олишди. Менинг соғ-саломат қайтишим ҳаммани севинтирди.

Иккинчи куни ҳайбат йиғилишида юртдошларимга бошимдан кечирганларимни гапириб бердим. “Ўлим ёғдириб келаётган улкан бир қўшинни сулҳпарвар ҳолга тушириб, кўчманчиликдан ўтроқ ҳолга келтирдим. Бу билан, бир томондан улкан одамлар оммасини фойдали соҳага жалб этдим. Иккинчи томондан эса қабилалар иттифоқини хавф-хатардан қутқардим”, дедим маърузам сўнггида.

Ҳайбат аъзолари ўринларидан туриб мени бағирларига босишди.

Кейин менинг таклифимга биноан искитлар масаласи атрофида муҳокама қилинди. Уларни янгича турмушга ўргатиш учун бир неча қарор қабул қилинди. Искитларни бир неча қабиллага бўлиш ва ўрталарида қабилалар иттифоқига мансуб одамлардан ташкил топган қуроли кучлар сақлаш маъқул кўрилди. Искит ёшлари тарбиясининг аҳамияти алоҳида қайд қилинди.

Искитларни жанубга етакловчи шароитнинг доимий эканини назарда тутиб, дедим:

— Янги кучларнинг шимолдан жанубга қараб оқиб келиши мунтазам кутилиши мумкин. Бунинг олдини олиш учун ҳар бир қабил аъзолари урушга тайёр туришлари керак. Искитлар жанговар эканликларини ҳисобга олиб, уларнинг жанг усулларини ўрганиб, қуролларидан фойдаланиш керак. Қурол-яроғ тадориги учун искит усталарини олиб келиб, “Ел”да жанг анжомлари тайёрлаш лозим.

Бу таклифим ҳам қабул қилинди.

50

Ардижа “Ел” улуси тизимидан жуда мамнун эди. Бошқа қабилаларни ҳам айланиш ниятида эканини айтди.

— Сизларда ҳар ким ҳамма учун яшар экан, — дер эди у. — Ҳар бир инсон ўз саодатини кўпчилик саодатида деб биларкан. Хусусий мулк бўлмагани учун ҳасад ҳам йўқ. Хусусан, уруш тарафдори бўлмаганингиз ҳаммасидан яхши. Билсангиз, Чопо, жангу жадаллар роса жонимга тегди.

— Урушга эҳтиёж йўқ, — дедим. — Меҳнат қилган тўқ яшайди. Ҳар кимнинг яшашга ҳаққи бор. Ҳақиқий ва масъуд яшашни эса фақат тинчлик таъминлайди.

— Тинчлик сўзи Ардижанинг кулгисини қистатади, — деди у. — Сулҳ маъхумий, искит зеҳнига жойлашадиган нарса эмас. Биз йиқамиз, ёқамиз ва парчалаймиз. Уруш бизлар учун тақдирга айланган.

— Ардижа, — дедим, — бир бор бўлса ҳам истироҳат нималигини ҳис қилган одам урушни орзу қилмайди. Искитлар истироҳат кўрмаганлари учун жангари бўлишади. Бундан ташқари кўчманчи ҳаёт охир-оқибатда жанг билан тугайди. Бизлар ўтроқ бўлганимиз учун уруш тарафдори эмасмиз.

— Демак, бизларни тинч ҳаётга интизор қилган нарса ҳам кўчманчилик экан-да.

— Табиий! Тинчлик лаззатини ҳис қилиш учун бир жойда яшаш керак.

— Кейин-чи?

— Кейин нима бўларди? Зеро, дунёга келишдан мақсад фароғатда яшаш эмасми?

— Шундай, Чопо! Бу сўзларинг фикрим зангини тозалаётир.

51

Эшик очилиб, ичкарига Жайниз кириб келди. Келганидан хурсанд бўлдим. Анчадан бери ёлғиз учрашмагандик.

— Чопо, сени паришон кўряпман, — деди. — Нушанинг дарди қийнапти, шекилли.

— Йўқ. Нушанинг дарди унутилди. Энди юрагим бошқа санам ишқида тепаётир.

— Сездим... Ардижа.

Мен кулумсирадим. Аммо ҳеч нарса гапирмадим. Сўнг Жайнизнинг юзига қарадим. Маъноли қарашимга жавобан:

— Чиройли, жуда чиройли, — деди. — Ардижанинг ёрдамида бутун исқитларда обрў-эйтибор орттирасан. Бунинг бизлар учун аҳамияти жуда катта. Шимолдан янги бир оқим келадиган бўлса, исқитларни қалқон қиламиз.

— Буни ўйлаб қўйганман. Агар фавқулудда ваколат берилса, кейинчалик қабилаларга ажратмоқчи бўлганим исқитларни шимолий сарҳадларда жойлаштираман.

— Бу жуда яхши фикр. Лекин саркардаларни бизникилардан қўйиш керак.

— Албатта. Бугатой қандай? Яхши иш бердимми?

— Унинг фаолияти зўр. Кучли бир қўшин ташкил қилди. Болалардан чолларга-ча барча кўлида қурол билан душманга қарши чиқишга шай.

— Меҳмонлар қабилаларни айланиб чиқишгач, сафарбарлик эълон қилиб, расмий кўрик ўтказиш, Ардижа ва оқсоқоллар кўз ўнгида бутун кучимизни кўрсатайлик. Бу намоёиш исқитларга катта таъсир қилиши тайин.

— Шундай қиламиз.

— “Кўчқор” билан алоқаларингиз яхшими?

— Яхши. Исқитлар таҳдиди барча қабилаларни жипслаштирди. “Ел”дан янги-янги ғоялар туғилгани учун улусимиз маъбад тусини олди, барча қабилалардан ёшлар келиб турмуш тарзимиз билан танишмоқдалар.

— Демак, янгилик барча қабилаларга ёйилаётир.

— Шундай. Сендан кейин улусимизга яна анча ёшлар келиб жойлашиши. Ораларида азамат бир йигит бор. Ўзи “Қузғун” қабиласидан. Ҳайкал ясашга жуда уста. Ҳайъатнинг қарори билан бу йигит барча хўжалик ишларидан озод қилинган. У фақат санъат билан шуғулланади. Улус кўчалари ва боғларини ҳайкаллар билан безайди.

— Ёнига шогирдлар беринглар, ҳунар ўргатсин. Бу санъат жуда керак.

— Улус шўросига айтаман, болалардан юборишсин.

Жайниз анча суҳбатлашгандан кейин ўрнидан турди. Кетаётти:

— Нуша қиз туғибди, эшитдингми? — деди.

— Йўқ, — дедим ҳайрон бўлиб. — Қачон?

— Бир ой бўлибди.

— Исмини нима қўйибди?

— Нижи.

Вужудимни ажиб бир оталик ҳисси чулғади.

52

Улусимиз ташкилоти билан атрофлича танишиб бўлгач, меҳмонларга барча қабилаларни кўрсатиш режалаштирилганди. Биринчи навбатда “Кўчқор” қабиласига сафар қилиш назарда тутилганди. Ардижага хабар қилдим.

— Улусни шундай ёқтириб қолдимки, — деди у, — бу ердан ҳеч қасққа кетгим йўқ...

“Кўчқор” қабиласини таърифладим. Қизлар булоғини, шоир Милнирнинг шеърлари ҳақида гапириб бердим. Бу Ардижада катта қизиқиш уйғотди.

— Биринчи марта сиз билан Қизлар булоғида учрашсайдик... — дея ўқсинди Ардижа. — Бизлар қон ичида туғилдик, умримизнинг энг яхши дамлари ҳам қон ичида кечди.

Отга минаркан, юзида бошқа бир ҳавас кўринди. Йўлга чиқдик. Ҳар тепага чиққанзимизда:

— “Кўчқор” шу тепанинг орқасидами? — деб сўрарди.

— Йўқ, ҳали яна бир-икки тепа ошамиз, — деганимда ғалати бўлиб кетарди.

Бирдан қабиланинг оқ уйлари кўринди. Ардижа узангиларга оёқларини тираб, тикка турди-да, завқ билан томоша қила бошлади.

— Қизлар булоғи қайси томонда? — деб қайта-қайта сўради.

— Ўнг томонда, тоғнинг этагида.

— Кўринадими?

— Йўқ, ўрмоннинг ичида.

“Кўчқор”га олдиндан хабар қилинганди. Шибра хотин боппчилигида бутун халқ меҳмонлар истиқболига чиқишганди.

Халқни бу ерга етаклаб келган асосий нарса қизиқиш эди. Кўринишдан бизларга сира ўхшамайдиган исқитларни кўриш орзуси барчада ҳукмрон эди.

Хусусан, Ардижа ҳаммани ҳайратга солганди. От устида шундай шоҳона гурур билан ўтирардики, бу гурур унинг гўзаллигини янада ошириб юборганди. Ардижанинг ўзидаги мароқ ҳам оз эмасди. Шибра хотинни диққат билан кўздан кечиргач, чақноқ кўзлари қийиқ косасидан чиқиб кетай дерди. Менга ёндашиб Шибра хотиннинг кимлигини сўради.

Тушунтирдим. Лабларида ҳайрат жонланди.

Шу пайт Милнир олдинга чиқди ва қўбизини бағрига босиб “хуш келдингиз” куйини чалди.

Милнирни Ардижага кўрсатдим.

— Бу ҳам гамми? — деди.

— Гам эмас, шоир бу.

Ардижа шоирнинг нималигини тушуна олмади. Зўрға тушунтирдим...

Шибра хотин айрим одатларни бажартирди. Булар ҳам меҳмонларга маъқул келди.

Маросимлар тугагач, отлардан тушдик. Меҳмонхонагача пиёда юрдик. Халқ бизни кузатиб борди.

Бир ҳафта “Кўчқор” қабиласида меҳмон бўлдик. “Хўроз” қабиласига боришдан аввал Ардижа Қизлар булоғини кўрмоқчи бўлганини айтди. Ҳаво совуқ бўлгани учун Шибра хотиннинг ташаббуси билан Қизлар булоғида улкан бир намоёиш ўтказилди. Менга туш каби кўринган ночорли маросими кўз ўнгимда қайтадан жонланди. Қабил аҳлининг ҳаммаси шу ерда. Қизлар рақс тушарди. Халқнинг олд томонида биз ҳам томошага тизилдик.

Яна қўлида қўбиз билан майдонга Милнир чиқди. Созини чертиб, ажиб бир товушда куйлай бошлади:

Милнир: Бу тоғларнинг қорлари бор,
 Қизлар: Ночор, ночор, ночор, ночор.
 Милнир: Олдинда кўп бор¹лари бор,
 Қизлар: Ночор, ночор, ночор, ночор.
 Милнир: Севгилари, ёрлари бор.
 Қизлар: Ночор, ночор, ночор, ночор.
 Милнир: Олмаю анорлари бор.
 Қизлар: Ночор, ночор, ночор, ночор.
 Халқ: Келару етар дамлари,
 Йўқолиб кетар гамлари.

Шу пайт ёнимда турган Ардижа чинқириб ерга қулади. Қор усти қизил қонга бўялди.

Жимжит бўлиб қолган халқ орасидан:

— Нуша! Нуша! — деган овозлар эшитилди.

Шунда кўзим оломон ўраб олган Нушанинг сўлгин юзига тушди. У чанқоқ гўдак мисол қонли пичоқни ялади ва ҳар томондан чўзилган қўллар унга етмасдан туриб пичоқни чап кўкрагига санчди.

¹ Бор — ҳосил, мева, бойлик маъносида.

* * *

Искитларни қабилаларга бўлиб, шимол сарҳадларига жойлаштирганимга уч йил бўляпти. Ўзим “Ардижа” деб номланган қабиллада яшаяпман. (Ардижанинг кўрғони ҳам шу ерда.) Ҳарам оғаси билан бир уйдаимиз. Иккаламиз ҳам маънан ёлғиз ва тақдири бир-бирига ўхшаган одамлармиз. Менинг ҳам унинг сингари шахсий ҳаётим йўқ энди. Қалбларимиз уриши ҳозир орамизда яшамаётган бир сиймода тўпланиб, ҳазин бир оҳанг вужудга келтиради. Олис-олисларда акс-садо берувчи бу оҳанг ҳарам оғаси билан мени бир жон, бир танга боғлаб тургандай. Энди бизлар учун аёл ишқи бегона, — деб бир-биримизга сўз берганмиз.

Сўзимиз абадий.

Қабила аҳли эрталабдан ишга чиқади: кимдир йилқи боқади, кимдир полизга, боққа шошилади. Доимий вазифа йўқ, юмушлар алмашилиб туради. Кеча ҳарам оғаси билан далада ишладик, бугун эса йилқи боқдик. Уюр яйловда экан, иккала-миз бир тепалик устида ўтириб, янги иморатли ёш қабилаимизни томоша қилдик. Ҳарам оғаси менга фахр билан деди:

— Чопо, олдин мен ҳам бошқалар сингари қабила ҳаётига қарши эдим. Сафарларда яшаш, можаролар, сарой тантаналари ҳали миямда маҳкам ўрнашганди. Илк меҳнат менга янги бир шуур берди. Эндиликда ўтмишнинг чирик ирсидан бутунлай халос бўлган бир одамман. Чексиз саодат соҳибиман.

— Бу саодатнинг асосий сабабчиси мен бўлганимдан ўзимни бахтиёр билишга ҳаққим бор, — дедим.

Ўша суҳбатини эсларканман: “Саодат нима?” — дея савол бердим ўзимга ўзим. Саодат — шахсий “мен”дан, шахсий тамойилдан, шахсий орзудан воз кечиб, умумий “мен”ликка, умумий тамойилга, умумий орзуга хизмат қилиш демақдир.

Биз шундай қилдик. Энди қабиланинг ҳар бир аъзоси шу йўлни давом эттираётир.

* * *


Аҳмад китобни ёпди. Лекин ўй ва хаёли китобда эди. Чопо, Нуша, Жайниз, шоир Милнир, Хоқон ва Ардижа бугун можаролари билан уни қамраб олганди.

Аҳмад ўзини “Ел” улусдоши ҳис қилганича “Турк маданияти саройи”дан чиқди. Кенг йўлакдан марказий кўчанинг ўртасига етар-етмас катта тезликда келаётган трамвайнинг кўнғироғи жиринглади. Машиналарнинг ёрқин чизиқлари кўзларини қамаштирди.

Қадимий шаҳарнинг шовқин-сурони, радио, электр ёруғи ва оломоннинг ғала-говури уни ҳушига келтирди. Ҳақиқий оламнинг улуғвор дабдабаси бор бўйи билан қаршисида жонланди.

Бу олам олдида “Қизлар булоғи” экранда кўрсатилган бир сурат мисол лип этиб ўчди-қўйди.

1934.



ҚУТЛИБЕКА

Ватан ҳам бутундир, бутундир миллат

* * *

Бу қандай сўроқдир, ўргатувчинг ким?
Жосусга ўхшайди, ахир, бу савол.
Кел, яқин ўтириб қилайлик ажрим,
Бир Онанинг икки боласи мисол.

Мен учун “у томон” ҳам “бу томон” йўқ,
Ватан ҳам бутундир, бутундир миллат.
Жоноғрир жойимга санчиб турар ўқ
Ундаги ҳар яра, жароҳат, иллат.

Итин ҳам бировга хўрлатгим келмас,
Ажратиб севмайман “йирик, майдага”.
Мен шундай севгини тушунаман, бас,
Қолган барча ҳислар гийбат, майда гап.

Ўнг кўзни чап кўзга ёвлатиб хатлаш —
Кеча дор, сургунлар тукқан бу усул.
Миллатни бир этмоқ доим баландлаш,
Ажратиб юрмоқлик доим таназзул.

Бу қандай сўроқдир, сўратгучинг ким?

МЕН СИЗДАН

Мен сендан нима деб гина қилайин?
“Қул эдик” десам ҳам бошинг силкийсан,
“Қул эдик” десам ҳам силкийсан бошинг.
“Озодмиз” десам ҳам бошинг силкийсан,
“Бунёдмиз” десам ҳам силкийсан бошинг.

ЖАҲОН АДАБИЁТИ

128

“Тахтлимиз”, десам-да,
 “Бахтлимиз”, десам-да,
 “Жасорат!” десам-да,
 “Матонат!” десам-да,
 “Ҳиёнат...” десам-да,
 Силкийсан бошинг.

Баъзида бошингни ушлагим келар,
 Бўйнингдан бўғизлаб ташлагим келар.
 Қадоқ қўлларингга термулсам лекин,
 Қора кўзларингга термулсам лекин
 Ўзимни ҳаётга бошлагим келар...

Мен Сиздан нима деб гина қилайин?

СЕН БАЛАНД ЯРАТДИНГ

Ўзбекча бир “оҳ” ҳам билинар,
 Юрак жон жойидан тилинар,
 Ўзингдан ҳимоят тиланар,
 Сен сезгир яратдинг,
 Худойим, минг шукур.

Севсам, ишқ изҳорим — аниқдир,
 Раддиям, инкорим — аниқдир,
 Тазаррум, иқрорим — аниқдир,
 Сен кескин яратдинг,
 Худойим, минг шукур.

Ўкинсам, пастлар деб ўкиндим,
 Тўкилсам, номус деб тўкилдим,
 Юкинсам, тикларга юкиндим,
 Сен баланд яратдинг,
 Худойим, минг шукур.

Сўз айтсам, пичирлаб айтмасман,
 Дўст тугул, ёвимни сотмасман,
 Тиг отсам, елкадан отмасман,
 Ўзинг мард яратдинг,
 Худойим, минг шукур.

Туйғуларим ичра чўкса бўлади,
 Шу қадар тозадир, ўпса бўлади,
 Гўдаклар бошидан тўкса бўлади,
 Сен бекин яратдинг,
 Худойим, минг шукур.

Чиройли яшайман, биламан,
 Сўлмасман, қарсиллаб сўнарман,
 Ўлсам ҳам бир гўзал ўларман,
 Ўзинг чин яратдинг,
 Худойим, минг шукур.

ЖАҲОН АДАБИЁТИ

* * *

Шу уйнинг устида турган байроқни
Ёғоч тугқичидан оҳиста ечиб,
Ўзимнинг қўлимга ўрнатгим келар.

Хумоқуш ўтирган туғромизни ҳам
Ўралган тахтадан аста ажратиб,
Юрагим устига маҳкамлаб қўйсам...

Озодлик деган шу жон каби сўзни
Девордан беозор кўчириб олиб
Яширгим келади юрак тубига.

Мумгардиш ичига кирмоқ истайман.
Ҳар ҳарфин, ҳар товшин мадҳиямизнинг
Содиқ аскар янглиғ қўриб ўтирсам
Ёмон қарашлардан, ёмон кўзлардан.

Мен худбин эмасман,
Гумончи эмас.
Фақат кутиб-кутиб етганимизни,
Фақат қонлар ютиб етганимизни
Ёғочми, Тахтами ёки Деворми
Мумгардиш — қай бири гафлатда қолиб,
Олдириб қўймаса дея қўрқаман.

Мен аёл бўлсам-да,
Ушоқ бўлсам-да,
Ўзимда тургани ишончлироқдай.

ТУШУНИШ

Дарахт унинг ёлғон оти, тушундим:
боласи бағридан юлинган Она
ана шу алфозда қорайиб кетар.

Бўм-бўш гавдасини
судрай олмасдан
ана шу алфозда
туради карахт.

Тўлқин унинг ёлғон оти, тушундим.
Музлик салтанати фармонларига
Бўйсунмаган қавм шундай ҳайдалар.
Маҳкумлар шу тарзда қочар ҳансираб,
Қалқиниб, чўкиниб, бир-бирин босиб,
Олдида гирдибот, ёнбоши қирғоқ.

Қуёш унинг ёлғон оти, тушундим,
Қоронғу кунларда, нурсиз кунларда
Пайпаслаш, тусмоллаш жонига теккан
Қайси бир баҳодир кўксин шарт ёриб,
Осмонларга отган юрагидир ул.

Бир шундай юракни Яратган Эгам
Баландда, порлатиб ушлаб ўтирар,
Сўндириб қўймайди, ташлаб юбормас.

Ой ҳам ёлғон исм, юлдуз ҳам ёлғон
Ўша баҳодирнинг маъюс бекаси
Теграсига минг-минг шамчалар ёқиб,
Ёри йўлдошини излайди шундай.

Қўл-оёқдан қолган бемор кимсадай
Сувсиз солмаларнинг асл исми бор,
Ўлик булбуллардай хазонларнинг ҳам.
Биз кўрган, биз сезган ҳар бир ҳолатнинг,
Ҳар битга сувратнинг номи бошқача.

“Не қилай?” дейсанми?
Бошинг оғритма.
Сенинг аслиятга мутлоқ ҳушинг йўқ.
Қуюниб-суюниб ўзим айтаман.
Фақат айтмоғимга халақит берма!
Кимдир эшитмоққа майл билдирса,
Қўлинг қулоғига чўзма, чидагин!

СЕВИШИБ ЮРИБМИЗ

Севишиб юрибмиз шу ёшга кириб,
Муборақ этамиз бир-биримизни.
Кўз ичра учрашиб, кўз учда кулиб,
Зиёрат этамиз бир-биримизни.

Севгили кунлар бой — нуқра, зарлидир,
Хушсуврат, хушсийрат, хушҳунарлидир.
Жон деб азобларин жонга босамиз,
Ахир, азоблари тушунарлидир.

“Оҳ” десак, оҳлари шу қадар яхши,
Лабда титроқлари шу қадар яхши,
Бир Ҳаққа соғиниб хатлар ёзамиз,
Ўзимиз булбулмиз, ўзимиз бахши.

“Боғларда зоғ” деманг, зоғлар кетмайди,
“Юракда доғ” деманг, доғлар кетмайди,
“Севдим” денг, “Севдим” денг, “Севдим” денг фақат
Дунёда ҳеч бир сўз унга етмайди.
...Севишиб юрибмиз шу ёшга кириб...

* * *

Мен суйиб, мен суйиб
кимни суйибман.

ЧЎЛПОН

Севгимни дарёга ташласам агар
Сувларга қўшилса, ичса балиқлар
Сайраган бўларди булбуллар каби.

Сахрога ташласам, илонлар еса
Бари париларга айланиб қачон
Малика бўларди шаҳзодаларга.

Тошбақа тотинса, қўшқанот боғлаб
Кўтариб келарди Боғи Эрамни.

Севгимни кечага сочсайдим агар
Ой қуёш бўларди, юлдуз ҳам қуёш,
Кеча кундузига етишар эди.

Мен Буюк севгимни сенга берибман:
Балиқларинг — Балиқ,
Илонинг — Илон,
Тошбақанг — Тошбақа,
Кечанинг кундузга қадамлари сушт.

Севгим кучсизмикан ёки эссизми?
Ох, мен сени яна қандоқ суяйин?
Тилланмоғинг учун, учмоғинг учун
Кечадан батамом кечмоғинг учун
Айт, қандай хоҳласанг, шундай суярман,
Айт, қанча хоҳласанг, шунча суярман,

УНИНГ КЎЗЛАРИДА

Унинг кўзларида гумон қамчиси,
Менинг кўзларимда калтакланган ишқ.
Унинг сўзларида алам томчиси,
Менинг сўзларимда хўрланиш — қаттиқ.

...Сенинг тиниқлигинг чинмидир, Осмон,
Баландлигинг чинми, кенглигинг чинми?
Булут ёмғирларга Онами ростдан,
Қуёшинг нурданми — Ҳаққа яқинми?

Ой зўр саркардами, булутлар лашкар
Бири-бирларидан қилмасми шубҳа?
Чақмоқ қўриқчими, гулдирак чопар,
Гулдираши ростми — эмасми туҳмат?

Сукутлар — сукутми, овозлар — овоз,
Мовийлик — мовийми, қизиллик — қизил?
Турналаринг аро ростданми парвоз?
Улар кўз кўрмакка эмасми тизим?

Рост бўлса, мен учун ялиниб-ёлвор,
Тангри Сен ёқларда, пастдан сас етмас!
Мулкинга кўчмакка бергин ихтиёр,
Шубҳалар ичида яшагим келмас!

Унинг кўзларида гумон қамчиси...

КУЙГАН ЖОНИМ

Осмонларни қўмсаганим бир араздир,
Аразларим бир ҳавасдир, бир нафасдир,
Кеча-кундуз дил уйида битта сасдир:
Куйган жоним Сизникидир, меникимас!

Бошингизни бош ҳолида қўймадилар,
Давра олиб, чавгон қилиб ўйнадилар,
Ўлганда ҳам ўйнадилар, тўймадилар,
Куйган жоним Сизникидир, меникимас!

Кўз ёшимни дарё билар, балиқ айтсин,
Шаббодалар “гирия”ларга солиб айтсин,
Ҳеч бўлмаса, холис айтгич Холиқ айтсин,
Куйган жоним Сизникидир, меникимас!

Томирингиз бузилганда бир куйрадим,
Қонларингиз бузилганда бир куйрадим,
Фурурингиз сизилганда бир куйрадим,
Куйган жоним Сизникидир, меникимас!

Энди Ҳумо Қуш келганда кетармидим,
Умидга Эрк экилганда кетармидим,
Эрк сўзига тил келганда кетармидим,
Куйган жоним Сизникидир, меникимас!

Гулюз, ранги сомоним ҳам ўзимга тан,
Қора ерми, осмоним ҳам ўзимга тан,
Яхшими ё ёмоним ҳам ўзимга тан,
Куйган жоним Сизникидир, меникимас!

Қисмат билан ўйнашасиз, ўйлашмасдан,
Бир тан, бир жон бўлиб бирга сўйлашмасдан,
Қонингиздан озод қушлар ийлашмасдан,
Куйган жоним Сизникидир, меникимас!

Ўтингизда ёниб ўтай, куйиб кетай,
Кетганда ҳам қирқ жон билан суйиб кетай,
Куйиндимни пойингизга қўйиб кетай,
Куйган жоним Сизникидир, меникимас!


АЙТТИРМАГАН СЎЗИНГ

Айттирмаган сўзинг айтилмай қолмас,
Сен омон экансан, омон бўлар у.
Қўрқоқлар тилида ёлғон бўлар у,
Хоинлар қўлида чаён бўлар у.

Айттирмаган сўзинг айтилмай қолмас,
Сен омон экансан, омон бўлар у,
Ожизлар кўзида гирён бўлар у,
Гирялар йиғилар вайрон бўлар у.

Айттирмаган сўзинг айтилмай қолмас,
Сен омон экансан, омон бўлар у.
Марднинг томирида ол қон бўлар у,
Қонлар ўт олади, исён бўлар у.

Айттирмаган сўзинг айтилмай қолмас,
Айттирмаган сўзинг йитмас, йўқолмас,
Бир куни ўзингга зиён бўлар у,
Бир куни ўзингга зиён бўлар у.



Итало ФРАНКИ

Буюк банкир*Икки қисмдан иборат комедия***БИРИНЧИ ҚИСМ***1792 йил, 22 октябрь.*

ШАХСЛАР

Натан Готшилд.
 Маркиз де-Сен-Каст.
 Ионафан бен-Манассия.
 Леонид.
 Ҳораций Коклес Брикабрак.
 Марк-Юний Брут.
 Исаак.
 Рита — Натаннинг хотини.

Воқеа Франкфуртдаги яҳудийлар маҳалласида ўтади.

Франкфуртнинг яҳудийлар маҳалласида Натан квартирасининг биринчи қаватидаги қоронгу, зах, ғарибона хона; ичкарилиқда готик услубдаги дераза, ичкарига очиладиган кўча эшик; ўнг томонида эски харрак, унинг ёнида қимматбаҳо тошлар тарашланалган чарх; чапда бир неча вазмин, яйдоқ, нақшин антик стул, чарх тепасида занжирга осилган қадимий шамдон; чапроқда эса катта кресло, ёнида бешик; бешиқдан бериди, саҳна олдида яқинроқ жойда катта кўҳна ўчоқ ёки камин, у юқори қаватга олиб чиқадиган зинапоёга туташган; қарши томондаги эшикча ҳам кўчага олиб чиқади. Деворлар бўйлаб немис пиво кружкалари, хумчалар, ошхонага хос бошқа илиш-товоқлар терилган рафлар.

Ваҳоб
РЎЗИМАТОВ
таржимаси

Итало Франки — XIX аср Италия адабиётининг кўзга кўринган вакилларида бири. “Буюк банкир” асарини рус драматургиясининг асосчиси А. Н. Островский таржима қилиб, “Отечественные записки” журналида 1870 йили эълон қилган. “Театральная энциклопедия”да Франки асарининг рус саҳнасида катта муваффақият қозонгани қайд этилган.

Бизнинг кунларимизда “Буюк банкир” асарининг аҳамияти катта. Биз бозор иқтисодиёти шароитида яшаш ва ишлашга ўрганмоқдамиз. Бундай пайтда банклар ва банкирларнинг хизмати беқиёс. Итало Франки асари бизга банкирлар қандай одамлар эканини тушунишга, уларнинг жамият ҳаётидаги ролини англашга ёрдам беради.

*Иzzат СУЛТОН,
 Ўз ФА сининг ҳақиқий аъзоси.*

БИРИНЧИ САҲНА

Ионафан (*қўлида елимланган конверт кўтарганча ўрта эшикдан кириб келади*). — Натан ҳали ишга тушмабди. Ваҳоланки, илгари, албатта, эрталаб соат саккизданоқ чархини айлантираётганини кўрардинг, аммо уйланганидан бери қимматбаҳо тошлар у билан терс бўлиб қолди... Бечора! (*Чўнтагидан пул ўралган тургакни олади*.) Мен бунга кеча Натан ўзининг номидан сотиш учун топширган бриллиант тўқа учун олдим. Жин урсин, бу тўқа нима тасодиф билан унинг қўлига тушиб қолди экан? У мени, бу бир дўстимнинг илтимоси, деб ишонтирмоқчи бўлди... Бўлмаган гап, бу қанақа дўстлар эканлигини яхши билемиз. (*Конвертни қўлида салмоқлаб кўраркан*.) — Мана, тагин бир конверт, почтадан олдим, унга аталган экан. (*Адресини ўқийди*). “Франкфуртнинг яҳудийлар маҳалласидаги Натан Готшильднинг уйида яшайдиган табаа Бон-Анфанга...” Нима экан бу? Анчагина вазмин. (*Аланглайди*.) Натандан ҳамон дарак йўқ! Ҳолбуки, французлар шаҳарга кириб келаётишибди, ана шундай томошани кўришдан маҳрум бўлишни хоҳламайман! Натан (*Ён эшикка бориб*.) Ҳой! Ҳой! Натан Готшильд!

ИККИНЧИ САҲНА

Натан зинапоя юқорисидаги эшикдан чиқади. Ионафан.

Натан. — Иш!.. (*Ионафанга секинроқ гапиришни имо қилади. Чаққонлик билан бешик олдига боради*.) Йўқ, йўқ, қаттиқ ухлаётибди, шўрлик мурғак! (*Алам билан хўрсинади*.) Оҳ! Қани энди ота-онаси ҳам шундай ухлай олсалар!

Ионафан. — Ҳм! Раввин сизнинг қаттиқ ухлаётганингиздан аччиғланаётибди.

Натан. — Бу киноялари билан нима демоқчи эканлигини биламан. У менга доимо қаҳри қаттиқлик билан қарайди! Динда муҳаббат ҳақида нечоғли кўп амр қилинган бўлса, фидойиларининг қаҳрлари ҳам шу қадар қаттиқдир.

Ионафан. — Дўстим Натан, мен бу ишларга аралашмайман. Раввин кўзни юмдирадиган уйку ҳақида гапирадими ё виждонни ғафлат бостирадиган уйку ҳақида гапирадими, менга бунинг фарқи йўқ, агар менга топшириқ берсалар, сизга хизмат қилишга тайёр бўлганимдек, унга хизмат қилишга ҳам тайёрман. Сиз кеча менга тўқани сотишни топширган эдингиз, (*унга ўроғлик пулни узатади*) мана, пулини ҳам олинг, аммо мен ҳам хизматим учун бирон нима олишим керак-ку.

Натан (*пулни жон ҳолатда олиб*). — Қанча? Қанча? (*Санайди*.) Ўн беш талер! Қасам ичиб айтишим керакки, у ўттиз талер турарди...

Ионафан. — Ўзингиз менга, уни тезроқ пулла, тўқа меники, деган эдингиз.

Натан. — Йўқ, ҳар талерга уч чақа бериш шарти билан воситачиликка олган эдим; оқибатда қирқ беш чақа йўқотибман... Эҳтимолки, эллик чақа йўқотгандирман... Мусо алайҳисалом ҳурматига қасам ичаман! Бунга имоним комил...

Ионафан. — Бозорга нега ўзингиз чиқа қолмадингиз?

Натан. — Негами? (*Ионафанга эмас, гўё бировларга мурожаат қилаётгандек, чуқур нафрат билан*) Натан Готшильдга қўл бергиси келадиган биронта ҳам яҳудий йўқлигини билади-ку ахир! Медиклар орамизда мохов баргараф этилган, деб даъво қиладилар. Бу — ёлғон, Ионафан! Ахир мен Франкфуртдагилар орасида мохов эмасманми? Ахир қўлларимиз моховга чалинган эмасми, ахир нафасим рутубатли эмасми, ахир пулларим юқумли эмасми? Сиз бўлсангиз, ўзинг савдо қил, дейсиз! Ташаккур, Ионафан, бен-Манассия, холис маслаҳатингиз учун ташаккур.

Ионафан. — Кимдан шикоят қилмоқчисиз ўзи, Натан? Ўз хоҳишингизга яраша бўлди, — қонунларимизни биласиз, шунга қарамай...

Натан. — Шунга қарамай масиҳий қизига уйландим, сизлар эса мени сизлар билан мулоқотда бўлишимдан, йигинларингиздан, қонунларингиздан, савдо-сотик қилишимдан маҳрум этдинглар... Ҳа, ҳа, рост, мен шуни хоҳлаган эдим. Бордию, барча пайғамбарлар биргалашиб, агар сен хотинингдан воз кечсанг, маҳрум бўлган нарсаларингнинг ҳаммасини қайтариб берамиз, деб шарт қўйсалар ҳамки, мен кўнмасдим... Иегова руҳига қасам ичаман! Ионафан бен-Манассия, мен кўнмасдим!

Ионафан. — Ростини айтганда, сизнинг Ритангиз олижаноб бир зот, зотан масиҳий бўлса ҳам.

Натан. — Олижаноб бир зот! Мен бутун умр бўйи қимматбаҳо тошлар билан савдо қилдим, Ионафан, айтишим мумкинки, бу тош унга сарф қилган маблағларим учун арзигулик... Бу жуда катта маблағ. (*Хўрсинади.*)

Милтиқ товушлари, халойиқнинг ҳайқириқлари эшитилади.

Бу нима тўполон?

Ионафан. — Халқ ана шу ҳайқириғу намоишлар билан Франция республикасининг солдатларини қарши олаётибди. Мен ҳам чиқиб халоскорларимиз шарафига қичқирмоқчиман. (*Кетаётиб.*) Эҳ, почтадан сиз учун олиб келган пакетни бериш эсимдан чиқаёзибди. Хайр, Натан! Виват! (*Чиқиб кетаётиб.*) Яшасин озодлик! Яшасин биродарлик! (*Қичқирганча чиқиб кетади.*)

Кўчадаги қичқирқлар яна бир қанча вақт давом этади.

УЧИНЧИ САҲНА

Натан (*ёлғиз*). — Каи Адонаи! Бақиринларини қара-я! Томоқларингиз йиртилиб кетсин! Яна бир пас бўкиришса, қизалогимни уйғотиб юборишади. (*Бешикка имо қилади.*) Озодлик! Биродарлик! Кошки бу сўзлар астойдил айтилаётган бўлса! Унда задагонлар яҳудийларга зулм қилмаган бўлардилар, яҳудийларнинг қўлларида яҳудийларга қарши қонунлар бўлмасди. Агар бу сўзлар ҳақиқатан чин бўлганда, бизнинг шўрлик авлодимиз учун Мусо бахш этган озодликка ўхшаган озодлик бошланарди. Куллик барҳам топарди, сафолат барҳам топарди, одамлар жониворлар бир-бирларидан яширинганларидек, бир-бирларидан яширинмас эдилар.

Шу сўзларнинг охирида, Ионафан ёпмай чиқиб кетган эшикдан биров қувиб келаётгандек маркиз де-Сен-Каст югуриб киради

ТҮРТИНЧИ САҲНА

Маркиз де-Сен-Каст ва Натан.

Натан (*қайрилиб қараб*). — Ким у?

Маркиз кўзигача бурканиб турган плашини стулга ташлайди.

Табаа Бон-Анфан...

Маркиз. — Чиқиб қаранг-чи, дўстим!

Натан чиқиб кетади.

Ишонаманки, бу очарвоҳ санкюлотларни изимдан чалғитдим, шекилли. Мана шу аблаҳлар билан бир заминда туғилганимизни эътироф этишга ожизман... (*Нафрат билан.*) Фуф!

Натан (*қайтиб кириб эшикни темир болт билан беркитади*). — Кўча бўм-бўш; бутун маҳалла француз қўшинларини қаршилагани чопибди. Сиз ҳам югуриб боришингиз керак эди, табаа.

Маркиз. — Мен тилёғламалик қилмоқчи эмасман, жаноб Натан; мен қора халқнинг бақиринларини ёмон кўраман.

Кўчада қарсақлар.

Натан. — Эшитаётибсизми? Яшасин озодлик, биродарлик, тенглик! Ана шу ҳайқириқларни эшитганда юрагингиз қувончдан ҳаяжонланмайдими?

Маркиз. — Ҳаяжонланади-ю, лекин қувончдан эмас. Мабодо сиз бу замзамани, қолаверса, “*a la lanterne*” деган муттасил такрорланувчи нақорати билан менга ўхшаб қанчадан-қанча бор эшитган бўлсангиз, бу қадар завқланмас эдингиз. (*Ала-*

нглаб ва деразадан қараб.) Аммо, ажойиб дўстим, очиқчасига кўча қолайлик: сизнинг мендан бирон шак-шубҳа қилаётган жойингиз йўқми?

Натан. — Йўқ, мен билсам керак.

Маркиз (*сапчиб тушиб*). — Нимани?

Натан. — Сиз муҳожирсиз, аслзодасиз; ҳайдаб чиқарилган мамлакатларига қурол-яроғ ёрдамида қайтиб келмоқчи бўлган шаҳзодаларнинг қўшинларига ўтиб кетиш ҳаракатидасиз. Шунисини ҳам аниқ биламанки, сиз Франкфуртда пул важдан қисилганингиздан чор-ночор ушланиб турибсиз. Тасодиф сизни менинг ғарибона кулбамга бошлаб келган, сиз бир буюмни сотмоқчи бўлиб, менинг воситачилигимдан фойдаланиш ниятидасиз. Ўша кундан буён пулга муҳтожлигингиз бир неча бор меникига келишингизга мажбур қилди. (*Маркизнинг ёқасига тўғналган тўғноғични кўздан кечираркан*). Мана ажабтовур бриллиант. Асл олмос, қабзасига мос тушган. Мишна номига қасам ичаман! Буни қара-я, кўча-кўйда бриллиант тақиб юрадиган одамлар ҳам бор экан-а! Хўш, ана шу тақинчоғингиз учун қанча сўрайсиз? А? Ўйлашимча, бунга харидор топса бўлади, 50 талерга олар, воситачилигим учун менга алоҳида тўлайсиз.

Маркиз. — Ташаккур. Токи каллам елкамда экан, бриллиант турган жойида гураверди. Бу отамнинг ўлим олдидаги совғаси.

Натан. — Булар ҳаммаси ғоят ажойиб. Назаримда, токи пулга муҳтож экансиз, уни пулга айлангирсангиз яхши бўларди.

Маркиз. — Бундан ташқари, бугун генерал Нейвингерд билан Франкфуртга кирган санкюлотлар шу тўғнағични кўриб, мени танишлари мумкин.

Натан. — Уларнинг кўлига бориб туриш учун бугунги тантаналар жуда ҳам қулай шароит ярати беради, маркиз...

Маркиз. — Маркиз?!

Натан. — Де-Сен-Каст.

Маркиз. — Ҳе, йўқ! Йўқ! Кечирасиз! Ҳозир унвонлар йўқ қилинган, мени содлагина табаа Бон-Анфан деб атайдилар.

Натан. — Ҳа, сиз менга почтадан олишни буюрган хатнинг адресида шундай дейилган, аммо тўқангазда: маркиз де-Сен-Каст деб нақш этилган эди. Нарсаларингизни яхудиёлар маҳалласига олиб боришдан олдин уларга ёзилган номингизни мумкин қадар қиртишлаб ўтиришингиз керак бўларди. Аммо хотиржам бўлинг, мен сиздан кўра эҳтиёткорроқ иш тутдим... Мана пулингиз, ўн беш талер, санаб олинг; мен воситачилигим учун ҳар талердан уч чақадан чегириб қолдим.

Маркиз (*индамай тургач*). — Мен сизнинг ихтиёрингизламан! Афтидан, мени қанчага пуллашни ўйлаётганга ўхшайсиз. Сиз қанча пуллигини очиқ айтаверинг; унда кўрамиз, балки менга ёрдам беришингиз фойдалироқ бўлар.

Натан. — Мана бу конверт шу ҳисоб-китобимизда иш бериб қолар. (*Ионафан олиб келган конвертни кўрсатади*.)

Маркиз. — Менинг номимга келган конвертми? Мен уни кутаётган эдим. Ҳа, (*ясама бифарқлик билан*) булар менинг оилавий қоғозларим. (*Конвертга кўлини чўзади*.)

Натан. — Йўқ, кечирасиз. Бу банк билетлари экан.

Маркиз (*нафрат билан*). — Очиб кўрдингизми?

Натан. — Э, йўғ-э! Пайпаслаб кўрсам бас; бармоқларим жуда сезгир.

Маркиз (*конвертни очади*). — Ҳа, ҳақ экансиз. Бу ишда сизнинг кўзингиз пишган экан... Бошқарувчимизсиз, сиз, мен ҳеч нарса тушунмайман... Айтинг-чи, бу билетлар қанча туриши мумкин? (*Конвертни унга беради*.)

Натан (*билетларни кассирларга ўхшаб чаққонлик билан санаркан*). — Гамбургдаги курсга кўра — икки юз минг талер, бир неча чақа кам-кўпи билан; Лондондаги курс бўйича — кам билан уч минг талерга яқин. (*Беиболик билан*.) Маркиз, пулингиз миллион франк экан; энди кўрдингизми каллангиз анчагина қиммат туришини. (*Конвертни беради*.)

Маркиз. — Жуда соз. Менинг калламни сотмоқчи бўлган одамга мана бу пул билан ҳақ тўлайман. (*Бир жуфт тўппончасини кўрсатади*.)

Натан. — Йўқотинг, йўқотинг тўппончангизни!

Маркиз. — Ҳа? Кўрқасизми?

Натан (*ҳушини йиғиб*). — Мен, шўрликкина қизалоғимни уйғотиб юборманг, деб кўрқаман... Йўқ, жаноб маркиз, тўппончага ёпишманг; менинг ҳаётим бу пулларнинг энг кичкина улушига ҳам арзимади... сизнинг ҳаётингиз ҳам...

Маркиз. — Менинг пулим қанчалигини ўзингиз кўрдингиз!

Натан. — Ҳа, нима деб ўйлайсиз, агар мен сизни сотгудек бўлсам, улардан қанчаси менинг ҳиссамга тегар экан? Қолаверса, кафолат берган кишиларингни ўққа рўпара қилиш бемаза иш эмасми?

Маркиз. — Назаримда, сиз жаноб Робеспьер ва шерикларининг партизанига ўхшайсиз! Ҳозир менинг кимлигимни сиз билиб турибсиз; мен аслзода муҳожирман, қонун ҳимоясидан маҳрум одамман.

Натан. — Мен учун сиз аввало ваколат берган мижозимсиз. Менинг ажлодларим олтин танани ёқтирганлар; мен ҳам пулни ёқтираман, аммо меҳнат билан топилган пулларни. Қон юққан пул хонавайронликка олиб боради. Мен сизнинг сирингизга хиёнат қилмайман. *(Бешикнинг олдига боради.)*

Маркиз. — Бунинг учун мен сизга қай йўл билан ҳақ тўлай?

Натан. — Яқин кишингизга, иш устида алоқадор бўлган яҳудийга марҳаматлироқ бўлинг... Ҳам... Кейин... *(Ҳаракатларидан хотини таъсирида юзага келган олдинги олижаноб ва беғараз ҳисларининг ўрнини пулга, даромадга ўчлик ҳисси эғаллаётганлиги намён бўлади.)* Агар сиз *(тўғнағични кўрсатиб)* шу бриллиантингиздан кечиб, воситачилигим учун қийишмай ҳар бир талердан, чунончи, йигирма чақадан тўласангиз...

Маркиз. — Мен буни бошқа вақтда эслатарман, бугун мен Франкфуртдан Кобленцга жўнашим керак. Рухсат этсангиз, хизматларингиз учун шу кичкина инъомни тақдим этсам. *(Унга банк билети беради.)*

Натан *(уни ишонинқирамай кўздан кечираркан)*. — Минг франкли билет-а?

Маркиз. — Агар рад этсангиз, мени ранжитасиз. Хўш, нега иккиланаётибсиз?

Натан. — Бу Франция билети... Шахс номига берилган... Тақдим этувчининг имзосисиз менга фойдаси йўқ.

Маркиз *(стол томон бориб, билетга имзо қўяди-да, Натанга беради)*. — Мана... қизалофингизга мендан хотира.

Натан. — Ташаккур, ташаккур, бунга у муҳтож; шўрликкина, биз ҳам, ҳаммамиз. *(Чап томонга ўтиб.)* Биз шу қадар камбағалмизки! Шу қадар камбағалмизки!

Маркиз. — Энди, дўстим, сизга ташаккур айтаман, яхши қолинг. *(Унга қўлини узатади.)*

Натан. — Наҳотки? Сиз моховга қўл узатишдан кўрқмайсизми? Сиз-а? Маркиз, масиҳий бўлсангиз, ҳолбуки, менинг биродарларим уни сиқишни истамайдилар! *(Қўлини сиқади)*. Сизни Йегова ўз паноҳида асрасин! Яҳудийнинг дуоси масиҳийга зиён етказмайди. *(Эшикни очиб, кўчага қарайди.)*

Маркиз плашига бурканиб, остонадан ҳатлаб ўтмоқчи бўлади. Натан уни шартта тўхтатиб, маркизни яхшилаб яшириш учун эшикни катта очади-да, уни эшик орқасига беркинишга мажбур этади, ўзи эса қарийб ташқарида, остона олдида туриб қолади. Барабанлар гумбури эшитилади, кейин Франция республикасининг ёмон кийинган, чувринди солдатлари ўтадилар.

(Маркизга оҳиста.) Французлар. Жонингиздан умидингиз бўлса чурқ этманг. *(Эшикдан туриб қичқиради.)* Озодлик, биродарлик, тенглик! *(Халойиқнинг орқасидан қараб қолади.)* Кетди нажоткорларимиз! *(Эшикни беркитади.)*

Маркиз. — Жаллодлар! Ҳа, уларнинг қўлларига тушиб қолсам борми!

Натан. — Бир дақиқа олдин чиқсангиз, уларнинг ўртасига тушиб қолардингиз. *(Яна қарайди.)* Бизнинг майдонимизга манзил ташлашди... Куролларини суянчиқларга кўяётишибди. Измаил Вольф уларга вино ташиётибди... Кўчаларга соқчилар кўяётишибди.

Маркиз. — Меҳмонхонага қайтиб бориш учун уларнинг олдидан ўтиб кетишим керак... Борди-ю, мени тўхтатишса нима бўлади?..

Натан. — Сўзларингизга қараб сизни француз деб ўйлайдилар, муомалангизга қараб — зодагон эканлигингизни биладилар. Ёнларингизни тинтадилар... Қўлингизда табаалик билетингиз борми?

Маркиз. — Йўқ! Қароқчилар! Мен уларнинг паролини биламан... Жонми, ҳамёнми!

Натан. — Йўқ, ҳам жон, ҳам ҳамён! Сизнинг паролингиз шундай бўлиши керак, сиз зоту насабингизни сира ҳам яшира олмайсиз.

Маркиз. — Қандай қилиб кетсам бўлади? Жоним парвойимга ҳам келмайди, аммо бу пул...

Натан. — Офарин! Тўғри айтасиз! Пулнинг гамини енг!

Маркиз. — Бу хотиним билан ўғлимга қолдирадиган бутун меросим. (*Бир оз мулоҳаза қилиб кўргандан сўнг.*) Натан, сизларга ишониб топширсам бўладими?

Натан. — Энди бу тўғрида сўраб ўтиришингизнинг сал мавриди ўтди.

Маркиз. — Ҳа, тўғри, мен сизга ишонишим керак... Сиз менга ҳалоллигингизни исботладингиз, бўлмаса, бор-йўғимни ўзингизники қилиб олишингиз мумкин эди. Мен сизга мутлақо ишонаман, қайтиб келгунимча мана бу пакетни сақлаб туринг.

Натан. — Сиз бечора яҳудийга бир йўла пулингизни ҳам, ҳаётингизни ҳам ишониб топширмақчимисиз?

Маркиз. — Бошқа йўл йўқ, қолаверса, мен сизга мутлақо ишонаман. Мен “Оқ от” меҳмонхонасига қайтиб боришим керак. “Бизнинг ишимиз”ни фош қилиб қўйиши мумкин бўлган қоғозларни йўқотишим лозим.

Натан. — Яъни, сизнинг...

Маркиз. — Уларни йўқ қилгандан кейин...

Натан. — Ундан олдинроқ ўзингизни йўқ қилишса-чи?

Маркиз. — На чора? Мен таваккал қиламан: пулларимни хавотирсиз қолдираман — бу менгагина даҳддор; ҳаётимни қурбон қилишни эса ҳаёлимга ҳам келтирмайман — бу қиролимга даҳддор. (*Кетмоқчи бўлади.*)

Натан (*кифтини учириб, ўзига ўзи*). — Бу масиҳийларнинг одатлари ғалати. Шошманг! (*Плаши билан унинг кўкси ва бўйинини ўрайди.*) Бриллиантингизни яширинг, васвасага солишингиз мумкин...

Маркиз. — Э, ҳа! Тўғри айтдингиз, дўстим. Бриллиантни кўрганда тенглик, биродарлик ҳам хотин аҳлига ўхшаб ўзини тийиб туролмайди. (*Кетади.*)

БЕШИНЧИ САҲНА

Натан (*ёлғиз. Эшикни пухта ёпиб, деразадан қарайди*). — Афтидан, винони кўрганда ҳам ўзларини тийиб туролмас эканлар. Назаримда, халоскорларимиз ғирт маст бўлиб қолишибди, шекилли. Агар шу тариқа кетаверса, кечасига бориб Измаил Вольфнинг охири бочкасигача қоқлашса керак. Маркизнинг аҳволи нима бўлди экан? Ҳозирги дақиқада унинг ҳаёти хавф остида. Ҳа, яхши бўлди, у соқчиларнинг олдидан бемалол ўтиб кетди. Офарин, офарин! Плашингизга бурканиб олинг. (*Имоишора қилади.*) Вой! Сержант уни тўхтатди, кифтига қўлини ташлади. Вой, вой, вой! Иш чатоқ! Унга ичишни таклиф қилаётибди. Эҳ, жаноб маркиз! Ўзингиз айтганингиздек, бу қароқчилар билан бирга ичиш сизга қандай ҳузур бағишласа керак. Аммо бу сизнинг омон қолишингиз учун зарурки, гап-сўз бўлиши мумкин эмас... У йўлида давом этаётибди... У озод! Энди унинг ўзи ҳам, ажойиб банк билетлари ҳам хавфдан халос. Мана улар, полапонгиналарим, ардоқдиларим! (*Деразани ёпгач, билетларни кўксига босганча саҳна олдига қайтиб келади.*) Мен унинг халоскорларимиз панжасидан омон чиқиб кетганидан мамнунман, менинг тўғримда, бундай ният қилмаган, дейиш мумкин эмас. Фақат ичи қора одамларгина менинг тўғримда шундай деб ўйлашлари мумкин. У менга эҳтиром билан қўл узатди, бўлмаса аллақачонлардан буён Ритадан бошқа ҳеч ким бундай қилмаган эди. Аммо бу қимматбаҳо қоғозларни яшириб қўяй. (*Уларни кўздан кечириб.*) Булар ҳам ўтказилган пуллар... Ҳаммаси ҳам яҳудийларга ўтказилган... Пул муомаласи борасида бу буюк халқ! Мана Мейёрнинг имзоси! Мана Оппенгеймнинг имзоси! Буниси Мендельсоннинг имзоси! Бу банкларнинг ҳаммасида доимо кераклича олтин жамғарилган бўлади. Векселлар эса масиҳийларники! Фуй! (*Нафрат билан, кейин уни салмоқлаб, кўздан кечираркан.*) Калласи бор одам қўлида бундай сармоя билан дадил биржага бораверса бўлади: давлат фондларини бойликлар худди денгиздаги бўрон вақтида қўзғалган долгаларга ўхшаб кўтарилади ҳам, пасаяди ҳам... Ҳозир соф пуллар эпчил одам учун эллик фоиз фойда келтириши мумкин. (*Пул ўтказилган қоғозларни ўпиб.*) О! Муқаддас фаришталар! Агар сизлар меники бўлганларингизда борми, мен сизларни нечоғли қадрлаган бўлардим. (*Сукут.*) Муқаддас пайғамбарлар! (*Таажжуб ва завқдан қичқириб юборади.*) Довдир, мендан тилхат олмай кетиб қолибди!.. Ҳаттоки

ЖАҲОН АДАБИЁТИ

сўрамабди ҳам!.. Масиҳийлар шу тариқа хонавайрон бўладилар-да! Унинг калласи дақиқа сайин учиб кетиши мумкин. На тилхату на гувоҳлари бор!.. Мен билан қанчадан-қанча вақт оч-наҳор яшаган шўрлик Ритагинам... Қизалоғим ҳам... (*Векселларни титроқ билан ғижимларкан.*) Йўқ! Йўқ, кўзларимдан даф бўл! Буларнинг ҳар бир варағида Азозилнинг муҳри бор... (*Билетларни ўрайди.*) Уларни ҳозироқ конверти билан ёпиштириб қўйиш керак! (*Гугурт ёқиш учун ўчоқ олдига боради.*) Шўрликкиналар!.. Уларни қулфлаб қўйиш керак! Аммо уларни ер юзи бўйлаб парвоз қилдириб, юзтасини юзтадан болалатиш қандай маза бўларди. (*Билетли конвертни ёпиштирмоқчи бўлади.*) Оҳ! Кўркини яна бир марта томоша қилай-чи. (*Билетларни санайди.*) “Уч ойдан сўнг беш минг талер тўлансин. Оппенгейм”. “Тақдим этувчига олти минг беш юз тўлансин. Рейзель”. Буниси масиҳий, аммо яхши банкир, салобатли одам. “Ўн минг...”

ОЛТИНЧИ САҲНА

Рита ва Натан

Рита қўлида сават билан ён эшикдан киради, кўрққан, билетларни кўздан кечиришга берилиб кетган Натан уни сезмайди.

Рита (*бешикка яқинлашиб*). — Худого шукр, шовқиндан уйғониб кетмабди.

Натан (*тез ўгирилиб, беихтиёр билетларни яширади*). — Рита! Эҳ! (*Нафасини ростлаб*). Хўш, каштангни сотдингми?

Рита. — Ҳа, мана пули, Натан! (*Пулни беради.*)

Натан пулни ҳамёнга жойлагач, чўнтагига солиб қўяди.

Франкфуртнинг энг чеккасига олиб бориб сотсам бўлар экан, у ердагилар мени ҳали танишмайди.

Натан (*унинг олдига югуриб бориб, ташвиш билан*). — Сенга нима бўлди, жоним? Нега оқариб кетдинг, тобинг қочдимми?

Рита. — Йўқ, буларнинг ҳаммаси бир дақиқада ўтиб кетади. Мен бир воқеани кўрдим, Натан. Француз солдатлари...

Натан. — Бизнинг халоскорларимиз.

Рита. — Халоскорлар эмиш! Оҳ, Натан! Лабларда ҳазин сўзлар билан, кўзларда ҳайвоний мастлик билан, қўлларда қон билан келадиган озодлик, гуссали озодлик.

Натан. — Қон дейсанми?

Рита. — Фаро кўчаси бўйлаб келаётганимда улар қандайдир бир бахти қарони ўлдиришаётган эди. (*Юзини қўллари билан яширади*). Назаримда, ҳозир ҳам худди кўз ўнгимда тургандек.

Натан. — Ўлдиришаётганмиди? Фаро кўчаси “Оқ от” меҳмонхонасининг яқинида! (*Чуқур ўйланиб қолади.*) Айт-чи, Рита, у французмиди? А?

Рита. — Ҳа, айтишларича, муҳожир экан.

Натан (*санчиб туриб*). — Муҳожир!.. Ўрта ёшларда, катта плашда, қўйлагининг ёқасига тўғнағич қадалган, ажойиб бриллиант кўзли тўғнағич.

Рита. — Мен қараганим йўқ. Қон оқаётганини кўрдиму эс-хонам чиқаёзиб югура қочдим. Кўрсанг ваҳманг келади!

Натан (*ўзига-ўзи*). — Борди-ю, бу маркиз бўлса-чи! Бориб кўзим билан кўришим керак. Фаро кўчасида деддингми? (*Кетаётди.*) Чопқиллаб бориб, ҳозир қайтиб келаман, Рита.

Рита. — Мени ёлғиз ташлаб кетма! Улар бу ерга келишлари ҳам мумкин.

Натан. — Хўп, келсалар, хўш келибдилар! Улар бизнинг биродарларимиз, улар мустабиллар, золимлардан бошқа ҳаммага биродар.

Рита. — Ҳамма яҳудийлар бадавлат ҳисобланади, уларнинг фикрича, бадавлатлар ҳам золим ҳисобланади.

Натан (*ўзига-ўзи*). — Ҳа, бу тўғри, унда билетлар ҳам уларнинг қўлига ўтиб кетади... Рита, жоним, сенга ишонсам бўладими?

Рита (*ҳайрон қолиб*). — Натан!

Натан. — Сенинг юрагинга ишонишим мумкин; лекин жуда кўрқоқсан.

Рита. — Сен ёнимда экансан, ҳеч нарсадан қўрқмайман. Бундан ташқари, солдатларнинг бу ерга келиши бўлмаган гап... Бу ердан нимани олиб кетишарди?..

Натан (*бармоғи билан нўписа қилиб*). — Тс... Буни қара! (*Билетларни кўрсатади*.)

Рита. — Бу нима?

Натан (*кучли ифода билан*). — Мильйон.

Рита. — Ўтказилган пуллар-ку! Қўлингдаги банк билетларими, Натан?

Натан. — Буларни менга ҳозиргина бир муҳожир, роялист француз қолдириб кетди; ким билади, сен кўрган одам ўша эмасми экан, ўшани ўлдиришмадимикан?

Рита. — Ҳе, йўқ! Худоё, ўша бўлмасин.

Натан. — Мен ҳам шундай дегим келади, аммо... аммо-чи? (*Очкўзлик таъсирида*.) Бизнинг қашшоқлигимиз билан бойлик ўртасида гов бор... Энди ўша гов... балки барҳам топгандир?

Рита. — Айт-чи, Натан, ўша француз пулларининг ихтиёрини сенга бус-бутун ишониб топшириб кетдими?

Натан. — Ҳатто мендан тилхат ҳам сўрамади.

Рита. — Сен ҳам унга буни эслатмадингми... Эҳ, Натан, Натан! (*Таъна ва шикоят билан бошқа жойга ўтиб, йиғлайди*.)

Натан (*уни эркалайди, хотини дилғирлик, хафалик билан ўзини олиб қочади*). — Қўй, йиғлама, жоним Рита; сенинг йиғлаганингни кўрсам, чидаёлмаслигимни биласан-ку. Нима, сен менга ишонмайсанми?

Рита. — Хўш, ўзингиз ўзингизга ишонасизми?

Натан (*бир оз аччиғланиб*). — Хўп, бордию у қайтиб келмаса-чи? Унда бу пуллар кимнинг ихтиёрида бўлади?

Рита. — Ҳаммадан ҳам бизнинг ихтиёримизда бўлмаслиги керак.

Натан. — Аммо, жонгинам, пуллар бефойда ётавериши мумкин эмас-ку. Пуллар билан билетлар елимлаб ёпиштиришу Мисрдаги мўмиёланган жасадлардек яшириб ташлаш учун аталган эмас, ахир. О! Қонуний эгаси келгунча мен улардан фойда чиқаришим мумкин эди... Албатта, энди асл ҳужжатлари билан келса... Шунда бизнинг барча машаққатларимиз барҳам топарди, Франкфуртни тарк этардик, номларимизни ўзгартардик, Парижгами, Амстердамгами, Лондонгами жўнардик... Биржа бор ҳамма жойга бориб, банк билетлари билан савдо қилардик... Бу қоғозларни муомалага киритиб, тез орада бойиб кетардик.

Рита. — Натан, иблис — айёр васвасачи, унинг энг зўр тузоғи — олтин.

Натан. — Йўқ, йўқ, сенинг ўйлаганингча эмас... Мен пулларни бус-бутун ўзлаштириб олмоқчимасман; улардан фойда олиш учун ишга туширмоқчиман... Сен учун, сен учун, Ритагинам.

Рита. — Муҳаббат ҳам иблис учун тузоқ бўлиб хизмат қилиши мумкин.

Натан. — Хўп, болакайгинамиз учун!

Рита (*муттасил қатъият ва сиполик билан*). — Васваса ана шу масъум болакай қиёфасида намоён бўлиши ҳам мумкин. (*Кескин*.) Иккиланишни бас қил, Натан! Натангинам! (*Меҳр билан*.) Сен ўша одамни топиб, пулини қўлига топширишинг керак.

Натан. — Ҳа, ҳа! Бир дақиқадан кейин қўлидан қоқиб олишлари учунми? Бу гуноҳ, гуноҳ...

Рита. — Агар унинг пулларини сақлаб бермоқчи бўлсанг, ақалли унга тилхат бер, вафот қилгудек бўлса, ёки анча вақтгача келмай қолса, пулларини кимга беришинг мумкинлигини аниқлаб сўраб ол. Ҳозироқ бор, ўргилай, Натан... (*Оҳиста юради, уни оҳиста туртади, мулойимлик, меҳр билан*.) Шошма, пакетни менга бера тур, қайтиб келгунингча. (*Қўлини чўзади*.)

Натан (*билетларни дарҳол қўйнига тикади-да, кўксига босади*). — Йўқ, уларни бу ерда бағримда ушлашга рухсат бер. Аллақачонлардан бери яхшигина дасталанган банк билетларининг тафтини сезмаган эдим!

Рита (*ғурур билан*). — Натан, сени севиб қолганимда, юрагимни яҳудийга — пулни оиласидан ҳам, хотинидан, болаларидан ҳам қимматлироқ кўрадиган одамга берганим учун мени жинни деб аташган эди. Мен бу гапларга ишонмадим, сенга тегдим, сени деб отамдан, онамдан, опа-сингилларимдан, ака-укаларимдан, ҳамма нарсадан кечдим. Қашшоқликни ҳам, нафратни ҳам тотдим, сен билан бирга эканман, ғам-алам ҳам тотли кўринди. Шу бугунгача тутган йўлимдан ўкинмадим. Натан, Натан, наҳотки, бугундан эътиборан пушаймон қила бошлашим керак бўлса?

Натан (*узоқ иккиланади, кейин пакетни хотинига беради*). — Ма, ол, Рита, яшириб қўй, мен тиз чўкиб илтижо қилганимда ҳам берма. Бизнинг тотувлигимизга раҳна соладиган пулдан кўра муҳаббату вафодорлигимиз афзалроқ, Рита.

Рита (*уни иштиёқ билан ўпади*). Мана менинг Натаним! Хўп, бор французингнинг олдига.

Натан. — Шошма, энди эсимга тушаёттибди! У, “Оқ от” меҳмонхонасига бораман, деган эди; агар таъқибдан қоча олган бўлса, уни ўша ердан топаман.

Эшик тақиллагани эшитилади.

(*Нафаси тиқилган ҳолда, ёлборганнамо.*) Билетлар, билетлар...

Рита пакетни қўйнига яширади.

(*Титроқ овоз билан.*) Ким у?

Маркиз (*ташқаридан*). — Табаа Бок-Анфан. Тезроқ очинг!

Натан (*Ритага*). — Маркизми? (*Эшикни эҳтиёт билан очади-да, Маркизни киритгач, пухталаб ёпади.*)

Рита. — Худога шукур, тирик экан!

ЕТТИНЧИ САҲНА

Маркиз де-Сен-Каст ва ўшалар.

Маркиз (*саҳна олдига кела туриб*). — Ҳа, тирикман... ҳозирча... (*Ритани кўриб қолиб.*) Хотин киши бор экан! (*Ритага таъзим қилади.*)

Натан (*уларнинг ораларида турганча*). — Бу менинг хотиним, унга худди менга ишонганингиздек ишонаверишингиз мумкин... У ҳамма гапдан хабардор.

Маркиз. — Оғзи бўшлигини қаранглар! Жин урсин! (*Ритага.*) Масихийларнинг эрлари хотинларига камроқ ишонадилар! Мен санкюлотлар чангалидан қандайдир тўданинг сержанти билан ичишганим учун омон қолдим. Ёнимда сақлаш қийин бўлган қоғозларни йўқ қилдим, қолганлари мана шу қутичада. (*Плаши остига яширган қутичани унга кўрсатади.*) Мен карета кира қилдим. У Ганау дарвозасининг нарёғида кутиб турибди... Мен адрес ташлаб кетиш учун қайтиб келдим, бу ерга табаа Бон-Анфан номига келадиган ҳамма хатлару қоғозларни шу адрес бўйича Кобленцга юборарсизлар.

Рита. — Пуллар важини нима қилмоқчисиз?

Маркиз. — Эҳтиёт қила турунглр... Хавф-хатардан холи бўлсам, ёзиб юборарман.

Рита. — Эрим сизга тилхат бермаганлигидан жуда ташвишланаёттибди... Қайтиб келганингиз яхши бўлди... Ёз, Натан.

Натан (*ўйчан ўтирибди*). — А? Нима? Тилхатми? (*Ҳушини йиғиб олиб, бамайлихотирроқ жавоб беради.*) Уни сиз ҳам талаб қилмабсиз... сизга эслатиш менинг эсимга келмабди. (*Бир оз ўйлаб тургач.*) Борди-ю уни сиздан топиб олишса, унда... сизнинг ҳам, менинг ҳам бошимиз кетади...

Маркиз. — Мен кекса қўзғолончи сифатида ёнида доимо ҳар хил керак яроғлар олиб юраман. (*Чўнтагидан кичкина шиша олади.*) Мана бу махфий сиёҳ, уни оловга тутмагунингизча кўринмайди; бу билан тилхат ёзинг.

Натан (*ёзиб, ўқиб беради*). — “Ушбуни кўрсатганларида маркиз де-Сен-Кастга ёки у буюрган кишига 200.000 талер тўлаш мажбуриятини оламан. Уларни ундан сақлаб бериш учун олган эдим. Натан Готшильд”.

Рита (*унинг олдига келади*). — Мен гувоҳ сифатида қўл қўяман ва санасини қайд этаман: “1792 йил, 22 октябрь. Шоҳидлик бераман ва мажбурият оламан, Рита Готшильд”.

Натан (*билетларни олади ва ўчоқ олдига бориб ўтиради*). Шошманглар. Мен билетларни яна бир марта санаб кўрай. Уларнинг ҳақиқатан ҳам шунча эканлигига ишонч ҳосил қилиши керак... Ақалли яна бир марта санаб кўрай. (*Пулларни санай туриб бу машғулотига шу қадар берилиб кетадики, хотини билан маркизнинг сўзларини эшитмайди.*)

Маркиз. — Бу қуруқ расмият; ҳамонки сизлар талаб қилаётган экансиз, дўстларим, тилхатларингизни шу қутичанинг махфий катагига яшириб қўяман. (*Плаши остида олиб турган ажойиб несессерни Ритага кўрсатади. Ўша даврга хос назокат билан плашга бурканади.*) Хушбичимгина нефсессер-а, нима дедингиз? Бу хотинининг совғаси, — унда бунақадан иккита эди: биттасида менинг портретим чизилган, — унисини ўзига олиб қолди, — менга эса ўзининг суврати чизилганини берди, мана у... Суврати қопқоғида. (*Хўрсинади.*)

Рита. — Ҳозир хотинингиз хавф остида эмасми?

Маркиз. — Иншооло! Уни ўғлим билан Франция чегарасида қолдиришга мажбур бўлган эдим. Ким билади, кўришармиканмиз. Яхши қолинглар, энг яхши, салимий дўстларим. (*Кетмоқчи бўлади.*)

Рита (*уни тўхтатиб*). — Бир дақиқа! (*Гугурт чақади*). Натан, санаб бўлдингми ахир?

Натан (*санашдан тўхтаб*). — Ҳа, Рита, ҳа!

Рита. — Қоғозларни менга бер-чи. Янги конверт ясаб, солиб қўйиш керак.

Натан (*ғамгин*). — Мана.

Рита (*конверт ясайди*). — Энди, жаноб маркиз, ўзингиз ёпиштириб беринг. (*Маркизга узатади.*)

Маркиз узуги билан муҳрлайди.

Мабодо, биз учун муқаддас бўлган бу омонатни олиб кетиш учун қайтиб келолмасангиз, уни ақалли хотинингизнинг номига, қаерга жўнатайлик?

Маркиз. — Унда... хатни шу адресга...

Натан. — Йўқ, йўқ, айта кўрманг... Биздан зўрлик ишлатиб билиб олишлари мумкин... Қоғозга ёзиб беринг, яшириб қўямиз.

Маркиз. — Тўғри айтасиз. (*Ёзади*). Мана хотинининг адреси.

(*Варақни столга қўяди.*) Хайр!

Солдатларнинг одимлари, барабан садолари, шовқин-сурон эшитилади.

Эҳ, пулларни эҳтиёт қилинглар: ўғлимга қолдирадиган бор буд-шудим шу.

Рита. — Хотиржам бўлинг. Мен сизни бежавотир йўлдан шаҳар дарвозасигача кузатиб қўяй. Юринг мен билан (*Унинг қўлидан ушлаб, ўзи кириб келган эшикдан олиб чиқиб кетади.*)

САККИЗИНЧИ САҲНА

Натан (*ёлғиз*). — О, хотинлар! Хотинлар! Улар ўтакетган софдил, доимо учиб ўтаётган бахтнинг куйругидан тутиб олишингга ҳалал берадилар. Аммо Рита-чи... Ҳа, Рита доимо ҳақли... (*Столдаги адресни кўрадию ўқимайди*). Маркиз қоғоз қолдириб кетибди. Бу хотинининг адреси бўлса керак! Йўқ, ўқимаганим маъқул! Уни билетлар жойланган пакетга солиб қўяй... Рита буларнинг ҳаммасини эҳтиёт қилиб сақлайди... Ия, уни ола кетмадимикан? Мен уларни ҳали жон-жон деб қўлимда ушлаб турган бўлардим! Мунис хотин! У билан маркиз омон етиб олади... (*Аранг яширилган ўкинч билан.*) Уни биздан тилхат олмай ўлдириб қўймаганлари катта бахт бўлди.

ТЎҚҚИЗИНЧИ САҲНА

Ионафан ва Натан

Ионафан (*ташқаридан*). — Натан! Натан!

Натан — Ионафан бен-Манассия! (*Эшикни очгани югуради.*) Синагогага ўт тушгани йўқми?

Ионафан. — Ким билади дейсиз. Ажаб эмаски, унга ҳаммадан олдин тушса. Ҳозир французлар шаҳарда ўз бийликларича хўжайинлик қилмоқдалар, яъни ўз таъбирлари билан айтсак, биродарлашаётибдилар.

ЖАҲОН АДАБИЁТИ

Натан. — Ҳамма билан биродарлашаётганларидек, яҳудийлар билан ҳам биродарлашаётгидиларми? О, тенглик!

Ионафан. — Ҳеч кимга имтиёз бераётганлари йўқ. Кимдаки озиқ-овқат бўлса, уни кўчага олиб чиқиб қўйиши керак, пул билан мол-мулк тонг қоларли тенглик билан мутлақо тафовутсиз мусодара қилинади.

Натан. — Ахир халоскорларимизни қучоқ очиб кутиб олиш бизнинг вазифамиз-ку. Бордию, улар баъзи нарсаларни меъеридан ортиқроқ олиб қўйсалар, бунга хафа бўлишимиз керакми?

Ионафан. — Сизнинг уйингизда улар олиши мумкин бўлган ғаниматлар кўп эмас... Аммо, ҳар қалай, ишончингиз комил бўлсин, Натан, улар сизникига ҳам кирмай қўйишмайди. Ҳозир қаттиқ шов-шувлар юрибди, улар яҳудийлар маҳалласини талармишлар... Улар жосусларини ҳам ола келишибди.. Исаак деган итни. Уларга у бизнинг барча қутиларимизни топиб беришни ваъда қилибди. Эҳ, Натан, қутиларингиз йўқлигидан қандай бахтлисиз, бўлган тақдирда ҳам бўм-бўшдир.

Натан. — Ҳа, бўм-бўш! Натан Готшильднинг ғарибона уйгинасида ҳамма нарса бўм-бўш... Қутилару ғаладонлар ҳам... Хоналару ҳужралар ҳам... Буни Исаакга айтинг; мени дийдорини кўришдан маҳрум қилсин... Вақтию машаққатини беҳуда, зое кетказди.

Ионафан. — Унга нима ҳам дердим? Гапларимга ишонмайди.

Натан. — Мен ҳам сизнинг гапларингизга ишонмайман. Нега энди? Буюк республиканинг фарзандлари, оздликнинг ҳаворийлари талон-торожлик қилишдек пасткашликка боришлари мумкинми? Бу ёлғон!

ЎНИНЧИ САҲНА

Ўшалар ва Рита.

Рита (*остонада тўхталиб*). — Бу тўғри, французлар яҳудийларни талай бошладилар. Улардан иккитаси сизнинг дўконингизга кирди, Ионафан.

Ионафан. — О, муқаддас пайғамбар Авраам! Меҳнат қилиб топган барча пулларим ғаладонимда эди! Мельхиседекка қасамёд қиламан! Агар улар ҳаммасини тортиб олсалар, шипшыйдам бўламан. Оҳ, раввин тўғри айтар экан! Шундай замон келдики, ҳаменинг қуруқ бўлса тинч ётасан.

Эшикни бузаётганлари, деразани синдираётганлари эшитилади.

Уларнинг қандай иш кўраётганини эшитаётгисизларми? Ким билади, улар менинг эшигимни аллақачон бузиб бўлишгандир. Оҳ!.. (*Жон ачиғида бошини чангаллаганича гоҳ кўчага югуриб чиқиб кетади, гоҳ Натаннинг квартирасига қайтиб киради.*) Виват, французлар!

Хонада яна шовқин эшитилади.

Жаҳаннам маҳлуқлари (*Ташқарига югуриб чиқиб кетади.*) Озодлик, биродарлик ёки ўлим! (*Қайтиб кириб.*) Қутурган итлар, Ваалнинг ҳаромилари! Яшасин бизнинг халоскор... Бузиб ташлашибди... Дўконимни бузишибди! О, итлар! О, йиртқичлар! (*Чопиб чиқиб кетади.*)

ЎН БИРИНЧИ САҲНА

Натан ва Рита.

Натан (*Ионафаннинг орқасидан эшикни беркитиб*). — Наҳотки марказни Ганау дарвозасигача кузатиб қўйишга улгурган бўлсанг?

Рита. — Бизнинг маҳалламиздан чиқишимиз биланоқ у мени қайтариб юборди.

Натан. — Аммо пакет ёнинггадир, шундайми?

Рита. — Мана. (*Қўнидан олиб, унга кўрсатади.*)

Натан. — Бу ёққа бер. (*Олмоқчи бўлади, Рита бермайди.*) Уни яшириб қўйиш керак. Қаёққа яширамиз? Қаёққа? (*Безовталиқ билан хона бўйлаб югуриб юради.*)

Рита. — Мана бу ертўлага.

Натан. — Йўқ, йўқ. Исаак Соломон бу жойни биледи. Унинг ўзи бу дўконда савдо-сотик қилган.

Рита. — Чарх тагидаги яшикчага яширақолайлик. (*Кўрсатади.*)

Натан. — Милтиқ билан уриб кўришса, яшик борлигини пайқаб қолишади. (*Титраб-қақшаб кўлларини бурайди.*) Эҳ, қоғозлар! Қимматбаҳо қоғозлар!

Кўчадан одим товушлари эшитилади.

Рита. — Жим! Мана улар! Эшикка келиб қолишди!

Натан (*ҳар бир бурчакни кўздан кечирганча, эси оққандек хона бўйлаб тентирайди*). — Нима қилдик? Бу бебаҳо бойликни қаерга яширдик? Мабодо улар ёнингдан билетларни топиб олсалар, сени ўлдирадилар. Менга бер; ундан кўра мени ўлдира қолишсин! О! Мен уларни сақлаб қоламан.

Эшик қаттиқроқ дукиллайди.

Рита. — Йўл йўқ. (*Пакетни кўксига босади.*)

Хораций (*ташқаридан*). Очинглар, дахлсиз ва ягона республика номидан!

Натан. — Э! Топдим! Бу ерга, бешикка яширамыз. Гўдакнинг ҳаёти муқаддас!

Рита пакетни бешикка яширади; ёнбошида осилиб турган тўрвадан ишини олади-да, бешик ёнига ўтириб, уқа тўқишга киришади. Натан икковлари осойишта ва хотиржам кўринишга тиришадилар. Натан эшикни очади.

ЎН ИККИНЧИ САҲНА

Леонид, Хораций Коклес, чанг босган, чувринди турли француз солдатлари.

Уларни бошлаб кирган Исаак Соломон четга чиқиб, хонани кўздан кечиради.

Натан ва Рита.

Натан (*солдатларни эҳтиром ва ҳақирлик билан қаршиларкан*). Хуш келибсизлар, менинг фақирона кулбамга, жаноблар...

Леонид (*бир томондан*). — Жаноблар! Бу сўзлар шубҳали.

Хораций (*иккинчи томондан*). — Шубҳали ҳам гапми, табаа Леонид, у жиноят ҳидини бериб турибди, бас шундай экан, бу жиноятчининг собиту собит бўлмаган барча мол-мулкни мусодара қилиш ҳуқуқини беради. (*Ритага.*) Ҳа, хоним... Йўғ-э, аёл табаа... (*Ритага ҳарбийчасига таъзим қилади.*) Хораций Коклес, енгил пиёдалар қисмининг биринчи легионидан... Аёл табаани безовта қилаётганимиз менинг учун жуда нохуш... Аммо мана бунинг гаплари...

Рита. — У менинг эрим бўлади.

Хораций. — Ҳм! (*Ритага яқинроқ келиб.*) Жиноятчининг дидига қойилман! (*Натанга тақалиб келиб.*) Аммо аёл табаанинг дидига қойил эмасман. Таъкидлайман ва ҳукм қиламанки, мазкур шахснинг жинояткорона сўзлари ягона ва дахлсиз республикани анча вақтгача ташқарида куттириб, эшикдан киритмагани каби мудҳиш вазият билан биргаликда янада зўрроқ шубҳаларга бориш имконини беради. Исаак, ишингга кириш!

Исаак олдига келади.

(*Унинг ёқасига ёпишади.*) Ягона ва дахлсиз республикани бу жиноятчининг сандиғи томон бошла.

Натан (*уларни кузатиб юраркан*). — Менга ишонаверинг, жаноб...

Хораций ва Леонид унга ўқрайганча, милтиқларининг қўндоғини ерга урадилар.

Юртига муносиб табаалар! Довюррак халоскорлар! Мабодо бутун уйимда ақалли ярим талер пул топсангизлар, бошимни олинглар. (*Исаакка.*) Йўл кўрсатаман, деб ташвишланмай кўяқол, меҳрибон дўстим, сизларга ҳаммасини ўзим кўрсатаман. Қаранглар, табаалар, қаранглар, шояд мен тополмаган нарсани, яъни озгина пул-пучакни сизлар топсангизлар. Қаранглар, ҳаммаёқни тинтиб кўринглар. (*Яшиклар-*

ни очиб кўрсатади.) Мен ўз диндошларим рад этган бир камбағал яҳудийман. Менинг мол-ҳолим ҳам йўқ, қимматбаҳо нарсаларим ҳам йўқ, фақат унча-мунча ошхонада идиш-товоқлару тошчархим бор... Жаноблар... Табаалар... Биз буд-шуди йўқ қашшоқ одамлармиз, Иегова сизларга шоҳид бўлсин.

Солдатлар ҳаммаёқни қидирадилар.

Исаак. — Эсингдан чиқибди. Натан, бу дўконни сендан олдин мен банд қилган эдим, шунинг учун ҳам ҳамма телик-тешикларини яхши биламан. Мана бу ерда кичкина ертўла бор.

Натан. — Рухсат бер, мен уни олижаноб халоскорларимизга кўрсатай, жоним тасаддуқ, азизим Исаак. (*Ертўланинг эшигини кўтаради.*) Кўрдингларми, чанг-тўзону ис босиб ётибди, бошқа ҳеч вақо йўқ. Дўстим Исаакнинг вақтида бу ер доимо лиқ-лиқ тўла бўлар эди, уларнинг ёнига ҳамроҳ бўлиб ётсин деб қўяй десам, ақалли икки чақам ҳам йўқ.

Солдатлар ертўлада ерни найзалари билан титкилайдилар.

Леонид. — Худди менинг қопчиғимга ўхшаб қуп-қуруқ.

Ҳораций. — Бу бемазагарчилик! Халоскорларингни шундай сийлайсанми?

Натан (*ҳақирлик билан*). — Нимамки бўлса, ҳаммаси сизларники... Буд-шудим жуда камлигидан мен қаттиқ хижолатман.

Исаак. — Сен чарх тагидаги яшиқни эсингдан чиқардинг, меҳрибоним Натан.

Натан (*шоша-пиша чархнинг олдига боради-да, Исаакни ибо билан четлатади*). — Йўқ, менга рухсат бер, пружинасини қандай тортишни уларга мен ўзим кўрсатиб берай, бебаҳо дўстим Исаак! (*Пружинани бўшатади.*)

Ҳораций (*Леонидга*). — Ана дўстлик, ўртоқ! Бу иккала яҳудийнинг орасидан қил ҳам ўтмас экан.

Натан яшиқни очади, солдатлар унга найзаларини суқиб тинтийдилар.

Натан. — Қидиринглар, табаалар, қидиринглар; мен узоқ қидириб у ердан ҳеч нарса тополмадим.

Леонид ва Ҳорацийдан бошқа солдатлар ёндаги хоналарга кириб кетадилар. Натан бешикка тикилади. Исаак буни пайқаб келади.

Исаак (*бешик томон йўналиб*). — Баъзан бешикнинг пардасига у-бу нарсани яширса бўлади.

Натан қалтирайди. Ҳораций бешик томон боради.

Рита (*виқорли табассум билан*). — Юртдош, ўзлари ота бўлсалар, қизалоғимни уйғотиб юбормаслар!

Ҳораций (*бир қадам орқага тисарилиб*). — Йўқ, менинг шахсан ўз зурёдим — кичкина Ҳораций Коклесим бор, агар у бирдан ўз замзамасини бошласа нечоғли ёқимли бўлишини биламан. Кичкинтой табаа Лукреция бўлиб ўсишига умид қилиб, — лекин Римдан чиққан Лукреция бўлиб эмас, — йўрғагида мириқиб ухлайверсин.

Леонид (*олдинга чиқиб*). — Чақалоқнинг тагини салгина пайпаслаб кўрсам-чи?

Рита (*унинг қаршисига юриб*). Бордию мен сенинг башарангни тирноқларим билан салгина пайпаслаб кўрсам-чи? Одамсизлар? Отамсизлар? Онаизорнинг биттаю-битта тилаб олган боласига раҳм қилинглар. Қоч!

Ҳораций (*Рита билан Леониднинг орасига тушиб*). — Жасур аёл табаа! Мен сенинг табиий мудофаа, ҳужум қуролингни ишлатишинга рухсат бераман. Номус қил, табаа Леонид! Ягона ва даҳлсиз республика... уйқуда ётган болаларни ҳурмат қилади.

Рита (*миннатдорчилик билан уни ўпади*). — Сержант, сиз яхши одам экансиз, қардошларча биродарлигимиз ҳурмати, мен сизга ўпиш билан миннатдорчилик билдираман.

Хораций. — Бош устига. Тенглигимиз хурмати мен ҳам сенга қайтараман. (*Олдинга чиқиб турган Натанга.*) Нега кўкариб кетаётибсиз, чақаси йўқ табаа! Аслида лимон тусидалигинг ҳам етар. Рафиқанг менинг ҳомийлигим остида бўлади! Эшигингизда фахрий соқчилар қолдираман. Ҳозирдан эътиборан ягона ва дахлсиз республика ҳимоясида хотиржам ётаверишларингиз мумкин... Менга чубугимни чекишим учун ўт беринглар-чи.

Рита шамни ёқиш учун ўчоқ томон боради, ҳеч нарса тополмаган солдатлар хоналардан чиқиб келадилар. Очиқ қолган ўрта эшикдан Марк-Юний Брут кириб келади.

ЎН УЧИНЧИ САҲНА

Марк-Юний Брут ва ўшалар.

Марк. — Ҳой, ўртоқлар! Яхшигина ўлжа олдингларми?

Леонид. — Бир сум ҳам, — гап шу, Марк-Юний Брут!

Хораций. — Аёл табаанинг ажойиб дудоқлари-чи! Мен уларни кам деганда юз франк миқдорига қадрлайман...

Марк. — Нега сиз галварсдан тарқаганлар, вақтларингизни беҳуда ўтказаётибсизлар! Кўчада эса илвасинларга ов барор олиб турибди. Кийимларини ўзгартирган аслзодалар, муҳожирлар, шаҳзодаларга қўшилиш учун тумшугимизнинг тагидан қочиб қолмоқдалар. Ҳали ўн минутча ҳам бўлгани йўқ, биттасини Ганау дарвозасининг нарёғида ушлаб олдик.

Ёқилган шамни олиб келган Рита ҳанг-манг бўлиб қолади.

Хушбичим қоматли, енг учлари гулдор, қўллари оппоқ, башараси тиржайган, тишлари гираҳ... Ҳаммасидан сотқин эканлиги билиниб турибди...

Рита (*қўллари қалтираган ҳолда шамни Хорацийга узатади*). — Мана, чубугингизни тутатиб олинг, жаноб сержант.

Хораций. — Миннатдорман, аёл табаа! У номини айтдимми?

Марк. Ҳеч қандай қоғози, ҳеч қандай ҳужжати йўқ экан! У бизни, мени табаа Бон-Анфан, дейдилар, деб ишонтирмоқчи бўлди.

Рита ва Натан бир-бирларига қараб оладилар.

Хораций. — Сохта ном, — очиқ кўриниб турибди... Ўт! (*Ритага.*) Қалтираётибсан, аёл табаа!

Натан (*хотиннинг қўлидан шамни олади*). — Уни яқиндан бери тутқалоқ тутадиган бўлиб қолган... Касаллик...

Хораций. — Иблис! Лаънати! Шамни қўй, мен дуд босган тамакини ёмон кўраман, ўзим тутатиб оламан. (*Камин томон кетаётиб, столда маркиз адресини ёзиб қолдирган қоғозни кўради.*) Ҳа! Ёзувли қоғоз!

Марк. Нима экан?

Натан (*Ритага*). — Маркиз қолдирган адрес... Тамом бўлди.

Марк (*қоғозни олиб айлантириб кўради*). — Бу нима ажи-бужи?

Рита (*Натанга оҳиста*). — Улардан қоғозни ол.

Натан (*Ритага оҳиста*). — Унда шубҳалари яна ҳам ортади.

Рита (*оҳиста*). — Ўқишни билишмайди.

Натан (*оҳиста*). — Исаак билади.

Хораций (*қоғозни тутатиш учун буклайди*). Бу кераксиз қоғоздир-а, табаа, шундайми?

Исаак (*чиқиб*). — Қани, кўрайлик-чи.

Натан (*Хорацийдан қоғозни олиб, столда турган шамда чаққонлик билан ёндиради*). — Беҳуда бир қоғоз. Мана, сержант, чубугингизни тутатиб олинг. (*Хорацийга эҳтиром билан тутайди*.)

Рита (*шамни Натандан қабул қилиб, уни камин томон олиб боради. Эрига ғамгин таъна билан шивирлайди*). — Охирги шаҳодат қоғози барҳам топди... Эҳ, Натан!

Натан. — Уни ҳаётимизни сақлаб қолиш учун қурбон қилдик.

Ҳораций. — Асирни нима қилдинглар? (*Чекади.*)

Марк. — Одатда сотқинларга нисбатан қандай иш тугтасак — шундай иш кўрдик: газандога ўшаб оғзидан заҳар отилганча жони чиқди... Мана унинг тепасидан менга теккан улуш. (*Бриллиант тўғнағични кўрсатади.*)

Натан (*Ритага оҳиста*). — Маркизнинг бриллианти.

Рита. — Ўлдиришибди.

Марк. — Сен бриллиантларга пардоз бераркансан... Сенга айтаётиман, итвачча яхудий. (*Натанга.*) Сен бу тошнинг баҳосини билишинг керак... Қанча берасан? (*Натанга беради.*)

Натан қалтираганча олади.

Сенга яна нима бўлди? Нима бало, фалажга учрадингми?

Натан. — У қонга буланибди. (*Қайтариб беради.*)

Марк (*Натанни калака қилиб, нафрат билан кифтларини учираётган Леонид ва Ҳорацийга*). Юраги жўжаникидан ҳам бадтар экан. Сен бунинг учун менга нима берасан, галварс ҳайвон?

Натан. — Эҳтимол, бирон ошнамни топсам, уни сиздан ўттиз талерга олар, менда пул йўқ... Буни мана шу жаноблар ҳам бил...

Ҳораций (*қаҳр билан*). Нима-нима?

Натан. — Буни мана шу ажойиб жаноблар ҳам биладилар, демоқчиман.

Исаак (*Натан билан Маркнинг орасига кириб.*) — Қани, беринг-чи, мен кўрай. (*Бриллиантни олиб, ўзига гапирганча, кўздан кечира бошлайди.*) Бу мингтага арзийди, буни Натан, ўттизтага олмоқчи, муттаҳам. Мен буни эллик талерга оламан.

Марк. — Эллик бўлса майли! Эҳа! Бу аслзодаларнинг матохлари арзон эмас экан. Ким билади, унинг қутисид а яна нималар борлигини...

Леонид. — Қанақа қутисид?

Марк. — Ўша қочоқ плашининг тагига қутича яширган экан. Уни капитан олди.

Леонид. — Таомилга кўра ҳиссанинг катта қисми.

Марк. — Ҳа, озодлигу тенглик... рутба йўқ жойларда бўлади... у, бунда қоғозларгина бор экан, деди. Қутини, генерал келгунча, деб муҳрлаб қўйди.

Ҳораций. — Ҳа, ўша қоғозларда эслатиладиганлар қаторида бўлишни истамасдим.

Леонид. — Қорнингга олгита ўқни егину, уйқингни уравер.

Натан (*қалтираганча, Ритага*). — Агар тилхатни топиб олсалар ўша олгита ўқ менга тегади.

Марк. — Юринглар, ўртоқлар, муюлишда меҳмонхона бор, Исаак бизга ширинкома ҳисобидан икки шиша билан сийлайди.

Исаак. — Тўрт шиша десангиз ҳам майли. (*Ўзига-ўзи.*) Кўпроқ ҳам олиб беришим мумкин, токи кўзингга қўшалоклаб кўринсин, 25 талерни 50 талер деб ўйла.

Ҳораций. — Офарин, Марк-Юний Брут! Менинг томоғим қақраб кетди, бамисоли ўт теккан қоғоздек. Алвидо, барно аёл табаа!

Солдатлар Исаак билан чиқиб кетадилар. Ҳораций билан Леонид қоладилар.

Рита. — Яхши боринг, сержант... Ваъдангизни адо этинг-да.

Ҳораций (*остонада*). — Ваъдамни? Жин урсин, мен сенга нима ваъда қилган эдим?

Рита. Бизни ягона ва дахлсиз республиканинг яна кириб келишидан халос қилиш тўғрисида.

Ҳораций. — Ҳа! Маъқул! Мана ваъдамнинг исботи. (*Уни ўнади.*) Қани, Леонид, перо, сиёҳ, сиёҳдонни бер.

Леонид чўнтагидан бир парча бўр олади.

Мана бу: перо, сиёҳ ва сиёҳдон. (*Эшикни очади-да, катта ноль ёзади.*) Мана буниси қоғози. Менинг хат-саводим унча баҳад эмас, аммо жуда тушунарли. Ноль — деганимиз ҳеч нарса; демак бутун қўшин бу ердан бирон нарса ўмариб кетишининг

иложи йўқлигини билдиради. (*Натанга, нафрат билан*). Сандиғи қоқ яҳудий!.. Мен энди ишондим, сен Исроилнинг номуносиб фарзанди сифатида рад этилган экансан. (*Кета туриб*.) Шармандалик! Қидира-қидира бир су ҳам тополмадик! Республикани куп-қуруқ қўлинг билан қарши оласанми! Шарманда!

Н а т а н (*кузатаётиб*). — Оҳ, сержант, оҳ, оҳ! (*Хахолойди*.) Жуда ҳазилкаш экансиз! Кунингиз бехатар бўлсин, омад сизга ёр бўлсин! Ха-ха-хо! (*У чиқиб кетгунча кутиб, кейин эшикни пухталаб беркитади*.)

ЎН ТЎРТИНЧИ САҲНА

Рита ва Натан.

Н а т а н (*шоша-пиша қайтиб, Ританинг қўлини ушлайди*). — Рита, агар тилхатимни топсалар, тамом бўлдик. Болани уйғотиб, кийинтир! Шу кечасиёқ қочиб кетайлик... Ҳозироқ... Бахтимизни қараки, қўлимизда маблағимиз бор...

Р и т а. — Қанақа маблағимиз бор? Натан?

Н а т а н. — Қанақа маблағ бўларди: билетлар-чи...

Р и т а. — Улар бизники эмас, Натан.

Н а т а н. — Кимники бўлмаса? Кимники? Маркиз ўлган... Хотинини қидириб топишимиз мумкин бўлган адрес куйиб кетди... Уни мен ёқиб юбормадимми... Йўқ, Рита... яъни, ҳа... Аммо жонимизни омон сақлаб қолиш учун мажбур бўлдим... Шундай эмасми, Рита? Бунинг ростлигини била туриб, жавоб бермаётибсан, сен ҳамиша менга қарши иш тутасан.

Р и т а. — Нима деб жавоб беришим мумкин? Инсонда ўз-ўзини муҳофаза қилиш туйғуси туғма бўлади, ҳалоллик ҳиссидан кучлироқ келади...

Н а т а н (*сабрсизланганча хона бўйлаб юради*). — Ҳа, шундай... Кучлироқ бўлади... О! Кучлироқ бўлади...

Р и т а. — Унинг устига олтинга ўчлик келиб қўшилса, — унда ҳалолликдан нима қолади, Натан?

Н а т а н (*идиш-товоқлар ва қақир-қуқурларни йиғиштира туриб*). — Қарасам, бу пулларни олмаслигим керак экан.

Р и т а. — Аммо сен бу қоғозларни ҳам яшириб қўйган бўлишинг керак эди.

Н а т а н. — Хўп, бўлар иш бўлди. Мусо шоҳид, мен уни яшириб қўймоқчи эдим-у, аммо шошқалоқлик, ваҳима... Қолаверса, ўзинг ўйлаб кўр, ахир сен билетлар солинган пакетни олиб кетган бўлсанг, мен ўша қоғозни қандай қилиб бир жойга қўйган бўлардим? Ҳар ҳолда, пуллар бу мудҳиш қонхўрлардан кўра ўзимизнинг қўлимизда қолганлиги анча маъқул бўлди.

Р и т а. — Ҳа, яхши бўлди, чунки уларнинг ҳақиқий эгаларини топишга ҳаракат қиламиз. Шундай эмасми, Натан, биз уларни қидирамиз...

Н а т а н. — О, ҳа, ҳа... Агар имконимиз бўлса.

Р и т а. — Топамиз, астойдил хоҳласак, Натангинам.

Н а т а н. — Аммо биз ғанимат вақтни қўлдан бераётибмиз... Энди тилхатни топиб олишлари мумкин. Мени шу бемаънигарчиликка ундаганингни қара-я. Озгина олов, унинг тафти — шундан кейин номларимиз қоғоз бетида намоён бўлади-қолади-да, қарабсанки... олтита ўқ... Эшитаётибсанми? Юр, тезроқ қочиб қолайлик! Тезроқ, Рита, менинг плашимни бер, ўзингнинг кўйлақларингни бир бўғчага туг, қолган нарсаларни ташла.... Мана бу қонунлар китоби, бу отамнинг китоби, уни қолдиришим керакмас...

Рита бешик олдида хотиржам ўтирибди.

Рита, бу нима бемаънилик! Нега мени ушлаб ўтирибсан?

Р и т а. — Мен бораман, Натан (*Ўрнида туради*.) Бурчим ва муҳаббатим сенинг изингдан қолмасликка ундайди. Аммо аввало сенга баъзи нарсаларни айтишим керак. Натан, сен мени севасанми?

Н а т а н. — Сен шубҳа қилишинг мумкинми?

Р и т а. — Сени синаб кўрмоқчиман. Қанча изтироб чеккан бўлсам, мен ҳеч қачон болиган эмасман, шундайми, Натан?

Натан. — Ҳеч қачон, ҳеч қачон, шўрликкина, муштипар! Мен ўз кўзим билан кўрдим, сен ўзингникилар рад этганда, ҳақоратларга бардош бердинг, очликларга чидадинг... Ҳамиша чеҳранг очиқ бўлди. Рангинг синиққан бўлса ҳам, касалчин бўлсанг ҳам менга кулиб қарадинг, бу билан менинг дадил бўлишимга мадад бердинг, менга қараб, бахтиёрман, деддинг.

Рита. — Мен ҳозир ҳам бахтиёрман, гарчанд баъзан сизларни, сену мурғакки-намизни тез орада тарк этишим кераклигини сезиб турсам-да...

Натан. — Бундай дема, қўй, Рита.

Рита. — Худонинг хоҳиши шу бўлса — шундай бўла қолсин; менинг диним ҳам, сенинг дининг ҳам Парвардигорнинг иродасига кўнишни таъкидлайди. Аммо мен узоқ яшайманми, ё яқин орада ўламанми, умид қиламанки, Натангинам тириклигимда ҳаёт мен учун азоб-уқубат бўлишига, ўлимим ундан бадтар азобли бўлишига йўл қўймасан. Менга қасам ич, Натан, тирикми, ўликми, Ритангинг, бор хатти-ҳаракатингни ишга солиб, бу пулларнинг қонуний ворисларини топасан, деган ишончини йўққа чиқармайсан. Менга қасам ич, қачонки уларни топсанг, ҳаммасини бут қайтариб берасан. *(Ундан китобни олади.)* Натан, отанг сенга қолдирган китоб устида қасам ич, Натан... *(Бешикдаги боласининг бош томонига қўяди.)* Болагинамизнинг боши устида қасам ич...

Натан. — Мен бу ишни Рита, хавф-хатарсиз бўлиб қолганимизда адо этаман.

Рита. — Йўқ, шу ерда, ҳозир қасам ичасан. *(Уни бешик олдига олиб келади.)* Сенинг қасамёдингсиз мен ҳеч қаёққа кетмайман... Бир қадам ҳам жилмайман... Қачонки ўлсам, биламанки, ер юзида қасамёдингнинг биронта ҳам шоҳиди қолмайди; аммо тирикларнинг ҳам, ўликларнинг ҳам соҳиби аҳкоми сени кўриб турибди... доимо кўриб туради. *(Чуқур ҳис билан тантанавор.)* Қасамёд қил, Натан!

Йироқдан музика эшитилади.

Натан *(бешик олдига тиз чўқади, кейин ўрнидан туради, аста-секин қўлини китобга қўяди, бошини эгиб, оҳиста, жиддий овоз билан айтади)*. — Қасамёд қиламан!

Парда

ИККИНЧИ ҚИСМ

1814 йил, 4 апрель

ШАХСЛАР:

Натан Готшилль.

Ионафан бен Манассия.

Виктор, маркиз де Сен-Кастнинг ўғли.

Робертс.

Жюстин Брикабрак.

Давид.

Рита, Натаннинг қизи.

Воқеа Натаннинг Лондон яқинидаги боғида ўтали.

Банкир Готшилльнинг Лондондан бир миля узоқликдаги дала боғи. — Қуйидаги қаватда боқчага олиб чиқадиган шинам зал. — Ҳамма ерда гуллар. — Ҳашаматли мебель. — Унг томонда ғалалонли ёзув столи. Унинг тепасида биринчи қисмда кийиб юрган қўйлагидagi Ританинг бўй баробар портрети.

БИРИНЧИ САҲНА

Давид Робертсни бошлаб киради.

Робертс. — Ҳамма баҳоналарингиз беҳуда, мен уни кўришим керак. *(Олдинга ўтади.)*

Давид. — Мен ўрнимдан ажралиб қолишим мумкин. Мисс Рита бугун алоҳида буйруқ берди, отамнинг олдига ҳеч кимни иш билан киритмайсиз, деб.

Робертс. — Мисс Рита буйруқ берганмиш!

ИККИНЧИ САҲНА

Рита ва ўшалар.

Рита. — Худди шундай, жаноб Робертс, бу буйруққа итоат қилиш керак, бугун менинг туғилган куним; 24 соат мобайнида мен маликаман, бинобарин, менинг ҳукмронлигим давомида отам билан иш ҳақида сўзлашишларини хоҳламайман.

Робертс. — Мисс Рита, менинг табригим билан узримни қабул қилишингизни сўрайман; мен отангиз билан, албатта, кўришишим керак.

Рита. — Албатта эмиш! Бугун бизнинг уйимизда фақат менгина қатъият билан гапиришим мумкин. Эртага отам Лондоннинг Ситисидаги банкига қайтиб борганида, — хоҳлаган гапингизни гапираверасиз. Отам менинг шартларимни қабул қилди, банкир эса лафзида туриши керак.

Робертс. — Мисс Рита, мен айтаётган ишни кечиктириб бўлмайди. Унинг нечоғли муҳим эканлигини сиз тасаввур ҳам қилолмасангиз керак.

УЧИНЧИ САҲНА

Натан ва ўшалар.

Рита (*отасига қараб югуради*). — Дада, дада, бу ёқимсиз одамни тезроқ ҳайдаб юборинг. Унга айтинг, банк ёпик, ҳисоб-китоб дафтари кулфланган, идора хизматчилари ўйнагани кетишган, бугун Рита қизимнинг туғилган куни, ундан бошқа ҳеч кимнинг мен билан гаплашишга ҳақи йўқ, денг.

Натан (*ғоятда меҳр билан*). Худойи таоло сени ёрлақасин, ёқимтой фарзандим. Ахир ўзинг биласан-ку, асал бор жойга пашна ёпирилади.

Робертс. — Сизларга ҳалал бераётганимдан жуда афсусланаётибман, жаноб Готшильд, аммо муҳтожлик қонунни тан олмас экан, шунинг учун мисс Ританинг ижозати билан...

Рита. — Мен ижозат бермайман, беандиша одам... (*Уларнинг орасига киради.*)

Натан. — Ўзингиз кўриб турибсиз, бу ойим қиз бугун ҳеч қандай далилни тан олмаётибди. Бугун ҳақиқатан ҳам муҳим кун. Унинг сўзлари бежиз эмас... Тантанали йиллик! Бу унинг туғилган кунини эслашгина эмас, шунингдек менинг одам қаторига кирган кунимни ҳам эшлаш.

Робертс. — Қандай қилиб, жаноб Готшильд? Ахир сиз одам қаторида бўлмаган кунингиз ҳам бўлганми?

Натан. — Ахир камбағалларни одам деб бўладими? Ҳа, жин урсин! Бундан 21 йил муқаддам мен шу куни Лондонга келиб тушдим... Сизни ишонтириб айтаманки, Робертс, менинг ҳеч нарсам йўқ, на пулим, на кредитим бор, ҳатто, афсуски, оилавий бахтдан ҳам маҳрум эдим! Шўрликкина, йўлимиз устидаги Амстердамда вафот қилди; мен бу ерга қашшоқ, ёр-биродарсиз, якка-ёлғиз ҳолда, кўлимда мурғак етимчам билан кириб келдим. (*Ритани кўрсатади.*)

Робертс. — 21 йил мобайнида сиз паст бир мавқадан Лондоннинг энг катта банкиридек баланд даражага кўтарилибсиз.

Натан. — Ҳа, мени шундай, дейишади, Робертс, «Лондондаги энг катта банкир», деб аташади. Ростини айтганда, Темзанинг қирғоғига келиб тушганимда кўлим куп-қуруқ эмас, кўлимда арзимас сармоя — икки юз минг талер пул бор эди. Ўзингиз кўриб турганингиздек, бу сармоя ўсди, мен ҳам ўсдим, Рита қизим ҳам ўсди. Сармоям менга ўхшаб тўлишди. Кўриб турибсиз, шундай дейишга тўла ҳаққим борки, ўшандан буён мен одам бўлиб қолдим, қуллим, қашшоқлигим барҳам топди... Ҳамма нарсам ўзимнинг тасарруфимда...

Рита. — Эҳ! Агар мен ҳам одам бўлсам, мен ҳам ўз ихтиёримдаги нарсаларимни қандай бийлаган бўлардим! Қанча-қанчаларни бахтиёр қилган бўлардим!

Натан. — Исрофгар! Ким билади, менинг топганларим қайси кўчалар бўйлаб чуваб кетган бўларди.

Рита (*сўз оҳангини ўзгартириб*). — Хўп, жаноб Робертс, кираверинг! Бугун бизнинг уйимизда ҳангомалар ҳам йўқ, рақамлар ҳам йўқ, ишлар ҳам йўқ...

Робертс. — Мен афсусланаётиман, аммо жаноб Готшильд сўзларимни эшитиши керак; бизнинг фирмамиз катта хавф остида турибди.

Натан (*заҳарханда билан*). — Нега энди?! Ликерштейн ва шерикларининг машҳур уйи-я?! Жин урсин! Дарҳақиқат, иш жиддийга ўхшайди-ку!

Робертс. — Ҳа, ҳазиллашманг, жаноб Готшильд! Сиз, баъзан гўлов пулларини менга ўтказишларингиз мумкин, деган эдингиз.

Натан. — Хўп, буни мижозларингизга айтаверинглар! Бунинг сизлар учун ҳам, мен учун ҳам қийин жойи йўқ.

Робертс. — Бизнинг ҳамма муомалаларимиз ҳақида сиз маслаҳат берган эдингиз-ку. Сиз биржадаги ҳамма қоғозларни сотиб олдирдингиз; ҳозир қоғоз қўлимизда, пулимиз йўқ, мабодо қоғозларни уларнинг нархи кўтарилгунча қўлимизда ушлаб туролмасак, анча зарарига сотишга мажбур бўламиз.

Натан. — Уларни портфелларингизда тутинглар, қулф остида сақланглар! Биласиз-ку, дўстим, мен ҳам нима бўлса ҳаммасини ҳар бир жойда сотиб ола оламан.

Рита (*боғчага олиб чиқадиған эшик олдида турган эди*). — Ана сотқинлик! Менинг кўз ўнгимда иш ҳақида гапириб ўтиришса-я...

Робертс. — Агар бизнинг хонадонимиз банкрот бўлишини истамасангиз, лутфан ижозат этарсиз.

Рита (*виқор билан*). — Банкрот дейсизми? Сиздан кечирим сўрайман, жаноб Робертс. Мен ҳазиллашдим, сизларнинг суҳбатларингиз шундай жиддий ишлар ҳақида бораётганини билмабман. Енгилтаклик қилганим учун мени кечиринг! Сизларни ёлғиз қолдираман, — бемалол гаплашаверинглар. Хайр, дада! Чорак соатгинача хайр. Сиз мени яна малика қилиб тайинлаш учун чақирарсиз, шундайми?

Натан. — Ҳа, ҳа, фаришта қизим.

Роберт четга чиқади.

Рита. — Менга қаранг, жаноб Робертсга, унинг хўжайинларига ёрдам беринг... Унга ёрдам берасиз-а? Шўрлик чолни бунчалик безовта ҳолда кўриб ачинаётиман. Бўлмаса ҳозиргина уни жуда қийноққа солган эдим... (*Отасининг қўлини сиқиб*.) Унга қўлингиздан келган ҳамма ёрдамни аямасликка ваъда беринг.

Натан (*уни ўпиб*). — Айтганларингнинг ҳаммасини адо этаман, Ритагинам.

Рита. — Бу мен учун жуда маъқул, дада. (*Робертсга*). Хайр, жаноб Робертс. (*Оҳиста*.) Сиз учун илтимос қилдим... Тап тортманг, тап тортманг! Ҳаммаси жойида бўлади. (*Боғчага чиқиб кетади*.)

ТҮРТИНЧИ САҲНА

Натан ва Робертс.

Натан (*важохатини ўзгартириб, тез*). — Айтинг-чи, касалларингиз қай аҳволда? Аниқ, лўнда қилиб айтинг.

Робертс. — Сизнинг маслаҳатингизга биноан иш кўриб бизнинг кассаииз икки юз минг фунт-стерлингга Веллингтон истиқрозининг қоғозларини сотиб олган эди. Ҳозир бу қоғозларнинг қадри ўн фоиз тушиб кетди. Мабодо бу қоғозларни сотадиған бўлсак хароб бўламиз, ушлаб турадиған бўлсак, бугунги ва эртанги тўловлар учун элик минг фунт-стерлинг етмайди.

Натан. — Сизларнинг хонадонингиз билан менинг ҳисоб-китобларим қандай аҳволда экан? Кўрайлик-чи! (*Ўйлайди*.)

Робертс. — Мана, бош дафтарда... (*кираётганида столга қўйған қалин дафтарни олади*) сиз бизга берган пулларнинг қайди.

Натан. — Дафтарингизни жин урсин! Мени санокни билмайди, деб ўйлаётимизми?

Робертс. — Бўлмаса, ўзингиздаги ёзувларга қаранг. Сизнинг ҳисоб қайдларингиз қаерда?

Натан (*нешонасини кўрсатиб*). — Мана бу ерда, менинг бош дафтаримда. Ўтган куни мен сизларга қарзга берган маблағнинг жамъулжами икки юз саксон минг фунт-стерлингу ўн икки шиллинг ва олти пенс эди.

Робертс (*дафтарига қараб*). — Худди шундай. Каллангизга қойилман, жаноб Готшильд!

Натан (*совуқ*). — Агар сизлар ишларингизни тугатишга мажбур бўлсангизлар, кредиторларга қандай шартлар таклиф қила оласизлар?

Робертс. — О, жаноб Готшильд! Нималар деяётибсиз? Ишларни тугатсак, си-ниб, банкрот бўламиз-ку!

Натан. — Бўлмаса, нима дейишим керак? Юзтага қанчадан тўлайсизлар?

Робертс. — Кўпи билан— юзтага йигирма бешдан.

Натан. — Унда мен олтмиш минг фунту уч шиллинг ва бир ярим пенс йўқота-ман. Сизларни қувватлаш керак, бошқа чора йўқ. Мен сизларга яна эллик минг фунту ўн икки шиллинг ва олти пенс бераман. Сизлар менга қандай гаров бера олишларингиз мумкин?

Робертс. — Мана банкнинг билетлари.

Натан. — Дуруст. Мен уларни оламан.

Робертс. — Аммо билиб қўйинг, улар саккиз фоиз қадрсизланган.

Натан. — Дуруст, дуруст. (*Уларни олади.*) Кейин-чи?

Робертс. — Мана булари дурустроқ... Беш фоизли ирланд қоғозлари; улар га-ровга арзийди.

Натан. — Йўқ, йўқ, керак эмас.

Робертс. — Қизиқ одам экансиз. Менда бош қўмондон Веллингтон истикро-зининг қоғозларидан бошқа сизга таклиф қилгудек ҳеч нарса йўқ. Аммо ўзингиз мендан кўра яхшироқ биласиз, улар ўн ярим фоиз тушиб кетди, борди-ю лагердан яхши хабарлар келмагудек бўлса... мутлақо тушиб кетади...

Натан. — Бўлди, мен уларни оламан. Мана менинг кассиримга эллик минг фунт бериши кераклиги тўғрисидаги буйруғим. (*Ёзув столи олдига бориб, бир варақ қоғозга қўл қўяди.*) Сизлар менга бутун маблағни бир ойдан кейин қайтарасизлар. Мана бу ерда билетлару қоғозларингиз...

Робертс (*ажабланиб*). — О, ҳимматли жаноб Готшильд... Сиз бизнинг хонадо-нимизнинг шаънини сақлаб қолдингиз. Сизга нима деб миннатдорчилик билди-рак бўлади?

Натан. — Нима дебми? Сизлар менга ўн беш фоиз устама тўлайсизлар.

Робертс (*таажжубланган, қайғурган ҳолда*). — Ўн беш фоиз?

Натан. — Агар менинг шартларимга кўнмасанглар, пулни бошқа жойдан қиди-ринглар.

Робертс (*ёлборган оҳангда*). — Жаноб Готшильд, ўн фоиздан олинг.

Натан. — Сиз мени судхўр деб ўйлаётибсиз, шекилли. Мен савдолашмайман. Ё ўн беш фоиз, ё мен кассирга берган буйруғимни йиртиб ташлайман (*кўрсатади.*)

Робертс. — Йўқ, йўқ, жаноб Готшильд, ўн беш фоиздан оласиз. Айтганингиз-айтган. Сиз хонадонимизни сақлаб қолдингиз... Яна бир марта шундай сақлаб қол-сангиз, биз мутлақо хонавайрон бўламиз.

(*Таъзим қилади.*)

БЕШИНЧИ САҲНА

Натан (*ёлғиз. Қўлларини бир-бирига ишқалаганча, у ёқдан-бу ёққа бориб кела-ди*). — Ажойиб замонлар! Ажойиб замонлар! Европа биржаларининг лойқа сувида миллионлар овлаш учун форум келадиган замон. «Иттифоқчиллар Шалонни олди-лар. Курслар кўтарилмоқда! «Блюхер Жанвильердан чекинди». Бош қўмондонимизнинг истикрози физилагагача пастга қараб думаламоқда. «Император Шалонни олди». Англия, Пруссия, Австрия фондлари маҳв бўлмоқда, жонинг борида қочиб қол. «Шварценберг Труани қайтиб олди». Ана, инглиз фондлари тагин юқорила-моқда. Биз яна катта овчилар бўлиб қолдик, тўрларимиз балиққа тўлаётибди, кич-кина балиқчи қайиқлар чўкиб кетмоқда, чўкиб кетмоқда... мангуга фарқ бўлмоқда. (*Қўлларини бир-бирига қаттиқроқ ишқалаб, қадамни тезлатиб.*) Яна қиморхоналар тўғрисида, Фиръавн тўғрисида, қизил ва қора тўғрисида ҳам сўзлар очилаётибди...

Булар ўйинчоқлар, болаларнинг ожиз ўйинчоқлари!.. Йўқ, сиз менга Лондон биржасини беринг, тўлғоқ тутаётган хотиндек титраб-қақшаётган Париж биржасини беринг. Ўйин деб шуни айтса бўлади! Ҳаёт деб шуни айтса бўлади! Ана кайфу сафо! Бугун миллионнинг эгаси, эртага — қашшоқлик остонасида, аммо хотиржам қиёфада, пинагини бузмаган, кредити ҳаммиша муҳайё, ҳурмати жойида, ҳамманинг эҳтиромига лойиқ, шаънида банкирлар қироли ва қироллар банкири деган унвон! Энди ким Натан Готшильдга қўл бермайди, ким энди у билан учрашганда таъзим қилмайди? Диндошлари унга синагоганинг тўридан жой бериш учун қандай елиб-югурдилар! Ҳозир эса агар у навбатма-навбат башараларингизга туфурмоқчи бўлса, сизлардан қанчаларингиз буни ўзларингиз учун шараф деб билардингиз! Буларнинг ҳаммаси, бу тантана, бугун чексиз бўлиб кетган бу шон-шухрат мана бу ердан чиққан. (*Манглайига уриб.*) Менга қочоқ француз қолдирган ғарибона икки юз минг талердан... О, одамлар, сизлар нечоғли пасткашсизлар! О, пуллар, сизлар қандай буюксизлар, қандай қудратлисизлар, ажойибсизлар.

ОЛТИНЧИ САҲНА

Давид, кейин Ионафан бен-Манассия ва Натан.

Давид. — Биринчи гумаштангиз, Лондондан келибди.
Натан. — Қадрдоним Манассия! Кираверсин!

Давид ён эшикдан чиқиб кетади.

Мана бу олтин гумашта! Олти минг франк маош олади-ю, юз мингга арзигулик иш қилади. Мабодо билса борми... Аммо билмайди! У ўз манфаатларига нисбатан доимо маънан қашшоқ бўлиб келган. Олам шундай бўлинган: бировлар хизмат қилдилар, бировлар ўзларига хизмат қилдирадилар.

Ионафан киради ва эҳтиром билан таъзим қилади.

Хўш, қария Ионафан, фондлар нима бўлаётибди?

Ионафан. — Ҳамон пастлаётибди; мана сизга тушгача бўлган курс. (*«Биржа варақасини беради.*) Нима деб ўйлайсиз, ишлар яна ҳам ёмонлашиб кетмагунча эҳтиёт қилиш вақти етмадимикан?

Натан. — О, йўқ, қария Ионафан, ҳали вақт бор. Кўрайлик-чи. Яна икки кунгина чидаш беришимиз мумкинмикан. Айт-чи, қандай миш-мишлар бор? Мен журналларни ўқимайман, зотан каттагина обуна ҳақи тўласам ҳам. Бордию, журналистларга қарайдиган бўлсанг, йўлингдан адашиб кетасан.

Ионафан. — Бугунги янгилликлар иттифоқчилар учун жуда нохуш. Наполеон Сен-Дизьеда Шварценберг кўшинини прусслардан ажратиб қўйди. Афғидан, уларни пароканда қилиб тор-мор этмоқчи, шекилли. (*Мамнун ҳолда.*) Кўриб турарсиз, иттифоқчилар Париждан чекинишга мажбур бўладилар.

Натан (*юра туриб*). — Сен шунга ишонасанми, Ионафан?

Ионафан. — Синедрионнинг ҳукмига ишонгандек ишонаман.

Натан. — Мен, синедрионнинг ҳукмига даҳл қилмай, бунга ишонмайман. Биласанми, Ионафан, шундай юлдузлар борки, балқий бошлаганларига уфқда кўринмай қоладилар. Мен ҳам шундай бир юлдузни биламан: бундан икки йил муқаддам чарақлаб турган буюк юлдуз, ҳозир, 1814 йилда оқиб тушаётган юлдузнинг дидини бериб турибди. Дарвоқе, банкка Лакерштейн фирмасининг биринчи гумаштаси боради, мен унга эллик минг фунт бериш ҳақида буйруқ топширдим. Мана бу улардан олган гаровим. (*Стол олдида бориб, унга билет ва бошқа қоғозлар беради.*)

Ионафан (*бошини чайқаб*). — Бу қоғозларнинг нархи тушиб кетаётибди.

Натан. — Мен уларни шунинг учун ҳам олдим-да. Тез орада сен уларнинг нархи кўтарилаётганини кўрасан-да, улар қўлимизда эканлигидан тақдирга таҳсинлар айтасан. Ионафан, агентларимизга айт, сотиб олаверишсин, сотиб олаверишсин; уларни сотиш мавриди келганда эса, ҳамма бизга ёпирилиб келади, биз эса олтин қармоқни баландлатиб турамыз. (*Унинг энгагидан ушлаб.*) Хўш, нима дейсан, соддадил?

И о н а ф а н. — Жаноб Готшильд, буларнинг ҳаммаси яхши, аммо мен ҳеч нарсага тушунмай турибман.

Н а т а н. — Икковимизнинг орамиздаги тафовут ҳам шунда-да: сен ҳеч нарсага тушунмайсан, мен эса тушунаман. Борақол, Ионафан!

Ионафан бошини чайқаганча кета бошлайди.

Шошма! (*Сирли.*) Куш бозордаги одамни кўрдингми?

И о н а ф а н. — Каптарфурушними?

Н а т а н. — Ҳа, ҳа. Дувр йўлига милтиқ билан чиқишни буюрдингми?

И о н а ф а н. — Ҳа.

Н а т а н. — Маъкул. (*Кўнгилхушлик билан.*) Кўрфазнинг нарёғидаги каптарларни кўнгли тусаби турибди.

И о н а ф а н. — Ғалати истак!

Н а т а н. — Нима дейсан? Мазали бўлади! Энди бора қол, Ионафан, яхши, эсингда бўлсин: иттифоқчиларнинг қоғозларини ҳар қандай нарҳда бўлса ҳам олавер.

И о н а ф а н. — Улуғвор одамсиз! Сизнинг юз минг фунт-стерлингни совураётганингизни кўриб қувонади киши.

Н а т а н. — Агар фондлар кўтарилса, уларни уч юз мингга етказиш ишончи билан.

И о н а ф а н. — Бордию кўтарилмаса-чи?

Н а т а н. — Унда... (*Бир дақиқа сукутдан сўнг.*) Унда, менинг самимий Ионафангинам, биргаликда Франкфуртга қайтиб борамиз-да, мен — қимматбаҳо тошларни тарашлайману сен — эски-туски кийимларни сотасан, бундан йигирма йил бурунгидек. Шулар эсингдами, Ионафан бен Манассия?

И о н а ф а н. — Худди кечагидек. Назаримда ҳам французлар дўконимни талаётгандек. Ўша куни менинг хонавайрон бўлган куним эди.

Н а т а н. Бир дунё бахт-саодатнинг ҳам. Диндошларимдан фақат сен мени ташлаб кетмадинг, мен ҳам сени эсимдан чиқармадим, Ионафан! Мен сени ўзим билан бирга Англияга ола келдим, жанобларга ўхшатиб башанг кийинтирдим, қорнингни яхшилаб тўйгаздим, сенга ишларни қандай олиб боришни ўргаётганим! Шунда ҳам сенга қилишим керак бўлган ишларни ҳали тўла-тўкис бажарганим йўқ. Сен яхши нарсаларни кут, Ионафан! (*Сўзларини салмоқлаб, ҳар гал Ионафаннинг номини такрорлаганида унинг кифтига қоқиб.*) Агар ишларимиз юришиб кетса, Ионафан, мен маошингни ошираман... Ионафан, йилига йигирма фунт, Ионафан.

И о н а ф а н. — Бултур менга шундай ваъда берган эдингиз, лекин ҳар қалай...

Н а т а н. — Э-ҳа! Ваъда берибману эдимдан кўтарилибдими? Ионафан, бу гал эсимдан чиқармайман. Пруссия қироли ёки Австрия императорининг биринчи истикрози чиқиши биланоқ, — агар насиб бўлса, — сенга икки минг фунт бераман, Ионафан, роппа-расо икки минг фунт, ҳисоб-китобдан мустасно. Энди борақол, Ионафан, бора қол...

Ионафан кетмоқчи бўлади.

Натан у ёқдан-бу ёққа юради, Ионафан эшикка етганида, уни чақиради.

Дарвоқе, Ионафан, сен Лестер-сквер яқинидаги бозорда француз савдогарини кўрдингми?

И о н а ф а н. — Кеча мисс Готшильд бир неча нарса олиб келган бозордаги савдогарни айтаётибсизми? Учрашдим, нимаики яхши нарсаси бўлса, ҳаммасини бу ерга олиб келишини буюрдим.

Н а т а н. — Истагим шуки, кўнгли хоҳлаган нарсаларни танлаб олсин, у-булари кўпайсин, бу билан унинг туғилган кунини унутмаганимни кўрсатмоқчиман.

И о н а ф а н. — Наҳотки икир-чикир нарсалар кўнглингизга сиғса? Биржа бу аҳволда бўлса, кассамиз ҳувиллаб қолаётган бўлса...

Н а т а н. — Ритагинимнинг туғилган куни икир-чикир эканми? Беҳуда гапларни гапираётибсан, бадбахт бани Исроил! (*Аччиғланганча унинг галстугига ёпишади.*) Ё сенда юрак деган нарса йўқми? Ёки хотин ҳам, фарзанд ҳам кўрмаган эдингми?

Ионафан инкор этувчи имо-ишоралар қилади.

ЖАҲОН АДАБИЁТИ

156

Ахир билмайсанмики, Ритагинанинг кўнгли хуш бўлиши учун куни бўйи қамалиб ўтиришга рози бўлдим, яна қандай кунда дегин! Биржа мени минглаб нидолар билан қақираётган, менинг Аустерлиц жангим ҳақида гап бораётган бир кунда-я!

И о н а ф а н. — Аустерлиц? Ҳа, фондлар кўтарилгудек бўлса майли-я... Борди-ю, кўтарилмаса-чи?

Н а т а н. — Қадрсизланиш, банкротлик, қочиш... (*Совуқ.*)

И о н а ф а н. — Шулар ҳақида совуққонлик билан гапиратибсизми? Ё муқаддас пайғамбарлар!

Н а т а н. — Айтишларича, император ҳам ҳеч қачон катта жанг арафасидагидек хотиржам бўлмасмиш. Менинг миллионларим унинг кўшинларидан кўра ардоқлироқ ва фойдалироқдир... Кулоқ сол. (*Томирини ушлаб кўради.*) Мен хотиржамман, томирим тўғри уриб турибди, онасининг жонли портрети бўлган бу азиз Ритагинанинг туғилган кунига совғалар тақдим этиш билан шуғулланиши мумкин. (*Ритагининг портрети олдига тўхтади.*)

И о н а ф а н. — Бу қандай одам, бу қандай ақл эгаси ўзи! Ҳозир хотинининг портретига тикилиб турганида, кулоғининг тагида бир қоп олтин жаранглатсанг ҳамки қайрилиб қарамайди. (*Кетади.*)

Давид киради.

ЕТТИНЧИ САҲНА

Давид, кейин Брикабрак ва Натан.

Давид. — Французлар бозоридаги йгитнинг айтишича, буйругингизга биноан келибди.

Натан (*хуши ўзига келиб*). — Э! Кираверсин... Ҳа! Ё банкирлардан биринчиси, ёки банкротларнинг энг кейингиси! Аммо машъум дақиқа келиши муқаррар. Париж иттифокчиларники бўлиши керак, мен иккала кўшиннинг бош қароргоҳидан олаётган мафий хатлар шундан дарак бериб турибди. Миллионларимнинг ҳамма ерда дўстлари бор. О! Бу мактублар менга арзон тушаётгани йўқ!.. Қани энди банкир Оверстонга лагердан хабар олиб келаётган каптарлардан бирига эга бўлсам! Унинг битта каптари каму менинг миллионларим бир неча карра кўпайган бўларди.

Брикабрак киради. Ўша даврга хос молада, кулгили, бемаъни дид билан кийинган. Соқоли оқарган, ўзи сал букчайганроқ. Анчагина қариб қолган. Кўлида каттагина тутун.

Брикабрак. — Bonjour¹, жаноб! Менга, қўлингдаги ҳамма яхши нарсаларимни олиб бор, дейишган эди. Бунда олтинга тортиб олгудек нарса бор. (*Ўртукни очади-да, бир вақтлар маркиз де-Сен-Кастга тегишли бўлан несессерни олиб кўрсатади.*) Несессер, Дюбори услубида, ҳақиқий Буль, қопқоғи Севр чиннисидан, bijon².

Натан. — Ҳм!.. Ҳа... Чакки эмас! Лекин мен тушунолмай турибман... Бу французча буюмми, шундайми? (*Столга ўтиради.*)

Брикабрак. — Fabrique de Paris³. Ҳа, бу энг асл Париж буюми... (*Оҳиста ва сирли равишда бармоғини лабига босади.*) Бу контрабанда, menble historique⁴, жаноб, генерал Нейвингернинг бултур ўлган бевасининг бисотидан.

Натан (*лоқайд*). — Э, ҳа! 1792 йилда Франкфуртни эгаллаган генералнинг бевасиданми?

Брикабрак. — Tiens! tiens! tiens!⁵. Банкирлар тарихни жуда яхши билар эканлар!.. Худди шундай... Жанобларининг хотиралари жуда яхши экан.

Натан. — Буни эсда тутганимнинг сабаби бор.

Брикабрак. — Мен ҳам шундай! Parbleu!⁶ Мен ҳам ўша вақтда ўша ерда бўлган эдим.

¹ Салом. (*Французча.*)

² Чиройли. (*Фр.*)

³ Парижда ишланган. (*Фр.*)

⁴ Кўҳна буюм. (*Фр.*)

⁵ Шундай! шундай! шундай! (*Фр.*)

⁶ Жин урсин! (*Фр.*)

Натан. — Сиз-а? (*Унга лоқайдлик билан қараб туради, дарҳол қалам билан ҳисоблаб кўради.*)

Брикабрак. — Кўриб турганингиздек, худди ўзим, Рейндаги бош кўшинда хизмат қилган эдим. (*Сирли.*) Юсти Хораций Коклес Брикабрак 1792 йилнинг қаҳрамонларидан бири бўлган эди. (*Натанга яқин келиб.*) Сиз инглизмисиз, жаноб?

Натан. — Йўқ.

Брикабрак. — Ҳа! Назаримда ҳам шундай туюлган эди-я... Адашган бўлмай, деб кўрқдим. (*Қизишиб.*) Бу итвачча инглизлар мени Тулонда асир олиб, То Амьен сулҳигача понтонда тутиб турдилар. Хуллас, улардан қасдимни олиш учун инглиз қизига уйландим-да, унинг сепига нодир буюмлар дўконини очдим, душманларимни пул тимсолидаги қонларини тўкишга мажбур қилаётиман, яъни чўнтақларини қоқлаётиман.

Натан. — Сиз ҳалол французсиз, умид қиламанки, жарроҳлик амалларингизни менинг чўнтақларимга нисбатан ишлатмасангиз керак? Бу буюмнинг нархи қанча?

Брикабрак. — Нархи... Эҳ, жаноб, агар сиз бўлажак истиқрозларингизнинг биридан менга кичкинагина купон ваъда қилсангиз, сизга хурматим юзасидан буни бажонидил текинга тақдим қилган бўлардим.

Натан. — Ҳазилни кўйинг, нархини айтинг, дейман!

Брикабрак. Нархи! Ah, mon Dieu!¹ Шу ҳашамдор буюмдан ажралишим кераклигини ўйласам йиғлагим келади...

Натан. — Нархи, нархи!

Брикабрак. — Қопқоғидаги портретни айтмайсизми?! Чехрасини қаранг, сочларини қаранг, кўксини қаранг!

Натан. — Нархи!

Брикабрак. — Оҳ, нега мени ўқинтирасиз, шундай chef d'oeuvre нинг² нархини суриштириб? Қандай мукамал санъат асари! Қандай илҳомбахш! Қандай доҳиёна! Қандай башанг! (*le nom d'un petit bon-homme*³.)

Натан кўнғироқ чалади.

(*Ташвишланиб.*) Нега кўнғироқ чалаётисиз?

Натан. — Мен сиздан тўрт марта нархини сўрадим, сиз айтгингиз келмаётисизди, ундай бўлса — жўнанг!

САККИЗИНЧИ САҲНА

Давид ва ўшалар.

Натан. (*Давидга.*) — Бу жанобни чиқариб юбор.

Брикабрак (*яқинлашиб келаётган Давидга.*) — Бир дақиқа, дўстим! Хўп, дуруст, жаноб, нархимни айтақолай... Бу савдо сиз билан эмас, биронта бошқа одам билан бўлганда... Қолаверса, сизнинг мадемуазелингиз менинг au grand Mogul⁴ бозоримда харид қилиб келаётгани учун... ўттиз фунт-стерлинг сўраб ўтирмайману лекин...

Натан. — Ўн.

Брикабрак. — Ўнмиш! Ноггеу!⁵ Ҳазиллашаётисизми жаноб? Шундай антиқа буюм учун ўн фунт-стерлинг берасизми?

Натан. — Ўн фунт икки юз эллик франк бўлади — чакки нарх эмас...

Брикабрак. — Оҳ, жаноб, оҳ... Ўзингиз бир кўринг, бир кўринг.

Натан (*несессерга қараб.*) — Ҳа, рост, мен янглишибман.

Брикабрак. — Мен ҳам, янглишдингиз, деб ўйладим. Ўн фунт! Ўн фунт! Par exemple!⁶

¹ Эҳ, худойим-эй! (*Фр.*)

² Бу ўринда нодир нарса маъносида. (*Фр.*)

³ Буни кўркам одам яратган. (*Фр.*)

⁴ Буюк Мўғул. (*Фр.*)

⁵ Даҳшат! (*Фр.*)

⁶ Масалан, айтсак, маъносида. (*Фр.*)

Натан. — Қопқоғи тирналган экан... Чинниси мертилган... Мен саккиз фунт, демоқчи эдим.

Брикабрак. — О, жаноб! О! О! Mon Dieu, жаноб нафис санъат асаридан кула-ётибдилар! Ўн! Саккиз! Хўп, дуруст, модомики, мадемуазель — бизнинг pratique¹ экан, французларга хос ҳушмуомалалигим унинг дилини огритишимга йўл бермайди... Унинг учун ўн саккиз.

Натан. — Саккиз, саккиз. Саккиз! Шунга кўнинг ёки жўнанг!

Брикабрак. — Оҳ! Саккизга сотиладиган бўлса, турклар айтгандек, қолганига соқолимни юламанми?

Натан кўнғироқ чалади. Саҳна ичкарилигида турган Давид олдига келади.

Саккиз гинейя, саккиз гинейя, шунга ола қолинг.

Натан. — Хўп, эзгуликка буюрсин! Сиз олтин пул олмақчисиз. Шундайми?

Брикабрак. — О, ҳа, жаноб! (*Ўзига-ўзи.*) Олтин қимматроқ туради. Мен олтинни маъқулроқ кўраман, қолаверса, уни ўзингиз лутф билан таклиф қилаётибсиз.

Натан. — Биласизми, энди бир гинейяга олти шиллингдан устама кўшилади.

Брикабрак илжайганча кўлини кўлига ишқалайди.

Ҳар бир гинейяда йигирма етти шиллинг бўлса, олти карра саккиз қирқ саккиз. Икки гинейя, тўрт, олти (*санайди*). Мана олти олтин гинейяю икки шиллинг; ҳисоб тўппа-тўғри. Икки шиллинги кам икки гинейя устамаси.

Брикабрак. — Саккиз гинейя учун икки гинейя устама оласизми? Ахир бу бўғизлаш деган гап-ку. Тириклайин теримни шилиб олмақчимисиз? Мен сизга: саккиз гинейя, дедим, жаноб.

Натан. — Сиз, саккиз гинейя олтин пул, дедингиз, азизим, олтин бўлса қиммат туради, бу жарақлаган гилдиракларнинг қадри баланд. Мен иш қилсам, пухта қиламан. (*Кўнғироқ чалади.*)

Брикабрак. — Бу ҳақорат, хўрлаш! Олтинда чўмилаётган жаноб устама чегириб ўтирса.

Натан яна кўнғироқ чалади. Давид яқин келади.

Майли, оламан.

Натан. — Матоҳингизними?

Брикабрак. — Йўқ, олтинни. Агар жаноблари менинг бозоримга боргудек бўлсалар, унга бошқа антиқа нарсаларни ҳам кўрсатаман.

Натан. — Унақа жойларда дайдиб юришга вақтим йўқ.

Брикабрак. — Оҳ, жаноб, лутф кўрсатинг, биродарингизга ёрдам беринг.

Натан (*нафрат билан*). Мен сизнинг биродарингизманми?

Брикабрак. — Бўлмаса-чи, биз икковимиз ҳам шу лаънати лаҳмни луқма ҳолига келтирамиз. Кутиб турамиз. То униси... le petit caporal² улардан la capitaleni³ олгунча, биз улардан сармойяни тортиб оламиз... Оҳ, оҳ! Elle est bonne cellece!⁴ (*Қуюқ таъзим қилганча чиқиб кетади.*)

Давид унга йўл кўрсатиб туради.

Натан (*несессерни кўздан кечириб*). — Мен буни арзонга олдим! Имоним комилки, бу тўрт баробар ортиқ туради! Французга яхудий билан тенг келиш қаёқда! Бечора довдир! (*Ритани боғчада кўриб, несессерни рўмолча билан яширади.*) Рита, қизалогим!

¹ Мижозимиз. (*Фр.*)

² Кичик капрал. (*Фр.*)

³ Пойтахтни. (*Фр.*)

⁴ Жуда ҳам чиройли. (*Фр.*)

ТЎҶҚИЗИНЧИ САҲНА

Рита ва Натан.

Рита. — Хўш, дада, тадбиркор кишиларингиз кетишдими? А! О, мен мамнунман, кун бўйи менинг ихтиёримда бўласиз.

Натан. — Туғилган кунинг муносабати билан мана сенга кичкина совға. (*Нессерни кўрсатади.*)

Рита (*столнинг иккинчи томонига ўтиради*). — Э, мен французлар бозорида кўрган қутича-ку, жуда қиммат бўлгани учун олмаган эдим. Буни сизга ким айтди экан?

Натан. — Менинг ҳам ўз айғоқчиларим бор. Улар биз молия князларида ҳам асл князлардаги айғоқчилардан кам эмас. Фақат биз уларга камроқ ҳақ тўлаймиз, улар эса бизга яхшироқ хизмат қилишади.

Рита (*ўрндан туриб, қутичани олади-да, отасининг оёқлари олдидаги харакка ўтиради*). — Қандай чиройли! Назаримда ундан ҳали ҳам упу ҳиди келиб тургандек; аниқ, ўтган асрдаги қандайдир герцогиня ёки маркиза унда ўзининг ҳамма ишқий хатларини сақлаган! Уни Викторга кўрсатиш керак.

Натан. — Виктор деганинг ким бўлди?

Рита. — Менинг музика муаллимим. Уни менга боғ қўшнимиз леди Маркман бир ярим йил бурун тавсия қилган эди. Жуда дидли одам.

Натан. — Ким? Леди Маркманми?

Рита. — Йўқ, Виктор. Бугун дарс кунимиз бўлмаганидан ачинаётиман.

Натан. — Бу қутига нима солмоқчисан?

Рита. — Билмадим... Ўзингиз биласиз, менда ишқий хатлар йўқ, агар ойим сизга ёзган хатларни берганингизда мен уларни жуда эҳтиёт билан сақлаган бўлардим.

Натан. Онангнинг хатлари! (*Кийимининг ички чўнтагини кўрсатиб, оҳиста ҳаяжонли овоз билан.*) Улар ҳамиша бу ерда, қизим, чўнтагимда, ҳамиша шу ерда қолади, юрагим уриб турар экан, у уришдан тўхтагунча унинг олдида бўлади.

Рита. — Дадажонгинам! (*Ўрндан туриб, уни ўпади.*) Хўп, сиз менга хат ёзиб беринг, у қутичада ёлғиз ўзи туради, токи бошқалари келгунча. Ўйлайманки, эртани, кечми, менга унча-мунча хат келар.

Натан. — Ҳе! Огоҳ бўл, Ритагинам! Ҳа, агар мен сендан кўзимни узган бўлсам, ким билади, дейсан, улар сенга алақачон теккан бўлармиди?

Рита. — Ҳа! Менга ишқий хатлар келмаслиги учун мендан кўзингизни узмай турасизми?

Натан. — Ҳа, атрофингизда парвоналару пашшалар гир-гир айланавермасин, деб сендан кўз узмайман. Сен билишинг керак, қизалоғим, уларни мафтун қилган нарса муҳаббат эмас, пул. Бу — аччиқ сабоқ, мен сенга буни уқтириб қўйишга мажбурман.

Рита. — Худойим-эй! Аттанг, мен нега бойман...

Натан. — Бу нима деганинг! Ундай дема! Бу бемаъни гап, Рита! Токи сен бой экансан, уларнинг найрангларида куласан; бордию камбағал бўлсанг, уларга қурбон бўлардинг. Бойлик-чи, Рита... Сен ундан нафратланма! Ҳозир у бирдан-бир маъбудаки, бутун ер юзи бўйлаб унга ёппасига ихлос билан топинадилар. (*Чўнтагидан олтин пул олиб.*) Қара, мана бу давримизнинг ҳамма сиғинадиган обидаси. Мана шу маъбуданинг қоҳинларини қандай эъзозлайдилар! Ҳамма ҳақирлик билан уларнинг оёқларига йиқилади, уларга ҳамду сано ўқийди. Уларни ардоқлайди, оёқларини ўпади... (*Оёғини кўтариб.*) Мана оёғим, бундан тепки еганларида ҳам уни ўпадилар... Бизнинг аждодларимиз олтин танага сиғинадилар, масиҳийлар биздан бу сиғинишни ўргандилар, аммо биз обидамизни сақлаб қолдик. (*Пулни кўрсатиб, уни яна яширади.*)

Рита. — Қўйинг, дада, қўйинг! Бундай сўзларни эшитиш менга малол келади. Оламда бойликкина аҳамиятга эга, деб ўйлайсизми?

Натан. — Йўқ, аммо у бошқа барча рақамларга аҳамият бахш этади, чунончи, бир қанча ноллар олдида қўйилган бир рақамга ўхшаб.

Рита. — Гўзаллик, истъдод, эзгулик-чи...

Натан. — Булар ҳаммаси қурбонлик ўрнида ёқилган ўтнинг тутуни осмонга интилгандек бойликка интиладиган муаттар ҳидлардир.

Рита. — Аслзодалик-чи?

Натан. — Пулсиз аслзодалик эса, қизалоғим, бу — бамисоли тирноқсиз, тишсиз, ёлсиз арслон. Фарибона важоҳат.

Рита. — Демак, менга ўхшаб бадавлату аслзот бўлмаслик аслзода камбағал бўлишдан яхши экан-да.

Натан (*кулиб*). — Ҳаммадан кўра яхшиси, бадавлат, аслзода ва гўзал бўлиш... Сен бу фазилатлардан иккитасига эгасан; бадавлатсан, кўркамсан.

Рита. — Олижаноблик-чи?

Натан. — Менинг миллионларим бор экан, агар хоҳласанг, олижаноб ҳам бўласан.

Рита. — Ахир сиз аслзода эмассиз-ку, мен сиздан узоқлашишни хоҳламайман.

Натан. — Бунинг кераги ҳам йўқ! Сен, отамнинг шаънига гербга ўхшаган нарсалар ярашмайди, деб ўйларсан. Кўрқма. Бир уюм олтин, уни қандай буркамасинлар, ҳамма жойда ҳам эҳтиром билан қабул қилинади. Ҳа, менинг Ритам, аслзода бека, ажойиб хоним бўлади.

Рита. — Тушундим! Сиз мен учун куёв сотиб олмақчисиз; сиз мени банк билетига ўхшатиб, граф ёки маркиз гербига айирбошламоқчимисиз?

Натан. — Ҳозир эр зоти ҳам бошқа қимматли нарсаларга ўхшаб биржада ўз курсига эга, жоним. Хонавайрон бўлган задагонлар орасида нафъи тегадиган ақду бандлар кенг расм бўлган.

ЎНИНЧИ САҲНА

Ўшалар ва Давид.

Давид. — Виконт Вернон...

Натан (*ўрнидан туриб*). — Айт, менинг кабинетимга кирақолсин, (*Ритага*.) Министрнинг котиби — бўлажак министр, агар мен унга ақлиму пулим билан ёрдам берсам.

Рита. — У кўп вақтингизни олмас, дада, шундайми?

Натан. — Йўқ... Мен унга нима кераклигини билман. У мендан озроқ ақл қарз олгани келган. Мен ҳозир қайтиб чиқаман. Молия министри бўлажак истиқроз ҳақидаги фикримни билмоқчи. (*Давид кириб келган эшикнинг қаршисидаги эшикка кириб кетади.*)

ЎН БИРИНЧИ САҲНА

Рита (*ёлғиз*). — Олтин! Олтин! Ҳамиша олтин! Дадам мутгасил олтин ҳақида гапиради-ю, аммо олтинга сотилмайдиган ва сотиб олиб бўлмайдиган нарсалар борлигини эсидан чиқариб қўйган! Йўқ, Ританинг юрагини аукционда ким ошди қилиб сотиб бўлмайди. Худойим-эй! Юрагим аллақачон бахш этилганини, ҳеч нарсаси йўқлиги учун юрагимни сотиб олишга қодир бўлмаган кимсага бахш этилганини билса борми! Буларнинг оқибати нима бўлар экан? Ким билади? У менга ҳеч нарса демайди, мен ҳам... Бироқ, биз бир-биримизни севамиз. Мен буни ҳис қилиб турибман. Бармоқларимиз фортепьяно клавишларида тўқнашганларида титроқларидан, у мен билан биргалигида бахтиёрлигимни, у йўқлигида ташвишланганимни пайқайман, қачон бўлмасин бу тўғрида дил изҳорини айтишини сезиб тураман. Бундан нима фойда! Шуниси ҳам борки, у жуда номусли, мағрур — мен гоётда тараддуддаман. О, қани энди онам тирик бўлса! У билан гаплашишим керак, бундай кезларда дадам қандай иш тутиши тўғрисида маслаҳат олишим керак. У мени илҳомлантиради. Эртагача кутаман, Викторни кўргим келаётибди. Мабодо, бугун онам билан маслаҳатлашсам-у, менга, у билан кўришишинг керакмас, деса, унда гапириб ўтиришнинг ҳам ҳожати йўқ. Аммо яна бир марта, яна бир мартагина кўришсам, бас, кейин унга гапнинг тўппа-тўғриси айтман; (*портретга қараб*) сизга ваъда бераман, ойи.

ЎН ИККИНЧИ САҲНА

Рита, Давид, кейин Виктор.

Давид. — Музика муаллими, мисс Рита!

Рита. — Оҳ! У бугун дарсимиз йўқ куни келибдими?

Виктор (*кираётиб Ританинг сўзларини эшитади*). — Бугун сизнинг туғилган кунингиз, мисс, сизга самимий табрикларимни изҳор қилиш истагимга қарши турсолмадим. Мен қўшнингиз леди Маркманниқига дарсга боришим керак эди, шу тасодифдан фойдаландим.Рита (*унга қўлини узатиб*). — Бугун менинг туғилган куним эканини қаёқдан билдингиз?

Виктор. — Ўзингиз ўтган йили айтган эдингиз. Сиз мени, эсидан чиққан, деб ўйлайсиз, шекилли. Доимо бахтли бўлинг, сизни севадиганларнинг ҳаммаси тилагандек доимо бахтли бўлинг.

Рита (*беихтиёр ноз билан*). — Оҳ, дадамдан бошқа ҳеч ким мени севмайди. Ақалли мени табриклаганчалик ҳам писанд қилмайди. Мен ҳеч қаерда бўлмайман.

Виктор. — Сизга, ўйлаганингиздан кўпроқ бахт тилайдиган одамлар бор.

Рита. — Наҳотки? Буни эшитганимдан хурсандман.

Виктор. — Мисс, бизнинг Францияда ҳатто оддий одамлар орасида ҳам туғилган кунда гулдаста тақдим қилиш одати бор; ижозат берсангиз, камтарона гунафша гулдастамни қабул қилишингизни сўрадим; паркдан ўтиб келаётиб ўзим тердим. (*Узатади*.)Рита. — Унда бу менга икки баробар қимматлироқ бўлади. Ҳидини қаранг! Мен уни янги қутичамга солиб қўяман, унга гунафша хиди сингиб қолсин. (*Несесерни Викторга кўрсатади*.) Бу дадам ҳозир тақдим қилган совға! Жуда ёқимли-я, тўғрими?Виктор. — Ёқимли! (*Яқин келиб кўздан кечиради*.) Тавба! Бу герб... бу портрет!

Рита. — Сизга нима бўлди?

Виктор. — Айтинг-чи, айтинг-чи, уни қаёқдан олдинглар?

Рита. Французлар бозоридан сотиб олибди. Мен кеча кўрганимда унинг қаердан олиб келинганини сўрасам, сотаётган одам, буни генерал Нейвингер ўлганидан кейин очиқ савдода сотиб олдим, деди.

Виктор. — Республика даврида Рейнда қўшинга қўмондонлик қилган генералдир-да. Тақдирнинг ўйинини қаранг! Бу бизнинг хонадонимизнинг герби, бу менинг онамнинг портрети.

Рита. — Онангизнинг портретими? О, ғоят гўзал бўлган экан!

Виктор. — Ғоят бахтли ҳам бўлган!

Рита. — Аммо, бадавлат хонимлардек кийинган, гербида — зодагонлик тожи бор.

Виктор. — Мен бўлсам — камбағал музика муаллимиман, исмим ҳам номаълум, буд-шудим ҳам йўқ. Мана, мисс, сирларимнинг ярмини билиб олдингиз, демак, қолганларини билишга ҳам ҳақингиз бор. Менинг отам, маркиз де-Сен-Каст бошқа аслзодалар каби республика даврида хавф остида бўлган; у онам билан мени Париждан олиб қочган; Кобленцдаги шаҳзодалар қўшинига қўшилиш учун. Мен ҳали гўдак эдим: отам биз билан Эльзасда ажралишди; шундан кейин биз ундан ҳеч бир дарак тополмадик.

Рита. — Худойим-эй!

Виктор. — Чамаси, уни ўша вақтда Рейнни эгаллаб турган инқилобчи бандалардан бири ўлдирган бўлса керак. Ҳамма томондан муҳтож, алақачон саломатлигига футур етган онам бахтсизлигидан беҳабар мени етим қолдириб ўлиб кетди. Сурункали касали давомида унинг атрофини қуршаган камбағал қасабаликлардан номини яшириб юрди. Мен ўшаларнинг орасида ўсиб-улгайдим, менга ҳеч қандай мерос қолмаган эди; фақат мана бунга ўхшаган қутичани айтмаганда, фарқи шунда эдики, унда онамнинг портрети эмас, отамнинг портрети чизилган эди... Яна бир қочоқ, тирикчилик вазидан бирон маблаг топиш мақсадида органчилик ва музика ўқитувчиси вазифасини эгаллашга мажбур бўлган бахтсиз руҳоний, мен норастага кўзи тушиб, тарбиясига олди, шу санъатни ўргатди, ҳозир мен ана шу билан тирикчилигимни ўтказиб турибман.

Рита. — Хўш, асл-насабингизни ким аён-ошкор қилди?

Виктор. — Тасодиф! Каттароқ бўлганимда несессерни ўқтин-ўқтин очиб турадиган бўлдим, уни онамдан хотира сифатида авайлаб асардим. Бир куни махфий катагини очинга муваффақ бўлдим. У ерга онам ота-онамнинг қайгули тақдири ҳақидаги ҳикоясини яшириб қўйган экан.

Рита. — Ғалати воқеа.

Виктор. — Буни қаранг, бир-бирига шундай ўхшар эканки, бунисининг ҳам махфий катаги бор экан... Мана пружинаси.

Рита. — Катаги очилмаётибди-ку.

Виктор. — Намлигидан, эҳтиёт билан тугилмаганидан ёғочи кўпчиб қолган. Энди менинг сир-асроримни билиб олдингиз... Уни ҳеч кимга айтмайсиз, шундайми, мисс Рита?

Рита. — Нима учун унвонингизни эълон қилмайсиз, рутбангиздан фойдаланмайсиз?

Виктор. — Нима ҳожати бор? Моликоналаримиз мусодара қилинган, миллий мулк сифатида сотилган бўлса. Рутбаю унвонни ўзим қозонмоқчиман. Мабодо, бирон нарсага яроқли бўлгудек бўлсам, агар менинг хатти-ҳаракатларим хонадонимизга, фамилиямга шон-шараф келтиришга қодир бўлса шу вақтгача яшириб келган номнишонимни аён қиламан. Камбағаллар ҳам ўз гурурларига эга бўладилар, мисс Рита.

Рита. — О, жаноб Виктор ишонаверинг, хатти-ҳаракатингизнинг олижаноблигига тушунаман, қадрлайман. Аммо бизнинг дарсларимиз нима бўлади? Энди Маркиз де-Сен-Кастни муаллим қилиб тугулмайман-ку.

Виктор. — Мен сиз учун ҳамшиша камбағал музыка муаллими бўла қолай.

Рита. — Менинг дўстим ҳамсиз, икковимизгина биладиган сир туфайли. *(Унга қўлини узатади.)*

Виктор. — Дўст бўлишимиз учун орамизда сир бўлишигина шартми? *(Унинг қўлини ўнади.)*

Рита *(қўлини тортиб олади)*. — Леди Маркманнинг дарси-чи?

Виктор. — Ёдимдан кўтарилибди, кечиринг, мисс Готшилд.

Рита. — Мени Рита деб чақираверинг.

Виктор. — Ундай қилолмайман, журъатим етмайди, бекам. Мен сизнинг музыка муаллимингизман, холос. Эртаги кунга дарсингизни яхшилаб тайёрланг! *(Таъзим қилиб, чиқиб кетади.)*

ЎН УЧИНЧИ САҲНА

Рита. — Мана чинакам зодагон! У мени севади, дадам бўлса аслзода сотиб олмакчи... Викторни ола қолса бўлмайдами? Нима фарқи бор, французми, инглизми? Аммо у жуда мағрур. Менинг қўлимни сўрашдан воз кечса ҳам ажаб эмас! Қандай ёқимтой қутича! Ҳозир уни шундай яхши қўриб кетдимки! Уни ҳам Викторга тақдим қилгим келаётибди, аммо журъат қилолмайман. Дадамдан сўрашим керак. Ўшанда унга, ҳеч кимга айтмайман, деб ваъда берган сирни очаман. Унда илгаригига қараганда бадтарроқ чалкашиб кетаман. Хўп, Рита, дадил бўлу ўйлаб кўр! Кўрайлик-чи, қандай яхши қарорга келарканмиз. *(Бошини қўллари орасига олганча, столда чуқур ўй суриб ўтиради.)*

ЎН ТўРТИНЧИ САҲНА

Натан ва Рита.

Натан. — Аслзода виконт мендан ақл-хуш ўргангач, жўнаб кетди. Баҳс бойлашишига тайёрман, у ўртоқлари орасида ўзини буюк молиячи деб таърифласа керак. Қачон бўлмасин у менга бу сабоқларнинг ҳақини қайтаради. Рита, нима қилаётибсан? Нега бунча ўйчан бўлиб қолдинг? Дилингда бирон давлат сирини йўқми?

Рита. Йўқ, дада. Мен бу несессердаги яширин катакни очмоқчи бўлиб, ҳеч очолмаётибман.

Натан. — Яширин катак! Кўрсат-чи, кўрсат-чи, болагинам! Аксар бундай яширин катаклардан банк билетлари чиқиб қолади. Уни очиш қийин-ку...

ЖАҲОН АДАБИЁТИ

Р и т а. — Намиқиб қолганидандир.

Н а т а н. — Йўқ, Катак билан қутининг тагига бирон нарса тушиб қолганга ўхшайди... Шошма. Бир йўлини топиш керак. Хўш, Рита, агар у ердан йигирма мингликми ёки ўттиз минг франкликми билет топиб олсак нима дейсан?

Р и т а. — Яхши бўларди, шояд! (*Кулгили виқор билан чапак чалиб.*) Ичидан нима чиқса, ҳаммаси меники! (*Ўзига-ўзи.*) Мен уни Викторга тақдим этаман.

Н а т а н (*катакни очади*). — Ниҳоят! Тусмолим тўғри чиқди, бир варақ қоғоз бор экан.

Н а т а н. — Оппоқ қоғоз. Шўрликкина Ритам, аттанг, умидингни пучга чиқардим.

Р и т а (*ўкиниб*). Мен бўлсам, хаёлимда ҳашаматли кошона қуриб ўтирибман. Начора (*Қоғозни ерга ташлайди.*) Сарғайиб, моғор босган бир парча қоғоз... Ғаниматни қаранглар. (*Ўзига-ўзи.*) Ўзимга таскин бериш учун Викторга хат ёзиб, қутини унга юбораман. (*Томошабинларга орқа ўғирганча столга ўтиради-да, ёза бошлайди.*)

ЎН БЕШИНЧИ САҲНА

Давид, кейин Ионафан ва ўшалар.

Давид. — Жаноб Ионафан.

Н а т а н. — Биринчи гумаштаммиди? Банкдаги ишларини ташлаб келибдими? Тезроқ чақир. (*Эшик томон юради.*)

Давид чиқиб кетади.

Нима янгилик бор, қария Ионафан?

И о н а ф а н (*ҳаяжонланиб*). — Кечиринг, шундай ташвишландимки, шунинг учун ўзим югуриб кела қолдим...

Н а т а н. — Ўзингни бос, ўзингни бос, қариган тентак! Кўриб турибсан-ку, мен хотиржамман. Қизимни қўрқитиб юборма.

И о н а ф а н. — Сиз менга агентларингизга ҳамма давлат қоғозларини сотиб олиш ҳақида фармойиш беришни буюрган эдингиз...

Н а т а н. — Ҳа, давлат фондлари кўтарилиши билан уларни қимматроқ сотиш ниятида.

И о н а ф а н. — Маъкул. Бош агентингиз Оверланд қоғозлардан икки юз минг фунтга сотиб олган эди, улар яна икки фоиз тушиб кетди.

Н а т а н. — Хўп, жуда соз!

И о н а ф а н. — Сотиб олишга сотиб олдию ҳақини тўлай деса, қўлида пули йўқ.

Н а т а н (*совуққина*). — Ажаб қилибди.

И о н а ф а н (*ҳайратланиб*). — Ахир уларни сиз учун сотиб олган-ку.

Н а т а н. — Мен унга буйруқ берганимдими? Мен унга хат юборганимдими?

И о н а ф а н. — Ахир мен сизнинг номингиздан кафил бўлган эдим-ку.

Н а т а н. Хўп, унда тўла! (*Ҳижолат бўлган Ионафандан кулиб.*) Ха-ха-хо! Сени қўрқитмоқчи бўлганимни кўрмаётисанми? (*Сандиқ томон бориб.*) Мана, ҳинд компаниясининг олтмиш фунтга қоғозлари, қолганлари инглиз банкларининг билетлари.

И о н а ф а н. Нафасимни ростладим... Лекин расвороқ нарсалар ҳам бор.

Н а т а н. — Нима экан?

И о н а ф а н. — Шундай бемаза вақтда аҳмоқ одам харид қилади, деяётишибди... Сиз ўз фондингизнинг миқдоридан ортиқроқ харид қилиб юборибсиз, мабодо курси пасайиши яна икки кун шу тариқа давом этса, унда сиз...

Н а т а н. — Банкрот бўламан. Улар тўғри айтишибди, фақат муддатига нисбатан янглишишибди. Агар курс тушиб кетаверса, мен индинга эмас, эртага банкрот бўлиб, синаман.

И о н а ф а н. — Шу гапларни хотиржам гапирсангиз-а?

Н а т а н. — Ёш бола! (*Унинг бурнига чертиб.*) Хўш, бошқа агентларим — Гольдшмидт билан Леви ҳам сотиб олишдими?

И о н а ф а н. — Биттаси эллик мингга, иккинчиси саксон мингга сотиб олди.

Натан. — Сотиб олаверишсин, борини сотиб олаверишсин. Мана менинг икки кун муддатли векселим.

Ионафан. — Уларни бугунча олишлари мумкин, аммо эртага...

Натан. — Жим, тилингни тий.

Ионафан чиқиб кетади.

ЎН ОЛТИНЧИ САҲНА

Натан ва Рита.

Натан (*қўлларини бир-бирига ишқаб*). — Ҳа! Ана ҳаёт деганлари! Бу кураш одамни қандай жўшдириб юборади! Назаримда, мен дарғага ўхшайман. Денгиз безовта, шамол қирғоқларга қараб эсаётибди, қоялар яқин, аммо биламанки, яхши, мустаҳкам, чидамли, юрагим қатъий, қўркувдан холи. (*Сўз оҳангини ўзгартриб, ҳазиломиз*.) Агар озгина вақт насиб қилса борми, унда анчагина чакки бўлмас эди. Кема жуда тез, физиллаб кетаётибди. (*Сандиқнинг олдига боради*.)

Рита (*бошини кўтариб*). — Бу кунни менга бағишлаганингиз шу бўлдимиз? (*Сандиқни ёнмоқчи бўлаётган Натаннинг олдига боради*.) Шошманг, бу даҳшатли сандиқни ёпмай туринг! Ичида нима борлигини кўрмоқчиман. Бу ранг-баранг, даста-даста қоғозлар нима ўзи?

Натан. — Ўтказилган маблағлар, банк билетлари, векселлар, пулларнинг жаҳон бўйлаб парвоз қилишига мадад берадиган қоғозлар. Аждодларимиз биринчи бўлиб векселларни ихтиро қилишди, бу, ер айланади, қуёш бир жойда туради, деб сафсата сотишдан кўра афзал.

Рита. — Мана бу ялтироқ уюмлар-чи?

Натан. — Олтин, Рита, Европанинг бош пул саройларида зарб этилган олтин; гинейлар, испан дублонлари, немис талерлари, луидорлар, наполеондорлар, — булар ҳаммаси Лондонга учиб келадиган қушлар, мен уларни қафасга қамаб қўйганман, бола очиб чиқсин, деб. Қўлингни ботир! Уюмларни қориштириб юбор! Қўлларни олтинга чўмилтириш қандай яхши-я! (*Икки сиқим олиб, бармоқлари орасидан ўтказди*.)

Рита. — Булар луидорми? Инқилобгача зарб қилинганми?

Натан. — Ҳа! Шошма, мен кассани текшириб кўрай! (*Сандиқ олдига ўтириб, билетларни санайди*.)

Рита (*қўлида бир сиқим олтин билан саҳна олдига чиқиб*). — Агар шу луидорларни ўраб, яширин катакка солиб қўйсам борми! Уларни топиб олса, паққос, отам менга ташлаб кетган экан, деб ишонади. У жуда камбағал! Ажойиб бир фикр келди! Дада, менга йигирма олтин керак.

Натан. — Йигирма олтин? Уни нима қиласан?

Рита. — Бу менинг эркалим! Назаримда, туғилган кунимда эркалик қилсам бўлар дейман.

Натан. — Элик, юз олтин, агар бу сенга хуш келадиган бўлса. Мана сенга йигирма луидор. Қолган ҳаммаси ҳам вақти келиб сеники бўлади. Булар қандай яхши! (*Хўрсинади*.) Ҳар гал уларни қўлимдан чиқараётганимда, хўрсиниб кетаман. Мен уларни жуда яхши кўраман. (*Уларни санайди*.)

Рита. — Ишонаманки, мени ундан кўра ҳам яхшироқ кўрсангиз керак, дада. (*Столга томон боради*.)

ЎН ЕТТИНЧИ САҲНА

Қўлида пакет билан Давид ва ўшалар.

Давид. — Тасира-тусирига олиб курьер от чоштириб келди. Лондондан, кассирингиздан пакет олиб келибди.

Натан (*ўрнидан туради*). — Бер. (*Очиб, ғилофини ташлайди*.) Тушиб кетаётибди, тушиб кетаётибди! Ҳаммасини жин ураётибди! Хатни кўрайлик-чи. «Тўрт агент. пул тўлашни тўхтатди. Мейер банкрот бўлди. Глинн чиқиллаб турибди. Бизда охирги

операциядаги қарзларни бартараф қилиш учун қоғозлар йўқ. Бизга қирқ минг фунт керак, борган курьердан бериб юборсангиз». Ҳе! Иш жиддий тус олаётғибди! (*Соатиға қарайди.*) Соат икки... Икки соат мобайнида ўзгариш бўлмаса, унда Натан Готшильднинг ўзи ҳам банкрот бўлади. (*Сандиқ томон бориб, турли қоғозлардан олади, муҳрлайди-да, Давидга беради.*) Курьерга бер, айтгинки, жони борича отини чоптирсин. (*Ўрнидан туради.*) О, шамолнинг йўналиши қачон ўзгарар экан... Қачон ўзгарса, кўрамиз-да. (*Сандиқ олдиди.*) Энди бу қоғозларга тегиб бўлмайди. Бу тариқа қадрсизланиш бўлиб турганида уларни сотиш — муқаррар хонавайрон бўлиш деган гап. Нима қилдим? Нима қилдим? Тентак! Омадни кўкрак кериб дадил қарши ол. У бамисоли хотин тоифасидек дадилларни ёқтиради! Токи менинг номим ақалли шиллинг миқдориди қадрланса ҳам қатъий турамиз. (*Ҳаяжонланганича юриб туради, йигирма луидорни қоғоз билан ўрашни эплаётган Ританинг олдиди тўхтайдди.*) О, ўрганмаган кўлгиналар! Бер, мен ўрай! (*Столга келиб, олтинларни ўрайди.*) Мана бу гилдирақлар масиҳийларнинг эскича савдоларини аста-секин пилдирадиб юрган эди, то биз уларнинг ишларини жадалроқ олиб боришга ўргатмагунимизча. Хўш, энди нима қилмоқчисан?

Рита. (*Ўтирганча*). — Айтаверайми? Жўнатмоқчиман...

Натан (*турганча*). — Менинг ижозатимсиз-а?

Рита. — О, сиздан ижозат сўрайман, агар сиз олдиндан ижозат беришни ваъда қилсангиз.

Натан. — Ваъда қиламан. Бу пуллар кимга?

Рита. — Жаноб Викторга.

Натан. — Нега энди? Ахир дарслари учун ҳақини вақтида тўламаётибмизми?

Рита. — Бу дарслар учун эмас, қутилмаган тўхфа сифатида; мен унга яна бу чиройлик қутичани ҳам юбормоқчиман.

Натан. — Мен сенга ҳозиргина тақдим қилган совгани-я? Нима қилганинг?

Рита. — Бу қути унга тегиши керак. (*Ўйлаб кўриб.*) Қути унинг отасиники экан. У гербни, онасининг портретини таниди. Онаси гўдаклигида ўлиб кетган экан.

Натан. — Бундай воқеаларни тўқиб юбориш ҳеч нарса эмас. Дунёда саргузашт-бозлар тўлиб ётибди. Мен бу жаноб Викторнинг кимлигини суриштириб кўрмай хато қилибман.

Рита. — Жаноб Виктор саргузаштбоз эмас. Унинг тўғрисида ўзим маълумотлар тўпладим, улар жуда яхши маълумотлар. Ундан ташқари, у бу қутида яширин катак борлигини биларкан, менга пружинасини кўрсатди. Кўринг, мана онасининг портрети. Хўп, мабодо, қанчадан-қанча йиллар ўтгандан сўнг онамининг портретини бировларнинг қўлида учратсаму уни менга бергилари келмаса, бу сизга шафқатсизлик бўлиб кўринмасмиди?

Натан. — Тўғри, онасининг портрети бебаҳо нарса.

Рита. — Хўш, унга берсам бўладими?

Натан (*бир дақиқа мулоҳаза қилиб кўрганидан кейин*). — Ҳа.

Рита. — Миннатдорман, миннатдорман, дада! Сиз қандай ҳимматлисиз! Сизни шунақанги яхши кўраманки! Мана, қаранг, пулни яширин катакка солиб қўяман. Бахтимга, боя Виктор катакни очолмаган эди, энди, олтинни оиламиздагилардан биронтаси яшириб қўйган, деб ўйлайди. Агар мендан сўраб қолса, мен солиб қўйганим йўқ, деб қасам ичаман...

Натан. — Бехуда қасам ичасанми?

Рита. — Зарари йўқ! Мен эмас, сиз солиб қўясиз. Вой, айёрлигимни қаранг.

Натан. — Бу унча-мунча иезуитчасига ўхшаб кетадию ўргамчилик учун чакки эмас. Ҳозир кўришиб турибдики, сен ҳали айёрлик қилишга тажрибасизсан. (*Қоғозни йиртиб*). Қара: луидорларда 1787 ва 88 йиллар кўрсатилган, сен уларни бу йилги фабрика тамғаси бор қоғозга ўрабсан. (*Қоғозни пакетни муҳрлаш учун ёққан шамга тутайди.*)

Рита. — Ҳа, ҳа, хаёлимга ҳам келмабди.

Натан. — Бу нарса баъзан муттаҳам алдоқчиларнинг ҳам хаёлига келмаган, ана шу лақмаликлари туфайли қўлга тушганлар. Агар бундан буён ана шундай иш қилмоқчи бўлсанг, доимо фабриканинг тамғасига қара, кўпроқ банк билетидеги тамғани кўздан кечиришни унутма, — қалбаки эмасмикан, деб ёруққа солиб кўр.

Рита. — Хўп, ўраш учун тамғасиз қоғоз топиш керак экан.

Натан (*ерга қарайди*). — Мана кутидан чиққан қоғоз, керак бўлган қоғоз худди шу. Саргайган, эскирган. Тамғасини кўрайлик-чи.

Рита (*қоғозни шамга тутади*). — “1791” деган рақам аниқ кўриниб турибди. Вой, дада, қаранг, қора ҳарфлар кўринаётғибди, улар илгари қоғоз бетида кўринмаган эди. Биринчи сўзларни аниқ кўраётғибман: “Ушбуни кўрсатганларида”...

Натан. — Кўрсат-чи. Бу махфий сиёҳ билан ёзилган. Ҳарфлар яхши чиқиши учун иссиққа яқинроқ тутиш керак.

Рита. — Яна бир сир. О, бебаҳо кутича! Худди араб эртақларидагидек мўъжиза буюм. Мен кутини очгунимча, қоғозни каминга тутиб туриш.

Натан (*камин томон бориб, қоғозни оловга тутиб туради, ўқийди*). “Ушбуни кўрсатганларида маркиз де-Сен-Кастга ёки у буюрган кишига 200.000 талер тўлаш мажбуриятини оламан. Уларни сақлаб бериш учун олган эдим...” Менинг дастхатим... (*Қоғозни яна тезликда оловга тутади*.) Маркиз де-Сен-Кастга берган тилхатим. (*Титраганча қоғозни фикимлайди*.)

Рита. — Нима бўлди, дада? (*Унинг олдига боради*.)

Натан. — Ҳеч нарса. Ҳеч қандай аҳамияти йўқ, эски тилхат. Аллақачон ўтиб кетган одамларга тааллуқли экан, улар аллақачон ўлиб кетган. (*Қоғознинг бир қисмини йиртиб олади*.) Бу қандай сиёҳ эканлигини билмоқчиман, биз банкирлар бундай сиёҳни кўпинча ишлатиб тураемиз. Мен ёзуви бор қисмини олиб қоламан, уни кимёвий анализдан ўтказдираман. Мана тоза қисми. Ўрашга бемалол етади. (*Луидорларни ўраб, муҳрлайди*.)

Рита. — Пружинасини кўраётғибсизми, дада? Катаги лўп этиб чиқди. Пулни жойланг. (*Кутичага*.) Энди жойингга қайт!

Натан. — Буни, Викторнинг отасиники экан, дейсанми?

Рита. — Ҳа, ундан 1792 йилдан бери дарак йўқ экан. Хотини шўрлик ўшандан салдан кейин Эльзасда вафот этибди.

Натан. — У сенга отасининг номини айтдимиз?

Рита. — Ҳа. Аммо бу сир, дада! Лекин, ўйлайманки, сиз билишингиз керак, нега десангиз, мен билан сизнинг орамызда сир бўлмаслиги керак, шундай эмасми, сиз менга буни доимо таъкидлардингиз. Хўш, унинг отаси маркиз де-Сен-Каст экан, аммо Виктор ўзини бу унвон билан атамайди, атагиси ҳам келмайди, негаки, жуда камбағал.

Натан (*оҳиста, аммо Рита эшитгулик қилиб*). — Аломат, аломат бир тасодифий ҳол. Иегованинг ҳидояти! (*Бошқа томонга ўтади*.)

Рита. — Қандай тасодифий ҳол, дада?

Натан. — Шундай бир ҳолки, қанча йиллар ўтиб кетгандан кейин биз бирйўла кутини ҳам, Викторни ҳам топдик.

Рита. — Демак, кутини унга беришимиз керак экан, шундайми?

Натан (*ўйчан*). — Ҳа, ҳа.

Рита. — Мен ҳозир буни жаноб Викторга юбораман, у ҳали леди Маркманни-кида бўлиши керак, шу ерда, қаршимизда. О, қандай бахтиёрман. Туғилган куним қандай яхши келди! Менинг отам қандай ажойиб, олижаноб одам! (*Уни ўнади ва кутини кўтарганча чиқиб кетади*.)

ЎН САККИЗИНЧИ САҲНА

Натан (*ёлғиз*). — Ажойиб, олижанобмиш! Тутуриқсиз сўзлар! Марҳумнинг вори-си топилди! Мен уни ҳаммаёқдан беҳуда қидира бошлаганимдан бери қанча йиллар ўтди; қарздан осон кутулган бўлардим, унда ҳеч нарсага чув тушмасдим, унда сахий муаққилим мени кўлларди. Ҳозир ворис мендан пулларини талаб қилиб келаётғибди, ҳолбуки, арзимагангина маблағ менга жуда зарур бўлиб турибди. Ҳозир менинг бор бойлигим, менинг бутун истиқболим, бир соатдаги воқеаларга боғлиқ бўлиб турибди. (*Сўз оҳангини ўзгартириб*.) Ҳа, у анча кутган, яна кута турар; бу кураш қачон бўлмасин тугар, ё мен юзага қалқиб чиқарман, ёки кема ҳалокатида фарқ бўларман. Мен эртага унга қарзимни тўлайман, мабодо... мабодо... Ким билади, эртага мендан талаб қиладиган талерларча чақа қолармикан? У талаб қиладими? Исботлари қани? Лаънати кути! Энди эсласам, ўшанда маркиз де-Сен-Кастнинг қўлида шунга ўхшаган нарса бор эди, шекилли; мен эътибор бермаган эканман. Афтидан, у тилхатни кутига яширган экан-да. Хўп, дуруст, фараз қилайликки, бу Виктор дегани унинг

ўғли бўлсин... Менинг унга қарздорлигимнинг исботи қани? Ўртасидан йиртиб юборилган бир парча қоғоздан бошқа ҳеч нарса йўқ, қоғозда ёзилган сўзларни аниқ аён қилгунча олов уни йўқ қилиб юбориши мумкин. Уни йўқ қилиш тўғрироқ бўларди. (*Камин томон боради.*) Лаънати бир парча қоғоз! Мен уни биринчи ҳарфлариданоқ танидим. Кўрайлик-чи, бори шумикан? (*Уни оловга тутуди.*) Тамом, ҳаммаси аниқ аён. Лондондаги ҳар бир агент қасам ичиб, бу менинг имзом эканлигини айтади. Бу яна қандай сўзлар бўлди? Тушунмадим. “1792 йил, 22 октябрь. Шоҳидлик бераман ва мажбурият оламан. Рита Готшилд”. Ритагинам, унинг дастхати, қўли қалтираган экан. О, Ритагинам. (*Қоғозни ўпади.*) Йўқ, йўқ, мен унинг имзосини ёқиб юборолмайман, йўқ, ҳеч қачон! О, менинг муқаддас фариштам, то шу бугунги кунгача яшаб келсанг, қандай бахтиёр бўлар эдинг! У менинг шу бурчим ҳақида гапирган эди, ҳатто ўлаётганида ҳам ўзларига тегишли меросдан бутунлай беҳабар бева билан етимни ёдидан чиқармаган, то уларни топмагунимча қидиришларимни тўхтатмайман, деб қасам ичишга ваъда беришимга мажбур қилган эди. 22 октябрь куни қасамёд қилганимдек. Мен унга яна қасамёд қилдим. Энди етим топилди, агар лафзимда турадиган бўлсам, мутлақо хонавайрон бўламан. Оҳ, энди нима қилдим! Сен мени кўриб турибсан, сўзларимни эшитиб турибсан, Ритагинам, менга мадад бер, маслаҳат бер... Рита, Рита, ёрдам бер, ёрдам бер! (*Ританинг портрети олдида тиз чўкиб, унга кўлларини чўзади.*) Қизимизга айтайми, айтмайми? (*Бамисоли уқтираётгандек.*) Ҳа... Унга бор гапни айтаман... У менинг маслаҳатгўйим, юрагимга йўл кўрсатувчи бўлади. Сен шундай эдинг, бундан буён ҳам шундай бўласан!

ЎН ТЎҚҚИЗИНЧИ САҲНА

Рита, Натан, кейин Давид.

Рита. — Мен қутини Викторга чиқариб юбордим, дада. Сизга нима бўлди? Ошпоқ оқариб кетибсиз! Қалт-қалт титраётибсиз. Қаттиқ ташвишланаётибсиз-да! Ҳаммаси курьерларнинг касридан, гиз-гиз келаётишибди; менинг ўзим ҳам ташвишга тушиб қолдим. Ана, тагин битгаси, отдан тушаётибди.

Натан (*эшик томон югуради*). — Қани у? Мен уни ҳозироқ кўришим керак!

Давид кириб, пакет узатади. Рита ачинганча ҳаяжонланган отасига қараб туради.

(*Қалтираётган кўллари билан пакетни очади.*) Ҳа! Лондон банкининг фондлари кўтарилаётганмиш... Йўқ... Ярим соатдан кейин тушаётганмиш... Ҳамма қоғозларнинг нархи тушаётганмиш. (*“Биржа варақа”си билан келган хатни ўқийди.*) Ионафан юборибди! “Агар Робертсга ўттиз беш минг фунт жўнатмасам, у тўловларни тўхташга мажбур бўлади”. Қандай бўлди! Робертс-а, унга бир соатгина муқаддам пул берган эдим-ку. Ўша фирма бусиз ҳам менга беш юз минг фунт нақд пул, яна курс бўйича пунча қоғоз қарздор. Фирмаларининг синиши — менинг ҳам синишим. Уларга қандай ёрдам берса бўлади? Агар шундай қилсам охириги маблағимдан маҳрум бўламан. Ҳолбуки, бу жуда зарур. Менга Иегова мададкор бўлсин! (*Сандиққа бориб, бир даста қоғоз олади.*) Рита, менга қара! Биз қутидан топган қоғозни... ҳали ўқиш қийин бўлган эди... Энди бу осон, ўқи!

Рита (*ўқийди*). — “Ушбунга кўрсатганларида маркиз де-Сен-Кастга ёки у буюрган кишига 200.000 талер тўлаш мажбуриятини оламан. Уларни сақлаб бериш учун олдим. Натан Готшилд”. Сизнинг имзонгиз-ку?

Натан. — Ўқи, ўқи.

Рита. — “1792 йил, 22 октябрь. — Шоҳидлик бераман ва мажбурият оламан. Рита Готшилд”. Онам-ку!

Натан. — Ҳа, у гувоҳ бўлган эди... Мажбурият олган эди. Маркиз мендан шахсан шу тилхатни олган эди.

Рита. — У кейинчалик пулини талаб қилмадимиз?

Натан. — У бир неча дақиқадан кейин ўлдирилган экан.

Рита (*ваҳимаси келиб*). — Вой, худойим-эй!

Натан. — Ўз ватандошлари, француз солдатлар ўлдиришибди.

Рита. — Демак, бу пулларнинг ҳаммаси Викторники экан-да?

Натан. — Агар у ҳақиқатан ҳам маркизнинг ўғли бўлса.

Рита. — О, қандай хурсандчилик! У яна ўз фамилиясию унвони билан юриши мумкин... Мен қандай бахтиёрман! (*Ирғишлайди, кулади ва йиғлайди.*)

Натан. — Бу нимаси, Рита?

Рита. — Кечиринг, дада, унинг қандай очиқ кўнгиллигини билсангиз эди. У ўзининг таҳқирланган ҳолатига қандай мардлик, олижаноблик билан бардош бериб келди.

Натан. — Рита, сен уни севасанми?..

Рита уялганидан ўгирилиб олади.

У ҳам сени севадими?

Рита. — Ҳа.

Натан. — Сеними, ё сенинг пулларингними?

Рита. — О, мени, мени, фақат мени!

Натан. — Яхши қилади, агар сенга уйланса, қашшоқ қизга уйланган бўлади.

Рита. — Ҳа, тушундим, сиз мени меросдан маҳрум қилмоқчимисиз?

Натан. — Нобакор! Менинг тўғримда шундай деб ўйлашга қандай ҳаддинг сизди? Қара! Мана бу ўттиз минг фунт! Бу роппа-расо мен унга тўлашим керак бўлган пул. (*Қорғозни ўрайди.*) Унга юбор!

Рита. — Вой, дада, сизга ташаккур айтаман! Мен бир дақиқа ҳам вақтни беҳуда кетказмайман.

Натан. — Шошма! Бундай қилишдан олдин, билиб қўйишинг керакки, бу пул Викторни бойитиб юборса, мени қашшоқлик томон ирғитади...

Рита. — Ота!

Натан. — Рост! Шу дақиқада менинг операциямдан чегирилган бу маблағ мени ҳамма нарсадан маҳрум қилади — бу менинг мағлубиятим, менинг ҳалокатим...

Рита. — Олинг, олинг, дада! (*Унга билетларни қайтаради.*)

Натан. — Агар оладиган бўлсам, булар ҳам бир неча соат мобайнида менинг барча бойлигимни ютиб юборган ўпқонга қараб кетади.

Рита. — Сиз унга кейин қайтарарсиз.

Натан. — Қачон? Нима билан? Мабодо менинг ҳисоб-китобларим янглин-тирса, бир соатдан кейин тўловларимни тўхтатишим керак бўлади-да... Эртагаёқ банкрот деб эълон қилинаман.

Рита. — Демак, сиз бу пулларни олсангиз...

Натан. — Уни алдаган бўламан.

Рита. — Бордию берсангиз-чи?

Натан. — Унда отанг хонавайрон бўлади, бадном бўлади. Танла, болам, икковидан бирини...

Рита (*овози титраган, йиғламсираган ҳолда*). — Йўқ, йўқ, ўзингиз танланг, мен танлаёлмайман, юрагим бетламайди...

Натан (*унинг кўлини тутди*). — Қизгинам, онанг танлаган бўларди! Ундан сўра, сенга ўргатсин.

Рита. — Оҳ, дада, сўраёлмайман! Бошим қизиб кетаётибди, ўламан, сўранг, дада, икковимиз учун сўранг!

Натан. — Мен ундан сўрадим, у менга мадад берди...

ЙИГИРМАНЧИ САҲНА

Давид, кейин Виктор ва ўшалар.

Давид. — Музика муаллими.

Рита. (*санчиб туриб, отасининг ўнг томонига ўтади*). — Виктор!

Виктор кути билан киради. Давид кетади.

Виктор. — Жаноб Готшильд, мисс Рита, мен сизларнинг бебаҳо совғаларингиз учун чуқур миннатдорчилик изҳор қилмай туриб шаҳарга тушиб кетолмайман! Сиз балки билмасангиз керак, жаноб Готшильд...

Натан. — Ҳаммасини биламан. (*Ритага.*) Жаноб Викторга бирон нарса дейшинг керакмасми?

Рита (*уриниб кўради, аммо эплломайди*). — Мен гапиролмайман.

Виктор (*ўнг бурчакда турган кўйи, ота билан қизи ўртасида нималар ўтаётганини пайқамайди*). — Хайр! Эртагача, мисс! Сизларга миннатдорчилик билдираман, чин қалбимдан миннатдорчилик билдираман. (*Кетмоқчи бўлади.*)

Натан. — Тўхтанг... (*Сукут.*) Сиз... маркиз де-Сен-Кастмисиз?

Виктор. — Мисс Рита сизга менинг сиримни очибди-да?

Натан. — Йўқ, уни мана бу нарса (*қутичани кўрсатиб*) очди. Ундан ташқари у бошқа сирни ҳам очди... Мана бу тилхатни юзага чиқарди. Ўқинг! (*Уни Викторга беради.*) Мана бу мен сизга тўлашим керак бўлган қарзлар миқдоридоги банк билетлари... Фойда байига келсак, узилишармиз...

Виктор. — Шундай бўлиши мумкинми? (*Қутини столга қўяди*). Демак, буни сизга менинг отам...

Натан. — Бор нарсасини менга ишониб топширди... Ҳа, ҳа!..

Виктор. — Ниҳоят мен отамнинг номи унвонидан фойдалана оладиган бўлдим... Эҳ, жаноб Готшильд, бу олижаноб хатти-ҳаракатингизни яна бир хайрли иш билан тугалласангиз, қизингизнинг қўлини сўрашимга ижозат берсангиз. Эҳти-молки, мен сиз тилаганча унчалик бой бўлмаган куёвдирман...

Натан. — Мен кутгандан ҳам бойроқсиз... (*Чуқур ҳазинлик билан.*) Мен хонавайрон бўлдим.

Виктор. — Сиз-а?

Рита. — Ҳа, Виктор... У мана шу тўловлар оқибатида қашшоқ бўлиб қолди... Бу пуллар унинг жонига ора кириши мумкин эди... (*Йиғлайди*).

Виктор. — Боймисиз, камбағалмисиз, сиз мени куёв қиласизми?

Натан. — Қандай қилиб? Сиз унинг сепи бўлмаса ҳам уйланмоқчимисиз? Ўйлаб кўринг... Менинг қашшоқлигим аниқ... Мен ҳамма нарсамдан ажралаётиман.

Виктор. — Мен эса Рита билан биргаликда қўлга киритаётиман.

Натан. — Дуруст... Яхши йигит! Сиз — пухта зарбдан чиққан асл пул экансиз! Уни олинг... Аммо унинг отасини ҳам боқошингизга тўғри келади... Мен бир чақасиз қоламан... Лекин бу узоққа чўзилмайди... Бу бахтсизлик мен учун катта зарба. (*Оёқларини аранг сургаганча, саҳнанинг иккинчи томонига ўтади.*)

Виктор. — Йўқ, жаноб Готшильд, сиз камбағал бўлиб қолмайсиз... Ақалли менинг айбим туфайли. Бу пуллар меники... Мен сизга бир ҳиссадор бўлиб қўшиламан, буларни бус-бутун сизнинг ихтиёрингизга топшираман.

Натан (*беҳосдан кучга кириб*). — Э-ҳа! Сиз уларни менга ишониб топширасизми?.. Мен билан бирга биржада қатнашасизми?.. (*Бир даста қоғозни олиб, стол олдига боради-да, қўнғироқни қаттиқ чалади.*)

ЙИГИРМА БИРИНЧИ САҲНА

Кичкина сават кўтарган Давид ва ўшалар.

Натан. — Мана бу пакет курьерга... Ҳозироқ жўнасин... Отини ҳоритиб ўлдирса ҳам... Иккита отни ўлдирса ҳам... Ҳатто ўзини ҳоритиб ўлдирса ҳам, лекин биржа ёпишмасдан етиб борсин. (*Унга пакетни беради.*) Ҳа, нега қаққайиб қолдинг, галварс?

Давид. — Панжаранинг олдида бир одам турибди, овчилар кийимида... Мана шу саватни олиб келган экан, зудлик билан қўлингизга беришни айтди... Бу каптар... Мен уни ошпазга олиб кириб бераман. (*Кетмоқчи бўлади.*)

Натан. — Хайрия! (*Саватни қаттиқ ташвишланганча очади.*) Шварцшильдининг каптарларидан бири. (*Каптарни олади-да, унинг қаноти остидан чиққан кичкина хатни тиши билан йиртиб очади.*) Рақамлар билан ёзилибди, аммо мен тушунаман. (*Кўзларини кўллари билан силаганча, қалтироқ овоз билан ўқийди.*) “4 апрель, туш. Иттифоқчилар Парижда. Наполеон фонтенблода тахтдан воз кечди”. Омон қолдим, омон қолдим, мен омон қолдим! (*Қувончидан ирғишлайди, кўзларидан ёш тирқираганча кулади.*)

Рита. — Ё, худойим! У эсидан оғиб қолди!

Натан. — Эсим оғиб қолди! Ха-ха-хо! Эсим оғиб қолди! (*Столга боради-да, ёзганларини ўқий-ўқий, тез-тез хат ёзади.*) Ионафан! Лондонда бор ҳамма агентларни йиғ. Сотиб олавер, олавер, олавер!.. Ҳаммасини сотиб олавер!” Бу курсерга.

Давид шоша-пиша чиқиб кетади.

(*Орқасидан қичқиради.*) Физилла, тошбақа! Ана манзаранинг ўзгариши, мана бандаргоҳ!.. Мана тантана!.. Мана фоизларнинг кўтарилиши! Менинг юзталикларим юз миллионларга айланди... Эртага мен юз карра миллионер бўламан... Маркиз де-Сен-Каст, сиз айна мавридида келдингиз! Сиз ютуқларимни мен билан баҳам кўрасиз. Бугун сотаётибдилар. Ёлғиз мен сотиб олаётибман; эртага ҳамма сотиб ола бошлайди, мен эса ёлғиз ўзим сотишга киришаман. (*Каптарни бағрига босади.*) О, азиз қушча! Нуҳнинг каптари тумшугида зайтун навдаси билан келган эди, сен эса уни қанотинг остида олиб келдинг! Мен сени тирилтиролмайману аммо сендан тулумча ясаб, ичингга банк билетларини жойлайман! Сени ҳашамдор олтин қафасга солиб туғилган кунда Ритага тақдим этаман. (*Каптарни столга қўяркан, Несесерлани кўриб, унинг яширин катагидаги пулларни олади.*) Энди бу луидорлар сандикқа қайтиши мумкин.

Рита. — Вой, Викторнинг йигирма луидори-ку?


Натан. — Мен сенга яхшироқ совға таклиф қиламан... сен унга бу маблағни ўпич билан қайтарасан. Ҳар бирига бир франкдан бўлса — тўрт юз ўпич бўлади.

Рита. — Тўрт юзга-я!

Виктор. — Розиман!

Натан. — Талаб қилиниши билан тўланади! (*Ритани оҳиста у томон суриб, хотинининг портретига кўз ташлаб олганча, уларни кузатади.*)

Парда



Аҳмад Фарғоний таваллудининг 1200 йиллигига

Абдулла АЪЗАМОВ

Физика-математика фанлари доктори, профессор

Аҳмад ал-Фарғоний номи билан

ОЙДА АЛФРАГАНУС КРАТЕРИ

Абул-Аббос Аҳмад ибн Муҳаммад ибн Касир ал-Фарғоний — ҳеч шубҳасиз жаҳон фани тараққиётига буюк ҳисса қўшган олимдир.

Унинг фандаги хизмати ўн аср давомида бугунги кунимизга қараганда маълум ва машҳурроқ бўлиб келган эди. Масалан, Европа уйғониш даврининг дастлабки намояндаларидан Данте Алигъери (1265—1321) ал-Фарғонийнинг “Астрономия асослари ҳақида китоб” асарининг лотинча таржимасини мутолаа қилган. Ҳолбуки, Данте математик ҳам, астроном ҳам бўлган эмас.

Телескоп ихтиро қилинган, Галилео Галилей Ойнинг сирти сип-силлиқ эмаслиги — унда тоғлар, кўпдан-кўп чуқурликлар мавжудлигини кузатди. Табиий, астрономлар Ойнинг “географияси”ни ўрганишга, Ердан кўринадиган яримшарининг харитасини тузишга киришдилар. Фақат Ойдаги бирорта жойга ҳали ном қўйилмаган эди. Дастлабки харита атоқли астроном Ян Гевелий томонидан 1647 йилда нашр қилинган “Селенография” китобида берилди. Унда муаллиф кратерларга ўша даврда маълум ва машҳур тарихий шахслар, биринчи навбатда астрономлар исмини қўйди. Бундай шахслар асосан европаликлар бўлиши табиий эди. Ҳарқалай, Ойнинг орқа томони биринчи марта совет космик кемаси “Зонд” томонидан суратга олинганда янги топилган объектларга асосан рус олимларининг номи бе-

рилди! Лекин Ян Гевелий адолатлироқ иш тутган. Унинг илмий ҳолислиги туфайли астрономияга буюк ҳисса қўшган Шарқ олимлари: Улуғбек, ал-Баттоний, Абул-Вафо, Тусий номлари Ой сиртида абадийлашди. Ана шундай номлардан бири Алфраганус кратеридир. [1] Унинг диаметри — 12 миля (салкам 20 км.) Қиёслаш учун: Ердаги метеорит урилишидан ҳосил бўлган кратерлардан энг каттаси — Дип Бей кратерининг (Канадада) диаметри ҳам 12 миля. (Улуғбек кратерининг диаметри 32 км.)

“Француз энциклопедистлари” номи билан машҳур олимлар Д. Дидро ва Ж. Д’Аламбер тарихда чуқур из қолдирган қомус туздилар (1751—1777). Бу қомусда Аҳмад ал-Фарғоний (Alfraganus) ҳақида йирик мақола берилди.

Шу билан бирга қайд этиш лозимки, сўнги асрда Аҳмад ал-Фарғонийнинг фан тарихидаги хизматлари етарлича ёритилмасдан, ҳатто тилга олинмасдан ва шу нуқтаи назардан камситилиб келиш ҳолларига йўлиқамиз. Масалан, Ойда Ал-Фарғоний номида кратер борлиги рус тилида ёки Совет Иттифоқи даврида нашр этилган бирор қомусда қайд этилмаган. У энг буюк астрономлардан бири бўлганлигига қарамай, астрономия дарсликларида номи деярли тилга олинмаган. Таассуфки, бу адолатсизлик ҳатто астрономия тарихига бағишланган китобларда ҳам учрайди (масалан,

Ю. Г. Перель, "Коинот ҳақида тасаввур тараққиёти", Москва, 1958; В. Н. Пипуниров, "Соатлар тарихи", Москва, 1982, Ўзбек совет энциклопедияси, 1-том, Тошкент, 1971, АСТРОНОМИЯ мақоласи).

Ал-Фарғоний стереографик проекция ҳақида Птолемейнинг исботсиз маълум бўлган теоремаларини исботлаган. [2] Унинг геометрик мушоҳадалари билан танишган ҳар бир киши Ал-Фарғонийни ўз даврининг энг кучли математикларидан бўлганини тан олишга мажбур. Шунга қарамай, 1987 йилда нашр қилинган [3] биографик луғат-маълумотномага киритилмаганлиги ажабланарли. Сабаби — 3000 дан ортиқ биографик маълумот берилган бу китобда "математикага қўшган ҳиссаси" бармоқ билан ҳисоблашни (!) тавсифлашдан иборат англиялик тарихчи монах Sain Bede (Беда Достопочтенный) ёки ёзган асари номаълум, фақатгина Архимеднинг дўсти эканлиги маълум бўлган Досифей каби "буюк математиклар" ўрин олган. Ҳолбуки, луғат-маълумотноманинг уч тақрибчисидан иккитаси математика тарихининг энг йирик мутахассисларидан эди.

Ҳақиқатда эса Аҳмад ал-Фарғоний нафақат буюк астроном ва математик, айна пайтда атоқли географ, инженер ҳам бўлган. Уни илмий асбобсозлик назариясининг асосчиси десак, хато бўлмайди.

Шу боис Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1997 йил 27 ноябрдаги "Аҳмад ал-Фарғоний таваллудининг 1200 йиллигини нишонлаш тўғрисида"ги қарори миллий қадриятларни тарғиб қилиш учун муҳим бўлиши билан бирга, тарихий адолатни тиклаш нуқтаи назаридан ҳам гоят хайрлидир. Бу қарор муносабати билан Республикаимизнинг олимлари ва тарихчи мутахассислари Ал-Фарғоний ҳақида қўллаб мақолалар эълон қила бошладилар. Аввал нашр қилинган А. Носиров ва Ҳ. Ҳикматуллаев, академик А. Қаюмов китобчалари унинг ҳаёти ва фаолияти, яшаган давридаги муҳит ҳақида яхши маълумот беради. Сўнги пайтда бу мавзуларда қўллаб мақолалар эълон қилинмоқда, илмий анжуманлар ўтказилмоқда. Шунинг учун биз Ал-Фарғонийнинг ҳаёти ва ижоди ҳақида умумий тафсиф бериш билан машғул бўлмасдан, дарсликларга киритилиши лозим бўлган икки илмий мероси ҳақида имкон борича оммабоп ҳикоя қиламиз.

АСТРОНОМИЯ: АСТРОЛЯБИЯ НАЗАРИЯСИ

Юлдузлар ва сайёраларни ўрганиш учун уларни илмий кузатиш, осмон сферасидаги ҳолати ва ҳаракатини ўлчаш лозим. Бундай кузатувлар Бобил (э.о. 2400—2200 йиллар), Миср (э.о. 3 минг йиллик), Хитой (э.о. II аср)да бошлангани маълум. Лекин астрономия Қадимги Юнонистонда фан сифатида шаклланди. Бунинг учун астрономик кузатув-ўлчов асбоби — "астролябия" (арабча талаффузи — астурлоб) ихтиро қилинди ва унинг ёрдамида Гиппарх (э.о. 2-аср) 1022 та юлдузнинг координатлари кўрсатилган жадвал тузди. (Астролябия — юнонча "юлдуз тутқич" деган маънони билдиради.) Гиппарх, Птолемей ва бошқа юнон олимлари фойдаланган астролябия намунаси ёки тасвири сақланмаган.

Машҳур Клавдий Птолемей (Шарқ адабиётида Батлимус) астролябия ва у билан боғлиқ назарий масалалар ҳақида махсус "Планисфера" номли асар ёзган, лекин бизгача ундан айрим бобларгина етиб келган. Шу боис асарда ўрганилган мавзулар баёни қанчалик мукамал бўлганини айтиш қийин. Птолемей астрономиядан ташқари геометрияни ҳам яхши билган. У Искандарияда 30 йилга яқин астрономик кузатувлар олиб боргани, Куёш соати, стереографик проекция ва астролябия назарияси билан шуғуллангани маълум. Шу билан бирга унинг асосий асари "Алмагест"да келтирилган юлдузлар жадвалида Гиппархникига нисбатан анча ноаниқликлар мавжуд. Ҳолбуки, Гиппархдан 3 аср кейин яшаган, у қўллаган усуллар билан яхши таниш бўлган Птолемейнинг жадваллари янада аниқроқ бўлиши лозим эди. Бу парадокс юзасидан шундай тахмин қилиш мумкин: ё Птолемей фойдаланган астролябия ўлчами кичикроқ бўлган ёки мукамал бўлмаган. Шунинг учун "Алмагест"даги юлдузлар координатларида ҳам, шаҳарларнинг координатларида ҳам ихтилофлар бўлиб, ўз пайтида бу Абу Райҳон Беруний томонидан танқид қилиб ўтилган.

Юнон астрономияси Птолемейдан сўнг инкирозга юз тутди. Фан тарихидаги бу инкироз даври, айрим шарҳлар ва таржималар мустасно қилинса, IX асргача давом

этди. Астрономия тарихидаги уйғониш Аҳмад ал-Фарғоний номи билан боғлиқдир. Юқорида айтиб ўтилганидек, у юнон астрономияси ютуқларини жамлади, тартибга солди, унутилган фактларни тиклади ва “Самовий ҳаракатлар ва умумий илми нужум китоби” (Европада тарқалган номи “Астрономия асослари ҳақида китоб”) ёзди. У бир неча аср фаннинг шу соҳаси бўйича ҳам дарслик, ҳам қомус бўлиб хизмат қилди.

Аҳмад ал-Фарғонийнинг яна бир улкан асари — астролябия яшаш ва ундан фойдаланишга оид “Астролябия ҳақида мукамал китоб” идир. Чамаси, астрономия фанига қизиқиш кучайиб, астролябияларга эҳтиёж ортган бўлса керак, у шу мавзуда яна бир неча асар ёзган. Бундан кўринадики, олим астрономик тадқиқотларнинг асоси бўлган асбобларга катта аҳамият берган. Гарчи бутун фан тарихида Птолемей ва унинг “Алмагест” асарининг аҳамияти ҳақида кўп гапирилса-да, аслида уйғониш даври Европаси астрономия илмини Ал-Фарғонийдан ўрганган десак, муболаға бўлмайди. Ҳарқалай “астрономия” ва “астролябия” юнонча сўзлар бўлса ҳам, бу фандаги “алидада”, “алмуқантарат”, “азимут”, “зенит”, “надир” каби арабча атамалар, мутлақ кўпчилик юлдузларнинг арабча номлари асосан Ал-Фарғоний китоблари орқали ўзлашганлигига шубҳа йўқ.

Ал-Фарғонийнинг астрономияга сид асари кенг ўқувчилар доирасида қанчалик машҳур бўлса, астролябия ҳақидаги китоби мутахассислар орасида ундан ҳам кўпроқ қадр топган — расадхоналар қуриш ва кузатув асбоблари яшаш учун қўлланма вазифасини ўтаган.

Юлдузларнинг координатларини аниқлашда ва шу мақсадда асбоб яшашда қандай қийинчилик туғилиши мумкин? Ҳозир Ердаги йўналишлар орасидаги бурчаклар, яъни азимутларни ўлчашда қўлланадиган содда қурилма астролябия деб аталиши ҳам бундай таажжубга асос беради. Гап шундаки, бурчакларни ўлчаш қийин иш эмас, лекин бу қадимги астролябиянинг вазифаларидан бири ва энг соддаси ҳисобланарди. Унинг “алидада” деб аталувчи мили (ўқи) ва гардишидаги градуслар шкаласи юлдуз ёки сайёранинг кенглигини (уфқдан ба-

ландлигини) ҳам, узунлигини (азимутини) ҳам ўлчашга имкон беради. Бироқ бу катталиклар юлдузлар жадвали тузиш ва сайёралар ҳаракатини ўрганиш учун яроқли эмас, чунки осмон сферасида юлдузларнинг кўзғалмас ҳолати йўқ — улар кутблардан ўтувчи осмон ўқи атрофида айланади. Сайёралар эса қўшимча юлдузларга нисбатан ҳам жойини ўзгартириб туради. Шунинг учун астрономияда юлдузларнинг ўзаро ҳолатини осмон билан бирга айланадиган экваториал координаталар системасида бериш усули қўлланади.

Бу системанинг маркази кузатиш нуқтасида бўлиб, бир ўқи Ернинг айланиш ўқидан иборат. Бу ўққа тик марказдан ўтувчи текислик осмон сферасини экватор бўйлаб кесади. Қуёш бир йил давомида экваторни икки марта (21 март ва 22 сентябрда) кесиб ўтади ва бунда кун ва тун узунлиги тенг бўлади. Шунинг учун экваторнинг бу икки нуқтаси баҳорги ва кузги тенгкунлик нуқталари дейилади. Системанинг яна бир ўқи марказдан осмон сфераси экваторининг баҳорги тенгкунлик нуқтасига йўналтирилади. Астрономия тарихида юлдузларнинг экваториал системадаги координаталари бевосита ўлчанган эмас. Шу мақсадда армиялар сфера деб аталувчи асбоб ясалган, лекин у билан ёритқич ҳолатини жуда кўпол аниқликда топиш мумкин бўлгани учун кейин астролябия билан алмаштирилган. Ёритқич координаталари билвосита — унинг осмон меридианини кесиб ўтаётган (кульминацияси) пайтидаги баланглигини ва вақтини ҳисоблаб, сўнг сферик тригонометриянинг махсус формулалари ёрдамида топилган. Бу ўринда айтиб ўтиш жоизки, тригонометрия фанига мусулмон Шарқи олимлари асос солган⁹¹. Улардан биринчиси Аҳмад ал-Фарғонийдир.

Астролябия бурчак ўлчашдан ташқари осмондаги ёруғ юлдузларнинг ўрнини, сайёраларнинг орбиталарини топиш учун ҳам махсус белгилар ва мосламалар билан жиҳозланган. Яъни астролябия юлдузлар осмонининг ўзига хос режа-харитаси вазифасини бажарган. Маълумки, сайёралар, жумладан, Қуёш йил давомида буржлар бўйлаб ҳаракат қилади. Лекин “Қуёш ҳамал буржига кирди” каби ибораларни қан-

дай тушуниш лозим? Куёш бор пайтда бурж тугул бирор юлдузни кўриб бўлмайдими-ку? Астролябияда эклиптикани акс эттирувчи тимпан деган доирача бўлиб, унда 12 бурж тасвирланади. Тимпанни астролябия гардиши бўйлаб айлантириб, Куёшнинг зодиакдаги ҳолати топилган. Хусусан, юқоридаги ибора Куёш астролябияда ҳамал буржига кирганини билдиради.

Хуллас, астролябия мураккаб илмий асбоб бўлиб, уни яшаш ва фойдаланиш махсус қоидалар асосидагина мумкин бўлган. Ал-Фарғонийнинг фандаги хизматларидан бири — бундай қоидаларни мукамал баён қилиб ва назарий асослаб бергани ва астрономиянинг кейинги тараққиёти учун пойдевор қўйганидадир.

МАТЕМАТИКА: СТЕРЕОГРАФИК ПРОЕКЦИЯ

Осмон сферасидаги нуқта ва чизиқларни астролябия доирасида тасвирлаш Птолемей кашф қилган стереографик проекцияга асосланади. Бу геометрик амал тарихда астролябия проекцияси деб аталган. Фақат 1931 йилда немис математикаси Ли Магнус “Стереографик проекция” атамаси билан алмаштирган. Бу проекцияни ҳосил қилиш учун сфера устида шартли шимолий кутб деб аталадиган (географик шимолий кутб бўлиши шарт бўлмаган) N нуқта олиниб, сферага уринма текислик ўтказилади. Сўнг сферадаги нуқта ва чизиқлар N га қарам қарши (жанубий кутб дейиладиган) S нуқтадан уринма текисликка акслантирилади (яъни S нуқтага чироқ жойланганда сфера устидаги шаклларнинг уринма текисликка соялари проекциялар бўлади). Равшанки, бунда шимолий кутбнинг сояси ўзи билан устма-уст тушади, жанубий кутбдан ўтадиган айланалар, хусусан, меридианлар тўғри чизиққа ёйилиб кетади. Жанубий кутб сояга эга эмас (математиклар тилида соя — чексиз узоқлашган нуқта бўлади). Экватор ва параллелларнинг проекциялари яна айлана бўлиши равшан.

Агар проекция кутблари сифатида Ернинг айланиш ўқи билан Осмон сфераси кесишган нуқталар олинса, Саратон тропиги ва Жадий тропиги деб аталадиган иккита параллель алоҳида ажратилади. Бу-

лар Куёшнинг кўринма ҳаракат чизиги (эклиптика)га уринадиган, буржларни чега-ралаб турувчи параллеллардир. Шимолий кутбдаги кузатувчи йил давомида Саратон тропигидан юқоридаги юлдузларни кўриши мумкин. Жадий тропигидан жанубдаги юлдузлар эса умуман кўринмайди. Ҳар иккита тропик орасида жойлашган юлдуз туннинг бир қисмида кўринади. Юнон ва Шарқ астрономлари шимолий яримшарда яшаганлари учун осмон сферасининг Жадий тропигидан шимолдаги қисмигина қараб, унинг проекциясини астролябия доираси сифатида тасвирлашган.

Стереографик проекциянинг энг муҳим хоссаларини Птолемей таърифлагани, лекин исботини Ал-Фарғоний берганини юқорида қайд этган эдик. Шунинг учун биз уларни *Птолемей-Фарғоний теоремалари* деб аташни лозим топамиз. (Математикада теоремалар, одатда уларни исботлаган олим номи билан аталади.)

Биринчи теорема. *Жанубий кутбдан ўтмайдиган айлананинг стереографик проекцияси айланадан иборат.*

Иккинчи теорема. *Сфера устидаги чизиқлар орасидаги бурчак бу чизиқлар проекциялари орасидаги бурчакка тенг.*

Учинчи теорема. *Сферанинг Кутбдан ўтадиган ўқ атрофидаги айланма ҳаракатига проекция текислигининг айланма ҳаракати мос келади.*

Ҳар учала теорема ҳам бевосита астролябия назариясида татбиққа эга эканлиги тушунарли. Масалан, *биринчи теоремадан* эклиптика ва сайёраларнинг орбиталари астролябияда айлана билан тасвирланиши келиб чиқади. Шу хоссага мувофиқ Осмон сферасининг уфққа параллел кесимларидан иборат айланалар проекциялари ҳам айланалардан иборат, улар астролябиянинг алмуқантаратлари дейилади^[10]. *Иккинчи теорема* эса кейинчалик картографияда муҳим аҳамият касб этди. Чунки, умуман олганда, сферанинг катта бўлаклари текисликда тасвирланганда масофалар ҳам, бурчаклар ҳам сақланмайди. Денгизда сузиш учун эса харитада

бурчакларнинг тўғри бўлиши муҳим. Агар EP сиртининг бирор бўлаги стереографик проекцияланса, ана шу хоссага эга бўлган кирита ҳосил бўлади. Бундан ташқари *иккинчи теорема* математиканинг XIX асрдан ривожлана бошлаган соҳаси — комплекс ўзгарувчи функциялар назариясида фойдаланиш конструкция бўлди.

Биринчи теорема ҳақида батафсилроқ тўхталайлик. Умуман олганда, айлананинг бирор марказдан текисликка проекцияси айлана бўлиши шарт эмас, одатда эллипс ёки умуман ёпиқ бўлмаган чизик бўлади. (Бунга ликопчани ҳар хил вазиятда деворга проекциялаб ишонч ҳосил қилиш мумкин.) Худди шунингдек, доиравий конус текислик билан кесилса, кесимда эллипс ҳосил қилинади. Фақат кесувчи текислик конус ўқиға тик бўлганда кесим айлана бўлиши равшан. Шундай қилиб, айлананинг стереографик проекцияси яна айлана бўлиши ўз-ўзидан равшан хосса эмас. Шунинг учун биринчи теорема исботланиши зарур бўлган фактдир. Унинг Ал-Фарғоний топган исботини бугунги кун математикаси нуқтаи назаридан ҳам содда деб бўлмайди. Бунга ўқувчи теоремани мустақил исботлашга уриниб ишонч ҳосил қилиши мумкин. (Исботни мураккаблаштирувчи ҳолат — сфера устидаги айлана марказининг проекцияси проекциядаги айлана маркази бўлмайди!)

Ўхшашлик хоссасидан агар асоси айлана бўлган оғма конус асосга параллел текислик билан кесилса, кесимда айлана ҳосил бўлиши келиб чиқади. Теоремани исботлаш учун Ал-Фарғоний оғма конусни кесиб ўтганда кесимда айлана берадиган, лекин асосга параллел бўлмаган текислик қуради. Фараз қилайлик, конуснинг учи (проекция маркази) жанубий қутбда, асоси проекция текислигида бўлсин ва кесимдаги айлана сферада ётсин. У ҳолда бу айлананинг проекцияси яна айлана бўлар экан. Бу хоссани исботлашда аллома куйидаги нафис геометрик тасдиқдан фойдаланади:

Ал-Фарғоний леммаси. **Диаметри SN бўлган айлананинг N нуқтадаги уринмаси NP бўлсин. Агар AB кесма ab ва-**

тарнинг S нуқтадан NP тўғри чизикқа проекцияси бўлса, SAB ва Sab учбурчаклар ўхшашдир.

Птолемей-Фарғоний теоремалари бугунги кун математикаси нуқтаи назаридан ҳам аҳамиятга молик ва университет дарсликларига киритилиши лозим. Ал-Фарғоний леммаси эса математика олимпиадаси қатнашчилари учун муносиб масала.

Иккинчи теорема том маънода дифференциал геометрия деб аталувчи, XVIII—XIX асрларда вужудга келган фанга тааллуқлидир. (Биз ўқувчига бу теореманинг ҳам геометрик исботини излаб, Ал-Фарғоний хотирини шод этишни тавсия қиламиз.) Ҳолбуки, Ал-Фарғоний устурлоб ҳақида китоб ёзар экан, стереографик проекция хоссаларидан исботсиз фойдаланиб кетавериши мумкин эди, зеро Птолемейнинг обрўси юксак бўлган. Теоремаларни мантиқий мушоҳада билан исботлаши Ал-Фарғонийнинг кучли математик бўлганини кўрсатади. Айни пайтда фан учун бу факт унинг янада улуғворроқ меросидир — илм ва фандаги холислик, принципиаллик, қатъий асосланган ҳулосаларга таяниб иш юритиш намунасидир.

Ҳаволалар:

[1] Webster's Encyclopedic Unabridged Dictionary, New York, 1989.

[2] Б. А. Розенфельд, Н. Д. Сергеева, Стереографическая проекция, Москва, 1973.

[3] А. И. Бородин, А. С. Бугай, Выдающиеся математики, Киев, 1987.

[4] А. Носиров, Ҳ. Ҳикматуллаев, Аҳмад Фарғоний, Тошкент, 1966.

[5] А. Қаюмов, Аҳмад ал-Фарғоний, Тошкент, 1990.

[6] Т. Жўраев, М. Хайруллаев, Буюк илмий мерос, "Халқ сўзи", 1997 йил, 10 декабрь.

[7] Беруний, Асарлар, 5-том, Тошкент, 19

[8] И. Ю. Крачковский, Избранные сочинения, Москва, 1957.

[9] А. П. Юшкевич. Исследования по истории математики в странах Востока в Средние века. Итоги и перспективы. "Физико-математические науки в странах Востока. II выпуск" китобида, Москва, 1969.

[10] Д. В. Загребин, Введение в астрометрию, Москва — Ленинград, 1966.

АСТРОЛЯБИЯЛАР




Шарқда ясалган асролябия. 15-аср



Европада ясалган асролябия. 16-аср

СТЕРЕОГРАФИК ПРОЕКЦИЯ



Птолемей — ал-Фарғонийнинг биринчи теоремаси.
 Сфера устидаги айлана проекцияси — айлана.
 Ал-Фарғоний леммаси.

Иброҳим Мўминов таваллудининг
90 йиллигига

Музаффар ХАЙРУЛЛАЕВ

Маънавият ва мустақиллик жарчиси

Ўзбекистоннинг маънавиятда, илму тафаккурда мустақил бўлиши учун курашган, миллий маънавиятини тиклашга интилган миллатпарвар, ватанпарвар олимларнинг жасорати доимо эъзозга, зўр ҳурмат-эътиборга, муҳим ахлоқий-тарбиявий аҳамиятга, миннатдорчиликка лойиқдир.

Шундай олимлардан бири Иброҳим Мўминов эди.

Иброҳим Мўминов Ўзбекистонда миллий, ижтимоий-фалсафий фикр тарихини ўрганишни биринчилардан бўлиб бошлаб берди ва шу соҳада мактаб яратди.

У узоқ йиллар раҳбарлик лавозимида — Ўзбекистон Фанлар Академиясининг вице-президенти бўлиб хизмат қилган даврида халқимиз маданияти тарихининг турли соҳаларини ҳар томонлама ёритиш, маънавий меросини кўтариш соҳасига улкан ҳисса қўшди. Унинг раҳбарлигида тарихий мерос, миллий қадриятлар ҳақида қатор китоблар нашр этилди, шу соҳа бўйича миллий кадрларни тайёрлашда қатта вазифалар амалга оширилди.

Олимнинг ташаббуси билан 14 жилдлик Ўзбек энциклопедияси — қомуси яратилди — бу ишга у бош-қош бўлди.

У Амир Темура ҳақида совет тарихшунослигида салбий фикр ҳукмрон бўлган, уни фақат босқинчи сифатида талқин этилган бир шароитда — 1966 йили бу тарихий шахснинг фазилатлари, маданиятимиз ривожига улкан хазматлари ҳақида дадил фикр юритди, китоб нашр этди.

И. М. Мўминов 1908 йилда Бухоро вилоятининг Тезгузар қишлоғида оддий деҳқон оила-сида туғилиб, қатта давлат ва фан арбоби даражасигача бўлган мураккаб йўлни босиб ўтди. У 1931 йили Самарқанддаги Ўзбек Давлат педагогика академиясининг ижтимоий-иқтисодий факультетини тугатиб, 1941 йили номзодлик, 1950 йили докторлик диссертациясини ҳимоя этди. Самарқанд университетига кафедра му-дири ва профессор бўлиб ишлади.

Иккинчи жаҳон урушининг энг қизғин даври — 1943 йилда Ўзбекистон Фанлар академияси таъсис этилди ва И. Мўминов унинг асосчилари қаторида академиянинг муҳбир аъзоси этиб сайланди.

1955 йили И. М. Мўминов Тошкентга, Ўзбекистон Фанлар академияси Тарих ва археология институтининг директори лавозими-га таклиф этилди ва шу йилдан бошлаб унинг ҳаётида янги давр бошланди. У ижтимоий фанлар соҳасида энг йирик олим бўлиб та-нилди.

У Ўзбекистонда фалсафа илмининг риво-жига асос солди. Ўзбекистон Фанлар акаде-мияси таркибида Фалсафа ва ҳуқуқ институти очилишининг ташаббускори ва унинг бирин-чи директори бўлди.

И. М. Мўминов Ўзбекистон Фанлар ака-демиясида вице-президентлик лавозимида ишлаган йиллари (1956—1974) унинг олим-лик, раҳбарлик, ижодкорлик фазилатлари, ажаиб истеъдоди янада ёрқин намоён бўлди.

У Ўзбекистонда ижтимоий илмларнинг ташкилий жиҳатдан мустақамланиши, бу соҳанинг янада кенгайиши, мутахассис илмий кадрларнинг кўпайишига катта ҳисса қўшди. У Ҳабиб Абдуллаев, Тошмуҳаммад Саримсоқов, Убай Орипов, Обид Содиқов, Саъди Сирожиддинов каби атоқли олимлар билан ёнма-ён туриб, фанмиз равнақи учун сидқидилдан хизмат қилди.

Иброҳим Мўминовнинг асосий илмий йўналиши бевосита ўз халқи манфаатларини ҳимоя этиш, унинг маънавият тарихи ўзига хос ва бой эканлигини исботлашга қаратилган эди. Бу йўналишни Иброҳим Мўминов умрининг охиригача изчил давом эттириб, ривожлантириб, кенгайтириб, чуқурлаштириб борди.

Иброҳим Мўминов 1946 йилда Самарқандда «Мирзо Бедилнинг фалсафий қарашлари» монографиясини нашр эттирди. Унда XVII—XVIII асрда Ҳиндистонда яшаб, форс тилида ижод этган мутафаккир шоир Бедилнинг ижтимоий-фалсафий таълимоти, табиат, жамият, инсон, ахлоқ ҳақидаги қарашлари илмий жиҳатдан теран таҳлил этилади. Гап шундаки, Бедил асарлари Шарқ, жумладан, Ўрта Осиё шоирлари ижодига чуқур таъсир кўрсатган. Шунинг учун Иброҳим Мўминовнинг бу асари бутун Ўрта Шарқ, жумладан, Мовароуннаҳр мусулмон халқлари адабиёти, ижтимоий-фалсафий фикрларини ўрганишда муҳим аҳамият касб этади.

Иброҳим Мўминовнинг номзодлик диссертацияси Европа фалсафаси тарихидаги энг қийин ва муҳим масалалардан бирига — «Гегель диалектикасининг рационал маъзи»га (1941 йил) бағишланган эди. Бедил ҳақидаги монографияси эса олим ўз илмий изланишларини Шарқ фалсафаси, жумладан, Ўрта Осиё фалсафаси тарихини ўрганишга қаратганидан далолат беради.

1950 йилда Иброҳим Мўминов Москвада собиқ СССР Фанлар академияси Фалсафа институтининг Илмий Кенгашида «XIX аср бошларида Ўзбекистоннинг ижтимоий-фалсафий фикри тарихидан» деган мавзуда докторлик диссертациясини ёқлади.

Бу мавзу ўша йилларда кам ўрганилган ва маълум далил, янги илмий хулосалар ва фикрларга муҳтож эди. Бу давр фақат адабиётшунослар томонидан адабий-бадиий жараён сифатида ўрганилар, Аҳмад Дониш, Фурқат, Муқимий, Ҳамза каби адиблар ижодининг

ижтимоий-фалсафий моҳияти ва аҳамияти илмий таҳлилдан деярли четда қолган — буни ўрганишга кам эътибор бериларди.

И. Мўминов бой тарихий далиллар, маълумотларни илмий таҳлил этиш асосида XIX аср охири — XX аср бошларида Туркистонда юз берган ижтимоий-иқтисодий, маънавий-маданий жараённи ҳолис ёритиб берди.

Иттифоқ Марказидаги раҳбарларга, ҳукрон сиёсатта маъқул бўлувчи Туркистоннинг Россияга қўшиб олинганлиги ҳақидаги фикрлар китобларда кенг тарғиб қилинаётган бир шароитда И. Мўминов ўз тадқиқотида тарихий ҳақиқатга содиқ қолади. У очикдан-очик шундай ёзган эди:

«XIX асрнинг 60—90-йиллари давомида рус чоризми Ўрта Осиёни забт этди ва унда мустамакка тарғибини ўрнатди. Чор ҳукумати Бухоро амирлиги ва Хева хонлигини номигагина сақлаб қолиб, амалда бутун ҳокимиятни ўз қўлига олди. Мана шу даврда Ўрта Осиёнинг меҳнаткаш оммасини эксплуатация қилиш кучайибгина қолмади, балки миллий-мустамакчилик зулми ҳам ўрнатилди».

Иброҳим Мўминов биринчи бўлиб бу даврни фалсафий жиҳатдан ўрганди. Шу асосда Туркистон, Мовароуннаҳр халқларининг мустақил ижтимоий-фалсафий тарихга, мустақил фалсафий меросга эга эканлигини чуқур исботлаб берди. Ҳозир бу илмий йўналиш республикамизда фалсафа соҳасида ҳамда халқимизнинг миллий-маънавий меросини ўрганишда муҳим тамойиллардан бири бўлиб қолди.

Иброҳим Мўминов Ўрта Осиёда ижтимоий-фалсафий фикрнинг ривожланиш даврлари, турли муаммолари бўйича қатор тадқиқотлар, китоб, мақолалар нашр этди. Москвада босиб чиқарилган собиқ СССР халқлари фалсафаси тарихига оид фундаментал асарларни тайёрлашда қатнашиб, Ўзбекистон фалсафасининг ривожланишига оид бўлимларини кенг ёритди. 1966 йилда Москвада И. Мўминовнинг «Ўрта Осиёнинг машҳур мутафаккирлари» китоби чоп этилди.

И. Мўминов вице-президент бўлиб ишлаган даврда бевосита унинг иштироки ва муҳаррирлигида тўрт жиллик «Ўзбекистон тарихи», икки жиллик «Самарқанд тарихи», «Ўзбекистонда ижтимоий-фалсафий фикрлар тарихидан материаллар» каби улкан тадқиқотлар босиб чиқарилди, бой маланий мероси-

мизнинг муҳим саҳифаларини ёритувчи қўлёзма асарларнинг араб ва форсчадан таржималари уюштирилиб, рус ва ўзбек тилларида нашр этилди. Бу соҳалар бўйича республикамизда Бутуниттифоқ ва халқаро симпозиумлар, конференциялар бўлиб ўтди.

И. М. Мўминов ижтимоий фанлар, фалсафанинг турли соҳалари бўйича ўз даври талабларидан келиб чиқиб, асарлар яратган бўлса-да, унинг ижодида халқимизнинг маданий меросини ўрганиш етакчи ўринни эгаллади. У ўз илмий ва ташкилотчилик фаолиятида миллий маданиятимиз ва унинг негизи бўлмиш Ўрта Осиё халқлари маданий қадриятлари тарихини ўрганишга ниҳоятда катта эътибор берди. Унинг раҳбарлигида ўтмиш маданий меросимизнинг буюк намоёндалари Хоразмий, Форобий, Беруний, Ибн Сино, Маҳмуд Қошгарий, Навоий, Бобур, Фурқат, Муқимий, Дониш кабиларнинг асарлари кенг ўқувчилар оммасига етказилди. Улар ҳақида рисоалар, китоблар тайёрланди, таваллуд кунлари кенг нишонланди.

Иброҳим Мўминов фалсафа, тарих соҳасида 80 дан ортиқ номзодлик ва 20 дан кўпроқ докторлик диссертацияларига илмий раҳбарлик қилди. Турли халқаро, Бутуниттифоқ илмий анжуманларда ҳам олим Ўрта Осиё халқларининг миллий-маънавий меросини ўрганиш ва тарғиб қилишга доир маърузалар билан қатнашди ва бу соҳада қатор ташкилий тадбирларни амалга оширди.

Иброҳим Мўминов Тожикистон, Туркменистон ва бошқа Ўрта Осиё республикаларида ҳам миллий-фалсафий фикрни ривожлантиришда фаол иштирок этди, бу республикаларнинг йирик файласуф олимлари билан, хусусан Тожикистон ФА академиги А. М. Богоутдинов, Туркменистон ФА академиги Г. У. Чориев, Қирғизистон ФА академиги А. Олтамишбоев кабилар билан яқиндан алоқада бўлди ва кадрлар тайёрлаш, илмий тўпламлар яратишда ҳамкорлик ишларини олиб борди.

Коммунистик идеология ва КПСС сиёсати ҳукмрон бўлган бир шароитда Иброҳим Мўминовнинг миллий-маънавият тарихини — миллий меросни кенг ўрганиш бўйича олиб борган фаолиятининг ўзи жасурлик, ғоявий мустақиллик учун курашнинг олдинги сафларида туриш намунаси эди. Бу жиҳатдан унинг қаламига мансуб бўлган «Амир Темурнинг Ўрта

Осиё тарихидаги роли ва ўрни» китобчаси (1968 йил) алоҳида аҳамиятга эга.

Бу асар республикамизнинг кўп зиёлилари, фан ва адабиёт вакиллари эътиборини ўзига жалб этди. Чунки у республика ва иттифоқ тарих фани учун кутилмаганда ниҳоятда даража, ўзгача қарашлар ва талқинга эга бўлган ҳолиса сифатида кутиб олинди.

Китобчанинг кириш сўзида — 1969 йилда Самарқанднинг 2500 йиллиги нишонланиши, республикамизда ЮНЕСКОнинг Марказий Осиёда Темур ва темурийлар даври санъатини ўрганишга бағишланган халқаро конференцияси ўтказилиши ва шу муносабат билан қатор муҳим вазифалар турганлиги қайд этилади. Булар китобчанинг, айниқса янги талқиндаги китобчанинг шу йили нашр этилишига сабаб эмас, баҳона эди, холос. Бу китобча соҳибқироннинг ҳаёти ва фаолияти ҳақида аввалдан чуқур мулоҳаза, фикр юритиш самараси сифатида пайдо бўлган, деб қараш лозим. Марксча-ленинча мафкурага асосланган совет тарих фанида Амир Темур фаолияти борасида тўлиғича «босқинчи», «золим», «халқларни қақшатган қонхўр» деган турли салбий ёрликлар ҳукмрон бўлган бир шароитда И. М. Мўминов биринчилардан бўлиб Амир Темур даврини илмий, холис ўрганиш, унинг давлатчилик ва ҳарбий соҳадаги ишларига тўғри, изчил баҳо бериш масаласини кўтариб чиқди. Ҳеч қайси олим шу йилларда бундай ишга журъат эга олмаган эди.

Иброҳим Мўминов китобчада, табиий равишда, ўша давр ҳукмрон мафкурасидан келиб чиқиб, Амир Темурнинг бошқа ўлкаларни босиб олишдаги шафқатсиз урушлари ва сиёсатини ҳам эслаб ўтади. Аммо олим асосий эътиборни унинг Ўрта Осиё тарихи учун ижобий рол ўйнаганлигини тадқиқ этишга қаратади.

Хусусан, Амир Темур Ўрта Осиёни мўғуллардан озод қилиш ва уни мустақил ва кучли давлатга бирлаштиришга ва ҳар томонлама ривожлантиришга улкан ҳисса қўшди. Шу билан бирга И. М. Мўминов Амир Темурнинг Ўрта Осиёда шаҳарлар қурилишига ҳомийлик қилгани, илм-фан, дин аҳлига эътибор бергани, ўзаро феодал низоларнинг олдини олгани, савдо-сотиқ, хунармандчиликка кенг йўл очгани, бошқа давлатлар билан алоқаларни кучайтиргани, мамлакатни бошқариш учун адолатли «Қонунлар» («Темур тузуклари»)»

яратгани, иқтисодий ва сиёсий бақувват давлат тизимини вужудга келтиргани, буюк ва жасур саркарда, моҳир давлат арбоби сифатида танилгани ҳақида батафсил фикр юритали.

Иброҳим Мўминов, масалан, Амир Темурнинг мамлакатнинг ободончилиги устида олиб борган ишлари устида тўхтаб шундай ёзади: «Темур Самарқанддаги аҳволни бутунлай ўзгартириб юборди. У Самарқандда Кўксарой, Бибиҳоним масжидини, Шоҳизинда мавзолейини, Самарқанд агрофида Боғи Чинор, Боғи Шамол, Боғи Дилкушо, Боғи Бехишт, Боғи Нав каби боғ ва саройларни қурдириди. Йўллар, кўприклар солинди. Кейинчалик Амударё ва Сирдарёга кўприк қурилди, Тошкент агрофига каналлар, жумладан, Сирдарёдан Оҳангаронга ҳам канал ўтказилди. Шаҳар тилидаги Оҳангарон қишлоғи қурилди. Бухоро, Шаҳрисабз, Фарғона, Туркистонда карвонсаройлар ва бошқа қурилишлар билан бирга суғориш иншоотлари қад кўтарди. Шаҳарлар, қишлоқлар, ҳаммомлар, мадрасалар, мақбаралар қурилиши ўша давр учун мисли кўрилмаган миқёсда, кўламда олиб борилади. Қурилишга маҳаллий меъмор-усталар — соҳибӣ ҳунарлардан ташқари, Темур забт этган ўзга мамлакатларнинг кўплаб қурувчилари, меъморлари жалб этилди. («Амир Темурнинг Ўрта Осиё тарихида тутган ўрни ва роли», 26—27-бетлар).

Иброҳим Мўминов ўзи бошлаган ишни изчил давом эттирган ҳолда Темур томонидан яратилган давлатни бошқариш қонунлари — «Темур тузуқлари»нинг инқилобдан олдинги русча нашрини «Фан» нашриётида қайта чоп эттирди (1968 йил,) Темур даври ва унинг турли соҳадаги фаолияти ҳақида муҳим манба ҳисобланган, XV аср бошида ёзилган Шарофиддин Али Яздийнинг «Зафарнома» асарининг факсимиле нусхасини (1972 й.) нашр этишнинг ҳам асосий ташаббускори бўлди.

Ўзбекистонда Иброҳим Мўминовнинг бу фаолияти, Темур ҳақидаги китобчаси ҳукмрон фикрларга зид келгани учун турлича қарашларга, баҳсларга ҳам сабаб бўлди. Айрим шахслар Иброҳим Мўминовнинг бу ишларидан унга қарши кураш йўлида фойдаланиш ҳаракатига киришдилар. И. М. Мўминовни Темур фаолиятини «идеаллаштириш», унга ғайриилмий ёндашиш, сиёсий-ғоявий хатога йўл қўйишда айбланган уринишлар авж олди. Бу ишга Москвадаги айрим илмий текшириш институтларининг раҳбарлари, тарихчилар, ҳатто КПСС

Марказий Комитетидаги баъзи раҳбар ходимлар ҳам жалб этилди. Бунинг натижасида 1973 йилда Москвада рус тилида чиқадиган иттифоқ илмий журналинда бир тошкентлик муаллиф мақола эълон қилди. Сўнг «Вопросы истории» журналининг бир сониди фан номзоди бўлган рус олими имзоси билан Амир Темурнинг тарихдаги ролини салбий баҳолашга бағишланган мақола чиқарилди. Бу мақолаларда И. М. Мўминовнинг Темур тўғрисидаги юқоридаги китобчаси кескин танқид остига олиниб, унинг муаллифи тарихни сохталаштиришда, Темурни идеаллаштиришда айбланди. Москвадаги партия раҳбарлари иштирокида мафкура масаласига бағишланган бир йиғилишда ҳам бу ҳақда айтиб ўтилди. Москвада чиқадиган қатор марказий журнал ва гезеталарда Темурни тилга олган ҳолда ўтмишни сохталаштирмаслик ҳақида умумий насиҳатомуз мақолалар нашр этилди.

Иброҳим Мўминов ниҳоятда тadbиркор, чуқур ўйлаб иш тутадиган доно одам эди. Текширишлар бошланганда Темурни ўрганиш, у ҳақидаги ишларга Ўзбекистон компартияси Марказий Кўмитаси аралашмагандек, ундан беҳабардек бўлди. Москвадан таъқиб ва таъийқ кучая бориб, масала жиддийлаша бошлагач, республика раҳбарияти кичик бир қарор қабул этишга мажбур бўлди ва шу билан масала ёпилди. Лекин Амир Темур ҳақида И. М. Мўминов олиб борган ишлар, тadbирлардан ўз манфаатлари йўлида фойдаланишга интиланган айрим Тошкент ва Москвадаги шахслар, раҳбарларнинг ҳаракати И. Мўминовнинг руҳиятига, саломатлигига салбий таъсир кўрсатди.

Ўша йилларда мамлакатда ҳукмрон бўлган мафкуравий диктатура, ғоявий бирёқламаллик — адолатсиз сиёсий қудратга асосланган бундай ифво, ноҳақ туҳматлар Иброҳим Мўминовга ниҳоятда оғир ботди. У кишининг виждони, нозик қалби, онги ноҳақ гапларни, тор шахсий мақсадларини ҳақиқатдан, ўз халқи маънавий манфаатларидан устун кўрувчи шахслар кирдикорини сингдира олмади. 1974 йил 22 июлда узоқ давом этмаган касалликдан сўнг Иброҳим Мўминов вафот этди.

Иброҳим Мўминов тарихни илмий ёритиш, миллий тарихга илмий ёндашиш, ҳақиқий маданий меросни тиклаш, мустақил фикр юритиш учун курашнинг қурбони бўлди.

Иброҳим Мўминов академик, вице-президент, қатор орден ва медаллар, олий ёр-

лиқлар совриндори, «Ўзбекистонда хизмат кўрсатган фан арбоби», «Билим» жамияти раиси, Ўз ФАсининг «Ижтимоий фанлар» журнали муҳаррири, Ўзбек энциклопедиясининг бош муҳаррири ва бошқа турли юқори лавозимларда бўлишига қарамай, ўтмиш ҳақида ҳукмрон социалистик мафкура талабларига мос тушмайдиган фикр, мулоҳазаларни қўрқмай айта олди. У ўз лавозимлари, вазифалари, мукофотларидан қатъи назар, ажойиб инсон, ҳаммага бирдек эътиборли, иш хонаси ҳамма учун ва ҳар доим очиқ эди. Бу хонага кирган одамнинг иши битиб, мамнун бўлиб чиқиб кетар эди.

И. М. Мўминов ажойиб олим, жонқуяр устоз, адолатли раҳбар сифатида юқори маданият ва мустақкам ирода эгаси эди. Ўзига ҳам, бошқаларга ҳам ниҳоятда талабчан, қаттиқ интизом тарафдори эди. Лекин шу билан бирга бошқаларга, айниқса, ёшларга ғамхўр, ёрдам қўлини чўзишга доимо тайёр, ночорларга кўнгилчан, эътиборли, бағри кенг, олижаноб инсон эди. Биз шогирдлари у кишини «домла» деб атар эдик.

И. М. Мўминов фаолияти ва тафаккурининг муҳим хислатлари изчиллик, мустақил фикр, чуқур ва асосли билим, кенглик эди. У ҳар доим мустақил мушоҳада юритар ва уни қатъий туриб, изчил амалга оширар эди.

Узоқ йиллар Тожикистон Фанлар Академияси Президенти лавозимида ишлаган атоқли олим М. С. Осимов Иброҳим Мўминов ҳақида шундай ёзди:

«Мен И. М. Мўминов билан 30-йилларнинг охирида, Самарқанддаги Ўзбек давлат университетининг физика-математика факультетига ўқиб юрганымда танишдим. Иброҳим Мўминович бизга фалсафадан сабоқ берганлар... Иброҳим Мўминович йирик олим, шу билан бирга жуда оддий ва камтарин инсон эди. Ҳар хил шароитда — дўстона суҳбатда ҳам, жиддий масалалар бўйича муҳокамаларда ҳам унинг чехраси очиқ, лабидан самимий табассум аримас, ўтқир нигоҳида донолик ва синчковлик акс этар эди».

Ўзбекистон Фанлар Академияси академиги, атоқли ботаник олим Ж. К. Саидов ёзди:

«Мен Иброҳим Мўминовични 1929 йилдан Самарқанд шаҳрида Педагогика академиясида биргаликда ўқиш давридан биламан...

Иброҳим Мўминовичнинг кўп йиллик сермаҳсул фаолияти, кўнгилчанлиги, камтарлиги Ўзбекистоннинг барча илмий жамоатчилигида у кишига нисбатан меҳр-муҳаббат ва ҳурмат уйғотган эди. Ажойиб олим, юксак инсоний бурч эгаси, халқимизнинг асл фарзандларидан бири саналган Иброҳим Мўминовичнинг ҳаёт йўли ҳар доим халққа хизмат қилиш борасида намуна бўлиб қолади».

Ўзбекистонда кибернетика соҳасидаги машҳур олим, академик В. Қ. Қобуловнинг қайд этишича: «Иброҳим Мўминов туб маънода ишбилармон киши эди. Энг мураккаб ва чалкаш муаммоларни ҳам у киши ортиқча эҳтиросларсиз, барча ҳужжат-далилларни мулоҳаза қилиш асосида, муфассал ва хотиржам ҳал қилар эди. Президиум мажлисларида у кишининг фикри энг эътиборли фикрлардан бири сифатида қабул қилинарди».

И. М. Мўминовнинг фанимиз, маданиятимиз учун қилган хизматларини биз ҳеч қачон унутмаймиз. Республикаимизнинг мустақиллиги, миллий мероси, миллий маданияти учун курашган ҳурматли домлаимиз И. М. Мўминовнинг маданиятимиз, фанимиз ривожига қўшган ҳиссаси улкандир. У киши Амир Темур фаолиятини илмий ёритиш, холис ўрганиш зарур деб билди, бу буюк тарихий шахснинг қачонлардир юзага чиқишини, унинг улкан фаолиятига муносиб баҳо бериладиган кунлар келишини олдиндан билди. Унинг бу орзуси Ўзбекистоннинг мустақилликка эришуви натижасидагина юзага чиқди.

Мустақил Ўзбекистон Президенти И. А. Каримов ўзининг илм-фан, маънавият ходимлари олдидаги нутқларида Шарқ фалсафасининг муҳимлиги ва уни ўрганиш зарурияти устида бир неча бор тўхтаб ўтди.

Президент Ислоҳ Каримовнинг шахсий жасорати ва фаол ҳаракати туфайли 1996 йилда Ўзбекистонда Амир Темур юбилейи кенг нишонланди. Бу тўйнинг ЮНЕСКО йўли билан Парижда ўтказилиши Амир Темурнинг Марказий Осиё ва жаҳон маданиятидаги ролини жаҳон оммаси томонидан тан олинишига йўл очиб берди. Бу — И. М. Мўминов орзулари, фикрлари жонажон Ўзбекистонимизнинг маънавиятига ҳамоҳанг эканлигига, мустақиллик учун хизмат қилганлигига яна бир далилдир.

Хоразмдаги маъмунийлар академияси

Ўзбекистон миллий мустақилликка эришгандан сўнг ўтган йилларда миллий кадрлар қайта тикланаётганининг гувоҳи бўлмоқдамиз. Президент Ислоҳ Каримов Хива шаҳрининг 2500 йиллигига бағишланган тантанали табрик сўзида бундан минг йил муқаддам инсоният тарихидаги илк Академиялардан бўлмиш Маъмун Академияси Хоразм заминида ташкил топгани билан халқимиз ҳар қанча фахрланса арзишини таъкидлади. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Хоразм Маъмун Академиясини қайтадан ташкил этиш тўғрисидаги» фармони Ўзбекистоннинг илмий салоҳиятини юксалтириш, унинг жаҳон илмий ҳамжамиятидаги ўрнини мустаҳкамлаш, минтақаларда фанни янада ривожлантириш ҳамда истеъдодли ва фидойи олимларни қўллаб-қувватлаш, юқори интеллектуал муҳит яратишдаги миллий анъаналарни ривожлантиришда қўйилган муҳим қадам бўлди.

Кўпчилик тадқиқотчилар таъбири билан «Маъмунийлар академияси» деб аталувчи X аср охири — XI аср бошида Хоразмда фаолият кўрсатган илмий муҳит бевосита Маъмунийлар давлати (992-1017) тарихи билан боғлиқдир. Мазкур сулола ҳақида маълумотлар тарихий манбаларда 992 йилдан бошлаб учраш бошлайди. Гурганж шаҳридан мамлакатни бошқарган Маъмуний — Хоразмшоҳлардан тўртгасининг номлари яхши маълум: 1) ал-Маъмун ибн Муҳаммад (992-997 йилларда подшоҳлик қилган); 2) Али ибн Маъмун (997-1010); 3) Абул-Аббос ал-Маъмун ибн ал-Маъмун (1010-1017); 4) Абул-Ҳорис Муҳаммад ибн Али (1017 йил март-июнь). Шунингдек, Абу Наср ибн Ироқнинг рисоалари-

дан бири шу сулола вакилларида Абу Абдуллоҳ Муҳаммад ибн Али ал-Маъмунийга бағишланганлиги маълум.

Хоразмнинг X аср охири тарихи бу ўлкада икки сулоланинг мавжудлиги билан характерланади. Бу даврда Амурларнинг ўнг қирғоғида Кот хоразмшоҳлари, чап қирғоғида эса Гурганж хоразмшоҳлари ҳукмронлик қилар эдилар. 995 йили Гурганж хоразмшоҳлари Котни босиб олиб, икки давлатчиликка чек қўйдилар. Гурганж шаҳри ягона давлат пойтахтига айланди. Бу давлатларнинг ўтмиш тарихи ҳақида маълумотлар кам сақланган. Буюк хоразмшоҳлар давлати Қутайба ибн Муслим ал-Боҳилий (704-715) истилоларидан сўнг Араб халифалиги қарамлиги остига тушади. Лекин араблар босиб олинган ўлкаларда маҳаллий сулолаларни ҳокимиятда сақлаб қолиб, улар орқали мамлакат бошқариш услубини қўллаганлар. Мовароуннаҳр худуди ичида Бухорода — буюқхўдоғлар, Самарқандда — тархунлар, Фарғонада — ихшидлар, Уструшанада — афшинлар, Хоразмда — хоразмшоҳлар, Шошда — тудунлар араблар номидан ўз вилоятларида ҳокимлик қилдилар. Уларнинг биринчи вазифалари маҳаллий аҳолидан солиқларни йиғиб, Халифалик хазинасига юборишдан иборат эди. Бу мажбуриятлар аҳоли учун эски солиқлар шаклида бўлса, араблар учун эса ҳарбий бож сифатида қабул этилар эди. Мамлакатдаги араб аскарлари, уларнинг оила аъзолари бундай харажатлардан бутунлай озод этилган эдилар. Бу давр араб раҳбарияти маҳаллий аҳоли тарафидан исломни қабул қилишларига мутлақо йўл қўймас эдилар. Чунки исломни қабул этиш мусулмонни ҳуқуқий жиҳатдан араб билан тенг қилиб қўяр

эди. Натижада солиқ тўловчиларнинг сони кескин камайиб кетарди. Ўзларини «тоза қонли» деб ҳисобловчи араб босқинчиларининг «муслмон бўлиш учун аввал араб бўлмоқ керак» деган таассубиятли хатти-ҳаракатлари кўп кўзғолонларга сабаб бўлди.

Аксарият кўзғолонлар араблар билан маҳаллий аҳолининг ҳақ-ҳуқуқларини тенглаштириш шиори остида бўлиб ўтди. 734-746 йилларда бўлиб ўтган ал-Ҳорис ибн Сурайж, 747-755 йилларда юз берган Абу Муслим бошчилигидаги ҳаракатлар Умавийлар халифалигини (660-750) ларзага солиб, унинг қулашига олиб келди. Бу кўзғолонлар Хоразм халқи, маҳаллий ҳокимият тарафидан қизғин қўллаб-қувватланганлиги ҳақида кўплаб тарихий маълумотлар мавжуд. Масалан, Абу Муслим лашкарларидан халифа ал-Мансурга (754-775) Бағдод шаҳрини қуришга ёрдам бериб, сўнгра пойтахтда яшаб қолган хоразмликлар алоҳида «Хоразмия» маҳалласини барпо этганлар. Хива шаҳрида ал-Ҳорис ибн Сурайж (Буварис бобо) қадамжойининг мавжудлиги, Амир Темур (1336-1405) томонидан ушбу даврда катта обрўга эга бўлган Абу Муслимнинг хоразмлик авлодларига ёрлик берилиши юқоридаги фикр-ни тасдиқлайди.

Аббосийлар (750-1258) ҳокимиятга келгандан кейин ҳам Марказий Осиё халқларининг миллий мустақиллик, миллий маданиятни сақлаб қолиш учун олиб борган курашлари давом этди. Миллий озодлик учун кураш диний шиорлар остида ўтган Абу Муслим иши давомчилари — Абд ал-Жаббор ибн Абд ар-Раҳмон (757 йил), Исҳоқ ат-Турк (767-768), ал-Муқанна (776-780), «оқ кийимлилар» («мубайида»; VIII—XII асрлар) ҳаракатларида ўз аксини топди. Улар маҳаллий аҳоли ва ҳокимият вакилларида хайрихоҳлик туйғуларини уйғотди. «Арабий Марказ — Миллий Чекка Худудлар» қарама-қаршичилигида мафқуранинг роли орта бошлади. Марказни танқид қилувчи турли исломий фирқа ва мазҳаблар чекка минтақаларда катта муваффақият қозона бошладилар. Улар қаторига Муржи'а, Жаҳмия, Муътазилия, Ботиния, Кайсония-Мубайидия, Исмоилия, Зоҳидлик таълимотларини киритишимиз мумкин. Ўз навбатида мазкур таълимотлар маҳаллий диний тажриба, миллий маданият билан те-ран мулоқотга киришди.

Аббосийлар халифалиги инқирозга юз тутган бир даврда ўз мустақиллигини қайта тиклашга киришган маҳаллий сулолалар мазкур илмий гуруҳлар вакиллари кўллаб-қувватлашни кучайтирдилар. Сиёсий, иқтисодий, ҳарбий қудратга эришган Хоразмшоҳлар давлати мамлакатни бирлаштириш, унда тартиб ўрнатиш бўйича тадбирларни бошлаб юборди. Кун тартибда давлат ички ва ташқи сиёсатини олиб боришда мафқуравий масалаларни ҳал қилиш турар эди. Бу масалани ечишга қодир кучлар мамлакатда мавжуд эдилар. Тез орада Хоразмнинг буюк олимлари саройга таклиф этила бошладилар. Бу гуруҳ олимлари тузган муҳит баъзи замонавий тадқиқотчилар томонидан «Маъмунийлар академияси» деб ном олди. Бу гуруҳ асосини қуйидаги олимлар ташкил этдилар:

1. Абу Саҳл Исо ибн Йаҳё ал-Масиҳий ал-Журжоний (970—1011). Табиб, Ибн Си-нонинг устози. Гурганжда ал-Маъмунийлар саройида ал-Берунийдан илгари даврдан (1004 йил) бошлаб ишлаб бошлаган.

2. Абу Наср Мансур ибн Али ибн Ироқ ал-Жаъдий (X аср — 1034). Хоразмшоҳ-Афригийлар оиласидан. Ал-Берунийнинг тарбиячиси ва устози. Жаъд ибн Дирҳам асос солган монавийларга яқин бўлган Жаъдия фирқаси вакили. Кот, Гурганж ва Ғазнида фаолият кўрсатган. Котдан Гурганжга ал-Беруний билан деярли бир даврда кўчиб ўтган.

3. Абу-л-Хайр ал-Ҳасан ибн Сувор ибн Бобо ибн Баҳром ибн ал-Хаммор (942—XI аср боши). Абу Наср ал-Форобий ўқувчиси Йаҳё ибн Аднинг (893—974) шогирди. Фалсафа, мантиқ, тибб соҳасида олим. Грек ва сурёний тилидан араб тилига таржима билан шуғулланган. Гурганжга ал-Берунийдан илгари келган.

4. Абу-Райҳон Муҳаммад ибн Аҳмад ал-Хоразмий ал-Беруний (973—1048). Котда хоразмшоҳ Муҳаммад саройида фаолият кўрсатган. 1004—1017 йилларда 13 йил давомида Гурганжда фаолият кўрсатган.

5. Абу Али ал-Ҳусайн ибн Абдуллоҳ ибн Сино (980—1037). 1005—1011 йилларда Гурганжда Маъмурийлар саройида яшаб ижод этди. Маъмунийлар вазири Абул-Ҳусайн Аҳмад ас-Суҳайлий саволига жавобан бир рисола ёзган. 997 йилда Бухоро шаҳридан Кот шаҳрида яшовчи ал-Беруний билан ёзишмада бўлган.

6. Абу Али ал-Ҳасан ибн Ҳорис ал-Ҳубубий ал-Хоразмий (X—XI асрлар). Математик, қози. Жумладан, мерос тақсимлашда, динор ва дирҳам бўлақларини белгилашда математик услублардан кенг фойдаланган.

Юқоридан номлари зикр этилган буюк мутафаккирлар ҳаётлари, қолдирган асарлари фан тарихчилари томонидан чуқур ва ҳар тарафлама ўрганилган. Лекин совет даври олимлари уларни бир ёқлама табиётчи олим-таққотчилар сифатида таърифлайдилар. Гўёки бу мутафаккирлар динни қақшатқич тусда танқид этиб, бединлик мавқеига яқинлашганлар. Эски давр фани учун фан ва диннинг инсоният ҳаётида алоҳида ўз ўринларига эга эканлигини рад этиб, уларни бири-бирига кескин қарама-қарши қўйиш хосдир.

Марказий Осиёлик мутафаккирлар ҳаёт йўллари, ижодлари асосий йўналишлари билан танишиш уларнинг диний масалаларда бетарафлик мавқеида турмаганликларини кўрсатади. Масалан, Берунийнинг устози Абу Наср ибн Ироқ мутакаллимларнинг Жабдия мактабига мансуб бўлган. Кейинчалик Хоразм ҳанафийлари орасида мутакаллимларнинг асосий мактаби Муътазилия XI—XIV асрларда кенг тарқалди. Ал-Беруний ўзи ёзган асарларида абумуслимийлар, ал-Муқанна тарафдорлари, мубаййидийлар, қарматийларга кўп эътибор берган. Абу Наср ал-Форобий (873—951) «Ихвон ас-сафо» ҳаракати ва қарматийларга, Ибн Сино эса исмоъилийларга хайрихоҳлик билан қараганликлари яхши маълум. Бу таълимот ва ҳаракатлар учун умумий жиҳатлар мавжуд. Биринчидан, улар Аббосийлар халифалигига муҳолафатда бўлиб, миллий мустақиллик учун курашаётган сулолаларни қўллар эдилар. Иккинчидан, улар дин асослари, айниқса унинг дунёвий ҳаёт билан чамбарчас боғлиқ соҳаларини талқин этишда рационалистик (ақлий) ёндашувга катта ўрин берардилар. Бу борада улар антик фалсафа ва фанлар, маҳаллий илму фан ютуқларидан кенг фойдаланар эдилар. Шу жиҳатдан бу йўналиш диндаги бошқа оқим — динийликни дунёвийликдан устун қўювчи, ўзларидан аввалги диний жамоа амалиётига сўзсиз тақлид қилувчи («муқалладун») анъаначилардан фарқ қиларди.

Мазкур мутафаккирларнинг фирқа ичидаги мавқелари ҳам ўзига хос эди. Масалан, ал-

Форобий «Маъсум имом» бошчилигида жамият қуришда Платоннинг «Фозил кишилар шаҳри» таълимотини асос қилиб олди. У диний илмлар ва фалсафанинг бошқа соҳаларини шу таълимотга бўйсиндирди. Ал-Форобийнинг бу тизими исмоъилий-қарматий анъаначилари орасида «Имомнинг анъанавий биринчи таълими»дан фарқли «Иккинчи таълим» («ат-Таълим ас-сонини» номини олди. Олимнинг ўзи эса таълимоти учун «Иккинчи муаллим» («ал-Муъаллим ас-сонини») лақабини олди. Абу Наср ўз таълимотини амалга ошириш учун Бувайҳийлар, Ҳамдонийлар, Фотимийларнинг бир саройидан иккинчи саройига самарасиз кўчиб юрди. Ибн Сино ал-Форобий таълимотининг алоҳида соҳаларини чуқурлаштириш, батафсил баён этиш йўлини танлади. У идеал таълимотни амалга оширишни Хоразмшоҳлар саройидан бошлади. Пировард-натижала, бу ишда Ибн Сино ўтмишдоши ал-Форобийдан фарқли равишда анча муваффақиятларга эришди. У Бувайҳийлар саройида вазир даражасига етишди. Шунинг учун Ибн Сино фирқа аъзолари ичида «аш-Шайх ар-Ра'ис» («уламо-ҳукумат бошлиғи») лақабига эга бўлди.

Абу-р-Райҳон ал-Беруний ушбу масалаларда юқоридаги икки мутафаккирга қараганда реализмга (ҳаққониятга) яқинроқ эди. У фан билан бевосита шуғулланган кишигина фан ҳақида фикр юритиши мумкин, деб ҳисоблаган. Бунинг учун у, албатта, файласуф бўлиши керак, яъни барча мавжуд фанларнинг асосини билмоғи лозим. Уларнинг тафсилотларини билиш учун инсон ҳаёти етмас. Ўзи қизиққан, ўзига керак фанлар билан эса конкрет шуғулланиши мумкин. Бу принциплар Маъмунийлар Академияси аъзолари учун устувор бўлди. Чунки бу мактаб учун ал-Беруний шахсининг аҳамияти улкан эди. 998—1003 йиллар орасида Ибн Синонинг устози Абу Саҳл ал-Масиҳий ва Абу Наср ибн Ироқ ўзларининг 12 тадан рисоаларини шахсан ал-Берунийга бағишладилар. Ал-Берунийнинг ал-Маъмун ибн ал-Маъмун даврида сиёсий мавқеи ҳам юқори бўлган. У ташқи сиёсат соҳасида реализм позициясида турган. Жумладан, Маҳмуд Ғазнавий (998—1030) томонидан Хоразмшоҳлар давлатига таҳдид кучайганда, ал-Беруний Қорахонийлар (840—1212) билан иттифоқчиликни кучайтиришни тақлиф этган эди.

Маъмунийлар Академияси олимлари дунёқарашларининг шаклланишига Қадимги Юнон, Яқин ва Ўрта Шарқ, Ҳиндистон илму фан ютуқлари асос бўлганлигини сўзсиз эътироф этиш даркор. Бунга шу даврда Гурганждаги Ибн ал-Хамморнинг грек ва сурёний тиллардан таржимонлик фаолияти ёрқин мисол бўла олади. Лекин Академия аъзоларининг аксарияти олим сифатида Марказий Осиёда шаклландилар. Уларнинг илмий фаолияти, асарлари туфайли Қадимги Хоразм бадий санъати, адабиёти, астрономияси (фалакиёт илми), математикаси, ирригацияси ютуқлари жаҳон цивилизацияси хазинасига кирди ва бутун инсоният манфаатларига хизмат қила бошлади.

Маъмунийлар Академияси вакиллари маҳаллий илмий муҳит вакилларининг ютуқларидан кенг фойдаланганлар. Улар ўз асарларида X аср олимлари математик Абу-л-Ҳасан Озархур ибн Жашнас, астроном Аҳмад ал-Фарғоний, географ ал-Жайҳоний, астроном, «Фахр секстанти» асбоби кашфиётчиси Абу Маҳмуд ал-Хўжандий, табиётчилар Абу-л-Ҳасан ас-Самарқандий, Сулаймон ибн Исма ас-Самарқандий, Саъид ибн Хафиф ас-Самарқандий, Аҳмад ас-Соғоний, қомусий олим Абу Абдуллоҳ ал-Хоразмий, «Ихвон ас-Сафо» нинг самарқандлик аъзолари чиқарган илмий хулосаларга суяндилар. Маъмунийлар Академияси анъаналари кейинчалик ҳам уларнинг Марказий Осиёлик издошлари томонидан давом эттирилди. Марказий Осиёда илм-фан ривожига узилишлар ҳақидаги баъзи тадқиқотчиларнинг нотўғри фикрлари ягона бўлган ўрта аср фанини табиёт-фалсафа ва соф диний фанлар гуруҳларига сунъий бўлишдан келиб чиқса керак. Ва бу тадқиқотчилар биринчи гуруҳ фанлари Марказий Осиёда назарий аҳамиятга эга бўлиб, амалиёт билан боғланмаган, деган фикрни асос қилиб оладилар. Бу хулосани Маъмунийлар Академияси олимлари фаолияти рад этади. Улар «Илму фан фойдалилиги булар ёрдамида кишилар учун зарур ҳожатларга эришмакдир» асосларига суянганлар. Бу олимлар Хоразм табиатини, унинг иқлимини, су-

ғориш тизимини, минералогиясини, ер ости сувларини, Амударё дельтасининг тарихини, коризлар қуриш орқали тупроқни тозалаш йўлларини тадқиқ этганлар.

Улар маънавиятнинг бошқа соҳалари билан ҳам шуғулландилар. Академия аъзоларидан олим Абу Бакр ал-Хоразмий, табиб Абу-л-Фараж ибн Ҳинду шеърятда юксак маҳоратга эришганлар. Хоразм тарихи, динлари, тақими, байрамлари, урф-одатлари, ёзуви, миллий қадриятлари ҳақидаги қимматли маълумотлар уларнинг фаолияти туфайли бизга етиб келди.

Хоразм олимларига илмда қатъийлик хос эди. Улар улуг номларга сажда қилишдан узоқ бўлиб, ўз хатоларини исботланган ҳолда тан олар эдилар. Масалан, Аристотель йўл қўйган кўп хатолар текширишлар давомида тuzатилди, ислом диний қонунида ўз аксини топмаган қутбдаги давомий тун ва кунлар масаласи осонлик билан фалакиёт фани нуқтаи назаридан тушунтирилиб, ечилди. Ал-Беруний қайд этишчи, қадимда Хоразм астрономлари юлдузлар жойлашиш тартибини араблардан кўра яхшироқ билишган.

Маъмунийлар Академиясининг олимлари ўз даври муаммоларини ечишда анча муваффақиятларга эришганлар. Улар жамият ҳаётида дунёвийлик ва динийлик мезонлари орасида уйғунлик, турли қарашдаги олимлар орасида ўзаро тинчлик, маънавиятни ривожлантириш, турмуш шароитини яхшилашда илму фан родини ошириш масалаларини ҳал қилишда ўзларининг оқилона таклифлари билан чиқишди. Бу масалаларнинг кўпчилиги ҳозирги давр учун ҳам долзарб бўлиб турибди. Шунинг учун Маъмунийлар Академиясини қайта ташкил этиш ҳақидаги Президентимизнинг фармони давр талабларидан келиб чиққан улугвор иш бўлди.

*Неъматилла ИБРОҲИМОВ,
Ўзбекистон Республикаси Фанлар
Академияси мухбир аъзоси.*

*Ашурбек МЎМИНОВ,
тарих фанлари номзоди.*

Янги ташриф, ЯНГИ СОВҒА

Қамар Раис: «Ўзбекистон — эврилишлар силсиласида», Дехли.

Элда «бу ёрнинг сувини ичган қуш Маккадан қайтиб келади», деган нақл бор. Ўзбек халқи учун қадрдон бўлиб қолган ажойиб шахс— ҳиндистонлик мусулмон фуқароси, таниқли урду шоири ва етук олим жаноб Қамар Раиснинг юртимизга янги ташрифи беихтиёр юқоридаги нақлни ёдимга туширди.

Жаноб Қамар Раис жуда қисқа муддатда, Ўзбекистонга навбатдаги сафаридан атиги бир ой (!) олдин нақ 240 саҳифалик китобини ўзбек китобхонларига совға қилиб олиб келди. Китоб урду тилида ёзилган, «Ўзбекистон — эврилишлар силсиласида» (Ўзбекистан — инқилаб се инқилаб так) деб аталади. Қалин муқовали, ўзбек миллий нақшлари билан безатилган. Муқовада давлатимиз рамзлари бўлмиш байроқ ва герб тасвирлари рассом томонидан шундай маҳорат билан жойлаштирилганки, улар миллий нақшу ниғорлар билан уйғунлашиб, гўё юртимизнинг ўтмиши, ҳозир ва келажагини кўз-кўз қилиб тургандай.

Дарвоқе, бу муаллифнинг юртимиз билан боғлиқ биринчи ижодий иши эмас. 1961 йилдан бошлаб Қамар Раис узоқ муддат, қарийб саккиз йил Ўзбекистон ўқув юртларида дарс берди. Бу давр мобайнида у ўзбек илмий жамоатчилиги фаолияти билан ҳам, ўзбек халқи ҳаёти билан ҳам чуқур танишиш шарафига муяссар бўлди. Ҳатто она юрти Ҳиндистонга кетган пайтларда ҳам Ўзбекистон мавзуи унинг доимий ижодий ҳамроҳи бўлди: олим Дехли дорилфунунида ўзбек тилини ўқитиш ташаббускори ҳисобланади.

Озодлик, мустақиллик каби эзгу ва табаррук сўзлар маъносини ҳиндлар бошқа-

лардан кўра тётанроқ тушунишлари табиий, албатта. Чунки юз эллик йилдан ортиқроқ вақт давомида инглиз мустамлакачилари бу жафокаш миллатнинг қонини зулукдай сўрди. Шунинг учун бўлса керак, Ер юзининг қайси бурчагида бир мазлум охи эшитилса, энг аввало ҳинд халқининг юраги сирқирайди. Жонажон диёримиз чинакам озодлик нашъасини тота бошлагани оламга маълум бўлган кундан Қамар Раиснинг қалбидаги сирқираш тингандай бўлди— у мустамлакачиликнинг сўнгги аламларини номи юқорида зикр этилган китоби воситасида юрагидан абадий аритди. Ўзбекистон озодлиги унинг ҳам вужудига, ҳам шуурига фараҳ бахш этди. Деярли ўчаётган шамдай липиллаб қолган хотиралар ўзбеклар хуррияти эпкинидан қайта жонланиб, оппоқ сатрлар узра тўкила бошлади. «Эврилишлар силсиласида» китобининг дастлабки сатрлари жафокаш ва меҳнаткаш халқимизга алқов ва шукроналик туйғулари билан йўғрилган. Бахтимизнинг рамзий ифодаси сифатида муаллиф «бахт ва шодлик куйчиси» Ҳамид Олимжоннинг «Бахтлар водийси» манзумасини тўлалигича келтиради. Мазкур шеърни муаллиф бундан 30 йиллар олдин ўзи таржима қилган. «Ўзбекистон шоирлари» китобидан олинган. Шундан сўнг анъанавий «Дебоча»да юртимизнинг ўтмишига, унинг азалий ҳам-сояси бўлмиш буюк Ҳиндистон билан дўстона алоқалар тарихига бирров назар ташлайди. Шуниси эътиборга моликки, Қамар Раис биздаги манбалардан кўра кўпроқ ўз мамлакати олимларининг фик-

рларига таянади, чунки биздаги аксарият тарихий далиллар етмиш йил давомида нечоғли ўзгартириб юборилгани афкор оммага асло сир эмас.

«Ўзбекистон Республикаси бизнинг шимолдаги қўшнимизгина эмас, балки маданий ва тижорат алоқаларимиз икки минг йиллик тарихга эга бўлган яқин ҳамкоримиз ҳамдир. Бугунга келиб беш қисмга бўлиб юборилган Марказий Осиё республикалари ичида биз учун Ўзбекистон алоҳида аҳамият касб этади», деб ёзади муаллиф. Сўнгра фикрини давом эттириб айтадики, ўзбеклар Бобур билангина Ҳиндистонга келмаганлар, бундан бир ярим минг йил муқаддам Марказий Осиё тарафлардан орииларнинг кўчиб келишини ҳисобга олмаган тақдирда ҳам эрамининг ўнинчи асригача давом этган Кушон ҳукмронлиги даврида бу иккала минтақа ўртасидаги муносабатлар ҳавас қилгулик даражада юқори бўлган. Маълумки, мазкур салтанат Шимолий Ҳиндистон, Афғонистон, Кашмир ва Марказий Осиё худудларини қамраб олган эди. Кушонлар келиб чиқиши турклардан эди. Канишка даврида бу салтанат сарҳадлари бутпараст Марказий Осиёдан Чингача ёйилган эди". Машҳур хинд олими Насим Аҳмад Шоҳнинг «Ўрта Осиёда мусулмонлар ҳаёти» китобидан қуйидаги иқтибос келтирилади: «Ўрта Осиёга арабларнинг кириб келиши бу ерда янги маданият ривожланишига омил бўлди... Ўрта Осиё орқали бу маданият Ҳиндистон ярим оролига кўчиб ўтди...» Ўзбекистон худудидаги Самарқанд, Бухоро, Андижон, Хоразм, Тошкент каби қадимий шаҳарларнинг турли даврдаги тараққиёт жараёнларига назар ташлар эканмиз, фан ва маданият гуллаб-яшнаган даврларда ҳам, чет эл босқинчилари тажовузи туфайли инкирозга юз тутган даврларда ҳам Ҳиндистон ҳамиша ижобий роль ўйнаб келган. Европани Хитой билан туташтирган Буюк Ипак йўлининг ҳам бир қисми бу мамлакат сарҳадларидан ўтган. Иқрор бўлиш керакки, Ҳиндистонда ҳукм сурган инглиз мустамлакачилик сиёсати ҳар иккала минтақа ўртасидаги азалий муносабатларни анча издан чиқарди. 1947 йилда қўлга киритилган мустақиллик шарофати билан бу

муносабатлар яна тикланиб, ривож топа бошлади. 1991 йил Ўзбекистон мустақил деб эълон қилинган дастлабки кунлардаёқ унинг биринчи Президенти Ислоҳ Қаримов Ҳиндистон билан Ўзбекистон ўртасидаги чинакам дўстона алоқаларни янада кенгайтиришга алоҳида эътибор бериш кераклигини айтди. Ҳозирда Ўзбекистон шаҳар ва кентларида фаолият кўрсатаётган кўплаб хинд фирмалари, қўшма корхоналари Президентнинг бу ташаббускорона фикрини дастлабки исботлари деса бўлади.

Шундай бўлса-да, муаллиф Ҳиндистонда ўзбек халқи тўғрисида маълумотлар у қадар кўп эмаслигидан афсусланади ва бу борада кўзга қўринарли қандай ишларни амалга ошириш керак деган саволни ўртага ташлайди. Ушбу китобни ёзишдан асосий мақсадим, ўзим кўрган, ўзим бошимдан кечирган воқеалар тасвири воситасида юқоридаги саволга қисман бўлса-да, жавоб беришдир, деб эътироф этади Қамар Раис. Албатта, сурункасига бир неча йил мамлакатимизда яшаб ижод этган олим бисотида озмунча маълумотлар бўлмайди. Қамар Раис ўша пайтларда тутган кундалик дафтарлари, қайдномаларидан унумли ва ўринли фойдаланар экан, Ўзбекистоннинг мустақилликдан олдинги ва кейинги ҳаётидаги тафовутни тўғри баҳолашга ҳаракат қилади. Собиқ тоталитар тузумда гарчи ҳамма нарса мўл-кўл, ҳатто исрофгарчилик даражасига етган бўлса-да, аммо кишилар онги ва руҳидаги ботиний чеклашлар, бировнинг амри фармонига муте бўлиб яшаш охир-оқибатда нималарга олиб келиши мумкинлигига ишора қилади. Ўзбекистоннинг бир ютуғи шундаки, у мустақилликни тинч йўл билан қўлга киритди. Ҳиндистон эса мустақиллик учун роса бир юз эллик йил кураш олиб борди ва бу курашларнинг жуда катта қисми қон тўкиш ва қурбонлар бериш билан яқунланди. Боз устига у Покистон, Бангладеш каби мамлакатларга бўлиниб, бундай бўлинишлар хавфи ҳамон хинд халқи бошидан аригани йўқ. Ўзбекистон мустақилликка эришгандан кейинги тинч ҳаёт ва ижтимоий тараққиёт китоб муаллифи қалбини ҳаяжонга тўлдирди.

Жаноб Қамар Раис табиатан шоир. Бу унинг мазкур китоби саҳифаларидан ўрин олган лирик чекинишлардан, эҳтиросли ташбехлардан яққол сезилиб туради. Гарчи оиласи ёнида бўлса-да, бир азиз ва мўътабар инсон сифатида ардоқланса-да, Ватандан жудолик ҳисси шоир-муаллифларни бир зум тарк этмайди. Бу ҳолатда Қамар Раиснинг шу китобга илова қилган «Эҳсаси яганат» («Ёлғизлик туйғуси») шеърисида ўз ифодасини топган.

Яна шу нарса эътиборга молики, муаллифнинг шоирона таъби кишилар билан ўзаро ҳамжиҳат ва ҳамдард бўлиб яшашига имкон туғдиради. Гоҳ саёҳат, гоҳ иш баҳонаси билан жумҳуриятимизнинг ўзга шаҳар ва кентларига борганда Қамар Раисни ўша жойдаги қадимий обидалар ё юксак иншоотлар билан бирга яна бир кўзга кўринмас манзара — оддий ўзбек кишининг қалбидаги кечинмалар ўзига маҳлиё этади. Мана, Қамар Раис ўз шогирди Хурматжон билан Андижон саёҳатида: «Хурматжон қайнатасиникига кетди ва қайтиб келгач, иккаламиз ширин сув шалоласидан мириқиб сув ичдик, сув дарҳақиқат болдек тотли ва муздек эди. Мен ўйлаб кетдим: Хурматжоннинг рафиқаси (Муножот Йўлчиева) ўзининг хонандалик маҳорати билан дунёга донг таратган. Америка, Франция ва Японияга борган, давлат томонидан алоҳида тақдирланган. Бу бежиз эмас, ахир у суви болдек ширин мана шу кишлоқда туғилиб ўсган-да! Мана шу кўркем ва обод кишлоқ уни бешик бўлиб тарбиялаган ва шу бешиқда қизгина ўзининг илк ашуласини хиргойи қилган. Мана шу жаннатнамо водий унинг илк балоғатлик ашуласини тинглаб, оқ фотиҳа берган ...».

Самарқанд саёҳатида Қамар Раис тарихий маълумотларга таяниб, бу қадимий шаҳарда яшаб ўтган буюк алломалар ҳаётидан ва жой номлари тарихидан айрим лавҳаларни келтиради. «Самарқанд аҳолиси сунний мазҳабидан ва хуш ақидадир. Самарқандда буюк алломалар етишиб чиққан. Шайх Абунасур Таридий илми Калом соҳасида ягоналардан эди. Самарқанддаги Мотурид маҳалласида яшаган. Дарёи Кўҳак шаҳардан икки қўс наридани оқди. Бу дарёнинг Кўҳак

дейилишига сабаб, туркий тилда кичикроқ тоғни Кўҳак дейилади, шу тоғ тагидан дарё оқиб ўтади. Шу дарёдан бир ирмоқ ажралиб чиққан ва шаҳардан икки чақиримча наридани оқди. Самарқанд атрофидаги жами боғ-роғлар шу ирмоқдан сув ичади. Самарқандда узум, қовун, олма, анор ва бошқа анвоий мевалар сероб. Айниқса узум ва олмаси беназирдир» (Рашид Ахтар Надвий).

Самарқанд обидаларидан Хўжа Аҳрор Валий мадрасаси таърифида: «Масжид қошида Хўжа Аҳрор Валий номига мадраса бор. У бир пурвиқор ва улкан бинода жойлашган. Фарғона ҳукмдори, ўзи дурустгина шоира Нодира 17-асрда мадрасани таъмирлатган эди. Ҳоят улугвор дарвозага оҳуни қувиб кетаётган икки шер тасвири туширилган. Маълумки, оҳу илму жох ва шер толиби илм рамзидир. Ушбу мадраса бугунги кунларда ҳам ишлаб турибди».

Шу тариқа муаллиф Ўзбекистоннинг ўнлаб шаҳару кентларига қизикarli сафарлар уюштириб, юзлаб дўст орттиради. Улар ичида олимлар, ёзувчи ва шоирлардан тортиб оддий хунар-қасб эгалари, деҳқону чорвадоргача учрайди. Айниқса шогирдлари тўғрисида Қамар Раис алоҳида эҳтирос билан сўзлайди ва ҳар ташрифида уларни кўришга ҳаракат қилишини айтади. Юқорида қайд этганимиздек, мамлакатимизда чет тилларига, хусусан шарқ тилларига бўлган қизиқиш муаллифнинг эътиборини тортади. Қайси шаҳарга бормаи, деб эслайди у, албатта кимдир ҳиндий ё урду тилида менга мурожаат қилганининг шохиди бўламан. Китобнинг каттагина қисми республикамизда мазкур тиллар ривожига катта ҳисса қўшган ва қўшаётган илм ахлларига бағишланган. Раҳмонберди Муҳаммаджонов (марҳум), Зийнатилла Ашурбоев (марҳум), Наби Муҳамедов (марҳум), Фаттоҳ Тешабоев, Суръат Мирқосимов, Тоҳир Иброҳимов, Озод Шоматов, Қурбон Тўлаганов, Фафур Рихситиллаевларнинг ҳар бири тўғрисида қисқа, аммо лўнда тавсифлар берилганки, муаллиф уларнинг шарқшунослик борасида қилган ва қилаётган савобли ишларидан фахрланиб сўзлайди.

Мозийга қисқа сафардан сўнг Ўзбекистоннинг бугунги кунига қайтилади. Қа-

мар Раиснинг барча аввалги хорижий фаолияти Совет даврида кечган эди. Холисликни дастуриламал қилган ҳолда у ўзбек халқининг мустақил ҳаётида кечган бешолти йилдаги ўзгаришларни ўта сезgirlлик билан илғаб олади. Уни айниқса кишилар онгидаги ўзгариш кўпроқ ҳайратга солади. Мустақиллик шарофати нимада кўринади? Бу саволга мен «Қамар Раиснинг ушбу китобида» деб жавоб бергим келади. Чунки Советлар даврида шу шoirнинг чақалоқ кафтича келадиган шеърий китобини ўзбек тилида не машаққатлар билан нашр этган эдик. Энди эса чет элда чоп этилган бутун бошли асарни «сиёҳи қуримай» ўқишга муяссар бўлиб турибмиз.

Китобни мутолаа қилар экансиз, меҳмондўст халқимизнинг суврату сийрати ўзининг асил қиёфасида намоён бўлади. Самарқанд, Бухоро, Хива, Тошкент ва бошқа шаҳарларда жойлашган қадимий осори атиқалар бу ўлқанинг тарихи нақадар чуқурлигидан дарак берса, барча соҳалардаги замонавий ютуқлар эса унинг келажаги буюклигини тасдиқлаб тургандек. Қамар Раис Ўзбекистонда хусусан урду тилига бўлган қизиқиш ниҳоятда кучли эканлигини қайтақайта тилга олади. Қайси бир шаҳарга қадам қўямасин, у ерда, албатта, унга бир эмас, бир нечталаб урду ё ҳиндий тилидан мукамал билимга эга тилшунослар ҳамроҳ бўлганини севинч билан таъкидлайди.

«Эврилишлар силсиласида» китобининг каттагина қисми ўзбек-ҳинд дўстона муносабатларнинг мустаҳкамланишига салмоқли ҳисса қўшган ва қўшаётган ҳиндшунос ўзбек олимлари ва давлат арбобларига бағишланган. Ҳаяжонли воқеаларни тилга олар ё эслар экан, унинг илҳом билан доим лиммо-лим қалбидан қайноқ ҳислар назмий сатрларда бот-бот чашмадай отилиб туради. Китобнинг завқ билан ўқилиши сирларидан бири шу бўлса ҳам, ажаб эмас. Дўст бор жойда шодлик, сурур бўлади, дўстлик бор жойда қут, бара-

ка бўлади. Қамар Раис дўстлари даврасида кечган сон-саноксиз зиёфатлару меҳмондўстликларни тилга олар экан, бунинг замирида ейилган-ичилган нарсалардан зинҳор мақтаниш ётмайди, балки бу неъмат ва имкониятни яратиб берган сархаватли ўзбек халқининг меҳнатсеварлиги, меҳмонсеварлиги мана мен деб туради. Асар охирироғида муаллиф худди шу нарсага алоҳида урғу беради — тоталитар тузум шароитида ўзлигини бу қадар намоён эта олган халқ бугун барча кишанларни улоқтириб ташлади. Бу оозодлик, бир тарафдан ўзбеклар учун бамисоли «осмондан тушгандек» бўлса-да, аслида уни ётмиш йиллик ҳалол тўккан пашона тери билан қўлга киритди. Мамлакат миқёсида бўлаётган ҳозирги шиддатли ўзгаришлар муаллифни ошқора ҳайратга солади. У бу ўзгаришлар айна пайтдаги давлат раҳбарлари, хусусан президент Ислам Каримов чизиб берган режа асосида ва бутунлай эзгу мақсадда оғишмай амалга оширилаётганини далиллар билан эътироф этади.

Истиклол шарофати билан мамлакатимизда хорижий муносабатларни ривожлантириш йўлида янгидан-янги уфқлар очилмоқда, тафаккур машъали бўлмиш адабиёт ҳар доим бўлгани каби эзгуликлар йўлида ҳозир у нозир, хизматда камарбаста. Ўзбек халқининг дилга яқин дўсти шоир Қамар Раис хориждан туриб ўзбеклар даъватига биринчилардан бўлиб «лаббай» дея жавоб қайтарган жонкуяр ижодкорлардан бири ҳисобланади. Қамар Раис жаноблари шу кунларда Ҳиндистон элчихонаси қошидаги маданият маркази директори бўлиб ишлаб турибди, у бир дақиқа бўш вақт топса, ижодга сарфлайди. Ҳозир у Заҳириддин Муҳаммад Бобур ҳақидаги рисоласини ёзиб тугатиш арафасида. «Жаҳон адабиёти» журнали кунчак ижодкор Қамар Раис жанобларига (1997 йили у 65 ёшга тўлди) узоқ умр, сихат саломатлик ва янгидан-янги ижодий муваффақиятлар тилайди.

Амир ФАЙЗУЛЛА

Аркадий АВЕРЧЕНКО

Ҳажвий ҳикоялар

БЎРИ ПЎСТИН

Ёзишма:

Пианиночи Зоофилов амалдор Трупакиндан вақтинча бўри пўстинини сўраб олган эди... Зоофилов шубани бир ҳафтадан кейин қайтараман, деб ваъда беришига қарамасдан, аксинча уни бир татар кишига сотиб, пулини ўз ўртоқлари билан ичиб тутади. Трупакин Зоофиловнинг бу қилмишидан қаттиқ ранжиди.

I

Декабр ойининг қахратон соғуғида пианиночи Зоофилов таниши амалдор Трупакиннинг хонасида ўтириб, унга шундай деди:

— Азизим, айтинг-чи, бир ҳафтагина бўри пўстинингизни бериб тура олмайсизми? ... Чебурахинскийга концертга бормоқчи эдим. Пальтом бору жуда юпқа. Чебурахинскийгача от билан ўтгиз чақиримча келади. Пўстинингизини бир ҳафтага бериб савобли иш қилинг.

— Бирданига йўқолиб қолса-чи? Уни йўқотсангиз-чи?

— Йўғ-е, йўқолмайди. Худо сақласин ...

— Ўзимга керак бўлиб қолса-чи?

— Ахир сизда бошқа янгиси бор-ку.

Амалдор Трупакин қуруқ лаби билан кўкиш мўйловини силаб ойна томон қараб олиб деди:

— Борликка бор. Янгиси. Албатта, яқин танишлар бир-бирларига яқиндан ёрдам беришлари керак. Худога шуқур. Ҳар қалай биз ҳайвон эмасмиз-ку. Яхши, Стефан Семёнович. Сизга пўстинни бераман. Одамзот ит эмаски, совуқ қотмаса.

Пианиночининг кўзлари шодликдан чарақлаб кетди.

— Берасизми? Унда, раҳмат!

Неъмат АМИНОВ
таржимаси

Аркадий Аверченко (1881–1925) – рус адабиётида А. Чеховдан кейин ҳажвийёт бобида энг иқтидорли ёзувчилардан бири. Унинг «Сатирикон» журнали Россиядан ташқарида ҳам машҳур бўлган. Инқилоб билан чиқиша олмай чет элга кетган ва хорижда вафот этган. Унинг «Қайнаётган қозон», «Анойининг мактублари», «Инқилоб кўксига санчилган ўн икки пичоқ», «Болалар», «Қичишқон устида истироҳот», «Беҳаёнинг ёндафтари» сингари китоблари кулгисеварлар орасида, айниқса, машҳурдир. Ўзбек тилида илк бор таржима қилиб берилаётир.

ЖАҲОН АДАБИЁТИ

191

— Бераман, дедимми, албатта, бераман. Бўлмасам-чи. Пўстин бир нима бўлиб кетмайди-ку. Шундай эмасми?

— Албатта, албатта.

— Ўзим ҳам шундай деб ўйлайман, Марья Семёновна.

Амалдор Трупакин хонага кирган хотинига мурожаат қилди:

— Биласанми, Мари, бизнинг пианиночимиз навбатдаги концерт сафариди музлаб қолишдан кўрқиб турибди. Шубани чиқариб бера қол.

— Жуда яхши, — деди хотин, — бемалол лойиқ келади.

— Ўзим ҳам шундай ўйлаб турибман, биз ҳайвон эмасмиз-ку инсонни совуққот-тириб қўйсақ. Шундай эмасми?

— Сиздан жуда миннатдорман, Иван Петрович.

— Миннатдорчиликнинг нима ҳожати бор ... Ҳаммамиз бир-биримизга ёрдам беришга бурчимиз! Ахир биз ҳайвон ёки ваҳший эмасмиз-ку. Ҳа-Ҳа! Худога шукур, бўйнимизда хочимиз бор.

Ишхонасида телефон жиринглади.

— Алло! — деди Трупакин телефон гўшагини олиб. — Сизми, Анна Спиридоновна? Яхшимисиз? Лаббай? Раҳмат. Нима? Зоофиловми, менинг ёнимда ўтирибди... Лаббай... Қаранг-а, шу қаҳратон совуқда концерт бергани бораркан. У мендан бўри пўстинимни олмақчи. Майли, ола қолсин. Бекор ётибди, олиб жонини ҳузурини кўрсин. Худога шукур, ёввойи эмасмиз-ку... Лаббай? Майли саломат бўлинг.

Трупакин гўшакни жойига осиб қўяркан, меҳрибонлик билан Зоофиловга қаради:

— Бугун обкетасизми? Ҳозир ҳаммасини ҳал қиламиз. Палашка! Қаердасан, Палашка, тезда сандиқни очиб, пўстинни ол-да, чойшабга ўраб манови баринга бер. Кўраяпсанми, Палашка, бу киши вақтинча шубани бериб туришимизни сўраб келган. Барин сафарга кетмоқчи, аёз бобо уни тишлаб дабдала қилади. Ўйлаб қарасам, пўстинни бермасликни ҳеч иложи йўқ. Яхши одамнинг ҳожатини чиқарай, дедим.

Трупакин хушчақчақ кулганда майин, қувноқ кулгичлари кўзлари атрофига тўплангандек бўлди. Сўнг Трупакин бош чайқаб, чуқур хўрсиниб тайинлади:

— Эҳ қани энди ҳамма инсонлар бир-бирига дўстона ёрдам берсалар, қандай яхши бўларди. Гўзал ва ҳароратли яшашарди. Кетяпсизми? Хўп, худонинг паноҳида бўлинг. Пўстинни олиш эсингиздан чиқмасин. Қачон кетасиз? Эргамас-индин? Хўп-хўп...

Зоофилов яна бир марта Трупакинга чуқур миннатдорчилик ва ташаккурлар билдириб, бўри пўстинни қўлтиғига қисиб жўнади.

Трупакин клубга боришга отланди.

Кийиниб кўчага чиқди ва извошга ўтириб, жўнади.

— Нега ҳайдамаяпсан, — деб сўради у извошчидан отлар юриб кетаркан.

— Ҳайдаяпман.

— Яхши, укам. Ҳар қалай ёз қишдан яхши бўлса керак.

— Аста айтасизми?

— Қишда ҳатто чой ҳам муздай.

— Албатта, совуқ-да.

— Шунақа, шунақа қишда жоним укам, камбағалга азоб.

— Тўғри. Гапнинг индаллоси шу.

— Ҳа, жоним укам. Бизникига битта мусиқачи келиб туради. Унга қарасангиз жоним укам, раҳмингиз келиб кетади. Шундай қаҳратон қишда билсангиз сафарга отланиб қолди. Нима ҳам қилардим. Ўзимни бўри пўстинимни унга бериб, кийиб ол, дедим. Жуда яхши одам. Бечорага раҳмим келди. Тўғри қипманми?

— Ҳа.

— Шунақа, шунақа. Бахиллик қилишнинг нима кераги бор. Худога шукур. Одамхўр эмасмиз-ку. Ҳар қалай кўкрагимизда юрак бор. Шундай эмасми?

— Тўғри, бечора кишига нега ёрдам берилмас экан.

— Шундай, шунақа. Унга бўри пўстинимни чиқариб бердим. Ма, кийиб ол, дедим. Шунақа, жоним укам. Ҳазрати Исонинг ўзлари бечораларга ёрдамлашинг, дея васият қилганлар. Шундай эмасми?

Извошчи бу саволга жавоб бермади ва бир оздан кейин, бурнини қаттиқ тортган эди, отлари тез йўртиб кетди.

II

Зоофиловни кузатиш учун вокзалга бир қанча улфатлари чиқишди.

— Яхши қўлга киритибсан, — деди Зоофиловнинг белига шапатиларкан актёр Карабахский.

— Нимани қўлга киритибман?

— Пўстинни-да. Ахир уни Трупакиндан олганмишсан-у. Жуда сахий ва серҳим-мат қария экан.

— Сен пўстин ҳақида қаердан эшитдинг?

— Кеча у клубда шундай деб қолди. Жуда ажойиб йигит экан. Ҳаққоний насроний. «Ўз яқинларингга ёрдам бериш керак. Биз, худога шукур, қандайдир йўлбарс эмасмиз-ку», дейди. Жуда кўнгли очиқ чол экан.

Сухбатдошлар даврасига совуқдан қизарган қўшларини ишқалаб Манечка Белобарова келиб қўшилди.

— Кетаяспизми, — деди у Зоофиловга меҳрибонларча тикилиб. Кейин паст овозда маслаҳат берди. — Яна унутмадингизми? Совуқ қотасиз.

— Нималар деяпсан, Манечка.

— Тушунаман, совуқ қотмайсиз. Ҳеч бўлмаса Трупакинларнинг пўстини сизни иситади.

— Тру...пак?

— Ҳа-да. Мутлақо, тўсатдан эшитиб қолдим. Уларнинг пўстинини сўраб олганинг жуда яхши бўлибди. Ақлингга қойил.

— Кимдан билдингиз? — деб сўради Зоофилов қовоғини солиб, — Трупакинданими?

— Э, йўқ. Курсларга қатновчи дугонам бугун келган эди, ўша айтди. Билмадим, у кимдан эшитди экан. Трупакин шундай олийҳиммат экан. Агар у шу ерда бўлганда, бу сахийлиги учун уни қайта-қайта ўпган бўлардим.

Зоофиловни кузатишга Трупакин ҳам келди. У учинчи қўнғироқдан кейин кечикиб келгани учун анча ташвишли кўринарди.

Поезд жилди. Майдончада тик турган Зоофилов дўстларига ҳавойи бўса йўлларкан, Трупакиннинг атрофдагиларга айтган сўзларини эшитди.

— Шундай ёш йигитни қандай қилиб дилдираган пальтода жўнатиш мумкин, деб ўйладим. Ҳа-ҳа. Пўстинини бердим. Бўри терисидан. Ҳали яп-янги. Мазза қилиб кийсин, дедим. Худога шукур, аллақандай қоплон териси эмас. Одам ит эмаски, у совқотиб кетаверса.

Бир соатдан кейин Зоофилов ухлашга ётди. Купенинг ёпиқ эшигидан иккала кондукторнинг овозини эшитди.

— Уни қаерга жойлаштирсак экан? Ҳаммаёқ банд бўлса, бошимизга ётқизамизми?

— Қаерга бўларди? Мунча диққат бўлмасанг. Анови Трупакиннинг пўстинини кийиб кетаётган жанобнинг купесига жойлаштир. Униси читтакдек биқиниб кетаверади.

III

Чебурахинский кичкина шаҳарча бўлса-да ўз газетасига эга эди.

Концерт ташкилотчиси Зоофилов келиб тушгач, беш дақиқа ўтар-ўтмас унга дўстона разм солди ва чўнтагидан «Чебурахинский овози» газетасини олиб, остига чизилган жойларини кўрсатди:

«Худо ярлақанг сахримизга атоқли пианиночи Зоофиловни концерт бериш мақсадида таширф буюрганидан ниҳоятда бахтиёрмиз. Шундай даҳшатли совуқ бўлишига қарамасдан моҳир санъаткор ўз мухлисларини албатта хурсанд қилади, деган умиддамиз. Энди ажойиб мусиқачининг шахсий ҳаётидан бир-икки лавҳа: Машҳур артистнинг айтишича, унинг бу сафарга отланиши жуда ҳам осон бўлмаган. Ҳатто, унинг иссиқ кийими ҳам йўқ экан. Энг охирда талантли артистнинг энг яқин дўсти Трупакин унга ўзининг бўри пўстинини вақтинча бериб туради. Ана шундан кейингина эл суйган санъаткор сиз билан бизнинг ҳузуримизга келишга имкон топади».

Концертдан кейин Зоофилов ўз ҳомийси ва мухлислари билан кечки зиёфатда бўлди.

Анча ичилди... Ҳамма учун қадаҳ кўтарилди: Зоофилов учун, мухлислар учун, яна Бетховен учун ...

— Қизғин қабул учун ташаккур, — деди Зоофилов кўз ёшларини артиб.

— Йўқ, — деди кайфи ошиб қолган ҳомий. — Келинлар, яхшиси, Зоофиловнинг бизнинг қабулимиздан ҳам кўпроқ қизитган машҳур Трупакин пўстини учун ичайлик.

Зоофилов ўрнидан сакраб туриб, стулни ирғитиб юборди.

— Тўхтанлар! — дея қичқирди у. — Бошқа чидай олмаман!!! Татар савдогарни топиб беринлар! Худо ҳаққи! Татар бойларинг қасрда?

IV

Трупакин телефон гўшагини олиб гапира бошлади:

— Алло! Ким бу телефонда? Анна Спиридовнами? Салом, яхшимисиз? Нима? Қандай? Яхши бўлмабди. Мен кекса аҳмоқ одамларни сира хафа қилгим келмайди. Улар эса кўнгилчанлигимдан фойдаланиб... Нима? Мен раҳмдиллигим учун, ярама Зоофиловга ўзининг бўри пўстинимни бир ҳафтага бериб турган эдим. У бўлса... биласизми, нима қипти? Куппа-кундуз куни битта татарни топиб, унга сотибди. Пулини эса ўзининг ялоқ улфатлари билан ичиб тугатибди... Айтинг-чи, энди, бундан сўнг одамларга ишониб бўладими?... Лаббай, хайр.

Трупакин телефон гўшагини жойига осиб, алам билан бошини эгганча даҳлизга чиқди.

— Мен кетдим, Палашка ... Шунақа, укам Палашка, ишонганим учун мен кекса аҳмоқни лақиллатиб кетишди... Бўри пўстин эди-я. Йў-ўқ! Яхшиликка ёмонлик дегани шу бўлса керак-да. Вой худойим. Булар одам эмас, нақ йўлбарснинг ўзи-я!...

Кўчага чиқиб Трупакин извошга ўтириб чуқур хўрсинди ва хўрсиниқ аралаш деди:

— Совуқ зўр-а.

— Ҳа, ўйиб оляпти.

— Бечора одамга пўстинсиз мушкул.

— Гап йўқ.

— Лекин-чи, жоним укам, ҳозир одамлар одам эмас, қоплоннинг ўзи бўлиб кетишган. Шу кунларда бизниқига бир мусиқачи келиб: «Ялинаман, менга бўри пўстингизни бериб турсангиз», деб илтимос қилувди. Қарасам, совқотиб кетибди... Биласизми, раҳмим келиб унга пўстинимни бериб юбордим. Сен извошчи, жоним укам, нима деб ўйлайсан?

САҚИЧ

Бир куни Чехов хотирасига бағишланган тушликда бир неча танқидчилар узундан-узун нутқ сўзлашди.

Битгаси:

— Чехов қоронғулик шоири, иродасиз зиёлилар куйчиси ... — деди. Бошқалари бўлса:

— Офарин! — дея уни олқишлашди.

Бошқа бир танқидчи ҳам нутқ сўзлаш истагини билдирди. Бир оз ўйлаб туриб гапира бошлади:

— Чехов қоронғу, зим-зиё рус ҳаётини тасвирлаш билан бирга, эрксиз, иродасиз зиёлиларнинг ҳам куйчиси эди.

Учинчи танқидчи, агар бошқа йиғилганлар қарши бўлишмаса, мен ҳам «қоронғулик куйчиси» қабрига сўздан гулчамбар қўйсам, деган истак билдирди:

— Офарин!

Танқидчи таъзим қилиб сўз бошлади:

— Мен ҳурматли ҳамкасбларимнинг Чехов тўғрисида айтган ажойиб, қимматбаҳо фикрларига қўшилган ҳолда шуни айтмоқчиманки, Чехов таланти рус ҳаёти қоронғулигига гуллаб-яшнади ва иродасиз зиёлилар ҳаётидан баҳраманд бўлди... Ҳа, жаноблар! Агар бошқача қилиб айтадиган бўлсак, Чехов қоронғулик — намозшом шоири бўлиб...

Тўртинчи танқидчи ўрнидан турди:

— Чехов ҳақида гапирганда, кўплар улуғ ёзувчи яшаган давр атроф муҳитни унуттилади. Ўша давр ҳаёти булутли бўлиб, бу ўз навбатида унинг қаҳрамонларига таъсир этмасдан қолмасди. Булар хом, иродасиз кишилар бўлиб, ўша қоронғу зим-зиё ҳаётдан олинган эди. Бу ҳам жаноблар, Чеховнинг қоронғулик шоири дейишимизга асос бўла олади. Бўшанг, иродасиз зиёлилар ўша даврда Чехов мисолида ўз тасвирчиларини топдилар. Чехов ижодий фаолияти ҳақида фикр юритганда хулоса қилиб, бир сўз билан шунга айтиш мумкинки, «Чехов ҳақиқий қоронғулик шоири, иродасиз зиёлилар куйчиси эди...»

Мен шу тўртинчи танқидчини четроққа чақириб сўрадим?

— Сиз Чеховнинг қоронғулик шоири эканлигини қаердан билдингиз?

У менга маънисиз қараб:

— Буни ишончли манбаалардан биламан, — деди.

— Ғалати! Шундай қилиб — қоронғулик шоирими?

— Худо ҳаққи! Яна иродасиз зиёлилар куйчиси.

— Шундайми?!

Уни димиқиш туфайли очиб қўйилган хона деразаси ёнига секин бошлаб борарканман:

— Қаранг-а, қандай аниқ ва ўзига хос баҳо! — дедим қойил қолгандек.

У очик ромга суяниб деди:

— Чехов зиёлиларча иродасизлик ҳамда қоронғулик...

Унинг гапини бошим билан тасдиқлаб туриб, бирданига оёқларидан ушлаб деразадан улоқтириб юбордим.

Дераза тўртинчи қаватда эди.

Битта аҳмоқ танқидчи камайди.

* * *

Бу улуғ ва ажойиб ёзувчи меҳробига менинг биринчи қурбонлигим эди. Қоронғулик куйчиси учун.

НИНОЧКА

I

Тортиш хизмати бошлиғи, кекса Мишкин хонасига ходима Ниночка Редковани таклиф этиб, унга иккита хомаки қоғоз узатиб, оққа кўчириб беришни илтимос қилди.

Мишкин қоғозларни узата туриб, кўёш ёруғида Ниночкага биринчи марта диққат билан разм солди.

Унинг рўпарасида ўрта бўйли, кўкраклари баланд, семизгина қиз турарди. Унинг чиройли, оппоқ бетлари хотиржам, фақат вақти-вақти билан кўм-кўк кўзлари учкун сачратиб турарди.

Мишкин қизга яқин келиб сўради:

— Сиз... биласизми... Мана бу қоғозларни кўчириб берсангиз. Сизни қийнаб қўймайманми?

— Нега энди? — ҳайрон бўлди Ниночка. — Мен бунинг учун ойлик оламан.

— Шундай-шундай... ойлик. Тўғри, ойлик оласиз. Машинкага қадалиб кўкрагингиз оғримайдими? Шундай чиройли кўкраклар оғриб турса борми, яши эмас.

— Кўкрагим оғримайди.

— Жуда хурсандман. Сизга совуқ эмасми?

— Нега энди совуқ бўларкан?

— Нимчангиз бирам юпқа, бамисоли ҳарирдек. Мунча чиройли қўллар. Сизнинг қўлларингизда ҳам мушак борми?

— Қўлларимни тинч қўйинг.

— Жоним... Бир дақиқа... тўхтанг... Нега қочасиз... Биласизми, анови... Узун энгларингиз остидан...

— Қўлимни қўйворинг! Қандай журъат этасиз! Оғриди-е! Ярамас! Ниночка Редкова кекса Мишкининг сертомир, чайир қўлларидан юлқиниб халос бўларкан, тортиш хизмати ходимлари ишлаб ўтирган умумий хонага чиқди. Қизнинг сочлари ҳар томонга тўзғиган ва чап билаги қаттиқ оғрирди.

— Аблаҳ, — дея ҳансиради Ниночка. — Мен сени шундай қўймайман. — Қиз ёзув машинкасининг қопқоғини беркитиб, кейин ўзи ҳам кийиниб бошқармадан чиқиб, йўлда тўхтади. Ҳайлади: “Кимга борсам экан? Адвокатга бораман”.

II

Адвокат Язичников Ниночкани дарҳол қабул қилди ва уни диққат билан эшитди. — Қандай ярамас! Бунинг устига чол бўлса! Хўп, энди нима қилмоқчисиз? — Меҳрибонлик билан сўради адвокат Язичников.

— Уни Сибирга сургун қилиб бўлмайдами? — дея илтимос қилди Ниночка.

— Сибирга мумкин эмас... Лекин уни жавобгарликка тортса бўлади.

— Хўп, тортинг.

— Гувоҳларингиз борми?

— Ўзим, ўзим гувоҳман, — деди Ниночка.

— Йўқ, сиз жабрланувчисиз. Агар гувоҳлар бўлмаса, эҳтимол зўрлаш натижасида у ер-бу ерингизда из қолгандир?

— Албатта, бор, у мени зўрламоқчи бўлди. Қўлимдан қаттиқ ушлади. Эҳтимол, ўша жойи кўкаргандир.

Адвокат Язичников Ниночканинг думалоқ кўкракларига, чиройли лаби ва кўзёшларини томчилаб турган анордек юзларига ўйчан термулди.

— Қўлингизни кўрсатинг-чи, — деди адвокат.

— Мана бу еримда, кофточкамнинг остида...

— Кофточкамнинг ечишга тўғри келади.

— Ахир сиз доктор эмас, адвокатсиз-ку, — ҳайрон қолди Ниночка.

— Бунинг ҳеч фарқи йўқ. Доктор билан адвокатнинг вазифаси бир-бирига яқин. Баъзан аралашиб ҳам кетади. Сиз алиби нима эканлигини биласизми?

— Йўқ, билмайман.

— Ҳа, шунақа, билмайсиз. Мен жиноятни очишим учун, ҳаммадан олдин сизнинг алибингизни аниқламоғим лозим. Кофточкамнинг ечинг.

Ниночка қип-қизарганича, чуқур хўрсинди ва ўнғайсизланиб тугмачаларни ечиб, кофточкасини елкасидан туширди.

Адвокат унга ёрдамлашди. Ниночканинг дўмбоқ кўли, чуқурчали билаги яланғоч ҳолга келганда адвокат пушти елкасидан куйироққа — қизарган ергача бармоқлари билан босиб-босиб кўрди.

— Кечирасиз, — деди у ютиниб, — мен ўзим ишонишим керак. Қўлларингизни кўтаринг. Бу нима? Кўкракми?

— Тегманг менга! — қичқирди Ниночка. — Қандай ҳаддингиз сиғди?

Аъзою бадани қалт-қалт титраб кофточкасини ҳовлиқиб кия бошлади.

— Нима, хафа бўлдингизми? Касацион нуқтаи назардан тасдиқлашим...

— Сиз — безбет, шилқимсиз! — дея унинг сўзини бўлди Ниночка ва эшикни қаттиқ ёпиб, жўнади.

Йўл бўйи ўз-ўзича гапириб борарди.

“Нега ҳам адвокатга бордим? Тўғри дўхтирга боришим керак эди. Энг яхшиси докторга бориш. У қабих зўрланиш ҳақида маълумотнома беради”.

III

Доктор Дубято ёши ўтиб қолган савлатли киши эди.

У Ниночкани очиқ чехра билан қарши олди, сўзларини эринмай тинглади, аввал тортиш бошқармаси бошлиғини, сўнг адвокатни болаҳонадор қилиб сўқди.

— Ечининг! — деди қатъий.

Ниночка кофточкасини ечди, доктор Дубято касбига хос қўлларини галати ишқалади.

— Нимага қараб турибсиз, бутунлай ечининг...

— Нега энди бутунлай? — қизиқди Ниночка, — у менинг қўлимдан ушлади. Сизга қўлимни кўрсатаман.

Доктор Ниночканинг қоматига, сутдай оқ елкаларига қараб олиб, қўллари билан сийпалай бошлади.

— Очиги, сиз ечинишингиз керак... Мен сизнинг барча аъзоингизга ретроспектив нигоҳ ташлашим керак. Рухсат этинг, сизга ёрдамлашай. — У Ниночкага эгилиб, хира кўзлари билан қизнинг баданини кўра бошлади, лекин бир дақиқа ўтар-ўтмай Ниночканинг шапалоғидан Дубятонинг бурнидан кўзойнаги учиб кетди. Шундай қилиб, Дубято нафақат ретроспектив нигоҳ ташлашдан, балки оддий қарашдан ҳам анча вақтгача маҳрум бўлиб қолди.

— Қўйворинг мени!.. Э, худойим! Нақадар аблаҳсиз, эркаклар!

IV

Доктор Дубято ҳузуридан Ниночка қаҳр ва ғазабдан қалт-қалт титраб чиқди.

“Ана сенга инсонларнинг бир-бирига дўстлиги! Зиёли кишилар-а... Йўқ, буларнинг ҳаммасини башарасини очиб ташлаш, ниқобдаги бу авлиёларни шармандасини чиқариш керак”.

Ниночка бир неча бор йўлакдан нари-бери бориб келгач, ўзини қўлга олди. Сўнг машҳурлиги билан анча шуҳрат қозонган, ҳар ҳафта икки-уч бор ҳақсизликни фош этувчи мақолалар ёзиб турувчи виждони пок журналист Громовга боришга қарор қилди.

Журналист Громов Ниночкани аввал хушламайроқ қабул қилди. Ниночканинг ҳикоясини тинглагач, энг охири қолатларни эшитганда жуда таъсирланиб кетди.

— Ҳа-ҳа! — дея аччиқ кулди. — Ана сизга кишиликнинг дардига дармон бўладиган, оғирини энгил қиладиган энг яхши одамлар! Ана сизга эзилган, хўрланган инсонларни ҳаққоният ва адолат нурлари билан мунаввар қилувчи ҳақпараст инсонлар. Маданият тумани ортидаги бу кимсалар ҳаётда ҳар хил қиёфага кириб юрадилар. Жирканч вужуд билан ҳозирга қадар яшаб келаётган йиртқишлар... Ҳа-ҳа. Мен сизларни яхши биламан!

— Кофточкални ечишим керакми? — қўрқа-писа сўради Ниночка.

— Кофточкани? Нега кофточкани?... Ҳа, дарвоқе... кофточкани ечса ҳам бўлади. Кўкарган жойларни кўриш қизиқарли... маданият... Громов Ниночканинг елкаси ва яланғоч қўлларини кўргач, афти бурушди ва бош чайқади.

— Ҳар қалай сизнинг қўлингиз... ахир ҳар қандай аппаратни инсонга қўйиб бўладими? Олинг бунди. Йўқ... тўхтаг! Мунча хушбўй ҳид қардан келяпти? Агар сиз рухсат берсангиз мен шу қўлни ўпсам... мана бу, букилган жойидан... Оҳ... ҳм... кўна қолинг энди. Бундан ҳеч кимга зарар етмайди. Менга эса аллақандай ғалати ҳузур бахш этади, бунди...

Громов аллақандай янги, ғалати ҳузурни ҳис эта олмади. Ниночка ўпишни бутунлай рад қилди ва кийиниб ташқарига чиқди.

V

Кечқурун Ниночка ўз уйида йиғлаб ўтирарди.

Кейин кимгадир ўз дардини айтиб, юрагини бўшатгиси келди. Кийиниб яқин қўшнисиди, мебелли хонада истиқомат қилувчи табиатшунос талаба Ихнелмоновни-кига йўл олди.

Талаба Ихнелмонов туну кун китобдан бош кўтармай ўқирди. Одамлар ҳамиша уни ранглар, чиройли белларини китобга қадаб ўтирганини кўришарди. Шунинг учун ҳам Нина ҳазиллашиб, бу студентни профессор деб қақирарди.

— Ниночкага саломлар! Агар у чой ичишни хоҳласа, чой ҳам, ветчина ҳам ўша ерда. Ихнелмонов бўлса навбатдаги бобни ўқиб тугатиши керак.

— Ихнелмонов, бугун мени қаттиқ хафа қилдилар, — деди Ниночка ўтираётиб.

— Ҳўш. ким экан улар?

— Адвокат, доктор, яна бир чол... шундай ярамаски улар.

— Нега сизни хафа қилишди улар?

- Биттаси қўлимдан ушлаб, кўкартирди, қолганлари унга қараб тегишишди.
- Шундай... — китоб варақлади Ихнелмонов, — бу яхши эмас...
- Менинг қўлим оғрияпти, қаттиқ оғрияпти, — дея Ниночка қўлини аянчли чўзди.
- Муттаҳам ярамаслар. Чой ичинг.
- Эҳтимол, — қайғули жилмайди Ниночка, — сиз ҳам ўшалардек қўлимни кўришни истарсиз.
- Унинг нимасини кўраман? — жилмайди студент. — Кўкарган бўлса бордир. Сизга шундай ҳам ишонаман.
- Ниночка чой ичишга киришди. Ихнелмонов китоб варақлай бошлади.
- Ҳалига қадар қўлим ёняпти, — дея шикоят қилди Ниночка, — бирор нарса ҳўллаб боссакмикан?
- Билмасам!
- Ё қўлимни сизга кўрсатайми? Мен биламан, сиз бошқалардай эмассиз. Сизга ишонаман.
- Ихнелмонов елкаларини қисиб қўйди.
- Сизга нимаси оғир... Агар мен медик бўлганимда кўриб қўярдим. Ахир мен табиатшуносман.
- Ниночка лабини тишлаб ўрнидан турди.
- Ҳар қалай кўриб қўйинг, — деди қатъий.
- Ҳўп, майли, қўлингизни кўрсатинг-чи... овора бўлманг... кофточкангизни елкангиздан туширсангиз кифоя... Бўлди... Шуми? Ҳм... Ҳақиқатдан ҳам кўкарган. Бу шум эркаклар. Зарари йўқ, яқин орада тузалиб кетади. Ихнелмонов ҳамдардлик билдириб бош чайқади ва яна китобини қўлга олди.
- Ниночка бош эгиб, жим ўтирди. Унинг яланғоч елкаси чироқнинг хира ёруғида жилосиз ялтираб турарди.
- Энди кийиб олсангиз бўларди, — дея маслаҳат берди Ихнелмонов. — Бу ер жуда совуқ.
- Ниночканинг юраги сиқилиб кетди.
- У яна оёғимнинг тиззадан юқорисини ҳам чимчилади, — деди Ниночка узоқ жимликдан кейин.
- Тегишмай ўл! — дея бош чайқади студент.
- Кўрсатайми?
- Ниночка лабини тишлади ва юбкасини кўтармоқчи эди, студент ҳовлиқиб деди:
- Нимага керак? Ахир пайпогингизни ечишга тўғри келади, бу ер елвизак, эшиклардан совуқ шамол кириб турибди. Шамоллаб қоласиз, яхши эмас. Худо ҳаққи, мен доно рус халқимиз айтганидек, медицина деганда қулоқ-бурни кесилгандекман. Чой ичинг!
- У ўқишга тушиб кетди. Ниночка яна бир оз ўтиргач, чуқур сўлиш олиб, бош чайқади.
- Борай энди. Менинг айтганларим сизни ишдан чалғитади.
- Нега энди, ўтирибсиз-да, — деди Ихнелмонов ўрнидан чаққон қўзғалиб, хайрлашиш учун Ниночкага қўл чўзаркан.
- Ниночка ўз хонасига кириб кароватига чўзилди ва кўзларини юмиб, яна бир бор:
- Ҳамма эркаклар мунча ярамас-а, — дея такрорлади.

ХУДОНИНГ БЕРГАН КУНИ

УЙДА

Эрталаб хотиним ҳали ухлаб ётган бўлади, мен ошхонага чиқиб унинг холаси билан ўтириб чой ичаман. Хола дегани, мижгов, семиз бир хотин бўлиб, пиёлани ўнг қўлининг жимжилоғини керган ҳолда ўта олифталарча ушлайди. У ўнинчи бўлак ширин кулчани тушуриб, суюқ чойни атайин қошиқ билан аралаштириб менинг диққатимни чалғитмоқчи бўлади.

- Бугун қандоқ ухладингиз? — деб сўрайди.
- Жуда яхши. Тун бўйи хаёлимдан нари кетмадингиз.

— Вой, худойим! Мен сиздан тўғри гапни сўрасам, нуқул ўринсиз ҳазиллашасиз-

Мен унинг туршайган бетларига қарайман.

— Яхши, бўлмаса жиддий гаплашамиз... Бу оқшом қандай ухлаганим сизни қизиқтирадими? Бунинг сизга нима кераги бор? Мободо, бу оқшом ёмон ухладим десам, хафа бўлиб кун бўйи ўйлаб юрмайсизми? Агар мен сизга бу оқшом яхши ухладим десам, хурсандчиликдан кун бўйи яйраб юрасизми?.. Ўша кунни сиз учун гўё байрам ва ҳамма ёқ кўш нуридан мунаввар бўлиб, юрагингиз ором оладими?

Хола ранжиб, пиёлани нари суриб қўйди.

— Сизни тушунмайман.

— Ана бу бошқа гап, самимий. Албатта, сиз мени тушунмайсиз...

Худо ҳаққи, шаҳсан сизга қарши адоватим йўқ. Сиз шунчаки бир содда хола-сиз... биров бир нима демагунча жимгина ўтиринг. Тамом, вассалом. Ахир сиз менадан ўринсиз, кераги бўлмаса-да, ўтган оқшом қандай ухлаганимни сўрадингиз. Агар мен сизга, “Раҳмат, яхши” деб жавоб берсам, қийналиб бўлса-да навбатдаги жумлаларни излаб топардингиз. Масалан, “Женя ҳали ухляптими?” деб сўрадингиз, гарчанд унинг ухлаб ётганини ўзингиз билсангиз ҳам, чунки ҳар кунни шу пайтда у ухлаб ётган бўлади. Чойга эса соат ўн иккиларда чиқади. Бу ҳам сизга маълум...

Биз узоқ вақтгача жим ўтираимиз.

Сукут сақлаш хола учун мушкул. Гарчанд у ранжиган бўлса-да, қизил кенг манг-лайи остида, яна нима десам экан, деган уқувсиз, дағал бир маъно ўйнардди. Ниҳоят, у ойнага қараб олиб:

— Кунлар ҳам чўзилиб кетди, — деди.

— Нималар деяпсиз, ростданми?! Буни қаранг-а. Ростини айтинг, кишилик фани учун янгилик бўлган бу фактни бирор ерда эълон қилмоқчимисиз, ёки шунчаки янгиликдан кейин мен нима қилишим кераклигини огоҳлантирмоқчимисиз?

Хола ўрнидан сакраб туриб, стулни тақирлатиб нари итарди.

— Сиз кўполсиз... кўполсиз, бошқа гап йўқ.

— Хўп, шундай дея қолайлик. Менинг бошқа фазилат ва нуқсонларим ҳам йўқ эмас. Очиги. мен бутунлай кўпол эмасман.

Нега энди сиз менга куннинг узайгани ҳақида хабар бериш зарур деб ўйлайсиз? Ахир бу ҳақда ҳатто гўдақлар ҳам яхши билишади-ку. У соатдан ҳам, тақвимдан ҳам, чирокларни кечроқ ёқилишидан ҳам маълум-ку.

Хола семиз елкаларини титратиб йиғлай бошлади.

Мен кийиниб уйдан чиқдим.

КЎЧАДА

Рўпарамдан хизматга шошилаётган амалдор Хрякин чиқиб қолди. У тапвишли, тез қадам ташлаб борарди. Мени кўргач, юзларига ажойиб табассум ёйилди. (Биз у билан ҳар кун учрашамиз). Дарҳол кўл чўзиб, йўл-йўлакай:

— Аҳвол қалай, нималар қилиб юрибсиз? — деб ўтиб кетмоқчи бўлди.

Лекин мен унинг қўлини қўйиб юбормасдан, жиддий қиёфада сўрадим:

— Аҳволимми? Ҳозир сизга ҳаммасини айтиб бераман... то ҳозирга қадар ҳаётимда ҳеч қандай айтарли ўзгариш рўй бермаган бўлса-да, сизни қизиқтирадиган айрим фактлар йўқ эмас... Ўтган кунни шамоллаб қолдим, жуда хавфли деб ўйласам, йўқ, арзимас нарса экан. Термометрни қўйсам, унда...

Амалдор Хрякин, бўшатиш учун қўлини оҳиста тортиди, лекин мен уни қўйиб юбормасдан бир хил оҳангда ҳар бир сўзни дона-дона қилиб сўзимда давом этдим:

— Шунақа... Нима бўлди менга гап... очиқ ҳавода айланиш керак... Чиқдим... Қарасам, почтачи чақирув қоғози обкеляпти. Нега мунча шовқин, деб ўйладим... кимдан бу чақириқ қоғози... Биласизми...

— Кечирасиз, — деди Хрякин изтироб чекиб, — мен шошилиб турибман.

— Йўқ, ахир сиз менинг аҳволим билан қизиқдингиз-ку? Нималар қилиб юрганганимни сўрадингиз. Ҳозир нима қилиб юрганганимни айтиб берсам... Хўп, қаерда тўхтаган эдик... Нима қилдимми? Кеча мен Кокуркинларникига, ҳаваскорлик спектаклини кўришга бордим. Ўша ерда Мария Потаповнани учратиб қолдим. “Эртага албатта келинлар”, деди у ва...

Хрякин одамгарчиликни ҳам унутиб, менинг қўлимдан бармоқлари ёпишиб қолган қўлини тортиб олди-да, йўловчиларга урина-сурина қочиб кетди.

Мен гарангсираб йўлкадан кетаётган эдим, дақиқа ўтмасдан бошқа бир танишим Игнашкинга рўпара келдим.

Игнашкин ҳеч қаёққа шошилмаётган эди.

— Салом, бирор янгилик борми?

— Бўлмасам-чи, — дедим ҳансираб, — Везувий кеча портлабди. Ўқидингизми?

— Шундайми? Йўғ-с. Мен кеча клубда эдим. Етти сўм ютдим. Чекасиизми?

— Йўқ, чекмайман.

— Қандай бахтиёрсиз, пул тўплаяпсизми?

— Йўқ.

— Бу ҳақда айтишади-ку...

— Яхши биламан. Бир киши бошқасига, агар сиз чекмасдан пул тўплаганингизда, ўзингизнинг уйингиз бўлган бўлурди”, дебди. Иккинчиси ундан сўрабди: “Сиз чекасиизми?” “Йўқ”, — дебди. “Демак уйингиз бор экан-да”, “Йўқ!” Э-ҳа-ҳа дея кулишибди. Қалай?

— Мен ҳам шу латифани сизга айтмоқчи эдим. Қаёқдан била қолдингиз?..

Унинг сўзини бўлдим.

— Аҳволлар қалай?

— Бир нави. Ўзингиз-чи?

— Раҳмат. Хайр. Кириб туринг.

— Кирарман. Хайр. Раҳмат.

Унинг хотиржам, уйқусираган юзига нафратомуз қараб:

— Сиз бахтли одамми, жин урсин сизни?

— Нима жин ураркан?

— Шунақа латифа бор. Хайр. Кириб туринг.

— Раҳмат, кирарман. Дарвоқе, янги арман латифасини биласизми?

— Биламан, биламан, жуда кулгили. Хайр, хайр.

АЗА ДАСТУРХОНИДА

Шу куни мен азада ёзилган тушлик дастурхонида бўлдим. Стол усти шишалар, колбаса, пирог яна бошқа ликопчаларда икра-булдириқ юлдузча шаклида кесиб қўйилган. Оғзига рўмолини босиб бева аёл ёнимга келди.

— Эшитдингизми? Қандай бахтиқароман...

— Албатта эшитдим... Бўлмаса бу ерга келармидим. Ахир фотиҳага қўшилиб турибман-ку.

— Ҳа-ҳа...

Мен, “Раҳматлик ўлими олдидан жуда қийналдими, худонинг иродаси, ҳаммамиз ҳам бир кун оллоҳнинг ҳузурига борамиз”, дея марҳумнинг бевасини юпатмоқчи эдим, лекин бунинг ўрнига:

— Нега рўмолни оғзингизга босиб юрибсиз? Ахир кўз ёши у ердан эмас, кўзингиздан томади-ку? — деб сўрадим.

Бева аёл диққат билан менга қараб олди-да, тўсатдан:

— Ароқми? Колбасами? Марҳамат, еб, раҳматликнинг хотирасини хурсанд қилинг, — деб кетма-кет нарсалар узата бошлади. Устига-устак, хўнграб йиғлай бошлади.

Бинафша ранг кофта кийган аёл ҳам йиғлаб, уни юпатади:

— Бўлар энди! Ўзингизни босинг...

— Йўқ!! Ўзимни боса ол...май...ман. Энди нима қиламан? Мени қай кунларга солдинг. Иван Семёнович?..

— Қай кунга солди? — дея қизиқиб сўрадим.

— Ўлди-ку...

— Шунақа, — деди кир қўйлак кийган бурни кўкиш чол, — одам боласи яшай-яшай оқибат, ўларкан.

— Сиз нимани истардингиз? — дейман қовоғимни уюб.

— Тушунмадим, — деди бурни кўкиш чол.

— Нимасини тушунмайсиз. Сиз яшай-яшай оқибат ўларкан, дедингиз. Нима, одам боласи яшай-яшай оқибат султоннинг саройидаги ахта қулга айланишини ҳоҳлармидингиз?.. Ёки сут фермасидаги сигирга айлансинми?

Чол кутилмаганда бўғилиб, йўтала-йўтала кула бошлади.

Ўзимча хаёл сурардим: Эҳтимол, бу чолни савоб учун чақиринган бўлсалар керак. Эҳтимол, бу чол мени мотам маросими ташкилотчиларидан деб ўйлаб, ўзини ҳайдаб юбормасин, деб кўрқса керак.

Мен унинг нам қўлларини ушлаб ўзига келтирмоқчи бўлдим. Йўғон бир жаноб (оғзига бир бўлак ханталли ветчинани жойларкан) кўз ёшини артиб сўради:

— Марҳумнинг ёши нечада эди?

— Олтмиш.

— Оҳ, худойим, — деди йўғон киши. — Ҳали бемалол яшаса бўларди.

— Худонинг ўзи берди ва яна ўзи олди! — деди қироат билан сочи патила руҳоний.

— Бир куни ҳаммамиз худонинг ҳузурига борамиз, — деди бинафшаранг кофтали хоним.

— Айтишади-ку ҳаммамизнинг жойимиз ўша ерда, — дея бараварига хўрсиниб кўшилишди яна икки меҳмон.

— Худди шундай, айтишади, — мен ҳам гапга қўшилишман. — Мен, очиғи, Иван Семёновичга ҳавас қиламан!

— Ҳа, — хўрсинди йўғон. — У аллақачон ўша ерда!

— Ўша ердами, бошқа ердами бу ҳали номаълум... Лекин биз нимани эшитсак, у ҳам эшитиб турибди.

Йўғон кутилмаганда менга энгашиб, қулоғимга:

— У тириклигида ҳам кам эшитарди. Эси паст, қип-қизил тентак эди раҳматлик. Ҳатто хотинининг ҳамма приказчиклар билан дон олишганини сезмасди ёки эшитмасмиди?

Шунақа, биз тентак, бефаросат одамлар ўзимизнинг яна бир тентак, эси паст ўртоғимизни кўмиб, уни хотирлаб ўтирибмиз.

ХУРСАНДЧИЛИК

Шу кун мен буларнинг ҳаммасидан ташқари Кормалеевларникида бўлиб, туни билан хурсандчилик ҳам қилдим.

Етти киши ранглар, чарчоқ хонимни ўраб олганча ялиниб-ёлвориб куйлашини илтимос қилишарди:

— Битта қўшиқ айтиб беринг.

— Тўғриси, айта олмайман...

— Айтнинг, илтимос!

— Ишонинглар менга, бугун овозим яхши эмас.

— Айтсайиз бўлади!

— Тўғриси, мен ялинтиришни хуш кўрмайман, жаноблар... мен...

— Куйласангиз-чи.

— Айтдим-ку, овозим ҳаста...

— Зарари йўқ, куйласа бўлади!

— Сизларга нима десам экан, — дея кулди хоним. — Куйлашга тўғри келади.

Бу ҳаётда кераксиз нарсалар мунча кўп бўлмаса: хонимнинг қўшиқ айтишини жуда илтимос қилишганда у куйлашни истамаганини аввал бир ўйлаб кўрса бўларди-ку... Охир-оқибат бутунлай акси бўлиб чиқди, уни ҳеч ким кўндира олмагач, у тўсатдан жазавага тушиб, ўзининг ёқимсиз овози билан ёмон бир романсни куйлашга киришди. Шу билан тугади.

У куйлаганда, ҳамма ўзаро шивирлаб, кулиб ўтирди. Бироқ охирги пардага етганда, хонимнинг истеъдодига қойил бўлгандек жимиб қолишдики, ҳатто қарсақ чалишни ҳам эсан чиқаришди.

Ҳозир, ҳамма ҳушёр тортиб, “Қойил! Қандай зўр истеъдод!” деб олқишласалар керак, деб ўйладим.

Бир дақиқалик довдираб қолишдан фойдаланиб, бармоқларим билан столни чертиб баланд овозда:

— Ҳа-ҳа... Зўр эмас, мазаси йўқ. Бўш. Ҳақиқаттан ҳам овозингиз йўқ экан, — дедим.

Ҳаммалари чувиллашди. Туриб, қўшни хонага чиқдим. У ерда бошқа бир хонимга дуч келдим. Юзлари чиройли, кўринишдан ақлли бу хоним. Бу ерда мен дам олиб суҳбатлашадиган бирдан-бир жонон эди.

— Келинг, лақиллашамиз, — дедим унинг ёнига ўтирарканман.
— Сиз ақлсиз, ҳар нарсага жаҳлингиз ҳам чиқавермаса керак. Бу ерда нечта хонимсизлар?

У менга кулимсираб қаради.

— Олти дона.

— Ҳаммалари ҳам эрга чиқишни хоҳлайдиларми?

— Жуда ҳам.

— Суҳбатлашганда ҳаммалари ҳеч қачон, сираям турмушга чиқмайман дейишадими-ку.

— Бўлмасам-чи... ҳамма...

— Эрларини пилиб бўлгач, ҳаммалариям уларга бевафолик қилишадими?

— Агар мижози иссиқлари хоҳлашса, бевафолик қилишади. Бўлмаса фақат эрларини пилишади, холос.

— Сиз ҳам шунақамисиз?

— Мен ҳам.

Хонада иккаламиздан бошқа ҳеч ким йўқ эди. Мен дилрабо жувонни қаттиқ қучиб, уни меҳрибонлик билан ўпдим ва бир оз овуниб, Кормалеевларникидан ташқарига чиқдим.

УЙҚУ ОЛДИДАН

Хотиним уйда мени кўз ёши билан қарши олди:

— Нега эрталаб холамни хафа қилдинг?

— Нега холанг гапиради бўлмаса?!

— Ахир доим жим туриш мумкин эмас-ку.

— Агар гапиришга сўзи бўлмаса, мумкин.

— Қари аёл. Эскиларни ҳурмат қилиш керак.

— Бизни эски гиламимиз бор. Шу гиламни калтак билан уриб, чангини қоқишни ҳар куни хизматчи қизга буюрасан. Рухсат берсанг, холангни ҳам шундай қилардим. Иккаласи ҳам эски, иккаласи ҳам ярамас, иккаласи ҳам чангли-ғуборли.

Хотиним йиғлайди ва менинг яна бир куним одатдаги мумтоз жумлалар билан тугади.

— Сиз эркаклар, ҳаммаларинг бир гўр.

Уйқуга ёгаман.

— Э, Худо! Ақалли сенинг бандаларингга раҳминг келсин, уларга яхши-яхши, ёруғдан-ёруғ тушлар ҳада этгин.

ТАДБИРКОРЛИК

Шаҳар билан танишиб чиққач, бирор иш билан шуғулланмоқчи бўлдим. Барча тадбиркор кишилар Перидаги махсус кафедра тўпланишларини эшитиб, мен ҳам ўша ерга бордим. Бир пиёла кофе олиб, кичик столчага ўтириб, аллақандай бир иш ҳақида бош қотира бошладим. Қопқондан ҳайвон ҳам қочади, дейишади. Ундай эмас экан. Ёнимга нотаниш бир жаноб келиб, елкамга қоқиб деди:

— Салом жаноб ёзувчи! Мени танимадингизми?

— Нега танимас эканман, — дедим ҳурматини жойига қўйиб. — Жуда яхши биламан-да. Аҳволлар яхшими?

— Бирор иш қидириб юрибман. Сиз-чи?

— Камина ҳам қандайдир бир иш билан шуғуллансам, деб ўйлаб ўтирибман.

— Лирадан борми?

— Бир оз топилади, — дея чўнтагимга уриб қўйдим.

Суҳбатдошимнинг юзларида аллақандай жиддийлик зоҳир бўлди.

— Ҳм-м... Сиз учун нимани ўйласам экан?..

— Ҳм... менда бир иш бор. Хоҳласангиз, арра қиламиз. Биласизми, битта қўй неча кило келади?

— Қанақа қўй?

— Оддий қўй. Биласизми, неча кило чиқади?

— Ким билади дейсиз! Ҳозиргача ҳикоя ёзганман. Лекин қўйни тортиб кўрмаганман.

— Наҳотки, қўйнинг вазнини билмасангиз? — нотаниш дўстим танбеҳ берди.
 — Тўғри келмаган. Агар керак бўлса, бекор вақт топилса, сиз учун...
 — Билмасангиз, билинг, ўртача қўй уч пудча келади.
 — Қаранг-а, ким билибди дейсиз!
 — Ҳа, шундай. Уч пуд. Бир қадоқ қўй гўшти неча сўм туришини биласизми?
 Эллик пиастр туради.

— Шундай. Ҳозир ҳаёт жуда оғирлашиб кетди, — дедим мужмал кайфиятда.
 — Бироқ ақлли киши учун ҳаёт дегани ўрта қўлдай жуда оддий. Шундай қилиб, давом этаман. Хўп, Сиз Кади-Кее шаҳрида битта қўй неча сўм туришини биласизми? Ўн лир. Энди мана сизга бир иш. Сиз йигирма, мен йигирма лирдан ўртага ташлаймиз. Мен иккита қўй сотиб олиб сўяман.

— Уларни сўймаслик керак, — дедим раҳмим келиб. — Шундай қўйларни сўясизми?

— Бўлмасам-чи, биз уларнинг гўштини сотишимиз керак-ку. Сиз қўрқманг, уларни ўзим сўяман. Шундай қилиб, бизнинг йигирма лирамизга олтмиш пуд қўй гўшти келади. Бозорда олтмиш лирдан. Яна териси билан шохи сизга фойдага қолади.

Умрим бўйи шохли қўйни қўрмаган бўлсам-да, бу маҳаллий зот қўй бўлса керак, деб ўйлаб:

— Жуда яхши иш, — дея билимдонларча бош силкиб қўйдим. — Пулни қачон келтирай?

— Истасангиз ҳозир. Қанча тез бўлса шунча яхши. Ёнингизда қанча бор? Тўлик йигирматами? Бўпти, раҳмат. Эрта тонгда қўйлар тайёр бўлади. Истасангиз, сизни-кига обкелиб кўрсатаман.

— Билмасам, қандоқ бўларкин. Айтиб бўлмайди, қўйлар ҳеч нимадан-ҳеч нима хонага кириб қолса... ҳар қандай ҳайвонларни уй эгасининг жини суймайди... Яхшиши, уларни сўйинг. Фақат жониворларни қийнаманг. Хўпми?

Янги шеригим, бу гуноҳсиз жонзоғларни сўйганда ҳечам оғриқсиз, тушдагидек энгил жон беришади, деб қайта-қайта ишонтириб, қайғули қиёфада мен билан хайр-лашади.

Ўшандан бери саккиз кун ўтди. Ҳалига қадар на шеригимни, на қўйларни, на фойдани кўрганим йўқ.

Афтидан, шеригимга бир кори ҳол бўлганга ўхшайди.

Баъзан тун бўйи: бу шафқатсиз кишига тирик қўйларни ўлдиришдек хавфли ишни топшириб тўғри қилдимми, деган хаёллар билан қийналиб чиқаман. Агар қўйлар йўлда унинг қўлидан қочиб кетган бўлса-чи? Ёки ўлим олдида жониворлар жонҳолатда бечора шеригимни сузиб, майиб қилиб қўйган бўлишса-чи?

Кеча кўчадан кетаётган эдим, ғалати воқеа рўй берди. Тўсатдан шеригим рўпара келиб қолса бўладими.

Хурсанд бўлиб қичқириб юбордим:

— Салом, азизим! Қани, қўйлардан дарак борми?

У менга ҳайрон бўлиб қаради.

— Қайси қўйлар? Кечирасиз мен сизни бутунлай танимаيمان.

— Наҳотки? Ахир биз иккимиз қўйлардан фойда қилмоқчи эдик-ку?

— Кечирасиз, Сизни биринчи марта кўриб турибман. Мен баъзан қўйлардан фойда қилиб тураман, лекин бир ўзим ишлайман, шеригим йўқ.

У мени четлаб ўтиб, йўлида давом этди.

“Қаранг-а, мунча ўхшамаса, — дея тўнғиллаб унинг изидан қараб қолдим. — Ўша юз, ўша овоз, қўйлардан фойда олиши ҳам худди ўшани ўзи!”

Бу мафтункор, сирли Шарқ яна қанчадан-қанча сир-асрорларни ўз бағрига сиғдира олган экан.

АТРОФДАГИЛАР

Бир киши уйланишга қарор қилди.

ОНА

— Мен уйланишим керак, — деди у онасига.

Она бир оз ўйлаб туриб обидийда қилди. Кейин ёшларини артиб деди:

— Пулинг кўпми?
 — Билмасам.
 — Хўп, латта-путтадан ниманг бор? Идиш-товоқ керак бўлади. Яна кумуш қошиқ, сочиқ ва ликопчалар... ҳаммасини сотиб олиш лозим. Агар савдогарга рўпара бўлсанг, юрак ўйноғи қилади. Меҳмонхонани бутунлай ўзгартириш керак, афтода ҳол бирор меҳмон қабул қилсанг шарманда-ю шармисор бўласан. Парёстиқ борми? Пар тўшак-чи? Сўрамай қўя қол.

Фақат она:

— Бўлғуси хотининг сени севадими? — деб сўрамади.

ЎЙНАШ

— Мен уйланаман, — деди у севгилисига.
 Ўйнаши оқариб кетди.
 — Унда мен-чи?
 — Сен мени унутишга ҳаракат қил.
 — Заҳар ичаман.
 — Агар сен озгина бўлса ҳам мени яхши кўрсанг, бундай қилмайсан.
 — Менми? Сеними? Яхши кўраман? Биласанми, азизим. Айтмоқ-чи, бугун менга Сергей Иванович кўнғироқ қилиб, уч марта гаплашди. Баҳорда у билан Кавказга кетмоқчимиз.

Бир оз ўйлаб туриб, кейин сўради:

— У қиз... бойми?

— Эҳтимол.

Юраги таскин топгандек:

“У мени пул учун кўймоқчи. Ҳар қалай бу унчалик алам қилмайди”, деб ўйлади.

Фақат ўйнаши:

— Бўлғуси хотининг сени севадими? — деб сўрамади.

ХИЗМАТКОР ҚИЗ

— Мен уйланаман, — деди хизматкор қизга.
 — Унда мен нима қиламан? Мени кўймоқчимисиз? Ё бошқа жой излайми?
 — Нега энди, сиз қолаверасиз.
 — Фақат барин, сизлар икки киши бўлсаларинг, иш ҳаққи ҳам икки ҳисса ошадди. Биринчидан, хотинингизни даҳмазаси кўп бўлади. Майда-чуйда, кир-чир дегандай, супир-сидир. Хуллас, беш сўмча қўшилади.

Ҳатто хизматкор қизнинг ҳам хаёлига:

— Бўлғуси хотинингиз сизни севадими? — деган оддий, инсоний савол келмади.

ЎТКИНЧИ

Уйланиш тараддудида юрган киши қувноқ, ширакайф ўткинчига рўпара келгач, жилмайиб туриб, деди:

— Биласизми, мен уйланмоқчиман.

— Аҳмоқ бўлибсан.

Уйланиш тараддудидаги киши эсанкираб қолди.

— Нимага?

— Худо раҳмат қилсин сени.

Бу ўткинчи ҳам одамлар сафига шўнғиб кетаркан:

— Бўлғуси хотининг сени севадими? — деб сўрамади.

Германияда маданий ҳаёт

* * *

Германия китоб савдоси бирлашмаси томонидан таъсис этилган тинчлик мукофоти ўтган йили турк ёзувчиси Яшар Камолга топширилди. 75 ёшли адибнинг асарлари бугунги кунда жаҳоннинг ўттиздан зиёд тилига таржима қилинган. Моҳир адиб, демократия ва инсон ҳуқуқлари учун толмас курашчи Я. Камолнинг “Мемед, лочиним менинг” китоби унга катта шуҳрат келтирди.

* * *

Рурдаги Эссен ўлкашунослик музейида Бронге-Новгород савдо йўлига бағишланган кўрғазма бўлиб ўтди. Икки аср муқаддам бунёд этилган, уч минг километр масофага чўзилган ушбу “маданият кўприги” Фарб ва Шарқни боғловчи қадимий савдо йўли ҳисобланади. Кўрғазмада Овруподаги уч юзга яқин музейдан келтирилган бир ярим минг экспонат намоён этилди.

* * *

“Берлиннинг 1997 йилги театр мукофоти”-га хореограф ва раққоса Пина Бауш сазовор бўлди. Чорак аср давомида Вуппертал раққ театрини бошқариб келаётган Бауш бутун дунёда, айниқса, Осиё ва Жанубий Америкада катта шуҳрат қозонди. Бугунги кунда раққоса балет соҳасида Париж опера театри билан ҳамкорлик қилмоқда.

* * *

Тошкентда Германиядаги Гёте институтининг шўъбаси иш бошлади. Шу муносабат билан Германиянинг Ўзбекистондаги фавкуллода ва мухтор элчиси доктор Райнҳарт Биндзайль ва Гёте институтининг Тошкентдаги бюроси раҳбари Лоттару хоним жаҳонга машҳур бу муассаса бўлимининг мустақил Ўзбекистон пойтахтида очилиши ҳар иккала халқ маданияти, адабиёти ва санъатининг ўзаро яқинлашувига хизмат қилади, деб таъкидладилар.

* * *

Берлинда Матбуот ва ахборот федерал идорасининг янги матбуот маркази иш бошлади. Марказда маҳаллий ва хорижий журналистлар учун замонавий шарт-шароитлар яратилган. Замонавий алоқа воситалари билан жиҳозланган радио ва телестудиялар, зарур адабиётлар ва газета-журналларнинг янги сонлари билан танишиш мумкин бўлган ўқув зали ва анжуманлар заллари бор. Бугунги кунда Берлинда рўйхатга олинган минг нафар журналистнинг 250 нафари хорижий журналистлардир. Янги матбуот маркази ҳукуматлар даражасидаги олий учрашувларни ўтказишга ҳам мўлжалланган.

* * *

Пойтахтимиздаги Давлат санъат музейида “Буюк Ипак йўли ворислари — Ўзбекистон” кўрғазмаси каталогининг тақдимот маросими бўлди.

1995 йил июнида Штутгарт шаҳрида Президентлар Ислон Каримов ва Роман Ҳерцог томонидан очилган “Буюк Ипак йўли ворислари — Ўзбекистон” кўргазмасини минглаб кишилар кўрдилар. Берлин шаҳрида ҳам ўз ишони давом эттирган мазкур кўргазмада Ўзбекистон ва Германия музейларидан кўплаб экспонатлар намоиш этилди.

Ушбу кўргазма ҳақида ҳикоя қилувчи каталог Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислон Каримовнинг “Буюк Ипак йўли ворислари — Ўзбекистон” кўргазмасининг очилишида сўзлаган нутқи билан очилади. Китобхонга қимматли маълумотлар берувчи турли хил фотосурат ва иллюстрациялар билан безатилган мазкур асар “Қадимги Ипак йўли”, “Марказий Осиё ислом даврида”, “Туркистон ўзбек хонликлари даврида” ва ниҳоят “Ўзбекистон” бўлимларидан иборат.

* * *

Германияда ўтказилган Ўзбекистон маданияти кунлари ўзбек ва немис халқлари ўртасидаги маданий, маърифий, иқтисодий, илмий-техникавий алоқаларнинг тобора мустаҳкамланиб боришида муҳим воқеа бўлди. Маданият кунлари тантанали очилишидан бир кун аввал Берлиндаги Хумбольдт номидаги университетда машҳур шоиримиз Чўлпоннинг юз йиллигига бағишланган “Чўлпон ва XX аср Ўзбек шеърляти” мавзуида илмий анжуман бўлиб ўтди.

Унда профессор Ингеборг Балдауф “Чўлпон ва Фитратнинг ўзаро ижодий муносабатлари”, доктор Зигрид Клайнмихель “Чўлпоннинг “Ёрқиной” пьесаси тўғрисида” мавзуларида маърузалар қилиши.

Берлиндаги энг катта, энг ҳашаматли “Форум” меҳмонхонасининг муҳташам залида Германия Федератив Республикасида Ўзбекистон маданияти кунларининг тантанали очилиш маросими бўлди. Тошкент шаҳар ҳокими Козим Тўлаганов ҳамда Берлин бургомистри халқларимизнинг бузилмас дўстлиги ҳақида сўзладилар. Шу ерда ўзбекистонлик санъат усталарининг катта концерти бўлиб ўтди. Дастурхон атрофида олимлар олимлар билан, иқтисодчилар иқтисодчилар билан, ўзбек тадбиркорлари ўзларининг немис ҳамкасблари билан самимий суҳбат қурдилар.

Санъаткорларимиз турли ташкилотларда, клубларда ўз маҳоратларини германиялик санъат ихлосмандларига намоиш этдилар. Ўзбекистон халқ артисти Насиба Абдуллаева раҳбарлигидаги “Самарқанд” ансамбли Берлиндаги “Дивади” ёшлар клубида немис санъаткорлари билан учрашдилар.

Севимли шоирларимиз Абдулла Орипов ва Эркин Воҳидов иштирокида ўтказилган мушоиралар маданият кунларига алоҳида файз киритди. Кечада уларнинг шеърлари ўзбек, немис ва турк тилларида жаранглади.

Германиялик кино мухлислари “Шум бола” бадий фильмини завқ билан томоша қилдилар.

Германияда ўтказилган Ўзбекистон маданияти кунлари тобора мустаҳкамланиб бораётган дўстлик ва маданий алоқаларимизнинг янги саҳифалари сифатида ўчмас из қолдиради.

* * *

Немис меъмори Хюнтер Бениш тиклаган Бонндаги Германия бундестагининг янги мажлислари саройи 256 миллион немис маркасига тушди. Баъзилар бундан кўра зарурроқ нарсаларга харж қилиниши керак бўлган пуллар шамолга совурилганидан афсус чекмоқда. Бироқ 1972 йили танлов эълон қилинганида Берлиннинг яна Германия пойтахти бўлиши кимнинг ҳаёлига келибди, дейсиз! Шу боис 1992 йил 30 октябрда ташкил этилган очилиш маросимида федерал конституцион суд президенти Роман Ҳерцог “сиёсатга ўхшаб инсоннинг ҳам олдиндан кўриш қобилияти нақадар ожиз” деган сўзларни айтиб ўтди. Иншоотни чала ҳолда ташлаб қўйиш мумкин эмасди. Берлиндаги рейхстаг қайта таъмирланмагунча янги мажлислар саройидан фойдаланиб туришга қарор этилди. Хўш, иншоотнинг мўъжизавий жиҳати нимадан иборат? Гап шундаки, доира шаклида жойлаштирилган ўриндиқларда ўтирган ҳар бир иштирокчи шиша девордан бутун шаҳарни кўра олади. Кўчадан ўтаётган ҳар бир йўловчи ҳам, гарчи овозни эшитмаса-да, ичкарида ўзи ва бутун немис халқи тақдирига тааллуқли улкан муаммолар ҳал этилаётганини бир қарашдаёқ фаҳмлаши мумкин. Албатта, сарф этилган чиқим миқдорига кўра иншоотнинг қанақанги замонавий асбоб-ускунаю

зёб-зийнаглар билан музайян этилгани тўғрисида гапириб ўтиришга ҳожат бўлмаса керак.

* * *

Олмония китоб беаги санъатини Хорст Янссенсиз тасаввур этиш қийин. Унинг ижодини қандайдир йўналиш ё оқимга нисбат бериш ундан ҳам қийин. Ҳамбург бургомистри Хеннинг Фошерау рассомнинг 60 йиллик тўйдан уч йил кейин уни “Ҳамбургнинг бугунги ягона даҳоси” деб атаганди.

Янссен бунга қатъий эътироз билдириб, “Мен даҳо эмасман, даҳо инсонман, зеро монументаллик ва рефлексияга ноқобиллик даҳонинг имкониятидир”, деганди. Рефлексиядан холилик, энг асосийси — ўз-ўзини таҳлил этиш Янссен асарларида учрамайдиган муаммо ҳисобланади. Унинг чизгиларида сувбўёқ ёрдамида ишқий лавҳалар шу қадар маҳорат билан акс эттириладики, рассомда бунча кучқудрат қаердан пайдо бўлганига ақл бовар қилмайди. Ҳали 22 ёшдалигидаёқ Ҳамбург фуқароси бўлмиш бу ижодкор Гензеи шаҳри истеъдодли рассомлар учун белгилаган Лиётвари номидаги мукофотга сазовор деб топилганди. У ижод этган ҳар бир манзара, у хоҳ қоралама бўлсин, хоҳ тугал асар, соатлаб томоша қилсангиз ҳам асло кўнгалга урмайди. Ҳамбург шаҳри рассом асарлари учун махсус ажойибхона очишга қарор қилганида у бу таклифни кескин рад этади. Тирикчилигимда асарларимнинг ажойибхона ашёсига айланишини сира хоҳламайман, дейди Янссен. Нима бўлади-ю, эски болохона унинг суратлари-

ни кўтаролмай рассом билан бирга қулаб тушади ва Янссеннинг кўзи қаттиқ жароҳатланади. У ногирон бўлиб қолади. Бироқ ижодга бўлган иштиёқ уни мўйқаламдан жудо этмайди, табибларнинг моҳирона ёрдамлари туфайли у ҳамон янги асарлар устида фидокорона иш олиб бормоқда.

* * *

Германиянинг китоб дўконлари энди кунга 24 соат, йилига 365 кун ишлайдиган бўлди. Олмон китоб савдоси Биржа уюшмаси нашриётида жўнатишга тайёр қилиб қўйилган миллион номдан ортиқ китоб, жарида ва аудит ёзувлар мавжуд. Бу фақатгина ахборот маълумотномалари эмас — уларга буюртма ҳам бериш мумкин. Истеъмолчилар бешта кенг-кенг библиографик банклардан керакли маълумотлар позициясини топадилар ва расман қайд қилинган китоб дўконларидан бирига буюртма берадилар.

* * *

Мессель конидан чиққан қадимги от суяги Дармштатдаги Ҳессен ерлари ажойибхонасидаги ноёб топилдиқлардан бири ҳисобланади. 1995 йили Мессель кони Олмония табиий ёдгорликларидан дастлабки сифатида ЮНЕСКО жаҳон мероси рўйхатига киритилди. Унинг тарихи ҳақидаги батафсил баённома Интернетга тантанавор тақдим этилган.

*Ғолиб ФАЙЗУЛЛА ва
Мирзаали АКБАРОВ
тайёрлади.*

КЕЛГУСИ СОНДА:

Рэй БРЕДБЕРИ. **Фантастик ҳикоялар.**
Владимир ТЕНДРЯКОВ. **Коммунизм гулбоғларида.** Ҳикоя.
Қадимги юнон масалчиси Эзопнинг саргузаштлари.
Мустай КАРИМ. **Шеърлар.**
Муҳаммад АЛИ. **Мен кўрган Америка.** Эссе.
Сирожиддин САЙИД. **Шеърлар.**

МУҲТАРАМ КИТОБХОН!

Эътиборингизга ҳавола этилаётган асарлар сизга маъқул бўляптими?
Сиз яна қандай асарларни ўқишни истардингиз?
Фикр-мулоҳазаларингизни кутамиз.

Жаҳон адабиёти 5.1998

ИНДЕКС 828, 829

Ўзбекистон Республикаси Давлат матбуот қўмитасида
руйхатга олинган. № 172

Ижарадаги Тошкент полиграфия комбинати. Тошкент, Навоий кўчаси, 30.

Таҳририят манзили:

700129. Тошкент. Навоий кўчаси, 30.
Телефонлар: 144—41—60. 144—41—61. 144—41—62.

Навбатчи муҳаррир Гулнора МУҲАММАДЕРОВА

Рассом М. КАРПУЗАС
Техник муҳаррир В. БАРСУКОВА
Мусаҳҳиҳ Т. ОРИПОВА

Теришга берилди 20.04.1998 й. Босишга рухсат этилди 18.06.98.
Бичими 70×108¹/₁₆. Офсет қоғози. Офсет босма. Шартли босма табоқ 18,2.
Нашриёт босма табоғи 20.0. Жами 4000 нусха. К-6143 рақамли буюртма.
Баҳоси шартнома асосида.